

✓ 833(59)
M 22

ТОҲИР МАЛИК

ТАФАККУР ГУЛШАНИ ИЧРА

“Одамийлик мулки”га илова

(Иккинчи китоб)

121365



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017

УЎК 389.2
КБК 83.3(5Ў)
М 22

Малик, Тохир

Тафаккур гулшани ичра ("Одамийлик мулки"га илова). Иккинчи китоб / Тохир Малик – Т.: Гафур Гулом номидаги НМИУ, 2017. – 596 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малиkning ахлоқ-одобга доир бир неча китоблари билан танишсиз. Ёзувчи кундалик оафтарыга кўчириб юрган Қуръони карим оятлари, Ҳадиси қудсий, шарафли ҳадислар, ривоятлар, ҳикоятлар, мақоллар, ҳикматларни саралаб, мавзулар бўйича тартиб бериб эътиборингизга ҳавола қиляпти. Мазкур китоб оила даврасидаги тарбияга доир сўхбатларда ота-оналарга қўлланма, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртидаги маърифий дарсларда эса маърузачиларга ёрдамчи, маслаҳатчи бўла олади, деб ўйлаймиз.

УЎК 389.2
КБК 83.3(5Ў)



ISBN 978-9943-4911-5-1

© Тохир Малик
© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2017

ЖОН ҚЎШНИМ

“... ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга... яхшилик қилинглар”.

(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Нисо сурасидан)

Тафсир:

Тафсирчи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган “яқин қўшни”ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, деб, “ён қўшни”ни эса оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тушунирганлар. Қўшнига яхшилик қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли йўқ таълимотдир. Кези келганда, шу жойда бир неча ҳадиси шарифларни зикр этайлик:

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия берардики, уни меросга ҳам шерик эмасмикин, деб ўйлаб қолдим”, дейдилар.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Аллоҳнинг ҳузурда дўстларнинг яхшиси ўз дўстига яхшилик қилганидир. Аллоҳнинг ҳузурда қўшниларнинг яхшиси ўз қўшнисига яхшилик қилганидир”, деганлар.

Абу Бакр ал-Баззор Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом қуйидагиларни айтадилар: “Қўшнилар уч хил бўладилар: битта ҳаққи бор қўшни – ҳаққи энг оз қўшнидир; иккита ҳаққи бор қўшни ва учта ҳаққи бор қўшни – буниси энг кўп ҳаққи бор қўшнидир. Энди, битта ҳаққи бор қўшнига келсак, у мушрик қўшнидир. Унинг қўшнилик ҳаққи бор, холос. Иккита ҳаққи бор қўшни эса мусулмон қўшнидир. Унинг ҳам мусулмонлик ҳаққи, ҳам қўшнилик ҳаққи бор. Учта ҳаққи бор қўшни эса – мусулмон ва қариндош қўшнидир. Унинг қўшнилик, мусулмонлик ва қариндошлик ҳақлари бордир”.

Маълумки, қўшниларга яхшилик қилиш жамиятдаги инсоний алоқаларни мустаҳкамлашга, жамиятни кучли-қудратли қилишга хизмат этади. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисининг ҳурматини жойига қўйсин”.

Пайгамбаримиз алайҳиссалом: “Биласизми, қўшнининг ҳақи нима? – дедилар ва бу саволларига ўзлари бундай жавоб қилдилар:

– Иона истаса – иона берасиз. Ёрдам сўраса, ёрдам берасиз. Қарз сўраса, қарз берасиз. Камбағаллашса, рўзғорига мадад бериб турасиз. Хасталанса – зиёратига борасиз. Вафот этса, жанозасига қўшиласиз. Омад кулиб боқса, уни қутланг. Бошига мусибат тушса, таъзиясида бирга бўлинг. Ундан рухсат бўлмаса, уйингизни унинг уйдан баланд қилиб қурманг. Чунки уйингизни баланд қилиб қурсангиз унинг нимасигадир тўсқинлик қилган бўласиз. Унга азоб берманг. Бирон мева олган пайтингизда унга ҳам беринг. Агар бермоқчи бўлсангиз, уйга олиб келганингизни кўрмасин.

Болангизнинг қўлига бирон мева бериб ташқарига чиқариб юбормангки, қўшнининг боласи шундай нарсага эга бўлмагунча бундан ўпқаланиб юрмасин. Қозонингизда қайнатган гўшт ҳиди билан уларни нотинч қилманг. Агар келтирган гўштингиздан бир парчасини унга кесиб берган бўлсангиз, гўшт ҳиди таралишининг айби йўқ.

Биласизми, қўшнининг ҳақи нима? Аллоҳга қасамки, қўшнини ҳаққини фақат Аллоҳ марҳаматига ноил бўлган кимсаларгина ўтай олади”.

Шарҳ:

“Қуйидагилар қўшнилик бурчлари жумласига киради: қўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ, гаплашганда гапни чўзмаслик, кўп савол бермаслик, касал бўлганда кўргани бориш, бошига мусибат тушганда таъзиясида қатнашиш, унга нисбатан бирга сабрли бўлиш, севинчли онларида қутлаш – унинг севинчи билан севиниш, хатоларини кўрмасликка олиш, уйини жосусларча кузатмаслик, деворига бир нарсалар қўйиб ёки осиб ғашини келтирмаслик, унга тегишли жойдан сув олмаслик, уйининг олдига ахлат ва супуринди тўкмаслик, ўтиш йўллари тораитирмаслик, бирон баҳона билан уйига қарамаслик, қулоққа чалинган оилавий сирларини ёймаслик, керагида, шаънига ёмон сўз айтаётганларнинг гапини бўлиш, ўзи йўқлигида уйини қўриқлаш, унга қарши айтилган сўзларга қулоқ солмаслик, маҳрамига оид хусусларда кўз юммоқ, хизматчисига қарамаслик, боласига ширин сўзлар айтиш, диний ва дунёвий масалаларда билмаганларини билдириш...”

(Абу Хомид Ғаззолий)

* * *

“Э Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина қутулиш мумкин”.

* * *

Набий муҳтарам (с.а.в.)дан сўрадилар: “Э Расулаллоҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади. Кундузлари рўза тутади ва одамларга хайр-эҳсон улашади ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин қўшниларига тили билан озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?” Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: “Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир”. Яна сўрадилар: “Фалоний хотин фарз намозларини ўқийди ва борини, арзимас бўлса ҳам, садақа қилади. Шу билан бирга у ҳеч кимга озор бермайди”. Аллоҳнинг расули (с.а.в.) жавоб бердилар: “Бу хотин жаннат аҳлидандир”.

* * *

“Аллоҳ таоло Қиёмат кунида етти тоифага раҳмат назари билан қарамайди ва уларни гуноҳлардан покламайди ҳамда уларга: “Дўзахга кирувчилар билан бирга дўзахга киринглар”, дейди. Ана ўшаларнинг бири қўшнининг хотини билан зино қилувчи; яна бири эса қўшнисига азият берувчи. Агар тавба шартлари билан тавба қилсалар, Аллоҳ кечирувчи зотдир”.

* * *

“Аллоҳ номи билан қасамки, қўшнисини безовта қилувчи одам мусулмон бўла олмайди!”.

* * *

“Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, қалбидан, тилидан, қўлидан одамлар саломат бўлмагунча, банда мусулмон бўлмайди; банда мўмин бўлмайди, қўшниси унинг ёмонлигидан омон бўлмагунча”.

“Унинг ёмонлиги нима?” деб сўрашди.

Айтдилар: “Қўполлиги ва зулми”.

* * *

“У қўшни бу қўшнининг бегуноҳлигига амин бўлмаса, бу қўшнининг иймони шубҳа остида бўлади... Қиёмат куни биринчи бўлиб, ёвлашиб қолган қўшнилари муҳокамага қўйилади”.



* * *

“Қўшнига яхшилик қил, тинч-саломат бўласан... Кимнинг Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймони бўлса, қўшнисига нисбатан иззат-икромда бўлсин”.

* * *

“Ким ўзи тўйиб овқат есаю, қўшниси оч ўтирса – иймонсиздир”. *(Бошқа бир ривоятда: “Қўшнисининг очлигини била туриб, ўзи тўқ ётган одам тўлиқ иймон келтирган ҳисобланмайди”)*

* * *

“Шўрва пиширганингизда сувини кўпроқ қилинг. Кейин қўшнилариңгиздан хабар олинг ва уларга мувофиқ равишда шўрвадан солиб беринг”.

* * *

“Сухбатдошларнинг энг яхшиси – хушфеъл ва кўнгилга маъкули ва қўшнилариңг энг яхшиси – қўшнисига муносабатда мумтозидир”.

* * *

“Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси эса оч ўтирган бўлса, у киши комил мўмин эмасдир”.

* * *

Бир куни Аллоҳнинг расули (с.а.в.) саҳобалари билан йўлда кетаётганларида: “Қўшниларига азият етказганлар биз билан бирга юрмасин”, дедилар. Саҳобалардан бири буни эшитиб: “Мен қўшнимнинг девори остига таҳорат ушатиб эдим”, деб афсусланди. Набий муҳтарам унга қараб: “Сен сафимиздан чиқ”, дедилар.

* * *

Бир киши Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб қўшнисидан шикоят қилди. Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: “Унга ўзинг озор беришдан тийилгин ва унинг озорига сабр қилгин ва ажралишмоқ учун ўлим кифоядир”.

* * *

Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобаларидан сўрадилар: “Зино нима?” Саҳобалар жавоб бердилар: “Зино қилиш ҳаром, уни Аллоҳ таоло ва Унинг расули ҳаром деб атаганлар”. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Киши ўнта хотинни зино қилгани гуноҳи қўшнисининг хотинини зино қилгани гуноҳидан енгилроқдир”. Яна сўради-

лар: “Ўғрилиқ тўғрисида нима биласизлар?” Саҳобалар жавоб бердилар: “Ўғрилиқ – ҳаром. Уни Аллоҳ таоло ва Унинг расули ҳаром деб атаганлар”. Набий муҳтарам дедилар: “Ўнта хонадондан ўғрилиқ қилиш битта қўшни уйидан ўғрилиқ қилишдан енгилроқдир”.

“Барака ва баракасизлик хотин, маскан ва отда бўлади”.

Шарҳ: Хотиннинг саодати маҳрининг енгиллиги, никоҳнинг осонлиги ва хулқининг гўзаллигидир (маҳрига оғир нарса талаб қилмайди, никоҳда келажакни ўйлаб, ишнинг осон кўчишига қулайлик яратади, устига-устак хулқи ҳам гўзал бўлса, хотин уйга кут-барака келтиради) Хотиннинг бахтсизлиги аксар ҳолларда маҳрининг оғирлиги, никоҳининг қийинлиги ва хулқининг ёмонлиги билан боғлиқ бўлади.

Масканнинг саодати – турар жойнинг кенглиги ва қўшнилари-нинг яхши бўлишига боғлиқ. Барака йўқлиги – турар жойининг торлиги ва қўшнилари-нинг ёмон феъл-атворли бўлишидан келиб чиқади. Отнинг саодати унинг юмшоқ ва яхши табиатли бўлиши-дир. Асов ва ёмон табиатли отлар ишнинг баракасини қочиради.

Қўшничилик ҳақи фақатгина қўшнига азоб бермасликдан иборат эмас. Қўшни учун қандайдир қийинчиликни зиммага олиш ҳам керак бўлади. Чунки қўшнига азоб бермасликнинг ўзи ҳали ҳақ адо этилди, дегани эмас. Бунинг учун ҳатто маълум қийинчилик ё ноқулай аҳволга чидаш ҳам камлик қилади. Шу билан бирга қўшнига яхши (меҳр кўрсатиш) ва мулойим муомала қилиш, хайр-садақа қўлини узатиш ҳам керакдир. Айтадиларки, қиёмат куни камбағал қўшни бош қўшнининг ёқасига ёпишиб, дейдики: “Ё Раббим, Ўзинг сўра бундан! Нега шариатга кўра менга бериши лозим бўлган нарсани бермади, менга эшигини ёпди”. (“Мукошафатул қулуб”дан)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) хузурларига бир одам келиб қўшнисидан шикоят қилди.

Набий муҳтарам (с.а.в.) унга:

– Сабр қил! – дедилар.

Орадан кунлар ўтиб, иккинчи ва учинчи марта шикоят билан келганида ҳам сабр қилишга даъват этдилар. Тўртинчи марта келганида:

– Уйдаги ашёларингни кўчага чиқариб ташла! – дедилар.

У одам шундай қилди. Йўлдан ўтувчилар: “Сенга нима бўлди?” деб сўрашса, “Кўшним мени шу аҳволга солди, тинмай азоб



беряпти”, деяверди. Шунда одамлар: “Бундай озорли кўшни Аллоҳнинг лаънатига учрагай”, дейдиган бўлишди. Бу кўргиликдан ноқулай аҳволга тушган кўшни узр билан чиқди ва деди:

– Ашёларингни йиғиб ол. Аллоҳга қасамки, энди сени сира нотинч қилмайман.

Бир куни Оиша онамиз нон ёпдилару бир сабаб бўлиб, бу нонни кўшнининг қўйи ея бошлади. Оиша онамиз қўй оғзидан нонни олмоқчи бўлганларида Расулulloҳ (с.а.в.): “Майли, ундан қолгани ҳам бизга кифоя қилади, қўйнинг бу иши тўғрисида гапириб, кўшнига озор бермагин”, дедилар.

Ҳазрати Оиша онамиз: “Ҳадяни икки кўшнидан қай бирига берайин?” деб сўраганларида Аллоҳнинг расули (с.а.в.): “Қайси бирининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга бер”, деб марҳамат қилдилар.

“Мужоҳид ҳикоя қилади: “Бир куни ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳ ёнида эдим. Ўғли ҳам бор эди. У қўй сўйиб терисини шилаётган эди. Отаси дедики: “Қўйни сўйиб бўлганиндан кейин, кўшниларга беришни ёнимиздаги яҳудий кўшнидан бошла” Абдуллоҳ бу сўзни ўғлига бир неча марта такрорлади. Охири ўғли: “Неча марта айтасиз, ота?” деб ажабланди.

Шунда Абдуллоҳ дедики:

– Расулulloҳ кўшничилик ҳаққига шу қадар кўп ўғит берардиларки, биз кўшнини кўшнига ворис қиладилар шекилли, деб ўйлаб қолардик”.

(“Мукошафатул қулуб”дан)

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ғуломига айтди: “Кўчқорни сўйиб, яҳудий кўшнига насиба бергин”.

Кейин бир соат вақт ўтди. Айтди: “Эй ғулом! Агар кўчқорни сўйсанг, яҳудий кўшнимизга насиба бергин”.

Ғулом айтди: “Бу яҳудий кўшни бизга азият беради-ку?”

Абдуллоҳ ибн Амр: “Пайғамбар алайҳиссалом бизларга ҳамиша кўшни ҳақида васият қилганларидан, бизлар уни мерос олса керак, деб гумон қилардик”, деди”.

(“Танбеҳул-Ғофилийин”дан)

Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳузурига бир одам келиб дедики: “Менинг бир қўшним бор. Менга азоб беради, сўқади, тинчимни бузади”. Ибн Масъуд шу жавобни берди: “Ғуноҳларидан кеч, агар у сен сабабли Аллоҳга осийлик қилаётган бўлса, сен у боис Аллоҳга итоат эт”.

“Бизнинг ёшлигимизда кўрганимиз шундай эди-ки, у вақтда ҳеч бир киши ўз олтин-кумушини бошқа мусулмон биродаридан азизроқ ҳисобламас эди. Ҳозир эса, ҳар биримиз учун олтин-кумуш ҳар қандай мусулмон биродаримиздан яхшироқ бўлиб қолди. Мен Расулуллоҳдан: “Бир қанча қўшнилари Қиёмат куни ўз қўшнилари-нинг этагидан ушлаб: “Э Раббим! Мана бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди” деб даъво қилади”, деган ҳадисларини эшитганман”.

(Абдуллоҳ ибн Умар)

“Учта ахлоқ жоҳилият даврида яхши саналган эди, лекин мусулмонлар наздида янада яхшироқдир: биринчиси, агар униқига меҳмон тушса, унга яхшилик қилишга ҳаракат этадилар. Иккинчиси, агар хотини қариса, уни талоқ қилмайди. Унинг зоеъ бўлишидан қўрқиб, ўз уйида ушлаб туради. Учинчиси, агар қўшнилари қарздор бўлса ёки мусибат ёки қийинчилик етса, ҳаракат қилиб, қарзини тўлайдилар ва ўша мусибатлардан уни чиқарадилар”.

(Ибн Аббос)

“Ҳовлингизнинг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан яна қирқ, ўнг томонидан яна қирқ, чап томонидан яна қирқ ҳовлининг ҳаммаси қўшни ҳисобланади”.

“Қўшнидан азиятни тийиш яхши қўшничилик эмас, яхши қўшничилик – қўшнидан бўлган азиятга сабр қилишлиқдир”.

“Яхши қўшни сенга зиён ва ташвиш етказмайдиган қўшни эмас (аслида бундай қўшни ҳам яхши), балки сенинг ёмонлигингга чидаб яшайдиган қўшнидир”.

(Ҳасан Басрий)



Ҳасан Басрий ҳазратларига бир аёл келиб аҳволидан шикоят қилди. “Уйинг қаерда?” деб сўрадилар. “Сизнинг уйингиздан етти эшик нарида”, деди аёл. Ҳасан Басрий ҳазратлари бор пулларини санаб кўрсалар етти танга экан. Ҳаммасини бердилар. “Ё Аллоҳ, ҳалокатга учрашимга оз қолибди-я!” дедилар. *(У зот етти хонадон наридаги қўшнилариининг оғир аҳволда эканидан бе-хабарликларини ҳалокат деб билганлар)*

“Мусулмон киши қўшнининг азиятига сабр қилиши лозим бўлади. Қўшнисига бирор азият бермайди. Қўшни ундан омонда бўлади. Қўшниси учун унинг тинчлиги, омонлиги уч нарса биландир: қўли билан; тили билан; аврати билан. Тили билан омон бўлиши – қўшниси эшитиб қолишидан қўрқадиган ва қўшнисининг олдида гапиришдан уяладиган гап-сўзларни гапирмаслигидир. Қўлдан омон бўлишлиги – агар қўшниси бозорда бўлса-ю, қопи қўшнисининг уйида қолганини эслаб қолса, шунда “қўшнимнинг уйи ҳам ўзимнинг уйимдек-ку, қопимга ҳеч ким тегмайди”, деб хотиржам бўлишидир (яъни шу даражада қаттиқ ишоинишидир) Авратидан омонда бўлиши – агар у сафарда бўлса ва уйига қўшниси кирганини эшитиб қолса, қалби хотиржам бўлиши баробарида хурсанд ҳам бўлишидир (яъни шундай хотиржамлик даражасида ишонч, меҳр-садоқат ўртада бўлишидир)”.
10

“Қўшничиликнинг чиройи ва комиллиги тўрт нарсададир: қўшнига ҳамдард бўлиш; қўшнисида бор бўлган нарсага тамаъ қилмаслиги; ундан ўз азиятини тўсмоғи; қўшни томонидан бўлган азиятга сабр қилмоғи”.

(Абу Лайс Самарқандий)

“Икки нарсани ислоҳга келтириш жуда қийин: қариндош-уруғларнинг бир-бирларига бўлган адоватларини ва қўшнилариининг ҳасадини”.

(Сукрот ҳақим)

“Оғир тош кўтардим, темир кўтардим, аммо ёмон қўшнидан оғирроқ нарса кўрмадим”.

(Луқмони ҳақим)

“Бир одам уйида сичқон кўпайганидан шикоят қилади. Унга: “бир мушук топсанг бўларкан”, дейишади. У ўзига бундай деганларга жавоб беради: “Сичқонлар мушук келганини сезиб, кўшнимизнинг уйига қочиб ўтади. Шу тариқа ўзимга хохламаган нарсани кўшнимга истагандай аҳволга тушиб қолармикинман, деган андишадаман”.

(“Мукошафатул қулуб”дан)

Бир одам чоғроқ шолча устида ўтирган экан. Ёнига кўшнисини чорлабди. Кўшниси: “Э биродар, шолчангиз бир парчагина-ю, яна менга иззат кўрсатмоқчи бўласиз-а”, деб кулибди. Шунда лутф кўрсатган кўшни дебди:

– Бир-бирига душманлик қилувчи ноаҳил кўшнилари бутун дунёга ҳам сиғишмайди. Аҳил кўшнилари бир парча шолчага сиғиб, роҳат кўраверадилар. Гап шолчанинг торлигида эмас, кўнгилининг кенглигида.

Масал: Бургут човут солиб ҳовлидаги қуённи кўтариб кетибди. Ўша ҳовлида яшайдиган чумчуқ қуёнга ачиниш ўрнига мазах қилиб чириллабди:

– Эй чопағон қуён! Чопағонлигинг ёрдам бермадимми?!

Чумчуқнинг чирқиллашини эшитган бошқа бургут учиб келибди-ю, уни човутига илибди. Шунда қуён унга қараб:

– Жуда тез учардинг-ку, қанотларинг фойда бермадимми? – деган экан.

(Масалдан олинадиган маъно шуки, қўшни бошига келган фалокатдан кулиб, мазах қилиши ярамайди. Балки қўшни оғир аҳволга келган ёрдам бериб, бундан қутқариши керак. Қўшни бошига келган фалокатдан қувонган кишининг ўзи ҳам бирор фалокатга учраши тайин)

Икки қўшни бир парча ерни “Бу меники! Йўқ, меники!” деб талашаётганида ер тилга кириб, “талашмаларинг, икковинг ҳам меникисанлар, икковинг ҳам бағримга кирасанлар”, деган экан.

“Қўшничилик – бир чинни идиш кабидир. Дарз кетса, изи қолади. Шу сабабли яхши қўшничилик муносабатини эъозлаган маъқул”.

* * *

Бир одам муҳтожликдан қийналаётган қўшнисининг уйини сотиб олди. Кечаси йиғи овозини эшитди. “Ким йиғлаяпти?” деб сўради. “Сотилган уйнинг эгалари”, деб жавоб беришди. “Уларни чақириб айтинглар, қалблари эзилмасин, сотган уйларини қайтардим, ўзларига буюрсин, мендан олган пуллари уларга ҳадя”.

* * *

Кунлардан бир куни Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (рахматуллоҳи алайҳ) деворлари қулади. Шогирдларидан бирининг қўшни томондан бир оз тупроқ олиб, лой қорганини кўриб қолдилар-да у шогирдни “менга ярамайсан”, деб ҳузурларидан нари қидилар. Девор учун бошқа лой қордирдилар.

* * *

“Фалончиниқида қўш ноғора қизиб, тайёр туради. Қўшнисиникида бир гап бўлса ноғора қоқиб, элга ошкор қилади”.

* * *

“Кўчага, қўшним томонга мағзава тўкканимдан кўра, бу мағзавани ўз ичимга тўкканим афзал”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Қўшнинг тинч – сен тинч.
- * Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирарсан.
- * Қўшнингга қасд этма, баст эт (*баст – қувонтириши маъносидда*)
- * Қўшнингни янима, киноя сўз доғ этар, қурбинг етса кўмаклаш, эшигингни боғ этар.
- * Қўшнинг ёмон бўлса – ёмонлик келар, қўшнинг яхши бўлса – омонлик.
- * Қўшниси яхши қаримас.
- * Ҳовли олма, қўшни ол.
- * Қўшнининг товуғи ғоз кўринар, келинчаги – қиз.
- * Қўшнининг оши – ғавғонинг боши.
- * Қўшнининг оши – тотли.
- * Қўшнининг миннатли ошидан чумчуқнинг сояси афзал.
- * Қўшнингга ёмонлик соғинма.
- * Қўшнинг яхши бўлса, кўр қизинг ҳам эрга тегар.
- * Қўшнинг кўр бўлса – кўзингни қис.
- * Қўшнининг билгани – ҳамманинг билгани.
- * Қўшнида пишар, бизга ҳам тушар.
- * Қўшника қўшнининг товуғи кўркли кўринар.
- * Қўшни – қўшнининг бозори.
- * Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганар.
- * Қўшни оши – қўшника қарз.
- * Қўшни келди – кўмак келди, эт келди – суяк келди.
- * Қудангдан қўй сўрама, қўшнингдан уй сўрама.
- * Қиёмат куни – қўшнидан.
- * Яхши қўшни – ота-она, ёмон қўшни – бошга бало.
- * Яхши қўшни узоқ қариндошдан яхши.
- * Яхши қўшника ялингунча, ёмон уйингдан ахтар.
- * Яхши ҳамсоя гулдир, ёмон ҳамсоя чўлдир.
- * Яхши ҳамсоя орасидан қисир эчкининг қили ўтмас.

Дуо:

– Ё Аллоҳ! Биз – бандаларингда ҳам ёмон қўшника хос иллатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бизларни бу иллатлардан холи қил, яхши қўшни мартабасини бер.

Ё Аллоҳ! Ёмон қўшнидан паноҳ беришингни сўраймиз. Сендан очликдан паноҳ тилаймиз. Сендан хиёнатдан паноҳ тилаймиз.

Ё Аллоҳ! Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) Сендан сўраган барча яхшиликларни сўраймиз. Омийн, ё Раб ал-олабийн!

МЕҲМОН – УЙНИНГ ЗИЙНАТИ

“Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шояд-ки эсласангиз”.

(Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Нур сурасидан)

Ҳадиси қудсийдан:

“Эй Одам фарзанди! Агар уйингга меҳмон келмай қолса, Парвардигорга “Лаънати шайтон ёмонлигидан мени Ўзинг сақла”, дея илтижо қил”.

“Эй Одам фарзанди! Сен хузурингга келган Менинг меҳмонларимни сийла, Мен ҳам хузуримга келган сенинг меҳмонларингни *(яъни сенга тегишли кишилар вафот этиб келишганида)* сийлайман”.

“Эй Одам фарзанди! Барча мол-дунё Менинг мулкимдир. Сен қулимсан. Сенинг кулбангга таклифингсиз келган меҳмон эса, Менинг элчимдир. Қўлингдаги ўзим берган неъматларимни қайтариб олиб қўйишимдан қўрқмайсанми?!”

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Ким Аллоҳга ва охиратга ишонган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Мезбоннинг бир кеча-кундуз кўрсатган иззат-икромни, қилган зиёфати меҳмон учун бир мукофот тариқасида бўлсин. Асли меҳмоннинг иззати уч кундир. Бундан ортиғи меҳмон учун садақадир. Меҳмон уйда то мезбон ҳайдаб чиқармагунича туриб қолмасин”.

Набий муҳтарам ансорлардан бирининг хонадонига кирдилар-да таом едилар. Кейин чиқиб кетиш олдидан:

– Бу ерга жойнамоз келтиринглар, – дедилар.

Шунда бир шолчага сув сепиб келтирилди. Унда нафл намози ўкиб, хонадон ҳаққига дуо қилиб кетдилар.

Иброҳим алайҳиссаломдан “Қайси фазилатларингиз учун Аллоҳ сизни Ўзига дўст қилиб олди?” деб сўралганида учинчи сабабни баён қилиб дедиларки: “Кундузги овқатни ҳам, кечки овқатни ҳам меҳмон билан баҳам кўрганим учун”.

“Иброҳим алайҳиссаломни “меҳмонларнинг отаси”, деб аташарди. У кишининг уйларида тўрт эшик бор эди. “Қайси эшикдан бирор киши келаркин”, деб қараб ўтирардилар”.

(Икрима)

“Меҳмонни давлат ва баракотдан санайдиганлар ўлиб кетди. Ҳар бир қора шарпа қўноқ бўлмасин, деб чодир бузувчилар қолди”.

(Маҳмуд Қошғарий)

“Меҳмонга ҳалол ва покиза таом тақдим этилади, меҳмон бирор ғаразли мақсад ва риё учун кутилмайди”.

(Хусайн Воиз Кошифий)

“Меҳмонга хос бўлган одоблардан бири шундайки, кимки меҳмонга таклиф этилса, рад қилмай бориш керак. Борганда эса уйнинг юқорисини кўзламай, уй соҳиби қаерни кўрсатса, ўша ерга ўтириш лозим. Кираётганда ва ўтираётганда таъзиму тавозуъни унутмасин. Ўзлари хоҳламай турган икки одамнинг орасига суқилиб ўтирилмайди, чунки уларнинг суҳбатига тўсқинлик қилади”.

“Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одатлардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмасин, чунки буюрган ишини бажариш уй соҳибига оғирлик қилиши мумкин. Агар меҳмондан қандай овқат қилиб бериш ҳақида сўралса, энгил овқатни танласин. Улуғ кишилар доимо шундай қилишган”.

(Маҳмуд ибн Муҳаммад)

“Меҳмонга борсанг, уй эгаси кўрсатган жойга ўтир. Нимани келтирса, индамай е. Мезбон ташқарига чиқса, ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма. Гоҳ буни, гоҳ уни ушлайверма. Аммо китоблари турган бўлса, кўриш мумкин”.

(Қаюм Носирий)

“Ким чақирса келишдан озорланадиган кишини чорласа, бу даъват этган кишига гуноҳ ёзилади. Агар даъват этилган киши келса, икки гуноҳ ёзилади. Чунки даъват қилган киши уни ўзи истамаган ҳолда емакка зўрлаган бўлади”.

(Суфён Саврий)

“Уйингга келган меҳмонга тушлик овқатни берган бўлсанг, кечда унга “Овқатланишга иштаҳангиз борми?” деб сўрама. Меҳмон оч бўлса-да, уялганидан “Иштаҳам йўқ”, демоғи мумкин. Шунинг учун қандай таоминг бўлса-да, тақдим қил”.

(Абу Аъло ал-Маррий)

“Агар бир меҳмондорчиликка борсанг, агар шу зиёфат моли ҳаром бўлмаса, унга фисқу-фужур аралашмаган бўлса, боришингдан зарар йўқдир. Агар акси бўлса, норози эканингни билдириб бормай кўявер. Фақат чақирилган жойгагина бориш лозим. Зиёфатга борсангу бир мункар (*Исломда қайтарилган*) ишни кўрсанг, у ердагиларни бу ишдан қайтар, агар кўнмасалар, зиёфатни тарк эт. Борди-ю сен улар билан ўтираверсанг, улар сени шу ишдан рози экан, деб ўйлайдилар ва яна шу ишни давом эттираверадилар”.

(Абу Лайс Самарқандий)

Абдулкарим Абу Умайя деган киши юнгдан бўлган кийимни кийиб Абул Олия ҳузурларига келди. Шунда Абул Олия унга дедилар: “Бу насоро роҳибларининг кийими. Мусулмонлар бир-бирларини зиёрат қилиб борганларида ясаниб, яхши кийимлар кийиб борардилар”.

“Меҳмонга таклиф этилсанг, ошни одоб билан е. Бировнинг олдидаги овқатга қўл чўзма. Ўзингга яқин турган жойдан ол. Пичоқ ўйнатмагин. Қўлингга суяк олиб, кемириб ўтирма. Бошқаларнинг ош-овқатларини татиб кўришдан асралиш лозим. Ўзгаларни зўрлаб-қисташ ярамайди. Аёлларга ўхшаб бемалол емагин, аммо шошилиш ҳам зарар. Аёллардек серилтифот бўлиш ортиқча. Буларга мулоҳаза юрит. Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам, таклиф қилингандан кейин овқатдан ейиш лозим. Бу сенинг қадрингни оширади”.

(“Қутадғу билиг”дан)

“Ҳар мўмин уйига меҳмон келса, уй эгасига ҳам уч нарса вожиб бўлур ва меҳмонга ҳам уч нарса вожиб бўлур. Уй эгасига вожиб бўладурғон уч нарсанинг бири шулки, ани хизматга таклиф қилмаслик, иккинчиси шулки, меҳмонга берган таомини ҳалолдин касб қилиб топиб бермоқлик, учинчиси шулки, меҳмон учун намозни муҳофаза қилмоқлик, яъни намоз вақтида меҳмонга хабар бериб, ани оби-тахоратидин хабардор бўлмоқ лозимдур. Меҳмонга вожиб бўлғон уч нарсанинг бири шулки, уй эгаси ани қайси жойга таклиф қилса ўшал жойга ўлтурмоқ, иккинчиси шулки, ани олдиға уй эгаси нима таом қўйса, анга рози бўлмоқ, учинчиси шулки, кетар вақтида уй эгасини дуо қилиб кетмоқ вожибдур”.

(“Манбаъ ул-маориф” китобидан)

“Меҳмонлар сенинг уйингга қадам қўйсалар, сен ҳар вақт барча одамларинг билан уларнинг олдиларига чиққил, яхши сўз билан қарши олгил, токи улар сенга миннатдорчилик билдирсинлар”.

“Меҳмонлар бир-икки сўрамагунларича сен ўтирма. Меҳмонлар “биз розимиз, ўтир”, десалар “мени қўйинглар, сизларга хизмат қилайин”, деб айтгил. Яна такрор айтсалар, ундан кейин ўтир. Уларнинг розилигини олгил ва ҳаммадан пастда ўтиргил. “Э фалончи, таомни яхши е (ёки “ҳеч нима емадинг”), мен сенга лойиқ ҳеч нима қила олмадим, иншааллоҳ, кейин бунинг узрини яхшироқ қиламан”, деявермагил. Бу сўз улуғлар, бообрў кишиларнинг сўзи эмасдир, балки бозорчиларнинг ва безориларнинг сўзидир. (Бундай одамлар бир неча йилда бир марта меҳмон чақирадилар.) Буларнинг меҳмонлари хижолат ейдилар, таом емайдилар, меҳмондорчиликдан тўймасдан туриб кетадилар. Бизларнинг Гилонда яхши одатларимиз борки, меҳмон чақирсалар, дастурхон ёзиб, таомларни келтириб қўядилар ва кўзаларда сув ҳам келтириб, дастурхон четларига қўядилар ва барча меҳмонларни дастурхон атрофига ўтқазиб, ўзлари чиқиб кетадилар. Бир киши лаган ва косаларни саранжомлаш учун қолади. Меҳмон таомдан кўнгли хоҳлаганича ейди, ундан кейин мезбон ўтиришга киради. Араб халқининг дастурхони ҳам шундайдир”.

“Э фарзанд, меҳмонга миннат қилмагил, очиқ юз билан гапиргил. Ҳар бир киши сенинг меҳмонинг бўлса, шодлик билан таомингни есин”.

721365

“Э фарзанд, ҳар куни бегона одамларни меҳмон қилмагил, чунки ҳар кун меҳмон чақирсанг, меҳмонга лойиқ ишларни кўнглинг тўлгунча қила олмайсан. Кўргилки, кўнглинг ҳар ойда неча марта меҳмон чақиришни тилайди. Агар уч марта чақиришни тиласа, бир марта чақиргил, уч марта қиладиган харжингни бир мартада қилгил, бу билан дастурхонинг айбсиз бўлғай, айб қилиб кетувчиларнинг тили боғлиқ бўлғай”.

“Э фарзанд, ҳар қандай кишиникига меҳмон бўлиб бораверма, чунки ҳашамат ва шавкатингга зарар етказди. Агар бирор ерга меҳмон бўлиб борсанг, кўп оч бўлиб бормагил, қаттиқ юриб ҳам бормагилки, таом ейишдан узрли бўлиб ўтирсанг мезбон озор чекади. Агар таомни кўп есанг, халқнинг кўзига ёмон кўринасан. Мезбон уйига кирсанг, хатто ошнангники бўлса ҳам, ўзингга муносиб жойда ўтир ва таом устида буйруқ ҳам бермагил, яъни мезбоннинг хизматкорларига: “Э фалончи, бу уй ўзимнинг уйимдир, товоқни у ерга қўй, бошқаларнинг таом ва косасига қўл урма”, демагил. Ўз чокарларингга бирор бурда нон олиб бермагил, дебдирларки, мезбоннинг уйдан бирор нарса олиш – уят”. (“Қобуснома”дан)

*Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Яхши кишилар одоби”.
 (“Одоб ас-солиҳин”) асаридан:*

“Адаби аввал – фақирлар меҳмон қилинади. Бойларни меҳмонга махсус чақирилмайди-ки. Пайғамбар алайҳиссалом: “Ёмон таом у таом-ки, бойларни хос чақириб берилса ва қашшоқларни чақирилмаса”, деб айтибдурлар. Яна бир шарт шуки, бир уйдан отасини чақирса, боласини ҳам чақирсин ё у уйдан чақирилган кишининг яқин қариндоши бўлса, уни ҳам қўшиб чақирилсин, уни маҳрум қилинмасинки, бу иш жафодур.

Иккинчи адаб – меҳмонни кўп икром ва эҳтиром қилинади (*Меҳмон қанча кўп келса ҳам ранжимай, аксинча қувониш керак*) Меҳмон икромининг муддати уч кунгачадир, тўртинчи куни кўп такаллуф қилинмаса ҳам бўлади.

Учинчи адаб – уйнинг деворларини меҳмон учун парда ва палос билан ясатилмайди-ки, макруҳдир. Лекин меҳмон остига нақшли тўшаклар ёзсалар, башарти ипак ёки йиртқич ҳайвон териси бўлмаса, жоиздир.

Тўртинчи адаб – меҳмонга таомни кўп кечиктирилмай тез келтирилади. Яна нон юмалоқлиги катта-катта қилинмайдик, мутакаббирлар расмидир. Ва яна дастурхон устига ҳозирларга кифоя қилгудек нон қўйилади, зиёда қўйилмайди-ки, исроф ва хорлаш бўлади. Синдирилган нон бўлса, яна бир нон синдирилмайди, бу ҳам исроф ва хорлашга киради.

Бешинчи адаб – меҳмонга таом қўйилгандан сўнг тановулга изи берилади. Башарти меҳмон бегона бўлса, аввал уй эгаси таомга қўл узатади, яна қўлини ҳаммадан охири тортади. Агар ўз ошна ва биродарлари бўлса, аввал уларни ҳурмат қилади, улардан илгари қўл узатмайди.

Олтинчи адаб – меҳмон таомга ҳаддан ортиқ тарғиб қилинмайди, балки уч мартагина тарғиб қилинади, ундан зиёда зўрланмайди.

Еттинчи адаб – таом ейишда меҳмонга шерикчилик қилади. Агар нафл рўзага ният қилган бўлса ҳам.

Саккизинчи адаб – лаззатли ва латиф таом меҳмонга едирилади ва бундайроғини ўзи ейди. Агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса, ўзи камроқ еб, аксар таомни меҳмонга едиради. Меҳмон таомланганидан сўнг кетмоқчи бўлса, келган вақтида олдига чиққандай ижозат бериб, то эшиккача бирга кузатади. *(Айрим одоб китобларида етти қадам юриши тавсия этилган. Меҳмондорчилик давомида меҳмон ташқарига чиқишни ихтиёр этса, мезбон ҳам бирга чиқади. Бу ҳолда ҳам етти қадам бирга юришни одобдан, деганлар)* Хайрлашар вақтида “Мени ҳурмат қилибсизлар, сизларни Аллоҳ сийласин!” деб дуо қилинади.

Тўққизинчи адаб – уйда нима нарса бор бўлса, меҳмон олдига қўйилади. *(Бахиллик қилинмайди, меҳмондан нарса қизғанилмайди. Ясама илтифот кўрсатилмайди)*

Ўнинчи адаб – таомда такаллуф қилинмайди, агар яхши ният ва дуруст қасд билан такаллуф қилинса мумкин. *(Миннат қилманг, балки аксинча, меҳмон дастурхонингиздан нон еганидан қувониб, Аллоҳга шукр қилиб, меҳмонга эса миннатдорчилик билдиринг)*

“Яхши, ҳалол одамлар уйига меҳмон бўлиб бориш; фосиқ, кишилар ҳақини ейдиган ҳаромхўрлар уйига қадам қўймаслик керак, улардан ҳазар қилиш керак. Шариатга хилоф ишлар содир бўладиган мажлисларга бормаслик лозим. Аммо сенинг ҳурматинг учун ғайришаръий ишлар тарк этиладиган бўлса, бориш мумкин”.

(“Футувватномаи султоний” асаридан)

Донолар бисотидан:

Кимни кўрсанг бу жаҳонда ўз ризқин терадир,
Хоҳ сенинг уйингда бўлсин, хоҳ ўз айвонида.
Сен карам хонини ёз, ҳам шукр қил, Парвардигор
Берди ошу нон дўстга дўст дастурхонида.

Бир устозни шогирдлари меҳмонга таклиф қилишганида у киши: “Уч шартим бор, мени тўрга ўтқазиб олиб калтакламайсан, сўнг уруш майдонига ташламайсан, кейин қамаб қўймайсан”, деган экан. Устознинг шартлари бу маънода эди: тўрга ўтқазиб калтаклаш – ҳадеб “таомдан олинг, олинг”, деявериб ҳолдан тойдириш (*Бу хусусда бир латифа: мезбон “сомсадан олинг”, деб қистайверди. Меҳмон: “Раҳмат, сомса бағоят ширин бўлибди, тўртта едим, Худога шукр, тўйдим”, деса, мезбон яна лутф қилибди: “Бешта едингиз, яна битта олинг, жуфт бўла қолсин”*)

Устознинг иккинчи шarti – жанг майдонига ташламаслик – меҳмондорчилик пайтида, айниқса суҳбат вақтида атрофда болаларнинг шовқин қилмаслиги эди. Устознинг учинчи шarti – “қамаб қўймайсан”, дейиши “кетадиган бўлсам “яна ўтиринг”, деб қистайвермайсан” деган маънода эди.

Меҳмондан ҳеч қачон “қорнингиз очми?” деб сўралмайди. Бир одам меҳмонидан: “Очмисиз, ташнамисиз ё уйқунгиз кел-яптими?” деб сўрабди. Меҳмон ҳазил йўсинида жавоб берибди: “Булоқ бошида тўйиб ухлаб келдим”. Бу жавобни эшитиб мезбон ўйланибди: “Демак, булоқ бошида тўйиб сув ичган, тўйиб ухлаган. Фақат... қорни оч экан”.

Бир хасиснинг қовурилган товукни уч кундан бери дастурхонга қўйиб, аммо емасдан олиб кетаётганига разм солган меҳмон: “Бу товукнинг қовурилгандан кейинги умри тириклигидан ҳам узунроқ шекилли?” деб ўйлаган экан.

Ҳикоят: Халифа Мўътасим бир гуноҳқорни ўлимга ҳукм қилди. Гуноҳқор дедик:

– Э мўминларнинг амири, Аллоҳ ва Унинг расули ҳақи учун мени бир коса сув билан меҳмон қилингики, мен жуда ташнаман. Ундан кейин амрингизни бажо келтирсинлар.

Халифа Мўътасим “Аллоҳ ва Унинг расули ҳақи учун” дейилган онтнинг ҳурматини сақлаб буюрди, гуноҳкорга сув бердилар. У киши сувни ичганидан сўнг деди:

– Аллоҳ таоло сизга меҳр-шафқат ато қилсин. Э мўминларнинг амири, шу бир коса сув билан сизнинг меҳмонингиз бўлдим. Энди мурувват билан буюрингки, агар меҳмонни ўлдириш лозим бўлса, мени ўлдираверсинлар. Агар афв қилсангиз, сизнинг олдингизда барча гуноҳим учун тавба қиламан.

Бу гапни эшитган халифа табассум қилиб деди:

– Тўғри айтасан, меҳмоннинг ҳаққи улўғдир. Сенинг гуноҳингни афв этдим. Сен тавба қилдинг, бундан буён нотўғри йўлга ҳеч қадам қўймагил.

Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёру дўстларини даъват қилиб, зиёфат берди. У кишининг гўзал ва ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун дам олиш учун болохонага чиққан эди, беҳос мункиб, пастга йиқилди-ю жон берди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб, юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар қилди-да:

– Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, – деб тайинлади.

Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ҳузурига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. “Ўғлингиз қаерда, нима учун кўринмай қолди?” деб сўрадилар. Ота бечора меҳмонларнинг кайфиятларини бузмаслик учун фожиани яширди: “Ўғлим сал чарчабди, ухляпти”, деган жавоб билан чекланди. Меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эрталаб бомдодни ўқиб, нонушта қилишгач, кетишга изн сўрадилар. Шунда ота кўзларига ёш олиб деди:

– Дўстларим, ўғлим кечки пайт болохонадан йиқилиб вафот қилди... пешинга жаноза...

Меҳмон ҳузурига мезбон қанчалик бурчли бўлса, меҳмон ҳам мезбон хонадонига нисбатан бурчлидир, унинг молига, аҳли аёлига ёки оиланинг бошқа аъзоларига ёмон назар билан қарамаслиги шартдир. Бир ўғри уйни шип-шийдон қилиб чиқиб кетаётганида айвонда бир қопни кўрибди, қоронғида унинг ичи-

да нима борлигини билолмай, ялаб кўрибди. Билса – туз экан. “Мен бу уйдан туз тотиб, хонадоннинг меҳмонига айландим, унинг молини ўғирлаш мен учун ҳаром”, деб олган нарсаларини ташлаб чиқиб кетган экан.

Бир киши хотинига: “Бўйдоқ меҳмонга келганида бутун нон қўй”, деб тайинлабди. Хотини бунинг сабабини сўраганида у дебди: “Оилали, рўзғорли одам етишмовчиликни, рўзғорда ҳамма нарса тўла-тўкис бўлмаслигини биледи ва уйида ҳам шундай ҳолатлар бўлиб тургани учун сир сақлаб, қаноат қилиб бировга гапирмайди. Бўйдоқ эса оиладаги камчиликларни англамагани, билмаганидан “синиқ нон қўйди”, деб маломат қилади”.

“Тўй, мажлис каби йиғин жойларига чақирилмаган бўлсанг, борма. Борсанг, ўз обрў-ҳурматингни тўккан бўласан. Бошқаларнинг таомига берухсат қўл узатма. Узатсанг, иззат ва эътиборингни йўқотасан.

Истамас эрса киши, сен унга меҳмон бўлмагил,
Гавҳари қийматбахосан, санги дандон бўлмагил!”

22

Меҳмонга борувчининг зиммасига юклаган вазифалар:

Адаби аввал – хусусан яхши ва фақир киши, гарчи қўйнинг бир почасига чақирса ҳам қабул қилиб, албатта борилади. *(Қандай овқатлар тайёрланиши сўралмайди. Баъзилар “Чақирилган жойгагина боринг” деган шарафли ҳадисга асосланиб, чақирилган жойга боришни вожиб (зарур) ҳисоблаб, уни тарк қилмасликка буюришган лекин аксари уламолар буни вожиб эмас, балки таъкидланган суннат дейишган.)*

Иккинчи адаб – билгилки, никоҳ учун қилинган таомга чақирсалар рўздор бўлса ҳам қабул қилинади-ки, баъзи уламолар буни вожиб дейдилар ва баъзи уламолар ўзга чорловга ўхшаш мустаҳаб дейдилар. Агар ким шаръий узр билан бормаса, гуноҳкор бўлмайди.

Учинчи адаб – агар таомга золим, фосиқ, риёкор, бидъатчилар чақирсалар бормағайки, мустаҳабдур.

Тўртинчи адаб – чақирилмасдан бир кишининг таоми устига борилмайди. Агар икки киши чақирган бўлса, қайсиниси яқинроқ қўшнилардан бўлса, аввал ўшанга борилади. Икки яқин қўшни баробар чақирган бўлса, қайсинисининг ошнолиги кўпроқ

бўлса аввал шунга борилади. Яна шуки, таом эгасининг изнисиз чақирилмаган кишини кўшиб олиб бормади-ки, макруҳдир, агар чақирилган кишининг орқасидан ўзи кўшилиб борса, таом эгасининг эшигига келганда, “бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин, бўлмаса қайтсин”, деб айтилади.

Бешинчи адаб – меҳмон бўлган жойида кишилар орасида ҳирс ва ёқимсизлик билан таом емаслик учун меҳмон ўз уйида бир оз таомланиб боргани яхши.

Олтинчи адаб – меҳмонга борганида мезбондан олдин юрмайди. Меҳмон уйга аввал ўнг оёқни қўйиб киради. Уйга кирганида салом беради. Уй эгаси қаерни кўрсатса, ўша жойга ўтиради, ҳар нима келтирса тановул қилади. *(Келтирилган таомнинг айбини топмасдан, балки мақтаб-тақтаб ейиш одобдандир.)* Кўзини ҳар қаерга қарашдан сақлайди. *(Айниқса, таом келтириладиган томонга ҳадеб қарайверишдан сақланиш керак. Агар ҳовлида аёллар юрган бўлишса, дераза орқали у томон қараш ҳам яхши эмас.)* На таом жиҳатидан ва на ўзга важҳдан уй эгасига ҳукм қилмайди, агар бир-бирлари билан илгаридан сирдош бўлсалар, ҳукм қилишининг айби йўқ.

Еттинчи адаб – ходимга ва ошпазга жоиз бўлса ҳам биродарлик шундай-ки, меҳмонлар бир-бирларига луқма бермайдилар ва гадо, ит, мушукнинг ҳукми ҳам шундай.

Саккизинчи адаб – таом эгасининг изнисиз насиба кўтарилмайди, таом олиб кетиш учун эмас, ейиш учун қўйилади.

Тўққизинчи адаб – дастурхон йиғиштирилгандан кейин мезбоннинг ҳаққига хайрли дуо қилинади. Хайрлашув вақтида шукр қилади, шикоят қилмайди.

Ўнинчи адаб – таомдан сўнг “Овқат еб бўлдингларми, энди тарқалишинглар ҳам мумкин” ҳукмига биноан кўп сўзлашиб ўтирмай, кетишга ижозат сўралади, беижозат ва берухсат кетилмайди. Шарафли ҳадисда айтилган: “Ҳар вақт бир мажлисдан туруб кетмоқни ирода қилсангизлар, аввал мажлис аҳлига салом бериб, андин сўнг турингизлар, чунки у суҳбатда баъзи ношоиста сўзлар сўзлағон бўлсангизлар берган саломларингиз анга каффорат бўлур ва сизлар учун фаришталар анга истиғфор айтурлар ва сизларга раҳмат нозил бўлур”, таъкидига амал қилинса янада яхши”.

Меҳмондорчилик пайтида икки киши сўзлашиб ўтирганда орага суқилиш, уларнинг сўзларини бўлиб сўзга киришиш, ўз мартабаси, даражасидан юқорига чиқиб ўтириш – инсонга тубанлик келтиради, обрўсини тўкади.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Ширин нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин.
- * Меҳмон – отангдан улуғ.
- * Келмак – иродат, кетмак – ижозат биландир.
- * Меҳмоннинг келиш ихтиёри ўзидан, кетиш ихтиёри эса мезбондан.
- * Меҳмондан қолган таом шифодир.
- * Сўраб бергандан кўра уриб бер.
- * Тўйга борсанг – тўйиб бор.
- * Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан.
- * Меҳмон иззатини билсин.
- * Яхши меҳмон ош устига, ёмон меҳмон бош устига
- * Супурилмаган уйга меҳмон келур.
- * Меҳмон сўраб емайди.
- * Меҳмонга ош қўй, икки қўлини бўш қўй.
- * Ёши улуғни улуғласа – бахт топар.
- * Бетамиз меҳмон мезбонни қистар.
- * Биринчи кун меҳмон – олтин меҳмон,
Иккинчи кун – кумуш, учинчи кун мис, учдан ўтса – пес.
- * Борини берган уялмас.
- * Йўлли кишининг меҳмони бир келар.
- * Ёқса гуруч ош бўлади, меҳмон кўнгли шод бўлади.
- * Келгунча меҳмон уялар, келгандан сўнг мезбон уялар.
- * Мезбон борини қўйса, меҳмон озга санамас.
- * Меҳмон – мезбонга азиз, мезбон – меҳмонга лазиз.
- * Меҳмон жойи кўз устида.
- * Меҳмон келган уй – баракали.
- * Меҳмон келган уйнинг чироғи равшан.
- * Меҳмон келса учтаккина, учиб кетса қушдеккина.
- * Меҳмон келса чоптирар, бор-йўғингни топтирар.
- * Меҳмон келса эт пишар, эт бўлмаса – бет пишар.
- * Меҳмон кўрки – дастурхон.
- * Меҳмон оз ўтирар, кўп кўрар.
- * Меҳмонга ширин сўз бер.
- * Меҳмонни сийлаган итига суяк ташлар.
- * Меҳмоннинг итини “тур!” дема.
- * Меҳмоннинг кетишини сўрама, келишини сўра.
- * Меҳмоннинг олдида мушугингни “пишт!” дема.
- * Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳри-дилинг кенг бўлсин.
- * Ойда келганга – оёқ, кунда келганга – таёқ.
- * Очиқ юз – ошдан ширин.
- * Ош меҳмон билан лазиз.

- * Сухбат севмаган тегиримон қурдирар, меҳмон севмаган боластини урар.
- * Чақирилмаган қўноқ – йўнилмаган таёқ.
- * Ширин чойинг бўлмаса, ширин тилинг бўлсин.
- * Юзга “сиз-биз”дан, битта жиз-биз яхши.
- * Ўзи келган меҳмон – атойи Худо,
Чақириб келган меҳмон – гадойи Худо.
- * Меҳмон “тўйдим” дейди, мезбон “ёқтирмади”, дейди.
- * Меҳмон дастлаб – олтинга, сўнгра – кумушга, кейин эса темирга ўхшар”. (Ҳабаш мақоли)
- * Меҳмонда бўлмаган – меҳмондорчиликни билмас. (Абхаз мақоли)
- * Меҳмон нонга эмас, мезбон кўзига боқар. (Арман мақоли)
- * Мезбон хурсанд бўлмаса – меҳмон дилтанг бўлар. (Грузин мақоли)
- * Қон-қардошдир элимиз ҳам еримиз,
Дўстлар, келиб меҳмон бўлиб кетингиз. (Қозоқ мақоли)
- * Меҳмон оз ўтирар, лекин кўп кўрар. (Туркман мақоли)
- * Кимки ўз меҳмонини самимий дўстлик ва муҳаббат билан кутиб олса, бундай кишининг уйига хотиржам кираверадилар. (Ҳинд ҳикмати)

ОЛТИН ОЛМА, ИЛМ ОЛ

“...Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни ва илм берилганларни юқори даражаларга кўтаради”. (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Мужодала сурасидан*) (Саҳобий Абдуллоҳ Ибн Масъуд (р.а.) қачон бу оятни ўқисалар: «Эй одамлар, бу оятни яхши англамлар, у сизларни илмга тарғиб қилади», деб таъкидлар эканлар)

* * *

“*(Аллоҳ) Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққакки, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар*”.

(Бақара сурасидан)

* * *

“*Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?*”.

(Зумар сурасидан)

* * *

“...ушбу масалаларни Биз одамлар (ибрат олсинлар) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар”.

(Анкабут сурасидан)

* * *

“Эй одам боласи! Билгилки, саломатлик – бирликда, ихлос – тақвода, художўйлик – тавбада, ибодат – илмда ва бойлик – қаноатдадир”.

(Ҳадиси қудсийдан)

* * *

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”.

* * *

“Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ ваҳий юбориб: “Эй Иброҳим, мен олимман ва барча олимларни яхши кўраман”, деди”.

* * *

“Кимки одамларга ўргатиш учун илмдан бир бобни ўрганса, унга етмишта сиддиқнинг савоби берилади”.

“Ким илм олиш учун йўлга отланса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осонлаштиради. Малаклар илм толибининг амалидан хушнуд бўлганларидан унга қанотларини ёзадилар. Ердаги ва самодаги барча мавжудотлар ва ҳатто балиқлар илмли кишига истиғфор келтириб, унга Аллоҳдан афв тилайдилар. Олимнинг обиддан устунлиги – мисоли тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан устунлиги каbidир. Шубҳасиз, олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир. Муҳаққақки, пайғамбарлар ўзларидан кейин на бир динор, на бир дирҳам қолдирмадилар. Улар фақат илмни мерос қолдирдилар. Ким уни олса, ўзига жуда улуғ бир улуш олган бўлур”.

“Мендан кейинги умматим учун уч нарсадан қўрқаман: ҳоюҳавас бобида янглишишидан; меъда ва хотин шаҳватига эргашишидан; илмдан кейин ғафлатга тушишидан”.

“Аллоҳ илм берган олимни сизлар паст санаманглар. Чунки Аллоҳ илм бераётганида уни паст санамаган”.

“Ким бировга бир нарса ўргатса, ундан ўрганиб, амал қилган одам савобича савоб олади”.

“Кимки кичикларга раҳм қилмаса, катталаримизни ҳурматламаса ва олимларнинг ҳақини бермаса, биздан эмас”.

“Ким илмни тўрт нарса учун ўрганса, дўзахга киради: илми билан олимлар ичида фахрланиш учун, аҳмоқлар билан тортишиш учун, одамларнинг эътиборини қозониш учун ва амирлардан мол, обрў, ҳурмат олиш учун ўқиса”.

Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрадилар: “Одамларнинг қайсиси ёмон?” Айтдилар: “Бузилган олим. Агар олим бузилса, унинг бузуклигидан олам бузилади”.

“Инсонларга яхшиликни ўргатиб, ўзини унутган киши инсонларга ёруғлик таратиб, ўзини эритган мум каbidир”.

“Умматим икки нарсадан: илмни тарк этиш ва мол-дунё йиғишдан ҳалок бўлиши мумкин”.

“Ё олим ёки илм ўрганувчи ёхуд тингловчи ё илмни севувчи бўл. Аммо бешинчиси бўлма, маҳв этиласан”.

Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг набиралари Ҳасан ёш бола эди, ҳазрати Расулulloҳнинг косаларидаги сувни ичиб қўйди. Расули акрам савол қилдилар:

– Менинг косамдаги сувни ким ичди?

– Ҳасан ичди, – деб жавоб қилинди. Шунда рисолатпаноҳ жанобимиз:

– Ҳасан қанча сув ичган бўлса, барчаси илм бўлсин, – деб дуо қилдилар.

“Илм ўрганмоқ Аллоҳ ҳузурда намоздан, рўзадан, садақадан, ҳаждан ва Азизу Жалил Аллоҳ йўлида жанг қилишдан ҳам афзалдир”. *(Бунни тўғри англашимиз лозим. Яъниким, ҳадисда намоз ёки рўзани қўйиб, илм ўрганавер, деган маъно йўқ. Балки ҳар икки амалдан келадиган савоб даражалари таққосланяпти)*

“Қиёмат куни уч тоифа кишилар шафоат қилинадилар. Булар – пайғамбарлар, олимлар ва шаҳидлар”.

“Ким дўзахдан озод қилинганларга қарашни яхши кўрса, илм олувчиларга қарасин. Муҳаммаднинг жони бўлган Зотга қасамки, қайси бир таълим олувчи олимнинг эшигига келса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир қадамига бир йиллик ибодатни ёзади ва ҳар бир қадамига жаннатда бир бино барпо қилинади. Ерда юрса, унга истиффор сўрашади. Кечаси ва кундузда гуноҳлари кечирилган ҳолда бўлади. Унга малоикалар гувоҳлик берадилар ва: “Ана улар Аллоҳнинг дўзахдан озод қилган бандаларидир”, деб айтадилар”.

“Аллоҳ таоло бандаларидан илмни тортиб олиш билан кўтармайди, балки илмни олимларни олиш билан кўтаради, ҳаттоки биронта олим қолмайди. Шунда одамлар жоҳил бошлиқларини ушлайдилар, улардан сўрайдилар, улар жавоб берадилар, ўзлари ҳам адашадилар, одамларни ҳам адаштирадилар”.

“Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир”. (Мазкур шарафли ҳадиси тўғри англамоқ лозим: бунда нафл ибодатлар инкор этилаётгани йўқ, балки улардан ҳосил бўлажак савоб билан илм олмоқликдан ҳосил бўлувчи савоблар миқдори қиёслантирилади.)

Абдуллоҳ ибн Масъуд сўрадилар: “Эй Расулаллоҳ, охиратда сизнинг умматингиздан ёмонларнинг ёмонроғи ва азобининг кўпроғи қайси одам бўлади?” Ул саййид бул сўроққа шу он жавоб бермадилар. Сўрагувчи киши уч марта такрор сўраганларидан сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: “Охиратда ёмонларнинг ёмонроғи – илмларидан фойда олмай, амал қилмаган олимлардир. Халқ орасида нима ҳукм қилсалар пора учундир. Авомларнинг нафси ҳаволарига қараб юрган олимларга бериладиган азоблардан қаттиқроқ азоб ҳеч кимда бўлмас”. (Жавобнинг савол уч карра қайтарилганидан сўнг берилишига сабаб: Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг олимлар ҳурматиини сақлаб, уларни айблашга шошмаганларидадир)

“Охиратда яхшиларнинг энг яхшироғи – яхши олимлардир. Улар билган илмлари билан халқ орасида амри маъруф ва наҳйи мункар қиладилар. Юмшоқ сўзлар сўзлаб, фосиқлардан йироқ қочувчи бўлурлар. Бойлару амалдорларнинг мажлисларига яқин йўламаслар. Ва буларга бойликлари учун тавозуь қилмаслар. Ҳукмлари учун пора олмайдилар. Масжид йўлидан қолмай, баҳслар қилмайдилар. Ҳар қандайин замима ишлар бўлса, яхши олимлар барисидан йироқ бўладилар”.

“Дўзахда бир азобли қудуқ (чуқурлик) бор. Ўша қаттиқ азобли қудуқни Аллоҳ таоло “Жуббул ҳузн”. («қайғу қудуғи») деб атади. Ул қудуқ риёкор қорилар учундир. Булар шундайин олимларки, илм топиб, риёкорлик билан халқ орасида ниятлари фақат обрў-эътибор топиш бўлган”.

“Бугун сизлар ҳавойи нафслар илмга тобеъ замонда яшайпсизлар. Ҳали шундай замонлар келади-ки, унда илм ҳавойи нарсаларга тобеъ бўлади”.

“Пайғамбар (с.а.в.) масжидга кириб, у ерда икки мажлисни кўрдилар. Биттаси – Аллоҳни зикр қилаётган, иккинчиси – фикҳдан таълим олаётган эди. Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: “Икки мажлис ҳам яхшиликдадир, аммо биттаси иккинчисидан афзалроқ. Ана улар Аллоҳга дуо қилишяпти, Аллоҳ хоҳласа, уларга беради, хоҳласа, манъ қилади. Ана улар эса, илм ўрганишяпти ва билмаганларга ўргатишяпти. Мен ҳам муаллим қилиб юборилганман ва булар афзалроқдир”. Шундай деб таълим олаётганлар даврасига қўшилдилар”.

“Ер юзидаги амалларнинг афзали учтадир: илм олиш, жаҳд ва касб қилиш. Илм толиби – Аллоҳнинг ҳабиби, ғозий Аллоҳнинг авлиёси ва касб қилувчи Аллоҳнинг дўстидир”.

“Уламолар пайғамбарларнинг Аллоҳ бандалари устидаги аминларидир. Модомики, султонларга аралашмасалар ва дунёга берилмасалар. Агар дунёга кирсалар, пайғамбарларга хиёнат қилган бўладилар. Бас, унда улардан узилинглар ва сақланинглар”.

“Пайғамбаримизнинг хузурларига борган эдим. У зот масжидда қизил хирқада эдилар.

– Ё Расулуллоҳ! Мен илм истаб келдим, – дедим.

Бунга жавобан марҳамат қилдилар:

– Илм толибига марҳабо! Илм толибига фаришталар қанотларини ёзадилар. Кейин илм толиби истаган нарсага бўлган севги ва муҳаббатларидан бир-бирларига сингган ҳолда дунё самосига тушадилар”. (Сафвон бин Ассал)

“Пайғамбар (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: “Олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхшиси олимларни зиёрат этганидир. Фақирнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва амирнинг эшигига борган фақир нақадар нохушдир”.

Халқ бу ҳадиснинг зоҳирий маъносинигина қабул қилган, яъни бир олим ёмон олим бўлмаслик учун амирни йўқламаслиги лозим, амирни бориб кўриш унга муносиб эмас, деб билган. Аслида фикрнинг ҳақиқий маъноси халқ ўйлагандай эмас, балки бундай: олимларнинг ёмони амирдан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз аҳволини яхшилагани, кучга кирганидир.

Амирлар менга инъом берадилар, мени иззат-икром қиладилар ва бир яхши жой эҳсон этадилар, деган олим олимларнинг энг ёмонидир. У истаса-истамаса, ҳамма вақт бу йўлга уйғун тарзда ҳаракат этади. Хуллас, бу важдан хоҳ у амирни кўргани борсин, хоҳ амир унинг ҳузурига келсин, барибир, у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Аллоҳ учун бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фаолияти савоблидир. Чунки яратилиш шундайдир, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам бундан ўзгасини қилолмайди. Унинг қўлидан келгани шу. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқариб йўлга солиб турган нарса ақлдир. Ҳамма ундан кўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у таратган нурдан баҳра оладилар. Хуллас, бундай бир олим амир ҳузурига борса, зоҳиран у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вақт юксалишга чорловчи бир қувват – ёрдам олади. Олимнинг эса амирга эҳтиёжи йўқ. Чунки у бадавлатдир, нур сочаётган куюш кабидир. Иши беғараз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир. У тошлардан лаъл ва ёкут қила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тоғлардан мис, олтин, кумуш ва темир маъданлар ясайди. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Дарахтларни турли-туман мева-лар билан бойитади. Иш – эрмаги эҳсондир, ҳады қилмоқдир.

Арабнинг “Биз бермоқни ўргандик, олмоқни ўргана олмадик”, мақолидаги сингари олим ҳам беради-ю бировдан олмайди. Ниҳоят, бундай олимлар ҳақиқатда зиёрат этилган, амирлар эса зиёрат этган бўладилар”. (*Жалолиддин Румий*)

“Ким билса, амал қилса ва ўргатса, уни осмон салтанатида “азим” деб чақирилади”.

“Чироқ кўтариб юрган кўр кишининг чироғи бошқаларга нур таратишидан унга нима фойда? Ташқарида турган чироқдан қоронғу уйга нима фойда? Амал қилмаганингиздан кейин ҳикматни гапириб юришингиздан нима фойда?”

“Илм ўрганиб, унга амал қилмаган киши худди яширин ҳолда зинога бориб, ҳомиладор бўлган ва кейин сири очилиб қолган аёлга ўхшайди. Тангрининг илмига амал қилмаган кишининг сирини У ҳам Қиёмат кунда худди хотин каби гувоҳлар ҳузурда очиб ташлайди”.

“Дарахтлар кўп, лекин ҳаммаси ҳам мевали эмас. Уламолар кўп, уларнинг ҳаммалари йўл кўрсатувчи эмас. Мевалар кўп, уларнинг ҳаммаси бирдай ширин эмас. Илмлар кўп, уларнинг ҳаммаси фойдали эмас”.

(Ийсо ибн Марям)

Умар ибн Хаттоб Абдуллоҳ ибн Саломдан сўрадилар:

- Илмнинг эгалари кимлар?
- Унга амал қилувчилар.
- Кишиларнинг қалбидан илмни нима чиқаради?
- Тама.

“Эй ўғлим, сен олимлар билан бирга ўтир. Уларнинг орасига кир, чунки Парвардигор ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳикмат нури билан тирилтиради”.

“Эй ўғлим, Яратганни зикр қилаётган қавмни кўрсанг, улар билан бирга ўтир. Чунки олим бўлсанг, илмингга фойда беради, илмсиз бўлсанг, сенга илм ўргатадилар”.

(Луқмони ҳаким)

“Замона бузилишига сабаб бўлувчи уч нарса борки, уларнинг биринчиси олимнинг тойилишидир”.

“Агар бир киши уйдан чиқаётганида гуноҳи Тухома тоғидек бўлса, сўнг илм эшитгач, кўрқиб гуноҳ қилишдан тўхтаса, уйига қайтганида унда гуноҳ қолмайди”.

“Қуруқлик ва денгизда йўл топадиган миқдорда юлдузлар илмини ўрганинг, қолганидан ўзингизни тийинг”.

“Эй инсонлар, илм ўрганинглар. Тангри ҳузурида Унинг ўзи севган бир либос бўлиб, илмнинг бир бобини ўрганган кишига ўша либосни кийгизади. Агар олим бир гуноҳ қилса, либос ундан олинмаслиги учун уч марта танбеҳ беради. Гарчи бу гуноҳи вафотигача давом этса ҳам (либос ечиб олинмай, танбеҳ берилаверади).

“Кундузлари рўзадор, кечалари бедор бўлган мингта обиднинг ўлими ҳалол-ҳаромни ажрата олувчи бир олимнинг ўлимидан енгилроқдир”.

“Учта нарсани деб илм олма ва учта нарса туфайли уни тарк этма: баҳсу тортишув, мақтаниш ва риё учун илм олма; уятчанлик қилиб, зуҳд йўлига кирганингни пеш этиб ва билмаслигингга рози бўлиб илм олишни тўхтатма”.

(Умар ибн Хаттоб)

“Уламолар дунё қанча турса, шунча туради, уларнинг жисмлари йўқолган бўлса-да, мисоллари қалбларда мавжуддир”.

“Агар олим илмига амал қилмаса, жоҳил ундан илм олишдан ўзини тортади. Чунки олим илмига амал қилмаса, илм ўзига ҳам, бошқага ҳам фойда бермайди, агарчи илми сандиқларда йиғса ҳам. Чунки бизларга етдики, Бани Исроилдан бир киши саксон сандиққа илми жам қилган экан. Аллоҳ таоло ўша олимнинг Пайғамбарига ваҳий қилибдики, бу ҳақимга айт, агар яна бунга ўхшашини йиғса ҳам, мана бу уч нарсага амал қилмаса, фойда бермайди: дунёни яхши кўрмаслик, чунки у мўминларнинг уйи эмас; шайтон билан дўстлашмаслик, чунки у мўминларга йўлдош бўлмаган; мўминларга азият бермаслик, чунки бу мўминларнинг касбидан эмас”.

“Ақл каби мол, яхши хулқдек дўст, одоб каби мерос, тавфиқчалик раҳбар, илмдек шон-шараф йўқдир”.

“Олимлар хурмога ўхшашади, агар улар бир саволга жавоб бермаётган бўлишса, ранжима, чунки хурмо ҳам пишган пайтида ерга тўкилади”.

“Олимнинг адо этилиши лозим бўлган ҳақлари бор. Унга кўп савол бермаслик, жавобига эътироз қилмаслик, эриниб турганида жавоб беришга зўрламаслик, ўрндан туришга қўймай, этагига осилиб олмаслик, сирларини ошкор этмаслик, ҳузурида бирон

кишини ғийбат қилмаслик, ундан хато қидирмаслик, бордию хато қилса, узрини қабул қилиш, модомики Парвардигор амрига итоат этаркан, унга ҳам Аллоҳ учун ҳурмат кўрсатиш, олдида ўтириб олмаслик, бирор эҳтиёжи бўлса, уни раво қилиш учун ҳаммадан олдин шошилиш олимнинг ҳақларидандир”.

“Олим киши кечалари қойим, кундузлари рўзадор мужоҳиддан афзалдир. Олим вафот этса, Исломда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёриқни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдиради”.

“Илм сарват(бойлик)дан устундир. Чунки сен сарватни кўриқлайсан, илм эса сени кўриқлайди”. *(Илм молдан яхшидир, у сени муҳофаза қилади, молни эса сен кўриқлайсан. Илм ҳоким, мол маҳкумдир. Мол нафақа қилиш билан камайса, илм зиёда бўлади)*

“Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас. Маърифат – дунёнинг ўзида жаннатга эришиш демак”.

(Али ибн Абу Толиб)

34

“Кимки олимлар билан бирга юриб, бирга ўтирса, тили бийронлашади, зеҳни очилади, зеҳнига ўрнашган фикрлардан бениҳоя сурурланади, билганларидан фойдаланишда кучли бўлади, уларни бошқаларга ифодалаб бера олади”.

(Ҳазрати Ҳасан)

“Сулаймон алайҳиссаломга илм, мол ва мулкдан биттасини танлаш таклиф қилинганида илмни танладилар. Унинг сабабидан молга ҳам, мулкка ҳам эга бўлдилар”.

“Илм – пайғамбарларнинг мероси, мол эса фиръавнларники. Илм сени кўриқлайди, сен молни кўриқлайсан. Албатта, Аллоҳ илмни яхши кўрганигагина берур, молни эса яхши кўрганига ҳам, яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Кўпроқ яхши кўрмайдиганига беради. Илм ишлатиш ва сарфлаш билан камаймайди, мол ишлатиш ва сарфлаш билан камаяди. Мол эгаси ўлса-да, илм эгаси ўлмайди. Чунки мол эгаси ҳар бир дирҳамидан, қаердан топилгани ва қаерга ишлатгани тўғрисида сўралинади. Илм эгасининг ҳар бир сўзига жаннатда даражалар бордир”.

“Инсонларга яхшилиқни ўргатувчи муаллим ҳаққига ҳатто денгиздаги балиқлар истиғфор айтади”.

“Илм олишда қийналдим, бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу муқаррам бўлдим”.

(Абдуллоҳ ибн Аббос)

“Илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди”.

“Икки очкўз ҳеч тўймайди: толиби илм ва дунёни талаб қилувчи. Улар баробар эмаслар. Илм толиби Аллоҳ розилигини зиёда қилаверади. Аммо дунё толиби туғёнда зиёда бўлаверади”.

“Илм кўтарилмадан уни ўрганинглар. Илм олимларнинг вафоти туфайли кўтарилади. Урушда шаҳид бўлган кишилар (Қиёмат куни) олимларга берилган каромат даражаларини кўриб: “Кошки бизни Аллоҳ олим қилиб тирилтирса”, деб орзу қиладилар. Зеро, ҳеч ким олим бўлиб туғилмайди. Олимлик илм ўрганиш, таълим олиш билан эгалланади”.

“Одамлар сўрайдиган ҳар қандай масалага фатво (жавоб) берадиган киши мажнундир”.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

“Ким илм ўрганишга чиқиш жиҳод эмас деса, унинг ақли ва фикрида ноқислик бор экан”.

“Эй одамлар, сизларнинг олимларингиз кетаётганини ва жоҳилларингиз таълим олмаётганини кўряпман! Бас, илм кўтарилиб кетмасидан олдин таълим олиб қолинглар, чунки илмнинг кўтарилиши олимларнинг кетиши биландир”.

“Таълим олмай олим бўлмайди. Илмига амал қилмасдан ҳам олим бўлолмайди. Бир марта вайл бўлсин ким билмаган бўлса, етти марта вайл бўлсин билиб, унга амал қилмаган бўлса”.

“Олим билан илм олувчининг ажри тенгдир. Дарҳақиқат, кишиларда икки тоифадан – олим ва таълим олувчидан бошқасида яхшилик йўқдир”.

“Менга қиёмат куни: “Эй Уваймир, нима ўргандинг?” деб айтилмоғидан кўрқмайман. Лекин қиёмат куни мендан: “Эй Уваймир, билган нарсангга қандай амал қилдинг?” деб сўралмоғидан кўрқаман”.

(Абу Дардо)

“Илмнинг боши – жим туриш, кейингиси – эшитиш, учинчиси – ёд олиш, тўртинчиси – унга амал қилиш, бешинчиси – уни тарқатиш”.

“Илм амални чақиради. Агар ижобат эса, илм қолади. Ижобат этмаса, илм кетиб қолади”.

(Суфёни Саврий)

“Илмсизлик кишига ҳусн эмас. Ким билган нарсасига амал қилса, у одамларнинг олимроғидир. Ким билган нарсасига амал қилмаса, у жоҳилдир”.

(Суфён ибн Уйайна)

“Агар олим дунёга рағбат қилиб, ҳирс қўйса, у билан бирга ўтириш жоҳилнинг жоҳиллигини, фожирнинг фожирлигини зиёда қилади ва мўминнинг қалбини қотиради”.

“Қиёмат куни бутпарастлардан ҳам олдин олимларнинг фосиқлари ҳисоб-китоб қилинади”.

(Фузайл ибн Иёз)

“Киши илм ўрганишда давом этаётган паллада олимдир. “Олим бўлдим, энди бас”, деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жоҳилдир”.

“Илмига баҳилик қилган киши учта нарсанинг биттаси билан балоланади ёки ўлиб кетади: илми беҳуда кетади ёки подшоҳ билан мусибатланади ёки ёд олган илми эсдан чиқаради”.

(Абдуллоҳ ибн Муборак)

Абдуллоҳ ибн Муборакдан сўрашди: “Киши қачонгача илмни ўргангани яхши?” Жавоб бердилар: “Унга жоҳиллик ёмон кўри-
ниб, илм олиш ёқимли бўлгунича”.

Ибн Муборакдан: “Агар сизга Аллоҳдан, бугун пешингача ўласан, деган хабар келса, ўша куни нима амал қилар эдингиз?” деб сўрашди. У зот: “Илм талаб қилар эдим”, дедилар.

Ибн Муборакка ўлим яқинлашган эди. Ёнларида бир одам ёзиб ўлтирар эди. У зотга: “Шу ҳолатда илм ёздирыпси?” дейишди. Айтдилар: “Эҳтимол, ҳозиргача билмаганим бир калима менга фойда бериб қолар”.

Илм осмондан ёғган чучук ва соф ёмғирга ўхшайди. Дарахтлар илдизлари орқали уни эмади. Аммо мазаси қандай бўлса ҳам, уни ўзига мослаб ўзгартириб олади. Меваси аччиқ бўлганининг аччиқлиги ортади, ширин бўлганининг ширинлиги!.. Илм ҳам шундайдир. Инсонлар уни ғайрат ва ҳимматларига яраша ўрганиб, ёд оладилар. Лекин охир-оқибатда кибр-ҳаволи кишида кибр ортади, адабли инсон янада адаблироқ бўлади”.

(Ваҳб ибн Мунаббах)

“Илмни таълим олинглар, чунки таълим олиш Аллоҳдан кўрқиш, уни талаб қилиш ибодат, музокараси тасбеҳ, билмаган кишига ўргатиш садақа, уни аҳлига сарфлаш қурбат (Аллоҳга яқинлик)дир. Чунки илм жаннат аҳлининг манзиллари сари йўлдир. Илм кишининг танҳо пайтида ҳамроҳ, сафарда соҳиб, хилватда суҳбатдош, сирларда далил, қийинчиликларда ёрдамчи, безаклар олдида зийнат берувчи, душманларга қарши қуролдир. У билан Аллоҳ қавмларни юксалтиради, демак, улар яхши ишларда имом, йўлбошчилик қилади. Уларнинг изларидан бошқалар эргашади. Амалларига иқтидо этади ва малоикалар уларнинг сифатларини тарғиб қилади. Уларни қанотлари билан силайди. Толиби илмга бор ҳўлу қуруқ ва денгиздаги балиқлар, ердаги ҳашаротлар, қуруқлигу сувдаги ваҳшийлар, ҳайвонлар саловот ўқийдилар. Чунки илм қалбларни жаҳолатдан тирилтиради, қоронғиликда кўзларнинг чироғи, заифликда баданларга қувват, у билан аброрлар ва аҳрорлар

манзилига етади, охират ва дунёда баланд даражаларга эришади. Унда фикр қилиш рўзадорликка, музокара қиёмга тенгдир, у билан қариндошчилик боғланади, у билан ҳаром ва ҳалол билинади, у имомдир, амал унга эргашади, у саодатмандларга илҳом беради, бахтсизларни маҳрум қилади”.

(Маоз ибн Жабал)

“Олимларнинг жазоси қалблари ўлишидир, қалбнинг ўлими эса охират амали билан дунё талаб қилишдир”.

“Олимлар бўлмаганида инсонлар чорва моллари каби бўлиб қолардилар”.

“Олимлар қаламларининг сиёҳи шаҳидлар қони билан ўлчанади. Шунда олимлар қаламларининг сиёҳи шаҳидлар қонидан оғир келади”.

“Олимларнинг илмини, файласуфлар назариясини тўплаб, амалда нодонлар даражасида иш кўрувчилардан бўлма!”

“Кимнинг каломи ҳикмат бўлмаса, у лағвдир (*бемаънидир*), кимнинг сукути тафаккур бўлмаса, у саҳвдир (*хатодир*), кимнинг назари ибрат бўлмаса, у лаҳвдир (*ўйиндир*).

“Бир киши илм ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатиши ҳам амал ҳисобланади”.

“Олимлар юлдузларга ўхшайди. Агар кўриниб турса, одамлар улар билан йўл топишади. Агар кўздан йўқолиб, зулматда қолсалар, қаёққа юришни билмай ҳайрон қолишади”.

“Олимларнинг жазоси – қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши эса илми ва ухровий амаллари бўла туриб, дунёвий ниятлар кетида юрганидир”.

“Сизлар хоҳлаганча илм ўрганаверинглар. Аллоҳга қасамки, амал қилмагунингизча Аллоҳ сизларга унинг учун ажр бермайди. Аҳмоқлар ҳиммати ривоят, қилиш уламолар ҳиммати риоя қилишдир”.

“Оқиллар зикрдан тафаккурга, тафаккурдан зикрга ўтадилар. Қалбларининг гапиришини талаб қиладилар. Ва ниҳоят қалблари ҳикматли сўзларни айта бошлайди”.

“Илм талаб қилинглари, фақат илмни ҳилм (мулоимлик) ва виқор билан яширинглари”.

“Илм олишни Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзал деб билмаман. Ҳа, илм Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзалдир. Ким уйдан илмнинг талабида чиқса, уни малоикалар қанотлари билан ўраб оладилар. Унга осмондаги қушлар, қуруқликдаги ҳайвонлар, денгиздаги балиқлар саловот айтадилар. Аллоҳ таоло унга етмиш иккита сиддиқнинг ажрини беради. Одамлар, илмни эгалланглари ва илм олиш учун сокин, мулоим, виқорли бўлинглари, таълим олаётган ва таълим бераётганларга тавозуъли бўлинглари. Олимлик билан фахрланманглари, аҳмоқлар билан тортишманглари ва илм билан амирларга аралашиб кетманглари. У билан Аллоҳнинг бандаларидан ўзингизни баланд тутманглари, агар ундай қилсангиз, Аллоҳнинг ғазабида қолган, жаҳаннамга юзтубан ташланадиган зулмкор уламолардан бўлиб қоласизлар.

Илмнинг Аллоҳга ибодатда ҳалал бермайдиганини талаб қилинглари, шунингдек, Аллоҳга ибодат этинглари, илмларингизга зарар бермайдиган бўлсин. Илм юқоридаги гапларга амал қилинсагина фойда беради. Илмни ташлаб, фақат ибодатга юз тутган қавмдек бўлманглари. Уларнинг терилари бандларига ёпишиб кетса ҳам, одамларнинг олдига қиличлари билан чиқадилар. Агар улар илмни талаб қилсалар эди, илмлари қилган ишларидан тўсган бўларди. Илмсиз амал қилувчи йўлдан адашган кишига ўхшайди. У ғайратни кучайтирмайди, балки қийинчиликни зиёда қилади, ислоҳидан фасоди кўп бўлади”.

(Ҳасан Басрий)

(Изоҳ: бу хитобни эшитганлар: “Эй Абу Саид, бу гапларни ким айтган?” деб сўрашди. Айтдилар: “Бадр урушида қатнашган етмишта киши билан учрашдим, илм талабида қирқ йил сафар қилдим”)

“Илм шундай нарсаки, унга ўзингни бутунлай топширмагунингча ҳеч нарса бермайди”.

(Абу Юсуф)

“Ҳақ таоло ҳар замонда олимларни ўшал замона халқининг амалларига муносиб сўзлар билан гапиртириб қўяди”.

(Абу Туроб Нахшабий)

“Кишининг олим бўлишига Яратгандан кўрқиши, илмсиз қолишига эса амалига мағрурланиши кифоя қилади”.

(Масруқ)

“Фарзандни жаҳл зимистонидан рўшнолик томон етакла, илм – инсон фахри, жоҳиллик эса ғафлатдир”.

(Муҳаммад Жомий)

“Агар бир киши Шомнинг бу чеккасидан Яманнинг у четигача сафар қилиб, келажак умрида фойда келтирадиган бир дона калимани ёд олса, унинг сафари зое кетмади, деб ўйлайман”.

(Шаъбий)

“Илм унга амал қилган кишига чирой бўлади, амал қилмаганга нақадар зарар!”

“Ким илм билан риёсатни (раҳбарликни) талаб этса, Аллоҳнинг ғазабига яқин бўлади”.

“Банданинг илми зиёда бўлиши билан дунёга рағбати ҳам ошса, Аллоҳдан шунчалик узоқлашаверади”.

“Жаҳаннамда бир водий бўлиб, унда фақат подшоҳларни зиёрат қилувчи қори ва олимлар туради”.

(Суфён Саврий)

“Олимлардан ташқари ҳамма ўликдир. Илмига амал қилувчилардан бошқа барча олимлар сархушдир. Ихлослилардан бошқа барча амал қилувчилар алдангандир”. (Илмсизлар ўлик каби, дейилганда жисмнинг эмас, руҳнинг жонсизлиги назарда тутилган)

“Илмнинг ҳаммаси дунёдир. Охират эса, унга амал қилишдир. Ихлос билан қилинганидан бошқа ҳамма амал беҳудадир”.

(Саҳл Тустарий)

“Илм ол. Агар бой бўлсанг, олган илминг сенга чирой бўлади. Агар мол-дунёнг бўлмаса, олган илминг сенга бойлик бўлади”.

(Мусъаб ибн Зубайр)

“Тириклик – илм билан бўлур, роҳат – маърифатда бўлур ва лаззат – Яратганнинг зикрида бўлур”.

“Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг. Илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ўзингизни илмсиз ҳисоблаб, яна илм ўрганишга киришинг”.

(Боязид Бистомий)

“Илм намоёндаларига бахиллик қилма. Зеро, илм бир хазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам, бойликдан фаркли ўлароқ барибир кўпайиб бораверади”.

“Инсонни билимдан бошқа ҳеч нима халқ билан боғлай олмайди. Ким гуноҳларга ботган бўлса, улардан фақат билим орқали фориғ бўлиш мумкин”.

“Ким билимга эришиб, унинг мазасини тотиб кўрган бўлса, бу нарсани у подшоҳлик ва давлатни бошқариш ҳузур-ҳаловати-га алмаштирмайди”.

(Мажидиддин Хавофий)

“Афлотун ҳакимдан сўрадилар:

– Ўқиш-ўрганиш тоқайгача иззат ва ҳурматда бўлгуси?

У жавоб қилди:

– Жоҳиллик нуқсон деб ҳисоблангунга қадар.

(Жалолиддин Даввоний)

“Амалда қўлланилмайдиган билим жонсиз танага ўхшайди. Билим дарахтдир, амал эса – унинг меваси... Ҳосил бермайдиган шох носоғлом бўлади”.

(Хусайн Воиз Кошифий)

“Киши тўрт иш билан диндан чиқади: бири – билганига амал қилмаса, иккинчиси – билмаганига амал қилса, учинчиси – билмаганини изламаса, тўртинчиси – билиш ва ўрганишга интиланган одамларга халақит берса (яъни, ўзи билмайди, ўзгани билишга қўймайди)”.

(Абу Муҳаммад Фазл)

“Аллоҳ ҳар бир қалбга илм гавҳарини солганки, бандасининг кунт-матонати, меҳнати давомида доимо сайқал топури”.

“Ким олимнинг олдига келиб, у билан бирга ўтирса, унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам, унга етти яхшилик бордир”.

(Абу Лайс Самарқандий)

42

“Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар”.

(Амир Темури)

“Бир илмда гапириб, бошқа бир илмда сукут қилишдан кўра шайтонга оғирроқ нарса йўқдир”.

“Илмни амал учун ўрганинлар. Аксар одамлар илмлари тоғдек, амаллари заррадек бўлиб қолиб, янглишадилар”.

(Иброҳим Адҳам)

“Бу дунёда илмига амал қилмаган олимлар энг кўп пушаймонлик тортадиган кимсалардир”.

(Иброҳим ибн Уяйна)

“Олим жоҳилни танийди. Чунки, у аввалига жоҳил бўлган. Жоҳил олимни танимайди. Чунки, у олим эмас”.

(Ибн Муътаз)

“Олимлар эҳтиромга лойиқ буюк инсонлардир. Илм билан мустаҳкамланмаган ҳар қандай улуғликнинг оқибати хорликдир”.

(Аҳнаф ибн Қайс)

“Мени бир улуғ зот уч юз дирҳамга сотиб олиб, қулликдан озод этди. Шундан сўнг илм ўрганишга қарор қилдим. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан шаҳар амири зиёратимга келди...”.

(Салим ибн Абул Жаҳд)

“Отамдан Ироқдан ёзган бир мактубида менга шундай насихат қилган эди: “Илм ўрган, зеро фақир чоғингда у мол, бой вақтингда жамол-зийнатдир”.

(Зубайр ибн Абу Бакр)

“Ким илмини ёзмаса, унинг илмини илм ҳисобламайман”.

(Муовия ибн Абу Суфён)

“Илмдан азизроқ нарса йўқдир. Подшоҳлар одамларга ҳоким бўлсалар, олимлар подшоҳлар устидан ҳокимдир”.

(Абул Асвад Дуалий)

“Касалга обу таом берилмаса ўлгани каби, қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, ўлади”.

(Фатҳ Мусалий)

“Ота-оналар фарзандларини дунё оташидан ҳимоя қилади, олимлар эса уларни охирагача олови – дўзахдан муҳофаза этади”.

(Яҳё ибн Муоз)

“Мен Саид ибн Мусаййабнинг олдиларига кирсам, йиғлаб турган эканлар. Сабабини сўрасам: “Мендан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамай қўйди”, деб жавоб бердилар”.

(Ато ибн Абу Рабоҳ)

“Чўлда адашганда кўп озуқадан кўра, адашмай тўғри юрилганда озгина озуқа қанчалик фойдали бўлса, илмга асосланган озгина амал ҳам жаҳолат ила қилинган кўп амаллардан фойдалироқдир”.

* * *

“Илмга амал этишни ўзингга одат қил; агар олим илмини амалиётга татбиқ этмаса, у руҳсиз баданга ўхшайди”.

(Имом Аъзам)

* * *

“Илмдан насибадор кишиларнинг озгина олган илмига қувониб, биргина нарсани унутганида хафа бўлиши илмнинг шарафига етарли далилдир”.

* * *

“Киши агар бир илмни ўрганиб, сўнг бошқа илмларга юзланса-да, улардан нимани билмаслигини тушунса, ана ўшанда олим бўлади”.

* * *

“Ўзини гуноҳ ва бадхулқликдан сақлай олмаган кишига илм фойда бермайди”.

(Имом Шофеъий)

* * *

“Ҳисоблашнинг оддий ва мураккаб масалаларини ечиш учун “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” китобини яратдим, чунки бу одамлар учун зарурдир”.

* * *

“Рақамни чекиз кўпайтира ва камайтира оладиган тўрт амални туздим. Бунда имкон кенг. Лекин бу амални фақатгина оловга хизмат қилдирилса, олам ёниб кетади! Фақат сувга хизмат эттирилса, дунёни сув босади! Уни борлиқ замирида ётган тўрт унсурга тенг тобе этмак керак”.

* * *

“Истеъдод эгаси чалғиб, мансабга, давлатга интилса, устунга чирмашаётган илонга ўхшаб қолади. Билмайдик, тепадаги кўвачада сут аллақачон қуриб битган, унда ўзидан аввал тирмашганларнинг аламли заҳри тўла! Бундан у изтироб чекади, тўлғанади... Кўвача чайқалиб пастдагиларнинг бошига бот-бот заҳар тўкилади”.

(Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий)

* * *

“Илмига амал қилмаган олим бошқани кийинтиргани ҳолда ўзи яланғоч қолган игнага ўхшайди”.

* * *

“Илмга барча нарсангни бермагунингча, у сенга ҳеч нарсасини бермайди”.

* * *

“Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчи ва заиф бандаларга куч-қувватдир. Илм билан банда яхши инсонлар даражасига кўтарилади, олий мартабаларга етишади. Илм устида тафаккур қилиш кундузи рўза тутганга, уни музокара этиш кечани ибодат билан бедор ўтказганга тенгдир”.

* * *

“Илм фикрнинг хос мевасидир. Агар қалбда илм ҳосил бўлса, ҳолати ўзгаради, ҳолати ўзгарса, аъзоларнинг амали ўзгаради. Демак, амал ҳолатга, ҳолат илмга, илм фикрга қарамдир”.

* * *

“Ақлий ва шаръий илмларни ишғол қилган эдим. Жуда кўп талабаларим бор эди. Қарасам, турли эҳтиромларга ўралиб қолибман. Шунда илм олишдан мақсадимни тушунгандай бўлдим. Амалим Аллоҳ ризоси учун эмас, мақом савдоси ва шуҳрат орзуси йўлида экан. Билдим-ки, ҳалок бўлишим муқаррар. Жарнинг ёқасига келиб қолибман. Ўз-ўзимга: “Қани, тезроқ ҳаракат қил. Умринг оз қолди. Ўрганган илмларинг ҳақиқатга айланмас экан, бу бир алданишдир. Энди вақтингни бўш ўтказишда давом этаверсанг, оқибатинг нима бўлади?” дедим.

Шу пайт ўзимда бир ўзгариш сездим. Дунё ва дунё савдоларидан қочиш билан дунё орзулари ва охират орзуси ўртасидаги хайрат водийсида олти ой жонсарак ҳолда қайғу ва кўз ёшлари ичида қолдим. Юрагим изтироб чекарди. Нақадар ожиз эканлигимни тушуниб етдим. Ихтиёримнинг қўлдан кетаётганига томошабин бўлиб турар эдим. Давосиз дардга, чорасиз хасталикка дучор бўлган киши каби Аллоҳга ёниб-ёлбордим, тазарру айтдим. Ниҳоят, Намл сурасида: “... ёки музтар-ночор одам дуоилтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулини осон қиладиган...” (62-оят) дейилгани каби, Аллоҳ таоло дуоларимни қабул айлаб, қалбимни уйғотди. Ичимдаги мол ва мақом орзуси йўқ бўлди. Ҳаммасидан юз ўгирдим.

Зикр, узлат, хилват, нафсни тийиш, риёзат ва ахлоқимни мукаммаллаштириш билан машғул бўлдим. Илмал яқин билан билдим-ки, Аллоҳга етишганлар ва ҳидоят йўлида юрганлар тасаввуф аҳли бўлган буюклар экан. Энг гўзал сийрат ва ахлоқ

уларда экан. Зеро, уларнинг зоҳирий ва ботиний ҳоллари пайғамбарлик нуридан олингандир. Ер юзида эса пайғамбарлик нуридан ҳам порлоқроқ нур йўқдир”.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

“Ҳамма ибодатларнинг энг фазилатлиси илм билан қўшилиб келгандир”.

(Абу Исҳоқ Зухурхурий)

“Доноликдан маҳрум кўнгил ўликдир. Аммо у билим билан бойитилса, бамисоли қақроқ ерга ёмғир ёққанидек жонланади”.

(Абул Фароғ)

“Дил бойлиги ва руҳ озиғи уч нарсададир: биринчиси, илмда, иккинчиси, ризода, учинчиси, қаноатда”.

(Муъиниддин Жувайний)

“Олимлар, фозиллар, адиблар давлатнинг танасидаги кучдир. Уларга илтифот ва икромда бўл... Шундай йўл тутгинки, ҳукуматингда ориф арбоблар, фазилатли инсонлар ва олимлар кўпайсин”.

(Усмон Ғозий)

“Омининг адашгани – ўзининг адашгани, олимнинг адашгани – оламнинг адашгани”.

(Сулаймон Чалабий)

“Ким чиройли сўз айтсаю ёмон амал қилса, ундан илм олманглар ва унга суйанманглар”.

(Муҳсин)

“Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса, буюклик бўлар. Ўқув идрок қоронғи тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради.

Уқув қут беради, билим – шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон”.

“Зехнлилик – бир-бирига зид келиб қолган турли фикрлар орасидан тўғриси топа олиш, бирининг хатолигини кўрсатиб бера олиш, ноҳақини тўғрилаб, мунозаралардан энг ҳақ фикрни кўрсата олиш қувватидир”.

“Ҳар қандай тушунча муҳокаманинг натижасидир; муҳокама эса тажрибанинг натижасидир, тажриба эса сезги аъзоларимизнинг фаолияти туфайли қўлга киритилади”.

“...Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар”.

“Олижанобликни ўзида тўла мужассам этган кишигина энг камолга етган кишидир, олижанобликнинг камолоти тўла билимга эга бўлган кишидагина бўлиши мумкин”.

(Кайковус)

“Илмнинг қиймати, баҳоси – унинг ҳаққини адо этадиган, зое кетказмайдиган кишига ўргатишингдир”.

(Икрима)

“Хушсифат ва яхши хулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати илм эгалари билан, кўкнинг зийнати юлдузлар биландир. Илм бир тоғ мисолидир. Бу тоғдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир. Билувчи билан кўп текшириб янгилик кашф этган билимдон орасида фарқ каттадир. Капалак ҳам, қарчиғай ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас.

Байт:

Чин олим ҳийладан узоқдир, узоқ,
Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоқ”.

“Ҳунарманду касиблар кўпдир, бироқ моҳиру қобилиятлилари оздир (уста кўпу устаси оздир)

(Абулқосим Замахшарий)



“Миср вилоятида икки амирзода бор эди. Бири илм ўрган-ди ва бири мол жамъ этти. Охируламр, бири алломаи аср бўлди ва бири Азизи Миср бўлди. Сўнгроқ ул бириким, мол жамъ этмиш эрди, илм ўргангонга ҳақорат кўзи билан қараб, деди: “Мен салтанатга етушдим, сен хануз бурунги масконатда турмишсен”. Бу деди: “Эй биродар, Ҳақ таолонинг бу неъматини шукрин ҳаргиз адо қила олмасменким, пайғамбарлар меросин топмишмен ва сен фираъвн ва Хомоннинг меросин топмишсен, яъни Миср мамлакатига подшоҳ бўлмишсен”. Маснавий:

Эрурмен нотавон ул навъким мўр,
Эмасмен нишзан ондоки занбур.
Мунинг шукрин нечун қилғум мани зор,
Ки эрмасмен қавийю мардумозор.

(Мен ниш санчиб озор берувчи арилардан эмасман, мен чу-моли каби беозорманким, нечун бунинг шукронасин қилмай?)

“Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зухурга еткурдилар. Бири улким, кўп мол йиғинди ва емади. Яна бири улким, кўб илм ўрганди ва амал қилмади.

Маснавий:

*Илм аро гар ваҳиди давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.
Топмоғунг дониш аҳли ичра ҳисоб,
Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб,
Бўлмағай ҳаргиз ул эшакға хабар,
Ўтун устида ё эрур дафтар.*

Илмни ўрганмак... дунё учун, неъматни емакға васила ва ра-веш қилмоқ учун эрмастурур.

Байт:

*Илм сотмоқға кимки юз ўрди,
Жамъ этиб хирман ўтға куйдирди.*

Ҳикмат: “Парҳизкор бўлмаган олим машъаладор бўлгон кўр-дур. Ўзгани йўлға солур ва ўзи йўлдин қолур”.

Байт:

*Илмдин ҳар кишики олмади ком,
Бир матоъ олмай этди зарни тамом”.*

*Агарда муаллим бўлса беозор,
Дарсхонани қилгай болалар бозор.*

“Туноҳ ҳар кимданки содир бўлса, номақбулдир ва олимлардан зиёда номақбулдир, зеро, илм шайтон билан бўладиган жангда уларнинг силоҳи-қуролидир. Вақтики силоҳлик кишини асир қилиб олиб келсалар, шармандалиги кўпроқ бўлур”.

* * *

“Икки киши мамлакат ва диннинг душманидир: бири ҳилмсиз подшоҳ ва яна бири илмсиз зоҳид”.

* * *

“Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: бири – бойлик тўплаб, фойдалана билмаган ва иккинчиси – илм ўрганиб, унга амал қилмаган”.

* * *

“Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир”.

* * *

“Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабларини келтириб чиқаради. Шу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади. Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир”.

* * *

“Кимда ким ўз изланишларининг афзаллиги қонуниятларни излаб топишда деб биларкан, ул албатта, ҳамиша ўз қарашларини амалда исботлаш йўлидан боради”.

* * *

“Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамламоқ учундир. Аммо бойлик орттириш учун эмас. Саховатсиз бой ёгинсиз булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,
Йўқ нафъ анга ғайри музд бир, икки дирам.

(Ҳаммол қимматбаҳо юк таҳиса ҳам, унга бир, икки дирҳамли иш ҳақидан бўлак фойда йўқ.)

* * *

“Билмаганни сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё



бўлур. Ўрганишдан қочган – дангаса, ўрганишдан қочиш учун юзига ваз-бахона эшигини очган – ишқмас. Заҳмат чекиб илм ўрганган – донишманд.

Илмдин орий улуснинг жоҳили худномаси,
Ўрганурға жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

(Илмдан четда қолган одам халқ орасидаги қайсар, жоҳилдир. Ўрганишга қаттиқ киришган эса жаҳон алломасидир.)

Илм агар дилга урар – ёринг эрур,
Урса танга, шубҳасиз, моринг эрур.

(Агар илмни чин дил ва ихлос билан холисаниллоҳ эгалласанг, бутун ҳаётинг даврида оғирингни енгил қилиб юрувчи йўлдошинг бўлади. Агар дунё бойлигига етишмоқ мақсадида илм олсанг, эгаллаган илминг илон бўлиб, танангга чирмашади ва умринг бўйи сени азоблайди)

“Илм билан амал лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир. Чунки илмдан мақсад амалдир.

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

“Илм ўқиб, унга амал қилмаган – ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди”.

“Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмагай”.

(Алишер Навоий)

“Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол, эй дўст, илмли кишига ўзингни яқин тут. Феъли, қилиғи яхши кишини излагин, кимда карам-шафқат бўлса, уни эр киши дегин”.

“Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла”.

“Билимли киши баҳолик динордир, илмсиз жоҳил киши қимматсиз емишдир”.

* * *

“Илмли киши билан илмсиз киши қачон тенг бўлибди?! Билимлик хотин киши – эр кишидир, билимсиз эркак – хотин кишидир”.

* * *

“Сўнгдакда илик бўлиши лозимлиги каби эр кишига билим керакдир, эр кишининг кўрки ақлдир, сўнгдакнинг кўрки эса иликдир... Илмсиз – иликсиз сўнгдак каби бўшдир, иликсиз сўнгдакка эса қўл урилмайди”.

* * *

“Илмли кишиларнинг номи машҳур бўлди, билимсиз кишилар эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргуликдир”.

* * *

“Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир”.

* * *

“Билимнинг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илм-маърифатнинг қадрига етади”.

* * *

“Энди ўзинг синаб, уқиб, боқиб кўр: билимдан фойдалироқ қандай нарса бор?.. Билим билан олим юқорига кўтарилади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради”.

* * *

“Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, ҳақ Расул ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг, деб айтганлар”.

* * *

“Билимли киши илмни фарқлайди. Эй дўст, илм қадрини маърифатли одам билади... Илмнинг қадрини кишига билим билдиради, маърифатни нодон, тубан киши нима қилади?”.

* * *

“Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит-насихат фойдасиздир. Билимли киши ўз ишини билиб қилади, билиб қилган ишига кейин ўкинмайди... Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб яширади”.

* * *

“Яратган Тангри илм билан танилади, илмсизлик яхшилик келтирмайди, дейилган”.

“Илмсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди”.

“Билимли кишининг сўзи ўғит-насихат, одобдир, шунинг учун илмларни араб, ажам олқишлади... Молсиз фақир кишига унинг илми туганмас бойликдир, ҳисобсизга унинг билими ечилмас ҳисобдир”.

(Аҳмад Югнакий)

Агар бўлмаса илминг, э сабук сайр,
Билур болинг ву болинг барчасин хайр.

(Э шошқалоқ инсон, илминг бўлмаса, сен учун фойда ҳам, зарар ҳам бирдир. Зеро, сенинг заиф фикрингча, гуноҳларингнинг барчаси ўзингга хайрлидай бўлиб кўринади.)

Уялма маърифатни ўгранурдин,
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.

(Оқил киши илмни ўрганишдан уялиб ўтирмайди. Нақадар қари бўлса ҳам ўзидан кичиклардан ва катталардан сўраб ўрганмоққа қасд қилади. Зеро, киши орланиб, илмни ўрганмай қолса, оқибатда дўзахга борур. Байтда зикр этилган биринчи “танур” да “тандир”, “ўчоқ”, маъносида, яъни дўзах ўчоғи назарда тутилади. Иккинчи “танур” танимоқ, яъни билмоқ маъносида келади.)

Қоронғуда қадам қўйсанг ёзарсан,
Агар кўз бўлмаса, йўлдан озарсан.

(Қоронғу кечада йўлга чиқсанг, адашарсан. Кўзи йўқ кимса йўл юрса ҳам адашади, йўлдан чиқади. Илмсиз киши ҳам шундай)

Агар бўлмаса йўл бошловчи пир,
Солур бўйнунигга шайтон доми тазвир.

(Сўфий Оллоҳёр)

“Дунё турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлур”.

“Ўртадан нифоқни кўтаринглар! Туркистон болаларини илмсиз қўйманглар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатинглар! Озодликни тезлик ила юзага чиқаринглар! Бизлар у чоқда қабримизда тинч ётурмиз”.

* * *

“Бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф “истепендия”лар таъйин қилур. Бошқа миллат милўнерлари мактаби ила истепендияси-ла, идора қиладургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин (аёллар университети), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қилурлар. Бизниклар жуфти оти-ла, аробаси-ла, тўйи ва...-ла фахр этар. Хатто ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур. Бу кетишни охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун”.

(Маҳмудхўжа Беҳбудий)

* * *

“Ёшларимиз замонавий ва ижтимоий фанларни ўрганмоқлари зарур. Акс ҳолда ҳаётнинг охириги ғилдирагига айланамиз, тарихимизга, аждодларимизга, миллатимизга, динимизга хиёнат қилган бўламиз”.

(Абдурауф Фитрат)

* * *

“Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм – дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қилолмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўпдурки, таъриф қилғон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қаронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдирур, жаноби Ҳақнинг азамату қудратини билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм-ла боғлидур. Пайғамбаримиз: “Илмга амал

қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз”, – демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дуру гавҳар билан,
Қиймату қадрин қачон билғон они жоҳил йилон.

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидур. Шариатимизда қайси илмга муҳтож бўлсак, шуни билмак бизга фарздур. Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакга жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур”.

* * *

“Илм диний ва фанний қисмлар ила иккига бўлинур. Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумак ила баробар ҳисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмак, чин олим бўлмак лозимдур. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунёвий ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардир.

Ўткан замондаги ислом уламолари ҳар бир илмга тиш-тирноқлари ила ёпишдилар, ўқидилар, ўқитдилар (*Ислом уламосиндан Имом Ғаззолий ҳазратлари тўқуз юзга яқин китоб тасниф қилмишлар. Имом Ғаззолий бешинчи асрнинг зўр уламосиндандурлар. Тус шаҳридан бир фақир кишининг ўғлидурлар. Кўб шаҳарларни саёҳат қилуб, 55 ёшларида 505-ҳижрийда вафот қилмишлар*), улум ва фунун соясида исломият тараққий қилди, маданият тарқатди, китобхоналар, қироатхоналар, етимхоналар, камбағалхоналар, касалхоналар очилди. Ҳозирги мусулмонлар таассуб ва жаҳолатлари ила мақтанувлари каби, аввалги замон мусулмонлари илм ва маърифат, китоб ва асарлари ила мақтанурлар эди. Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатига ҳунар ва санъатига боғлидур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Илм ўқумак ҳар бир мўмин эр ва хотунга фарздур”, демишлар. Ажабо, қуръонимиз, пайғамбаримиз ўқингиз, деб амр қилғон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз, бошқа миллатларнинг ўғиллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай илм йўлида жонларини фидо қилуб, қувушиб, югурушуб кўзларимизни қамашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбаримиз: “Олим бўл, илм талаб қилувчи бўл ёки илмни эшитувчи бўл, ҳеч бўлмаса шуларга муҳаббат қилувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўларусан” – дематдиларму?”.

(Абдулла Авлоний)

“Дунёда олимларнинг хушомадгўйлиги бўлмаганида, золимлар зулмга журъат қилолмасдилар”.

(Маҳмуд Асвад Жўшон)

“Жаҳолатни илм билан йўқ қилишга ҳаракат этинг. Ҳар бир ишни илм билан ҳал этинглар”.

“Илм инсонийлик тождир. Инсонлар фақат у билан улуғланади. Мол-мулк эса жоҳилнинг ғурурланган матосидир. Бу мол-мулк сарф бўлиши билан жоҳиллар ҳалокатга учрайди”.

(Муҳаммад Камол)

“Ҳеч нарсани билмовчи ва ҳеч нарсани билиб олишга интиломовчи киши энг ёмон кишидир: ахир, унда икки иллат бир-бирига чирмашиб кетгандир”.

“Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас”.

“Турфа одамларнинг турлича фикр юритиши натижасида ҳамфикрлилик йўқолади. Натижада ҳар бир одам бошқа бир одамдан унинг фикрлаш тарзи учун нафратлана бошлайди”.

“Ғирт нодонлик – ҳали у қадар иллат эмас, саёз ўзлаштирилган билимларни жамлаш ундан баттарроқдир”.

“Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир”.

“Болажоним! Ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим. Аммо ўлимга келганда чора топа олмадим. Сенга қиладиган васиятим шуки, ўғлим, мол-давлат орқасида орттирилган иззат-обрўда бақо йўқ. Иззат-ҳурмат,

шон-шараф – илмда. Илм туфайли қўлга киритилган шон-шараф фано ва заволни билмайди. Давлат ва сиёсатнинг ўзгариши унга таъсир этмайди. Ўғлим, шоҳлар сенинг отангни илм туфайли улуғлашди, бўлмаса отанг ҳам улар қарамоғидаги бир одам эди. Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сиғинишади. Обидлар ва маъбудлар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Отангнинг илми бўлмаганида унинг подшоҳлар учун китоб юклаган эшакдан фарқи қолмасди. Уларга сиғинадиган ва хизматини бажо келтирадиган бир ғулом бўлар эди халос. Иззат-эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин, десанг – илм орттир!”.

(Арасту ҳаким)

“Ўқиб-ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак”.

“Фақат бир эзгулик бор – билим, ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат”.

(Сукрот ҳаким)

“Сукрот ҳакимнинг донолиги шунда эдики, у билмаганини билдим, деб ўйламасди”.

(Цицерон)

“Агар киши ўзи мукамал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди. Жангу жадал олови сўнади”.

(Буқрот ҳаким)

“Ҳамма соҳада чаласавод бўлмаслигинг учун ҳамма нарсани билишга интилма”.

“Билишнинг икки кўриниши мавжуд: бири – туйғулар воситасида билиш, иккинчиси – тафаккур ила билишдир”.

“Ўқимай туриб, бирон-бир санъат ва бирон-бир донишмандликка етишиш мумкин эмас”.

“Масаланинг моҳияти билимнинг бутунлигида эмас, ақлнинг бутунлигидадир”.

(Демокрит)

“Илмий билимларнинг мақсади шундан иборатки, улар ақлни ҳаётда учрайдиган барча нарсалар ҳақида пухта ва ҳаққоний мулоҳаза юритишга йўллаши керак”.

(Р. Декарт)

“Агар сиз билимдон бўлсангиз, беринг билимингизни, бошқалар ҳам ундан ўз шамчиروқларини ёндириб олишсин”.

(Т. Фуллер)

“Ўзинг аъло даражада билган нарсангни ўзгаларга ўргатишдан ҳам кўра ҳалолроқ ва саховатлироқ иш бўлиши мумкинми?”.

(Квинтилиан)

“Билимни сингдириб олмоқ учун уни иштаҳа билан симирмоқ керак”.

(А. Франс)

“Кимки ўқишни истамаса – ҳеч қачон ҳақиқий инсон бўлолмайдими”.

(Х. Марти)

“Қадимда ўзларини камолотга етказиш учун ўқишган, ҳозир эса бошқаларни ҳайратга солиш учун ўқишади”.

“Одамларни ўқитмай туриб урушга жўнатиш – уларга сотқинлик қилишнинг ўзгинаси”.

“Илмга етишишнинг учта йўли бор: фикрлаш йўли – энг тўғри йўл, тақлид қилиш йўли – энг осон йўл ва тажриба йўли – энг аччиқ йўл”.

“Билишни биладиганнинг ортидан эргашинг, билишини билмайдиганни огоҳлантиринг, билмаслигини биладиганни ўргатинг, билмаслигини билмайдигандан қочинг”.

(Конфуций)

* * *

“Агар киши ўзини ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодирдай қилиб кўрсатса, билингки, у ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарсага қодир эмас”.

(Лао Цзи)

* * *

“Инсоният тараққиёти тарихини олти сўз билан ифодалаш мумкин: қанча кўп билсанг, шунча кўп қодирсан”.

(Э. Абу)

* * *

“Фикримча, кўрсликнинг ҳам, журъатсизликнинг ҳам манбаи битта – билимсизлик”.

(Плутарх)

* * *

“Инсон учун хизмат қилмаган тафаккур ниҳоятда даҳшатлидир”.

(Софокл)

* * *

“Кўпни билган эмас, керакни билган доно (Кўп билган эмас, билими манфаат келтирувчигина донодир)”.

(Эсхил)

* * *

“Ёшинг ўтиб қолганда илм олишдан уялма. Зеро, ҳечдан кўра кеч илм олиш афзалдир”.

(Эзон)

* * *

“Илмларнинг энг зарури нокерак нарсаларни унутиш илмидир”.

(Антисфен)

* * *

“Таомни хоҳламай ютса, овқатланиш азобга айланганидек, фан билан эҳтироссиз шуғулланиш ҳам хотирани нокерак нарсалар билан шу қадар тиқиштириб ташлайдики, оқибатда у қабул қилаётганларини сингдиrolмай қолади”.

* * *

Ҳар қандай аниқликнинг асоси ҳисобланмиш тажриба негизда туғилмаган билим бесамара ва ғиж-ғиж хатодир”.

(Леонардо да Винчи)

“Вақти келиб фан хаёлдан ўзиб кетади... Мен нимаики ёзмай, нимаики тўқимай – улар барибир мавжуд имкониятлардан доимо паст туради. Шундай вақтлар келадики, фан ютуқлари тасаввур кучини ортда қолдириб кетади”.

(Жюль Верн)

“Мечкайлар энг зарур овқатларни истеъмол қилувчиларга нисбатан соғлом бўлмаганларидек, ҳақиқий олимлар истаган нарсани ўқиб ташлайдиганлар эмас, балки фойдали нарсаларнигина ўқийдиганлардир”.

(Аристипп)

“Халқлар тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олишлари учун – ҳаётларининг негизида фан тараққиётига доир ғоялари ётиши керак”.

(Э. Кастелар)

“Хато билишлик билмасликдан бешбаттар. Билимсизлик – яйдоқ, аммо ишлов берса, экса бўладиган далага ўхшайди; сохта билимдонлик эса – ғумай босиб, деярли ўташ мумкин бўлмай қолган далага қиёс”.

(Ч. Канту)

“Ўзгалар илм ҳисоблаб юрган нарсани нодонлик, дея тан олиш ва ҳақиқатан билмагани “билмайман”, деб ошкора иқроп бўлиш ҳам ҳазилакам фазилат эмас”.

(П. Гассенди)

“Илм эгаллаш асносидаги энг кераксиз нарса – димоғдорлик, энг зарур нарса – вақтдир”.

(Зенон)

“Ақл билан иш қилиш маърифатга чорлар, эҳтирос эса, уни ожиз этар”.

(Ж. Мольер)

“Маънавий ҳаётда ҳам кундалик ҳаётдагидек, кимнинг билими тўлишиб борса, у тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади”.

“Хар қандай таълимот уч босқичдан ўтади: аввал уни ақлга сиғмайди, дея эълон қилиб, унга хуруж қиладилар, кейин, афтидан, оз бўлса-да, маълум даражада ҳақиқатга ўхшайди, деб хулоса чиқарадилар. Ниҳоят, унинг ғоят муҳимлигини тан оладилару, сўнгра, “мен очдим”лаб талашадилар”.

(У. Жеймс)

“Одамни қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана билгани учун қадрлаш керак”.

(Ф. Ларошфуко)

“Билмасликдан эмас, нотўғри билишдан ҳазар қил! Зеро, бу барча кулфатларнинг бошидир”.

“Билмаслик уят ҳам эмас, зиёни ҳам йўқ. Ҳеч ким ҳамма нарсани билолмайди, аммо билмаган нарсани биламан, деб мунофиқлик қилиш ҳам уят, ҳам зиён”.

60

“Устоз-муаллим бировни ҳаётга тайёрламоғи учун аввало ўзи ҳаётни чуқур билмоғи лозим”.

“Билим ёдлаш билан эмас, фикрлаш билан орттирилгандагина ҳақиқий билимдир”.

“Ортиқча билагонликни фазилат деб ўйлаш хатодир. Билимнинг миқдори эмас, сифати керак”.

“Донолик кўп билишда эмас. Биз ҳеч қачон жами нарсаларни қамраб ололмаймиз. Донолик иложи борича кўп билиш бўлмай, балки қандай билимлар энг зарур, қандайлари озроқ ва яна қандайлари бирмунча зарурлигини билишдадир”.

“Илм олишга эҳтиёж ҳар бир кишида мужассам; халқ нафас олиш учун ҳавони қанчалик ардоқласа ва изласа, у илмни ҳам шу қадар эъзозлайди ва излайди”.

* * *

“Олимликка кўз-кўз қиладиган тожга, тирикчиликка ярайдиган сизга қарагандай тама билан қарама... Ўз ниятларига шўнғимоқ учун олим ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечади, унинг эътироф этилганлигини ана шу қурбон берган ҳузур-ҳаловатидан билиш ва далиллаш мумкин”.

* * *

“Илмий ва бадиий ижод ҳуқуқни эмас, фақат бурчни ўйлаганига том маънода самарали бўлади”.

* * *

“Ўзингни бирон нимани биладигандай кўрсатиш уни билишдан ҳам қийин”.

* * *

“Ҳаёт қизиқ, икки киши бир нарсага қараб қарама-қарши нарсани кўришади”.

(Ағата Кристи)

* * *

“Мен билишни истайман, чунки мен билганим учунгина тирикман”.

(А. Камю)

* * *

“Инсоният анъаналарининг буюк хазинаси бўлмиш Шарқни ўрганинг!”.

(П. Чаадаев)

* * *

“Бизнинг ишимиз – ўқиш ва ўқиш, имкони борича кўпроқ билимга эга бўлиш учун интилишдир, чунки жиддий ижтимоий йўналишлар – билим бор ерда, инсониятнинг истиқбол бахти ҳам фақат билимдадир”.

* * *

“Ақлли, билимли одамлар керак; инсоният порлоқ ҳаётга яқинлаша борган сайин, бундай одамлар аксариятни ташкил этмагунига қадар, уларнинг сони кўпайиб бораверади”.

* * *

“Ҳар ким отаси ва бобоси кўрган ва билганига қараганда кўпроқ кўриш ва билишга интилмоғи керак”.

* * *

“Чексизликка интилишсиз ҳаёт ҳам, ўсиш ҳам, тараққиёт ҳам йўқ... Ким олға юрмаса, у ортга кетади: бир жойда тўхтаб қолиш ҳолати йўқ... Ҳар бир янгиликда гарчанд тараққиёт бўлмаса-да, аммо тараққиётга интилиш акс этади... Нимаики ўсмаса, у яшмайди, нима яшамас экан, у ўлади”.

* * *

“Мустаҳкам ҳаётӣй куртакка эга бўлмаган мавжудотларгина вақт оқимида йўқолиб кетади. Бинобарин, улар яшашга арзимайди”.

* * *

“Инсоният тараққиётининг чегараси йўқ ва кишилиқ ҳеч қачон ўзига: “Тўхта, бас, бошқа борадиган манзил йўқ!” – демайди. Модомики, ҳозиргача инсоният кўп нарсаларга эришган экан, бу яқин вақт ичида у яна ҳам кўпроқ нарсаларга эришмоғи зарур деган гапдир”.

* * *

“Фанда ғояларни изламоқ керак. Ғоясиз фан бўлиши мумкин эмас. Далилларни билишнинг қиммати асосан шундаки, уларда ғоялар яширинган бўлади: ғоясиз далиллар мия ва хотиранинг ифлосланишидир”.

(В. Белинский)

* * *

“Фан бузук одамнинг кўлида бировларга ёвузлик қилиш қуролидир. Маърифат фақат саховатли қалбнигина юксакликка кўтаради”.

(Д. Фонвизин)

* * *

“Қатъиятли, саботли бўлингу, лекин қайсарлик қилманг. Ўз хулосаларингизга маҳкам ёпишиб олманг. Шунинг билан, дунёда сизнинг хатоларингизни ҳам пайқай биладиган ақли одамлар кўп, агар улар ҳақ бўлсалар, уларнинг фикрига қўшилишдан уялманг”.

(В. Обручев)

* * *

“Ғоят мураккаб фанларни эгаллагану, аммо қалби саёз кимсадан кўра ҳам зиёндошроқ одам бўлиши мумкинми? У бутун илмини ёвузликка ишлатади”.

(Г. Скворода)

“Инсон – истаган суюқлик билан тўлдириб қўйиш мумкин бўлган бўш идиш эмас”.

“Муаллим айтган сўзни қайтариш билан унинг издоши бўлиб қолавериш қийин”.

“Тайёр билимларни на яхши таниш-билишлардан тилаб, на китоб дўконидан сотиб олиш мумкин. Уни ўз миямизда содир бўладиган мустақил фикрлаш жараёнида шакллантира боришимиз зарур”.

“Жуда камдан-кам, бунинг устига, чинакам забардаст одамларгина жўнгина қилиб, рўйирост: “билмайман”, дея оладилар”.

“Мактабда ўқимоқ керак, аммо мактабдан чиққандан кейин янада кўпроқ ўқиш керак”.

“Билим билан меҳнатни қўшиб олиб боринг ва билимни унинг бор амалий фойдасини рўёбга чиқариб оладиган кишилар қўлига беринг, қарабсизки, мамлакат ва халқнинг бойлиги ақл бовар қилмас суръатда ўса бошлайди”.

“Ўз фикрини яратиш у ёқда турсин, ҳатто бошқаларнинг мулоҳазаларини ўйлаб кўрмайдиган, нари борса, уларни ёдлаб олиб, кейин челақлаб сувда суюлтириб, мақола ва китоблар битадиган товламачи ва текинхўрлар барча фалсафий ва илмий давраларда ҳам топилади”.

“Кишининг фазилатини билим эмас, у билим орттира бошлаган вақтида унда уйғонган ҳақиқатга нисбатан муҳаббат ва интилиш туйғуси оширади. Кимда бу туйғу уйғонмаса, уни дорулфунун ҳам, кенг билим ҳам, дипломлар ҳам одам қилолмайди”.

* * *

“Бир одам бирор фойдали ҳақиқатни очгунча, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан ўз умрини хазон қилмоғи керак”.

(Д. Писарев)

* * *

“Ўз нодонлигини муаллимларни айблаш билан оқлайдиганлар аслида ўз билганларича ҳеч нима қила билмайдиган ва ўзлари боришлари лозим бўлган жойга қулоқдан тортиб олиб боришларини кутиб ётадиган кимсалардир”.

(Н. Добролюбов)

* * *

“Кўпинча таъкидлашганидек, агар эътиқодсиз яшаш мумкин эмаслиги ҳақиқат бўлса, у – билимнинг буюк қудратига ишониш эътиқодидан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас”.

(И. Мечников)

* * *

“Фан чўққиларига чиқишга уринишдан аввал фан асосларини эгалланг. Бошлаган ишингизни охирига етказмай туриб, кейингисига қўл урманг. Олган билимларингиздаги кемтикларни ҳатто энг дадил тахмин ва фаразлар билан ҳам ифодалашга уринманг. Фанда қора ишдан қочмасликка ўрганинг”.

* * *

“Даҳо бутун эътиборини ўрганаётган соҳасига қарата оладиган энг юксак қобилиятдир”.

(И. Павлов)

* * *

“Ҳамма нарса ҳақида оз-оздан билиб, озроқ нарса ҳақида кўп билиш зарур”.

(К. Тимирязев)

* * *

“Илмнинг инсон учун энг буюк эзгулик эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Билимсиз одамлар ҳам дағал, ҳам қашшоқ ва ҳам бахтсиздирлар”.

* * *

“Инсон том маънода зиёли бўлмоғи учун унга уч хислат – чуқур билим, фикрлаш кўникмаси ва олижаноб туйғулар зарур.

Кимдаки билим саёз экан, у назокатсиз бўлади; кимки мулохаза юритиш одатидан маҳрум экан, у дағал ёки бепаросатдир; кимдаки, олижаноблик туйғуси бўлмаса, у бемаъни одамдир”.

“Агар фарзандларимиз чиндан ҳам билимли одам бўлишни истасалар, улар билимни мустақил машқлар орқали эгалламоқликлари керак”.

“Ўз турмушини яхшилаш эҳтиёжи ақлий меҳнатга интилиш заруриятини туғдиради”.

“Тараққиётни рад этмоқлик худди оғирлик кучини рад этиш каби бемаъниликдир”.

“Тараққиёт ақлий камолотга таянади; унинг туб моҳияти тўғридан-тўғри билимларнинг муваффақияти ва равнақидан иборатдир”.

“Фанда одамзоднинг тажриба, тафаккур мевалари асралади ва одамларнинг тушунчаси, кейин эса ахлоқи ва ҳаёти асосан фан заминида яхшиланади”.

“Ақли ва олим одамдан жуда кўп нарсани талаб этмоқ лозим; агар у оддий кишилар учун кечирарли бўлган беҳуда гапларни гапирса, адолат юзасидан унга таъна айтмаслик ноўрин бўлур эди”.

“Ҳар бир шахс ўз ақлий камолоти учун жамиятдан қарздордир... Олим ҳақиқат изламоғи, уни ўз шахсий хоҳишлари ёки муносабатларидан ҳам юқори қўймоғи лозим”.

(Н. Чернишевский)

“Олим асосан жамият хизматкоридир: унинг олимлиги ҳам, бошқа табақа вакилига қараганда устунлиги ҳам жамият туфайлидир ва у жамият учун яшаши керак”.

(И. Фихте)

* * *

“Кимки ўз қалбига чуқур разм соларкан, кўп ҳолларда хато қилаётганини англайди ва беихтиёр камсуқум бўлиб қолади. У энди ўзининг ўқимишлилигига бино қўймайди, ўзини бошқалардан юқори тутмайди”.

(К. Гелвеций)

* * *

“Тарчи фанлар – инсон онгининг энг нафис сифатларини уй-ротивчи ва шакллантирувчи омил бўлса ҳам, фанни кимки фақат билиш учунгина ўрганса ва тадқиқ этса, ўзи шу курраи заминда нима сабабдан яшаётганининг асл маъносини тушуниб етолмайди. Фақат фаол ишгина одамни одам қилади”.

(Г. Гелмголиц)

* * *

“Фанни кўпинча билим билан янглиштирадилар. Бу кўпол англашилмовчиликдир. Фан нафақат билим, балки онг ҳамдир, яъни билимдан қай йўсинда фойдалана билиш уқуви ҳамдир”.

(В. Ключевский)

* * *

“Фан билан шуғулланувчи кишилар илмга – бутун халқнинг ўзларига инониб топшириб қўйган мулк-хазинаси, деб қарамоқлари зарур”.

(К. Тимирязев)

* * *

“Тараққиёт омилларини тушунган одам, агар қўл қовуштирганча ўзи ҳеч жонини койитмай, у жараённинг ўз-ўзидан юзага келишини кутса, у тараққиётнинг энг ашаддий душмани, тараққиёт йўлидаги энг мудҳиш ғовдир”.

(П. Лавров)

* * *

“Илмнинг йўли олис бўлсин, кучли ирода; меҳнат қўрқинчли эмас – ишонаман, истайман”.

(Н. Огарёв)

* * *

“Илм манбаи беҳад: инсоният бу йўлда қанчалик ютуқларга эришмасин, барча одамларнинг изланиши, кашфи ва билими учун ўрин топилади.

(И. Гончаров)

“Инсонга билимнинг зарурлигини уқтириш, унга кўришнинг аҳамиятини уқтириш билан баравардир”.

“Билим – биз яшаётган дунёнинг мутлақ қимматли бойлиги. Ўқимоқ зарур, билмоқ зарур. Билиб бўлмайдиган нарса йўқ, биз билиб олинмаган нарсалар хусусидагина гап юритишимиз мумкин”.

“Зиёли ҳаётининг маъноси халқ оммаси қатламлари орасида холисона илм тарқатмоқ учун узлуксиз равишда билим хазинасини тўпламоқликдан иборатдир”.

(М. Горький)

“Билимсизлигингга тик қарай олсанггина билим доирангни кенгайтиришинг мумкин”.

“Узуқ-юлуқ, ўзаро боғланмаган илм билан тўлган мия ҳамма нарсаси тартибсиз, эгаси ҳам бирор буюмни тополмайдиган омборхонанинг ўзгинасидир; илмсиз, аммо фақат ҳамма нарсаси саранжом мия эса қутилари бўм-бўшу, лекин жамига ёзувлар битилиб қўйилган дўконга ўхшайди”.

(К. Ушинский)

“Кимки буюкликка эришишни истаса, у ўзини чегаралай билмоғи лозим. Кимки, аксинча, ҳамма нарсани истаса, у аслида ҳеч нимани истамайди ва ҳеч нарсага эришолмайди”.

(Г. Гегель)

“Одатда кўп билганлар эмас, оз билганлар фан у ёки бу масалани ҳеч қачон ҳал этолмайди, деб қатъий таъкидлашлари мумкин”.

(Ч. Дарв)

“Қўлдан келадиганига эришмоқлик учун қўлдан келмайдиганига ҳам уринишни унутма”.

(А. Рубинштейн)

“Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади”.

“Кимки ўзининг маънавий қувватидан фойдаланмаса, бу қувват уни тарк этади”.

(Я. Райнис)

“Ақлни пешлаб, илм олишга киришиш одамга худди қуёш табиатни илитганидек самарали таъсир кўрсатади; ғамгин кайфиятларни тарқатиб, аста-секин одамни енгиллаштириб, кўнгилни илитади, руҳиятни кўтаради”.

(В. Гумбольдт)

“Тажриба берган билим, ҳарқалай, қимматга тушади, лекин ундан олинган билим барча муаллимлардан олинган билимдан афзалроқ”.

(Т. Карлейл)

68

“Илмий кашфиётлар ҳар жиҳатдан мукаммал ва тайёр ҳолда бўлмайди. Айрим буюк шахслар заковатидан нур олган илмий ижод жараёни, айна пайтда умуминсоний тараққиётнинг оҳиста ва асрий жараёни ҳамдир”.

(В. Вернадский)

“Кишилар қанчалик оз билсалар, уларнинг билими уларга шунчалик кенгрокдай туюлади”.

“Шуни назарда тутингки, билимсизлик ҳамиша ёмонлик келтиравермайди, фақат янглишиш хатарли. Одамлар билмаганлари учун эмас, балки ўзларини билимдон тутганлари учун янглишадилар”.

“Минг хил йўл билан янглишиш мумкин, ҳақиқатга эса фақат битта йўл олиб боради”.

(Ж. Ж. Руссо)

“Мен жуда катта билим эгаси бўлган, аммо ўзининг бирор мустақил фикрига эга бўлмаган кўпгина одамларни билардим”.

(У. Мизнер)

“Жамиятда фаннинг ўрни ва ўсиши тарихини ўрганар эканмиз, даставвал унинг аҳамияти ниҳоятда ортгани, фанни энди биргина олимлар ёки сиёсий арбоблар билангина тасаввур этиб бўлмаслиги ва шунингдек, агар биз фаннинг қарғишга қолмай, балки фароғат келтиришини истасак, унинг ривожда бутун халқ қатнашиши зарурлигига ишончимиз комил бўлади”.

(Ж. Бернал)

“Болаларга ўқитилаётган дарслар уларнинг ёшига мувофиқ келмоғи шарт, акс ҳолда, уларда ўзбилармонлик, ўзига бино кўйиш, мағрурланиш касали хавфи туғилади”.

(И. Кант)

“Одам ўзи у қадар мустақил иштирок этмаган ҳолда шошма-шошарлик билан йиққан билими кўнгилдагидек самара бермайди. Билимдонлик ҳам ўзига хос барг ёзиб, аммо мева бермаслиги мумкин”.

“Айрим олимлар фақат мақтаниш учунгина билим орттирдилар... Баъзан “олим” деган сўзда одамнинг ўзи нимагадир ўргангани эмас, балки уни кўп нарсаларга ўргатганликлари ҳақидаги маъногина яширинган бўлади”.

“Илм аҳли “қийин” деган сўзни мутлақо миядан чиқариб ташлаши керак... Ким кимёдан бўлак ҳеч нимани билмаса, у кимёни ҳам яхши билмайди”.

(Г. Лихтенберг)

“Билимсиз одамнинг дадиллиги кўполликка ўхшайди; донишлиги ўтакетган расмиятчиликка, гапга чечанлиги – майнавозчиликка, оддийлиги – дағалликка, кўнгилчанлиги – тилёғламаликка айланиб кетади”.

“Кўп нарсани ўрганишдаги буюк санъат, бир йўла кўп нарсага қўл урмасликдир”.

(Ж. Локк)

“Омадли ҳаёт учун интиланган қатъиятсиз одамлар ҳеч вақт бирон-бир буюк ишнинг уддасидан чиқолмаганлар”.

(Ж. Эллиот)

“Инсон билимга интилади ва қачонки унда билимга ташналик сўнса, у инсонийликдан маҳрум бўлади”.

(Ф. Нансен)

“Чуқур фикрлар ҳеч нима билан суғуриб бўлмайдиган қилиб ақлга қоқилган темир михлардир”.

“Нарсалар қандай бўлмоғи лозимлигини билиш ақлли одамга хосдир; нарсаларнинг ҳақиқатда қандайлигини билиш тажрибали одамга хос; нарсаларни янада такомиллаштиришни билиш буюк одамга хос”.

(Д. Дидро)

“Илмий машғулотлардан мақсад идрокни шундай йўналтиришки, токи у учрайдиган барча нарсалардан пишиқ ва ҳаққоний хулосалар чиқара олсин”.

(Р. Декарт)

“Илмлилик билимларнинг кўп-озлигида ҳам эмас, балки билганларни тўла англаш ва татбиқ эта билиш санъатидир”.

(А. Дистервег)

“Ҳар қандай билим туйғуларимиз орқали эгалланади. Биз туйғулар измидамиз. Илм туйғудан бошланади ва у билан тугайди”.

“Йўлларнинг мингтаси мақсаддан узоқлаштиради, фақат биттаси муродга етказди”.

“Бировни ўргатишингга, ўзинг ўрганишинг учун лозим бўлгандан кўра ҳам кўпроқ ақл керак”.

“Бировдан эшитиб олинган билимлар билан қаноатланишни сира тасаввур этолмайман; ўзгаларнинг билими гарчанд бизни у-бу нарсага ўргатса ҳам, аммо фақат ўз ақлинг билан ақлли бўла оласан”.

“Одамлар ўзлари яхши билмайдиган нарсаларга бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ишонишади”.

“Ҳақиқий олимлар бугдойзордаги бошоқларга ўхшайди. Ҳали бошоқ тўлишмай туриб, нашъу намо билан ўсади ва юқорига мағрур бўй чўзади, аммо у кўпчиб, донга тўлишиб, пишиб етилгани сари ювош тортиб, бошини қуйи эгади”.

“Оламда нима бўлса баридан бир шингилдан ўқиган ва фақат ўқиганларинигина эслаб қолган олим ёмон олимдир”.

(Б. Шоу)

“Фанда таппа-тахт, андазали йўл йўқ: йўл кўрсатувчи қанчалик моҳир бўлмасин, фанда ҳар ким ўзи заҳмат чекиши ва юксакликка ўзи тирмашиб кўтарилмоғи керак”.

(В. Либкнехт)

“Фан – қайиқ ва кемалар учун очик уммондир. Бири унда олтин хирмонларини ташиса, бири унда майда балиқлар овлаш билан банд”.

(Э. Бульвер)

“Энг довиюрак одам ҳам токи унда қатъий эътиқод йўқ экан, номардга айланиши мумкин”.

(Э. Делакруа)

“Кўп бефойда нарсаларни ўрганганингдан кўра – сенга доимо хизмат қиладиган беш-ўнта яхши ўғитни билганинг маъқулроқ.

(Сенека)

“Замонамизнинг энг ёмон ҳодисаларидан бири шуки, фақат билим доираси чегараланган одамларгина ўз ишларининг мукамаллигига қатъий ишонадилар”.

(Б. Рассел)

“Кимнингки тасавури бору билими бўлмаса, у қанотли, аммо оёқсиздир”.

(Ж. Жубер)

“Токи жоҳиллик мавжуд экан, инсон ёвузликка қарши бирон чора тополмайди”.

“Фан табиатни такомиллаштиради, аммо ўзи ҳам тажриба негизида такомиллашади; зеро, туғма истеъдодлар ёввойи ўсимликларга ўхшаб, илмий парваришга муҳтождир; айна пайтда тажриба билан ойдинлаштириб турилмаса, илмнинг ўзи ҳаддан ташқари умумий дастур беради”.

“Билимга баҳс очиш ўзгаларга нафратланиш, ўз манфаатинг фойдасига, шухрат, ҳоқимият ёки бошқа паст мақсадлар учун эмас, балки ҳаётда фойдали бўлмоқ учун керак”.

“Баҳс ва тортишувлар учун, бошқаларни назарга илмаслик, манфаат чиқариш, шухрат, амал орттириш ва ўзга мақсадлар учун эмас, ҳаётга нимадир наф келтириш учун илмга интиломқ лозим”.

(Ф. Бэкон)

“Ўрганинг, ўқинг, фикр юритинг ва бор нарсаларнинг энг фойдалиларини ажратиб олинг”.

(Н. Пирогов)

“Ҳеч бир янги нарса ўрганмаган ва ўз билимингга ҳеч нима қўшмаган кунинг ёхуд соатингни толесиз онларинг деб ҳисобла”.

“Бугун ниманидир ўргандимми, дея ўзингга савол бермай туриб ухлашга ётма. “Ўргандим” сўзининг маъносини мен илмий ёки бошқа бирон-бир фойдали билимларимиз чегарасини кенгайтиришга интиломлик деб тушунаман”.

“Ҳамма нарсани шон-шухрат учун эмас, амалий манфаат учун ўрган”.

“Одамийлик – фақат билимдонликда эмас, балки аввалги авлодлар бизлар учун қилганлари каби келажак авлодлар учун нима қолдира билишимиздадир”.

“Ҳар нарсада бошқа ҳеч бир киши кўрмаганни кўришга, ҳеч бир киши бош қотирмаган жиҳатни топишга интилоқ лозим... Кўпчилик эътироф этган ва барча аллақачонлар ҳал этилган, дея ҳисоблаб юрган фикрлар ҳаммадан кўра кўпроқ тадқиқ этишга лойиқдир... Одамларнинг аҳамиятсиз нарсаларни аҳамиятга молик деб санашлари жуда кўп аҳамиятли нарсаларни юзага келтиради... Авваллари фаннинг чегараси бўлган жой, бугун унинг нақ марказидир”.

(Г. Лихтенберг)

“Билишнинг ўзи кифоя қилмайди, унинг амалда қўлланиши ҳам зарур, истак бўлиши камлик қилади, уни рўёбга чиқариш ҳам керак”.

“Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавҳум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради”.

“Табиат инсонни зулмат билан ўраган ва уни мангу ёруғликка интилишга мажбур этади”.

“Инсон тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ҳам тушуниш мумкинлигига инонмоғи лозим: акс ҳолда у булар ҳақида фикр юритмай қўйган бўлар эди”.

“Фаразлар бино олдига тикланган, уй битгач, олиб ташланандиган ҳавозалардир; улар қурувчи учун керак; фақат қурувчи ҳавозаларни бино деб ўйламаслиги зарур”.

“Дадил фикрлар ўйиннинг олдида турган шашка доначаларига ўхшайди: улар ўзлари қурбон бўлиб, ғалабани таъминлайди”.

“Одам тушунишнинг иложи йўқ нарсани ҳам тушуниш мумкинлигига инонмоғи керак: акс ҳолда у ҳақда бош қотирмаган бўлур эди”.

(И. Гёте)

“Умрнинг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга интилишдир”.

(Э. Золя)

“Олим биринчи навбатда ижодий хаёл суриш қобилиятига эга бўлмоғи керак. Хаёл – худди санъатдаги каби фанда ҳам ғоят муҳим ўринга ва аҳамиятга эга. Хаёл йиғилган маълумотлар устидаги машаққатли меҳнатдек зарур нарса. Хаёлсиз илмий иш далил ҳамда қуруқ, яланғоч ва кўпинча бенаф хулосаларнинг ортиқча қоришмасига ўхшаб қолади”.

(А. Ферсман)

“Ҳақиқатни ўзгалар тилидан тўла билиб, тўти сигари ёдлаб олгандан кўра, ўз ҳаракатинг билан чалароқ билганинг афзал”.

“Гап иложи борича кўпроқ билим тўплашда эмас, гап шундаки, бу билим кўпми ё озми, танҳо сеники бўлиши, у қонинг билан йўғрилиши, сенинг эркин ва мустақил ҳаракатларингнинг меваси бўлиши зарур”.

“Чинакам фан ва чинакам санъат мевалари – бу моддий манфаатлар эмас, мислсиз захмат меваларидир”.

“Тушунмоқ учун қузатмоқ, ҳаракат қилмоқ учун тушунишга интилмоқ лозим”.

(Р. Роллан)

“Мулоҳазаларнинг номукамаллиги ақлий меҳнатнинг ис-
талган жабҳасида энг кўп учрайдиган нуқсондир”.

(М. Фарадей)

“Ҳар қандай билим бизни ғайратга ундаган тақдирдагина
қимматлидир”.

(И. Этвес)

“Ўқиш-ўрганиш учун ҳеч қачон “кексайиб қолганман”, деб
ўйлама”.

“Қийин фанлар йўқ, фақат ҳазм этилиши қийин бўлган
изоҳларгина бор... Фанда тер тўкиб ишлашдан бошқа йўл йўқ; на
шижоат, на хаёл, на интилиш меҳнатнинг ўрнини боса олади”.

“Қийин нарса йўқ, шунчаки биз билмаган муаммолар ҳаддан
ташқари ошиб ётибди, ёмон, пойма-пой, узук-юлук, ҳатто ян-
глиш билган гапларимиз эса, ундан ҳам кўпроқ. Айни мана шу
янглиш маълумотлар бизни бутунлай билмайдиган нарсалари-
мизга қараганда кўпроқ жиловлайди ва чалғитади”.

“Билим шундай кучки, бу кучга бизни қуршаб турган табиат
инерцияси қарши туролмаганидек, энг тош қотган янглишишлар
ҳам дош беролмайди”.

“Янгиликни пешона тери билан яратиш керак, эски нарса
эса ўзи яшайверади ва урф-одат ҳассасига таянганча маҳкам
тураверади” .

“Фан – кучдир; у нарсаларнинг муносабатини, уларнинг қо-
нуниятлари ва ўзаро ҳаракатларини очиб беради... Фан ҳақиқат-
лари мушкул эмас, аксинча, инсон онгини ўтмишнинг барча
сарқит меросларидан, қуйқаларидан тозалаш, табиийликни ғай-
ритабиийлик, мужмал нарсани тушунарли деб қабул қилишлар-
идан тозалаш қийиндир”.

“Фан инсондан ҳеч бир тамагирликсиз, бутун борини бажонидил бахш этишни талаб этади ва бунинг эвазига ҳақиқий билимнинг залварли мукофотини беради”.

(А. Герцен)

“Фанга муҳаббат – ҳақиқатга муҳаббат деган гап. Шу боисдан ҳам ҳалоллик олим фазилатининг асоси саналади”.

(Л. Фейербах)

“Ҳақиқий олим хаёлпарастдир, кимки хаёлпараст бўлмаса, у ўзини амалиётчи деб атаydi”.

(О. Балзак)

“Хаёл сурмайдиган олим оёқда юрадиган яхшигина кутубхонага ва тирик изоҳномага ўхшайди. У ўзлаштиради-ю, лекин ўзи яратмайди”.

(Ф. Левинсон-Лесинг)

“Олимлар ҳам худди рассомлардек хаёлпараст одамлар; улар ўз ғояларидан устун турмайдилар; улар фақат фикрлари етган, туйғуларини жалб этган нарса устидагина яхши ишлашлари, узоқ ишлашлари мумкин. Уларда ғоялар алмашилиб туради: мутлақо кутилмаган, кўпинча ақл бовар қилмайдиган фикрлар ҳам келади, мияларига: у фикрлар кўмилиб, чарх уриб, чатишиб кетади, яраклайди. Олимлар ана шундай ғоялар ичида яшайдилар ва шу ғоялар учун ишлайдилар”.

(В. Вернадский)

“Ақл ва тахайюл билимларимизга бир хилда зарур ва фанда улар тенг ҳуқуққа эга”.

(Ю. Либих)

“Фан ҳақиқатни равшан англаш, ақлнинг пешаси, ҳаётнинг покиза қувончи, ёшликнинг шарафи, кексаликнинг таянчи, шаҳарларнинг меъмори, бахтсизликда қўрғон, бахтли кунда эса безак, ҳамма жойда содиқ ва ажралмас йўлдошдир”.

(М. Ломоносов)

* * *

“Фан аллақачонлардан бери ҳаётдан ўзини олиб қочаётгани йўқ ва ўз байроғига: “илм уруғи халқ ҳосилини етиштиради”, дея ёзиб қўйган”.

* * *

“Муаллимлар илмнинг маҳаллий машъаллари бўлганлари ҳолда, ўз ихтисослари бўйича замонавий фаннинг юксак чўққиларида турмоқлари зарур”.

* * *

“Билим олишда жон куйдирилмаса, на истеъдодлар ва на даҳолар туғилади”.

* * *

“Хотиржам туриб камтарона айтилган фикрларга одатда ҳақиқий илм ҳамоҳанг бўлади, қаердаки ништарли сўзлаб, зўрлик услуби билан ҳар қандай зиддиятнинг оғзини ёпишга урилса, у ерда – ҳақиқий фан йўқ”

* * *

“Аниқ мақсадсиз ва режасиз одам маълум далиллар кўчасида ҳам осонгина адашади”.

* * *

“Деҳқон омочи экин етиштиришни осонлаштиргани каби, фаразлар ҳам илмий ишни енгиллаштиради... Ҳеч нарсага эътиқод қўймагандан кўра, кези келиб нотўғри бўлиб чиқадиган фаразга эргашган ҳам маъқул”.

* * *

“Илмий кашфиётларнинг бирданига рўёбга чиқиши камдан-кам бўлади, одатда уни биринчи топганлар ўша топилган нарсаларнинг ҳақиқатлигини ишонтиришга ҳам улгурмайдилар; аммо бу кашфиётлар кўпчиликнинг меҳнати ва шу вақтгача тўпланган барча маълумотларнинг йиғиндиси сифатидагина юзага келганини унутмаслик керак”.

* * *

“Тажрибада синалмаган назария ўзининг бутун мақбуллигига қарамай, аҳамиятини йўқотади, тан олинмайди; назария ўлчовига таянмаган амалиёт эса ютқзади ва зиён келтиради”.

(Д. Менделеев)

* * *

“Инсон ўз табиатидаги номукаммалликни фан ёрдамида тугатишга қодир”.

(И. Мечников)

* * *

“Энг уста ва эпчил тажриба қилиб кўрувчилар ўз тасаввурларига тўла эркинлик берадилар ва бир-биридан мутлақо узоқ тушунчалар ўртасидаги алоқани қидириб топадилар. Гарчанд бу қиёслар гализ ва ҳақиқатдан йироқ бўлган тақдирда ҳам улар оқил, вазмин ва юраксиз донишмандлар ҳеч вақт ўйлаб тополмайдиган буюк ва муҳим кашфиётлар учун бахтли бир тасодифни юзага келтириб қўйиши мумкин”.

(Ж. Пристли)

* * *

“Фанга оташин эътиқод фақат ижобий сифатгина бўлиб қолмай, балки бебаҳо фазилатдир; бусиз дадил илмий тараққиёт бўлиши мумкин эмас”.

(С. Юдин)

* * *

78

“Фан халққа сув-ҳаводек зарур. Уни тараққий эттирмаган мамлакат, шубҳасиз, мустамлакага айланади... Фан Ер куррасида тарқоқ яшайдиган одамларнинг фикрини жипслаштирувчи асосий ҳалқадир ва бу унинг юксак мақсадларидан биридир. Менинг назаримда, инсон фаолиятида кишилар орасидаги иттифоқ бу қадар очиқ-ойдин кўриниб турган бошқа биронта ҳам соҳа бўлмаса керак”.

* * *

“Олимлар ўзларини ҳаётдаги амалий вазифалардан озод, алоҳида гуруҳ деб ҳисобламасликлари керак. Буюк меҳнаткашлар оиласининг аъзоси бўлганлари ҳолда, улар ўз кашфиётлари қандай ишлатилаётганлиги хусусида қайғурмоқлари зарур”.

(Ф. Жолио-Кюри)

* * *

“Кўп билсангу, аммо шу билганингни ўз эҳтиёжинг йўлида ишлата олмасанг, бундан нима фойда”.

(Ф. Петрарка)

* * *

“Фан руҳи ҳокимлик қилган жойда оз нарса билан ҳам катта ишлар яратилади”.

(Н. Пирогов)

“Нодонликнинг уч тури мавжуд: бутунлай ҳеч нарсани билмаслик; барча кишилар билган нарсани дағал равишда билиш, билмоқ зарур бўлмаган нарсани билишдир”.

(Ш. Дюкло)

“Одамнинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди; ягона ўлчов – унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир”.

“Тарбия – виждон иши; таълим эса фаннинг вазифаси. Кейинчалик, инсон вояга етгач, билимнинг бу икки тури бири бирини тўлдиради”.

“Тараққиёт нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ақли ҳар қадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан”.

“Келажакни яратишга ҳеч нарса дадил орзулардек кўмаклашмайди. Бугун – хаёл, эртага – тан ва қонга сингади”.

“Тараққиёт фандаги жасорат туфайлигина рўй беради... Фан олға силжигани сайин бетўхтов янгиланиб боради”.

(В. Гюго)

“Фандаги ҳар бир мислсиз муваффақиятнинг манбаи хаёлимизнинг буюк дадиллигидадир”.

(Ж. Дьюи)

“Кашфиётлар тасодифан рўёбга чиқиши ҳам мумкин, бунда ҳар қандай одам бошқа одамни: ёш – кексани, оми – донишмандни ўқитиши мумкин”.

(У. Гарвей)

“Ҳеч қандай “мабодо...”га ўрин йўқ! Ишончга сазовор аниқ далилларнигина қайд эт. Улар ўрганиб чиқилгач, пишиқ негизга асосланган мақбул хулосаларга кўч”.

(Ж. Фабр)

* * *

“Одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик кўп фойдаси тегади”.

(А. Грибоедов)

* * *

“Сўзлар тизмасида нутқ, ранглар йиғиндисидан муайян қиёфалар туғилгани сингари, бир-бири билан ўзаро боғланган жуда кўп далилларни билишдан том маънодаги юксак билим пайдо бўлади”.

(А. Бутлеров)

* * *

“Тараққиёт – табиат қонуни. Унинг тўхтаб қолиши – жамиятнинг аста-секин нураши деган гап; тараққиётни қўллаб-қувватлаш ва унинг тўхташига йўл қўймаслик ҳар бир илм аҳлининг бурчидир”.

(В. Вейтлинг)

* * *

“Фан тараққиёти олимларнинг меҳнати ва улар яратган кашфиётларнинг қиммати билан белгиланади”.

* * *

“Фан ватаннинг энг юксак қиёфаси бўлмоғи зарур, зотан, барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халққина биринчи ўринни олади”.

* * *

“Фан тараққиёти, эҳтимол миллатнинг моддий жиҳатдан гуллаб-яшнашидан ҳам кўра унинг ахлоқий ривожини учун кўпроқ зарурдир. Фан одамдаги қобилият ва ахлоқий савияни оширади; фан буюк ғояларнинг ёйилиши ва тантанасига шароит яратади”.

(Л. Пастер)

* * *

“Олға ҳаракат – табиий қонун, табиат қонуни ва у узоқ вақт давомида инсон кучи, золимларнинг қуроли ва кимларнингдир қарғиши билан бўғиб қўйилиши мумкин эмас. Ҳаёт ва тараққиёт изчил олға ҳаракат туфайлигина мавжуддир. Келажак фақат тараққиётникидир”.

(Э. Геккел)

* * *

“Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очиқ денгиздай гап. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди”.

(Э. Булвер-Литтон)

“Фан инсониятнинг олий ақлидир, у инсон ўз жисми ва қонидан яратган қуёшдир, инсон машаққатли ҳаётдаги зулматни ёритиш учун озодликка, адолат ва гўзалликка йўл топиш учун шу қуёшни яратиб, чарақлатиб қўйган”.

“Олимнинг меҳнати бутун инсоният мулкидир, шу туфайли ҳам фан энг беғараз жабҳа ҳисобланади”.

(М. Горький)

“Одамда чексиз ижодий қувватлар мужассамки, акс ҳолда, одам бўла олмасди. Бу қувватларни рўёбга чиқармоқ ва очмоқ лозим. Буни адолатга чақирувчи ҳамду санолар билан эмас, балки инсонга қулай ижтимоий ва моддий шарт-шароитларни яратиб бериш билан ҳал этмоқ зарур.

(А. Толстой)

“Билимли одам, уни қуршаб турган ҳаётнинг барча томонлари ва жабҳалари бўйича ўз дунёқараши, ўз мушоҳадасига эга бўлган кишидир”.

“Ўзининг билимли ва зиёли одамлигини йирик нарсаларда ҳам, майда нарсаларда ҳам доим ва бутун умр намоён эта билладиган кишинигина чинакам билимли ва зиёли деб ҳисоблаш мумкин”.

“Илмсиз одам кўролмаган, кўрганда ҳам унинг бирор томонини кўриб шу ҳақда мулоҳаза юритган жойда, билимли одам барча қирраларни кўра олади”.

“Ҳар қандай чуқур билим фақат мустақил ўқиш йўли билангина орттирилади”.

“Дипломи бўлмаса ҳам самарали ишлайдиган одамларни дипломли бекорчилардан минг бора устун қўйиш керак”.

“Одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик кўп фойдаси тегади”.

(А. Грибоедов)

“Сўзлар тизмасида нутқ, ранглар йиғиндисидан муайян қиёфалар туғилгани сингари, бир-бири билан ўзаро боғланган жуда кўп далилларни билишдан том маънодаги юксак билим пайдо бўлади”.

(А. Бутлеров)

“Тараққиёт – табиат қонуни. Унинг тўхтаб қолиши – жамиятнинг аста-секин нураши деган гап; тараққиётни қўллаб-қувватлаш ва унинг тўхташига йўл қўймаслик ҳар бир илм аҳлининг бурчидир”.

(В. Вейтлинг)

“Фан тараққиёти олимларнинг меҳнати ва улар яратган кашфиётларнинг қиммати билан белгиланади”.

“Фан ватаннинг энг юксак қиёфаси бўлмоғи зарур, зотан, барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халққина биринчи ўринни олади”.

“Фан тараққиёти, эҳтимол миллатнинг моддий жиҳатдан гуллаб-яшнашидан ҳам кўра унинг ахлоқий ривожини учун кўпроқ зарурдир. Фан одамдаги қобилият ва ахлоқий савияни оширади; фан буюк ғояларнинг ёйилиши ва тантанасига шароит яратади”.

(Л. Пастер)

“Олға ҳаракат – табиий қонун, табиат қонуни ва у узоқ вақт давомида инсон кучи, золимларнинг қуроли ва кимларнингдир қарғиши билан бўғиб қўйилиши мумкин эмас. Ҳаёт ва тараққиёт изчил олға ҳаракат туфайлигина мавжуддир. Келажак фақат тараққиётникидир”.

(Э. Геккел)

“Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очик денгиздай гап. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балик овлайди”.

(Э. Булвер-Литтон)

* * *

“Фан инсониятнинг олий ақлидир, у инсон ўз жисми ва қонидан яратган қуёшдир, инсон машаққатли ҳаётдаги зулматни ёритиш учун озодликка, адолат ва гўзалликка йўл топиш учун шу қуёшни яратиб, чарақлатиб қўйган”.

* * *

“Олимнинг меҳнати бутун инсоният мулкидир, шу туфайли ҳам фан энг бегараз жабҳа ҳисобланади”.

(М. Горький)

* * *

“Одамда чексиз ижодий қувватлар мужассамки, акс ҳолда, одам бўла олмасди. Бу қувватларни рўёбга чиқармоқ ва очмоқ лозим. Буни адолатга чақирувчи ҳамду санолар билан эмас, балки инсонга қулай ижтимоий ва моддий шарт-шароитларни яратиб бериш билан ҳал этмоқ зарур.

(А. Толстой)

* * *

“Билимли одам, уни қуршаб турган ҳаётнинг барча томонлари ва жабҳалари бўйича ўз дунёқараши, ўз мушоҳадасига эга бўлган кишидир”.

* * *

“Ўзининг билимли ва зиёли одамлигини йирик нарсаларда ҳам, майда нарсаларда ҳам доим ва бутун умр намоён эта билладиган кишинигина чинакам билимли ва зиёли деб ҳисоблаш мумкин”.

* * *

“Илмсиз одам кўролмаган, кўрганда ҳам унинг бирор томонини кўриб шу ҳақда мулоҳаза юритган жойда, билимли одам барча қирраларни кўра олади”.

* * *

“Ҳар қандай чуқур билим фақат мустақил ўқиш йўли билангина орттирилади”.

* * *

“Дипломи бўлмаса ҳам самарали ишлайдиган одамларни дипломли бекорчилардан минг бора устун қўйиш керак”.

* * *

“Билим – одамнинг ижодий мақсадларига хизмат этмоғи лозим. Билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас; уларни иложи бори-ча кенг ёймоқ ва ҳаётга татбиқ этмоқ зарур”.

* * *

“Фан кашф этилганларни билишдангина иборат эмас, кашф этиш ҳамдир”.

(Н. Рубакин)

* * *

“Билимга ҳам худди таомга ўхшаб муносабат қилмоғимиз зарур. Яшашимиздан мақсад – ейиш бўлмаганидек, фақат билиш мақсадида ҳам яшамаймиз”.

(Ж. Рескин)

* * *

“Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир”.

* * *

“Камолот ва билимга ҳеч бир одам ўз-ўзидан эриша олмайди. Кимки билимдон бўлишни истар экан, унга ўз фаолияти, ўз кучи, ўз тиришқоқлиги билан эришмоғи лозим”.

* * *

“Кўпгина талабалар ва ёши улуғ кишиларнинг ақл ва ирода заифлиги кўп нарсаларни амал-тақал билиб, бирор бир нарсани чуқур, мукамал билмаганликлари билан боғлиқдир”.

* * *

“Ноқобил муаллим ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхши-си эса уни топишга ўргатади”.

(А. Дистервег)

* * *

“Инсонни ақлли қилиш қувватига эга бўлмаган ҳар қанча кенг билим кўпинча уни шухратпараст ва такаббурга айлантириши ажабланарли ҳол эмас”.

(Ж. Аддисон)

* * *

“Ўз шогирдларида илмдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ”.

(Э. Хаббард)

“Устоз ўз шогирдларини қандай кўришни истаса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим”.

(В. Даль)

“Агар ўқувчиларда ташаббускорлик ва фаоллик ривожланмас экан, ҳар қандай билим жонсиздир; ўқувчиларни фақат фикрлашга эмас, истакка ҳам ўргатмоқ керак”.

(Н. Умов)

“Биринчи бўлиб сўзсиз: фикр, хаёл, эртак йўлга чиқади. Уларнинг ортидан илмий ҳисоб ва пировард-натижада фикрни амалиёт яқунлайди”.

(К. Циолковский)

“Олим қилмоқчи бўлган ишини бажаргани ҳамано унутсин ва энди эртаю кеч яна қилиши лозим бўлган ишини ўйласин”.

(И. Фихтер)

“Қилган ишидан қаноатланиб қоладиган одам кейинги иши билан ҳеч қачон ном қозонолмайди. У аллақачон ўлган ва қабрини ўт-ўланлар қоплай бошлаган”.

(К. Боуви)

“Билимга интилган ирода ҳеч вақт тугалланган ишдан кўнгли тўлмайди”.

(Ж. Бруно)

“Бесаранжомлик – қаноатланмасликдир, қаноатланмаслик эса тараққиётнинг энг биринчи шарти. Менга ўта мамнун одамни кўрсатинг-чи, мен сизга толесиз кимсани кашф этиб берган бўламан”.

(Т. Эдиссон)

“Фан тугал бир китоб бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Ҳар бир муҳим ютуқ янги саволларни туғдиради. Ҳар қандай тараққиёт вақт ўтиши билан янгидан-янги ва янада чуқурроқ қийинчиликларни юзага келтиради”.

* * *

“Агар муаммони пайдо қиладиганлардай ўйласанг, сен уни ҳеч қачон еча олмайсан”.

* * *

“Атомнинг қудрати маълум бўлганидан сўнг у бизнинг фикрлашимиздан ташқари ҳамма нарсани ўзгартирди. Агар инсоният омон қолишни истаса, унга бутунлай янгича фикрлаш тизими зарур бўлади”.

* * *

“Кўпчилик ёшлигидан фалон-фалон нарсаларнинг бўлиши мумкин эмаслигини билади. Лекин ҳар доим буни билмайдиган бесаводлар ҳам топилади. Ана ўшалар оқибатда кашфиётлар яратишади”.

* * *

“Агар “эҳтимоллар назарияси” тасдиқланса, немислар мени “немис” деб, французлар эса “дунё фуқароси” деб айтишади, агар менинг назариямни инкор қилишса, французлар мени “немис” деб, немислар эса “яхудий” деб эълон қилишади”.

(А. Эйнштейн)

* * *

“Таассуфки, “олим” деб аталувчиларнинг анчагина қисми фанга ўзларини кундалик харжу тамадди билан таъмин этишга мажбур бўлган соғин сигирдек қарайдиларки, бу олимни косибга, ҳатто қаллобга айлантиради”.

(Н. Миклухо-Маклай)

* * *

“Юзаки ва саёз фикр юритадиган одам жаҳолатни теранлик деб, ёввойиликни забардастлик, мавҳумликни ниҳоясизлик, бемаъниликни ўта таъсирчанлик, дея қабул қилади”.

* * *

“Ҳақиқий олим камтар бўлмай иложи йўқ, чунки у қанчалар кўп иш қилгани сайин, ҳали шунча ишлар бажарилмай ётганини ҳам яққол кўра олади”.

* * *

“Олимлар оддий фуқаролардан кўпинча қийин ва чигал янглишишлардан ҳам завқланиш лаёқати билан ажралиб турадилар”.

“Орзуга мойилликни сақлаш буюк донишмандликдир. Орзулар дунёга гўзаллик ва маъно бахш этади. Орзулар, агар улар изчил ва асосли бўлса, ўз ўлчови ва қиёси билан реал дунё яратар экан, яна ҳам тиниқлашиб кетади”.

(А. Франс)

“Илмий ишни доимий тажрибалар ва аниқ кўргазмалар воситасида тўғри олиб бормоқлик учун бардошли маҳорат керак”.

(Ж. Максвелл)

“Буюк манзилга интилаётган одам “хаёлпараст”, “шоввоз” ёки “хомхаёл” деган лақаблардан кўрқмаслиги керак. Зотан, бу лақаблар уни олганларни эмас, тўқиб чиқарганларни кўпроқ шарманда қилади”.

(Э. Якобс)

“Илмий ғоялар дунёсида ҳам худди ҳаётнинг ўзидаги каби тараққиёт ва ҳақиқат дарров ғалаба қозонавермайди: бунинг учун курашиш, барча кучларни сафарбар этиш, тўхтовсиз мақсадга интилиш ва шижоат кўрсатиш, ўзининг ҳақлигига ва ғалабага қаттиқ ишонч зарур”.

(А. Ферсман)

“Ҳар қандай илмга оид ҳақиқатнинг қисмати аввало кулги бўлиб, кейин тан олиш билан яқунланган”.

(А. Швейцер)

“Қанчадан-қанча илмий кашфиётлар то рўёбга чиқарилмагунча мумкин бўлмаган нарсалар, деб ҳисобланган эди”.

(Катта Плиний)

“Биз ҳозир физикадан аниқ биладиган нарсалар илгарилари тахмин қилинган эди. Агар хатто янглиш бўлса ҳам бундай тахминларга сира йўл қўйилмаганда эди, унда биз илмдаги бирорта ҳақиқатниям очолмаган бўлур эдик”.

(Э. Эйлер)

* * *

“Олимнинг асосий бурчи ўз фикрларининг беқусурлигини исботлашга уринишида эмас, аксинча, исботланиши даргумон бўлган ҳар қандай қараш ва ҳар қандай хато тажрибадан воз кечишга доимо шай туришидадир”.

(П. Бертоло)

* * *

“Амалдаги назарияга зид далил учраганида, гарчи бу назарияни ҳамма тан олиб, йирик алломалар қўллаб-қувватлаб турган тақдирда ҳам, назарияни рад этиб, далилни тан олмоқ зарур”.

(К. Бернар)

* * *

“Машҳур одам қувватлаб турган хатоликдан ҳам кўра юқумлироқ нарса йўқ”.

(Ж. Бюффон)

* * *

“Олимда кўпинча нимадир: ё шира ё ҳаракат ё ҳазми таом ё меъда шарбати ёхуд идрок деб аталмиш нарса етишмайди”.

(Ж. Поль)

* * *

“Айрим олимлар хазина қоровулига ўхшайдилар: уларнинг қўлида беҳад бойликнинг калити бору, лекин бу бойликнинг уларга ҳеч даҳли йўқ”.

(Л. Берне)

* * *

“Олим тўсиқлар бўлишига қарамай, синалмаган йўллардан юриши керак”.

(Н. Лобачевский)

* * *

“Билим тугал, кристалл ҳолга келган ўлик нарса эмас, у абадий яратилади, абадий ҳаракатда бўлади”.

(Д. Прянишников)

* * *

“Фандаги ҳалолликни ҳаётдаги ҳалолликдан ажратиб бўлмайди ва кимки фанни ўзи учун фақат соғин сигир деб билса, у ҳалол одам эмас, аксинча, у фаннинг муқаддас номини савдо-сотиққа айлантирган хунарманддир”.

(Ф. Иноземцев)

“Илм бериш фақат мактабнинг иши эмас. Мактаб шу билимга калит беради, холос. Мактабдан ташқари ўқиш ҳаётни тўлалигича қамраб олади! Инсон бир умр илмини ошира бориши лозим...”

“Инсон ҳаёт экан, гарчи соқи оқарган бўлса ҳам, билим олиши мумкин, билим олишни истайди ва билим олиши шарт! Бинобарин, мактабдан ташқари олинадиган ҳар қандай билим, чунки ҳаёт бутун борлиғи билан мактаб доирасига сиғмайди, мактабдан ташқари ўқиш жараёнидир”.

(А. Луначарский)

“Устознинг билими тугаб, шогирднинг янги билими бошланган жойда кашфиёт туғилади”.

(К. Федин)

“Менинг издошларим мендан ўзиб кетишлари, менга қарши чиқишлари, ҳатто ишларимни барбод қилганлари ҳолда, айни чоғда уни ривожлантиришлари лозим. Фақат мана шундай изчил емириш ишлари туфайлигина тараққиёт юзага чиқади”.

(И. Мичурин)

“Из устига тўғри оёқ қўйиш жўн иш; ўзинг йўл очишинг эсанча мушкул, аммо шарафлидир”.

(Я. Колас)

“Ўқиш – тарбия деб аталувчи гулнинг фақат биргина гулбарги холос”.

“Билимни ўз кучинг билан эгалла, шеригингнинг меҳнат натижаларини ўзлаштиришинг ноинсофлик. Дарс вазифаларини мустақил бажармаслик – текинхўрликка қўйилган биринчи қадам”.

“Дарс пайтидаги бекорчилик, ақлий меҳнат тақозо этилган жойда айни унинг бўлмаслиги – бўш вақт йўқлигининг бош сабабидир”.

“Ўқиш, ўрганишда марди майдон бўл! Сенинг кадр-қимматинг – ўз имкониятларингдан тўла фойдаланиб ўқишингда. Эр кишининг иззат, шаъни – текинхўр, ҳамтовоқ бўлмасликда. Фикр ялқовлигидан ҳазар қил!”

(В. Сухомлинский)

Ҳикмат аҳли дерларки:

“Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак, билимсизнинг тилини тушуниш қийин”.

“Билим – мисоли бир жилов, у одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради”.

“Ҳар қандай бақувват одамнинг кучи бир кун тугайди. Лекин илм мангу яшайди. Илм нури ёпиқ кўзлардан ҳам ичкарига киради, уларга зиё беради. Боғланиб, қафасга солинган шер ўз кучини йўқотмагани каби илм эгаси ҳам бадавлат бўлмаса-да, ўз иззат ва ҳурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир боғланса-да, ҳамма жойда ҳаром ҳисоблангани каби, илмсиз ва саховатсиз давлатманд ҳам кишилар нафратига дучор бўлади”.

“Илм қадри йўқ одамга шараф, одоб эса хавф орттирмайдиган бойликдир”.

“Оналар болаларини таом едиришдан аввал сут билан боқадилар, шунга ўхшаш комил устозлар ҳам ўқувчиларга дарс беришдан олдин енгил илмларни ўргатиб, кейин оғир илмга кўчадилар”.

“Илмли одамлар давлатнинг кўплигидан қувониб, озлигидан ранжимайди. Чунки илм шундай битмас ва туганмас хазина ва давлат-ки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир эта олмайди. Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади. Аммо илм ва одоб бундан мустаснодир”.

“Мен илм топа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсам эди...”.

“Илм-фанда тўппа-тўғри ва теп-текис йўл бўлмайди, илм-фаннинг сўқмоқларига чарчашдан кўрқмай эмакляб чиққан кишиларгина унинг нурафшон чўққиларига етиши мумкин”.

“Ҳар бир миллат бошқа миллатлардан ўрганиши мумкин ёки ўргатиши лозим”.

“Агар мен оз нарса билишимни пайқасам, кўпроқ нарса билишга тиришаман”.

“Илм олишда диққат қилиш лозим бўлган жиҳат: бу дунёда билмасликдан эмас, нотўғри билишдан ҳазар қилмоқ шарт. Зотан, бу барча ёмонликларнинг аввал боши ҳисобланади”.

“Билим беришда бутун иш устознинг ким эканлигига боғлиқ. Агар устоз-муаллим кучсиз бўлса, унинг ўзидаги билимлар фан тараққиётидан орқада қолаётган бўлса, унинг заифлиги ўқувчилар орқали келажакка ўтаверади. Бундан кўра ҳам ёмонроқ нарса бўлиши мумкин эмас”.

“Бир одам арабча ўрганишни ҳавас қилиб, илмли дўстларидан биридин олтин тахта устига бир неча арабча сўзларни ёзиб беришни сўрайди. Дўст илтимосни бажаради. У одам эса араб сўзлари ёзилган олтин тахтани уйига олиб боради ва унга ҳар замон – ҳар замонда бир қараб қўйиб, ниҳоят «арабчани жуда яхши билиб олдим», деган қарорга келади-ю мажлисда арабча сўзламоқчи бўлиб, миси чиқади. Мажлис ахлидан бири унинг шармандасини чиқаради. У одам эса: «Мендан хато топа олмайсан, сен ёғоч тахтага ёзиб ўргангансан. Мен ўрганган олтин тахтага шундай ёзилган», деб ғазабланади”.

“Бу дунёда яшаб, илмга рағбат этмаган киши ҳаммомга кириб ювинмай чиққан нодон кабидир”.

“Боғланиб, сандиққа ташланган шер ўз кучини йўқотмагани каби, илм ва ҳунар эгаси ҳам бадавлат бўлмаса-да, ўз иззат-хур-

матини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир боғланса-да, ҳамма жойда ҳаром ҳисоблангани каби истеъдодсиз, саховатсиз давлатманд ҳам нафратга дучор бўлади”.

* * *

“Ёш аёллар “шарти кетиб, парти қолган” қари чоллар суҳбатидан қочганлари каби илм ва ҳунар ҳам танбал ва ишёқмасларга насиб этмайди”.

* * *

“Оқил одамларга давлатнинг кўплигидан хурсанд, озлигидан ранжиш ярашмайди. У фақат илми ва ҳунарини ўз моли деб ҳисоблаши керак. Чунки булар шундай бир битмас-туганмас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир эта олмайди”.

* * *

“Билим дарахтининг меваси – одамларга хайрихоҳлик ва бошқаларни ранжитмасликдир. Илмли бўлиб, унга амал қилмаганлар, била туриб таҳликали йўлдан қайтмаган ва йўлда қароқчиларга учраб, бор-йўғидан ажраган одамларга ўхшайдилар. Ўзига ёқмайдиган овқатнинг зарарли эканини била туриб, ундан бош тортмайдиган, натижада ҳалок бўладиган касал одамларни эслатадилар. Хуллас, ишининг ёмон эканлигини била туриб, нафсини тия олмаган одам азоб-уқубат оловига йўлиқади. Масалан, бири кўр, бири эса соғ икки одам ўрага йиқилиб, яраланса, фаросатли кишилар кўзи очиқ одамни айблайдилар. Сўқирнинг ишини узрли деб биладилар”.

* * *

“Илмига амал қилувчи олим – олам нуридир. Инсонлар шу нурга интиладилар. Тоғларга чиққанда киши роҳатлангани каби, илмга рағбат қилган ақл эгаси олимларнинг ёнига борганда ажиб бир ҳузур топади. Илмига амал қилмаган уйқусираган одам кабидир. Агар илм тилда қолаверса, қалб тирилмайди. Илмни оғзида қолдириб, ёмон амаллар қилганлар Куръони каримда китоб юкланган эшакка ўхшатишган. Кимки илмига мувофиқ иш тутмабди, эшакликдан қутулмабди. Бошқача айтганда, бундай ҳолат Аллоҳ берган зехн, идрок, ақлни исроф этмоқликдир”.

* * *

“Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири – мол-мулк йиғиб фойдаланмаган, иккинчиси эса, илм олиб унга амал қилмаган одам:

Харчанд ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг – нодонсан”.

* * *

Эрон шоҳи вазири Бузургмеҳрдан: “Илм афзалми ёки мол?” деб сўрашди. “Илм”, деди вазир. Яна сўрадилар: “У ҳолда нега олимларни бойларнинг эшигида кўрамизу, бойларни олимлар эшигида кўрмаймиз?” Жавоб бўлдиким: “Чунки олимлар молнинг фойдасини билади. Бойлар эса илмнинг фазлини билмайди”.

* * *

Искандар Румийнинг (*Александр Македонский*) Арасту ҳаким (*Аристотель*) исмли устози бор эди. У билан бемаслаҳат иш қилмасди. Устози саройга кириб келса, ўрнидан туриб, иззат билан кутиб оларди. Ҳатто уни ўз отасидан ҳам ортиқроқ кўрарди. Бир куни Искандар Румийдан: “Нечун Арасту ҳакимни отангиздан ортиқ иззат қиласиз?” деб сўрадилар. Ул дедик: “Отам гўёки мени осмондан ерга туширди. Аммо устозим Арасту ҳаким мени ердан осмонга кўтарди. Яъни, отам мени дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Устозим илм ва одоб ўргатиб, мартаба ва иззатимнинг ортмоғига сабаб бўлди”.

* * *

Турк ҳукмдорларидан бири Султон Салим Мисрни забт этиб, Истанбулга қайтаётган эди. У қўшин олдида устозлари, мулозимлари, шайхул-исломлар қуршовида эди. Зафар машқлари чалинганда ибн Камолнинг оти хуркиб, сакради-ю Султоннинг сут каби оппоқ либосига лой сачради. Буни кўрган ибн Камол кўрқиб кетди. Бошқалар ҳам подшоҳнинг ғазабланишини кутдилар. Аммо Султон Салим дедик:


– Бу либосимни олиб, сақлаб қўйинг. Бу либос шундайлигича, лойи билан сақлансин!

Вазирлар бу буйруқ ҳикматини, сабабини сўраганларида Султон Салим шундай жавоб берди:

– Муҳтарам устозим отининг оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир, у охиратда васиқаи баротимиз бўладир. Либосимизга теккан лойни кўриб, авлодимиз ҳам ибрат олсинлар, уламо отининг оёғидан сачраган лой бизнинг назаримизда қанчалик қадрли эканлигини дунё тургунча авлодимиз хотирласин.

* * *

Эрон шоҳи Хисрав Парвез ҳузурига Румдан бир элчи келди. Шоҳ вазири Бузургмеҳрнинг донолигини элчига маълум қилиб қўйиш мақсадида:



“Эй Бузургмеҳр, дунёда нимаики бўлса, сен ҳаммасини биласан, а?” деб сўради. Шоҳ вазирдан “Ҳа, биламан”, деган жавоб кутган эди. Аммо вазири “Билмайман”, деб жавоб қилди.

Элчининг олдида мулзам бўлган шоҳ ғазабланиб сўради:

– Ҳамма нарсани ким билади?

– Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо ҳамма ҳали онасидан туғилган эмас.

Яна бир доно вазирдан савол сўрадилар. “Билмайман”, деб жавоб берди у. Яна сўрадилар, яна шу жавоб: “Билмайман”. Шунда ажабланиб дедилар: “Шоҳ сизни доно вазир деб катта миқдорда ҳақ тўлайдилар-у билмайман дейишга уялмайсизми?” Доно вазир деди: “Подшоҳ менга билганларим учун ҳақ тўлайди. Агар билмаганларим учун ҳам тўласа, етти иқлимнинг хазинаси етмаган бўларди”.

Бир донишманддан сўрабдилар:

– Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдингиз?

Донишманд деди:

– Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим. Ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

Арасту ҳаким шогирди Искандар Румийга: “Шараф ва обрўйинг яна ҳам юқорилашини истасанг, илми ҳикмат ўрганишдан ор-номус қилма”, деб ўргатган эканлар.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Билимдонга бало йўқ.
- * Ўқи, илм ол. Сотсанг пулинг, сотмасанг – қулингдир.
- * Олим бўлсанг – олам сеники.
- * Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.
- * Кўп юрган – кўп кўрар, кўп ўқиган – кўп уқар.
- * Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар.
- * Илм – ақлнинг чироғи.
- * Илм истасанг – такрор қил.
- * Илму ҳунар ерга эмас, элга.
- * Билаги зўр – бирни йиқар, билими зўр – мингни йиқар.
- * Билган топиб гапирар, билмаган – қопиб.
- * Билган билганин ишлар, билмаган – бармоғин тишлар.
- * Билганга – лапар, билмаганга – дардисар.
- * Билганингни элдан аяма.
- * Билишни истасанг, сўрашдан қайтма.
- * Билими бор – қанотли қуш.
- * Билим – кучда, куч – билимда.
- * Билимли ўзар, билимсиз тўзар.
- * Илму ҳикмат сувни ёндираар.
- * Юзга кирсанг – юз йил ўқи.
- * Юзга кирсанг ҳам ҳунар ўрган.
- * Юзига қарама, билимига қара.
- * Ўрганиш бир ҳунар, ўргатиш – икки ҳунар.
- * Ўрдак бўлмай ғоз бўл, билим олиб – соз бўл.
- * Ўқиган – гулистон, ўқимаган – гўристон.
- * Ўқиган – ёруғ, ўқимаган – чорик.
- * Ўқиган – олим, ўқимаган – ўзига золим.
- * Ўқиган ўқдан ошар, нодон турткидан шошар.
- * Ўқиган ўғил – отадан улуғ.
- * Ўқиш бошқа, уқиш бошқа.
- * Қуёш оламга, билим одамга нур сочар.
- * Маълумотни ҳеч қачон тугалланган деб бўлмас.
- * Фан – таълим булоғи, билим – ҳаёт чироғи.
- * Ақл кўпга етказар, ҳунар – кўкка.
- * Бахт белгиси – билим.
- * Билак билан битмаган билим билан битар.
- * Билим – давлатдан қиммат.
- * Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши.
- * Билмаганни сўраб ўрганган – олим,
Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

- * Дидли йигит – илмли йигит.
- * Илм – ақл булоғи, ақл – яшаш чироғи.
- * Илм бахт келтирар, билим – тахт.
- * Илм – ёруғлик, жаҳолат – зулмат.
- * Илм олиш – игна билан қудуқ қазиш.
- * Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.
- * Илм – тубсиз қудуқ.
- * Илм – эгарланган от, билганга – дўст, билмаганга – ёв.
- * Илм ўлчови – ақл, зеҳн ўлчови – нақл.
- * Илм қоғоз қатида эмас, мия қатида.
- * Илми борни ёш дема, илми йўқни бош дема.
- * Илми йўқнинг кўзи юмуқ.
- * Илмли – олар, илмсиз – олдиарар.
- * Илмлининг сўзи – ўқ.
- * Илмнинг аввали аччиқ, сўнги – тотли.
- * Мерос моли тўзади, меросли хунар ўзади.
- * Огоҳликни кўрдан ўрган, доноликни – илмдан.
- * Оздан йиғилиб дарё бўлар, сўраб-сўраб доно бўлар.
- * Олтин олма – билим ол, билим олсанг – билиб ол.
- * Пиринг кучли бўлгунча билиминг кучли бўлсин.
- * Походдан сомон чиқмас, қўполдан олим чиқмас.
- * Саъва иши – сайрамоқ, хўкиз иши – хирмон янчмоқ.
- * Текин бойлик ахтаргунча ўзингга боп хунар топ.
- * Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз – хунар.
- * Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.
- * Устозсиз шогирд – жонсиз кесак.
- * Учишга қанот керак, ўқишга – тоқат.
- * Учқундан кўрққан темирчи бўлмас.
- * Чаласавод – чирик работ.
- * Шогирдинг оқил бўлса – бошингда тож,
Шогирдинг эрка бўлса – бошга таёқ.
- * Шогирднинг бефаросати устозни муттаҳам қилар.
- * Юз туман олтиндан хунар яхши.
- * Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас.
- * Яхши билсанг ишингни – яхшилар силар бошингни.
- * Ўқиш – жафоли, кети – вафоли.
- * Ўқиган ўқиган эмас, уққан – ўқиган.
- * Ўқиш яхши, уққан ундан-да яхши.
- * Ўқуви бор улғаяр, укуви йўқ сарғаяр.
- * Қадам қўй аста-аста, қадам етгунча илм иста.
- * Қизнинг кўрки – ноз, йигитнинг кўрки – хунар.
- * Қирсиз ер бўлмас, хунарсиз – эр.

- * Қуйма ақл бұлмаса, туртма ақл хеч бұлар.
- * Қунт билан ўрган хунар, хунардан ризқинг унар.
- * Қўли хунарсиз – нон гадойи.
- * Ҳар ишнинг бир устаси бор, ҳар устанинг бир устози бор.
- * Ҳар кимнинг иши эмас, улоқ уламоқ,
Мадрасага бориб тупроқ яламоқ.
- * Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда.
- * Ҳунар – зар, хунарсиз – хар.
- * Ҳунар ошхўрга ош берар, нонхўрга – нон.
- * Ҳунар – оқар булоқ, илм – ёнар чироқ.
- * Ҳунар тўйғизар: от миндириб, тўн кийгизар.
- * Ҳунари борнинг олтин билаги бор.
- * Ҳунари йўқ кишидан бигизи бор ямоқчи яхши.
- * Ҳунарли мой ошар, хунарсиз лой ошар.
- * Ҳунарли эр хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас.
- * Ҳунарли ўлмас, хунарсиз кун кўрмас.
- * Ҳунарлининг хунари муродига етказар,
Ҳунарсизнинг юраги қаро ерга етказар.
- * Ҳунарни ўрганиб қўйсанг, сендан ош-нон тиламайди.
- * Ақл – эскирмас кийим, билим – туганмас булоқ. *(Қирғиз мақоли)*
- * Нақадар баланд чиқсанг, шу қадар кўпни кўрасан. *(Рус мақоли)*

ТАФАККУР КЕМАЛАРИ

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.
Билимдонлар сўзи бордир бу бобда,
“Билимдон гўрда-ю илми китобда!”
Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдир,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.

(Абдураҳмон Жомий)

“Китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ кўринишидир. Китобларда кечмиш замонларнинг ақл-идроки яшайди; хоки тупроқлари туш сингари аллақачонлар тўзғиб кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари – худди сеҳрли сандикдай китоблар саҳифасида сақланиб қолган”.

“Ўқишга ўрганинг. Бу сиз тасаввур этгандан кўра қийинроқ масала. Ўқиганда ҳам синчковлик билан, ҳалоллик билан ва ўзингиз хаёл қилганингиз эмас, балки ҳақиқатан қизиққан соҳангизни; ўзингиз иш олиб бораётган жабҳага нимани бирдан-бир мақбул топсангиз – ўшани қўлингиздан келганча буюк самимият билан ўқинг”.

(Т. Карлейл)

“Бирон буюк асардаги ҳамма нуқталарни тўла ҳазм қилмоқ учун уни шошилмай ўқиб чиқиш керак ва бошқа асарга ўтишдан аввал узоқ вақт нафасни ростлаш зарур”.

(А. Бэн)

“Мушоҳада юритмасдан ўқиш овқат ҳазм қилмаслик билан баробар”.

(Э. Борк)

“Яхши китоб мева бериб, бошқа китобларнинг туғилишига олиб келади; унинг шон-шухрати асрлардан-асрларга ўтиб, уни мутолаа қилиш китобхонлар ҳаётидаги бутун бир даврни ташкил этади”.

“Очганингда ҳузурланиб, ёпганингда руҳан бойиганингни ҳис этганинг китобгина яхши китобдир”.

(А. Олкотт)

“Парча ва сочма фикрларни ўқиётган пайтда ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ ўлчов талаб қилинади”.

(И. Гердер)

“Сўмлар тийинлардан йиғилганидек, оз-оздан ўқилиб илм таркиб топади”.

(В. Даль)

“Нимани ўқишингни айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман. Одамнинг ақли ва хулқ-атворини кутубхонасига кўз ташлаб туриб ҳам тўғри топса бўлади”.

(Л. Блан)

“Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир”.

“Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи узлатда, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади”.

(С. Цвейг)

“Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан бегиланади”.

(Э. Лабуле)

“Китобларнинг сони эмас, уларнинг яхшиси фойда келтиради”.

“Агар ниманидир ўқиб чиққан бўлсанг, ундаги асосий фикр-ни уқиб ол. Мен ҳам шундай қиламан: ўқиган нарсамдан албатта ниманидир ёзиб оламан”.

“Китобларнинг ҳаддан зиёд кўплиги фикрларни сочиб юборади... Катта кутубхона ўқувчига ниманидир ўргатишдан кўра уни паришон қилиб қўяди. Ўйламай, дуч келган китобни ўқийвергандан кўра бир неча муаллиф билан чегараланган афзал”.

(Сенека)

“Бир ёқлама ўқиш – қанчалик изчил тарзда бўлмасин, ҳар қанча тартибсиз ўқишдан ҳам зарарлидир. Инсоният билимининг фақат бир соҳасинигина ўрганишдай одамнинг ақлини қуритиб, фикрлаш уфқини торайтирадиган нарса йўқ”.

(А. Скабичевский)

“Биз муттасил алифбени такрорлайвермаслигимиз, бир умр таппа-тахт синфларда ўтиравермаслигимиз, балки адабиётларда мавжуд жами яхши нарсаларни ўқимоғимиз зарур... Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда, бунга улгурмайсиз”.

“Китобнинг вазифаси ҳаётни билишни осонлаштириш ва тезлатишдир, лекин у ҳаётнинг ўрнини босолмайди”.

(Я. Корчак)

“Энг яхши санъат асарларини вақти-вақти билан такрор синчиклаб кўрмоқ зарур; уларда кўз илғамас теранлик яширинган бўлади”.

“Ўртамиёна китобларни керагидан ортиқ ўқиб, беҳуда вақт сарфлайдилар. Аслида ҳайратланган нарсангнигина ўқишинг лозим”.

(И. Гёте)

“Айрим кишилар китобни, худди ақл эҳтиёжи учун эмас, балки қўлда ўйнаш учун ёзилгандек, ҳажмига қараб баҳолайдилар”.

(Б. Грасиан)

“Биз ҳаддан зиёд кўп ўқиймиз, шу қадар кўп ўқиймизки, ҳатто эшитишни унутиб қўйдик”.

(Ж. Стефенс)

“Инсон ва буюмларнинг табиати нозиклик билан кузатилиб акс эттириб берилган китоблар ҳеч қачон ёқмай қолиши мумкин эмас”.

“Китоблар орасида ҳам худди одамлардагидек, яхши ёки бе-маъни улфатлар даврасига тушиб қолиш мумкин”.

“Тажриба шуни кўрсатадики, агар бир одамнинг қарашларига бошқасиники тўғри келмаса, у ўша кишини йўлдан озган, ҳар қандай шу йўсин китобни эса ёмон китоб деб ҳисоблайди”.

(К. Гелвеций)

“Аслида қандайдир янгиликни қамраган асарнигина китоб деб аташ мумкин, қолганларининг ҳаммаси эса у ёки бу жабҳада нима қилингани ҳақида тезроқ маълумот олиш воситасидир, холос”.

“Одамлар ўқиганларининг кўпини унутиб юборишларининг сабаби ўзларининг жуда кам ўйлашларидир... Ўқиб тушунмаслик – ҳеч нарса ўқимаган билан баробар”.

“Чиндан ҳам кўп одамлар ўйламаслик ҳуқуқига эга бўлиш учунгина китоб ўқийдилар”.

(Г. Лихтенберг)

“Ҳақиқий олимнинг энг қимматли китоби – ўзига нима мавҳумлигини рўйирост тан олган китобидир. Муаллиф қийинчиликларни яширса, ўқувчига ҳамма вақт ёмон”.

(Э. Галуа)

“Сизни ўйлашга мажбур этадиган китобларгина энг нафли китоблардир”.

(Т. Паркер)

“Ғоят доно хатти-ҳаракатлардан туғилувчи эзгу саховатлари-мизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз”.

“Ўқиркансан, худди бирор луғатдаги каби ўқиганларинг хо-тирангнинг бир чеккасида қолиб кетмаслиги лозим, улар вужу-динг ва қонинггача сингиб кетиши учун чуқур ўйлаб, мулоҳаза юритиб ўқишинг керак”.

(Р. Эмерсон)

“Агар китоб юракда жасорат ва олижанобликни уйғотиб, қалбга кўтаринкилик бахш этса, уни айнан ўша туйғулар билан баҳоланг: бу санъаткор қўли билан яратилган чинакам асардир”.

“Калтабинлар китоб ўқишади-ю, лекин ундан ҳеч нарса тушу-нишмайди; иқтидорли одамлар ўзларига ҳамма нарса тушунарли деб ўйлашади, чинакам оқил кишилар эса гоҳо ҳамма нарсани ҳам тушунавермайдилар: чигал нарсаларни чигал, аниқ нарсаларни аниқ деб топадилар. Баъзи “ақллилар” эса аниқ нарсани ноаниқ деб, беш қўлдай равшан масалага ҳам ақллари етмайди”.

(Ж. Лабрюйер)

100

“Кутубхоналар инсоният барча руҳий бойликларининг дурдо-наларидир”.

(Г. Лейбниц)

“Китоб фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтирувчи их-чамгина қуролдир; у ақлий танбаллигимиз билан қурашиши-мизда бизга кўмаклашувчи тафаккур қувватидир”.

“Ўқиш санъати ўзганинг озгина кўмаги ёрдами-да фикр юритиш санъатидир; ўқиш ўзга билан биргалик-да фикрлаш, ўзганинг фикрини мулоҳаза қилиб кўриш, ўзи-мизнинг фикрларимизга ўхшаш ва унга зид фикрларни хаёлдан ўтказиш демақдир”.

“Агар биз билим орттириш ниятида китоб ўқир эканмиз, шошмай ўқишимиз, китобларда учрайдиган жами бизга но-таниш, ўрганишни истаган нарсаларимизни ёзиб боришимиз керак”.

“Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради ва қартайганимизда ҳам маломат қилмайди”.

(Э. Фагэ)

“Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади ақлни чархлайди ва юракни юмшатади”.

(У. Теккерей)

“Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қиммат-баҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир”.

“Зид келиш ва инкор этиш учун эмас; кўр-кўрона ишониш учун эмас; суҳбатга гап топиш учун ҳам эмас; фикрлаш ва мулоҳаза юритиш учун ўқи”.

“Китоб одамни билагон, суҳбат – топқир қилади, ёзиб олиш одати эса уни аниқликка ўргатади”.

“Китоблар борки, шунчаки варақлаб чиқишнинг ўзи кифоя. Китоблар борки, уларни симириб, бир оз қисминигина чайнаб ҳазм қилишга тўғри келади”.

“Қанча-қанча кунлар, қанча-қанча уйқусиз тунларнинг меҳнати, қанчалаб ақл қуввати, қанча-қанча умид ва ташвишлар, бардош билан фақат изланишга бахш этилган қанча-қанча умрлар мана шу майда босмахона ҳарфларига жо этилган, тева-рагимизни ўраб турган торгина жавонларга йиғилган”.

(А. Смит)

“Ақлни пешламоқликда қадим даҳоларни ўқишдан кўра яхшироқ восита йўқ; улардан биронтасини ақалли ярим соатгина кўлингда тутсанг, ўзингни ўша заҳотиёқ қайтадан туғилгандек,

рухинг енгиллашгандек, ўзинг мусаффолашгандек, кўтаринкилик ва бардамликни ҳис этасан – гўё тип-тиниқ булоқда чўмилиб чиққандек бўласан”.

“Инсоният илмининг барча соҳаларга оид катта қисми қоғозларда, кишилиқнинг қоғоз хотираси бўлмиш китобларда яшайди. Шунинг учун ҳам одамзоднинг ягона умиди ва ўлмас хотираси фақат китоб тўплаш ва кутубхона очишдадир”.

“Агар ҳамма нарса узлуксиз ўқийверилса, кейин ўқилганлар ҳақида фикр юритилмаса, улар илдиз отмайди, кўпчилиги унут ва йўқ бўлиб кетади”.

(А. Шопенгауэр)

“Мутолаага берилиш – турмушда сўзсиз содир бўлиб турадиган зерикиш соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат соатларига айлантириш деган сўз... Мутолаа ҳаётдаги кўнгилсизликларга қарши курашда мен учун энг яхши восита эди; ўқиш онларимда ёзилиб кетмаган қайғу-аламим бўлмаган... Ғаламис ва бемаъни фикрлардан қутулмоқ учун ўқишга тутинишимнинг ўзи кифоя; у диққат-эътиборимни осонгина забт этиб, ёмон фикрларни йироқ ҳайдайди”.

(Ш. Монтескье)

“Китоб ўқишдан кўра арзон кўнгилхушлиқ ва айни пайтда узок давом этувчи ором бўлмаса керак”.

(М. Монтегю)

“Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар, ҳозирги давримизда эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ лозим”.

(Ж. Леббок)

“Бир вақтлар китобларнинг камчилиги илмнинг ўсишига зиён етказган эди. Ҳозир эса унинг кўплиги одамни гаранг қилиб, шахсий мулоҳаза юритишингга ҳалал беради”.

“Бир мартадан кейин ўқишга арзимайдиган китоб мутлақо ўқишга ярамайди”.

(К. Вебер)

“Бизда китобларга бўлган муносабат худди одамларга муносабатнинг ўзи. Гарчи биз кўплар билан танишсак-да, улардан айримларинигина дўст сифатида, ҳаётдаги самимий йўлдошимиз сифатида танлаймиз”.

(Л. Фейербах)

“Худди ярамас ошналар сингари бўлмағур китоблар ҳам бизни йўлдан уриши мумкин”.

(Г. Филдинг)

“Китоблар менга бутун ҳаёт йўлимда ҳамроҳлик қилдилар ва мен ҳар вақт ва ҳамма ерда улар билан бирга нафас олдим. Улар кексалик йилларимда, узлатда танҳо яшайдиган онларимда менга тасалли бўладилар. Улар мени жонга тегиб кетадиган бекорчилик юкидан халос этадилар ва ҳар дам менга бемаъни улфатлардан қутулиш имконини берадилар. Агар тан оғриқлари бошқа жами нарсаларни ўзига бўйин эгдирадиган даражада кучайиб кетмаса, китоблар ўша оғриқ хуружларини ҳам юмшатадилар”.

“Ғоят кўламли ва юксак камолотга эришган донишмандлар билан мулоқотда бўлиш натижасида онгимиз, бир томондан пешланса, бироқ иккинчи томондан, ярамас ва инжиқ кимсаларга доимо рўбарў келиш ва улар билан алоқа қилиш оқибатида қанчалар ақлимизни йўқотишимизни ва айнишимизни ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин”.

(М. Монтен)

“Кимки аждодлар яратган бойликларни билмаса, демак у нафосатдан бебаҳра яшаган”.

(Г. Гегел)

“Халқни маърифатли қилиш – уни ахлоқий юксалтириш деган сўз; уни саводхон қилиш маданий камолотга етказиш демакдир. Кунда ўқиладиган яхши китоблар таъсирида ҳар қандай дағаллик ҳам ўтда куйгандек куйиб боради”.

“Китоблар мангулик хусусиятига эга. Улар инсон фаолиятининг энг умрбоқий меваларидир”.

* * *

“Китоблар бизни яхши жамият сари етаклайди, бизни барча замонларнинг буюк ақл эгалари билан таништиради... Китоб энг сабр-қаноатли, бардошли, қувноқ биродаримиздир. У ҳар қандай мусибатли ёки бахтсизлик дамларда ҳам биздан юз ўгирмайди”.

* * *

“Саводи бор ҳар бир киши китоб ёрдамида ақл-заковат қошонасига кириш ҳуқуқи ва имкониятига эгадир”.

* * *

“Биз буюк зотларнинг руҳи яшайдиган китобларга шодликда ҳам, ғамда ҳам, тўқлик ва қашшоқликда ҳам маслаҳатгўй сифатида, кўнгил очиш ва таскин олиш учун мурожаат этамиз”.

* * *

“Одамнинг қандай одамлигини у ўқийдиган китобларга қараб билиш мумкин”.

* * *

“Айрим одамларга китоб ўқиш фақатгина ёқимли дам олиш, олий даражадаги ҳашамат ҳисобланади”.

* * *

“Китоблар кексаликда энг яхши дўст, айна пайтда ёшликнинг энг азиз раҳнамосидир”.

(С. Смайлс)

* * *

“Китоблар ғоят зўр дўстларимиздир. Уларга ҳаётнинг ҳамма қийин дақиқаларида ҳам ишонса бўлади. Улар ҳеч вақт хиёнат қилмайди”.

(А. Додэ)

* * *

“Китоблар бизни ўтмиш асрлар маънавий ҳаётининг ворисларига ўлгантиради... Биз китоб туфайли кишиликнинг буюк ақл эгалари билан мулоқотда бўлиб ҳузурланамиз ва бу алоқа воситасидан ҳар биримиз ҳам фойдаланишимиз мумкин”.

* * *

“Ҳақиқий билим орттирмоқ учун одам яхши китобларни, яъни, яхши, ақлли кишилар ва чинакам донишмандлар ёзган китобларни танламоғи лозим”.

(У. Чэннинг)

“Ўзингизни донолар даврасида ортиқча меҳмон деб ҳисобланманг. Ўзингизга яраша жойингизни олинг. Ана шундагина барча замон ва халқларнинг шоирлари, олимлари, санъаткорлари, тарихчилари яратган жавоҳирлар билан юзма-юз келиб, сиз ўз иқтидорингизни ҳаққоний баҳолайсиз ва кўз ўнгингизда янги, бемиқёс, номаълум уфқлар юз очади”.

(В. Канель)

“Одамга ўқишга меҳр-муҳаббат ва ундан қониқиш воситасини беринг – сиз деярли уни бахтиёр қилган бўласиз; айниқса, унинг қўлига фойдали китоблар тушса шундай бўлади”.

(Ж. Гершель)

“Илмий асарларнинг энг янгисини, бадий асарларнинг эса энг қадимийсини ўқиган маъқул. Мумтоз адабиёт сира эскирмайди”.

(Э. Бульвер-Литтон)

“Агар буғ ва темир йўл масофаларнинг узоқлигини йўқотган бўлса, китоб нашри замон ҳадларига барҳам берди: китоб шарофати билан биз ҳаммамиз замондошмиз. Мен Гомер ва Цицерон билан суҳбат қурсам, келажакнинг Гомер ва Цицеронлари эса биз билан гаплашадилар”.

(А. Ламартин)

“Ўзга аср адиблари билан ҳамсуҳбат бўлиш – бамисоли саёҳат қилишдай гап”.

“Яхши китобларни ўқиш ўтмиш замонларнинг энг доно кишилари билан ҳамсуҳбат бўлиш демақдир, шуниси ҳам борки, бу суҳбатда бизга улар ўзларининг энг яхши фикрларини баён этадилар”.

(Р. Декарт)

“Биринчи бор яхши китоб ўқиганда гўё яхши дўст орттиргандек сезамиз ўзимизни. Ўша ўқилган китобни яна такрор ўқиш эса эски дўст билан яна қайта учрашгандай гап”.

“Далиллар ва ёзилаётган асарлар шу қадар кўпайиб кетдики, яқин келгусида ҳамма нарса танлаб олинган фикрлару луғатларга бориб тақалаши турган гап”.

“Мушоҳада юритмай туриб, қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп билаётганга ўхшайверасиз. Агар ўқиётганда қанчалик кўп мушоҳада юритсангиз, шу қадар оз нарса билишингизни аниқроқ ҳис этасиз”.

(Ф. Вольтер)

“Ким китобни севса, у ҳеч қачон содиқ дўсти, халоскор маслаҳатгўйи, кувноқ биродари, ҳақиқий юпатувчиси йўқлигини сезмайди. Ўқиш, ўрганиш, фикр юритиш билан одам ўзини беихтиёр овутади ва бўш вақтини ҳамиша, ҳатто тақдирнинг барча кутилмаган ҳолларида ҳам кўнгилли ўтказди”.

(И. Барроу)

106

“Китобнинг ҳар сатрини ёзувчи юрак қони билан ёзган... Ёзувчининг китобда мужассамлашган даҳоси эса, уни жаллодларнинг қўлига ушлаб беради”.

“Қашшоқлар учун ароқ адабиёт ўрнини босади... Агар китоб бир бочка шароб бўлганида, уни ардоқлар эдилар”.

“Бизнинг асарларимиз ҳеч қачон ўлмади ва ҳатто мамлакатимиз гойиб бўлиб кетганда ҳам улар “Бу ерда Франция бўлган эди!” дея оламга жар солиб турадилар”.

“Ҳасталик ёхуд очлик ҳаётимизга чек қўймоғи мумкин, одамлар илми учун фойдали деб ҳисобланган фикрларимизни эълон қилмоққа ошиқайлик!”

“Умид қиламанки, жаноблар зиммасига маърифат тарқатиш мажбуриятини олган, ўз даврини тараққиёт сари бошлаш ишти-

ёқи билан ёнган одамлар соғлом фикрдан маҳрум бўлмағайлар. Ахир, соғлом фикр ҳар қандай одамлар гуруҳига хос-ку!”

(О. Бальзак)

“Тафаккуримиз учун энг кўп ва ранг-баранг озуқа берувчи китоблар, назаримда, энг яхши китоблардир”.

“Шоҳ асарларнинг буюк қиммати шундан иборатки, улар одамни бамаъни суҳбатга, жиддий ва самимий гапга, мулоҳазага руҳлантиради”.

“Биз китоблар оламида ҳаддан ташқари кўп, аммо табиатда эса кам яшаймиз”.

“Ҳаддан ташқари кўп ўқийдиганлар нашавандларга ўхшайдилар. Улар уйкуда яшайдилар. Нозик заҳар мияларига кириб олиб, уларни моддий дунёга нисбатан ҳиссиз қилиб қўяди”.

“Китобга муҳаббат ҳақиқатан мақтовга лойиқ. Китоб “жинилари” устидан куладилар, сирасини айтганда эҳтимол бунга уларнинг ўзлари айбдордир: чунки бари ошиқларнинг кўргилиги шу. Лекин аслида уларга ҳавас билан қарамоқ керак эмасми...”

(А. Франс)

“Авваллари китобни ёзувчилар ёзишарди ва уни ҳамма ўқирди. Ҳозир эса китобни ҳамма ёзади, лекин ҳеч ким ўқимайди”.

(О. Уайльд)

“Китоб ўқишни суиистеъмол қилиш илмни ҳалок қилади. Китоб ўқишга ҳаддан ташқари берилиб кетишни ўзига бино қўйган нодонларнигина вужудга келтиради”.

“Инсон ҳақида энди унинг ростгўйлиги эмас – истеъдоди; китоб ҳақида эса, унинг фойдалилиги эмас, яхши ёзилганлиги сўраладиган бўлиб қолди”.

(Ж. Ж. Руссо)

“Китобларда ўзига хос жозиба бор; китоблар бизга хузур бағишлайди: улар биз билан гаплашади, бизга олижаноб маслаҳатлар беради, бизнинг жонли дўстларимизга айланади... Китоблар бизни ҳайратга солади, бизга сўзлаб беради, маслаҳатгўй ва қандайдир жонли, мукамал бир уйғунлик билан бизга боғланиб кетган”.

“Фақат яхши китобларгина ўқиш, маъносини идрок этишга арзигулик; мияни дуч келган китоблар билан озиқлантириш уни ўз парвоз қувватидан маҳрум этиш, хатто нобуд қилиш демақдир”.

“Китобларни худди қамоққа солгандай қулфлаб қўйиш керакмас. Улар кутубхонадан хотирага ўтиши керак”.

(Петрарка)

“Эслаб қолишни истамасанг, ўқимай қўя қол. Татбиқ этишни назарда тутмасанг, ҳеч нимани элама”.

(Ж. Блэки)

“Ўқиш – энг яхши таълим. Буюк алломанинг фикрига эргашиш энг қизиқарли илмдир”.

(А. Пушкин)

“Ҳар куни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор”.

“Ҳар қандай ишда ҳам кўп ёмондан оз бўлса-да, яхши дуруст. Китобларда ҳам шундай”.

“Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди. Дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак”.

“Ярамас китоблар наинки фойдасиз, балки зарарлидир. Барча асрлар ва халқларнинг энг яхши ёзувчиларини ўқиш ва билишга интилмоқ зарур”.

(Л. Толстой)

“Атрофимда ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай, энг бемаъни иш ва ўйин-кулгиларни ўйлаб топаётган кишиларни кўрар эканман, қўлимга китоб оламан-да, ўз-ўзимга: ёлғиз шунинг ўзи бир умрга кифоя-ку, дейман”.

“Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи беради”.

(Ф. Достоевский)

“Қўлга тушганини эмас, обдан танлаб-саралаб ўқинг. Дид ва тафаккурингизни тарбияланг”.

(И. Тургенев)

“Ярамас китоб бузук тушунчалар беради ва жоҳилни баттар жоҳил қилади”.

“Китоб замонамиз ҳаётидир. Китобга ҳамма – кекса ва ёш ҳам, ишбилармон ва бекорчи ҳам зарурат сезади; болалар ҳам бундан мустасно эмас. Бутун гап уларга қандай китобларни танлаб беришдадир ва энг аввало шуни таъкидлайликки, улар учун бемаъни китобларни ўқиш умуман ўқимасликдан кўра зарарлироқдир”.

(В. Белинский)

“Яхши кутубхона бўлишдан ҳам ортиқроқ завқ борми. Китобларга қарашнинг ўзи бахт. Кўз ўнгингда худолар иззатига лойиқ зиёфат; шу зиёфатда иштирок этиб, қадаҳингизни лиммо-лим тўлдириб олишингиз мумкинлигини тасаввур этасиз”.

(Ч. Лемб)

“Дунёда яхши китоблар жуда кўп, аммо бу китоблар уни ўқиб биладиган кишилар учунгина яхшидир. Яхши китобларни ўқий олиш хат-саводли бўлиш билан баробар эмас”.

“Китоблар бир авлоднинг кейинги авлодларга қолдирган маънавий васияти, умри тугаган кексанинг ҳаётга энди қадам

қўя бошлаган ўсмирга панд-насихати, дам олишга отланган соқчининг навбатчилиқка турган соқчига берган буйруғидир”.

* * *

“Китобни қадрламоқ керак. Бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим”.

* * *

“Инсониятнинг бутун ҳаёти пайдар-пай китобда манзил топди: қабилалар, одамлар, давлатлар йўқ бўлиб кетди, китоблар эса қолаверди”.

* * *

“Оммавий кутубхона – фикрларнинг исталган киши таклиф этилган очилдастурхонидир”.

* * *

“Китобда биргина ўтмиш акс этмаган; у шундай бир хужжатки, у туфайли ҳозирги кун мулкига, азиятлар, гоҳо тер ва қон билан топилган ҳақиқат ва интилишлар кўламига кириб борамиз; китоб келажак дастуридир”.

* * *

“Ўқишсиз ҳақиқий билим йўқ, усиз дид ҳам, сўз ҳам, кенг кўламли тушунча ҳам йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас; Гёте ва Шекспир китоблари бутун бир дорулфунунга тенг. Ўқиш давомида инсон асрларни бошдан кечиради”.

(А. Герцен)

* * *

“Асарни қунт билан ўқиш... умуман беҳуда иш эмас: бунинг учун уни узоқ ўрганиб олмоқ керак”.

(Н. Гоголь)

* * *

“Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади”.

(А. Чехов)

* * *

“Адабиёт ўткинчилик қонуниятларидан холи. Фақат биргина адабиёт ўлимни тан олмайди... Одам буюк бадиият асари билан танишиб чиққан чоғидагидек қалбга шуур бахш этувчи мусаффо туйғу бўлмаса керак”.

(М. Салтиков-Шедрин)

“Китоблар билан муомала қилиш одамлар билан муомала қилишга тайёрлайди. Униси ҳам, буниси ҳам жуда зарур”.

(Н. Карамзин)

“Одамдаги изчил онгли эътиқод ё жамият таъсирида ёки адабиёт кўмагидагина ривожланиши мумкин”.

“Илмий адабиёт кишиларни жаҳолатдан, нафис адабиёт эса дағаллик ва разилликдан халос этади”.

“Барча яхши китобларнинг айниқса битта ўхшашлиги борки, улар сўзсиз китобхонларда кишилар учун нима адолатли, гўзал ва фойдали экани ҳақида бош қотириш истагини уйғотади”.

“Ҳар бир соҳа юзасидан ёзилган мукамал асарлар жуда оз, бошқаларида эса мана шу оз асарларда бирмунча тўла ва тиниқ ёритилган нарсалар такрорланиб, суюлтирилиб, бузилади. Фақат ўша мукамал асарларнигина ўқимоқ зарур, бошқаларини ўқиш вақтни беҳуда сарфлашдир”.

“Буюк ғоялар ва олижаноб эҳтирослар манбаи бўлган шох асарларни, асл китобларни ўқишга одатланинг”.

“Бемаза одамларнинг устидан кулиш мумкин экан, у ҳолда бемаъни китоблар устидан кулиш ҳам ўринлидир. Агар: “Маънисиз гапларни гапириш ва эшитиш номаъқулликдир”, дея айтиш мумкин экан, унда: “Бўш, пуч китобларни ёзиш ва ўқиш ҳам номаъқуллик”, деб айтиш мумкин”.

(Н. Чернишевский)

“Табиат ва инсоният ҳаёти ҳақидаги тушунчаларимиз уфқини ҳеч нима кишилиқнинг буюк алломалари билан яқиндан танишганимиздек кенгайтирмайди”.

“Жаҳонда яхши китоблар кўп, лекин бу китоблар уларни ўқий билган кишилар учунгина яхшидир. Саводнинг ўзи яхши китобларни танлаб ўқий билиш фазилатини англамайди”.

“Китоблар орзу-истак туғдиради, уни ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди”.

(С. Струмилин)

“Ўз вақтида ўқилган китоб – тенгсиз ютук. Ҳаётингда энг яқин дўстинг ва устозингдан кўрмаган яхшилиқни ундан кўришинг мумкин”.

“Китоб – кўпчилик тажрибаси. Кимки ўнлаб мухтасар китобларни ўқибдими, у ўн йиллаб буюқлар умри билан яшади, деган сўз”.

“Қайси оиладаки китоб ўқилмаса – у маънан тўлақонли оила бўлолмайди”.

“Китобни ўқиб чиқиб, уни тўғри тушуниш – ёзувчи даражасига кўтарилиш демақдир”

“Яхши китоб ҳар қандай синовга ҳам бардош бера олади ва у бир умрга энг жиддий мураббий сифатида хотирада сақланиб қолади. Шундай китобларни танлай билмоқ лозим”.

(П. Павленко)

“Ўқиш – бу ҳали ҳеч нимани англамайди; ўқиш ва шу ўқилганни ўқиш – асосий гап мана шунда”.

“Озми-кўпми маърифатлашган киши учун ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи китоб, шунингдек, табиат ва ҳаёт тажрибаси мутолаани билмайдиган одам у ёқда турсин, саҳифаларни юзаки ўқиб, ўлик ҳарфлардан жонли фикр чиқара олмайдиганларга ҳам гунг бир нарсалигича қолаверади”.

(К. Ушинский)

“Китоб ҳам одам каби ҳаёт ҳодисасидир, у ҳам жонли далилдир, одам каби гапирадиган нарсадир. У ҳам сўзлайди ва у инсон

томонидан бунёд этилган ва этилаётган бошқа ҳамма буюмларга қараганда ўзгачароқ “буюм”дир”.

* * *

“Китоб бахт ва қудратли истиқбол йўлида одамзод яратган, эҳтимол энг мураккаб ва мўъжизалар ичидаги энг буюк мўъжизадир... Одамзод яратган мўъжизаларнинг мўъжизаси китоб – дунё ҳаётига доир жами билимларни, жаҳон ақлий камолотининг бутун тарихини, ер курраси халқларининг тарихий меҳнати ва тажрибасини ўзида жам этади. Китоб инсоният маънавий кучларини янада ўстиришнинг энг қудратли қуролидир.

* * *

“Маданиятли кишини тарбиялашда, айниқса икки кучнинг: санъат ва фаннинг аҳамияти катта. Бу иккала куч китобда жамланган”.

* * *

“Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман... Мен иштиёқ ва ҳайрат билан жуда кўп ўқидим, аммо китоблар мени воқелиқдан чалғитмади, унга тобора қизиқишимни кучайтирди, кузатувчанлик, муқояса қобилятимни ўстирди, ҳаёт илмига чанқоқлигимни алангалатди... Қанчалик кўп ўқиганим сари китоблар мени шу қадар ҳаётга яқинлаштирди, турмуш менга яна ҳам мунаввар, маънолироқ туюла борди”.

* * *

“Билим манбаи – китобни севинг, фақат билимгина нажотбахшдир, фақат угина сизни инсонни сидқидилдан севадиган, унинг меҳнатини эъзозлайдиган ва шу муттасил улуғвор меҳнат меваларидан юракдан завқланадиган маънавий кучли, номусли, ақли одам қилиб етиштиради... Китобни севинг, у турмушингизни енгиллаштиради, хилма-хил чувалган фикр, туйғу, воқеалар қуюнини англашда дўстона кўмаклашади, у сизни одамларни ва ўзингизни ҳурмат қилишга ўргатади, у дунёга, одамларга меҳр туйғусини бахш этган ҳолда ақлингиз ва қалбингизга қанот бағишлайди”.

* * *

“Ҳаётнинг маъноси, кишиларнинг орзу-истаги ва хатти-ҳаракатларининг асл сабабларини тушунишга ўргатадиган китобларнигина ўқимоқ ва эъзозламоқ керак”.

(М. Горький)



* * *

“Китобни бу қадар нимталаб ўқиш учун ё ўта содда китобхон бўлиш керак ёки китоб муаллифи асарининг ҳар бир сўзига ўзининг юрак қўрини қўшган”.

(М. Пришвин)

* * *

“Уч хил ўқиш бор: биринчиси, ўқиб тушунмаслик, иккинчиси, ўқиб тушуниш, учинчиси, ўқиш ва ҳатто ёзилмаган нарсани ҳам англаб етиш”.

(Я. Княжнин)

* * *

“Маънисиз равишда саҳифа кетидан саҳифаларни ютишдан, китобнинг фақат ташқи қизиқлигига ихтиёрни бериб қўйишдан қўрқиш керак”.

(А. Макаренко)

* * *

“Ҳозирги замон кишиси ҳимолайсимон кутубхоналар қарши-сида қум тепалари қаъридан олтин заррасини излаётган маъдан қидирувчининг ҳолатидадир”.

* * *

“Инсониятни бўлмағур, кераксиз китобларни ўқишдан барча чоралар билан қутқармоқ керак”.

(С. Вавилов)

* * *

“Китоб – бу жамоат. Яхши китоб яхши жамоатдек туйғулар ва ҳуқ-одобни ўстириб, мулойимлаштиради”.

(Н. Пирогов)

* * *

“Яхши китоб – ақлли одам билан суҳбат қуришнинг айнаи ўзгинаси. Китобхон ундан билим ва воқеликни умумлаштириш, ҳаётни англаш хислатини олади”.

(А. Толстой)

* * *

“Китоб – сеҳргар. Китоб дунёни қайта қурди. Унда одамзоднинг ақли мужассам, у кишилиқ тафаккурининг устуни. Китобсиз олам ёввойилар оламидир”.

(Н. Морозов)

“Эндиликда биз китобсиз яшашимиз, курашишимиз, азият чекишимиз, қувонишимиз ва енгишимиз, чуқур эътиқод қўйганимиз етук ва гўзал истиқбол томон ишонч билан боришимиз ҳам мумкин эмас”.

“Юзларча, мингларча, миллионларча қўлёзма ва китобларда ёзиб қолдирилган кишилик тафаккурини тарихнинг ҳар қандай зил кетишлари-ю, замонларнинг бесас бўшлиқлари ҳам йўқотишга қодир эмас”.

(К. Паустовский)

“Китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чирокдир”.

(А. Унут)

“Китобсиз одам ақлий жиҳатдан ўта қашшоқ одамдир; ўзингизни бундай аҳволга туширманг”.

“Модомики, ҳаёт жуда қисқа, бўш вақт эса жуда оз экан, биз уни саёз китобларни ўқишга исроф этмаслигимиз керак”.

“Бадан соф ёки бузуқ ҳаводан бардамлашиб ёки бўшашганидек, ақл ҳам мутолаадан айни шундай ҳолга тушади”.

“Энг аввало китоблардан ўрганиш ва улардаги фикрлар оламига шўнғий билишдек самимий истакка эга бўлмоқ зарур. Эътибор қилинг, бу ерда улардан ўз фикрларингни топишга интилиш эмас, балки улардаги фикрлар оламига шўнғий билиш устида гап кетяпти”.

(Ж. Рескин)

“Китоб ўқимайдиган саводли одам нимага ҳам арзирди? Бундай одам яна такрор саводсизликка маҳкумдир”.

(А. Чар)

“Бундан неча минг йиллар илгариеқ китоб инсониятнинг собитқадам вакиллари қўлида ҳақиқат ва адолат учун олиб борган

курашларида энг асосий қуролларнинг бири бўлган ва айна шу қурол уларга беҳад куч-қудрат бахш этган”.

* * *

“Тап ўқиш усулларида эмас, балки ўқишга ва билим олишга бўлган қайноқ муҳаббатдадир”

* * *

“Китобхон истайдими-йўқми, юксак бадиий асар уни одамларга баҳо беришгагина эмас, балки ўша баҳо бериш йўли ҳақида, ҳаётнинг асосий масалалари, унинг мақсади, маъноси, ундаги адолат, ноҳақлик ва ҳоказолар ҳақида мулоҳаза юритишга мажбур этади”.

* * *

“Китоб ўқиш – ишнинг муқаддимаси. Ҳаётини ижод – мана, мақсад нимада!.. Ҳаёт доимо энг яхши китоб ўргатгандан ҳам кўпроқ нарсани ўргатади. Китоб бор-йўғи қурол ва дарслиқдир. Ҳаётни китоблар, яъни назариялар билан текшириш керакмас, балки бунинг буткул аксини қилиш лозим”.

* * *

“Китобни билмоқ керак. Уни севмоқ ва унга инонмоқ керак. Ўзингда китоб билан ишлай билиш уқуви ва амалий кўникмасини орттиришга эришмоғинг керак”.

* * *

“Бир-иккита китоб ўқиб, ҳамма нарсанинг моҳиятини билиб олдим, шу етарли, деб ўйлайдиганларнинг ҳолига вой. Бундай бурни кўтарилганлар қаторига китобни ўқиб, мазмунини ўзлаштириб олувчи, аммо уларни ҳаёт билан таққослаб кўрмайдиган китобхонларни ҳам кўйиш керак”.

* * *

“Инсонни унутиб, фақат китобнинг ўзига сиғинадиган китоб шиванандалари, китоб муҳиблари ва китобхўрларга ачинасан киши... “Кўп ўқинг” деган маслаҳат ҳаммага ҳам тўғри келавермайди”.

(Н. Рубакин)

* * *

“Ёшлигингиз кетган, бетакрор умрингизда жами нарсага етишганингизга инонганингиз ҳамон дўст излаб қоласиз. Билсангиз, бу дўстни топиш осон эмас. Сўнги кунларини яшаётган

одам аксарият ҳолларда бировга малол келади ва инжиқ бўлиб қолади. Ҳатто уни ҳурмат қилсалар ҳам, бу унинг ўтмишига қаратилган ҳурмат бўлади. Фақат ўзингизгина ўзингизни сўнгги кунларгача ардоқлаб севасиз. Сиз учун бутун умр садоқатли ягона дўст китоб бўлиб қолади”.

* * *

“Ўқиш – далилларни билишгина эмас. Ўқиш гўзалликни англай туриб, шахсий дидни тарбиялашдан иборат”.

* * *

“Юзаки варақлаб чиқиш – бу ўқиш эмас. Одамнинг муқаддас дил сўзларини тинглаётгандай ўқиш керак. Китобга шўнғиш керак. Ана шунда у бағрини очади ва сен унинг бутун гўзаллигини англаб етасан”.

(К. Федин)

* * *

“Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради ва қартайганимизда ҳам маломат қилмайди”.

(Э. Фагэ)

* * *

“Ёзиш – далиллар ўрнига шунчаки ҳарфларни қўйиб чиқиш эмас, ёзиш – хавfli саёҳатга отланиш деган гап”.

* * *

“Афтидан, ҳеч нарса содир бўлмаганда ёзишни бошлаш лозим”.

* * *

“Ёзувчи бўлиш истаги одатий худбинликдир. Бу қўғирчоқ ўйнатувчи бўлиш ва бу билан ўзини бошқа қўғирчоқлардан ажратиб кўрсатишга интилишдир. Аёллар худди шу мақсадда пардоздан фойдаланишади”.

* * *

“Мени ҳамиша айрим ёзувчиларнинг қиймати бўм-бўш жойникидек эканлиги ажаблантиради”.

(Кобо Абэ)

* * *

“Мақтаб, энг аввало, китоб демақдир. Тарбия – энг аввало яхши сўз, китоб – жонли инсоний муносабатлардан иборат. Китоб – қудратли қурол. Доно, кўтаринки руҳ билан ёзилган китоб кўпинча инсон тақдирини ҳал этади”.

“Ахлоқан маданиятли кишилар, онгли меҳнаткашлар китобга чуқур ҳурмат билан қараладиган оилада ўсиб вояга етадилар”

“Маънавий қашшоқлик сабабларидан бири – ақл ва қалбни ром этадиган атроф-олам ҳақида ва ўзи ҳақида мулоҳаза уйғота оладиган чинакам саводхонликнинг йўқлигидир... Ўқиш – тафаккур ва ақлий камолот манбаларидан бири”.

“Ёмон ўқиш – лой чаплаб ташланганлиги туфайли ҳеч нарса кўриб бўлмайдиган дераза ойнасига ўхшайди”.

(В. Сухомлинский)

“Китоб билан мулоқот – киши ақлий камолотининг олий ва беқиёс шаклидир”.

(А. Твардовский)

ЖОҲИЛ ҚОЛСАНГ ДУНЁДА, ХЎРЛИК КЕЛАР ЗИЁДА

“Биз бу омонатни осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик. Улар бу омонатни ўз зиммаларига олишдан чекиндилар, унга хиёнатдан қўрқиб, андиша қилдилар. Инсон уни ўз гарданига олди. Чунки у жуда золим (ўзига зулм қилувчи) ва жоҳилдир”.
(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Азҳоб сурасидан)

“Тафсири ҳилол”дан:

Оятдаги “омонат” калимасидан мурод – шариати исломиядаги тоат-ибодатлар, яъни Аллоҳнинг фарзлари. Кенгроқ маънода айтилса: Аллоҳ таолонинг ўз ҳақиқа, инсонларнинг ҳақиқа ва бошқа махлуқларнинг ҳақларига боғлиқ амрларини, кўрсатма-таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойига қўйиш бўйича таклифи, демакдир. Бу омонатни кўтариш шунчалик оғир эди-ки, улкан, пишиқ, қувватли осмонлару замин ва тоғлар уни кўтаришдан қўрқдилар. Инсон эса бу омонатни кўтарди! Ҳа. Чексиз осмонлар кўтаришдан қўрққан омонатни уларнинг остида яшайдиган кичик зарра – инсон кўтаришга жазм этди. Ғоят улкан бўлган Ер бу омонатни кўтаришдан чекинган эди, унинг устида яшаётган, умри қисқа, кичик бир жонзот – инсон чекинмади. Салобат ва қувват рамзи бўлган тоғлар кўтаришдан қўрққан омонатни уларнинг орасида яшайдиган заифгина махлуқ – инсон кўтарди! Инсон жоҳиллиги туфайли омонатни адо этолмасдан, мувофиқ иш юрита олмасдан ўзига ўзи зулм қилади”.

“Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилади. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир”. (Нисо сурасидан)

“Бир куни хазрати Али карамуллоҳу важҳаҳу: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзимизга хос айтган гаплари фақат мана шу қиличимнинг қинидагилардир”, – дедилар-да, ундан бир саҳифа қоғоз чиқардилар. Бу саҳифада: “Аллоҳ таолодан бўлак нарсалар номига атаб бирон жонлиқни сўйган кишига,

ота-онасига лаънат ўқиган кишига ва шариатда бўлмаган нарсаларни дин номидан пайдо қилганларга йўл берган (*имконият туғдирган*) кишига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин”, деган ҳадиси шариф ёзилган экан”.

(Абу ат-Туфайл Омир ибн Восила)

Ҳазрати шайх Ҳасан Басрий “Ухлаган кўнглимизни уйғотил”, деган жамоатга хитобан дедилар: “Ухлаган кўнглини уйғотмоқ қулайдир. Аммо сизнинг кўнглингиз ўлгандир. Зеро, ҳеч ҳаракат этмас”.

Мавлоно Румийдан бир ҳикмат:

“Кўнглини айнитувчи ёқимсиз исларга одатланган чўчкабоқар атторлик дўконига кириб, димоғига атирлар ҳиди урилди-ю ҳушини йўқотиб, ерга йиқилди. Атторлар шошиб қолиб, уни тезроқ ҳушига келтириш учун турли атирларни ҳидлата бошладилар. Чўчкабоқар бундан баттар ҳолга келаверди. Охири атторлар чорасиз қолдилар. Чўчкабоқар ўлар даражага келди. Уни таниганлардан бири уйига хабар бергани югурди. Чўчкабоқарнинг укаси воқеани дарров англади. Чўчкақанинг тезагидан бир сиқим олди-ю нажот бергани шошилди. У: “акаминг димоғига ёмон ҳидлар сингиб кетган. Касалининг давоси ҳам шу ҳиддандир”, деб чўчка тезагини унинг бурнига тутди. Шунда ўлик каби ётган чўчкабоқар дарров ҳушига келди. Буни кўрганлар йигит акасига қандай афсун ўқиди экан, деб ажабландилар. Лекин сир чўчка тезагида эканини билмадилар”.

Ибрат: *Мол-дунёни севган киши бойлик тўғрисида бирор нарсани айтилган пайтда ухлаётган бўлса ҳам дарров уйғонади. Ҳатто қусини давом эттираверади. Лекин эгаси секингина чапиллатиб килиб тураверади. Жоҳил ҳам чўчкабоқарга ўхшайди. Мушк ҳиди ухлайверади. Жоҳиллар суҳбат бошласалар кўзлари мошдай очиларари йўқ. Жоҳиллар суҳбатидан уйғонган жоҳилдан эса кўрққулик.*

Луқмони ҳақимдан сўрадилар:

– Ҳикматли сўзларингиз, одоб-ахлоққа доир ваъз насиҳатларингиз билан кўпларни яхши йўлга солдингиз, насиҳатларингиз

кор қилмай ўзининг ёмон феъл-атворини ташлай олмаган киши ҳам борми?

Луқмони ҳаким жавоб бердилар:

– Бор. У – жоҳил, бадфеъл одам. Уни шу ярамас хулқдан қайтаришга ҳар қанча уринсам ҳам фойдасиз бўлиб чиқди, тузатишдан ожиз бўлдим.

* * *

“Қуёш кўрларга кўринмай беркинганидек, жоҳилларга ҳам дунёда тўғри йўл белгилари кўринмай қолади”.

(Абу Али ибн Сино)

* * *

“Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, жоҳил киши ҳикмат лаззатини билмайди”.

(Абулқосим Замахшарий)

* * *

“Жоҳил довулга ўхшайди, овози жуда кучли, аммо ичи бўшдир”.

* * *

“Жоҳил учун энг яхши иш жим туришдир. Ваҳоланки, у буни билганида жоҳил бўлмас эди”.

(Саъдий Шерозий)

* * *

Аввал-охир хўблар кетти, қолдим ёлғиз,
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.
Доно кетти, нодон қолди, едим афсус,
Йўлни топмай, ҳайрон бўлуб қолдим ман.

(Аҳмад Яссавий)

* * *

“Турли ювуқсизларга “ювин” деб буюрилса тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин, пок бўлмайди”.

* * *

“Турли ишлар юз берса билимсиз наздида ўнг кўринади, бу унга ташвиш, бундан бошқа чора – ўнг нарса йўқ”.

* * *

“Ислом дини бу кунларга келиб ғариб бўлди, ибодат қилиш юзакиликка айланди, художўй кишилар қаллоб бўлиб қолди. Ёмон одатдан тийиб турувчи кишилар қолмади, шунинг учун, бу бидъатлар кундан-кунга ортиб бормоқда”.

“Халқингни қўйиб замонингни айблама, замонангни эмас, балки кишиларни айбла”.

(Аҳмад Югнакий)

“Ғофил инсонлар ҳақ билан ботилнинг, чиройли билан хунукнинг фарқига бормайдилар. Улар фитратан барча эътиқоддан холи. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолганлари учун улар биронта истакларини ҳам тўла қондира олишмайди. (Яъни, бир лаззатни қўйиб, ундан яхшироғига чопади, кейин ундан ҳам яхшироғини истайди... Шу тарзда биронта истагини ҳам мукаммал амалга оширолмайди.) Бу тоифадаги инсон муолажани, яъни тарбияни тез қабул қилади. Фақатгина у бир муаллимга, бир муршидга муҳтож. Қалбида уйғониб, уни ғайратлантирадиган бир ҳимматга муҳтож. Шунда у тез орада хулқи гўзал инсонга айланади”.

122

“Жоҳил ва адашган инсонлар ёмоннинг нелигини биладилар, лекин яхши ишларга одатланмаганлари сабабли, қилаётган ёмон амаллари ўзларига чиройли бўлиб кўринади. Дунё истакларига қул бўлиш билан улар тўғрилиқдан юз ўгирган бўлсалар-да, амалларидаги қусурлардан хабардорлар. Бу тоифанинг тарбияси оғирроқ бўлгани учун уларга бир неча вазифалар юкланади. Аввало, улар бузуқликка одатланиш натижасида ичларида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсларидан суғуриб олишлари шарт. Кейин яхшиликка ундайдиган сифатни қалбларига экмоқлари керак. Хуллас, енг шимариб, жидду жаҳд этилса, бу тоифа тарбияси риёзат учун кенг майдондир”.

“Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қиладилар. Уларнинг наздида бу ахлоқ ҳақ ва энг гўзал. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, соғайишига деярли умид йўқ. Камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин. Бу жиҳатларнинг барчаси залолатга кетиш имкониятини оширади”.

“Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар нафақат бузуқ қарашда такомиллашадилар, балки улар ёмонликларини кўпайтиришни фазилат деб биладилар, бу билан фахрланадилар ва “бу

ишлар қадримни оширади”, деб ўйлайдилар. Бу тоифадаги кишиларнинг аҳволи оғир. Улар ҳақида донишмандлар: “Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ – уни азобламоқдир”, деганлар”.

(Абу Хомид Ғаззолий)

“Жоҳил одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”.

“Жўрттага ўз сўзида туриб олган билимсиз жоҳил киши билан баҳслашиш мақсад эгасига ҳам, мақсадга ҳам бирор фойда етказмайди”.

(Абу Райҳон Беруний)

“Эшитиш зарар бўлса ҳам, дононинг сўзлари фойдадан холи бўлмайди. Жоҳилнинг гапига қулоқ солиш қанчалик завқли бўлмасин, у ҳамма вақт зиёнدير”.

“Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир”.

“Жоҳил кишилар олдида камтарлик қилмагил, акс ҳолда улар назарида сен тубан ва шармандадирсан. Ҳақир ва нотавон кўринмай десанг, донолар олдида такаббур бўлмагил”.

“Таҳсил олиш машаққатини тортган одам жоҳиллик касалига дучор бўлмайди”.

(Мажидидин Хавофий)

“Зиндонларнинг энг тори номувофиқ кишилар билан бирга яшашдир”.

(Абу Али Рудборий)

“Жоҳилни жоҳилликдан асрашдан кўра, борки нарсаларнинг барини жоҳилликдан асраш осонроқдир”.

“Билгилки, аҳмоқларга яхши жавоб – сукут”.

(Кобус)

“Жоҳилнинг узун ҳассаси бор, лекин унинг бир учи доимо ўзининг бошида туради”.

(Қози Аҳмад Фаффорий)

“Оқилнинг кўрс одам билан суҳбатда бўлиши жоҳилнинг айш-ишратга муккасидан кетишига ўхшайди”.

“Қобилият эгасининг бошини силамаслик – золимлик, истеъдоди йўқни тарбиялаш – жоҳиллик”.

(Муъиниддин Жувайний)

“Ҳақимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқроор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шундан маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа, унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса жоҳиллик – жаҳл аломатидир. Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб кулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрнак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар жоҳилдин халқ бўлса норизо,
Ул бўлур юз минг балога мубтало”.

(Сайфи Саройи)

“Исмимизни билмаймиз?! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдулсамад экан, “Абсамат”, ҳатто, қишлоқларда “Апсат” дерлар. (Афу буюрулсун, адабдан хориж бўлса-да, адабга даъват этар.) Оти “Ёдгор” экан – “Жодигор”, “Лутфулло” экан – Нутфулло аталадур. (Астағфурулло!) Ғалат атамоқ сабаби ила авом котиблар тарафидан қозихона, валаснойхона ҳужжатларинда ва ҳукумат маҳкамаларинда ҳам шул тариқа ғалат ва масхаралик ҳолатинда ёзилур. Ҳатто шаҳарларда, дўкон ва корхоналарнинг тепасинда русча ва мусулмоний хат билан “Обдукодир”, “Патхулла”, “Санутулло”. (“Санъатулло), “Обдурахмон” ва мундан ҳам ғалатироқ ёзилиб осилган лавҳа-

лар бордур... Шундай ғалат кета берса, йигирма-ўттуз сана сўнгра халқ янадан авомроқ бўлуб, мусулмон исмлари яна зиёдароқ бузилур... Энди мунга илож исм қўйганда, исмнинг маъносини баён қилинмоқ ва кайфияти талаффузни ота-онаға билдурмоқ керак. Ва алар боланинг ўзиға ҳам билдурсинлар ва исмларни ёзганда ва чақирганда дуруст атамоқ керак... Ажаби шулки, идорада ғалат ёзилиб келган исмларни тўғри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур. Исмлари арабий экан, араб қоидаси бўйинча “алим”-“лом” ила ёзсанг, шикоят этарлар. Оре, ул бечораларға айб йўқ. Айб жаҳолатға ва мактабсизликға ва руҳонийларнинг мусоҳалаларинда, диний ва миллий ишларға диққат этмаганлариндадур. Исм тўғрисида тотор биродарларимизнинг ҳам баъзи ҳоллари ажойибдур. Масалан, “Айнулло”, “Набиюлло”, “Рухулло” деган исмларға учраладурки, бу ҳам бир навъ диққатсизликдур”. (Маҳмудхўжа Бехбудий)

* * *

“Жаҳолат деб ўқумаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонлиғни айтилар. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатоқмас. Илм ва маърифат соҳиблари, фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпарастдан иборатдур. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати ақл ва ирфон, илм ва дониш соҳибларина махсус бир мазийят, жоҳил ва нодонлара зўр азийятдур. Жаҳолат арбоби қаю ерда бўлса бўлсун, лойиқи эътибор ўлмақ шарафиндин маҳрумдур. Моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг кўркунч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиғи ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладургон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорликдур. Ҳазрат Али: “Арбоби фазлу камол жоҳилдан қанча изо ва жафо чекса, жоҳил ҳам ақл ва ирфон соҳибидан шунча мутаассир бўлур”, демишлар.

Суймагай фазл эгаси жоҳилни,

Жоҳил аҳли улума душмандур.

Сукрот ҳаким: “Дунёда энг ҳазар қилинадургон иллат жаҳлдур. Ман жоҳилга ачинганимдек, кўрға ачинмайман, зеро-

ки, жоҳилнинг ўз ихтиёри ила қилган ҳаракоти аъмонинг ихтиёрсиз қилган ҳаракотидан менинг назаримда хунук”, – демиш.

Араблар: “Аж-жоҳилу маййиту-л-аҳё – нодон киши тирик ўлук”, – деюрлар. Бизлар эса “дўсти нодондан душмани зиёрак яхши”, деймиз. Баъзи оқил душманлар бўлурки, кетурган зарарлари нодон дўстларнинг фойдаларидан натижада яхши ва фойдалиқ бўлуб чиқадур.

Афлотун ҳаким: “Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдур. Инсон энг юқишлиқ бир касалдан сақлангани каби жаҳлдан ҳазар қилмақ лозимдур”, демиш.

Алҳосил, жаҳолат инсоният номина ярашмаган бир сифат ўлдиғиндан баҳамаҳол илм йўлида ҳаракат қилмақ, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўзларидан ҳиссаланмақ, азиз жонимиздан азизроқ авлодларимизни жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқармақ учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоқимиз лозим ва лобуддур”.

* * *

“Жаҳолат икки қисмдурки, бирини “жаҳли басит”, иккинчисини “жаҳли мураккаб” дейилур. “Жаҳли басит” маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмаслар ҳам билмаганликларини иқрор ва эътироф қилурлар. Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмақ ва ўрганмақ йўлида жаҳду жадал қилмақ ила бўлур. “Жаҳли мураккаб” маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан “биламан”, деб даъво қилур. Бизда мундай кишиларга “ўзбошимча” ва “ўзим билармон” исмини берурлар. Бу дарди бедавонинг иложи жаноби Ҳақнинг лутфу инояти ила ҳал ўлинмаса, тузалмоғи мушкул ва оғирдур”.

(Абдулла Авлоний)

* * *

“Баҳслашаман деб юзларча фуқарони йўлдан оздирган кимса биргина кишини ҳақиқат йўлига бошлаган одамдан юз карра тубандир”.

(Абай)

* * *

“Ислом динининг жаҳолатдан каттароқ ва кўрқинчлироқ душмани йўқдир”.

(Саїдо Жазарий)

“Чаласавод киши ўзидан паст, нима деса “хикмат” деб турадиган одамлар билан улфатчилик қилишга мойилроқ бўлади”.

(Абдулла Қаҳҳор)

“Жоҳилнинг “биламан” дейиши кўрнинг “кўраман” дейишига ўхшайди”.

(Муҳаммад Камол)

“Ягона ва энг мудҳиш хато – ўзининг олдинги хатоларини тутмаслик”.

(Конфуций)

Афлотун ҳакимга дедилар:

– Кечаги зиёфатда Фалончи сизни мақтади.

Буни эшитган Афлотун ҳаким бошларини қуйи солиб, фикру хаёл уммонига ғарқ бўлибдилар.

– Эй Ҳаким, мен нима дедим-ки, бунчалик фикру андишага берилдингиз?

Афлотун ҳаким дедилар:

– Мени сен айтган сўзлар ўйга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни ўйлаб ўтирибман: қанақа жоҳилона иш қилган эканманки, бу қилмишим у жоҳилга ёқиб тушибди ва у мени мақтаб юрибди? Бирор аҳмоқлик қилмасанг, ҳеч бир аҳмоқ сени мақтамайди ва кўкларга кўтармайди.

“Нодон, буюмлар қандай бўлса, шундайлигига ажабланади ва бундай ажабланиш билишнинг бошланишидир; доно эса, аксинча, буюмлар ўзи билганидан бошқача ҳолатдалигидан ажабланган бўлур эди”.

“Биз бўш вақтни қўлга киритиш учун бўш вақтдан маҳрум бўламиз, тинч яшаш учун эса урушамиз”.

(Арасту ҳаким)

“Жаҳолат зехннинг зулмати, ойсиз ва юлдузсиз зулматдир”.

(Цицерон)

“Рад этилишдан чўчимаслик керак. Бошқа нарсадан – сени тушунмасликларидан эҳтиёт бўл”.

(И. Кант)

“Ким эркин бўлишни хоҳлар экан, ўзгалар измида бўлган бирор нарсани қўлга киритишни хоҳламасин ва бу нарсалардан жирканмасин ҳам”.

(Эпиктет)

“Айтмоқчиманки, Қуръон келмаса, ислом маданияти юзага келмасди. Ислам маданияти бўлмаса, бугунги маданият шаклланмасди. Инсоният ҳали ҳам зулмат ва қоронғулик ичида яшарди”.

(Сигрид Хункс)

“Инсонлар ўзларини одоблиман деб ҳисоблай бошлаган заҳоти ҳаётга ҳалақит беришни бошлашади”.

(Б. Шоу)

“Токи жоҳиллик мавжуд экан, инсон ёвузликка қарши бирор чора тополмайди”.

(Р. Бэкон)

“Туйғуларимизнинг ожизлиги боис ҳақиқат хусусида мушоҳада этишга қурбимиз етмайди”.

(Анаксагор)

“Одамлар қанчалик оз билсалар, уларнинг билимлари ўзларига шунчалик қўламли туюлади”.

(Ж. Ж. Руссо)

“Жаҳолат инсондан ҳеч бир меҳнат талаб қилмайдиган бекорчилик ҳолатидир; шунинг учун жоҳиллар беҳисоб”.

(Ж. Лабрюйер)

“Жаҳолатнинг ҳамиша билимга қараганда даъвоси баланд бўлади ва факт нодонларгина фан у ёки бу масалани ҳал этишга ҳеч қачон қодир эмас, дея ишонч билан даъво қиладилар”.

(Ч. Дар)

“Инсониятнинг битта кулфати бор, у жаҳолатдир; бу кулфатнинг ягона давоси эса – илм”.

(Д. Писарев)

“Халқларнинг бахтсизликлари тарихини ўрганувчи ҳар қандай одам Ер юзига бу кулфатларнинг кўп қисмини жаҳолат олиб келганига ишонч ҳосил қилиши мумкин”.

“Жаҳолат ҳомийлари аслида инсониятнинг энг ашаддий душманларидир”.

“Ҳирсларимиз ёки нодонлигимиз оқибати саналган мулоҳазалардан ҳам кўра сохта мулоҳазалар бўлмаса керак”.

“Жаҳолат, нодонлик, дағаллик билан тўқнашдингми, чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай уларга ҳужум қил. Ҳали ҳаёт экансан, уларга зарба кетидан зарба етказ”.

(Т. Карлейл)

129

“Жаҳолат – шундай ёвуз кучки, у ҳали жуда кўп фожиаларнинг сабабчиси бўлишидан чўчиймиз”. (К. Мар)

“Жаҳолат одамни дунёга бефарқ қилиб қўяди, бепарволик эса секин-аста, аммо чекиниш билмай, рақ ўсмасидек улғаяверади”.

“Юзларча, мингларча, миллионларча қўлёзма ва китобларда ёзиб қолдирилган кишилиқ тафаккурини тарихнинг ҳар қандай зил кетишлари-ю, замонларнинг бесас бўшлиқлари ҳам йўқотишга қодир эмас”.

(К. Паустовский)

“Жаҳолатнинг уч тури мавжуд: умуман ҳеч нима билмаслик, ҳамма билган нарсаларни жуда ёмон билиш, лозим бўлмаган нарсаларни билиш”.

(Ш. Дюкло)

“Инсоннинг энг катта камчилиги ўзининг эмас, ўзганинг камчилигини санашни афзал билишидир”.

(Ж. Милтон)

“Дунё нечта устунга таянишини билмайман, бироқ, улардан камида учтаси – бу, эҳтимол, жаҳолат, нодонлик ва бефаҳмлиқдир”.

(Кобо Абэ)

“Жаҳолат, ақл ва туйғулар мажруҳлиги ҳозирги пайтда ахлоқий иллатга айланмоқда”.

(В. Сухомлинский)

Донишмандлар дедилар:

“Жаҳолатдан ачинарлироқ қашшоқлик йўқ”.

“Инсонлар бошига тушадиган кулфат ва зулмнинг асосий боиси жаҳолатдир. Кулфат ва зулмдан халос бўлишнинг ягона давоси эса – илм. Жаҳолат ҳомийлари инсониятнинг энг ашаддий душманлари ҳисобланадилар”.

“Ақл эгаси жаҳолатга тўқнаш келгани ҳамон чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай унга қарши ҳужум қилиши керак. Зарба кетидан зарба беришни тўхтатмаслиги зарур. Бу жараён умр бўйи давом этадики, буни эплай олмаган кимсанинг ҳаёти паршонликда ўтади”.

“Жохиллар жамият ичидаги иллатдир. Улардан эҳтиёт бўлмоқ керак, уларга яқинлашган кишининг қалби хасталанади”.

“Туяқушнинг ғалати одати бор: бирон хавфни сезса, бошини қумга тикиб тураверади. Баъзи одамларда сал бошқароқ одат мавжуд: туяқуш хавфдан кўрқаётган бўлса, булар ҳақиқатни кўрмаслик учун бошларини гўё қум орасига тикиб яшайверадилар. Атрофга қарамайдилар, келажакни тасаввур қила олмайдилар. Донолар насиҳатининг ҳақиқатга эришиш йўли эканини, ундан баҳра олиш зарурлигини англашни ис-

тамайдилар. Энг ёмони – жоҳилликлари туфайли яқинлашаётган хатарни сезмайдилар”.

“Жоҳиллик аломатлари нималарда кўринади: *ўз нафсига қул бўлишлик; *худа-беҳудага сўзлайверишлик; *бекорга аччиқланиш; *эхсонни ўз жойида қилмаслик; *ҳаммага, айниқса синалмаган одамга ишонавериш; *дўстни душмандан фарқ қилмаслик; *сирини ҳар кимга айтавериш; *ақлсиз, иймонсиз одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш; * бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга (айниқса, ношаръий ишларига) ёрдамлашиш”.

“Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин, десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла”.

Ривоят:

Қадим замонда Бағдод шаҳрида бир новвой яшарди ва у замоннинг энг машҳур валийси ҳисобланган Ҳазрат Шиблийнинг зиёратига етишмоқ орзусида эди. Новвойнинг ул валийга бўлган ихлоси шу даражада ошди-ки, ҳатто баъзан нон ёпишга ҳам кўли бормай қолди. Шунда муридлар Ҳазратга дедилар:

– Бир новвой сиз учун ҳасрат чекмоқда, истиқболингизга етишмоқ учун кўз ёшлари тўкмоқда.

“Бир оз муддатга бўлса ҳам у новвой билан учрашиб, кўнглини олурман”, дедилар ва бир куни саҳарда новвойнинг маҳалласига қараб йўл олдилар. Узоқ йўл юриб толиққан Ҳазрат новвойхонага яқинлашиб, ҳазин овоз билан:

– Биродар, Аллоҳ йўлида бир бурда нон беринг, – деб ёлбордилар. Ҳазрат Шиблийни уст-боши чанг, кийимлари ямоқ дарвеш кўринишида кўрган новвой ғазабланди:

– Сендақа текинхўрларга нон йўқ, жўна, менга халақит берма. Ишим кўп. Бу уйга бошқа тиланиб келма. Бу уйда бепул нон берилмайди, – деб хайдади.

Ҳазрат Шиблий индамайгина бурилдилару нари кетдилар. Бу воқеага гувоҳ бўлган қўшнилари эса новвойни койий бошладилар:

– Нима қилиб қўйдинг? Ҳозиргина сен ранжитган зот ўзинг ихлос қўйиб юрган, кеча-кундуз йиғлаб етиша олмаётганинг Ҳазрат Шиблий эдилар-ку?! Ҳазрат учун жонимни ҳам бераман, дердинг. Сенга нима бўлди-ки, бир бурда нонни қизгандинг ва ул зотдан айрилдинг!

Буни эшитган новвой дод-фарёд билан югурди. Хазратга етиб олди-ю қўл-оёқларини ўпиб, афв этишни сўради. “Мендан ўтди, кечиринг, гуноҳимни ювиш учун сиз нима десангиз шуни қилайин”, деб ёлборди. Хазрат Шиблий бу акли калта одамга қарадилар-да:

– Айбингнинг кечирилиши учун юз олтин сарфлаб, бир зиёфат тайёрла. Маҳаллангдаги барча қарияларни тўпла, – дедилар.

Новвой “Бош устига”, деб қувонганича Хазратнинг айтганларини бажарди. Зиёфат чоғи қариялардан бири Хазрат Шиблийга мурожаат этди:

– Хазрат, бир суҳбат қилиб, бизга “жаннатий” ва “жаҳаннамий” инсонлар қандай бўлишларини айтиб беринг.

– Жаннатий инсонни билмайман. Аммо жаҳаннамий бир инсонни кўришни истасангиз, ана, шу зиёфатни бераётган ҳамсонгиз жаҳаннамийдир.

Бу гапдан ғоят ажабландилар:

– Хазрат, тушунтиринг, нега ундай деяпсиз? Ахир бу одам Сиз учун юз олтин сарфлаб, зиёфат беряпти-ку? Қанақасига жаҳаннамий бўлсин?

– Албатта тушунтираман. Аллоҳ учун, Аллоҳ йўлида бир бурда нонни кўп кўриб бермаган бул одам Шиблий учун юз олтин харажат қилди. Аллоҳ номига бир бурда нон бермаган бул нотавон, ~~мендай бир қул учун юз олтин сарфласа-я!~~ Бундан ортиқ жоҳиллик, бундан зиёд жаҳаннамга олиб борувчи иш бўладими?”

“Нуқсонли кишигина ўзини комил ҳисоблайди. Ўз нуқсонини исбот қила олган киши эса ҳақиқий комил саналади. Камолотга эришганлар ўз камолотлари ҳақида мақтанмайдилар, аксинча, бу ҳолат жоҳилларда мавжуд. Бундай кишилар ўзларини олим мақтаниш жаҳолатдан ўзга нарса эмас. Кимки ўзини комил деб ҳисоблар экан, у албатта нуқсонлидир. Ана шу нуқсон унга камолотга етишиш учун йўл бермайди. Зеро, қуёш ҳам туш пайтида ўзини баркамол кўриб, энг юксак нуқтага кўтарилдим, деб ўйлайди, аммо шу ондаёқ унга завол юзланади – у пастга қараб бота бошлайди. Негаки, унинг чиндан ҳам камолоти бор эди. Аммо уни кўрган заҳотиёқ заволга юз тутди. Ўзини комил деб кўраётган киши гўё ёмон одамнинг ўзини яхши кишига нисбат этганидек бир гап. Бундайларни тузатиш осон эмас. Чунки уларнинг биноси кибр ва ғурурдан қад кўтаргандир. Бундайлар билан баҳслашишнинг фойдаси ҳам йўқ. Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил одам сўзлайвериб,

олимни сукут эттирса, таажжуб қилмаслик лозим, чунки тош гавҳарни синдира олади. Жоҳил киши сукут билан жоҳиллигини яширсайди, ўртача ақлли одам ҳисобланган бўларди. Лекин жоҳиллик билан сукут иккиси бир одамда жам бўлолмайди”.

Ривоят: Бир шаҳардаги фозил қози вафот этиб, унинг хурмати юзасидан ўғли қозилик мансабига тайин қилинди. Ўғил бағоят жоҳил ва нодон эди. Янги қозининг жоҳиллигидан уялган қариндош-уруғлари унга илм ўргатиш, адабли, тарбияли қилиш учун бир муаллимни тайин этдилар. Бир куни тил қоидалари дарсида муаллим мисол келтирди:

– Ўғлим, мана бу гапга диққат қилинг: “Аҳмад Маҳмудни урди”, деган жумладаги қайси сўз эга, қайси бири кесим?

Бу саволни эшитиб қози ғазабланиб кетибди:

– Вой, Аҳмад нима учун Маҳмудни уради? Нега шу пайтгача ҳеч ким менга хабар қилмайди? Бечора Маҳмуд калтак еб индамай кетаверадими?

Муаллим бу жоҳилнинг сўзларидан кулишни ҳам кулмасликни ҳам биллолмай, ажбланганича тушунтирмоқчи бўлди:

– Масала сиз ўйлагандай эмас, бу ерда урган, урилган киши йўқ, фақат мазкур жумладан эга ва кесимни топиш учун келтирилган бир мисолдир.

– Бекор айтибсиз! Ҳозир одам юбориб, Аҳмадни топтириб келтираман-да, унга жазо бераман. Ўзингиз “Аҳмад Маҳмудни урди”, деб гувоҳлик бериб турибсиз-ку? Энди нега сўзингиздан қайтпасиз?

– Тушунсангиз-чи, “урди” сўзи ҳақиқий эмас...

– Нима? Ҳақиқий эмас, дейсизми? Сиз Аҳмаддан пора олганга ўхшайсиз, унинг томонини олиб, айбини беркитмоқчисиз. Мен қозилигим вақтида бундай зулмга, бундай бевошликларга йўл қўймайман! – деб муаллимни зиндонбанд қилишга, Аҳмад деган кишини эса топтириб келишга буюрди.

Воқеадан хабардор бўлган жоҳил қозининг қариндош-уруғлари етиб келиб, минг машаққат билан ҳақиқий ҳолатни аңлатиб, муаллимни озод этдилар.

Байт: Жаҳлдан одамга кўп қайғу-алам етар,

Жоҳил одам суҳбатидан алҳазар, минг алҳазар”.

“Ақлли одамларнинг душманлиги жоҳил одамларнинг дўстлигидан кўра яхшироқдир. Жаҳолат башарият фикри учун қоронғу бир кеча ва ҳар турли разилликларнинг онасидир”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Жоҳиллик – жон азоби.
- * Жоҳилга бошлиқ бўлгандан донога хизматкор бўлган яхши.
- * Жаҳл – жоҳилнинг қуроли, ақл – онглининг.
- * Жоҳил улфат – бошингга кулфат.
- * Жоҳилда куч кўп бўлар, кучим деган тез ўлар.
- * Жоҳиллар камон бўлар, меҳрлилар – чаман.
- * Жоҳилликдан жон чиқар, қобилликдан – донг.
- * Оқил жоҳилдан панд олар.
- * Илмсиз тажриба – боши берк кўча.
- * Билимли – олим, билимсиз – золим.
- * Билимлига дунё ёруғ, билимсизга қоронғу.
- * Билимлининг билими юқар, билимсизнинг нимаси юқар?
- * Билимсиз кишига иш йўқ, илмсиз кишига ош йўқ.
- * Билмаган ишга уринма, уриниб тузоққа илинма.
- * Билмас табиб жон олар.
- * Илмсиз бош қашир, хушомадгўй гап ташир.
- * Илмсиз имомдан тухум қилмайдиган товук яхши.
- * Билимсиз мулладан устига юк ортилган эшак яхши.
- * Билимсиз халфа – экинсиз дала.
- * Билмаган айб эмас, билишга тиришмаган айб.
- * Илмсиз киши ўлимга яқин.
- * Илмсизга ишонч йўқ, ҳунарсизга қувонч йўқ.
- * Тасбеҳ ағдарганнинг бари мулла эмас,
Таёк тутганнинг бари чўпон эмас.
- * Тешик идиш сувда билинар, билими оз киши – синовда.
- * Юз ҳунарни чала билгандан бир ҳунарни тўла бил.
- * Ўқимаган шу дамда туртинар ҳар қадамда.
- * Ўқимаган – яланг оёқ, баайни қуруқ таёк.
- * Ўқимамай мулла бўлган – чўқимамай қарға бўлар.
- * Қарғанинг ҳунари бўлса, тезак емасди.
- * Қаттиқ бақирган билан кўшиқчи бўлмас.
- * Билимдон учар, жоҳил югурар (*Туркман мақоли*)

Муножот:

Аллоҳим! Бизлар бу дунё имтиҳонидаги ожиз бандаларингмиз. Жаҳолат довули билан синаганингда йиқилиб қолмайдиган солиҳ бандаларингдан қил бизларни. Шайтон алайҳилаънанинг ёмонлигидан ёлғиз Ўзингдан паноҳ тилаймиз. Шайтон қуролларидан бўлмиш жаҳолат ҳужумидан ҳам Ўзингдан паноҳ тилаймиз. Аллоҳим! Бизларга жаҳолат нима эканини англаб ета

олувчи идрок бер. Аллоҳим! Жаҳолатга рўпара келганимизда уни енгиб ўта оловчи ирода қувватини бер. Жаҳолат исканжасидаги биродарларимизга бу бадбахтликдан қутулишлари учун ҳидоят бер. Уларга қиёматдаги дўзах азобларини бегона қил. То қиёматга қадар туғилиб яшайдиган зурриётларимизни жоҳиллик балоларидан асра. Бизлардан аввал вафот топганларнинг ҳаётлик чоғлари жоҳилликлари туфайли қилиб қўйган гуноҳларини кечир, Аллоҳим! Биз топган савоблардан у марҳум зотларнинг аъмол номаларига ёзиб қўймоқлигингни Ўзингдан илтижо қилиб сўраймиз, бизларни ноумид қилма, Аллоҳим! Бизлар жоҳиллигимиз туфайли қилган гуноҳларимизни лутфи караминг билан афв эт. Ер юзини ўраб турган жаҳолат булутидан ёғувчи томчилардан баҳра оловчилар борки, уларга инсофу тавфиқ бер, жоҳилликлари туфайли юмилган кўзларини илм ва ҳидоят нурлари билан оч. Ер юзига соя ташлаб турган жаҳолат булутларини Ўзинг бартараф этиб, тинчлик ва омонлик нурларига чўмдир. Ўзингнинг “Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилади”, деган ваъданга кўра, бизларни истиғфор айтувчилардан ва тавбалари қабул бўладиганлардан қил. Омийн, йа Раб ал-олабийн!

АҚЛ ВА ОҚИЛ

“Улар қар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар”. (Қуръони карим маъноларининг таржимаси, Бақара сурасидан)

“...улар иймон келтирмаслар. Дарҳақиқат, биз уларнинг бўйинларига то ияқларигача етадиган кишанларни уриб қўйдик, бас, улар кўра олмаслар”. (Ёсин сурасидан)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:
“Оқил – дўстим, аҳмоқ – душманим”.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб: “Жаъфари Тайёрий тўрт фазилати туфайли Аллоҳнинг мақтовига сазовор бўлди”, деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаъфари Тайёрийдан бу мартабага қандай эришганлигини сўрадилар. У дедики:

– Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкиликни ичмадим. Бут-санамларга қарадим, фойдаси йўқ, шунинг учун уларга сиғинмадим. Оиламни рашк этганим сабабли бошқалар билан зино қилмадим. Ёмон оқибатга олиб келишини билганим учун ёлғон сўзламадим.

– Сизлардан аввалги умматлардан уч кимсанинг: абрас, қал ва кўрнинг аҳволидан ҳикоя қилиб бераман, - дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.) – Аллоҳ таоло имтиҳон қилиш учун уларнинг олдига бир малак юборди. Малак абрас касаллигига мубтало бўлиб, баданига оқ тушган одамнинг олдига келди-да сўради:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Бу хасталикдан қутулиб, танамга гўзаллик қайтишини, одамлар мени кўрганларида ирганмай, қувонадиган чирой соҳиби бўлишни истайман. Фоний дунёда бундан бўлак хоҳишим йўқ.

Малак бу одамнинг баданини силади ва абрас хасталигидан халос этиб, уни гўзал бир вужуд соҳиби қилиб қўйди-да:

– Энди сенга давлат бераман. Қандай молни яхши кўрасан? – деб сўради.

– Туяни яхши кўраман, – деди абрас.

Малак унга ўн ойлик урғочи туяни берди-да: “Бу туяни Аллоҳ сен учун баракали этсин”, деб дуо қилгач, калнинг олдига борди:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Бирдан бир умидим чиройли сочга эга бўлиш. Бунинг учун ҳеч нимами аямайман, – деди кал.

Малак уни ҳам силади. Калнинг бошидан чиройли соч ўсиб чиқди.

– Энди сенга давлат бераман, нимани хоҳлайсан? – деб сўради малак.

– Сигирни яхши кўраман, бир сигирим бўлишини аллақачондан бери орзу қиламан, – деди кал.

Унга бир сигир берилди. Малак: “Бу соғин сигирни Аллоҳ сен учун баракали этсин”, – деб дуо қилгач, хайрлашди-да, кўрнинг олдига бориб сўради:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

– Энг орзу қилганим – кўзларимнинг кўришидир, – деди сўқир умид билан.

Малак уни ҳам даволади, кўзларини очгач:

– Сенга бойлик бераман, нимани яхши кўрасан? – деб сўради.

– Энг яхши кўрганим қўйдир. Қўй сурувларим бўлишини орзу қиламан.

Унга совлиқ берилди. Туя – бўталоқ, сигир – бузоқ туғиб берди, қўй кўзилади. Бу уч одам шунчалик бойиб кетдилар-ки, кўп вақт ўтмай учаласининг ҳам бир водийни тўлдирадиган туялари, сигирлари, қўйлари бўлди. Уларнинг ҳар бирлари бир водийга эга бўлиб, фароғатда яшаётган кезларда Малак яна Ерга тушди. Абрас хасталигидаги бемор қиёфасига кирди-да, бир пайтлар шу касалликдан азоб чеккан одамга рўпара бўлиб ўтинч билан деди:

– Эй бадавлат инсон! Мен бир ғариб мусофирман. Кўп юрдим. Менга Аллоҳ ризолиги учун бир туя бер, манзилимга етиб олай. Сенинг рангинг ва баданингни чиройли қилгани ҳаққи менга кўмаклаш.

– Сенга берадиган нарсам қолмаган, ҳамма нарсани бериб бўлганман, – деди абрас.

– Мен сени таниётганга ўхшайман. Сен ҳамма ҳазар қиладиган, одамлар ирганадиган абрас эмасмисан? Сен жуда камбағал эдинг. Аллоҳ сенга урғочи туя бериб, бадавлат қилмадими? – деди Малак.

– Йўқ, мен у одам эмасман. Бу мол менга отамдан, бобомдан қолган.

– Агар ёлғон сўзласанг, Аллоҳ сени аввалги холинга келтириб қўяди.

Малак шундай деди-да, ундан нари кетиб, калнинг олдига борди. Абрасга айтган гапларни унга ҳам айтди, ёрдам сўради. Кал ҳам худди абрас каби рад жавобини берди. Малак унга ҳам “Агар ёлгон гапирсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин”, деди-да, кўрнинг олдига борди. Унга сўқир холида рўпара бўлиб, ёлборди:

– Мен фақир, йўқсил одамман, йўлдан қолдим. Юртимга қайтишга имконим йўқ. Менга Аллоҳ ризоси учун ёрдам бер. Сенинг кўзларингни очган, равшан қилган, сенга давлат берган Жаноби Ҳақнинг ризоси учун менга битта қўй бер.

Аввал сўқир бўлган, Аллоҳнинг марҳамати билан кўзи очилиб, бойиб кетган одам тиланиб келган кишига қараб ғоят ачиhib, дедик:

– Эй ғариб йўлчи! Мен аввал худди сен каби кўр эди. Аллоҳ кўзларимни равшан қилди. Мен фақир эдим, Аллоҳ менга бир совлиқ берди. Бундан давлат орттирдим. Аллоҳ ризоси учун битта эмас, истаганингча қўй ол.

Ақлини йўқотмаган бу одамга қараб Малак шундай хитоб қилди:

– Қўйларинг ҳам, барча давлатинг ҳам ўзингга буюрсин. Аллоҳ баракатини янада оширсин. Бу сизлар учун Аллоҳ томонидан бир имтиҳон эди. Танишларинг имтиҳонда панд еб, Аллоҳнинг ғазабига учрадилар...

Шарҳ:

Бу шарафли ҳадис ақл эгалари учун беқиёс ибрат дарсидир. Атрофимизга қарайлик-чи, қадим замонларда яшаган ўша абрас ва калга ўхшаганларни ҳозир учратармикинмиз? Афсуски, учратамиз. Кимки улардан ёрдам сўраса, ақл ўргата бошлайдилар, ёрдам ўрнига насиҳатларни қалаштириб ташлайдилар. Не ғамки, бундай аҳмоқлар дунё бунёд этилганидан бери бор. Аллоҳнинг бу ҳикматини кўринг: ёмон феъллиларнинг, яъни аҳмоқларнинг феъллари бир-бирига айнан ўхшайди.

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан хуррам ва шодликда ўтказади. Нодон киши ҳисобсиз молу давлат билан доимо ғам-алам тортиб, саргардонлик билан кун кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга боғлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улуғ ва мухтарамдир. Ақл – нафснинг **зиндони**, хою-ҳавас эса оромгоҳи ҳисобланади. Хою-ҳавас турли хил **иштиёқ** ва орзуларни нафс олдига тухфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни АҚЛ ман қилади. Демак, кишининг нафси хою-ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир. Шунинг учун оқил инсон нафс қўйига кирмай, ақл садосига қу-

лоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этган.

* * *

“Сизни қабул этмасалар ва сизни тингламасалар, кетингиз. Кетаётганингизда оёқларингиз чангини қоқингиз”.

(Ийсо ибни Марям)

* * *

Марямнинг ўғли Ийсо худди арслон қувалаган каби тоғ томонга югуриб борар эдилар. Кўчадан ўтаётган одамлардан бири унинг орқасидан югурди ва деди:

– Нима бўлди сизга? Ҳуркитилган қуш каби учиб бормоқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом шу қадар тез чопар эдилар-ки, шошилганларидан бу одамнинг саволига жавоб бера олмадилар. Ул зотнинг бу тарзда югуришларидан баттар ҳайратга тушган одам, ниҳоят яқинлашди ва яна сўради:

– Ё Рухуллоҳ! Аллоҳ ризоси учун бир он тўхтанг ва ҳолингиздан бизга хабар беринг? Кимдан ва нима учун қочмоқдасиз? Ахир орқангиздан қувлаётган арслон ҳам, душман ҳам, кўрқадиган бошқа бирон нарса ҳам йўқ-ку?

Бунга жавобан Ийсо алайҳиссалом дедилар:

– Бир аҳмоқдан қочмоқдаман, аҳмоқдан! Ўзимни у билан суҳбатлашишдан қутқаряпман. Мендан узоқроқ турки, ўзимни қутқарай.

Бояги киши яна сўради:

– Дуолари билан кўрларга ва карларга шифо берувчи Ийсо сиз эмасми?

– Ҳа, мен ўша масиҳман, – дедилар Рухуллоҳ.

– Маънавий сирларнинг тилсимини билган ва шунинг учун ҳам “Рухуллоҳ” номини олган маънавий зот Сиз эмасми? Ахир сиз дуо қилганда ўлганлар ҳам худди ўлжасини тутган арслон каби қабрдан сакраб чиқарди-ку?

Бунга жавобан Ҳазрати Ийсо дедилар:

– Ҳа, ўликларни тирилтирган менман.

– Эй Ийсо! Лойдан қуш ясаб, уларга жон бағишлаган Сиз эмасми?

– Ҳа, менман, – дедилар Ийсои Рухуллоҳ.

– Эй тоза рух! Ўзингиз истаган нарсага қодир бўла туриб, яна кимдан кўрқиб қочмоқдасиз?

Ийсо алайҳиссалом яна жавоб қилдилар:

– Аввало руҳни ва сўнгра вужудни яратган Жаноби Ҳаққа ва унинг сифатларига қасам ичаманки, сен айтган бу дуони, яъни

исми Аъзамни кар ва кўрларга қилган эдим. Улар тузалдилар. Сўнг бу дуони баланд чўққили тоққа қилган эдим, дуонинг кучидан ўртасидан ажралиб кетди. Сўнгра ўлик бир жасаднинг қаршисида ўқиган эдим, маййит тирилди. Ҳеч бир нарсаси бўлмаган фақирга ўқиган эдим, бой-бадавлат бўлди. Лекин бу дуони аҳмоқ бир қалбга минг дафъа шафқат ва марҳамат ила ўқисам ҳам ҳеч фойда бермади. Бу аҳмоқ қоратош каби қаттиқ туриб олди ва қора феълидан асло воз кечмади. Оҳақ тўкилган қум каби ундан бир ўт ҳам ўсиб чиқмади.

Бу сўзларни эшитган у одамнинг қизиқиши янада ортиб Ҳазрати Йисодан сўради:

– Исми Аъзам бу қадар киши ва нарсаларга таъсир қилиб, фойда бергани ҳолда нега аҳмоқликка таъсир қилмади? Ҳолбуки, қолганлар ҳам хаста эдилар. Уларнинг даво топиб, аҳмоқнинг эса даво топмаслиги сабаби ва ҳикмати недир?

Саволга Рухуллоҳ бундай жавоб бердилар:

– Эй инсон! Билгилки, аҳмоқлик иллоти Худонинг қаҳридир. Қолганлари эса қаҳри илоҳийга дуч келмаган хасталиклардир. Бало ҳам хасталиқдир, лекин у ҳам мубталосидан шифо топади. Аҳмоқликка келадиган бўлсак, бу “Хатамаллоҳу ала қулубихим ва ала самъихим ва ала абсорихим гишаватун” ояти билан қаҳри Худодирки, аксарият ҳолларда бу хасталиқдан бошқалар зарар кўрадилар. Аҳмоқлик тамғаси Аллоҳнинг улар қалбига урган бир муҳридир. Уларнинг кўзларида ва кулоқларида пардалар бордир. Унга ҳеч кимса чора топа олмайди. Ягона чора – ундан қочмоқликдир”.

“Эй ўғил, одамлар сўзга устамонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор: ақлнинг далили – фикр. Фикрнинг далили – сукутдир”.

(Луқмони Ҳаким)

“Ҳақиқий ақллилик илоҳий амрга итоат қилиш бўлиб, асл истикбол айнан шу итоатдадир. Бу айни замонда абадий ҳаётга жиддий ҳозирлик кўриш ҳамдир. Чунки Қуръони каримда Аллоҳ таоло ақл ҳақида бундай марҳамат қилади: “Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар”. (Бақара сурасидан); “...ақл эгаларигина эслатма оладилар”. (Раъд сурасидан)

Бир одамни Пайғамбар алайҳиссаломга жуда кўп мақтадилар. Уни ҳар мақташганида Расулulloҳ (с.а.в.) “Ўзи ақллими?” – деб сўрар эдилар. Бошқа бир ҳадисда эса: “Ақлли киши нафсини ҳою-ҳавасга бермаган, ўлимдан кейинги охират ҳаёти учун ҳозирланган кишидир”, дейилади.

Аллоҳ таоло аҳли донишларга ибратли ҳодисалардан ўрнак олишлари лозимлигини марҳамат қилади. Бу дунёнинг алданиш ва хусрон мамлакати, ҳаёти эса бешик билан тобут орасидаги тор йўлак эканлигини билдиради. Шунингдек, бу дунё унга (*яъни шу дунёга*) бандалик қилишга арзимаслигини ва инсон қандай яшашидан қатъи назар сўнг манзили қабр бўлишини таъкидлайди.

Қуръони карим мезонига амал қилган ақл бир неъматдир. Салоҳияти ва иқтидорини Қуръони каримга бўйсиндирмаган ақл эса ўз эгасини аҳмоқлик сари судрайди. Тарих ўзини ақлли ҳисоблаб, нафсини сиғинувчи бутга айлантирган, дунёни охиратдан устун қўйган золим, ғаддор ва аҳмоқлар билан тўлиб-тошгандир. Шунинг учун ҳам ҳақиқий маънода ақлли бўлиш Аллоҳ берган истеъдодни Қуръон ва суннатга мос равишда ишлатишдир...

Ақл маънавият билан йўғрилсагина ўз қадрини билади ва хийлалардан ўзини ҳимоя қила олади. Акс ҳолда нафснинг тузоғига тушиб, унинг орзуларига асирлик кишанлари билан боғланиб қолади.

Ақл инсониятнинг шарафини муҳофаза қиладиган, инсониятни бошқа махлуқотлардан ажратиб турадиган бебаҳо неъматдир. Қалблари уйғоқ бўлган кишилар инсониятга шараф келтирганлари каби, ўзларининг оила ва миллатларини ҳам улуғлаганлар.

Ҳа, ақл ҳақиқатан ҳам Аллоҳ инсонга лутф қилган бир неъматдир. Ҳар нарсани ўз ўрнига қўйиш ва ҳодисалар тугайдиган нуқтани олдиндан билиш ақл билан амалга ошади. Шунинг учун ҳам қудсий бир ҳадисда Аллоҳ таоло: “Бандам шундай бир ҳолга тараққий қиладики, Мен унинг кўрадиган кўзи, эшитадиган қулоғи бўламан”, дея марҳамат қилади. Тасаввуф улуғларидан Отбозорий Усмон Афандининг Садраъзам Кўприли Маҳмад Пошшога насихати ўрнак берувчидир: “Сиз бизнинг камзулимизни кийсангиз сизнинг урф ва низомингиз бузилади. Биз сизнинг камзулингизни киядиган бўлсак, бизнинг йўл ва низомимиз бузилади. Шунинг учун ҳар бир кишининг ўз низом ва усули билан ҳаракат қилгани маъқулдир”.

(Усмон Нурий)

“Ақлли инсон яхшилиқни ёмонликдан ажрата оладиган одам эмас. Ҳақиқий ақл соҳиби иккита ёмон ишдан қайси бирининг зарари кўпроқ эканини билган одамдир”.

(Умар ибн Ҳаттоб)

“Ақлини ишлатган одам ақллидир. Бошқаларнинг ҳам ақлини ишлатган одам ундан-да ақллироқдир”.

“Қалб кўр бўлгандан кейин кўзнинг кўришлигидан фойда йўқдир”.

“Ақлдек хазина йўқ, жаҳлдек фақирлик йўқ, одобдай мерос йўқ, машваратдек ёрдамчи йўқ”.

“Ақлли кишининг тили юрагининг ортида бўлади, ақмоқнинг юраги тилининг орқасида бўлади”.

(Али ибн Абу Толиб)

“Ҳар нарсанинг закоти бор. Ақлнинг закоти – охират андишасидир”.

“Ақллилар билан бахслашиб тортишмоқ – ақлсизлар билан биргалашиб ширин таом емакдан минг чандон яхшироқ ва фойдалироқ”.

(Фузайл ибн Иёз)

Ҳазрати имом Абу Ҳанифа Куфий тошлоқ йўлдан бораётган эдилар. Қаршиларидан бир хўкиз келаверди. Абу Ҳанифа йўлдан четландилар. Ҳамроҳлари дедилар-ки:

– Ё имом! Бу парҳез нимадандир?

Дедилар:

– Менинг ақлим бор, унинг эса шохи!

“Белги бўлса, одам йўлдан адашмайди, ақли бўлса, киши сўздан адашмайди”.

(Маҳмуд Қошғарий)

“Ақл қувватининг мўътадиллиги тадбирнинг чиройли, зеҳннинг тиник, фикр-ўйларнинг тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди, амалларнинг нозик, нафс одатларининг махфий

жиҳатларини англашни ўргатади. Ақлнинг ҳаддан ошиши макр-хийлага, фирибгарлигу айёрликка бошлайди. Агар ақл меъёрдан паст бўлса, бефаҳмлиқ, хом ғайрат, аҳмоқлик ва жунун пайдо қилади. “Хом ғайрат” деганда дунё ва охират ишларидаги тажрибасизлик, яъни фойда-зарарни фарқлаш қувватининг заифлиги, назарда тутиляпти. Дарҳақиқат, инсоннинг тасаввур ва хаёл қилиш қуввати нечоғли соғлом бўлмасин, тажрибасизлиги туфайли баъзан касалга ўхшаб қолади. Аҳмоқлик ва жиннилик ўртасидаги фарқ шундаки, аҳмоқнинг мақсади тўғри, лекин уни амалга ошириш йўли нотўғри. Чунки аҳмоқ мақсадга олиб борувчи йўл хусусида тўғри қарашга эга эмас. Жинни эса танлаш лозим бўлмаган нарсани танлайди. Аслида, жиннидаги танлов ихтиёрининг асоси бузуқ”.

“Ақл жим бўлиши билан фикрлаш тўхтайтиди. Фикрлаш тўхташи билан ҳаракат ҳам тўхтайтиди. Ҳаракатсизлик эса чиришнинг эшигидир”.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

“Қўнғиз гўнг титкилагани учун ҳам хушбўй ҳидлардан қочади. Унинг дориси кўнгил бузувчи ҳидлардир. Чунки шундай шароитга ўрганган, гўнг жону-тани бўлиб қолган. Ақлли кишилар ҳам ақлсизларни тўғри йўлга солиш учун уларга ҳикматли сўзлар билан насиҳат қиладилар, хушбўй ҳидлар билан тарбия қилмоқчи бўладилар. Кимга хушбўй ҳидли нарсалар ёрдам бермаса, демак, бундай одам бадбўй ҳидларга ўргангандир. Сен ҳам яхшиликдан, нурдан насибангни ол. Бурнингни гўнгга тикиб, қўнғизга айланиб қолма. Инсон бўл, инсон!”

“Аҳмоқлардан қочинг-ки, Ийсо алайҳиссалом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча марта қонлар тўкилгандир”.

(Жалолиддин Румий)

“Агар ақл ёмонликка қаратилса, инсоний хислатлар разиллик, маккорлик, алдамчиликка олиб боради”.

“Зийраклик – инсондаги тез фикрлилик, ўйлаган нарсасини дарров топа олиш қобилиятидир”.

(Абу Наср Ғоробий)

“Ҳамма кишилар ақлга муҳтождирлар, ақл эса амалиётга, иш-ҳаракатга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам амалиётни ақлнинг ойнаси, дейишади”.

(Хусайн Воиз Кошифий)

“Мансабдор мол тўплайди, оқил эса – фазилат”.

(Муъиниддин Жувайний)

“Ақлли бўлсанг, жоҳил ва нодондан ҳазар қил. Ақалли бир оз билими бор киши улардан албатта юз чақирим узоқлашади”.

“Инсоннинг бошқа жонзотлардан афзаллиги ақлдадир. Ақлнинг мақсади эса нутқ ва ширинсуханликни такомиллаштиришдан иборат”.

(Мажидиддин Хавофий)

“Киши ўзининг нимани билмаётганини билиши билмаганларининг энг муҳимидир”.

(Ҳоким)

“Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир”.

“Онгни эскирган, ғаразли мақсадлардан тозалаш зарур”.

(Абу Райҳон Беруний)

“Қандай ҳолатда бўлишингдан қатъи назар, ўзингни шундай тутки, ақл ўрганмоқ учун бирор соатингни ҳам зое кетказма, ахир ақлни нодондан ҳам ўрганиш мумкин”.

“Хуллас, ақлинг бўлса, бирон нарсани ўрган, чунки уқувсиз ақл кўйлаксиз тана ёинки беқиёфа одамдир, ахир илмни ақлнинг юзи дейишади-ку?”.

“Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмагандек”.

“Калтафаҳм ва бетавфиқ одамни фиску фасоддан қайтарувчи нарса йўқ. Унинг жilовини ўз ҳолига қўйиб юбориш уни баттар қилади”.

“Уришқоқ ва жанжалкаш киши ҳафалик билан шодлик орасида яшайди”. (*Абулқосим Замахшарий*)

“Кишилар орасида ақллилари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади... Одам фақат илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб боради, демак, билимнинг чегараси йўқ”.

“Ақли одамлар подшоҳларнинг марҳаматига ишонч билдирмайдилар. Донишманд кишилар тентакларнинг гап-сўзига ишонишни ўринли демайдилар. Зеро, у бир нима қилса – ихтиёри ўзидадир. Тентак эса беихтиёрдир. Аммо ақлли одам иккаласидан ҳам эҳтиёт бўлиши яхшидир.

Ул чу соҳиб ихтиёр ўлди-ю, бу беихтиёр,
Иккисида ҳазму ҳикматнинг хилофи ошкор”.

(Униси – ихтиёр эгаси, буниси эса ихтиёрсиз. Лекин иккисида ҳам ақл билан ҳикматнинг тескараси бор.)

“Ақли одам эл хатосини кўриб, хулоса чиқаради ва тўғри йўлни танлайди. Буни у хатосини бошқалар сезишидан ва юзига солишидан олдинроқ қилади:

Оқил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин.
Қўймас анинг хатосига эл айлаб эътироз,
Айтурға юзи ўтрусида саҳвининг сўзин”. (*Алишер Навоий*)

(Оқил бошқаларда хато кўрса ўзини тортади. Ўзини тўғри йўл сари мойил қилади. Унинг хатосига эл эътироз билдириб, юзига қараб, айбини айтишга ўрин қолдирмайди.)

“Ёвузликдан эзгуликни ажрата оладиган киши эмас, балки икки ёвузликнинг енгилроғини фарқлай биладиган кишигина ақлидир”.

(*Ал Хоризий*)

“Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса будир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ – адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқеъ ҳам уни гангитиб қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжймайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас-туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди.

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу уқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ақли хукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган кунини ўзини фалокатга отган бўлади. Ақлсиз бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири – табиий, онадан туғма бўлади; иккинчиси – касбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёғочга ўт қўйилмаса ёнмайди. Шунга ўхшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса, ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идроқини камолга еказади, деганлар.

Инсон ақли саккиз нарсада намоён бўлади: *назокатли ва мулойим муомалада; *ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда; *одил шоҳларга риоя қилиб, уларнинг орзу-истакларини амалга оширишда; *ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдирмасликни билишда, (яъниким, ақлсизнинг сирини бўлмайдиган, ҳар нарсаси тилида туради); *ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда; *шоҳлар саройида эҳтиёт бўлиб, сарой аҳлига ширин тил билан муомала қила билишда; *тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда; *мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик, ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда”.

“Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай тугабини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қаерга боражагини йўлга чиқишдан олдин билиши зарур. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқа нарсага йўлиқмайди. Аждодларининг ҳаётидан ибрат дарси олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланган одам ақлли ҳисобланади. Ўзбилармон одам ҳамиша машаққатда яшайди. Зиёнли ҳар нарсада бир фойда ҳам бор, деб айтадилар. Энг яхшиси, бошқаларнинг кўрган зиёнларини назарда тутиб, уларнинг фойдали тажрибаларидан истифода этишдир. Ақлли одамлар тубан ва ярамас муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари керак. Кимки кўр-кўрона номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўғри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп юрса, шунча кўп адашади. Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва бу тиканни чиқариб олмасдан, уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, кўзини ишқай бошласа, мутлақ кўр бўлади. Ақлли одам кўпнинг раъйи билан ҳисоблашиб, унга ишониши керак. Шу билан бирга, ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ солиш керак. Ақлли одам ўзига раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрмаслиги лозим. Чунки ҳар бир ишнинг ўз мукофоти, оқибати бор”.

(“Калила ва Димна”дан)

Билиглик укушлуқ киши ул киши,
Онингда нору борча йилқи туши. (“Қутадғу билиг”дан)
(Инсон дегани – илмли, ақлли кишиларга берилган номдир.
Қолганлари йилқи сифатдир (яъни, ақлли, илмлидан бошқасини
йилқига қўшиб қўй, дейилмоқчи)

“Эски фикрлар занглаган миҳга ўхшайди, суғуриб отмоқ жуда қийин”. (Жаноб Шаҳобиддин)

“Бизни дунё ва охират саодатига бошловчи нарса, албатта, Аллоҳнинг энг буюк неъматидир – Ақлдир”.

“Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир”.

“Тафаккур этмаслик ва муҳокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп зарарлар келтиради”.

“Инсон фарзанди бир-биридан кийим-бош билан эмас, балки ақсинча, ақли, фазилати, илм-ҳунари, ор-номуси билан фарқ қилади”.

“Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойда бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: ё илмга, ё жамиятга ва ёки ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми?”

“Ақл-идрок, илм-ҳунар – булар меҳнат билан топиладиган ва камол топадиган нарса”.

“Ўйламоқ ҳам яхши нарса, аммо кўп ўйлаб, хаёлпараст бўлишлик ҳам ярамайди”.

“Киши эшитган нарсасини унутмаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ шарт; иккинчидан – бир нарсани кўрганда ё эшитганда унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаросат билан уқиб олмоқ керак; учинчидан – эшитганлари ёки ўқиганларини ичида бир неча марта такрорлаб, кўнгилга жо қилмоқ лозим; тўртинчидан – кўнгилга бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермаслик керак”.

“Инсон учун фақат ақлли бўлишнинг ўзи камлик қилади. Агар у ақлли кишилардан эшитган, билган, кўрган нарсаларини амалда қилса, ёмон нарсалардан ўзини оқласа – шундагина у ақли, кўлидан иш келадиган, кироийи одам десанг арзийди”.

“Тандан ҳам ақл ортиқ. Биз ана шу ақлга танни бўйсундиришимиз керак”.

(Абай)

* * *

“Дунёда ҳар бир инсоннинг айрилмас дўсти бўлади. Кечалари юрганда – қўлида чироғлиқ, кундузлари эса, асолик вазифасини бажариб, одамни кўп фалокат ва кулфатлардан сақлайди. Унинг оти – ақл!”.

(*Мирзакалон Исмоилий*)

* * *

“Ақлли инсон учун ҳар қандай мағлубият бир тажрибадир. Мағлубиятлардан сабоқ олганлар келажақда ғалабаларни қўлга киритадилар”.

(*Муҳаммад Камол*)

* * *

“Биз ўйлаганларимизни кўпинча елкамизда кўтариб юрамиз”. (*Аҳмад Ҳамди Танпинар*)

* * *

“Нимани ўйласак ўшандай. Дунёмизни тушунчаларимиз билан ёритамиз”. (*Будда*)

* * *

“Баданнинг қуввати – овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади”.

* * *

“Ақлли киши кўнглига нима маъқул тушса – кетидан чопмай, нима уни кўнгилсизликлардан қутқарса – ўшанинг кетидан қувади”. (*Арасту ҳаким*)

* * *

“Фароғат, шодлик кеч келиб, тез кетади, қайғу-алам тез келиб, анча узоққа чўзилади. Ҳар одамнинг иффат ва парҳезкорлиги бўлмаса, ҳар қанча зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган ҳисобланмайди. Шунга кўра, оқил ва камол иффатли, тавфиқли бўлмоғи шарт. Қилган ёмонликлари, фисқу-фужурларини ҳар ерда мақтаб, гердайиб сўзлаб юрган одамдан узоқлашинг. Комил, ақлли одам бузуқ хаёлларни кўнглига келтирмайди, ақл-хуш қуввати билан уларни рад этади”.

(*Сукрот ҳаким*)

“Қилган ҳар бир ишингиз ортида бир тушунча бордир. Тушунмасдан ўрганмоқ вақт йўқотмоқдир”.

“Тушунмасдан ўқиш фикрни ўтмаслаштиради, ўқимасдан тушуниш адаштиради”.

(Конфуций)

“Тана гўзаллигини, агар унинг заминидида ақл ётмаса, ҳўкиз гўзаллигига ўхшатиш мумкин”.

“Одамларни жисмоний бақувватлик ҳам, пул ҳам эмас, ҳақ-гўйлик ва серқирра билимдонлик бахтиёр қилади”.

“Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш”.

(Демокрит)

“Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлларида давом этишлари ғирт ақлсизликдир”.

“Доноларнинг иши ақл билан, фаҳмсизроқ кишиларники – тажриба билан, ғирт нодон одамларники – зарурат билан, ҳайвоннинг хатти-ҳаракати эса табиатан қилинади”.

(Цицерон)

“Ақл-идрок билан бойишга ҳаракат қил, чунки у мол-дунё бойлигидан яхшидир. Ахир, ақл-идрок билан бойликни қўлга киритиш мумкин, аммо бойлик билан ақл-идрокни тўлай олмайсан”.

“Бизнинг бутун қадр-қимматимиз тафаккурда жамланган. Биз тўлғаза олмайдиган макон ва замон эмас, айна шу фикрларимиз бизни юксакликка кўтаради”.

“Ақл амри ҳар қандай ҳукмдор фармонидан ҳам хийла кучлироқ: фармонга итоат этмаслик одамни бахтсиз, ақлга итоат этмаслик эса аҳмоқ қилади”.

“Бахтсизликнинг маъноси истаганингни бажара олмаслигингдир”.

“Инсон фаришта ҳам эмас, ҳайвон ҳам. Унинг бахтсизлиги шундаки, у қанчалик фариштага ўхшашга ҳаракат қилса, у шунчалик кўп ҳайвонга айланади”.

“Киши қанчалик ақлли бўлса, у шунча кўп асл инсонларни топади. Ўртамиёна кишилар эса инсонлар ўртасидаги фарқни билмайдилар”.

“Киши қанчалик ақлли ва фаросатли бўлса, одамлардаги яхшилиқни шунча тез англайди”.

“Киши учун уни шарманда қиладиган ҳақиқат очилишидан кўрқиб яшашдан ортиқ бахтсизлик йўқ”.

(Б. Паскаль)

“Ақлни камситишнинг имкони йўқлиги учун сиқувга олиш йўли билан ундан қасд олишади”.

(П. Бомарше)

“Ақмоққа бошингдан хушбўй мой қуйишга ижозат бергандан кўра, ақлдан юзта зарба еган яхшироқ”.

(Ахикар)

“Зеҳнингни тарқатма, чуқурлаштир, токи нур таратувчи ойнанинг фокусига ўхшаб ақлингнинг бутун ҳарорати ва бутун шуури бир нуқтага жам бўлсин”.

(К. Гелвеций)

“Ақл кишиларни тортинчоқ қилади ва шунинг учун ҳам ҳар қадамда қашшоқ яшаётган, ҳамма ерда жирканиш ва нафрат билан кутиб олинадиган донишмандларни учратамиз. Нодонларга эса пуллар оқиб келаверади, омад жилови ҳам уларнинг кўлида ва умуман, улар тўқ, бадавлат яшашади”.

“Оқил кишиларга буюк ҳукмдорлар кўпинча нафрат билан қарашади”. (*Роттердамлик Эразм*)

“Ақл қувватни оромдан эмас, машқдан олади”. (*А. Пон*)

“Оғиз – ақлнинг дарвозаси. Агар уни очик қўйсанг, ақл уни ташлаб кетади. Хаёл – ақлнинг оёғи. Агар уни жиловламасанг, ақлни тўғри йўлдан оғдиради”.

(*Хун Цзичэн*)

“Санокли ақлларгина чарчашдан нобуд бўлади, кўпчилиги эса ишлатмасликдан занг босади”. (*К. Боуви*)

“Аксари одамларда ақл бутун умр қаровсиз, ташландиқ ерлигича қолаверади”. (*Э. Делакруа*)

“Темир ишлатилмаса занглайди, кўлмак сасийди ёки совуқдан яхлайди, одамнинг ақли ишлатилмаса – қуриб, соб бўлади”.

(*Леонардо да Винчи*)

“Ақл кучи ҳеч қачон тиним билмайди. Ҳеч қачон муайян ҳақиқатлар билан тўхталиб қолмайди. Балки, ҳамиша олға, номаълум ҳақиқатлар сари илгарилайди”.

(*Ж. Бруно*)

“Ақл ҳар гал ҳақиқатни изоҳлай олган вақтида сал бўлса ҳам тантана қилади”.

(*У. Сантаяна*)

“Расмиятчи – ақл бадхазмлиги касалига мубтало бўлган киши”. (Ж. Ренар)

“Кимники ўз ақли йўқ экан, унга ҳамма одамларнинг бирва-ракай ақли ҳам наф беролмайди: кўзи ожиз киши ўз нуқсонини ёнидагилар ҳисобига тўлдирмайди”.

“Сергаплик истаги ўртамиёна ақл аломатларидан биридир”.

“Ўзининг ниҳоятда ақллилигига астойдил ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киради”.

“Энг кичик, энг арзимас, энг сезилмас ишимизда ҳам бизнинг бутун характеримиз кўринади; аҳмоқнинг кириб-чиқиши ҳам, ўтириб-туриши ҳам, сукут сақлаши ҳам, ҳаракат қилиши ҳам ақли кишиникига ўхшамайди”.

(Ж. Лабрюйер)

153

“Тана учун кўркамлик қанча зарур бўлса, ақлга ҳам нафислик шу қадар зарур”. (А. Мере)

“Ақлингизнинг баландлигини ундан тушаётган сояга қараб ўлчанг”.

(Р. Браунинг)

“Ақл ожизлик қилган ерда кўпинча вақт ёрдам беради”.

(Сенека)

“Мукаммаллик инсоннинг ўзидаги номукаммалликни англамоғи демакдир”. (А. Аврелий)

“Ақлсизлик қилган аҳмоқ эмас, балки ақлсизлик қилиб, уни яширмаган одам аҳмоқ”.

(Б. Грасиан)

“Ақли пешлаш одамга худди қуёш табиатни илитганидек самарали таъсир кўрсатади; ғамгин кайфиятларни тарқатиб, аста-секин одамни енгиллаштириб, кўнгилни илитади, руҳиятни кўтаради”.

(В. Гумболд)

“Инсон табиатнинг эгаси, ҳукмдори, ҳокими бўлиш учун дунёга келган. Аммо уни бошқариш учун зарур бўлган ақли эса турма эмас: у илм билан орттирилади”.

(Н. Лобачевский)

“Агар ақл бўлмаганда ҳиссиётлар тинка-мадоримизни қуритган бўларди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учуноқ бизга ақл ато этилган”.

“Чораси топилмаган муаммо қандай бўлишидан қатъи назар, ўйлашга арзимади”.

(В. Шекспир)

“Ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, “нима учун” деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, янги хусусиятларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш хусусиятига эга”. (Ж. Фабр)

“Фикрни Худо беради ва у Худога қайтади, фикр қироллардан юқорироқ туради, фикр уларнинг бошига тож бўлиб қўнмоғи ва уларни тождан махрум этмоғи мумкин”.

“Бутун гап фикрлашда. Ҳамма ишнинг бошланиши – фикр ва фикрларни бошқариш мумкин. Шу боисдан ҳам такомиллашишнинг бош шарти: фикр устида ишлашдир”.

“Одамлар яна шу жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қиладиларки, уларнинг айримлари аввало ўйлаб, кейин гапирадилар ва иш қиладилар, айримлари эса аввал гапириб, иш қилиб, кейин ўйлайдилар”.

“Ақлнинг вазифаси – ҳақиқатни очишдир ва шу боисдан беҳад ва ҳалокатли янглишиш – ақлни ҳақиқатни яшириш ёки бузишга хизмат қилдиришдан иборатдир”. (Л. Толстой)

“Ақл энг олий иқтидор, аммо у эҳтирослардан ғолиб келиш эвазигагина орттирилади”. (Н. Гоголь)

“Инсон ақлига чек йўқ. У бир ерда тўхташни ҳам, хотиржамликни ҳам билмайди, тобора олға тирмашаверади”. (Ф. Бэкон)

“Ақл ҳамма жойда бир хил: нодонларнинг барига – уларнинг миллати, уст-боши, тили, дини, ҳатто ҳаётга муносабатлари ҳар хиллигидан қатъи назар, бир хил аломатлар хос бўлганидек, жами ақлли одамлар ҳам бир хил умумий белгиларга эга”.

“Улуғ муҳаббат теран ақл билан узвий боғланган; ақлнинг кенглиги қалбнинг теранлигига тенг. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик чўққисини буюк қалб эгалари забт этадилар: чунки улар – буюк ақл эгалари ҳамдирлар” (И. Гончаров)

“Ўз ақлинг билан эришган мартабаларинг таъзим ёки сарфат амакиларинг ҳомийлигида қўлга киритган мартабангдан кўра ҳар доим таги пишиқ ва миқёслидир”.

“Ақл – инсоннинг маънавий қуролидир... Ақл кучига ишонмаслик – беақлик”.

“Одамга ақл фақат номаъқул яшаётганларни кўриш учун эмас, балки унинг ўзи оқилона ҳаёт кечирмоғи учун берилган”. (В. Белинский)

“Ақл – бизнинг шамчироғимиз эканини тушунмоқ даркор. Инсон миясидан ортиқ мўъжизакор нарса йўқ, фикрлаш жараёнидан ажиб, илмий изланиш натижаларидан қимматлироқ ҳеч нарса йўқ”.

Дониш аҳли меросидан:

“Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, кулоқ ёлғончидир!”

“Уч нарса ақлга куч беради: олимлар билан суҳбат, тажриба ва сабот. Уч нарса ақлга зарар келтиради: тадбирсизлик, ҳафсаласизлик ва шошқалоқлик”.

“Аҳмоқларнинг суҳбати қарғалар сингари бир ўлакса атрофига тўпланиш кабидирким, мажлислари фасоддир, суҳбатларини гийбат, бўхтон, амалари эса қон тўкмоқликдир”.

“Ақлли одам олимлар, фозиллар ва тадбирли хунармандларнинг суҳбатида бўлади, улардан баҳра олади. Донишмандлар суҳбати – мушк-анбар демакдир:

Ҳам тавозуълик бўлиб, ҳам боадаб,
Яхшиликнинг суҳбатини қил талаб.

Ақлли одам кўршапалак табиатли жоҳиллар билан улфатчиликдан қочади:

Ёғ ичига тушса гар сув, нолалар қилгай чироғ,
Суҳбати ножинс бўлғай боиси озору доғ.

Донолар мажлисида, улуғлар суҳбатида ўзига муносиб жойда ўтириш ҳам донишмандликдан дарак беради. Ақл-идрок эгаси бошқаларнинг мартабаларини иззат қилади. Девоналар каби андишасиз сўзлаш шармандалиқдан нишон беради. Сабабсиз, ўринсиз кула бериш эса пушаймонлик билан натижаланади.

Суҳбатга лойиқ эмас ҳар кимса ўринсиз кулса,
Гар кавуш кулса, оёқдан бўладир шаксиз узоқ.

“Ҳар ким ақлу фаросат этагини маҳкам ушласа, мартабаси ошади ва эл ўртасида обрўли, эътиборли бўлади. Нафс буйруғига бўйин эгса, хор-зорлик гирдобида ҳалок бўлади. Чунки ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди. Арслон йиртқичлиги, тулки айёрлиги, инсон эса ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоқи билан кун кечиради. Ақл ва фаросат қуёшга ўхшайди. Бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди”.

* * *

“Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт соғлом ва серхосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди”.

* * *

“Бадан – нафс ўлкаси ва шахридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса, ўлканинг ёритувчи фонусидир. Ақл – уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг миршабларидир. Ғазаб инсонга тўғри йўлни кўрсатаётгандек туюладиган, аслида эса, ёмонлик ва тузоқ ҳозирлаб қўйган қулдир. У аввал насихат қилиб туради, кейин ўлдиради. Қалбни оққўнгил вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги ҳаё қўриқчи мисолдир. Ақл ўртасида эса, фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса, ақлнинг орқа қисмида жойлашган. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчиларидир. Уларнинг ҳар бирига муайян вазифа топширилган. Кўз ранглар оламида, кулоқ овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли вазифаларни бажаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хабар манбаидир. Улар ўзлари билган нарсани нафсга етказадиган эшикбон сингаридирлар. Подшоҳ мартабасидаги Қалб дуруст бўлса, қўл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бўлса, қўл остидагилар ҳам шундай бўлади. Қалб кин, ғазаб, сабрсизлик, хирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бўлмаслик каби ботиний хасталиклардан фориғ бўлсагина нажот топиб, ҳаловатга эришади”.

* * *

“Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир”.

* * *

Донишманддан сўрадилар:

– Бировнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?

Донишманд деди:

– Уч хислатнинг биридан билса бўлади: у юборган элчисига қараб, ё ёзган мактубига қараб, ёки юборган совғасига қараб. Элчи – унинг ўзи демак; мактуби – унинг нутқи; совғаси эса – ҳимматидан дарак.

* * *

“Ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини топиб бўлмайди. Дунё дунё бўлиб яралганидан бери ҳали комил ақл эгасининг беҳаёлик қилганини, ёки аксинча, беҳаё одамнинг комил ақл эгалари мартабасида эъзозланганини кўрган эмас”.

* * *

“Гўзал хислатлар – ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлайвермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақлли ҳар бир инсон учун ғолибият ва саодат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир”.

* * *

“Ҳикмат – ҳар бир ишда тўғрини хатодан ажратиш ёки бир нарса ҳақида энг тўғри ҳукмни топиб чиқаришдир. Ҳикматни яхшироқ англаш учун бу фазилатларни билиш лозимдир:

* Зеҳн поклиги – исталган нарсани ўйлаб чиқаришда нафнинг хуружига бўйин эгмасликдир. Қадим адабиётда бу “Зеҳн сафоси” дейилиб, бир масала, жумбоқнинг ечими ёки бир ишнинг натижасини қийналмай осон ва тез ўйлаб топиш тушунилади (“Зеҳн” – идрок, тезфаҳмлик, “сафо” эса поклик, тиниқлик, равшанлик маъноларини англатади)

* Зийраклик – ишнинг аввалидан охирига қадар зеҳннинг чақмоқ янглиғ тез ҳаракатидир.

* Гўзал тасаввур – бир нарсани англаб чиқаришда, унга дахли бўлмаган бошқа нарсани қориштирмасдан яхши англаш қувватидир.

* Осонлик билан ўрганиш – ортиқ машаққатланмасдан исталган нарсани ўрганиш қувватидир.

* Ёдда сақлаш – ўқиб анланган нарсани эсдан чиқармасдан ёдга олишдир.

* Эсга тушириш – ёдга олинган нарсани исталган вақтда дарров эсга туширишдир.

Ахлоқ илми бўйича биз англайдиган ҳикмат шу саналган хулқ ва фазилатлар билан топилади. Ҳикмат эгаси бўлганлар “ҳаким” деб аталадилар”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Ақлини аҳмоқдан ўрган.
- * Ақл ақлдан қувват олади.
- * Куч – ақлда.
- * Ақли калтанинг тили узун.
- * Ақлсиз бош – бамисоли шамсиз шамдон.
- * Ақли камнинг азоби кўп.
- * Ақлинг беш – ишинг беш, ақлинг кеч – ишинг ҳеч.
- * Ақлингга ақл кўш, жаҳлингга – сабр.
- * Ақлли кенгаш қилар, аҳмоқ – уруш.
- * Ақли узокни кўзлар, аҳмоқ – яқинни.
- * Ақли ўзини айблар, аҳмоқ – дўстини.
- * Ақлига айтдим: англади-билди,
Ақлсизга айтдим: шақиллаб кулди.
- * Ақлига бир сўз бас, ақлсизга минг сўз оз.
- * Ақлсиз гап ташир, оқибатда бош қашир.
- * Ақлига – хурмат, ақлсизга – калтак.
- * Ақлидан эл рози, аҳмоқдан дил норози.
- * Ақлининг оти ҳам ҳоримас, тўни ҳам тўзимас.
- * Ақлсиз дўстга кулар, ақлли дўстни суяр.
- * Ақлсиз – жаҳлли, жаҳлсиз – ақлли.
- * Бўйинг тенг билан юрма, ақлинг тенг билан юр.
- * Ақл билан одоб эгизак (*Ақл – Ҳасандир, одоб – Хусандир*)
- * Ақл бўй билан эмас, ўй билан ўлчанади.
- * Чинордек бўйинг бўлгунча, тумордек ақлинг бўлсин.
- * Ақл ёшда эмас, бошда.
- * Ақл – ёшдан, одоб бошдан.
- * Ақл – ишнинг кўзи.
- * Ақл кўпга етказар, ҳунар кўкка етказар.
- * Ақлинг ўлчови идрок.
- * Ақли калтанинг тили узун.
- * Ақли тийрак қанд ейди, ақли калта панд ейди.
- * Ақли қочган – сирни очган.
- * Ақлингга ақл кўш, жаҳлингга – сабр.
- * Ақлсиз хотин ҳуснини кўз-кўз қилар, ақлли хотин – ақлини.
- * Ақлинг борида одам тани.
- * Ақлли ақлига йўлдош, ёмон ёмонга кўлдош.
- * Ақллашган ақл топар.
- * Ақлли дўст – роҳат, ақлсиз дўст – офат.
- * Ақлли иш севар, ақлсиз – сўз.

- * Ақлли иш – қанотли қуш.
- * Ақлли ишига ишонар, ақлсиз – тушига.
- * Ақлли кенгаш қилар, аҳмоқ – уруш.
- * Ақлли нақллаб сўзлар, ақлсиз – лақиллаб.
- * Ақлли отини мақтар, аҳмоқ – хотинини.
- * Ақлли иш – қанотли қуш.
- * Жаҳл – душман, ақл – дўст.
- * Белги бўлса, йўлдан адашмас, ақли бўлса – сўздан адашмас.
- * Ой тунда керак, ақл кунда керак.
- * Оқилга ишорат, нодонга – калтак.
- * Адашган ақлдан озар.
- * Оталар сўзи – ақлнинг кўзи, оналар сўзи – бахтнинг ўзи.
- * Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида.
- * Амалга қарама, ақлга қара.
- * Аччиғинг олдин юрса, ақлинг кейиндан ошиб келсин.
- * Аччиғинг чиқса ҳам, ақлинг қочмасин.
- * Ақли кирмаган қаридан зийрак туғилган бола яхши.
- * Ақлли бахт топар, бахт билан тахт топар.
- * Ақлли болага мол на керак!
- * Ақлли қария – оқиб турган дарё.
- * Ақлли қизни йиғлатиш ҳам қийин, кулдириш ҳам.
- * Боққа булбул ярашар, одамга – ақл.
- * Ақллига айтсанг, билади, ақлсизга айтсанг – кулади.
- * Бўлар бола ўн бешида “бошман”, дейди,
Бўлмағури ўттизида “ёшман”, дейди.
- * Идрок – ақлнинг жилови.
- * Иш ақллини топар, ақлли – ишни.
- * Йиқилган қоқилганга кулар.
- * Йўлда юрсанг – туя ишлат; элда юрсанг – мия.
- * Каллам бор – бир қоп тиллам бор.
- * Кам гапирганга боқма, нима гапирганига боқ.
- * Кучига ишонган – йиқилар, ақлига ишонган – йиқитар.
- * Кўз билан кўр, дил билан бил.
- * Нақл – ибрат ўчоғи, ақл – фикр пичоғи.
- * Нақл қайдан чиқади ўй бўлмаса,
Кигиз қайдан чиқади, қўй бўлмаса.
- * Ой нури тунни ёритар, одам ақли – ҳаётни.
- * Олдиндагини кўриб – фикр қил, орқангдагини кўриб – шукр қил.
- * Тан парدوزи – олтмишгача, ақл парدوزи – ўлгунгача.
- * Катта дарё ҳайқирмас, ақлли киши бақирмас.
- * Қуйма ақл бўлмаса, туртма ақл ҳеч бўлар.

- * Ақл айнимас, олгин чиримас.
- * Ақл бозорда сотилмас.
- * Ақл – бошда; ғайрат – ёшда; асл – тошда.
- * Ақл – бошловчи, тана – ишловчи.
- * Ақлдор бўлса йигитнинг хотини,
Яхшиликка чиқарар йигитнинг отини.
- * Ақлинг борида эр тани, кучинг борида ер тани.
- * Ақлинг бўлса – оқилга эргаш, ақлинг бўлмаса – нақлга.
- * Ақлинг кўр бўлса, кўздан не фойда?
- * Ақлнинг таги – нақли, нақлнинг таги – ақл.
- * Ақлнинг ўлчови – идрок.
- * Инсоннинг ақлига, дарахтнинг ёшига қараб ҳурматлайдилар. *(Озарбайжон мақоли)*
- * Кўз кўр бўлса ҳам, ақл кўр бўлмасин. *(Арман мақоли)*
- * Ақл инсон бошининг тожидир. *(Тоҷик мақоли)*

ДОНОЛИК – АМАЛ ЭРУР

“Ақлли одам кулфатни олдиндан кўради ва ўзини панага олади, тажрибасизлар эса олға юриб жазоланишади”.

(Сулаймон алайҳиссалом)

“Қалб сирларнинг идишидир, лаблар унинг қулфи, тил эса калитдир. Бас, ҳар бир киши сирининг калитини сақласин”.

(Умар ибн Абдулазиз)

“Кунтуғди Элиг Ўгдулмишдан сўради:

– Киши онасидан доно бўлиб туғиладими ёки муайян бир ёшга етганидан кейин заковатли бўладими?

Ўгдулмиш унга жавоб айтди:

– Эй Элиг! Бу санъатнинг номи – билим ва уқувдир. Одамзод онасидан билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб, тўрға чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим – кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир... Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги шундан.

Болам тутсин десанг донолик йўлин,

Кичикликдан тегиз билимга қўлин.

(Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади. Заковати ортади. Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди. Уқувли тирикдир, уқувсиз – ўлик. Киши уйга, оддий эмас, қоронғу уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машғал каби унга нур сочади. Шу уйни ёришади. Яъни кишини равшанликка элтади. Тугун тутган ҳар бир иш у туфайли ечилади)”.

(“Қутадғу билиг”дан)

“Агар салтанат ҳар қандай талабга жавоб берсаю, аммо уни донишмандлик тарк этса, мамлакат ҳукуматсиз қолди, деяверинг. Бу мамлакатни бошқарувчи ҳукмдор ҳам ўз мавқеини йўқотади. Мамлакат эса бутунлай ҳалокатга юз тутари”.

(Абу Наср Форобий)

“Сарой ахлидан бири бегуноҳ бўлса-да, амир Лайс вазири-нинг дилгирлиги ва ғаразига қулоқ тутиб, уни ўлимга ҳукм қилди. Банда амирнинг ҳузурда бошини ерга қўйиб дедики:

– Сен раво кўрсанг ҳар ишниким, писанд ўлғай манга, хўжа не ҳукм этса йўқдур бандага чуну чаро. Аммо мен неча умрдин бери бу хонадоннинг неъматпарвардасидурмен. Ложарам, менинг қоним учун қиёматда уқубат домига гирифтор бўлмоғингизни раво кўрмасмен. Агар мени қатл этмак истасангиз, шариат ҳукми билан ўлтуринг.

Амир сўради:

– Бу маҳал шариат ҳукми била ўлтурмак нечук бўлур?

Банда жавоб қилди:

– Рухсат беринг, мен аввал вазиригизни ўлтурай, ондин сўнг буюрингким, мени онинг қасоси учун ўлтурсинлар. Токим мени ноҳақлик била ўлтурмамиш бўлмағайсиз.

Амир бу гапдан хандон бўлди ва вазирига қараб сўради:

– На маслаҳат берурсан?

Банданинг илтимосидан ҳуши учган вазир деди:

– Улуғ амирим, бу ҳаромзодани Худо учун озод қилинг, то мени бир балога гирифтор этмасин, нединким, гуноҳ мендадур ва ҳақимларнинг бу сўзига амал қилмадимким, дебдурлар:

Кулух андоз ила чун бошладинг жанг,

Бошингни жаҳл тоши бирла ёрдинг.

Чу ўқ отдинг боқиб душман юзига,

Ҳазар қилғилки, омоч узра бординг.

Жолинос ҳақим бир аблаҳни кўрдик, қўлин бир донишманднинг яқосига етқуриб, неча навъ беҳурматлик билан ҳақорат берадур. Деди:

– Агар бу доно бўлса эрди, ишни онингдек нодон била бу мартабага ҳаргиз етушмас эрди.

Киши гар бўлса ақлу донишосор,

Уруш жоҳил била ҳеч этмас изҳор. (“Тулистон”дан)

“Банданинг қалби ёмонликдан покланиши учун унга со-лиҳлар билан суҳбатлашишдан ҳам фойдалироқ нарса йўқ. Шунингдек, фожирлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан кўра катта зарар йўқ”. (Аҳмад ибн Ҳанбал)

“Қандай бўлсалар ўшандай қолишга аҳд қилганларгина – нодон”.

(Афлотун ҳақим)

Афлотун ҳақимдан сўрадилар:

– Файласуф олимсиз. Айтинг-чи, шунча ўқиб, қандай натижага келдингиз?

– Фақат бир нарсани англадим, – деб жавоб қилдилар аллома, – ҳеч нарса билмас эканман.

Афлотун ҳақимдан сўрадилар:

– Олиму донишманд одам оддий кишилардан нимаси билан фарқ қилади?

Жавоб бердилар:

– Олим киши очик юзли, юмшоқ сўзли, тавозуъли бўлади. Бирор одамдан ўзи ҳақида бўлмағур сўз эшитса, ранжмайди. Мақташлар ва олқишларга учиб, ўзини юқори тутмайди, камтар бўлади.

Искандар Румий устози Арасту ҳақимдан сўради:

– Сен қандай тоифа одамларнинг ҳолига ачинасан?

Арасту ҳақим жавоб бердилар:

– Уч тоифа кишининг ҳолига ачинаман: биринчиси – жоҳилга қарам бўлган донога; иккинчиси – кучсизга асир бўлган кучлига; учинчиси – бахилга муҳтож бўлган сахийга. Ярамас киши ўзгаларнинг ёмон томонини кўради. Яхши томонини яширишга мойил бўлади. Ўзгаларнинг мусибатидан шодланмаслик керак. Чунки вақт ўтиши билан ўша мусибат ўзининг ҳам бошига тушиши мумкин. Унутмаки, доно одам жоҳил билан, ҳушёр эса маст билан асло тортишмайди.

Бузургмехрдан сўрадилар:

– Инсон учун энг муҳим нарса нима?

– Туғма зеҳн, – деб жавоб бердилар.

– Туғма зеҳн бўлмаса-чи?

– У ҳолда одоб ва илм ўргансин.

– Ўрганолмаса-чи?

– Унда серилтифот ва сертавозуъ бўлсин. Бу ҳам одам боласининг зийнати.

– Бу ҳам қўлидан келмаса-чи?

– Унда бунақа тирикликдан ўлгани афзалроқ, ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи ўзидан қутулади.

“Билганларим қаршисида билмаганларимни оёқ остига олсам эдим, бошим кўкларга етган бўлур эди”.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

“Кўҳна олам удуми шундай: сирлар денгизида сузаверамизу лекин ҳеч қачон қирғоқни кўра олмаймиз”.

(Абулқосим Фирдавсий)

“Бошқани йўлга соламан деб ўзи йўлдан адашганлар ҳам жуда кўпдир”. (Жаноб Шаҳобиддин)

“Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтказиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратдир (яъни донолиги белгиси эмасдир) Олим энг аввало ўз илмининг даражаси ва салмоғини асраши керак. Гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим.

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,

Хирад англарки, қаю бирини синдурғай (Алишер Навоий)

(Ҳар кимки тошга қимматбаҳо инжуни урар бўлса, қайси бири қайсинисини синдиришини хирадманд (доно) билади)

“Донолар айтишича, ақлли киши беш нарсани одамлардан яшириши лозим: 1. Молу давлатига нуқсон етса, уни халқ олдида гапириб юрмаслиги керакки буни ошкор қилгани билан бойлиги қайтиб келмайди, қайтага ўзини ландовурлик, омадсизлик ва бефаҳмликда айблашади. 2. Ўзига етган ғам-кулфатдан бошқаларга шикоят қилмаслиги керак, бундан унинг кулфатларга чидамсизлиги, бесабрлилиги, ношукурлиги аён бўлади. 3. Ақлли киши яқинларидан ўзига етган озорларни атрофидагиларга ёймайди, бу нарса унинг ҳеч кимга дўст бўлмаслигини кўрсатади. 4. Оқил бировга қилган яхшилигини гапириб юрмайди, агар шундай қилса, миннатини ошкор қилган нодондир. 5. Ақлли одам душманининг кимлигини ҳам бошқалардан яширади, душмани ҳақида бўлар-бўлмас гап сотган киши ухлаб ётган захарли илонга чўп тикаётган тентакка ўхшайди”

(Абдулбаракот Қодирӣ)

“Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди. Ярамас кишининг тили эса унинг бошига кулфат келтиради”.

“Агар сен илмнинг баҳосини билмоқчи бўлсанг, донолардан сўра. Қуёшнинг шуъла таратишини кўзи равшанлардан сўра. Нодон сенинг қанча жавоҳирга эга эканлигингни қаёқдан билсин, қимматбаҳо гавҳар қадрини сен бизлардан сўра!”.

(Мажидиддин Хавофий)

“Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қилади”.

(Абу Райҳон Беруний)

“Барча олимлар ва ҳикмат аҳли Наъим (*неъмат*) жаннатига фақат нафсоний орзу-хавасларини тарк этиш билан етажаклари ҳақида бир фикрда бўлганлар”.

(Жаъфар ибн Ҳомид)

166

“Оқил, доно киши ақл ишлатиб, маъносиз, беҳуда ишлардан четланади. Ақлсиз, нодон одам эса доимо ўзини мақтаб сирларини очади”.

(Абдий)

“Бойликдан, шамшир ва лашкардан таянч излама. Доно кишиларнинг панд-насихатларига кулоқ сол. Шамшир ва ўқни йўқ қиладиган насихатларга амал қил”. *(Хусайн Воиз Кошифий)*

“Дунёвий бойлик ёки билимга алданиб, бошқа фақир ёки авом инсонларни менсимасликдай нодонларча бир хатти-ҳаракат динимизда йўқ. Чунки бутун махлуқоту мавжудотни яратган Аллоҳдир. Қай бирини бой, қай бирини фақир, қай бирини олиму қай бирини эса жоҳил қилиб яратган”.

(Муҳаммад Зоҳид Қўтқу)

“Мен қадимги донишмандларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки, биз

уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз”.

(Сукрот ҳаким)

“Комил-доно инсон ҳамма нарсани ўзидан излайди, нодон эса ўзгалардан”.

“Донишманд киши ўз камчиликларидан уялади, лекин уларни тузатишдан уялмайди... Ҳақиқий ягона хато – қилган хатоликларини тузатмаслик”.

“Қўлида болта ёки чолғу асбоби ушлаган одамни дурадгор ёки машшоқ деб аташ мумкин бўлмаганидек, ақлли гапларни сўзловчи ҳар қандай одамни ҳам донишманд деб ҳисоблаш но-жоиздир”. (Эпиктет)

“Маданиятни юксалтирмоқ учун маданият тарихига, кишиликнинг барча маданий меросига мурожаат этмоқ зарур... Халқ - бамисоли олтин қидирувчи, дур қидирувчидек гап: у фақат энг нодир, энг дохиёна нарсаларнигина ажратиб, авайлаб, бағрида асраб, неча ўн, хатто юз йиллар давомида пардоздан ўтказиб келади”. (М. Лин)

“Тинглаш ва сукут қилиш сени доноликка етаклайди. Сукут – доноликнинг бошланиши”.

“Билимлилик ва донишмандликни айна бир нарса деб ҳисобламанг”. (Пифагор)

“Инсонлар ё ҳасад ё кўролмаслик ёки нафрат туфайли бир-бирларининг дилларини оғритишади. Доно кишилар эса ақл-идроклари туфайли буларнинг баридан устун туришади. Доноликка эришган одам хатто атайин уринса ҳам бунинг аксини қила олмайди”. (Эпикур)

“Ким майда-чуйдаларга баҳо бера туриб, ўшаларнинг ичида ўралашиб қолса, у саёз одам. Кимки улардан келиб чиқадиган

хулосалар ва олиниши мумкин бўлган фойдани кўзлаб иш тутса,
у – донишманд”.

(Э. Булвер-Литтон)

“Ҳар бир инсон ниманидир тўғри деб ҳисоблайди. Бу ҳолат донога ҳам, аҳмоққа ҳам бирдай тегишли. Бироқ улар тўғри деб топган нарсалар сира бир-бирига ўхшамайди. Доно билан аҳмоқ ўртасидаги фарқ ана шундадир”. (Сюн-Цзи)

“Доно бўлишни истасанг, маъноли сўрашга ўрган, диққат-этибор билан эшит, осойишталик билан жавоб бер ва ҳеч нарса дейиш зарур бўлмаганида гапиришдан ўзингни тий”. (И. Лафатер)

“Фикр ҳам – озиқ. Фикрлаш эса озиқланиш демак... Фикрни обдон пишиб етилишига қўйиб бер, аммо тобидан ўтказиб юборма: тобидан ўтган фикр ҳам худди бузилган мевага ўхшаб нафи тегмайди”. (В. Гюго)

“Миянгга келган фикрни икки-уч марталаб обдон ўйлаб кўр”.
(Феогнид)

“Бемаъни фикрлар ҳар кимда ҳам бўлади, фақат ақлли кишигина уни айтмайди”. (В. Буш)

“Фикр фаолият негизи, унинг тегиб турган қалби, нафақат фаолиятнинг сабабчиси, унинг ҳимоячиси ҳамдир. Шу туфайли ҳам фикр ушбу оламдаги бутун инсон ҳаётининг негизи, ибтидо-си ва энг муқаддас моҳияти хизматини ўтайди”. (Т. Карлейл)

“Ҳаммавақт доно бўла оладиган одам йўқ”. (Кенжа Плиний)

“Телба фикрларни гапириб юборишдан ҳеч бир киши холи эмас. Энг ёмони – ўша фикрларни атайлаб айтиш”. (М. Монтен)

“Ўта билармонлик нодонликнинг энг шармандали кўринишидир”. (Г. Лихтенберг)

* * *

“Кўриш ва англай билиш бахти табиатнинг энг ажиб инъомидир”.

(А. Эйнштейн)

* * *

“Энг аянчли кимсалар янглиш фикрловчи кимсалар эмас, балки ҳеч бир тайинли, изчил фикри йўқ, мулоҳазалари узук-юлук, бир-бирига боғланмаган тушунчаларга эга бўлган одамлардир”.

(Н. Чернишевский)

* * *

“Доно одам оломоннинг телба хоҳишига бўйин эгмайди, аксинча, унга ўзи йўл кўрсатади”.

(И. Лежачников)

* * *

“Ақлли одам доимо буюк кишилар синовидан ўтган йўлни танлаши ва энг ажойиб шахсларга тақлид қилиши керак, чунки мабодо у ўша буюклик даражасига кўтарилолмаган тақдирида ҳам ҳар нечук қиттай бўлса-да, унинг ёғдусини эмади”.

(Н. Макиавелли)

* * *

“Токи ҳокимият бир томонда, билимлар ва донишмандлар бошқа томонда бўлар экан, олимлар юксак нарсалар ҳақида кам ўйлайдилар, ҳукмдорлар яхши ишларни ундан-да камроқ қилдилар, халқлар эса, ахлоқсиз, бузуқ ва бахтсиз бўлиб қолавердилар”.

* * *

“Сотқин қалам остидан ҳеч қандай қудратли, ҳеч қандай улкан нарсанинг чиқиши мумкин эмас”.

* * *

“Маили, аъло даражадаги олимлар саройдан фахрий жой эгалласинлар, маили, улар ўзлари учун муносиб мукофотга сазовор бўлсинлар; аммо халқларнинг бахт-саодати учун уларни доноликка ўргатишга ёрдам берсинлар ва “одамларга ўз хоҳиш-истаклари билан яхшиликка интилишни ўргатгандан кўра, уларни шунга мажбурлаш осонроқ”, деган тушунчадан воз кечсинлар”.

(Ж. Ж. Руссо)

“Инсон донишмандлигининг энг олий даражаси, вазиятга мувофиқлаша билиш ва ташқи таҳдидларга қарамай ўзини хотиржам тутта билишдир”. (Д. Дефо)

“Ўлғизликда доно бўлгандан кўра ҳамма билан бирга нодон бўлган афзал”. (Б. Грасиан)

“Донишмандларга нисбатан тентаклар кўп ва ҳатто донишмандларнинг ўзларида ҳам доноликка нисбатан тентаклик кўпроқдир”. (Н. Шамфор)

“Турли-туман тарбиявий ҳикоятлар ва ҳикматли сўзларни тўплаш тенгсиз давлатдир”. (И. Гёте)

“Инсоннинг энг яхши ва гўзал фикрларини жамлаш беқиёс хазина яратиш бўлур эди”. (Ж. Делил)

“Аҳмоқни донога айлантириш қўрғошинни олтинга айлантириш каби мушкулдир”. (Г. Лихтенберг)

“Имкон қидирмайдиган инсон булутларнинг фақат зулмат тарафини кўради ва ғам чекади; файласуф икки тарафини кўради ва елка қоқади; донишманд булутларни кўрмайди, балки уларнинг устида юради”. (Л. Левинсон)

“Қадимги донишмандлик шу қадар кўп дурдоналарни мерос қолдирганки, уларни бир-бирига қалаб чиқиш натижасида бутун бир йиқиб бўлмас девор вужудга келган”. (М. Салтиков-Шчедрин)

“Доно ва нодоннинг фарқи биттагина: доно доимо ўйлаб кўриб, онда-сонда гапиради, нодон эса доимо гапиради ва ҳеч қачон ўйлаб кўрмайди”.

“Донишмандларда тиғиз фикрлар туғилганда, фикрлашдан йироқ кишиларнинг бошлари айланади”. (В. Ключевский)

* * *

“Ҳамма халқларга тегишли умумий бойликлар ҳам борки, улар даҳолик нишонларини асрлар давомида сақлаб келадиган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк асарларидир. Бу маданий мерос инсоният учун туганмас булоқдир”. (Ф. Жюлио-Кюри)

* * *

“Минглаб йиллар давомида миллиард-миллиард одамлар орасидан етишиб чиққан буюк донишмандлар тафаккурининг шундай асл мевалари мавжудки, бу буюк инсонларнинг ақл дурдоналари вақт синовига чидам бериб, ғалвирдан ўтиб келмоқда. Ўртамиёна нарсаларнинг бари итқитиб ташланиб, фақат ўзига хос, теран, зарур нарсаларгина қолган”.

* * *

“Донолик – билмасликдан қўрқмайди, иккиланиш, меҳнат, изланишлардан чўчимайди, фақат бир нарсадан: ўзи билмаган нарсани биламан, деб таъкидлашдан қўрқади”.

* * *

“Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди ва учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди”.

* * *

“Кўламли натижаларга олиб келган фикрларнинг бари ҳаммаша оддийдир”.

* * *

“Донолик беҳаддир – бу йўлдан қанча илгариллаганинг сари у тобора зарурлашиб бораверади”.

* * *

“Барча майда-чуйда ишлардаги донишлик, менимча, нима қилишни билишда эмас, балки нимани аввал ва нимани сўнгроқ қилиш зарурлигини билишдан иборат”.

(Л. Толстой)

* * *

“Донолик – ақл билан қўлга киритилган, кузатиш ва тажриба билан ҳаётга татбиқ этилган ҳақиқатлар йиғиндиси, фикрларнинг турмушга уйғунлашувидир”.

(И. Гончаров)

“Мақолга айланиб кетган ёки алифбе ва китобларни безаб турувчи кўпгина ҳақиқатлар агар биз учун жонсиздек ва сийқа гапдек туюлмаганда эди, биз ниҳоятда ақли ва жуда бахтли одамлар бўлардик”.

“Ҳар қандай хатти-ҳаракат олдидан мулоҳаза қилинади, айрим шахслар бир неча соат ва дақиқалар давомида фикр юритадилар; жамият эса ўн йиллар бадалида ўйга толади”. (Д. Писарев)

“Бамайлихотир ўйланг, бироқ дадил ҳаракат қилинг, ҳиммат билан ён беринг, аммо қатъият билан қаршилик кўрсатинг”. (К. Колтон)

“Оддий нарсада мўъжизавий сифатни кўра олиш лаёқати, шаксиз, донолик аломатидир”. (Р. Эмерсон)

“Донолар бисотини ўрганиш юксакликка кўтариб, бизни қудратли ва олижаноб инсонга айлантиради”. (Я. Коменский)

“Инсоният шунинг учун улуғворки, у кўп асрли энг қиммат-баҳо маънавий бойликларни ўзлаштириб олади. Асрлар оша ярқираб тургувчи бу бойликларни унутиб, давр чанги пардасига дафн этмайди”. (К. Паустовский)

“Кимки билимдонлиги ёки донолигини кўз-кўз қилса, унда билимдонлик ҳам, донолик ҳам йўқ деяверинг”. (Э. Хэмингуэй)

Ҳикмат аҳли меросидан:

“Донишманд – ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқатталаб одам маълум даражада донишманддир. Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш хайрли амаллардан ҳисобланади”.

“Агар ақл эгаси ақлини, илм эгаси илмини зарур ишларга йўналтира олсагина уни “доно” деб аташ мумкин. Яъни, доно-

лик илм ва ақлнинг амалдаги кўринишидир. Донолик – ақл билан қўлга киритилган, кузатиш ва тажриба билан ҳаётга татбиқ этилган ҳақиқатлар йиғиндиси, фикрларнинг турмушга уйғунлашувидир. Донолик кўп билиш эмас. Одам боласининг онги ҳеч қачон жами нарсаларни қамраб ололмайди. Донолик иложи борича кўп билиш бўлмай, балки қандай билимлар энг зарур, қандайлари озроқ ва яна қандайлари бирмунча зарурлигини билишдадир. Яъни, донолик сирларидан бири – нималарга эътибор бермасликни билишда. Одам нима егани билан эмас, нимани ҳазм этса, ўша билан яшайди. Бу ҳолат тана сингари ақлга нисбатан ҳам ҳақли равишда бир хил тааллуқлидир. Ҳамма нарсани барабар билишга интилиш – ҳамма соҳада чаласавод бўлиб қолиш демакдир”.

* * *

“Доно бирон нимани билмасликдан кўрқмайди. Иккиланиш, меҳнат заҳмати, изланишлардан чўчимайди. Фақат бир нарсадан – ўзи билмаган нарсани биламан, деб таъкидлашдан кўрқади. Зарур нарсаларни билмаслик иллатдир. Бундай одамни ё жоҳил, ё ношуд санайдилар. Лекин бирон-бир нарсани билмаслик уят эмас. Чунки, ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди. Доноликка хос ҳар ишнинг ўз натижаси бўлажagini, яъни: мулойимлик – улуғ мартаба, қаноат – роҳат, тавозуъ – эъзоз келтиришини билган, ва амал қилганлар нақадар бахтлилар! Дононишмандликнинг чегараси мавжудлиги, калтабинликнинг эса чегараси йўқлиги мана шундай давраларда сезилиб қолади”.

* * *

Ривоят: Бир подшоҳнинг бош вазири ғоят доно, бироқ бошқа вазирларга нисбатан қорароқ ва хунукроқ эди. Бир куни доно вазир келса-ки, подшоҳ бошқалар билан ҳазиллашиб, кулишиб ўтирибди.

– Бугун сарой аҳли ғоят ҳушчақчақ кўринадир, бу шодумонлик муборак бўлғай, – деди бош вазир тавозуъ билан. Подшоҳ уни калака қилиб, роҳатланиб кулмоқчи бўлди-да:

– Булар қоп-қоралигинг ва хунуклигинг сабабини билмоқчилар, тушунтириб бера оласанми? – деди.

Бош вазир бу масхарадан ранжиса-да, сиртига чиқармади, ҳилмлик ила сўз бошлади:

– Бу тушуниш унча мураккаб бўлмаган ҳолат-ку, шаҳриёрим. Маълумингизким, ўн саккиз минг оламни яратган Ҳақ таоло одамларни дунёга келтириб, рўпарасига тўрт нарса-

ни: донолик, қудрат, чирой ва бойлик неъматларини қўяркан. Одам булардан истаганини олиши мумкин. Менинг бирдан-бир орзуим донолик неъматини қўлга киритиш эди. Аммо бу неъмат бошқаларига қараганда жуда узокқа, етиб бориш мушкул бўлган осмонўпар чўққига қўйилган экан. Мен чўққига етиб бормоқ учун ғоят машаққат чекдим. Донолик неъматини қўлга киритиб, Яратганга шукрлар айтиб, изимга қайтсамки, қолган уч неъматни бошқалар илиб кетишибди. Шундай қилиб каминга на чирой, на қудрат, на бойлик насиб этди. Хунуклигим хусусида билганларим шу, қолгани ўзингизга аёндир, ҳазрат шаҳриёрим.

Подшоҳ ўшанда бош вазирни калака қилганига пушаймон еган экан.

“Донолик ҳеч қачон табиатга зид нарсани тақозо этмайди. Тафаккур буюк фазилатлардан биридир. Одамнинг донолиги – ҳақиқатни айтишда ва табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишда”.

Ривоят: Муин ибн Зойид исмли ҳукмдор асирга олинган душманларидан уч юз кишининг барчасини қатл қилишга буюрди. Асирлар орасидаги ёш бола ҳукмдорга илтижо қилди:

– Улуғ ҳукмдор, мен ғоят чанқадим. Буюринг, бир пиёлагина сув беришсин. Ташна ҳолимда ўлиб кетмай, раҳм қилинг.

Ҳукмдор амри билан болага сув бердилар. Аммо бола сувни ичмай яна дедик:

– Ҳукмдорим, менгина эмас, барча асирлар ташнадирлар. Бу сувни ўзим ичиб, уларга бермасам, мурувватдан бўлмас. Агар берсам, ўзим ташналикда ўламан. Албатта, ҳаммамизни ўлдирасиз. Биздан марҳаматингизни аямай буюринг, барча асирларга сув берсинлар.

Ҳукмдор боланинг бу илтижосини ҳам қондирди. Асирлар сувларни ичиб бўлишгандан сўнг бола яна таъзим қилди:

– Марҳаматли ҳукмдорим, сувингизни ичгач, ҳаммамиз сизнинг меҳмонингизга айландик. Меҳмонни ўлдириш фазлу қарам аҳлининг расми эмасдир, деганлар.

Муин ибн Зойид боланинг донолигига таҳсин айтиб, асирларга омонлик берди.

* * *

Подшоҳ ғазаб устида бир бегуноҳни ўлимга ҳукм қилди. Одил вазир ўртага тушиб, бечорани ҳимоясига сўз айтаман деганда подшоҳ унинг мақсадини англаб, гапини шарт бўлди-да:

– Қасам ичиб айтаман-ки, бу дамда сен нимани сўрасанг, сўраганингнинг аксини қилурман! – деб хитоб қилди.

Бу аҳдни эшитган вазир таъзим қилиб, подшоҳнинг адолатига ҳамду сано айтди:

– Подшоҳим, бу онда айни одил ҳукм чиқардингиз. Бу одамни албатта ўлдиртиринг.

Подшоҳ доно вазирининг бундай топқирлигидан қувониб, ўлим жазосини бекор қилди.

* * *

“Кишидаги донолик бошқаларга хизмат қилсагина, донолик ҳисобланади. Чиройли сўзлар либосидаги сафсата донолик эмас. Айрим қовунларнинг усти чиройли, ҳатто ҳиди ҳам ёқимли бўлади. Лекин ичи бемаза чикса, четга улоқтирадилар ёки молга берадилар”.

* * *

“Донолик кишига олижаноблик фазилатларини бағишлайди. Донолик таъсири остида одам ҳар жиҳатдан яхшироқ ва олижаноброқ бўлади. Кишининг ширин сўзлиги шундай кучга эгадирким, шу куч туфайли бошқа бир киши ундан ўз хизмати-ни аямайди. Доно одам ўзига зарар етказса етказадик, лекин ўзини хўрламайди ва хўрлатмайди. Доно одам асло ўзини кўз-кўз этмайди ва тамагирлик қилиб ўзини биринчи ўринга қўймайди. Ҳаётдаги ҳамма сохта ва пасткашликлардан доно одамга гард ҳам юқмайди. Бундай одам санъат, маданиятдан хабардор бўлганлиги учун ҳар қандай яхши ишга иззат-икром билдириб, шундан ўзи ҳузур қилади. Бундай одам кимга танбеҳ бериш-бермасликни ҳам билади. Яхши ва ёмоннинг нималигига ҳам ақли етади. Бошқаларнинг фикрига қул бўлмай, ўз ҳукмини юргиза олади. Доно одам ўзгаларнинг ютуқларини кўриб, ҳасад қилиш-ни ўзига ор билади”.

* * *

“Доно одам энг қалтис ва нозик вазиятларда ҳам гангиб қолмай, ақлини ишга солади ва тўғри ҳамда мақбул қарорга келади, давраларда беҳато сўзлайди, жамият, хусусан ўзи учун фойдали бўлган вазифаларни бажаради, зарар келтирувчи ишлардан парҳез қилади, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи ҳам амал қилади, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди. Атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди”.

“Доно одам жоҳилга дуч келганда у билан масала талашмайди ва олишмайди. Сўзинг тўғри бўлса ҳам жоҳил ва нодонларга сукут билан қарши туриш ҳикматга мувофиқдир, “сукут – нодонга жавобдир”, деган ҳикматни бежиз айтмаганлар”.

Ривоят: Бир куни подшоҳ доно вазири билан суҳбатлаша туриб “сенинг пири муршидинг борми?” деб сўради. Вазир пирга қўл бермаган эди. Подшоҳнинг нима мақсадда бу саволни беришидан ажабланди-да, “устозим бор”, деб жавоб қилди. “Устозинг ким? Нима учун у ҳақда сира гапирмайсан?” “Устозим тарки дунё қилган зоҳиддирлар. Тоғда яшайдилар. Яқин кунларда шаҳримизга келишлари хабари бор”, – деди вазир. “Устозинг келса, уни менинг ҳузуримга чорла”, деб амр қилди подшоҳ.

Подшоҳдан вазифа олган вазир ўтин бозорига борди-да, дарвешўй бир одамни учратиб, уйига олиб келди. Қорнини тўйғизгач, муддаога кўчди:

– Сенга бир вазифа юклайман, айтганимдай бажарсанг, сўраганингни бераман.

Ўтинчи: “Вазири аъзам пул бермаган тақдирда ҳам амрини бажаришга мажбурман. Баҳонада ўн танга ишлаб ола қолмайманми”, деб шартини айтди. Вазир унга вазифани тушунтирди:

– Мен берган кийимларни кийиб, қўлингга тасбеҳни олиб, хонақоҳда қимир этмай ўтирасан. Сенинг ёнингга турли одамлар келади. Ҳатто подшоҳ ҳам келиши мумкин. Сени гапга солсалар ҳам чурқ этмайсан. Атрофга қарамайсан. Сенга ҳадялар беришлари мумкин. Ҳатто бўйинг баробар олтин берсалар ҳам, қарамайсан. Олтинни бир кесак деб билиб жим ўтираверасан. Агар айтганимни қилмасанг, бошинг кетади, шуни унутма.

Дарвеш либосидаги ўтинчини хонақоҳга кузатиб қўйган вазир саройга бориб, устозининг шаҳарга қадам ранжида қилганини айтди.

– Ҳозирок ҳузуримга чорла, – деб буюрди подшоҳ.

– Давлатпаноҳ, зоҳид аҳли ҳеч қачон чорловга жавобан саройга келмаслар. Расм шулким, улар зиёрат қилинмоқлари даркор. Яна бир узр борким, менинг бирга бормоғим дуруст эмас. Сизнинг зиёратингиз хусусинда сўзлаганимда, устоз менинг бирга бормоғимни ман этдилар. Агар истасангиз, сарой аҳли ҳамроҳлигида бормоғингиз мумкин.

Подшоҳ сарой аъёнлари ҳамроҳлигида хонақоҳга борди. Дарвеш либосидаги ўтинчи одамлар шарпасини эшитса ҳам тасбеҳ ўгирганича қимир этмай ўтираверди. Подшоҳ унинг ёнига яқинлашиб салом берди. Алик олинмади. “Зикр билан банд бўлиб

эшитмади”, деб ўйлаган подшоҳ унинг ёнига ўтириб, гапга солмоқчи бўлди:

– Сиз вазиримнинг устози экансиз, исмингизни айтинг.

Жавоб бўлмади. Дарвеш либосидаги ўтинчи киприк қоқмай ўтираверди.

– Мен подшоҳман. Тилагингиз бўлса, айтинг.

Яна жавоб бўлмади.

– Менга бир қаранг, дуо қилинг, – деб олтин тангалар тўкди.

Тангаларнинг овозидан ўтинчининг юраги хаприқиб кетса-да, қимирласа боши кесилажагини эслаб, киприк қоқмай ўтираверди. Илтимоси ҳам жавобсиз қолган подшоҳ эса аччиқланди. “Устози кип-қизил аҳмоқнинг ўзи-ку”, деб изига қайтди-да, вазирни чорлади. Норозилигини бирданига ифода этмай вазирни донолик билан қармоққа илинтирмоқчи бўлди.

– Сенинг ҳар балога ақлинг етади. Қани айт-чи, бир аҳмоққа рўпара бўлиб қолсанг нима қилган бўлардинг?

– Доноларнинг ҳикматига амал қилардим.

– Донолар нима деганлар?

– Аҳмоққа дуч келсанг, сукут қил, деганлар.

* * *

Бир одамнинг оёғини ит тишлаб олди. Шундай қаттиқ қопдики, оёқдан қон оқиб, азоб бера бошлади. Оғриқ кучайиб, бечора кечаси билан ухлай олмади. Отасининг дард чекаётганини кўрган қизча соддадиллик билан деди:

– Отажон ит қопганда нега индамай турдингиз? Сизнинг ҳам ўтқир тишларингиз бор-ку? Сиз ҳам тишлаб-тишлаб, бурдалаб ташласангиз бўлмасмиди?

Отаси қизининг бу гапидан кулимсираб, унга шундай тушунтирди:

– Эй кўзимнинг нури, орзуим чечаги, кўнглимнинг овунчоғи қизалоғим! Менинг ҳам ўтқир тишларим бор. Лекин пок тишимни унинг нопок танасига уришим тўғри иш бўлмайди. Агар мен ҳам тишласам, мен билан ит орасида қандай фарқ қолади?

* * *

Бир донишманд ёшлигида жоҳиллиги билан танилган қора Йақуб исмли одамни қидириб юрган эди. Излагани унга рўпара бўлиб:

– Қора Йақуб менман. Лекин ёшим улғайиб, соч-соқолим оқарди. Энди “оқ Йақуб” десангиз ҳам бўлаверади, – деди.

Донишманд қўлини қора Йақубнинг кўксига қўйиб:

– Биродар, қорани оққа айлантириш қалбнинг иши. Соч-соқол оқаришининг бунга сира дахли йўқдур, – деди.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Доно айтса – эл айтгани, элнинг ғамин еб айтгани.
- * Доно – сўз билан, нодон – мушт билан.
- * Иш қиларда ишлатсанг идрок, афсусланмай қувонар юрак.
- * Баҳодир қўшинга бошчилик қилади, донишманд йўл очиб беради.
- * Доно олға боратуриб, орқага қараб қўяр.
- * Доно ўйлаб сўзлайди, ҳам узоқни кўзлайди.
- * Доно билан нодон бир булоқдан сув ичмас.
- * Айбини яширмоқ – нодонлар иши.
- * Доно – дурдан аъло.
- * Олтмиш яшар аҳмоқдан олти яшар доно яхши.
- * Кўп ўқиган олим бўлса, кўпни кўрган доно бўлур.
- * Маъракага аҳмоқ аралашса – бузилмай қолмас,
Маъракага доно аралашса – тузалмай қолмас.
- * Маъракада топиб гапирган – доно,
Ўзини тутиб ўтирган ҳам – доно.
- * Доно сўзига бино қўяр, нодон – ўзига.
- * Доно ўйлаб айтар, нодон – ўйнаб.
- * Доно қариса ҳам донолиги қаримас.
- * Доно ҳикмат келтирар, нодон – кулфат.
- * Донога илм – илм, нодонга эсиз илм.
- * Донога иш – шону шуҳрат, нодонга иш – ғаму кулфат.
- * Донога эргашган доводдан ошар.
- * Донода меҳр бўлади, нодонда – захр.
- * Доно – донога ёр, аҳмоқ – дўстга зор.
- * Доноликнинг чеки йўқ.
- * Ёмонни яхши қилиш – дононинг иши,
Яхшини ёмон қилиш – нодоннинг иши.
- * Соҳибкордан боғ қолар, донодан – китоб.
- * Фозиллар фазилати – ҳаёт зийнати.
- * Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.
- * Кўп яшаган кўп билмайди, кўп ўқиган кўп билади.
- * Кўп ўқиган олим бўлса, кўпни кўрган доно бўлар.
- * Йигит ориф бўлса, аслини сўрама.
- * Йигитнинг зеҳнли бўлгани – адашмай йўлидан юргани.
- * Калла бошқа, салла бошқа.
- * Девор бино бўлмас, қари бўлган билан доно бўлмас.
- * Доно ақл сўраб ҳормас, нодон нозин қилиб бормас.
- * Доно ақли дор эмас, нодон ақли ёр эмас.

- * Доно бажарар ишни, нодон синдирар тишни.
- * Доно билан юрсанг, доно бўласан,
Аҳмоқ билан юрсанг – расво бўласан.
- * Доно минг яшар, нодон – бир яшар.
- * Доно нақли – ҳаёт ақли.
- * Дононинг ўзини олмасанг ҳам, сўзини ол.
- * Дононинг сўзидан ҳам қолма, юрган изидан ҳам.
- * Дононинг сўзига боқ, яхшининг – ўзига.
- * Дононинг гапи – тегади нафи.
- * Доно ўйлаб айтар, нодон – ўйнаб.
- * Булоқнинг суви тиниқ, дононинг – суҳбати.
- * Ботирдан яхши иш қолар, донодан – сўз.

НОДОНЛИГИН ТАН ОЛМАС НОДОН

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Кимда аҳмоқлик ва нодонлик бўлса, ҳамиша уятга қўяди. Аллоҳ таоло латиф ва мулойимликни севади”, деб марҳамат қилганлар.

* * *

Луқмони Ҳақим ўз ўғилларига бундай насиҳат қилганлар:
– Ўғлим, нодон ва жоҳил киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулойимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма. У билан олишиб ўтирма, сукут қил”.
Сўзинг нафъ этмаса, қилма иода,
Бўлур айтган саринг жаҳли зиёда.

* * *

“Нодоннинг идроки – индамасликда. Агар нодон буни тушуниб етса, унинг ярим доно бўлгани шудир”.

* * *

“Агар оқил одам нодонлар гурунгига тушиб қолса, улардан иззат-икром кутмасин. Агар нодон бемаъни каломи билан оқилни енгса, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, зеро ёқутни тош ҳам синдириши мумкин”.

* * *

“Агар оқил одам тарбият кўрмаганлар даврасида гапиролмаса, ажабланма: унинг майин товуши ноғора гумбурида эшитилмай қолади, анбарнинг хуш бўйи саримсоқнинг қўланса исидан йўқолиб кетади”.

* * *

“Нодон – эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради. Қаёққа ҳайдасанг, ўша ёққа боради. Унда ақл-фаросат даъвоси йўқ. Бермасанг – оч, берсанг – тўқ. Бу бир бечорадир – юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки ғалла ҳам ташувчи. Нодон бу сифатлардан холи, зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш. Нодоннинг барча бемаъни иши ўзига маъқул. Барча ёмон феъли ўзига мақбул. Унинг кўнглида одамларга юз хил озор бериш хаёли. У жоҳиллигидан

халққа минг зарар етказишни ўйлайди. Эшак ҳанграшидан қулоққа озордир, бундан бўлак не айби бордир? Эшак тегирмондан уйингга ун келтиради; уни пишириш учун даладан ўтин келтиради. Эшакнинг меҳнатлари миннатсиз, унинг азоблари кулфатсиз. Нодонни эшак, десанг ранжийди, ғазабланади. Эшакка эса яхши-ёмон барибир.

Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюб,
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб.

(Эшак билан нодоннинг бирида ҳунар мавжуд, иккинчисининг айби кўп. Қайси бирининг яхшироқ эканини ақл эгаларининг ўзлари яхши биладилар)

“Нодонга ҳар гапни айтманг, у сўз ташувчидир. Кўп гаплари пойма-пойдир, ёлғондир. Оз гапи – гўё насиҳат; асли гапирмагани маслаҳат. Унинг мақсади одамларнинг айбини фош қилмоқ. Ўзига ишончни расво қилса, шу хилда ўзининг ҳам айбини ошкор қилган бўлади.

Эл айбини айтурға бировким, узатур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил.

“Нодон ўгитида хато бўлиши муқаррардир. Душман насиҳатида алдов бўлиши шубҳасиздир. Унисидан алданма ва бунисига ўзингни алдатма”.

“Нодон дўстни дўст сонига киритма; ақл шамини унинг беҳуда афсонаси ели билан ўчирма... Ақлли душмандан фойда имконияти бор. Лекин нодон дўстдан зарар имкони кўпроқ”.

(Алишер Навоий)

Улдур – жоҳил, билиб муршид ўзини,
Қулоққа илмагай, олим сўзини *(Сўфий Оллоҳёр)*
(Ўзини пири муршид деб билиб, олимлар сўзини қулоққа илманганлар нодондирлар. Булар олимларни душман тутиб, ўзлари билган нарсаларни қилиб, олимларга эътибор бермаслар)

Донолар бисотидан:

“Нодондан қанчалик узоқ бўлсанг, бошинг шунчалик саломат бўлади”.



“Ҳеч қайси нодон нодонлигини тан олмайди. Ҳолбуки, хатоларни тузатмаслик – чинакам хатодир. Баъзан кўнглимизга ёқмаган одамни ҳам нодонлар тоифасига киритиб қўя қоламиз-ким, бу асли ўзимизнинг нодонлигимизни кўрсатиб қўяди”.

“Фосиқ – ахлоқсиз одам барча миллатда ҳам нодон саналади. Бундай одамлар, айниқса, дили пок кишилар даврасида янада нодонроқ кўринадилар. Фисқ аҳли доирасидаги нодон барча соҳада ёмон. Хусусан, тақводорликда – руҳоний қиёфасида жуда ҳам ёмон. Бойлар орасидаги нодоннинг нима дейиши, тилла пашшанинг эса нима ейиши ҳаммага маълум”.

Ривоят: Қадим ҳукмдорлардан бири машҳур бир алломага қозилик мансабини бермоқчи бўлди. Аллома унинг бу таклифини қабул қилмади. Ҳукмдор бундан ғазабланиб, унга жазо бермоқликни ихтиёр этди. Унинг адабини бериб қўйишнинг кўп турларини ўйлади. Тан жазоси бермоқликни раво кўрмай, зиндонбанд қилишни буюрди. Ўша куниёқ номи чиққан бир нодонни ҳам ҳибсга олдириб, аллома ўтирган зиндонга ташлади. Орадан уч кун ўтмай, аллома дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор уни зиндондан чиқартириб, нима ҳодиса юз берганини билиб турса ҳам “нима арзинг бор?” деб сўради. Аллома кўзларига ёш олиб ялинди:

– Ҳукмдорим, таклифингизни бажони дил қабул қилурмен-ким, мени бу нодон суҳбатидан қутқарсангиз басдир. Ҳукмдор ўзининг доно тадбиридан қувониб, алломани қозиликка тайин этди.

“Нодонликнинг дастлабки белгиларидан бири – ўзи тушунмаган гапга ҳам аралашаверади. Унинг бу одати беҳуда ўқ узганларким, боиси: нодон қандай бемаъни гапларни айтмайди, товук қандай нажосатларни титмайди”.

“Нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак, аслида унинг тириклик чоғи ҳам ўлимдан фарқланмайди”.

Ривоят: Бир савдогар подшоҳга тўртта қорабайир от совға қилди. Совға подшоҳга маъқул келиб, “бундай отлардан яна борми?” деб сўради. “Бор, фақат бу ерда эмас, ўз шаҳримдадир. Юз минг олтин берсангиз, хайдаб келаман”, деди савдогар. Подшоҳ ўйлаб ҳам ўтирмай, пулни беришга амр қилди.

Орадан ўн кун ўтиб, вазирига “Пойтахтдаги нодонлар рўйхатини ёзиб чиқ”, деб буюрди. Вазир ўша заҳоти ишга киришиб, рўйхатнинг бошига подшоҳнинг номини ёзди. Бундан подшоҳ газабланган эди, доно вазир тушунтирди:

– Давлатпаноҳ, ўзингиз ўйлаб кўринг: савдогарнинг ким эканлигини, қаердан келганини аниқ билмай туриб, ҳали йўқ отлар учун юз минг олтин бериб юбориш доноликданмидир?

– Хўп, яхши, – деди ночор қолган подшоҳ, – эрта-индин ўша савдогар отларни хайдаб келса, нима қиласан?

– Агар ўша савдогар отларни хайдаб келса, сизнинг номингизни ўчираман-у нодонлар рўйхатининг биринчи қаторига ўшанинг номини ёзиб қўяман.

“Ишнинг оқибатини, нима бўлишини билиш – оқилликдан, аммо келадиган фалокатга чора изламай, қайғу чекиб ўтириш – нодонликдан далолатдир”.

“Дарду ҳасратини барчага тўкиб-сочавериш ҳам нодонликнинг бир кўринишидир. Бу каби бетайин сочилган дарду ҳасрат душманга айланиб, бир куни ўзига зулм қилади”.

Қандай одамлар нодонликлари туфайли ўзларини ўзлари жазолайдилар?

* Эҳтиёт чорасини кўрмай жангга кириб ярадор бўлганлар.

*Вориси бўлмаган, судхўрлик билан мол тўплаган, арзонга мол олиб, қимматга сотадиган савдогарлар.

* Ёш ва ахлоқсиз хотин олиб, ҳар куни дакки еган, хотини эса эрсираб, унинг ўлимини тилайдиган чоллар.

“Мулойим ва тадбир билан қилиш мумкин бўлган бир юмушнинг қўполлик ва тадбирсизлик билан бажариш нодонликдир”.

“Нодон кишилар уни билишмаганидан шикоят қилади, до-нишманд – кишиларни билмаганидан”. (*Конфуций*)

“Буюк оқиллар ҳукмрон бўлган ерда фуқаролар уларнинг бор-лигини сезишмайди. Унчалик оқил бўлмаган киши ҳукмрон бўл-ган ерда халқ унга боғлиқ бўлади ва уни мақтайди. Ундан ҳам оқил эмасроқ киши ҳукмронлик қилган ерда халқ ундан кўрқа-ди, умуман оқил бўлмаган киши ҳукмронлик қилган ерда эса халқ ундан нафратланади”. (*Лао Цзи*)

“Кўп нарса билса ҳам ўзини ҳеч нарса билмайдигандай тута-диган киши оқил, ҳеч нарса билмаса ҳам ўзини ҳамма нарсани биладигандай тутадиган киши – нодон”. (*Лао Цзи*)

“Ҳамма нарсада нодон бўлмаслик учун ҳамма нарсани би-лишга интилма”.

“Аҳмоқларни мақтаган одам уларга қаттиқ зиён етказди”. (*Демокрит*)

“Аҳмоқлар бир қусурдан қутуламан деб, бошқасига илинишади”. (*Гораций*)

“Ақлли одам ўз қаршисида беҳад имкониятлар оламини илғаб олади, аҳмоқ эса фақат кўриб турганинигина имконият деб ўйлайди”. (*Д. Дидро*)

“Аҳмоқ фақат юз берган ҳодисанигина тушунади”. (*Гомер*)

“Нодонлик ҳатто ўз истагига эришган тақдирда ҳам барибир ҳеч қачон мамнунликни билмайди”. (*Цицерон*)

“Ҳақиқатнинг жафокаш дўсти бўл, аммо унинг бетоқат ҳимо-ячиси бўлма”. (*Пифагор*)

* * *

“Шундай кимсалар борки, лотин тилини билишлари ҳам эшак бўлишларига ҳеч бир монелик қилмайди”. (М. Сервантес)

* * *

“Чинакам оқил ва илм соҳибининг энг ёвуз душмани – жоҳил кимсадир”. (Lone de Vega)

* * *

“Таълим аҳмоқни ҳам олим қилиши мумкин, аммо унинг асл доғларини йўқотмайди”. (П. Бошен)

* * *

“Инсон фақат икки йўл билан юқори мартабага эришиши мумкин: эпчиллик ёки бошқаларнинг нодонлиги ёрдамида”.

* * *

“Аҳмоқларнинг устунлиги – ақлли одамлар устидан кулиш”.

* * *

“Агар аҳмоқ аҳмоқона сўз айтишдан кўрққанда эди, у аҳмоқ бўлмай қолар эди”.

* * *

“Ғирт аҳмоқ сира оғиз очмайдиган аҳмоқдир; шу маънода у маҳмадона аҳмоқдан тузукроқ”. (Ж. Лабрюйер)

* * *

“Аҳмоқлик – ғирт аҳмоқлик бўлгани учун ҳам ақлдан кўрқади”.

* * *

“Бехосдан миясига ақлли фикр келиб қолган аҳмоқ, аравакашнинг дабдурустдан чопиб кетган қирчанғи оти сингари кишини ажаблантиради ва хавотирга солади”.

* * *

“Ясан-тусанга зеб берган аҳмоқлар сингари бинойидек пардозланган аҳмоқликлар ҳам бўлади”.

* * *

“Муттаҳамларнинг танбал, аҳмоқларнинг индамас бўлишини одам шу қадар истайдики...”.

(Н. Шамфор)

* * *

“Оқил одамнинг оқиллигига ишонгунларича у қанчалаб ваъз айтиши керак. Аҳмоқ эса тилини тийса бас – ҳамма уни ақлли ҳисоблайди”.

(М. Сафир)

* * *

“Индамаслик – аҳмоқ учун фазилат”. (Ф. Бэкон)

* * *

“Ҳеч ким сурункасига доим аҳмоқлик қилолмайди-ю, баъзан эса ҳар қандай одам аҳмоқ бўлиб қолиши мумкин”. (Ж. Герберт)

* * *

“Ҳар қандай аҳмоқ ўзига ҳайрат билан қарайдиган янаям баттароқ аҳмоқни топа олади”. (Н. Буало)

* * *

“Аҳмоқлар ҳаммадан кўра донишмандлик, муттаҳамлар эса саховат ҳақида гап сотадилар”. (Т. Эрнст)

* * *

“Одатда кимнингки фаҳми ожиз бўлса, кўп биламан, деб ўйлайди, бутунлай бефаросатлар эса ҳамма нарсани биламан, деб ўйлашади”. (Ж. Бруно)

* * *

“Хотираси дуруст аҳмоқ фикр ва далилларга бой бўлади; аммо бутун гап шундаки, у булардан хулоса ва натижалар чиқаролмайди”. (Л. Вовенарг)

* * *

“Айниқса бутунлай ақлдан озмаган тентакларнинг аҳмоқлигига чидаш қийин”.

* * *

“Ўзининг ақлий устунлигини кўз-кўз қилмаслик учун ҳам ўта ақлли бўлиш керак... Тиришиб-тирмашиб ўзини ақлли кўрсатишга уриниш оқил бўлишга катта ҳалал беради”.

* * *

“Ўртамиёналик одатда ўз тушунчасига сиғмаган ҳамма нарсани қоралайверади”.

“Нодон киши бизни мақтаганида бизга у унчалик ҳам нодон бўлиб туюлмади”.

“Нодон кишилар орасида шундайлари ҳам топиладики, уларнинг яхшилик қилганига қараганда, яхшилик қилмагани кўпроқ фойда келтиради”.

“Нодон яхши бўла олмайди. Бунинг учун унинг ақли етишмайди”.

“Нодоннинг кексаси ёшидан ҳам баттарроқ бўлади”.

(Ф. Ларошфуко)

“Нима учун бизни оқсоқ одам ғазаблантирмайди-да, ақли ожиздан ғазабланамиз? Чунки оқсоқ одам тўғри юраётганимизни билади, ақли ожиз эса ўзини эмас, бизни оқсаяпти, деб исботлашга уринади”.

(Б. Паскаль)

“Аҳмоқ тақлид қила-қила бемаъни хатти-ҳаракатларга одатланишини ўйлабоқ ҳар бир кишига ақлли одамлар билан мулоқотда бўлишни жуда-жуда тавсия этавериш зарур”.

“Шундай одамлар борки, қовоқ уйиб қилинган ишларнинг барини оқилона деб ҳисоблайдилар”.

(Г. Лихтенберг)

“Улуғ одам ўз замонасидан ўзиб кетади, ақлли одам эса ҳар қандай шароитда ҳам замонаси билан қадам-бақадам боради, айёр ундан фойдаланиб қолишга уринади, тентак эса замона йўлига тўғоноқ тушади” *(Э. Бауэрнфелд)*

“Аҳмоқ эмаслигини ҳадеб такрорловчи одам ўзидан қандайдир гумони бўлади”. *(У. Мизнер)*

“Энг хавfli ва кўп учрайдиган аҳмоқлар аслида ўзларини ярим телба тутувчилардир”.

(П. Буаст)

“Хар бир одам телбалик ҳуқуқига эга, бунга бирон эътироз билдириш қийин, аммо бу ҳуқуқдан ҳам эвида фойдаланиш керак”.

(Л. Берне)

“Барча аҳмоқлар кимнингдир устидан кулишга ошиқадилар”.

(А. Поп)

“Ақлли одамларни мазах қилиш телбаларга хос”.

(А. Ламартин)

“Ожизларнинг кучи фитнес-фужурда, ҳатто телбаларда ҳам бировга зарар етказишга ақл топади”.

“Фаросатли аҳмоқ фаросатсиз донодан афзалроқ”.

(В. Шекспир)

“Чинакам даҳо инсонни, у майдонга чиқиши биланоқ жами калтабинлар унга қарши ўзаро тил бириктирганликларидан ҳам билса бўлади”.

(Р. Эмерсон)

“Барча калтабин одамлар забардаст ва зукко ақл эгаларини доимо бадном этишга уриниб келадилар”.

“Нодонликни хотиранинг сустлигига йўймаслик керак”.

(К. Гелвеций)

“Менга ишонаверинг, нодонларнинг ўзига хос ёмон ҳиди бор. Ўша одам чурқ этмаса ҳам билинади”.

(Ж. Ренар)

“Аҳмоқ ҳам, оқил ҳам бир дарахтга қараб тургани ҳолда, аҳмоққа у оқилга нисбатан мутлақо бошқача бўлиб кўринади”.

“Ҳозир исбот этилган нарса илгари фақат тасаввурда мавжуд эди”. (У. Блейк)

“Кимки ўзининг ожизлигини аجدодлари қилган хизматлар билан пардалашга уринса, у аҳмоқдир”. (Г. Гейне)

“Гоҳо-гоҳо мени донишмандликнинг чегараси борлиги, нодонликнинг эса ҳадсизлиги ранжитиб туради”. (А. Дюма)

“Нодоннинг ақлли кишидан битта устунлиги бор: у доим ўздан миннатдор”.

“Бировнинг нодонлиги ҳеч қачон бизни оқил қилмайди”.

“Имкони йўқ” – фақат нодонлар луғатидангина топиш мумкин бўлган сўз.

(Наполеон)

“Нодонлик – бир хил нарсани қилиб, ҳар сафар ундан бошқача натижани кутишдан иборат”.

“Пододаги энг намунали қўй бўлиш учун, энг аввало, қўй бўлиш лозим”.

“Фақат коинот ва кишиларнинг нодонлиги чексиздир, шунда ҳам биринчисининг эҳтимолига менда шубҳалар бор”.

“Кўрқув ва нодонлик доимо кишилар камчиликларининг сабаби бўлган”.

(А. Эйнштейн)

“Ақл билан тузатиш мумкин бўлмаган нодонлик йўқ ва нодонлик билан айнитиб юбориш мумкин бўлмаган ақл ҳам йўқ”.

“Барча ўғрилар ичида энг ёмони аҳмоқ: у бир пайтнинг ўзида ҳам вақтимизни, ҳам кайфиятимизни ўғирлайди”.

“Қаердаки тентаклик андаза ўрнида бўлса, телбалик ақл деб қабул қилинади”.

“Ўртамиёна одамлар учун даҳолар ҳам мангу яшамайди-ку, дейишнинг ўзи катта тасалли”.

“Одамларнинг ўзлари нимага нолаёқат бўлсалар, ўшани ёмонлашга одатланганлар”.

“Аҳмоқлар ҳам, оқиллар ҳам безиёндирлар: фақат чала аҳмоқлар билан чала оқиллар ёмон”.

“Ўзини ақлли кўрсатишга уринган аҳмоқдан ҳам кўра хатарлироқ кимса йўқ”.

“Оқил одам йўл қўйган аҳмоқгарчилик, харқалай, унча-мунчагина бўлмайди”.

(И. Гёте)

“Дунёда қаллоблардан кўра аҳмоқлар кўп, акс ҳолда, қаллоблар қандай яшай олардилар”.

(С. Батлер)

“Ҳақиқий бефаҳм бўлмай туриб, тор малакали мутахассис бўлиш мумкин эмас”.

(Б. Шоу)

“Ўзига бино қўйиш – тараққиёт душманидир”.

(Бион)

“Тараққиётнинг энг буюк кулфатларидан бири – аҳмоқ олим”.

(К. Чапек)

“Аҳмоқнинг ёнида доимо товламачи ҳам топилади”.

“Ўртамиёна одамлар ўзларидан устун шахслар билан раҳмсиз ва бетўхтов кураш олиб борадилар”.

“Аҳмоқлик шу қадар тубсиз жаҳаннамки, уни тагигача билиб бўлмайди, ундан ҳеч бир акс-садо ҳам чиқмайди, у жами нарсаларни ном-нишонсиз ютиб юборади”.

“Аҳмоқлик икки хил – индамас ва маҳмадоналикдан иборат бўлади”. (О. Бальзак)

“Назокат ҳали доноликнинг белгиси эмас. Аҳмоқлар, ҳатто ақлдан озганлар ҳам, ҳайратланарли даражада назокатли бўладилар”. (А. Пушкин)

“Ҳеч нимадан ҳайратланмаслик, турган гапки, донолик эмас, аҳмоқлик аломатидир”.

“Ўз аҳмоқлигини англаб етган аҳмоқ – аҳмоқ эмас”.

(Ф. Достоевский)

“Ақлнинг буюк ожизлиги ақл кучига ишонмасликдадир”.

“Ниманингки маънисига етмасанг, ниманики тушунмасанг, сўкавер: чаласаводлиликнинг умумий тартиби шу”.

“Оқиллар аҳмоқлар орасида доимо ғалати кўринадилар”.

(В. Белинский)

* * *

“Нодонлиги учун ҳам инсон ўзи билмаган нарсаларнинг жамини бемаънилик деб ҳисоблаб, шундан тасалли олади”.

(Д. Фонвизин)

* * *

“Ҳозиргина қилинган аҳмоқликни ўйлашдан кўра оғирроқ маломат бўлмаса керак”.

(И. Тургенев)

* * *

“Аҳмоқнинг сўzlари қанчалар бетайин бўлмасин, гоҳо ақлли одамни ҳам довдиратиб қўяди”.

(Н. Гогол)

* * *

“Билмаганмас, билишни истамаган аҳмоқ”.

(Г. Сковорода)

* * *

“Баъзилар учраган одамни аҳмоқ, деб ҳақоратлаш билан ақлли ном оламан, дея ўйлайдилар”. (В. Ключевский)

* * *

“Ҳанузгача аҳмоқ ақлини ёқтирган пайт бўлмаган”.

(П. Павленко)

* * *

“Телба одамлар ҳаммавақт ҳам беэиён эмаслар; яқин кишини ҳақоратлаш ёки унга бўхтон ёғдириш керак бўлиб қолса, улар хоҳлаганларича гапира оладилар”.

(Г. Филдинг)

* * *

“Синчков одамларга қараганда аҳмоқларнинг саволи кўп бўлади”

(М. Горкий)

* * *

“Донишликнинг чегараси бор, нодонлик эса ҳад-чегарасиздир”

(Я. Райнис)

“Аҳмоқ ва майда одамларни ҳокимият фармойишлари ҳам, адабий таълимотлар ҳам ҳеч қачон йўқотолмайди”.

“Нодонликларимизнинг саноғи йўқ ва унинг беркинадиган уялари ҳам кўп: ҳатто энг ақлли одамларнинг миясида ҳам ҳали нодонликка қулай жой бериб қўйилган бўлиши мумкин”.

“Агар ҳар қандай аҳмоқ ўзи нима гапираётганини тушунишни истаганида эди, кўп аҳмоқлар бир умр мум тишлаб ўтардилар”.

(Д. Писарев)

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Нодон гапирар, доно таққослар.
- * Нодон дўст – жафо, чин дўст – вафо.
- * Нодон зарбоф тўнда ҳам нодон,
Билимдон чурукда ҳам билимдон.
- * Нодон сўзлар, доно ибрат олар.
- * Нодонга – калтак, донога – ишора.
- * Хирадманд – камол толиби, нодон – мол талабгори.
- * Нодон айтар: “ғолиб чиқдим, доно айтар: йўл бердим”.
- * Айбини яширмоқ нодонлар иши.
- * Айрон ош бўлмас, нодон – бош.
- * Айтувчи нодон бўлса, тингловчи доно керак.
- * Анқов ўйин бузар, тентак ўйин.
- * Касалга даво топилса ҳам, анқовга даво топилмас.
- * Нодоннинг ақли – тўпиғида.
- * Нодон билан сирдош бўлма.
- * Нодон билан шавла есанг, оёғингнинг таги пишар.
- * Нодон кузатар, доно – тузатар.
- * Нодон ўз айбини кўрмай, киши айбини қидирар.
- * Нодонга тек турмоқ – жавоб.
- * Нодонга улфат бўлган қон ютар.
- * Нодондан ақл кутма, бевурддан – номус.
- * Нодондан бошчи бўлса, жарга қулаб кетасан.
- * Нодоннинг дили – тилида, дононинг тили – дилида.
- * Нодоннинг кулфати кўп, дононинг – ҳикмати.
- * Олдига келганни емак – ҳайвоннинг иши,
Оғзига келганни демак – нодоннинг иши.
- * Олимдан от қолади, нодондан – дод.
- * Сўнгак ош бўлмас, нодон бош бўлмас.
- * Тентак тўрини бермас, телба – тўнини.
- * Эчкининг ажали етса, қассобни сузар.
- * Эчкининг ўлгиси келса, чўпоннинг таёғига суйканар.
- * Эшак қирққа кирганда ҳам қилиқ чиқарар.
- * Яхшининг хатоси йўқ, нодоннинг – ошнаси.
- * Ўликка йиғлаган эссиз кўзим,
Нодонга сўзлаган эссиз сўзим.
- * Ҳовузда қурбақа вақиллайди, нодон – даврада.
- * Ақллига – ҳурмат, ақлсизга – калтак.
- * Ақлининг қадри аҳмоқнинг олдида билинар.
- * Ақлсиз душмандан бир сақлан, ақлсиз дўстдан минг сақлан.
- * Ақлсизга оға бўлгандан ақлининг оловини ёққан афзал.

- * Аҳмоқ ақл ўргатар.
- * Аҳмоқ – аҳмоқ эмас, аҳмоқни аҳмоқ қилган – аҳмоқ.
- * Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас, ақл чиқса ҳам, маъқул чиқмас.
- * Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон.
- * Аҳмоқ отдан тушса ҳам, эгардан тушмас.
- * Аҳмоқ оғасини танимас, тўқмоқ – тоғасини.
- * Аҳмоқ элчи икки томонни бузар.
- * Аҳмоқ – ўзи билмас, билганнинг сўзига кирмас.
- * Аҳмоқда ор бўлмас, денгизда – гузар.
- * Аҳмоққа айтган билан гап уқмас,
Харсангга қоққан билан мих ўтмас.
- * Ақлли десанг аҳмоқни – бошга урар тўқмоқни.
- * Ақлли ишига ишонади, ақлсиз – тушига.
- * Ақлли ўзини айблар, ақлсиз – дўстини.
- * Ақлсиз бугунини ўйлар, ақлли эртасини.
- * Ақлсиз кексадан ақлли ёш яхши.
- * Ақлсизнинг йўлидан юрмасанг – оқилсан.
- * Аҳмоқ билан зиёфатга боргандан, ақлли билан чўп терган
яхши.
- * Аҳмоқ ўз оёғидан ҳорийди.
- * Аҳмоқ ўзини мақтар, тентак – қизини.
- * Аҳмоқ қариганини билмас.
- * Аҳмоқ ҳоримас, кўса қаримас.
- * Ит ялоғида банд бўлмас, аҳмоқ қулоғида панд.
- * Инсонлар ақлсизликлари сабабли пешонасида ёзилганидан
ҳам кўпроқ азият чекадилар”. (Инглиз мақоли)

ТИЛИНГНИ АВАЙЛА – ОМОНДИР БОШИНГ

“Одамларга яхши гаплар айтинг”. (Куръони карим маъноларининг таржимаси, Бақара сурасидан)

(Имом Хасан Басрий ҳазратлари бу оятни “Яхши гап – амри маъруф, наҳйи мункар, ҳилму афв, кечирим ва ширин сўзлардан иборат”, деб тафсир қилганлар)

“Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳйи мункар қиладиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир”. (Оли Имрон сурасидан)

(Муфассирларнинг фикрича, “сизлардан” сўзидан араб тили қондасига кўра икки хил маъно олиш мумкин. Биринчиси: сизлардан бир жамоат чиқиб, яхшиликка даъват қилиш – амри маъруф ва наҳйи мункар ишлари билан шуғуллансин. Иккинчиси: сизлар ҳаммангиз мазкур ишларни қиладиган уммат бўлинглар, деган буйруқни олиш ҳам жоиз. Деярли барча тафсирларда шу икки хил маъно баён этилса-да, муфассирларнинг аксарияти иккинчи маънони қўллайдилар)

Имом Молик ҳазратлари Равзода имомлик қилганларида доимо паст овоз билан гапирар эдилар. У замондаги халифа Абу Жаъфар Мансур баланд овозда гапирганларида “Эй Халифа, бу маконда баланд овоз билан гапирманг. Аллоҳ ўз огоҳлантиришини сиздан фазилатлироқ кишиларга юборди”, деб Хужурот сурасидан бу ояти каримани ўқидилар: “Эй мўминлар, токи қилган яхши амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирингизга очиқ (дағал сўз) қилгандек очиқ-дағал сўз қилманглар”.

“Эй Одам фарзанди! Агар дилингда қаролик ва баданингдан дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгилки, буларнинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан”.

(Ҳадиси қудсийдан)

“Эй Одам боласи! Агар сўзинг ялтироқ – майин бўлиб, амалинг қабих бўлса, унда сен мунофиқларнинг мунофиғисан”.

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Аллоҳнинг зикридан бошқа сўзни кўпайтирманглар. Зеро, Аллоҳнинг зикридан бошқа сўз қалбни қотиради”.

“То банданинг қалби тўғри бўлмагунча, иймони тўғри бўлмайди. То тили тўғри бўлмагунча, қалби тўғри бўлмайди”.

“Мўминнинг тили қалбида. Агар бирор нарсани гапиришни хоҳласа, қалби билан ўйлайди, сўнг тилига чиқаради. Мунофиқнинг тили қалбидан ташқарида, хаёлига келган нарсани тилига чиқаради, қалби билан ўйламайди”.

“Сўзлаётган тил борки, албатта, унинг олдида Аллоҳ турибди. Бас, нима деяётганини англаган киши Аллоҳдан қўрқсин!”

“Одам фарзанди эрталаб уйқудан ўйғонган пайтда, жасадининг барча аъзолари ўйғонади ва улар тилга айтишади: “Орамизда сен Аллоҳдан кўпроқ қўрқ! Чунки, сен тўғри бўлсанг, биз тўғри бўламиз. Сен эгри йўлга кетсанг, биз ҳам эгри йўлга кетиб қоламиз”.

“Одамлар уч хилдир: ғоним, солим ва шоҳиб. Аллоҳ таолони зикр қиладиган киши ғонимдир (*ғоним – муваффақиятни қўлга киритган киши*); сукут сақлайдиган киши солимдир (*солим – жисмоний ва маънавий соғлом киши*); ботил амалларга шўнғиган киши шоҳибдир”.

“Мўминнинг тилидан фаришта сўзлайди. Кофирнинг тилидан шайтон сўзлайди. Мўмин Аллоҳнинг суюклисидир”.

Шарҳ:

Аллоҳ ҳузурда мўминнинг баъзи фаришталардан ҳам афзал эканига асос шуки, Ҳақ таоло бандасини доимо қўриқлаш

учун унинг ҳар бир аъзосига биттадан фариштани муваккал қилган. Масалан, кўзининг муҳофазаси учун, қулоқ, юрак...нинг кўриқланиши учун. Хусусан, инсон тилига ҳам бир малак белгиланиб, бу малакнинг илҳоми билан турли хизматлар қилиниши, айтилиши ва билдирилиши мумкин бўлади.

Банда шу аснода Ҳақнинг турли неъматларига шукр қилади, қачонки, ўша малак мўминга яқинлашса, шукри ва маърифати зиёдалашиб, Аллоҳга яқинлиги ортади. Хато ва гуноҳларига дарҳол пушаймон бўлади, надомат чека бошлайди, шу орқали янглиш йўллардан узоқлашиб, Ҳақ висоли томон йўл излайди. Малакнинг яқинлашуви туфайли банданинг қалби роҳатланади, ҳузур-ҳаловатда яшайди. Натижада, комил мўмин фоний дунёда ҳам жаннат тимсоли ҳаётини давом эттиради, ўзига берилган неъматларга шукр қилади, ўтган гуноҳлари учун доим тили истиғфордан бўшамайди. Шу аснода гуноҳлари ўчирилади, солиҳ амаллари эса кўпаяди.

Кофирлар эса, аксинчадир, уларнинг тилларида малак йўқ. Демак, Ҳаққа иршод ҳам йўқ. Пасткашликлари туфайли бутларга, Аллоҳнинг бутсифат қулларига сиғинадилар ва Ҳақнинг нафратига сазовор бўладилар. Чунки тилларида ўтирган шайтонлар уларга куфр ва залолат йўлларини билдириб, Аллоҳ тақолатини неъматларини, куч-қудратини инкор этишга даъват қайсарлиги, куфру исёнлари ортиб бораверади. Лаънати шайхаргиз гофил бўлмаслик учун мўминлар Аллоҳнинг зикридан нурига шайтоннинг бардоши етмайди, дарҳол қочади. Азони Муҳаммадий (с.а.в.) чақирилганда, такбир келтирилганда ҳам зикрнинг нурига чидолмай, ёниб кул бўлмаслик учун қочибдан бошқа чораси қолмайди.

Тилни авайлагани учун ҳам мўмин Аллоҳнинг дўсти мартабасига ета олади. Аллоҳ ўз дўстига дунё ва охиратда унинг кўзлари кўрмаган неъматлар эҳсон қилади.

(Муҳаммад ал Бурсавий)

“Сукут сақламакликни ўзинга одат қилгил. Чунки сукут сақлашлик шайтонни ҳайдайди ва сени динингни сақлашингга ёрдам беради”.

“Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин”.

“Жим юриш – ҳикмат. Аммо бунга амал қилувчилар кам”.

“Кимки омон юришни истаса, жим туришга ҳаракат қилсин”.

“Ибодатнинг энг осон ва бадан учун энг енгилини айтайми?
Бу – жим юриш ва гўзал хулқ!”

“Кимки қобқоб, забзаб ва лақлақнинг ёмонлигидан сақланса,
у барча ёмонликдан сақланибди”. (*“Қобқоб” – қорин, “забзаб” – фарж, “лақлақ” – тил*)

“Фақат тилларидан унган ҳосиллари туфайли одамлар жаҳаннамга юзлари билан қулайдилар”.

“Албатта бир киши Аллоҳ рози бўладиган сўзни “етадиган жойига етсин”, деган гумонда гапирди. Аллоҳ таоло то Қиёматга қадар бу сўз туфайли у кишига Ўзининг розилигини ёзиб қўйди. Албатта бир киши Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган сўзни “етадиган жойига етаверсин”, деган гумонда гапирди. Аллоҳ таоло то Қиёматга қадар бу сўз туфайли у кишига Ўзининг ғазабини ёзиб қўйди”.

“Қиёмат куни хатолари энг кўп деб топилган одамлар ботилга энг кўп шўнғиган кишилардир”. (*Ичкилик базмлари, аёллар, фосиқлар давраси, бойларнинг айш-ширатлари, шоҳларнинг қалондимоғлигию, ҳар хил ножоиз маросимлари ва бошқа ёқимсиз ҳолатларни ҳикоя қилиш ботил сўзларга берилиш ҳисобланади*)

“Гапи кўп одамнинг йиқилиши кўп. Йиқилиши кўп одамнинг гуноҳи кўп. Гуноҳи кўп одам жаҳаннамга лойиқдир”.

“Баҳсу мунозарани тарк қилинглар. Чунки, мунозара ҳикматини билмайсиз ва унинг фитнасидан тўла сақланишга ҳам қодир эмассиз”.

“Ким ҳақ бўлатуриб, баҳсу жадални тарк этса, унинг учун жаннати аълода бир уй бино қилинади. Ким ноҳақ бўлгани ҳолда баҳсу жадални тарк этса, унинг учун жаннат қўрғонида бир уй бино қилинади”.

“Раббимнинг энг аввал менга топширган ва бутларга сиғишиш, маст қилувчи ичимлик ичишдан сўнг мени қайтарган нарсаси – кишилар билан баҳсу мунозарага киришмаслик эди”.

“Ўзи ҳақ бўлатуриб, баҳсу мунозарадан кеча оладиган бўлмагунча банданинг иймони комил бўлмайди”.

“Инсонлар билан ўз ақлингизга кўра эмас, уларнинг ақли қамрайдиган даражада гаплашинг”. (Ёки: “Одамларга уларнинг ақлига яраша гапиринглар”)

200 “Биз – пайғамбарлар жамоаси, инсонлар савиясига тушиб, уларнинг ақллари қамрайдиган шаклда сўзлашга мажбурмиз”.

“Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кирдим. Ҳазрати Абу Бакр билан илми тавҳид ҳақида суҳбат қилишарди. Мен уларнинг ёнларига ўтирдим. Худди араб тилини билмайдиган каби уларнинг суҳбатларидан ҳеч бир нарсани тушунмадим. Ҳазрати Абу Бакрдан “Мен ҳеч нарсани тушунмадим, Сиз Пайғамбар билан доимо шундай суҳбатлашасизми?” деб сўрадим. У киши: “Ҳа, баъзан Расулуллоҳ билан ёлғиз қолганда шундай суҳбатлашамиз”, дедилар”.

(Умар ибн Хаттоб)

Абдуллоҳ ибн Суфён отасининг шундай деганини ривоят қилади:

“– Эй Аллоҳнинг расули! Менга Исломдаги шундай бир иш ҳақида хабар берингки, бу ҳақда Сиздан бошқасидан сўрамайин.
– Аллоҳга иймон келтирдим, дегин. Сўнг тўғри бўл, – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.)

– Нимадан сақланайин, эй Расулуллоҳ – деб яна сўрадим.

Шунда Расулуллоҳ қўллари билан тилларига ишора қилдилар”.

“Нажот нимада, эй Расулуллоҳ?” деб сўрадим, дедиларки: “Тилингни тий, уйингни кенг қил ва хатоларинг учун йиғла”.

(Ақба ибн Амр)

Ҳазрати Абу Ҳафс Ҳаддоддан сўрадилар:

– Нечун келиб ҳадис тингламайсен?

– Бир ҳадис эшитганманки, ўттиз йилдан бери ҳамон унга тўла амал қила олмайман. Бошқасини эшитсам, қандоқ қилгайман.

– Ул қайси ҳадисдир? – деб сўрадилар. Жавоб бердилар:

– “Эрнинг мусулмонлигин кўркамлиги улдурким, фойдасиз нарсаларни сўзламагай”, деган ҳадисдир.

“Бир киши Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида кўп гапириб юборди. Расули акрам унга:

– Тилингнинг олдида нечта парда бор? – дедилар.

– Икки лабим ва тишларим, – деди у.

– Сени кўп гапиришдан тўсишга шулар кифоя эмасми?! – дедилар”. (Амр ибн Дийнор)

“Гап кумуш бўлса, сукут олтиндир”.

(Сулаймон ибн Довуд алайҳимуссалом)

Ийсо алайҳиссаломга айтилди:

– Жаннатга киришимизга сабаб бўладиган амални бизга кўрсатинг.

– Ҳеч қачон гапирманглар, – дедилар Ийсо алайҳиссалом.

– Бунга қодир эмасмиз, – дейишди.

– Фақат хайрни гапиринглар, – дедилар Ийсо алайҳиссалом.

“Ибодат ўн қисмдир. Шундан тўққизтаси жим юришда ва биттаси одамлардан узлатда”.

(Ийсо ибни Марям)

“Эй жоним ўғлим, бир нодон кимса олдингга келиб, сўз сўраб, баҳслашмоқ истагида бўлса, жавобини юмшоқ ва ширин сўзлар билан бергил. Шоядки, ўша нодон жаҳолат мастлигидан ўзига келса. Ул нодонга сучуклик билан жавоб берган сўзинг фойда қилмаса, сўзингни такрор қилма. Зероки, такрор қилганинг саяин нодоннинг ўпкаси қабариб, жаҳолати ошар. Агар у жоҳил юмшоқ сўзни ҳам англамаса, унда тек турмоғинг афзалдир”.

(Луқмони ҳаким)

“Нимани гапирганингни, кимга гапирганингни ва қачон гапирганингни унутма!”.

(Абу Бакр Сиддик)

“Шақошиқул-калом мин шақошиқиш – шайтон”. (яъни, валдир-вулдур гапиравериш шайтоннинг валдирашидир, валдир-вулдур гапираётган сиз эмас, ичингиздаги шайтондир)

“Агар уч ёмонликдан сақлансанг, йигитликнинг ёмонлигидан сақланасан, булар – тилингнинг, фаржингнинг ва қорнингнинг ёмонлигидир”.

(Умар ибн Хаттоб)

“Сукут сақланг, унинг энг оз фойдаси – омонлиқдир”.

“Тил мисоли тишлайдиган ҳайвондир. Агар қўйиб берсанг, ғажиб ташлайди. Шуниси борки, фақат уни тишлашдан холи қилиш керак”.

“Ичимизда сақлар эканмиз, ҳар қандай сир бизнинг асири-миздир. Ошкор этган пайтимиздан бошлаб, биз унинг асирига айланамиз”.

“Кимнинг сўзи мулойим бўлса, уни яхши кўриш вожиб бўлади”
(Али ибн Абу Толиб)

“Шундай хислатлар борки, улар мен учун кўп нарсаларни вақф этишдан ҳам суюклироқ: сенга аҳамиятсиз бўлган, бекорчи гапдан тийил, чунки у ортиқча. Боз устига, унинг устингга тушадиган ёмонлигидан сақлангувчи ҳам эмассан; то ўрни эмас экан, аҳамияти бор гапни ҳам гапирма. Зеро, қанча гапирувчилар борки, айтаётгани муҳим бўлса ҳам ўрнида айтилмаётгани учун қийин аҳволда қолишган; ҳалим одам билан ва аҳмоқ билан тортишма. Чунки ҳалим одам сени ёмон кўриб қолади. Аҳмоқ эса озор етказди; биродаринг сени қайси сўзлар билан ёдга олишини ёқтирсанг, сен ҳам уни ўзи йўқлигида шундай сўзлар билан эсга ол. У сенга нисбатан кечиримли бўлишини хоҳлаганингдек, унга нисбатан кечиримли бўл. Биродаринг сенга қандай муомала қилишини хуш кўрсанг, сен ҳам унга шундай муомалада бўл”.

(Абдуллоҳ ибн Аббос)

“Мўмин каломни камайтириб, амални кўпайтиради. Мунофиқ амални камайтириб, каломни кўпайтиради”.

“Қавмга ақллари етмаган нарсани гапирма, баъзилари фитна қилишлари мумкин”.

“Яккаю ёлғиз Аллоҳга қасамки, узоқ зиндонбанд қилинишга тилдан муносиброқ нарса йўқ”.

“Эй тил! Яхшилиқни гапир, фойдани қўлга кирит. Ёмонликдан сукут қил, пушаймонликдан илгари саломатликка эришасан”.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

Абу Дардо тили аччиқ хотинни кўриб: “Бу аёл соқов бўлса, ўзига яхши бўларди”, – дедилар.

“Банда тилини асрамаса, тақводор бўлолмайди”.

(Анас ибн Молик)

“Банданинг вужудида покиза тутилиши керак бўлган энг муҳим аъзо тилдир”.

(Абдуллоҳ ибн Умар)

“Кимки ўлимни кўп эсласа, дунёнинг озига рози бўлади. Сўзи билан амали бир одам кам гапиради... Жим юрган киши ўзида иккита фазилатни жамлайди: динда саломатлик ва дўстни тушиниш”.

(Умар ибн Абдулазиз)

“Оқилнинг зиммасида замонини танимоқ, тилини сақламоқ ва шаънини ҳимоя қилмоқ ҳақлари бор”.

(Ваҳб ибн Мунаббаҳ)

“Муовия ҳузурида кўпчилик гапирди. Ахнаф ибн Қайс эса жим эди. Шунда Муовия: “Эй Абу Баҳр, нега гапирмаяпсан?” – деди. Жавоб берилди: “Гапим ёлғон бўлса Аллоҳдан, рост бўлса – сендан кўрқяпман”.

204

“Инсон зотига тилини сақлаш (яъни тилини тийиши) олтин динору дирҳамларни сақлашдан мушкулроқдир”.

(Муҳаммад ибн Восиъ)

“Тилини тиймаган кишининг дини мустаҳкам эмас”.

(Ҳасан Басрий)

“Бу оламнинг фитнаси тинглашдан кўра гапириш суюклироқ бўлиб қолгани туфайлидир. Чунки, тинглашда-саломатлик, гапда – зийнатлаш, ортиқчалик ва нуқсон бор”.

(Язид ибн Абу Ҳабиб)

“Тилини ўйлаб ишлатадиган (яъни аввал чуқур ўйлаб, кейин, зарурат туғилса, сўйлайдиган) бирорта одамни кўрмадим. Ҳолбуки, бошқа амалда бу мувофиқликни кўп кузатдим”.

(Юнус ибн Убайд)

“Сўз айтсанг эзгу сўз айт, агар ундайин сўзни айтолмасанг, тек тур. (Имоми Аъзам ҳазратларининг муҳрларидаги ҳикмат)

“Сукут сақлаган ҳолда гаплашмоққа, тафаккур билан масала ҳал қилмоққа ёрдам талаб қилингиз”. (Имом Шофеъий)

“Сўзини амалдан деб билганларнинг гапи оздир. Ҳикматга фақат сукут ва тафаккур билан ворис бўладилар. Сўзлашдан тақво этиш луқма ва таомдаги тақводан ортиқдир”.

(Фузайл ибн Йёз)

“Ансорлардан бир киши суҳбатлашиб ўтирган одамлар ёнидан ўтар экан, уларга қарата: “Таҳорат қилиб олинглар, чунки сизлар айтаётган баъзи сўзлар ҳадас(нажас)дан ҳам ёмонроқдир”, деди”. (Ибн Сирин)

“Ҳар киши Пайғамбари суннатини ўзига ҳакам қилса, унинг сўзи ҳикматдир; ҳар киши нафсининг хоҳишига бўйсунса, унинг сўзи бидъатдир”. (Абу Усмон Жаририй)

“Қалблар ҳам қозон каби ичидаги бор нарсаси билан қайнаб туради. Тиллар эса унинг чўмичидир. Киши гапираётганида тили қалбидаги нарсани олиб чиқади, яъни дилнинг таъмини баён қилади”. (Яҳё ибн Муоз)

“Одамларни икки сифат ҳалок қилади: ортиқча мол ва ортиқча гап”. (Иброҳим Тамимий)

“Менга камоннинг ўқини отгани тили билан отгандан яхшироқдир. Чунки тилининг отгани хато қилмайди, ўқни отса, гоҳида хато кетади”.

“Сўз фақат амал билан қабул қилинади. Сўз ва амал фақат ният билан тўғри бўлади. Сўз, амал ва ният суннатга мувофиқ бўлгандагина қабул қилинади”. (Суфён Саврий)

“Тилингдан чиққан садақанг (*яъни, панду насиҳатинг ва маъ-виза-ю ҳасананг*) баъзан кўлингдан чиққан садақангдан хайрли-рокдир”.

“Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан”.

“Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб кўясан”.

“Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитади”.

“Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур”.

“Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етка-зилган жароҳатдан оғирроқдир”.

“Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду сано ва мақтовларни талаб қи-лиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир”.

(Абулқосим Замахшарий)

“Инсонга келадиган барча офат тилдандир”.

“Кимки менга ўз сир-асрорини айтса, ошкор этмаслигим ва кимки мендан паноҳ истаса, уни паноҳимга олишим шарт, гарчи у кофир бўлса ҳам”.

“Муваффақиятни сайъ-ҳаракатда, муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни сукутда кўрдим”.

(Шайх Нажмиддин Кубро)

“Ҳамма бир хил таом истеъмол қиладиган даврада кучли ихтилофлар зоҳир бўлмас, дейман. Аммо барчага бир хил сўзларни мажбуран такрорлатиб қўйилган анжуманлардан оқибат ва гаплар чиқишига ақлим бовар қилмайди”.

(Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий)

“Олти пайтда одамнинг тили жим турмаса, ундай тилнинг борлигидан йўқлиги афзалдир: кўп гапиришда; қасам ичишда; кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мутойиба пайтида; бир кишини ёмонлаб тилга олишда; эркаклар орасида ўзганинг хотинини гапиришда; ўзини бошқалардан юқори қўйиб мақтанишда”. (Хусайн Воиз Кошифий)

“Хўрозни кўрмайсанми, бемавриду беҳангом қичқирдию субҳи шомга айланди”. (Ибн Камолпошио)

“Кишининг гапирган гапи салоҳиятли бўлса, бошқа амалларида ҳам билинади. Агар гапи фасодли бўлса, бошқа амалларида ҳам кўринади”. (Яҳё ибн Аксам)

“Олтин ва кумушнинг қадрига заргар етгани каби сўз жавҳарини ҳам фақат сўз усталари англайдилар. Ерга тушган бир гулни ҳайвон оғзига олиб чайнайди, қадрига етмайдиганлар босиб-янчиб ўтади. Яна шундайлар борки, уни олиб ҳидлайдилар, баҳраманд бўладилар”. (Анвар Ойдин)

“Ҳар бир кишининг сўзи – ўз фазилатларининг далили ва ақлининг таржимонидир. Шунинг учун қисқа ва маъноли сўзлаш лозимдир”.

(Хожа Аҳмад)

“Боболаримиз: “Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндир”, дейишган. Бунинг маъноси шуки, ўринсиз, маъносиз сўзлагандан кўра жим турганинг яхшироқдир”.

(Низомиддин ибн Хусайн)

“Бирон хатога йўл қўйган киши узр сўрагани дуруст. Ахир Одам ҳам узр сўраганидан бир натижага етишган”.

(Абдураззоқ Самарқандий)

“Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди”.

(Муҳаммад Зеҳний)

“Сўзлар мисоли ерга сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққудай бўлса, уларни битталаб териб олиш мумкин эмас. Эл-юрт эшитгандан кейин уларни пардалаб бўлмайди. Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади”.

“Кўп сўзлаш донолик белгиси эмас, у – эзмалик аломати”.

208 “Катталардан сўрамасдан туриб сўз бошлаш одобсизликдир. Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни дастлаб чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, бу хайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақли заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб турмасдан гап бошлаб юбораверадилар. Шунинг учун улар кўп дакки эшитишади.

Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни еди, яна егай, бил”.

“Уқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кут-иззатни ҳам, обрў-эътиборни ҳам киши тили орқали топади. Агар тилга эътибор бермаса, уни ноўрин қўлласа, одам бошининг ёрилиши ҳеч гапмас.

Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз бу бошни этади эгик”.

“Баҳсу жадалдан сақланинг! Чунки баҳсу жадал – олимнинг жаҳл соати (яъни, баҳсга киришган пайтида олим жоҳилга айланади) Ўша пайтда шайтон олимни йўлдан тойдиришни хоҳлайди”.

(Муслим ибн Ясор)

“Ўжар, баҳсу мунозарага берилган, ўз раъйи билан ҳайрон қолдирадиган бир кишини танир эдим. У аниқ зиён кўрди”.

(Билол ибн Саъд)

“Дўстим билан баҳслашмайман, тортишмайман. Чунки тортишувга ё ёлғон ё ғазаб аралашади”.

(Ибн Абу Лайло)

“Баҳсу мунозарага ўчлигининг ўзи гуноҳкор бўлишингга кифоядир”. (Абу Дардо)

“Тортишув, нима устида бўлишидан қатъи назар, диндан эмас... Тортишув қалбларни қотиради ва нафрат пайдо қилади”.

(Молик ибн Анас)

“Агар таржималаримизда ишлатган сўзларимиз одатда ишлатиладиганига тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билдиришдир”.

“Тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказадиган таржимондир”.

“Баъзи бир сўзлар борки, уни қўллаш бир дин ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва тилда бемаъни бўлмайди”.

(Абу Райҳон Беруний)

“Билгин! Тил – Аллоҳнинг улуғ неъматидир, ажибу латиф санъатидир. Гарчи у жисман кичик бўлса ҳам итоати туфайли топадиган савоби ёхуд итоатсизлиги туфайли содир этадиган гуноҳи жуда катта. Чунки, куфр ҳам, иймон ҳам фақат тил гувоҳлигида аён бўлади. Куфр ва иймон эса тоат ва исённинг бошланиш ҳудудларидир. Шу билан бирга ҳар қандай борлик ёки йўқлик, маълум ёки номаълум нарсанинг барчаси тил воситасида изоҳланади ва ҳар қандай ҳолатда ўша нарсага тил ўзининг исботи ёки инкори билан рўбарў келади... Тилнинг фаолият ва

таъсир доирасига чек йўқ: яхшилик сари юрса, олдида кенг майдон, уфқлар қадар чўзилган. Ёмонлик йўлига кирса, илон-чаёнлар каби судралиб, тубсиз тубанликка кетиши мумкин”.

* * *

“Билгин! Кимки тилнинг жilовини бўш қўйиб юборса, шайтон уни миниб олади, жар ёқасига ҳайдаб, ҳалокатга судрайди. Одамлар тиллари “эккан ҳосил”лар туфайли жаҳаннамга юз тубан қулайди. Фақат шариат билан жilовланган тилгина бу офатдан нажот топади. Бас, шундай экан, тил дунё ва охиратга фойдаси бор нарсани гапирсин. Ҳозир ёки келажакда зарари тегадиган нарсани гапиришдан тийилсин. Нима мақтовга, нима мазамматга сабаб бўлишини билганидан сўнг, гарчи оғир бўлса ҳам, билганига амал қилсин”.

* * *

“Инсонга энг итоатсиз аъзо – тилдир. Чунки, бу суяксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши, ҳеч бир машаққатсиз югуриклиги кутилмаган оқибатларга сабаб бўлади. Баъзан халқ тил офатларидан, бу йўлдаги тузоқлардан сақланишда сусткашликка йўл қўяди. Билмайдики, тил инсонни йўлдан оздиришда шайтоннинг энг кучли қуролидир”.

* * *

“Бир сўз айтмоқчи бўлсанг, маъносини ўйлаб кўр. Сўзламайдиган тақдирда зиммангда масъулият қоладиган бўлсагина сўзла. Акс ҳолда овоз чиқарма”.

* * *

“Билгин! Ёлғон, ғийбат, чақимчилик, риё, мунофиқлик, бузқлик, шубҳа-гумон, ботилга шўнғиш, хусумат, маҳмаданалик, ичиқоралик, ўзни оқлайвериш, ҳақорат каби офатларнинг барчаси тил орқали содир бўлади. Тил бу ёмонликларни гўё ўз вазифасидек бажаради, ҳатто қалб ундан ҳаловат топгандай бўлади. Лекин бу шайтондандир. Бу алдовларга учган киши тилини тийишга кучи етмайди. Кўнглига нима ёқса, у нарса учун тили жilовсиз. Нима ёқмаса, у нарсадан дарров тилини тияди. Сўзамолликда хатар бор, жим юришда саломатлик. Шунинг учун жим юришнинг фазилати улкан. Албатта, жим юриш қуруқ сукутдан иборат феъл эмас. Унда охират ғами, давомли вазминлик, тафаккур учун имкон, зикр, ибодат жамланган. Жим юрган инсон бу дунёда сўзлар чарчоғидан, охиратда у сўзлар учун ҳисоб беришдан халос бўлади”.

“Қанча сўзлар бор, улар туфайли жаннатда қасрлар бино қилинади! Нахотки инсон, шу сўзлар туфайли хазиналарни қўлга киритиши мумкин бўлгани ҳолда, бу боқий бойликларнинг ўрнига бефойда, турган-битгани зиёндан иборат, увадаланиб йўқ бўлиб кетадиган гувалаларни йиғиш билан овора бўлса?!”

“Тилим йиртқичдир. Агар қўйиб юборсам, у мени ейди”.

(Абу Хомид Ғаззолий)

“Ҳиндистонлик донишмандлар Бузургмеҳрнинг гапирганларида тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб, сўнгра сўзда давом этишларини қусур ўрнида кўрдилар. Нединки, тингловчи кишининг мунтазир қилиб қўйишларини айбли деб билдилар. Бузургмеҳр уларга бундай изоҳ бердилар:

– Бир нарса ҳақида сўзлагандан кейин “Бу номақбул гапни нега айтдим?” деб пушаймон қилишдан кўра, ўйлаб, андиша қилиб сўзлаш афзалдир”.

“Одам тили билан ҳайвондан устун. Аммо тилдан ножоиз фойдаланса, ҳайвондан баттар!”

Анчадан бери хаста ётган одамнинг бир кар маҳалладоши бор эди. Дўстлари унга “хаста биродарингни шу пайтгача ҳам йўқламабсан-а?” деб танбех бердилар. Бу гап карга таъсир қилиб, дарҳол зиёратга отланди. Йўлда бора туриб ўйланди:

– Мен карман, у эса хаста – ғоят паст овозда гапиради. Ҳеч нарсани эшитмасам, қандай гаплашаман?

Ўйлай-ўйлай “Беморнинг гапларини юздаги ифодадан билиб оламан”, деб қарор қилди. “Уйга киргач “Қандайсан?” деб сўрайман. У ҳазин табассум қилади, шу жилмайиши “яхшиман”, дегани бўлади. Шунда мен “алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман”, дейман. Кейин “нима ичиб, нима еяпсан?” деб сўрайман. Албатта “шўрва” ёки “сут” деб бирон таомнинг номини айтади. Шунда мен “ош бўлсин”, деб дуо қиламан-да, “қайси табиб қараяпти?” деб сўрайман. “Фалончи табиб”, деб биронтасининг номини билдиради. Мен “У табибнинг ғоятда қўли енгил, яхши даволайди”, деб кўнглини кўтараман”, – деган тайёргарлик билан беморнинг уйига кириб борди. Режаси бўйича “Қалайсиз,

кўшнижон”, – деб сўради. Бемор шукр ва сабр қилувчилардан эмасди. Шу боис қар кутгандай “Худога шукр, яхшиман”, дейиш ўрнига маҳзунлик билан:

– Касалим оғир, ўляпман, – деди. Қар бу гапни эшитмаса-да, юзидаги ҳазин табассумдан ўзича хулоса чиқариб, ўзига керакли мазмунни олиб, суҳбатини давом эттирди:

– Оҳ! Оҳ! Жуда хурсандман, Худога шукр!

Бемор бу одамнинг қарлигини унутиб, гапидан ғазабланди. “Бу одам душманним экан-да, билмай юрган эканман”, деб ўйланди. Қар эса давом этди:

– Нима еб, нима ичяпсиз?

– Заҳар еб, заҳар ичяпман, – деди бемор аччиқланиб.

– Ош бўлсин, – деди қар. – Қайси табиб келиб турибди?

– Азроил келиб-кетяпти.

– Оҳ, оҳ! Унинг қўли жуда енгил-да, яхши даволайди.

Шундай деб ўзича беморнинг кўнглини кўтарган бўлиб, ўрnidан турди. Унинг душман эканига қатъий ишонган бемор эса ғазаб ўтида қовурилиб қолаверди.

“Сўз – ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз – баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир”.

“Сўзлар, ёзувлар тузоқларга ўхшайди. Ширин сўзлар умримизнинг қулидир”.

“Маъносиз сўз сув устига ёзилган ёзувдир. Ундан вафо кутсанг бармоқ тишлаб қоласан (*пушаймон бўласан*). Фойдаси йўқ сўзни сўйлама, фойдаси бўлса эътирозни қўйиб, шукр қил!”.

“Беҳудага гап бўлсин ёки ҳикоя деб чақмоқтош билан темирни бир-бирига урма! Зеро атроф зулмат, ҳар томонда пахта. Пахта орасида учқун қандай туради? Золимлар шуларки, кўзларини юмганлар, айтган сўзлари билан бутун оламни куйдирганлар. Бир сўз дунёни абгор қилади, ўлган тулкиларни арслон қилади. Қалблардан парда кўтарилсайди, ҳар жоннинг сўзи Масих каби таъсир қилар эди”.

* * *

“Оғиздан чиққан сўз, билиб қўйки, ёйдан отилган ўқ кабидир. Эй тил, сен ҳам оловсан, ҳам хирмон! Токайгача хирмонни ёқасан? Жон нима десанг шуни қилиш билан бирга яширинча сенинг дастингдан фарёд этмоқдадир. Эй тил, сен ҳам битмас-туганмас бир хазинасан, ҳам бедаво дардсан!”.

* * *

“Тингловчи чанқоқ бўлса, нотик ўлик бўлса ҳам гапиради. Тингловчи янги келган ва зерикмаган бўлса, тилсиз ҳам булбулга айланади”.

* * *

“Пок сўз ҳақиқатдан йироқ бўлган кўнгилларни макон тутмайди, нурнинг аслига қайтади”.

* * *

“Инсон тили остида ниҳондир. Бу тил жон эшигига пардадир. Бу уйда жавоҳир борми, буғдойми... олтин хазинасими ёки илон ва чаёнлар билан тўлами?”.

* * *

“Бу тил дейилган гўшт бўлагидан ҳикмат дарёси оқмоқда... Қулоқ деган тешиқлардан оқиб, меваси ақл-идрок бўлган қалб боғига қадар бормоқда”.

* * *

“Сухбат борки, ўткир қиличга ўхшайди, экинни, боғ-роғни қишдек қийратади. Сухбат борки, баҳор кабидир, ҳар томонини яшнатади, беҳисоб мева беради”.

* * *

“Эй нурларни пардасиз қабул қилишга истейдоди йўқ киши. Ҳеч бўлмаса, ҳарфларда яширин нур бўлган ҳикмат сўзларини ҳис қил, уларни е!”.

* * *

“Ҳар даврда сўз айтувчилар топилади, аммо олдин ўтганларнинг сўзлари фойдалироқдир”.

* * *

“Ортиқча сўзни сот-да, жон, мартаба, пул бағишлашни сотиб ол. Шунда сени Аллоҳ ҳам мақтасин, рутбангга, даражангга осмон ҳам ҳасад қилсин”.

* * *

“Дарвешларнинг сўзлари ва орифларнинг ҳикматларини шу беҳаёлар тилларига жойлаганлар. Уни англайдиган, юзага чиқарадиган фарқли қобилиятлари бор эди, аммо ҳирс ва тама инсонни кўр-у кар қилади!”.

* * *

“Сукут денгиздир, нутқ ирмоққа ўхшайди... денгиз сени қидирмоқда, сен ирмоқни излама”.

* * *

“Сўз бир томонда маънони очса, ўн томондан ёпади, яширади. Иш ва сўз ички дунёнинг гувоҳларидир. Шу иккисига қара-ю, ички оламнинг қандайлигини англа... Сўзнинг жўшиши, уланиб кетиши дўстлик нишонасидир. Сўз айтмаслик дўстнинг йўқлигидандир. Кўнгил дилбарни кўргач қувонмайдими? Булбул атиргулни кўриб қандай жим туради?.. Сув ташнанинг чанқоғини қондиргани каби кўнгил тўғри сўздан ҳузур-ҳаловат топади. Бир сўз дўзахдан чиқади, одамнинг лабигача келади. Бир сўз эса қалб шаҳридан чиқади, лабга келади”.

* * *

“Вафонг бўлмаса кўп гапирма. Сўзнинг кўпи ҳамма нарсани ўз фикрига мослаштириш дарагидир. Бу сўз кўнгилни камолга бошлайди. Сукут сақлаган инсон юз марталаб камолга интилади. Дилдаги тилга чиқдим, сарф бўлиб кетади. Кўп сарф қилма, у гўзал кўнгил қолсин. Кам гапирган одам теран фикрлайди. Нутқ қобиғи қалинлашдим, мазмун йўқолади. Қобиқ қалин бўлса, дил кичраяди, заифлашади. Кўнгил камолга етиб, гўзаллашгани сайин қобиқ юпқалашади”.

* * *

“Одам шундай насиҳат уруғларини экди, аммо ўғилларининг ери қурғоқчил эди, наф бўлмади. Насиҳатгўй юз марталаб ҳаракат қилса-да, насиҳатни тинглаш ва қабул қилиш учун тингловчида қабул қилувчи кулоқ бўлиши керак. Сен юзлаб лутфлар билан унга ўғит берасан, аммо ўғитинг унинг қулоғига кирмайди ҳам. Тингламайдиган бир қайсар одам юзлаб воизни ожиз қолдиради. Пайғамбарлардан насиҳатгўйроқ, нотикроқ ким бор? Нафаслари тошга ҳам таъсир қилади. Аммо тоғ-тош уларнинг сўзларини эшитди, таъсирланди-ю, бахти қора кишининг бахти очилмади. Манман кўнгиллар уларнинг сўзлари қаршисида тошдан қаттиқроқ ҳолга келадилар”.

“Қанча одамларга шеъру наср айтасан, сирларини ошкор қиласан? Хўжам, бир кунгина тилсиз бўлишни синаб кўр”.

“У таклидчида юзлаб далил, юзлаб сўзлар бор. Аммо гапиршигач кўрдингки, уларда қалб йўқ. Гапирганда қалб ва нур бўлмаса, сўзида япроқ ва мева қаердан бўлсин? Шундай сўз таъсир қиладими ҳеч?”

“Ширин сўзли жоҳил дўстнинг сўзларига ишонма. У сўзлар эскирган, кўп йиллик заҳарга ўхшайди”.

“Иккита тўғри сўз айтдингми, ёлғон сўз ҳам унга эргашади, уланиб кетади. “Сўз сўзни очади”, дейдилар, бу гапни эшитганмисан сира? Асло “Тўғри сўзга киришай”, дема. Чунки сўз тўғридан эгрига кетаверади, оғзингни очдингми, энди сўз сенинг измингда эмас. Пок сўзнинг ортидан нопок сўз ҳам оқади... Очиқ ва тўғри сўз кўнгилга роҳат беради. Кўнгил ёлғон сўз билан таскин топмайди. Ёлғон хас-чўпга, кўнгил оғизга ўхшайди. Хас-чўпни оғизда яшириб бўлмайди. Оғизда чўп бўлса, тил уни ташқарига итқитади”.

“Шубҳа йўқ-ки, ҳар тил кўнгилга пардадир. Парда силкинди-ми, сирлар очилади. Кабоб бўлган бир парча гўштдек кичик парда юзлаб қуёшларни ёпади”.

“Тўғри сўз билан аҳмоқни алдаган ёлғон мушк ва саримсоқ ҳиди каби нафасдан маълум бўлади. Иккиюзламачи, мунофиқ дўстнинг мунофиқлигини сезмаётган бўлсанг, ундан келган бадбўй ҳиддан англа. Номарднинг наъраси билан мард йигитнинг наъраси тулки билан шернинг овозидек бир-биридан фарқ қилади. Тил қозоннинг қопқоғига ўхшайди: очилдими, ичида нима борлиги аён бўлади. Ақлли одам қозонда мазали егулик борми, сиркали ёки нордон таом борми, тутунидан билади”.

(Жалолиддин Румий)

“Киши суҳандон, суҳангўй (нотик) бўлиши керак. Эй фарзанд, сен суҳангўй бўлгилу аммо дуруғгўй (ёлғончи) бўлмағил.

Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан. Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдир. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг (*ичи торлик*) бўлмағил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт (*йўқотиш*) бўлмасун. Совуқ сўзли бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдир. Ундан душманлиғ ҳосил бўлур.

Эй фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг, ўзингни билғондан кам тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бекбурд бўлиб қолмағайсен. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб, кўп сўз демағил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладур – у кўп сўзлар. Дебдурларки, хомушлик саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлагувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар. Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Кўшиш (*ҳаракат*) қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз дегилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун”.

“Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзиб олинг. Ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг. Ёдлаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг”. (*Кайковус*)

“Гўзал сўзлар фақат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради. Муолажа йўлини топган касал одам унга амал қилмаса, табобат илмини билгани мутлақо фойдасиздир”.

“Дарахтни кессалар унинг илдизидан бир шоҳча кўкариб, унинг ўрнини босади. Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди”.

“Тилингни сақла, бошинг саломат бўлади. Ўринсиз сўзламоқликнинг натижаси пушаймонликдир. Подшоҳ тўрт олимни чорлаб, дебдики:

– Ҳар бирингиз биттадан шундай ҳикмат айтингизки, у тарбиянинг асоси бўлсин.

Биринчиси айтибди:

– Донишманд одамларга ярашадиган нарса – сўзламасликдир!

Иккинчиси дебди:

– Дунёда энг фойдали нарса шуки, инсон ўз ақли билан маслаҳатлашмасдан сўз бошламасин.

Учинчиси:

– Инсон учун энг хайрли нарса – ўйламасдан сўзламаслик-дир.

Тўртинчиси айтибди:

– Инсон учун энг тинчи шуки, у ўзини толе ихтиёрига топширсин”.

“Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб: “Ҳар биримиз биттадан ҳикмат айтайлик-ки, дунё тургунча турсин”, дедилар.

Хитой шоҳи деди:

– Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

Ҳинд шоҳи деди:

– Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга хайрон қоламан.

Эрон шоҳи деди:

– Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса – ҳожам.

Рум шоҳи деди:

– Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмаганман. Айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўламан. Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни суҳбатлардан кўра яхшидир. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади”.

(“Калила ва Димна”дан)

Ҳикоят: Маҳмадона ва сафсатабоз шоирлардан бири Абдурахмон Жомий ҳузурларига келиб мақтанди:

– Тушимда Ҳизр пайғамбар оғзимга муборак тупукларидан тупладилар.

Бу гапдан устоз бош чайқаб дедилар:

– Янглиш айтяпсан. Аслида Ҳизр пайғамбар сенинг бетингга тупурганлар, гапдан тинмай оғиз очиб турганинг учун тупуклари оғзингга ҳам тушган бўлиши эҳтимол.

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Бир деганни икки деган хуб эмас,
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.

Ёмон тилнинг заҳри тиглардан ёмон

Фаҳм айла ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси (*сур*) кўнглидагидин.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолин,
Кўрма, ким дер они, кўргил, ким не дер.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

“Тил тиги билан гуноҳсиз кишига озор бериш – соғ қон томи-
рига ништар уриб нобуд қилишдир”.

“Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин
сўз бил”.

“Сўз ўз аҳамияти билан фалақдан ҳам юқори мақомдадир,
фалақдангина эмас, инсон идрок қилган ҳамма нарсадан юқо-
ридир... Сўз ўз борлиғи билан оламнинг ҳамма бурчагига етиб
борувчи, ўз шарафи билан эса одамни энг юксак мартабага кўта-
рувчидир. Агар маъноли сўз бўлмаса, ичида гавҳари йўқ садаф
сингари, инсоннинг ҳеч қандай обрў ва эътибори йўқдир. Са-
дафнинг ичида гавҳар пинҳон турган пайтда унинг хазинаси

бахри уммон бўлгани ҳолда, ичидан гавҳари олингач, садафнинг қуруқ тошбақа суягидан фарқи қолмайди. Инсон вужудида жоннинг жавоҳир тоши ҳам сўз, унинг ўликдек жисмини жонлантириб турган оби ҳаёт ҳам сўздир.

Агар киши жасадида жон бўлмаса, унинг ўзи ҳам йўқ бўлганидек, жон учун ҳам ўлик тананинг ҳожати йўқдир. Ахир инсон зоти тилдан қолган онда жонидан умид узилади ва кўп ўтмай ўлади ҳам. Мен ҳали сўзни “оби ҳаёт” дедим. Ҳаёт суви ўликни тирилтирадиган бўлса, одам боласи бўлмиш Ийсо пайғамбар ҳам ўз нафаси (сўзи) билан шундай фазилатга эга бўлган-ку! Қайси одамнинг сўзи бировнинг руҳини кўтариб, унга жон бағишлар экан, бундай зотга оби ҳаёт ҳам ўз жонини фидо қилади. Агар сўз ўликни тирилтирар экан, лекин шу сўз тирикни ҳалокатга ҳам олиб боради. Ахир сўз гоҳо масжидларни шовқин-суронларга тўлдиргани каби, майхонаю бутхоналарни ҳам ғала-ғовурга солади. Сўз чархи фалакнинг кўксига дурдона бўлгани каби, денгиз ва ундаги гавҳарларни ҳам ўз мўъжизакорлиги билан ҳайратлантирувчидир. Сўз – инсон табиатининг ишвагар дилбари, у кўзга кўринмайдиган парисифат бир нозаниндир. Сўз – жаҳон-жаҳон дилоролиққа эга, гўзаллик ва латофат уни кўзга кўринмас қилиб қўйган”.

* * *

“Ул адабдурки, яхши ва ямонга ва улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандларига, ходим ва мамлукларигаки, ҳар неча алардан беқоидалиғ кўрсалар хушунат била аларга сўз демаслар, балки насихатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар”.

* * *

“Оз гапирмоқ – ҳикматга сабаб; оз емоқ – соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демоқ – нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ – ҳайвоннинг иши... Кўп гапирувчи, кўп егувчи – дўзах ўтига ошиқиб кетувчи. Сўзламоққа берилган, емоққа қул бўлган одам билим шарофатидан маҳрум бўлади.

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон”.

* * *

“Сувнинг мазаси – муз билан, ошнинг мазаси – туз билан, одам яхшилиги – сўз билан. Сихат тиласанг – кўп ема, иззат

истасанг – кўп дема. Яхшиларнинг хунари – сўзида, бўзчиларнинг хунари – бўзида. Бефойда гапни кўп айтма, фойдали гапни эшитишдан ҳеч қайтма. Оз гапирган оз янглишади. Оз еган – оз касалланади. Очлик негизида ҳикмат бор, тўқлик тагида ғафлат бор”.

“Ҳақнинг дўстлари – садоқат-покликнинг конидир, Ҳақ душманлари – ёлғончилардир. Тилнинг ихтиёрини қўлингда асрагил. Сўзингни эҳтиётлик билан сўзла. Вақтида айтиш керак бўлган сўзни асрама, айтиш керак бўлмаган гапнинг яқинига йўлама. Сўз борки, эшитувчининг танига жон киргизади, сўз борки, гапирувчининг бошини елга учиради. Тилинг билан дилингни бир тут; тили ва дили бир кишининг айтган сўзи – бут (яъни, айтган сўзига ишонса бўлади) Сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма. Дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингга келтирма. Гарчи тилни тийиш – дилга меҳнатдир, аммо сўзни ёйиш – бошга офатдир. Айтиш керак бўлган гапни унутма; айтмайдиган ерда ўзингни сўзамол тутма. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт”.

220

“Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил захарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас. Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулойим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради. Сехргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса”.

(Чиройи йўқ одам ширин сўз бўлса, гўзал ва ширин сўзлари билан барчани қўлга олади)

“Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам – халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи – эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи. Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади; кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам – унинг сўзи билан дафъ бўлади. Сўзда ҳар қан-

дай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун айтадиларки: “на-
фаснинг жони бор”.

Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одам қурбақага ўх-
шайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тил; ёмонликлар
келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилини тиёл-
ган одам – донишманд, оқил; сўзга эрк берган одам – беандиша
ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил –
энг яхши аъзолардир. Бўстонда – гулсафсар, гулгунча ва райҳон-
лар энг ёқимли гуллардир.

Одам тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёздир. Унинг
тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил – шун-
ча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бў-
либ чиқса – тилнинг офатидир.

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат башорати яна жисмига жон берур”.

(Ҳажр сўзининг даҳшати ошиқни ўлдиргани билан висол
ҳақидаги хабар унинг жисмига яна жон бағишлайди)

* * *

“Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса
фойдали. Чучук тил аччиққа айланса, кўпчиликка зарари тегади.
Қанддан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгил-
лар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулойим табиатли
одам – ҳалвопуруш каби севимлидир.

Хуш сўзга ким ўлса масту бехуш,
Шарбат аро захрни қилур нўш”.

(Яхши сўзга ким масту бехуш бўлса, шарбат ичида захрни
тотли қилади)

* * *

Ҳикоят: Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро илм толибларига
сабоқ бераётган доно вазири Алишер Навоийга яқинлашиб, кўр-
саткич бармоғи билан бошини кўрсатди. Навоий ҳазратлари ҳам
кўрсаткич бармоқлари билан тилларини кўрсатдилар. Ҳукмдор
бу ишорадан бош чайқади-ю илм толиблари даврасига яқинлаш-
май, изига қайтди. Бу ҳолатни кузатиб турган шогирдлар устоз-
дан ИМО-ишоранинг маъносини сўрадилар. Устоз бу жумбоқни
ечишни уларнинг ўзларига ҳавола этдилар. Улар қанча ўйлаш-
масин, тайинли жавоб топа олишмади. Шунда жавобни устоз-
нинг ўзлари бердилар:

– ИМО-ишорада мураккаб маъно яширинмаган. Жавоб жуда
оддий: дўстим Ҳусайн мендан “Бошга балони нима келтиради?”
– деб сўрадилар. Мен эсам унга “Тил”, деб жавоб қилдим.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

* * *

“Кимнинг сукутга тоқати етмаса, сўфийлар ҳаётидан ибрат олсин. Чунки сўфийликнинг гўзал ахлоқларидан бири айнан сукутда кўринади. Сўфийлар гапиришда офат, яъники зарар борлигини билгач, сукутни афзал кўрганлар. Гапиришда нафснинг улуши, мақтанчоқлик иллатларини намоён қилиш, чиройли гапириб, бошқалардан ўзини ажратиб кўрсатишга майл каби таҳликалар борлиги учун ҳам улар шундай йўл тутишган. Улуғ сўфийлар айрим масъалаларда баъзан айри-айри йўлда бўлсалар-да, бир масъалада – мурид бекорчи гапларни гапирса, илоҳий нурлар қалбини тарк этиб, қалби қорайиши борасида бир хил фикр билдирганлар”.

(Кушайрий)

* * *

222
“Сўзни уқиб ташла, шошиб, беҳуда гапирма, сўзингни яшир. Кейин бошингни яшириб юрма”.

* * *

“Илмли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, одоблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур. Тилингни тий, тут, тишинг синмасин, агар сўзлаб юборсанг, тилинг чиқиб қолса, тишингни синдиради”.

* * *

“Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил аямайдиган ёвдир”.

* * *

“Сўзинг – аччиқ, эзма тилингни тийиб тут, эрк берилган тил бир куни бошингга етади... Тили аччиқ кишининг ақли етук бўладими? Тил ва сўз заҳари кўп кишиларнинг бошини еди”.

* * *

“Кишини ўчакиштирама, унинг тилини бил, бу тил яраласа тузалмайди, ўқ жароҳати эса битиб кетади”.

“Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, кўп кишиларнинг қони тили туфайли тўкилади... Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан. Расул алайҳиссалом кишини ўтга юзи билан ташловчи тилдир, деганлар, шунинг учун тилингни тий, ўзингни ўтдан торт”.

“Кўп сўзлаганлар ичида ўкинган кўпдир, тилни тийганлар орасида ўкинган борми, қани? Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили туфайли содир бўлади, бу тил сабабли айримлар яхшилик, баъзилар ҳурмат кўради”.

“Бу сўз – ўғит-насиҳат барчага тенг, улар сўзни тилга жо қилиб юкинадилар, мулойимлик қиладилар”.

“Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла, дилингни, тилингни беза”.

“Тўғри сўз асал кабидир, ёлғон сўз саримсоқ пиёздир, саримсоқ пиёз еб, оғизни ачитмай асал егин”.

(Аҳмад Югнакий)

Қилур қаттиқ тақаллум ўнг ишинг чап,
Сўзинг тиклаб кўнгул бузғунча тик лаб.

(Қаттиқ сўз бўлар ишингни бўлмас қилар. Нина қўлни санчиб азоблаганидек, қаттиқ сўз ҳам кўнгилларни санчиб, яралайди. Аммо нина санчиғи битиб кетар, дил яраси битмас. Қаттиқ сўзинг дилни яраламаслиги учун ўша сўзни айтадиган лабингни ёпиқ тут, яъни кўнгилни бузғувчи сўзлар учмасидан олдин лабингни тикиб ташла)

Мусулмон ўғлида бўлса сучук тил,
Олиб келса бўлур бир қий била фил.

(Мусулмон боласи ширинсўз бўлса, филни ип билан йўлга солса бўлур)

Сучук лафзи билан мўри хирадманд,
Солур зўр аждаҳонинг оғзина банд.

(Ширин сўз билан ақлли қумурсқа (чумоли) баҳайбат аждаҳонинг оғзига банд солади. Бундан мурод: кимсанинг ўзи заиф бўлса-да, яхши гапи билан улуғ мартаба эгаларига ўғит тузоғини солиб, тўғри йўлга йўллай олади)

Мулойим тил билан беҳарбу безарб,
Бировни келтурурлар шарқдин ғарб.

(Мулойим сўз билан ҳеч бир уруш-талашсиз бировни машриқдан мағрибга келтура олурлар)

Бу эрлар олмайин бир игна қўлга,
Солурлар неча гумроҳларни йўлга.

(Сучук тилли эрлар ҳеч бир уруш қуролини қўлга олмай, биргина юмшоқлик билан қанча йўлдан озганларни тўғри йўлга соладилар (“игна” сўзи уруш қуроли маъносида келади)

Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам,
Ато қилган билан ҳеч бўлмағай кам.

(Ширин сўз шундайин ажойиб хазинаки, сарф қилган билан камаймас, шу боис уни бошқалардан қизғаниб юрма)

Дема ҳарфеки, бўлса бемаоний,
Агар тил ҳарзе бўлса, сан тил они.

(Агарчи гапирар экансан, сўзингнинг ақалли бир ҳарфи ҳам маъносиз бўлмасин. Мабодо тилинг ботил ва беҳуда сўзлар сўзлайверса, унда сен бундай тилни тишлаб ташласанг ҳам бўлади)

Калиди ганжи маъноким, забондур,
Анга бир нуқта тушса, кўп зиёндуру.

(Сўфий Оллоҳёр)

(Маънолар хазинасининг очқичи – тил. Қулфнинг ичига бирор майда нарса – чўп тушса ҳам зиён бўлади. Калит ишламай қолиши мумкин. Байтдаги “нуқта”дан мурод – араб ҳарфларида “забон” сўзидаги “б” нуқтаси ёнига яна бир нуқта тушиб қолса, маъно ўзгариб, бу сўз “зиён” деб ўқилиши мумкин)

“Тилни тиймоқ – бу хоинлик, тухмат, ёлғон, ғийбат, чақимчилик, истехзо, бировни масхаралаш, ёлғон қасам ичишдан тийилиш, яна азон ва иқомат айтилаётганда, масжидларда, Қуръони карим тиловат қилинаётганда, хутба пайтида, ҳожатхонада, жимоъ пайтида сўзлашмоқдан тийилиш, яна Қуръони карим-

ни ўз раъйига кўра тафсир қилиш, омонат сўз ва сирларни фош этиш, гуноҳкорларни ҳимоя қилиш, биродарлар узрини қабул этмаслик, мўминларни қўрқитиш ва шунга ўхшаш тил воситасида бажариладиган беҳуда ва ёмон амаллардан ўзни сақлашдир”.

(Муҳаммад Зоҳид Қўтқу)

“Қариллик зийнати гапираверишда эмас, балки жим ўтиришдадир”.

(Хуррабий)

“Тараққий этган туркий шевадаги илмий ва фанний китобларни англамоқға саъй ва ғайрат этайлук. Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас. “Она тили, она тили”, бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда ададсиз бузуқ она тиллар шевасига ададсиз китоблар ёзмоқ лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайдур. Чунки бу оналарни тили бир-биридан фарқликдур. Тараққий этган миллатлар оналарни ўқутар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатмоғимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур”.

(Маҳмудхўжа Бехбудий)

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот! Биз, туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуратимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур”.

“Ёху! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқуб кетдук. “Яхши кўшнингдан олгунча, ёмон уйингни қидир”, – демишлар. Боболаримизга етушгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топурмиз. “Йўқолса йўқолсун, ўзи

бошимга тор эди”, – деб Ёвропо қалпоғини киюб, кулги бўлмак зўр айб ва уятдир. Пайғамбаримиз: “Эрларда жамол лисон ва тилдур”, демишлар”.

“Умумий миллий тилни сақламак ила баробар хусусий оғиз орасидаги тилни ҳам сақламак лозимдур. Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон таразусидир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қийматини сўзлаган сўздан билурлар: “Қуруқ сўз қулоққа ёқмас”, – демишлар. Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадургон бўлмаса, асаларилари орасида ғунғурлаб юрган қовоқари каби қуруқ ғунғурламоқ фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдур. Бошимизга келадургон қаттиғ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун: “Кўп ўйла, оз сўйла”, – демишлар. Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билуб ва охирини ўйлаб сўйланган сўздур”.

Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсун,
Эшитканлар қулоғи дурга тўлсун.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай, сўзинг кўп бўлса, бир кун.
Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз.

“Ахлоқ соҳиби, иффат эгаси қалбини, виждонини поклаб, тилини ёлғон, ғийбат, бўҳтон каби ёмон сўзлардан сақлар. Чунки инсонга иффатидан кўпроқ тил иффати лозимдур. Бошимизга келадургон кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортуқ сўйлаганимиздан келур.

Ўйламай сўйлаган оғримай ўлар,
Фикр ила сўйлаган йиғламай кулар”.

(Абдулла Авлоний)

“Йўсинсиз равишда хотирига келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайдир. Сўз – қолип, фикр унинг ичи-

га қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин”.

* * *

“Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”.

* * *

“Ҳақиқатдан қочиб, тилга янги қоидалар тузиш разолатдир”.
(Абдулла Қодирий)

* * *

“Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди?”.

(Абдулла Қаҳҳор)

* * *

“Кучлининг найзаси кучсиз отган найзага нисбатан кўпроқ нишонга тегиши мумкин бўлганидек, манманлик ва риё шубҳасидан холи сўзлар ҳам қалбларга кўпроқ таъсир қилади”.

(Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

227

* * *

“Ҳаддан ташқари жимжимадор услуб феъл-атвори ҳам, фикрларни ҳам бўшаштиради”.

* * *

“Бизга нимадир билим берадиган сўзлар, айниқса, ҳамма нарсадан азиздир”.

(Арасту ҳаким)

* * *

“Виждонсиз нотиклар ёмонни яхши деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар”.

(Афлотун ҳаким)

* * *

“Агар қарама-қарши мулоҳазалар билдирилмаса, маъқул фикр қандай саралаб олинади”.

* * *

“Қадимдан одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматли сўзлари мавжуд; биз улардан ўрганмоғимиз даркор”. (Геродот)

“Кўп гапириш билан кўп гап айтиш бошқа-бошқа нарса”.

(Софокл)

“Сухбатни шундай олиб бориш керакки, сухбатдошларнинг ҳар бири ундан наф олсин, билими янада бойисин”.

(Буқрот ҳаким)

“Сўз фикрни ифодаласа бас”.

“Қадимда кишилар кўп гапиришни яхши кўрмаганлар, ўз сўзининг устидан чиқмаганни шармандалиқ деб ҳисоблаганлар”.

“Фикрламай ўқийдиган янглишади. Ўқишни истамай фикрлайдиган қийналади”.

“Одамгарчилик жуда кам ҳолларда гапга усталик ва чиройли кўриниш билан бирга бўлади”.

228

“Гапиришни билмаган киши ўзгаларни англай олмайди”.

“Камгаплик – ҳеч қачон сотмайдиган содиқ дўст”.

(Конфуций)

“Ҳақ сўзлар чиройли бўлмайди. Чиройли сўзлар ишончга лойиқ бўлмайди. Яхши гапга уста бўлмайди. Гапга уста яхши бўла олмайди. Билган исботламайди, исботлайдиган билмайди”.

(Лао Цзи)

“Ақли калта кишининг одатда тили жуда узун бўлади”.

(Аристофан)

“Сухбатда ўз сухбатдошингга қандайдир ҳақиқатни очишни истаганингда аччиқланмаслик ва бирорта совуқ ёки кўнгилни оғритадиган сўз айтмаслик энг муҳим масаладир”. (Эпиктет)

“Тинглашни ўрган, ана шунда сени ҳатто ёмон гапирадиганлардан ҳам наф олишинг мумкин”.

“Сергап ўзини яхши кўрсатмоқчи бўлади-ю, аммо нафратга учрайди, бировга қарашмоқчи бўлса – хира пашшага айланади, одамларни ҳайратга солмоқчи бўлса – кулгига қолади; у дўстларини ерга уриб, душманларига хизмат қилади”.

“Биз кўпинча жавобга муҳтожлигимиз учун эмас, балки ўзгаларнинг овозини эшитиб, уларни ўзимизга оғдириб суҳбатга тортиш учун савол берамиз”.

“Кимки терсайиб, кўп гапирса, у керакли нарсаларни ўрғанолмайди”. (*Демокрит*)

“Нотиқнинг (*воизнинг*) энг улуғ фазилатларидан бири зарур нарсани айтишидагина эмас, балки нозарур нарсани айтмаслигида ҳамдир”.

“Оддий буюмларни – содда, катталарини – улуғвор, ўртамиёналарини эса ўзига яраша ифодалай олган кишигина ҳақиқий нотиқдир”.

“Нутқ айтилмоқчи бўлган масаланинг билишдан келиб чиқмоғи ва ривожланмоғи керак. Агар нотиқ уни қамраб ололмаган ва ўрганмаган бўлса, ҳар қанча нотиқлиги беҳуда, болаларча зўрма-зўракиликдир”.

“Мақтаб гапириш – заифликнинг биринчи аломати, кимки зўр ишларга лаёқатли экан, у тилини тийган бўлади”.

“Оддийгина гапираётган нотиққа тақлид этиш аввалига жуда осондай туюлади, ҳолбуки, бундан қийинроқ иш йўқ. Тажриба буни исбот этган”.

“Қалам – энг яхши муаллим, қаламдан чиққан нутқ ҳозиргина ўйланганидан кўра яхшироқдир”.

“Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга кўп хизмат қилади”.

“Сухбатни отангдан қолган ва ундан бошқа фойда чиқариб олиш мўлжалланган мулкка эгалик қилгандек ўзингга қаратиб олма; аксинча, бошқа ҳамма соҳада бўлганидек, сухбатда ҳам ҳар ким ўз навбатига эга бўлиши учун ҳаракат қилмоқ лозим”.

(*Цицерон*)

“Баъзилар бир умр сўзлашадилару ҳеч нарса айтолмайдилар. Баъзилар бир умр сукутда бўлишадию, аммо айтилмаган сўз қолмайди”. (*Чжуан Цзи*)

“Тажриба бизга қайта-қайта шуни исботлайдики, одамлар ўз тилларига бошқа ҳамма нарсадан кўра ҳам камроқ ҳукмрондирлар”.

(*Б. Спиноза*)

“Сафсатабозни қўш қамчи билан савалайдилар”. (*Эсхил*)

“Энг ёмони – тийилмаган тил”. (*Еврипид*)

“Билганингни ҳаммавақт ҳам гапираверма, аммо гапираётганингни эса ҳаммавақт бил”.

(*М. Клаудиус*)

“Кимки билганини вайсаса, билмаганини ҳам гапиради”.

“Ҳаддан ташқари ошқоралик ҳам яланғочлик сингари хунук кўринади... Ҳар қандай яланғочлик, ҳатто қалб яланғочлиги ҳам ҳақоратлидир. Сир бой бермаслик одамларни нарироқда ушлаб

туради ва бизни муҳофаза этади. Бу ниятларимизни яшириб турувчи пардадир”.

* * *

“Миллатнинг даҳоси, ақли ва руҳияти мақолларидан билинади”.

* * *

“Эҳтиёт бўлиб гапириш – нотикликдан ҳам устун”.

* * *

“Катта нутқлар – ўта зерикарли ва уларни ниҳоятда эътиборсизлик билан тинглайдилар”.

* * *

“Биз фақат кишиларнинг хизматинигина эмас, уларнинг сўзларини ҳам хотирада сақлашимиз даркор. Нутқлар, номалар ва ҳикматли сўзлар мажмуалари – ўша сўз, ўша фикрларнинг чинакам хазинаси”.

* * *

“Сухбатда вазминлик ва ўринли гапириш гапга чечанликдан юқори туради” . (Ф. Бэкон)

* * *

“Сенга ишониб айтилган сирни, сенга ишониб топширган молу дунёдан ҳам афзалроқ эҳтиёт қилиб сақла, негаки, ҳалол кишиларда қасамдан ҳам кучли ирода бўлиши керак”.

* * *

“Гапираман десанг, икки ҳолатда: айтмоқчи бўлганингни обдан ўйлаб олгач ёки бир нарсани айтиш зарурияти туғилсагина гапир: фақат шу икки ҳолатда сукут сақлашдан кўра гапирган маъқул: бошқа пайтда эса индамаган афзал”.

(Исоқрат)

* * *

“Агар биз эшитишни билсак, Тангри ҳар биримиз билан ўз тилимизда гаплашади”.

(М. Ганди)

* * *

“Кишиларнинг ўйлашларига халақит бериш мақсадида гапириш ихтиро қилинган”.

(Ағата Кристи)

“Кўп одамлар яхши гапларни сўйлаши мумкин, бироқ камдан-кам одам тинглай билади, чунки тинглаш ақл ишлатишни талаб қилади”.

(Р. Тҳакур)

“Ўз хислатларини кўп гапирадиган киши кўпинча яхши одам бўлиб чиқмайди”. (Ж. Неру)

“Яхши ёзиш – бу шу билан бир вақтда яхши фикрлаш ҳамдир, яхши ҳис-туйғу ва яхши баён қилиш – бу ақл-идрок, қалб ва дидга эга бўлишдир”. (Ж. Бюффон)

“Яхши гапириш – оддий қилиб айтганда, овоз чиқара туриб яхши ўйлаш демакдир”. (Э. Ренан)

“Буюк ақл эгаларига оз сўзда кўп маъно бериш хос бўлгани сингари, ақли калталар, аксинча, кўп гапириб, тайинли бир нарса айтмаслик қобилиятига эгадирлар”.

“Эҳтирослар далиллари ҳамиша ишончли бўладиган бирдан-бир нотиклардир; уларнинг санъати – бамисоли табиатнинг ўзи томонидан яратилганидек ва бу санъат бемустасно қонунларга асосланади. Шунинг учун ҳам муғамбирликни билмайдиган, аммо эҳтиросли одам, гапга чечан, лекин ланж нотикдан кўра кўпроқ ўзига тортиши мумкин”.

“Сўзловчининг гапириш оҳанги, кўз қарашлари, бутун қиёфа-сида ҳам нотиклик акс этади; бу сўз саралашдан кам нарса эмас”.

“Катта ақлнинг фарқий белгиси – оз сўз билан кўп нарсани айтишдир, калтафаҳм, аксинча, кўп гапириш ва ҳеч нарса айтолмаслик қобилиятига эга”.

“Кишилар фаҳмлари етмаганликдан эмас, ортиқча ғурурлари туфайли қайсарлик қилиб, энг соғлом фикрлар билан ҳам

келишмайдилар: қарасалар, тўғри иш олдинги қаторларни эгаллаб қўйган бўлади, охириги ўринларни эгаллашни эса улар исташмайди”.

* * *

“Ўз вақтида фикр билдириш катта санъат талаб қилганидек, ўз вақтида сукут сақлаш ҳам ҳазилакам санъат эмас”.

* * *

“Доимо бошқалардан ақлироқ бўлиш истагидан ҳам кўра бе-маъни аҳмоқлик йўқ”.

* * *

“Сухбатни ақл эмас, ўзаро ишонч ҳамма нарсадан кўпроқ қизитади”.

* * *

“Берилиб тинглаш ва яхши жавоб қайтариш суҳбат пайтида энг олий мукамалликлардан биридир”.

* * *

“Одамлар оз сўзлай туриб, кўп нарсани ифодалай олганлари холда, фаросатсизлар эса, аксинча, тўхтовсиз гапириб, барибир ҳеч нарса бермаслик хусусиятига эгадирлар”.

* * *

“Гапириш, айниқса, гапирмаслик уят бўлган пайтда қийин”

* * *

“Агар ўзимизки сиримизни сақлай олмасак, буни бошқалардан қандай талаб қилишимиз мумкин?” (Ф. Ларошфуко)

* * *

“Талаффуз – тилнинг жони, у тилга фақат туйғугина эмас, далиллик ҳам бахш этади”.

* * *

“Чиройли гапириш одамга кучли, аммо бир зумгина таъсир этади. Тез ҳаяжонга бериладиган кишилар яна тезда ҳовурларидан ҳам тушадилар. Шавқсиз, лекин зўр эътиқод эса бундай кўтаринкилик туғдирмайди. Аммо у одамни ўзига тортса, қалбига кириб боради ва унинг таъсири ҳеч қачон ўчмайди”.

* * *

“Зеҳн тили, агар у юракдан чиқса, ўз нишонига тегаети”.

“Одамларнинг муомаласидан уларнинг табиати, феъл-атворини билиб олиш мумкин”.

“Умуман олганда, кам биладиганлар кўп гапиради, кўп биладиганлар эса камгап бўладилар”.

“Иш билан банд бўлганда фақат зарур бир гап чиқсагина гапирадилар: бекорчиликда эса одам ҳадеб сўзлагиси келаверади”.
(Ж.Ж. Руссо)

“Ноғора таълимини берма: у ичи бўшлиги учун шовқин солади”. (О. Бетлинг)

“Доно одамлар фикр айтишдан олдин ўйлаб кўрадилар, тентаклар шундай айтиб юбораверадилар”. (Г. Гейне)

234 “Ким қанчалик нодон бўлса, хулоса чиқаришга шунчалик шошилади” (Э. Кондильяк)

“Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшайди: дарахтнинг барги кўп бўлса, меваси оз”. (А. Пон)

“Айтар сўзи бўлмаган одам гапдан тинмайди”. (Г. Шоу)

“Фақат юзаки билим ва мавҳум фикрларгина эзмаликка олиб келади”. (Б. Галдос)

“Ким кўп гапирса, бемаъниликни ҳам кўп гапиради”.
(П. Корнел)

“Табиатнинг эзмаларни кўрарга кўзи йўқ”. (Ж. Ренар)

“Ўйламай айтилган сўзни ҳам отилган тошдек ушлаб қолиш қийин”. (Менандр)

* * *

“Ўзгалар сирига қулоқ солиш – бировнинг молини гаровга олишдек гап”. (Н. Шамфор)

* * *

“Ким сир билишини мақтандими, сирнинг ярмини очиб улгурди, қолганини ҳам сўзсиз очади”. (Ж. Поль)

* * *

“Сир бир кишига оғирлик қилади, икки киши учун айни муддао, уч киши билганда эса сирлиги қолмайди”. (И. Хоувел)

* * *

“Фақат уч кишигина сир сақлай олади, агар уларнинг иккитаси ўлган бўлса”. (Б. Франклин)

* * *

“Ҳеч ким сирни ўша сирни билмаган одамдек сақлай олмайди”. (Ф. Рохас)

* * *

“Ўз сирини сақламоқлик – донишмандлик, бироқ бошқалардан буни кутиш тентакликдир”. (О. Холмз)

* * *

“Ҳар бир кишининг ҳам ойга ўхшаб ёришмайдиган томони борки, уни ҳеч кимга кўрсатмайди”. (М. Твен)

* * *

“Агар одамлар бир-бирларини бошдан-охир аниқ билганларида, бир-бирларидан тирақайлаб қочган бўлардилар”.

(И. Кант)

* * *

“Душманинг билиши лозим бўлмаган гапни дўстингга ҳам айтма”. (А. Шопенгауэр)

* * *

“Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ... Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Ўткир далил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон этади, қалъаларни йиқади. У кўзга кўринмас қурол. Сўз бўлмаса, дунё дағал кучлар қўлида қолар эди”.

* * *

“Ақл фикрнинг бир тутамгина нури ва ёғдусини тўплаб олиб, шу беозор лаззатни ҳамма нарсани тартибга солиш ва ҳамма нарсани муҳокама қилиш касали билан хароб этмагани ҳолда, ундан завқлангани маъқул”. (А. Франс)

* * *

“Сергаплик одатда диққинафасликни юзага чиқаради... Сергаплик – доимо ёқимсиз”. (М. Сервантес)

* * *

“Агар сен бир гапиришдан аввал икки бор ўйласанг, икки карра яхши гапирасан”. (Т. Пэн)

* * *

“Қисқа, ифодали ибора бир англандими, хотирада муҳрла-ниб, шиорга айланади, узундан-узоқ мулоҳазаларда эса ҳеч қачон бундай бўлмайди”.

* * *

“Иборалар – фикрлар устига кийдирилган ўзига хос либосга ўхшайди”. (Ф. Энс)

236

* * *

“Қисқалик тилни кучайтиради. Қуёш ёғдусига монанд иборалар борки, улар қанчалик қуюқлашса, шунчалик баттарроқ ўртайди”. (Р. Саути)

* * *

“Одам қанчалик яхши сўзламасин, шуни эсда тутингки, у керагидан ортиқ гапира бошласа, пировардида бемаъни гап айтади”. (А. Дюма)

* * *

“Узун кўйлак юрганда қийнаганидек, узун нутқ ҳам ишни илгари силжитмайди”. (Ш. Талейран)

* * *

“Қисқалик аниқлик билан уйғунлашсагина ёқимли”.
(Дионисий)

* * *

“Ноаниқлик эзмалиқдан келиб чиққанидек, баъзан ўта қисқалик ҳам ноаниқликни юзага келтириши мумкин”. (Ж. Даламбер)

* * *

“Умумий гаплар ҳақиқатнинг чўлтоқ жойларидир”.

(А. Декурсел)

* * *

“Шамчироқ йўлингни ёритолмаса, зўрға липиллаб турса ҳамки ўчирма; ҳали ўзинг янги сўз кашф этмабсанми, тилдаги эски иборалардан воз кечма”. (Г. Ибсен)

* * *

“Фикр равшанлиги ифода равшанлигини таъминлайди”.

* * *

“Фикр қанча гўзал бўлса, ибора ҳам шу қадар жарангдор”.

* * *

“Тушуниш қийин бўлган нарсаларни кўп ҳолларда бутунлай тушуниб бўлмайдиган сўзлар билан изоҳлашга ҳаракат қиладилар”. (Г. Флобер)

* * *

“Кўчирмалар, нодир фикрлар ва шу сингарилар кўп қиррали шишага қиёс – улар ёзувчиларнинг асарларида сочилиб ётган ақл, билим ёғдуларини бир ерга жамлайди ва бу ёғдуларни ўқувчи онгида ўзгача куч ва жонли тарзда мужассамлаштириб беради”. (Ж. Свифт)

* * *

“Гўзал ташбеҳлар гўзал фикрга ярашиб, уни авайлаб туради”.

* * *

“Сир ҳам тўрнинг ўзи: битта тугуни ечилса, ҳаммаси чувалаб кетади”. (В. Гюго)

* * *

“Оз сўз билан ўрнида келтирилган бир нечтагина мисол фикрни нурлантириб юборади, салмоғи ва қадрини оширади; аммо мисоллар ва тафсилотлар кўпайиб кетса, ҳар доим нутқни бўшаштиради”.

* * *

“Нимадир ғайриоддий нарсани айтишга тиришганларида ундан камдан-кам бамаънироқ бир гап чиқади”.

“Ғалати гап билан одамларни ҳайратга соламан деганларида тайинли бир нарса айтолмайдилар”. (Л. Вовенарг)

“Биз ҳар бир киши бизни тушуниши учун эмас, балки ҳар қандай шароитда ҳам сўзсиз тушунарли бўлишимиз учун тиришмоғимиз лозим”. (Вергилий)

“Яхши гапириш учун инсонда ақл етмаслиги ёки индамайгина қўя қолиш учун идрок етишмаслиги мусибатдир”.

“Одам қанчалик камгап бўлса, шунча ютади: кишилар унинг ақлли экани ҳақида ўйлай бошлайдилар, бунинг устига асли ўзи ақлли бўлса, ҳамма унинг ниҳоятда зукко одамлигига ишонч ҳосил қилади”.

238 “Баъзи одамлар учун гап – хафа қилиш деган сўз: тилларидан найза отиб, аччиқ истехзо қиладилар, сўзлари – худди захарга қориштирилган эрман шарбатидай; захарханда, таҳқир, ҳақорат оғизларидан сўлақдай оқиб тушаверади”.

“Ҳар бир киши оқилона ўйлаш ва гапиришга интилсин, бироқ бошқаларни ўз диди ва ҳиссиётларининг нуқсонсизлигига ишонтаришга уринмасин: бу ниҳоятда мушкул иш”.

“Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик катта бахтсизликдир: ҳар қандай безбетликнинг илдизи мана қаерда экан”.

“Фақат аҳмоқ одам хиралик қилади; ақлли одам ўзининг даврага кераклиги ёки ортиқчалигини дарҳол пайқайди-ю, одамларнинг жонига тегмаёқ жўнаб қолади”.

“Жиддий нарсалар ҳақида оддий гапириш керак: бу ерда баландпарвозликка ўрин йўқ; арзимас нарсалар тўғрисида гапир-

ганда эса фақат яхши оҳанг, усул ва фикргина уларга мазмун бағишлашини эсда тутмоқ лозим”.

“Тўхтовсиз вайсаш – қобилиятсизлик белгиларидан бири”.

“Одам оз сўзлаганидан жуда кам афсусланади, аксинча, роса эзмаланганидан эса тез-тез пушаймон еб туради. Бу ҳаммага маълум, аммо ҳамма ёддан чиқарадиган кўхна ҳақиқатдир”.

“Кишининг бошлаб сўзлашга ақли ёки эҳтиёт юзасидан сукут сақлашга фаросати етмаса – бу фалокат билан тенг”.

(Ж. Лабрюйер)

“Халқ орасида кўпчилик тилдан қўймайдиган сўз асло ўлмайди”.

(Гесиод)

“Катта донишмандлар ҳикматли сўзларнинг кони бўлганлар. Улардан ҳар бир киши ҳаёт учун фойдали жуда кўп фикрларни топиши мумкин”. *(Феокрит)*

239

“Ким равшан фикрласа, у равшан баён этади”.

(Н. Буало)

“Ахлоқий ҳикматли сўзлар маънавий жабҳадаги мустаҳкам негизларни ва инсон фаолияти ва онгидаги сабр-бардош асосларини белгилаб берувчи одам ҳаётидаги мажбуриятларни, турмуш донишмандлиги, нуқтаи назарларни қисқа шаклда баён этади”. *(Г. Гегел)*

“Жамики ҳикматли сўзларда аниқлик маълум даражада қисқаликнинг эвазига қўлга киритилади”.

(С. Жонсон)

“Ҳикматли сўзлар – митти шаклдаги донолик, фикр ва туйғуларнинг кучли жавҳари”. *(У. Олжер)*

“Мақоллар катта маънонинг уч-тўрт оғиз сўз билан ифодаланган шаклидир”.

(Т. Фуллер)

“Ҳикматли сўзлар ҳаёт дарахтидан узилган мевадек бўлиши керак”.

(Ж. Низар)

“Мазмуни теран ва топиб айтилган ажойиб ҳикматлар ҳеч қачон унутилмайди: улар авлодлардан-авлодларга ўтиб, бутун асрлар давомида хотирада сақланади”. (Л. Берне)

“Ахлоқ узундан-узун гап, насиҳатгўйликдан кўра ихчамгина ҳикматли сўзларда яхши ифодаланади”. (К. Иммерман)

“Сўз – буюк ҳоқон: кўринишидан назарга илинмайди ва сезилмайди. Бироқ мўъжизали ишларни амалга оширади – кўркувга барҳам бериши, қайғуни йўқотиши, хурсандчиликка сабаб бўлиши ва самимиятни кучайтириши мумкин”. (Горгий)

“Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган қўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни қутқариб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган биргина сўз ҳам кифоя бўлган”.

(Э. Жирарден)

“Тил – энг хатарли қурол: сўз ярасидан кўра тиғ ярасини даволаш осон”. (П. Кальдерон)

“Сўз – қурол: душман сўзини ишлатсанг, бу назарий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам хавфлидир”.

(Ж. Сантаяна)

“Қаердаки сўз тирик экан, у ерда ҳали иш ҳам ўлмаган... Сўз қандай ишга йўллаши билангина қимматлидир”.

* * *

“Оддийгина қилиб, аниқ айтиш бўлмаган фикр йўқ”.

(А. Герцен)

* * *

“Хаёт, тил, урф-одатларнинг табиийлиги миллатнинг кучига куч қўшади, хаётда дабдабалилик, тилнинг жимжимадорлиги, тан-тиқ урф-одатлар эса уни ожизлик ва ҳалокатга маҳқум этади”.

(Ж. Рескин)

* * *

“Ақлий ҳаёти жиҳатидан юксак камолотга эришган ҳар бир халқнинг тили, ҳар қанча номукамалликларига қарамай, ўткир ва бой тилдир”.

* * *

“Нимани аниқ тасаввур эта олмасанг, уни шу қадар чалкаш гапирасан: ноаниқ ва чалкаш ифода фақат чалкаш фикрнинг белгиси”.

(Н. Чернишевский)

* * *

“Киши ниманики ҳис этса ва тушунса, албатта уни ифодалаб беради. Ўзлари яхши тушунмайдиган нарса тўғрисида гапирадиган кишилардагина сўз камлик қилиб қолади. Киши тафаккурга эга бўлса, аниқ-равшан айта олади, тафаккурга эгалик қилган вақтида янада равшанроқ ифодалаб бера олади”.

* * *

“Қуруқ назарий нутқлар порлаб турадиган, аммо ҳарорат бермайдиган биллур қандилларга ўхшайди”.

* * *

“Айрим фикрлар одамни бир ерга йиғилган нур оқимидек у қадар чарчатмайди”.

* * *

“Сукут сақлаш ҳар доим ҳам ақллиликдан далолат эмас, бироқ у ҳарқалай аҳмоқ эмасликни исботлайди”.

* * *

“Ҳатто танишларга ҳам бирор нарса ҳақида мақсадсиз гапирш – фақат бекорчи эзмаларгагина хос хусусиятдир”.

“Сир ични қиздиради, ман этиш ман этилган нарсага қизиқишни кучайтиради”.

(Д. Писарев)

“Халқ оммаси гажақдор гапиролмайди; шу туфайли ҳам улар сўзлай туриб тўхталишни, бўшлиққа сингиб кетадиган сўз оҳангларидан лаззатланишни эпполмайдилар ва ёқтирмайдилар. Уларнинг сўзи ҳеч қачон беҳуда бўлмайди; улар айтган сўз ишга даъват, келгуси фаолият учун шарт сифатида айтилади”.

“Бизга ўз-ўзидан мамнун бўлиб мудроқ бостирадиган ва кўнгилни ёқимли хаёлларга чулғайдиган чирик ва олифта сўзлар керак эмас, аксинча, қалбда инсонийлик жасоратини жўш урдирадиган, бемиқёс ва ўзига хос фаолиятга ундайдиган мусаффо ва мағрур сўзлар керак”.

242
“Ўзига қаттиқ одам тилёғлама муносабат қилмайди, бироқ бир ноқулай вазият оқибатида келиб чиққан ҳолатда ҳам ҳатто тилидан отилиб кетаётганини ҳам айтмайди, мабодо гап бошласа-чи, унда тўғриси ва бор гапни айтади”.

“Халқ донишмандлиги одатда ҳикматли сўзларда ифодаланади”.

“Таассуротлар қанчалик тез ва шиддат билан айтиб берилса, улар шунчалик юзаки ва бир лаҳзали бўлиб чиқади”.

“Гапдонлик санъати ҳеч бир иш қилмайдиган одамлардагина катта хайрат уйғотади”.

(Н. Добролюбов)

“Сўздаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикр ноаниқлигининг аломати. Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир. Ҳикматли сўзлар – фалсафий мушоҳадаларни ифодалашнинг деярли энг қулай шаклидир”.

“Халқ тили қанчалар жозибали! Ҳам ташбеҳли, ҳам таъсирчан, ҳам жиддий”.

“Тилда бир хиллик учун эмас, аксинча, тилдаги бўшлиқни пардалаб турувчи адабий тил бир хиллиги бўлмаслиги учун ҳам тилнинг барча жабҳаларини соф ҳолда тутмоқ керак”.

“Сўз – буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз билан уларни бир-биридан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан”.

“Энг яхши тил – тийилган тил, энг яхши нутқ – пухта ўйланган нутқ”.

“Сўз – хатти-ҳаракат демақдир. Сўз – фикр ифодаси ва шунинг учун ҳам у ифодаланаётган фикрга мутаносиб бўлмоғи керак”.

243

“Одамлар қандай сўзлашни ўрганадилар, асосий гап эса – қандай ва қачон сукут сақлай билишда”.

“Узоқ суҳбатдан сўнг ўтган гапларни бир эслашга уриниб кўр, шунда гапирилганларнинг аксарият қисми беҳуда, кераксиз ва кўпинча аҳмоқона бўлганига ҳайрон қоласан”.

“Нотиклик – жавҳарнинг ўзгинаси, салмоғига қараб нур таратади. Асл донолик қисқа ифодаланади”.

“Иккала баҳслашаётган одам ҳам қизишиб кетса, бу иккаловининг ҳам ноҳақлигини билдиради”.

“Ё ўзинг ёки суҳбатдошинг зарда қила бошлаганини фаҳмладингми, ўша заҳоти гапни тўхтат. Айтмаган сўзинг – тилла билан баробар”.

* * *

“Шундай фикрлар борки, уларни бениҳоя кенг маънода қўлаш мумкин; шу сабабдан бу фикрлар қанчалик кўпчиликка мос шаклда ифодаланган бўлса, ақл ва юракка шунчалик кўп озик беради, улар шу даражада чуқур ҳис этилган фикрлар бўлиб чиқади”.

* * *

“Ҳикматли сўз китоблари ақлнинг мустақил фаолиятига нафақат тазйиқ этмайди, аксинча, мустақил фаолиятга чорлайди”.

* * *

“Лўнда фикрларнинг яхшилиги шундаки, улар жиддий китобхонни ўзича ўйлашга мажбур этади”.

* * *

“Аксари ҳолларда ёшларнинг: мен бировнинг ақли билан яшамайман, деган гапларини эшитасан. Ўйлаб кўрилганларни ўйлаб ўтириш сенга не ҳожат? Тайёрини олиб, олға кетавер. Инсониятнинг кучи шунда”.

* * *

244 “Бекорчиликни ҳеч нарса қуруқ гапдек рағбатлантира олмайди”.

* * *

“Ҳар нарсадан ўзни тийиш учун одамга куч керак, лекин шулар орасида энг қийини тилни тийишдир. Энг муҳими ҳам аслида шу”.

* * *

“Айтар сўзи йўқ одам кўп гапирари... Зарур гапни айтолмаганинг учун бир марта аттанг қилсанг, тилингни тиёлмаганинг учун эса минг карра аттанглайсан”. (Л. Толстой)

* * *

“Яхши фикрлар тиниқ услубни талаб қилади. Услуб – бу либос, фикр либос тагидаги баданга ўхшайди”. (Ф. Достоевский)

* * *

“Ушбу қоидага ҳамиша амал қил: сўзларга – торлик, фикрларга эса кенглик керак”. (Н. Некрасов)

* * *

“Сўзни ишлатаётганда ҳалол бўлмоқ керак”.

“Ўткир сўз, худди хатга тушгандай, болта билан ҳам чопилмайди”. (Н. Гоголь)

“Тил бойлиги ва нотиклик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган... Чинакам нотикликни кўролмайдиган жамиятда қуруқ ваъзхонлик, сўз риёкорлиги ёхуд бемаза сафсатабозлик ҳукм суради. Ўтмишда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам нотиклик маданиятнинг энг кучли таянчларидан биридир”.

“Жимжимадор гапиришдан сақлан. Тил оддий ва гўзал бўлсин”. (А. Чехов)

“Одам кўп гапириб қўйганда ҳаммавақт қандайдир виждони азобланиб, ўнғайсизланиб юради”. (И. Тургенев)

“Ўйлай билмайдиганлар эзмалик қиладилар”. (Р. Шеридан)

“Ёлғон эзмалик билан яширинган бўлади, ёлғон, маълумки, барча иллатларнинг боши”. (М. Салтиков-Шчедрин)

“Тил – бамисоли чолғу асбоби: у эҳтимол скрипкадан ҳам нозик ва мураккабдир. Яна шуни айтиш лозимки, тилни ҳам, скрипкани ҳам юзаки билишга тоқат қилиб бўлмайди”.

(П. Вяземский)

“Тил одамга ўз манфаатларини қондириш учун эмас, аксинча, ўзидаги фикр-ўй, туйғулар, ўзидаги ҳақиқат ва илҳом учқунларини ифодалаш ва ўзгаларга инъом этиш учун берилади”.

“Сўз – шамолга қараб учадиган ўйинчоқ пуфак эмас. У иш қуроли: у маълум даражадаги оғирликни кўтариб турмоғи лозим. Ўзгалар кайфиятини қанчалик ром этиши ва ўзгартиришига қарабгина биз сўзнинг аҳамияти ва кучини баҳолашимиз мумкин.

(В. Короленко)

“Тил – халқнинг тарихи. Тил – тараққиёт ва маданият босиб ўтган йўл. Шу боисдан ҳам тилни ўрганиш ва авайлаш шунчаки бекорчиликдан қилинадиган иш эмас, балки у муҳим зарурат тақозосидир”.

(А. Куприн)

“Сўз – инсоннинг буюк қуролларидан бири. Ўрнида, сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади. У сўзловчининг ўзини қизиқтириб юбориши, уни ва атрофидагиларни ўз нафислиги билан маҳлиё этиши мумкин”.

“Бетайин гапиргандан кўра гапирмаган афзал”.

(А. Кони)

“Ўткир тил тўхтовсиз интилиш давомида янаям ўткирроқ бўладиган бирдан-бир кескин қуролдир”.

“Кимки кўп фикрласа, оз гапиради, чунки у оз сўзга кўп маъно сингдиришга ҳаракат қилади”. (У. Ирвинг)

“Ғам-андухларингни писанд билмай кул – шунда уларнинг доғи кетади. Рақибинг устидан ҳам кул – шунда унинг ғазаби сўнади. Ўз жаҳолатинг устидан кул – шунда у ҳам махв бўлади”.

(Я. Райнис)

“Тил ўзидаги барча мавжуд афзалликлар: равшанлик, аниқлик, жозиба, оҳангдорликни синчковлик билан саралаб олишни ва уларни ардоқлаб янада ривожлантириб боришни талаб этади”.

“Барча тиллар аниқликка интилади, аниқлик эса қисқалик, ихчамликни талаб этади”.

“Оддийгина равшан сўзларга жо бўлмайдиган ҳеч нима йўқ... Тилнинг софлиги, маъно аниқлиги, ўткирлиги учун кураш ма-

даният қуроли учун курашдир. Бу кураш қанчалик ўткир бўлса, қанчалик аниқ йўналтирилса у шу қадар енгилмасдир”.

* * *

“Лўнда фикрлаш – халққа хос... Халқ тилига яқин бўлинг, икки-учта сўз билан жонли тасвир яратувчи оддийлик, қисқалик, теранликни изланг”.

* * *

“Ишни сўзда айтиб беришдан кўра, сўзни амалга ошириш қийинроқдир... Худди қўнғироқ бонги сингари ҳаммани ларзага солиб, титратиб олға ундайдиган жарангдор сўзлар зарур”.

* * *

“Нимани гапириш ҳар доим муҳим бўлавермайди, қандай гапириш эса доимо муҳим”.

* * *

“Сўз қанчалик оддий бўлгани сари шунчалик аниқ бўлади, қанчалик ўрнида ишлатилгани сари – жумлани шу қадар кучли ва ишончли қилади... Чинакам донишмандликнинг бари оддий ва тушунарлидир”.

* * *

“Қисқа нутқ ҳамиша сермаъно ва кучли таъсир кўрсатиш хислатига эга бўлади”.

* * *

“Тил – тафаккур қуроли. Тилга палапартиш муносабатда бўлиш – палапартиш ноаниқ, тахминан, нодуруст фикр қилиш ҳамдир”.

* * *

“Тил – миллатнинг қалби. Тил ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир... Тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир... Тил маданият билан биргаликда юксалади”.

* * *

“Шуни иккиланмай айтиш мумкинки, яхши тилда, соф, яхши, бой тилда сўзлаётган одам ёмон тилда ва қашшоқ тилда сўзлаётган одамга қараганда чуқурроқ фикрлайди”. (А. Толстой)

* * *

“Эртами-кечми, барча сирлар очилади. Сира очилмай қоладиган сир йўқ”.

* * *

“Мен билган нарсам ҳақида сукут сақласам, буни нодонлик деб ҳисоблайман: билмагани ҳақида гап сотиш нодонликдир”.

(М. Пришвин)

* * *

“Агар одамнинг сўзи ланж, оғир, пойма-пой, нўноқ, мужмал, қовушмаган бўлса, ҳарқалай, унинг зеҳни ҳам ўшандай, чунки у фақат тил воситаси билан фикрлайди”.

* * *

“Тафаккур эгаларининг фикрлари билан танишиш мия учун тенгсиз машқ: ақлга ақл қўшади ва фикрни ўткирлаштиради”.

(И. Гердер)

* * *

“Дунёдаги энг беозор қурол – уч қарич сайроқи тил”.

* * *

“Қизиқ, вайсашданми ёки уни тинглашданми тезроқ чарчайсан?”.

(Кобо Абэ)

* * *

“Ҳикматли сўзлар ва доно иборалар чинакам ҳаётий донишмандлик ва адабиётнинг мағзи эканини, ҳикматли сўзларга бой китобларгина кўпроқ наф беришини унутмаслик керак: одамлар китоб ўқиётганда асосан шу ҳикматли сўзларни излашлари зарур”. (Ж. Морлей)

* * *

“Лўнда ҳикматли сўзлар кишиларнинг миясига сингиб қолади, илдиз отиб, гуллайди, ҳосил беради ва ҳамиша таъсир кўрсатиб боради” (Ф. Боденштедт)

* * *

“Донишмандларни ўрганиш ажойиб натижа беради, дарвоқе, уларда ҳаммавақт нимадир учрайдики, у миянгга қаттиқ ўрнашиб қолади, қон ва жисмингга ўтади”. (Я. Коменский)

* * *

“Яхши фикр, қаердан олинганидан қатъи назар, ўзингнинг нодон фикрингдан кўра афзал, бу гап ўзи билан ўзи ўралашиб, ҳеч кимни тан олмай қўйганларга таъна”. (Ф. Ламот-Левайле)

“Ақли бўлишни истасанг, мулоҳаза қилиб сўрашни, диққат билан тинглашни, мулойим жавоб қайтаришни ва бошқа айтадиган гапинг бўлмаса, индамасликни ўрган”. (И. Лафатер)

“Сукут сақлашни билмаган кимса камдан-кам яхши гапира олади” (П. Шаррон)

“Сукут беодоблик, қўполлик ёки ҳасад юзага келтирган ҳар қандай келишмовчиликка қарши энг тўғри жавобдир”.
(И. Циммерман)

“Сукут баъзан ғоят ажиб ва ёқимли сўзамолликка нисбатан ҳам сермаънолик ва афзаллик касб этади ҳамда жуда кўп ҳолларда юксак донишликдан далолат беради”.
(Ж. Аддисон)

“Яхши сўзловчи кишининг сукут сақлаши унча ёмон ҳам гапирмаётган одамнинг валақлашидан кўра кўпроқ хурмат уйғотади”.
(Н. Шамфор)

“Маълумки, кўп ҳолларда ғоявий суҳбат дегани шундан иборатки, ҳар хил китобчаларнинг сарлавҳалари ёдаки ўқиб берилади”.
(Г. Сенкевич)

“Биз одатда билмаган нарсамиз ҳақида кўп гапирамиз. Чунки шу ҳақда ўйлаймиз. Ақлимизнинг иши ҳам шу томонга қаратилган, ҳойнаҳой, фақатгина ишга қаратилган”.

“Тил учига келиб турган иккита сўздан доимо энг оддийсини танланг”
(П. Валери)

“Гапириш ва ҳаракат қилиш вақти келгунча жим туролмайдиган киши чин инсон эмас”.

“Агар бировни қандайдир қилмишдан тўхтатиб қолмоқчи бўлсангиз, сиз уни шу ҳақда гапиришга мажбурланг: одамлар қанчалик кўп гапирганлари сари иш қилишга иштиёқлари шунча сусаяди”. (Т. Карлейл)

“Сукут сақлашни билмайдиган одам боглаб гапиролмайди ҳам”.
(Сенека)

“Агар одамлар фақат билган нарсаларини гапирганларида қанчалар жимжитлик ҳукм суришини бир тасаввур қилиб кўринг”.
(Г. Чапек)

“Биз биттагина сўз билан ўзимизга ва ўзгаларга қандай зарар етказа олишимизни етарли тасаввур қилмаймиз; бу зарарни деярли тузатиб бўлмайди”. (Ф. Ламенне)

250
“Кўпчилик ўзларини ўйлатмайдиган аллақанча луғатга эгадирлар; бу луғат кам маъно англатадиган ва шунинг учун ҳам истаган нарсага қўлласа бўлаверадиган сўзлардан ташкил топган. Бу бўш шишаларга ёпиштирилган ёрликлардир”. (Г. Лансон)

“Кўп ўйлайдиган одам иложи борича кам сўз ишлатиб, кўпроқ фикр беришга интилиб гапиради”. (У. Ирвинг)

“Доим ўзинг гапираверсанг – ҳамиша ҳақ бўлиб чиқасан”.
(О. Балзак)

“Ҳеч кимга сўз бермай суҳбат мавзуини улаб кетавериш шахсиятпарастликнинг энг жўн кўринишидир, унинг қораланиши тўғри”.

(Г. Спенсер)

“Нозик ҳис қилиш қобилиятига эга бўлган кишига бутун тафсилотни айтиб беришга уриниш зерикарли ва ҳақоратли таъсир этади”. (Р. Люксембург)

“Ақлли кишининг ишораси ҳам кифоя”. (Теренций)

“Одамнинг сўзидан фақат унинг қандай кўриниш ниятидалигини билиш мумкин, аслида унинг қандайлигини сўзларни ифодалашдаги имо-ишораларидан, юз бужмайтиришларидан, бинобарин унинг оғриниб қилган ҳаракатларидан ҳам билиб олиш мумкин”.

(Ф. Шиллер)

“Мамлакатнинг табиати ва халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифода этилган. Одамлар ҳаётдан кўз юмаверганлару, аммо улар яратган сўз халқ тилининг мангу ва битмас-туганмас бойлиги сифатида қолаверган: бинобарин, тилдаги ҳар бир сўз, унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир, ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқ тарихи ифода этилган”.

“Тилда халқнинг бор-йўғи, унинг бутун ватани гавдаланади... Тил халқнинг ўтмиш, ҳозирги ва келажак авлодини буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам воситадир”.

251

“Сўз фикрни тўғри ифода этсагина яхши; сўз чармдан тикилган кўлқоп кийилгандагидек эмас, балки баданнинг ўзидан ўсиб чиққан теридек бўлсагина, у фикрни тўғри ифодалайди”.

(К. Ушинский)

“Сўзлар – асрга, фикрлар эса асрларга татийди”.

(Н. Карамзин)

“Тилсиз шахс ҳам, халқ ҳам ўзининг фикр-туйғуларини бошқаларга ўтказа олмайди, айниқса келажак авлодга қолдиролмайди”. (Х. Абовян)

“Яхши нотик бўламан деган одам гапнинг дангалини айтади”. (В. Ключевский)

“Айтилаётган ҳар бир сўз замирида нотикнинг руҳияти ифодалансагина маъруза нишонга тегади; ўша руҳиятни уйғотган куч, ўша маънавий ҳолат сезилиб туради”.

“Шахсий бахтга эришиш учун иш билан бирга сўзга эътибор бериш катта аҳамиятга эга”. (Н. Шелгунов)

“Сафсатабозлик ва вайсақилиқдан ҳазар қил. Ўйла, эзгулик ва адолат тантанаси йўлида қўлингдан келган барча ишни қил”.

“Билгинки, сенинг фаросатсиз, совуқ, бепарво сўзинг хафа қилиши, дилни оғритиши, ранжитиши, изтиробга солиши, ларзага тушиши, довдиратиб қўйиши мумкин”. (В. Сухомлинский)

“Ўткир фикр ортиқча изоҳ талаб қилмайди: ҳаммаси равшан бўлгач, ортиқча изоҳнинг нима ҳожати бор. Эзмалик калтабинлик белгиси. Маъносидан сўзи кўп ваъз ва хатларнинг бари одамнинг калтабинлигини кўрсатади”. (А. Сумароков)

“Инсон тафаккури ва тажрибасининг ўлмас хазиналари минг йиллар оша сўзда жамланади ва абадий яшайди... Кишиларнинг ақл бовар қилмас даражадаги хилма-хил муносабатлари халқнинг ғоят пардоздан ўтган ҳикматли сўзларида ўз аксини топган”.

(М. Шолохов)

“Сўздаги аниқлик фақат услуб талаби, яхши дид талабигина бўлиб қолмай, балки энг аввало маъно талабидир: қаердаки ланж гап бўлса, у ерда фикр ҳам саёз бўлади”.

(К. Федин)

Ҳикмат аҳли дедилар:

“Бадан заҳардан, қалб ёмон сўздан ўлади. Чунки сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир. Юзга айтилган сўзнинг тиғи ўткир бўлади”.

“Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир. Чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлай-

ди. Вужуд яхши таом билан жонланганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан ором олади”.

Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун,
Устихон эрмаски, они рост қилса мўмиё...

Масал: Бир одам айиқ билан дўстлашиб, уни уйига бошлаб келди. Бу меҳмоннинг ташрифидан норози бўлган хотини: “Фу, шу сассиқ билан ошно тутиндингизми?” – деб афтини бужмай-тирди. Буни эшитиб ранжиган айиқ болтани олиб, дўстига узатди-да, илтижо қилди:

– Шу болта билан пешонамга бир ур!

Айиқ илтимосини қайтаравергач, дўст унинг пешонасига болта урди. Жонивор оғриқ азобидан ўкириб, ўрмонга қараб югурди. Орадан ҳафталар ўтгач, у яна дўстига рўпара келиб, дедики:


– Қара, болтанинг изи битиб кетди, лекин хотининг тилидан учган сўз яралаган юрагимга даво тополмаяпман...

“Сўз – туя бурнига ўхшаш, унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир, етовга юраверади. Демак, масала – уни қай томон етаклашда! Кишининг сўзи жонга роҳат бергувчи бўлмаса, сўзламаслик керак”.

“Ёмғир томчилари ерни жонлантиргани каби комил инсонларнинг сўзлари кўнгилларни жонлантиради”.

“Кимки тилини яхшиликка ишлатса, қуролидан усталик билан фойдаланувчи овчи каби бўлади. Ўзи тушунмаган сўзга аралашаверадиган киши эса нуқул беҳуда ўқ узаверадиган ношуд овчига ўхшайди. Бир оғиз ширин сўз шундай қудратли-ки, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб турган кишини ҳаётга қайтаради”.

“Сўзлар – ўзликнинг ифодаси. Катта дарахтлар кичик уруғларда яширинганидек, кишининг асл кўриниши сўзларига яширинган бўлади. Тили бошқа, дили бошқа мунофиқлар бир кунмас бир кун ўз сўзларидан илинадилар. Бугун уларнинг му-



нофиқликларини яширган ширин сўзлари эртага заҳарга айланиб, фош қилади. Чунки заҳарнинг устини ширин қобиқ билан қоплашнинг фойдаси йўқ. Қобиқ емирилади, заҳар эса заҳарлигича қолади”.

“Ўйламай айтилган сўзлар қалбларни ўлдиради. Осмондан қор ҳам, дўл ҳам, ёмғир ҳам ёғади. Бу ёгинлардан экинзорлар ё яшнайти ёки фалокатга учрайди. Инсон оғзидан чиққан сўзлар ҳам бамисоли қор, ёмғир, дўл кабидир. Улар кишиларга ё ҳаёт бағишлайди ё ўлдиради. Яъниким, қор вақтида ёғса – ҳаёт манбаи, бевақт ёғса – талафот”.

“Сукут вақтида сукут сақлашни, суҳбат пайтида сўзлашни билган киши бахтиёр инсонлардан ҳисобланади. Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилятдир. Зеро, сукут лозим бўлганда сукут сақлаган, суҳбат лозим бўлганда суҳбатлашишни билган инсонни буюклар сафига қўшарларки, вақтида сукут сақламак – оқил сўзламакнинг шартларидан биридир. Тушунмай, ўйламай гапирадиган киши сархуш кабидир. У нима деганини билмайди, ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга фалокат келтиради”.

“Камгаплик – донолик йўлининг бошланиши. Сергап одам вайсақи бўлиб қолади. Унинг билим ўрганишга вақти етишмайди. Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири – тил, иккинчиси – юрак. Тил – сўз учун, юрак – кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли тўғри, рост сўзни сўзъяроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул”.

“Сергап одамнинг ақли тилида бўлади. У нима гапирётганини ўзи ҳам билмайди. Бошқалар ҳам унинг сўзларига аҳамият бермайдилар. Маҳмадана, валдировчи одам очик бир мактубга ўхшайди. Уни истаган одам ўқийверади. “Сўзга усталик нима?” бузмаслик”, деб жавоб берадилар. Агар сўз қалбдан чиқиб келса, эшитгувчининг қалбига дарров таъсир қилади, аммо тилдан содир бўлса, кулоқдан нарига ўтмайди. Гарчи нотикнинг сўзини

бўладиганлар бамисоли йўлтўсар, ҳаёсиз қароқчига қиёс этилса-да, сергап одамнинг ўзи давра аҳлини йўлтўсарга айланишларига мажбур қилиб қўяди. Ўзаро гап-сўз бошланади. Зийрак нотик даврадаги ўзгаришни сезиши, гапни дарҳол мухтасар қилиши шарт”.

“Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар. Улар кўпроқ эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ – кишини бойитади, кўп гапирмоқ саёзлатади”.

“Ҳидланган ўлимтиқлар устидан эсган шамол ҳар тарафга ёқимсиз ҳидлар тарқатади. Нафасларни бўғади. Бандалиқ лаззатидан маҳрум фосиқларнинг суҳбатидан худди шундай қўланса ҳид тарқалади. Улар ўзларининг бузғунчилиги билан ичма-ич бўлиб кетганлар. Бузғунчиликларидан лаззат оладилар”.

Бир киши донодан сўради:

– Фалон обид ҳақида на дея олурсанки, ўзгалар анинг изидан таъна қилиб, кўб сўз айтурлар.

Доно у обид билан сира суҳбат қурмаган эди, шу боис деди:

– Зоҳирида ҳеч айб кўрмасмен ва ботинида на айби борин билмасмен.

(Яъни, ташқи кўринишида камчилик йўқ, аммо сўзларини тингламай туриб, унинг камоли ҳақида фикр билдириш амри маҳолдир)

“Туғилган одам вақти-соати етгач, албатта, ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари оқил, эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, унинг номи мангу қолади. Инсон икки нарса туфайли қарилиқ нималигини билмайди: бири – хуш қилиқ, яна бири оқил сўзламаклик. Одамдан қоладигани ҳам оқил сўздир. Ҳамиша очик, самимий сўзловчи одам мардона яшаб, мардона ўлади”.

Тил бўлсайди ўз қалбининг сирдоши,
Кесилмасди тил эгасининг боши.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Сўз кўрки – мақол.
- * Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.
- * Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга.
- * Тилингни сақла, бошинг саломат бўлади.
- * Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.
- * Тил – арслон, мисоли ётар қафасда, эй тил эгаси, бошингни асра.
- * Олдин ўйла, кейин сўйла.
- * Фойдасиз сўз – фойдасиз дори.
- * Тил бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бошга бало.
- * Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл.
- * Ўйламасдан тилга келган сўз зарардир ва илмдан бебахра сўзнинг қадри йўқдир.
- * Тил билан тугилган нарса тиш билан ечилмайди.
- * Тил бор – бол келтирар, тил бор – бало келтирар.
- * Тил кетидан от билан ҳам етолмайсан.
- * Тил кичик бўлса ҳам, дунёни бузиб, тузатади.
- * Тил – кўнгил тилмочи.
- * Тил – юракнинг калити.
- * Тил – қиличдан ўткир.
- * Тилни билиш – дилни билиш.
- * Тилни тийган бой бўлар, баҳри-дили чоғ бўлар.
- * Тилга зийнат элнинг иши, дилга зийнат эрнинг иши.
- * Тилингни ботир қилма, ўзингни ботир қил.
- * Тили узун – иши хуржун.
- * Тили бўшнинг дили бўш.
- * Тилингни тишлаб олсанг, тишингни суғуриб олма.
- * Тилинг келишмаса ҳам, дилинг келишсин.
- * Тилдан қоқилгандан кўра, оёқдан қоқилган афзал.
- * Тилдан етган озор найза озоридан ёмон.
- * Қардош тилни билмоқ – қадрдонлик белгиси.
- * Сўзнинг ҳам ўлчови бор.
- * Оз сўз – саз сўз.
- * Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор.
- * Нотиқ маҳмадона бўлса, мажлисининг бурди кетар.
- * Тилни билиш – дилни билиш.
- * Гапнинг тагини гап очар.
- * Айтилган сўз – отилган ўқ.
- * Кумуш сўзингни чақага майда қилма.
- * Сўз суяқдан ўтар, таёқ – этдан.
- * Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши.

- * Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла.
- * Кўпни билган оз сўзлар, оз бўлса ҳам соз сўзлар.
- * Сўзингни билиб сўзласанг, тилингни дури тўкилмас.
- * Эви билан сўзлаганнинг қурбони бўл.
- * Қиличнинг захри кетса ҳам, сўзнинг захри кетмас.
- * Юракдан чиқса сўзинг, юракка тўғри тушгай.
- * Анжом – уй зийнати, сўз – инсон зийнати.
- * Эр бойлиги – йўлда, сўз бойлиги – тилда.
- * Эр сўзи – эл сўзи.
- * Яхши гапнинг ҳам қулоғи бор, ёмон гапнинг ҳам.
- * Яхши нақл – томири ақл.
- * Ўн оғиз сўз минг оғиз бўлар.
- * Билган сўзни айт, билмас сўздан қайт.
- * Билган топиб гапирар, билмаган – қопиб.
- * Ширин чойинг бўлмаса, ширин тилинг бўлсин.
- * Ширмой нонингни берма, ширин сўзингни бер.
- * Ариқни сув безар, одамни – сўз.
- * Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.
- * Аччиқ тил – захри илон, чучук тилга – жон қурбон.
- * “Баракалла”га қул меҳнат қилиб ўлар.
- * Беморга ширин сўз керак, ақлсизга – кўз.
- * Бир ширин сўз битказар минг кўнгилинг ярасин.
- * Бир яхши гап эсдан чиқмас, бир ёмон гап.
- * Гапи сассиқнинг ўзи сассиқ, гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ.
- * Гапи тўнгнинг ўзи тўнг.
- * Гапнинг ёмони – пичир-пичир.
- * Гапнинг қисқаси яхши, қисқасидан ҳиссаси яхши.
- * Дорининг аччиғи яхши, сўзнинг ширини.
- * Дунёни ел бузар, одамни – сўз.
- * Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир.
- * Дўст орттираман десанг – ширин суҳбат қил,
Душман орттираман десанг – чақиртикан бўл.
- * Ёмон гап – бош қозиғи, яхши гап – жон озиғи.
- * Ёмон гап тарсакидан ёмон.
- * Ёмон гапнинг оёғи олти.
- * Ёмон сўз эгасига қайтар.
- * Ёмон сўзлаб совитма, жон оғритиб – овутма.
- * Ёмон сўзнинг қаноти бор.
- * Ёмон тил бошга бало келтирар,
Яхши тил давлат, дунё келтирар.
- * Ёмон тил ё жонга урар ё иймонга.
- * Ёмонни яхши қилган ҳам тил,

- Яхшини ёмон қилган ҳам тил.
- * Ёмоннинг юзи курсин, гапирган сўзи курсин.
 - * Заҳар тил суякни ёрар.
 - * Суяксиз тил суяк синдирар.
 - * Ёмоннинг яхши сўздан яхшининг ёмон сўзи яхши.
 - * Илиқ сўз – шакар, ёмон сўз – заҳар.
 - * Иссиқ кийим танни, иссиқ сўз жонни илитар.
 - * Йўл қувган хазинага йўлиқар, сўз қувган – балога.
 - * Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар.
 - * Куч эгмаганни сўз эгар.
 - * Кўздан кўзинг тойса, сўздан кўнглинг тояр.
 - * Кўнгилни қўл билан овламасанг, тил билан овла.
 - * Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши.
 - * Кўп гап – эшакка юк.
 - * Мазали сўзга қулоқ чарчамас.
 - * Майда гап катта ишни ғарқ қилар.
 - * Минг чечанни бир эзма енгар.
 - * Муздан сув томар, сўзамолдан – бол.
 - * Овқатни туз мазали қилар, одамни – сўз.
 - * Одам сўзлашиб танишар, ҳайвон ҳидлашиб.
 - * Орқадаги гап – оғилдаги тезак.
 - * Оғизга келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон.
 - * Оғриган жойга қўл югурар, оғритар сўзга тил югурар.
 - * Оқ дегани – олқиш, қора дегани – қарғиш.
 - * Пичир-пичирдан ўт чиқар.
 - * Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.
 - * Суйдирган ҳам тил, куйдирган ҳам тил.
 - * Сел ариқни бузар, ёмон сўз – дилни.
 - * “Сен” ҳам бир оғиздан, “сиз” ҳам.
 - * Совуқ гап юракни музлатар.
 - * Сув ўз йўлини топар, сўз эгасини.
 - * Сўз оёқдан илгари борар.
 - * Сўз ожизи бўлгунча кўз ожизи бўл.
 - * Сўз – чумчуқ эмас, оғиздан чиқса тутиб бўлмас.
 - * Сўзда қанқув (кесатиқ) ёмон, дардда – санчув (санчиқ)
 - * Танбаллик – кулфат, маҳмадоналик – офат.
 - * Таом лаззати – ўзида, одам лаззати – сўзида.
 - * Тузсиз ошнинг эпи осон, тузсиз гапнинг эпи қийин.
 - * Туя ҳам муомалага чўкар.
 - * Тўксон оғиз сўзнинг тўксонта тугуни бор.
 - * Узун тилим – узғун тилим, қисқа тилим – тизгин тилим.
 - * Фил кўтармаганни тил кўтарар.

- * Ширин сўз – қаймоқли айрон, аччиқ сўз – бўйнингга арқон.
- * Ширин-ширин сўзласанг – илон инидан чиқар,
Аччиқ-аччиқ сўзласанг – мусулмон динидан чиқар.
- * Элни севсанг, элча гапир.
- * Этиги ёмон – тўр булғар, оғзи ёмон – эл.
- * Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар,
Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлар.
- * Яхши сўздан – вафо, ёмон сўздан – вабо.
- * Яхши сўздан мой эрийди, ёмон сўздан сой қурийди.
- * Ўқ бирни ўлдирар, сўз – мингни.
- * Қулоқдан кирган совуқ сўз кўнгилга бориб муз бўлар.
- * Қўтир қўлдан юқар, бало – тилдан.
- * Ҳикмат – бир ҳовуч олтин.

* * *

- * Яхши сўз эшитмоқчи бўлсанг, ёмон гап айтма. *(Арман мақоли)*
- * Тилдан ҳам бол томар, ҳам – заҳар. *(Қирғиз мақоли)*
- * Оқил киши сўзига бино қўяр, нодон киши ўзига бино қўяр”.
(Тоҷик мақоли)
- * Тишлар – тилнинг қулфи.
- * Яхши сўз темир дарвозаларни очтирар. *(Грузин мақоллари)*

Муножот:

– Ё Аллоҳ, Ўзингга шукрки, бошқа маҳлуқларингдан фарқли ўлароқ, бизларга сўзламоқ учун тил бердинг. Биламизким, шайтон алайҳилағна тилимизга эга чиқмагунича қалбларимизни ҳам эгаллай олмас. Шу боис иблиснинг ёмонлигидан ўзингдан паноҳ истаб, бизларни тилини қабих сўзлардан иҳота эта оладиган солиҳ ва оқил бандаларингдан қилишингни сўраймиз. “Иймон жиҳатдан энг комил мўмин ахлоқдан энг устун бўлган мўминдир. Сизларнинг энг яхшиларингиз оиласига яхши муомалада бўлганингиздир”, “Қиёмат куни банданинг тарозусида яхши ахлоқдан оғир келадиган бошқа нарса йўқдир. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло ёмон ишлар қилган ва ёмон сўзлар сўзлаган бандаларига ғазаб қилади”, мазмунли ҳадиси шарифларни унутмай, тилимизни ҳамийша ва ҳар он покиза сақлашимизни насиб эт. Аввало оилада, сўнг жамоа орасида фисқ сўзларни айтиб, уятга қолишимиздан Ўзинг асра. Омийн, ё Раб ал-оламийн!

САЛОМИНГ БЎЛМАСА...

(Салом ўрнига тилимиздан жой бераётганимиз ҳазил-мазах, масхара, сўкиш, риё, ғазаб... ҳақида)

“Биз эслатма-ибрат олгувчи қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида дорус-салом (*тинчлик диёри, яъни жаннат*) бордир ва қилиб ўтган яхши амаллари сабабли Аллоҳ уларнинг Дўстидир”.

(*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Анъом сурасидан*)

“Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни эса иймон-эътиқодлари сабабли Парвардигорлари (*жаннат йўлларига*) хидоят қилур... Уларнинг (*жаннатда қиладиган*) дуолари: “Аллоҳим, поклик Сенгадир”, дейиш, у жойдаги ўзаро саломлари (*бир-бирларига*) тинчлик тилашдир”. (*Юнус сурасидан*)

“Улар ўзларининг солиҳ ота ва аждодлари ва солиҳ хотинлари ва солиҳ зурриётлари билан жаннатга дохил бўладилар. Жаннатнинг ҳар бир дарвозасидан кирсалар, малоикалар уларга салом бериб айтадиларки: “Энди сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! У дунёда Аллоҳнинг берган қийинчиликларига сабр қилганларинг учун охират диёрининг роҳатлари қандай яхшидир!”.

(*Раъд сурасидан*)

“Жаннатда улар бирон беҳуда сўз эшитмаслар, магар (*аҳли жаннат томонидан*) “Ассалому алайкум” калимасини (эшитадилар). (*Марям сурасидан*)

“Уларга малоикалар салом билан, яхши мулоқот қилиб айтадиларки: “У дунёда ваъда қилинган мана шу кунларингиз келди. Энди сизларга роҳат қиладиган вақт етди”. (*Анбиё сурасидан*)

“Парвардигорнинг шундай бандалари борки, ер юзида тавозуъ билан юрадилар. Вақтики, жоҳиллар адабсизлик билан хитоб қилганларида: “Сизларга саломатлик бўлсин”, деб кетадилар (*беҳуда сўз айтмайдилар*). (*Фурқон сурасидан*)

* * *

“Аллоҳ таоло мўминларга меҳрибон Зотдир. Қиёмат куни мўминлар Аллоҳга рўбарў бўлганларида уларга Аллоҳ таоло тарафидан таҳийёт учун салом берилади”. (Аҳзоб сурасидан)

* * *

“Улар жаннатга етиб келганларида жаннатнинг дарвозаси очилади. Жаннатнинг ходимлари уларга: “Сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Сизлар у дунёда пок юрдингизлар, энди жаннатга киринглар ва бу жойда абадий қолурсизлар”, деб айтадилар”.
(Зумар сурасидан)

* * *

“Улар жаннатда беҳуда ва гуноҳ сўзларни эшитмайдилар, магар бир-бирларига саломлашишдан бошқа сўзни айтмайдилар (Уларга Аллоҳ томонидан ҳам фаришталар томонидан ҳам саломлар етиб туради).

(Воқеаъ сурасидан)

* * *

“Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчи зотдир”.

(Нисо сурасидан)

* * *

“Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми қандоқ ҳам ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ўшалар ўзлари золимлардир”.

(Хужурот сурасидан)

Тафсири:

Албатта ўзгаларни масхара қилиш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бир одам иккинчисини масхара қилса, камситса, устидан кулса, албатта, масахара қилинган одамнинг аччиғи чиқади, у ҳам масхара қилувчига ўзига яраша жавоб қилишга уринади. Орада низо-жанжал чиқади, ижтимоий алоқалар бузилади ва жамият заифлашади. Ислом эса доимо мусулмонлар жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун қайғуради. Шунинг учун ҳам, ушбу

ояти каримада Аллоҳ таоло инсонларни бир-бирини масхара қилишдан қайтармоқда...

Ожиз инсон ҳар нарсани ўз ўлчови билан ўлчашга ҳаракат қилади. Шунингдек, масхара қилувчилар ҳам ўзларича одамларнинг қадрини ўлчашиб, бой камбағалдан, кучли кучсиздан, амалдор амали йўқдан, фарзанди кўп эса фарзандсиздан кулиши мумкин. Лекин Аллоҳнинг ўлчови бошқа. Эҳтимол, ҳеч ким кўзга илмайдиган бир инсон Аллоҳнинг ҳузурида минглаб бой, зодагон, уддабуролардан чандон-чандон яхши мартабададир.

Одатда, кўпгина ишлар ҳақидаги ҳукмлар эркакларга хитобан айтилса-да, ўз-ўзидан, аёлларни ҳам ичига олиб кетаверади. Аммо, бир-бирини масхара қилишдан манъ қилувчи хитобда эркаклардан кейин аёллар алоҳида зикр этилган. Нимага? Чунки, бир-бирини масхара қилиб устидан кулиш, турли ишлар билан фахрланиб ўзгаларни камситиш аёлларда кўпроқ учрайди. Чиройли аёл хунугини, бойи камбағалини, ёши қарисини, моҳира-си нўноғини масхара қилиб устидан кулади. Лекин Аллоҳнинг ўлчови бошқа-ку! Эҳтимол, ҳаётда хунук, камбағал, нўноқ бўлган аёл Аллоҳнинг ҳузурида минглаб чиройли, бой ва моҳира аёллардан кўра яхшироқдир. Ҳа, кишилар қадрини ўлчашда Аллоҳнинг тарозуси ҳақиқий ўлчов ҳисобланади.

262

Ояти каримадага “ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг” жумласи ким бирор мўминни мазах қилса, ўзини мазах қилган билан баробар эканлиги айтилмоқда. Чунки, улар бир оиланинг фарзандлари, бир жисмнинг аъзолари, шунинг учун ким бирор биродарини мазах қилса, ўзини мазах қилган бўлади. Биз “мазах қилиш” деб таржима қилаётган сўз оятда “ла талмизу” бўлиб келган. Бу сўз “тамз”дан олинган бўлиб, бирор кишининг нуқсонларини тил билан зикр қилиб айблашга айтилади. Мисол учун, “фалончи кўр”, “писмадончи чўлоқ” ёки “анаву мана бундоқ қилиб гапиради”, кабилар. Албатта, бир-бирини мазах қилиш орқасидан жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчиликлар, норозиликлар келиб чиқади. Натижада, ижтимоий алоқалар бузилади, жамиятга зарар етади. Ислом жамиятида эса, бунинг акси бўлиши керак.

Ояти каримада даъват қилинаётган учинчи юксак одоб Аллоҳнинг “бир-бирингизга лақаб қўйманг”, деган сўзларида намоён бўлган. Одатда, лақаб қўйиш орқали бир кишини камситиш, масхара қилиш мақсади бўлади. Умуман, лақаб ёмон сифатларни зикр қилишдан иборат. Демак, бу иш аслида яхши эмас. Ислом гўзал дин, гўзалликни тарғиб қилувчи дин. “Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради”, дейилади. Шунинг учун

ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом жоҳилият пайтидан қолган хунук исм ва лақабларни чиройлисига алмаштирганлари ҳаммага маълум. Имом Аҳмад қилган ривоятда Абу Жубайра ибн Аз-Заҳҳок деганларки: “Бир-бирингизни мазах қилманг” ояти бизнинг Бани Салама қабиламиз ҳақида нозил бўлган. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага келганларида, бизнинг ҳар биримизнинг икки ёки уч хил номларимиз бор эди. Агар у киши бирортамизни ўша исмлардан бирини айтиб чақирсалар, кишилар: “Эй Расулуллоҳ, у бу исмни эшитса, ғазаби чиқади”, дейишарди”.

Кейинги даврларда ҳам бу ғайри одобий ишга қарши қаттиқ кураш олиб борилган. Лақаб қўйиш орқали инсонни камситиш катта гуноҳ ҳисобланади. Айниқса, у инсон мўмин бўлса. Шунинг учун ҳам оятда: “Иймондан кейин фосиқлик исми қандоқ ҳам ёмон”, дейилмоқда. Агар баъзи кишилар бир-бирларига лақаб қўйишиб юрган бўлсалар, ҳукми билмаган бўлсалар, энди ҳукми билиб, тушуниб етиб, тавба қилсинлар, астойдил надомат чекиб, кейин бу ишни такрорламасинлар. Шунда, Аллоҳ таоло уларнинг аввалги гуноҳларини кечиради. Тавба қилмаганлар-чи? Бу саволга жавоб оят сўнгида айтилган: “Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир”.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

263

“Аллоҳ ёмон гапни сўз билан ошкор қилишни хуш кўрмайди. Магар мазлумдан бўлса, майли. Аллоҳ эшитувчи ва билгувчи Зотдир”.

(Нисо сурасидан)

“Мунофиқ эр кишилар ва мунофиқ аёллар ҳаммалари бирдирлар, ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан қайтардилар ва қўлларини (садақадан) маҳкам юмадилар. (Яъни бахиллар) Аллоҳни унутадилар, бас, У ҳам уларни унутади. Албатта мунофиқлар ҳақиқий фосиқдирлар”.

(Тавба сурасидан)

“Ўшанда кофир бўлган кимсалар дилларига қизиққонликни – динсизлик қизиққонлигини солганларида Аллоҳ Ўз Пайғамбарининг ва мўминларнинг устига Ўз сакинат – оромини туширди”.

(Фатҳ сурасидан)

“Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдингиз. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингизда атрофингиздан тарқаб кетар эдилар”. (Оли Имрон сурасидан)

“У тақводор зотлар яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг хато-камчиликларини афв этадиган кишилардир. (Оли Имрон сурасидан)

“Эй Одам фарзанди, ғазаб келганда Мени ёдингга олгил, Мен ҳам сени ғазабим келганда ёдимга олурман”. (Ҳадиси қудсийдан)
(Бу хитобда “ғазабингни енганинг учун сени мукофотлайман, ҳалок қиладиган кишиларга сени ҳам қўшиб ҳалок қилмасман”, деган Аллоҳ таолонинг марҳамати бор.)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Одамларнинг энг ожизи – дуога ожизлик қилган одам. Одамларнинг энг баҳили **салом** беришга бахиллик қилган одамдир”.

“Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

– Ас-салому алайка, йа Расуллулоҳ! – деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) у одамга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи, – дедилар.

Кейин бошқа бир одам келиб:

– Ас-салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматуллоҳи, – деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматулиллаҳи ва барокатуху, – дедилар.

Сўнгра яна бир одам келиб салом берди:

– Ас-салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматулиллоҳи ва барокатуху.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга худди ўзидай жавоб қайтардилар:

– Ва алайкас-салому ва роҳматулиллоҳи ва барокатуху.

Шунда у одам мазкур жавобдан ажабланиб, деди:

– Эй Аллоҳнинг расули! Ҳузурингизга мендан олдинроқ фалончи ва фалончилар келиб салом бердилар. Сиз мендан кўра уларга яхшироқ жавоб қайтардингиз?

Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:

– Сен менга салом берганингда ошириб айтишим учун ҳеч нарсани қўймадинг. Аллоҳ: “Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки ўзидек жавоб беринг”, деган. Сенга ўзидек жавоб бердим.

Абу Ҳурайра Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар: “Йа Расулаллоҳ! Менга бир иш ҳақида хабар берингки, мен ўша ишни қилиб, жаннатга кирайин”. “Саломни ошкора қил, очларга таом бер, силаи раҳм қил, тунда одамлар ухлаган пайтда қоим бўл. Сўнг-ра саломат ҳолда жаннатга киравер”, – дедилар Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадилар: “Қайси амал энг яхши амалдир?” Жавоб бердилар: “Таниган ва танимаган одамнингга таом ва салом бермоғинг”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Анас ибн Моликка хитобан дедилар: “Эй ўғлим, уйингга ва қариндош-уруғингникига борсанг, саломлаш, бу салом сенга ва оила аъзоларингга барака келтиради”.

Ҳазрати Оиша онамиз айтдилар: “Расулуллоҳ ҳузурларига яҳудийлар келиб: “Ас-сому алайкум”, яъни “сизга ўлим бўлсин!” дейишди. Шунда мен: “Ўлим ўзларингга бўлсин ва Аллоҳ таолонинг лаънати ва ғазаби ҳам сизларга бўлсин!” деб уларни қаргадим. Шунда Расулуллоҳ: “Оиша! Қўй, ундай дема, оғир бўл, қаттиқ муомала қилишдан ва қарғашдан ўзингни сақла!” дедилар. Мен: “Ё Расулаллоҳ, буларнинг гапини эшитмадингизми?” – дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Сен ҳам менинг гапимни эшитмадингми? Мен уларга “ва алайкум”, яъни “айтган гапларингиз ўзларингизга бўлсин!” дедим. Аллоҳ таоло менинг уларга қилган дуойи бадимни қабул қилади. Аммо уларнинг менга қилган ёмон тилакларини қабул қилмайди”.

“Кишиларга **лаънат этувчилар** қиёмат куни шоҳид ҳам, шафоат қилувчи ҳам бўлолмайдилар”. *(Бундай кишилар Қиёмат куни қавм-қариндошлари ва дўст-биродарларига шафоат қила олмайдилар)*

“Кўп лаънат айтувчи киши мўмин бўла олмайди”.

“Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”, “Аллоҳнинг ғазаби бўлсин!”, “жаҳаннам бўлсин!” – деб бир-бирларингизни лаънатламанглар”.

Ҳазрати Оиша онамиз айтдилар:

“Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Бакрнинг ўз қулини лаънатлаётганини эшитиб қолдилар. Кейин Расулulloҳ Абу Бакрга қайрилиб қарадилар ва “Эй Абу Бакр! Аллоҳ таолога ишонувчилар билан бошқаларга лаънат ўқувчилар ҳақидаги гапларим қаерда қолди? Йўқ, бундай бўлмаслиги керак!” деб икки ё уч марта такрорладилар. Ўша куни Абу Бакр у қулни озод қилдилар ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб: “Энди қайтарилмайди”, дедилар. Шунда Расули акрам айтдилар: “Аниқки, кўп лаънат айтувчилар қиёмат кунда на шафоат қилинувчи ва на шаҳид бўладилар”.

266

“Кишиларни ёмон иборалар билан сўкувчи ва оғзини шундай сўкишга ўргатган бандани Аллоҳ таоло яхши кўрмайди”.

“Фаҳшдан сақланинг. Чунки, Аллоҳ таоло бузуқ сўзни ва бузуқ сўз билан булғанишни суймайди”.

“Мўмин сўкмайди, лаънатламайди, қўполлик ва беҳаёлик қилмайди”.

Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларни Бадр жангида ўлдирилган мушрикларни сўкишдан қайтариб, дедилар:

– Уларни сўкманглар. Чунки, айтаётганларингиздан бирортаси уларга етмайди, тириклар эса бу сўкишларингиздан озорланади. Огоҳ бўлинг! Беҳаёлик разилликдир.

“Ўликларни сўкманглар, чунки улар хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, қилган амалларига етдилар”.

* * *

“Ўликларни сўкманглар. Бу билан тирикларга озор етказиб қўясиз”.

* * *

“Албатта, Аллоҳ қўпол, бозорларда бақириб-чақиргувчини суймас”.

* * *

“Қўпол, бепарда сўзларни гапириш Исломдан эмас. Одамлар ичида Исломи энг гўзали ахлоқи энг гўзалидир”.

* * *

“Кимдир бирор айбинг учун сени сўкса, унинг ўзида ҳам шундай айб борлигини билсанг ҳам, сен уни сўкма. Шунда сенга савоб, унга гуноҳ бўлади”.

* * *

Иёз ибн Хамор сўрадилар:

– Ё Расулаллоҳ! Мавқеи пастроқ қавмдошим мени сўкди. Кучимдан фойдаланиб, ундан қасос олсам бўладими?

Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

– Сўкишаётганлар – ириллаб бир-бирига ташланмоқчи бўлаётган иккита шайтондир. Улар ёмон гапни гапиради ва ёлғон сўзлайди.

* * *

– Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир, – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.)

– Ё Расулаллоҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми? – деб сўрадилар саҳобалар.

Аллоҳнинг элчиси дедилар:

– Киши бир одамни сўкканида сўкиш эшитган одам сўкканининг отасини ҳам, онасини ҳам сўкади, – дедилар.

* * *

Бир аъробий Расулуллоҳ (с.а.в.)га “Менга насиҳат қилинг”, деди.

“Аллоҳдан қўрк. Кимдир қайсидир айбингни юзингга солиб, койиса, сен унинг айбини юзига солма. Шунда зарари унинг ўзига, ажри сенга бўлади. Ҳеч нарсани сўкма”, – деб насиҳат қилдилар Расули акрам. “Ўшандан бери ҳеч нарсани сўкмадим”, дейди аъробий.

“Бир-бири билан сўкишувчи кишиларнинг айби сўкишни аввал бошлагани устига тушади, башарти иккинчиси сўкишни ҳаддан ошириб юбормаса”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида бир киши иккинчисини сўқди. Иккинчиси жавоб қайтармади. Бу вақтда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўтирган эдилар. Иккинчиси ҳам сўқа бошлагач, ўринларидан туриб кетдилар. Саҳобалар:

– Ё Расулаллоҳ, нима учун туриб кетдингиз? – деб сўрашганида Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Фаришталар тургани учун мен ҳам турдим. Бу киши жим турган вақтда фаришталар аввалги сўкаётган кишига рад қилиб турган эдилар. Бу ҳам сўқа бошлагани учун ўша фаришталар ўринларидан туриб кетдилар.

Кўнгилни хира қилувчи воқеа содир бўлганида саҳобалар “Ё Расулуллоҳ, мушриклар ҳақиқа дуойи бад қилинг!” дейишганда, Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.): “Мен дуойи бад қилувчи ёки лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман”, деганлар.

“Албатта киши битта сўз билан суҳбатдошларини кулдириб, Хулкар юлдузларидан ҳам узоқроқ (*яъни чуқурроқ*) дўзахга кулайди”.

“Биродаринг билан тортишма, уни мазах қилма, сўз бериб, кейин унга хилоф қиладиган ваъдани берма”.

Муовиянинг озод этилган қули Қосим айтади:

“Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига бир аъробий туя миниб келди. Унинг улови ғоят қайсар экан. Аъробий Расули акрамга салом берди. Ҳар сафар Сарвари оламдан ниманидир сўрамоқчи бўлиб, яқинроқ борганида, туяси ҳуркиб орқага тисарилаверди. Саҳобалар бу ҳолни кўриб, кулдилар. Айни ҳолат бир неча марта такрорлангач, аъробий ғазабланиб, туясини чавақлаб ташлади.

– Эй Аллоҳнинг расули, аъробий туясини ўлдириб қўйдик-ку? – дедилар мазах қилиб кулган саҳобалар.

– Ҳа, сизларнинг оғзингиз унинг қонига тўладир! – дедилар Сарвари олам аъробийнинг устидан кулган саҳобаларга”.

“Энг ёмонларингизни айтсам, улар чақимчилик билан юриб дўстлар орасини бузувчи, бегуноҳ одамларнинг бузуқлик, ҳалокат ва машаққатга мубтало бўлишларини изловчи кишилардир”.

“Яширин равишда кишилар гапига қулоқ солиб, уни ёмон ниятда бошқаларга нақл қилувчи одам жаннатга кирмайди”.

Набий муҳтарам саҳобаларидан: “Тухмат ва чақимчилик нима, биласизларми?” деб сўрадилар. Саҳобалар: “Буни Аллоҳ таоло ва Унинг расули яхши билади”, дейишди. Расулulloҳ (с.а.в.): “Бу – одамларнинг орасини бузиш учун гапни бир-бирларига нақл қилиб юришдир”, дедилар.

“Қиёмат куни инсонларнинг энг ярамаси иккиюзламачилардир. Иккиюзламачилар унга келиб бошқача сўзлайди, унга бориб бошқача гапиради. Ким дунёда шундай иккиюзламачи бўлса, қиёмат куни унинг оловдан икки тили бўлади”.

“Унга бориб бир турли, бунга келиб бошқа турли гапириб, бузғунчилик қилганлар жаннатга кирмайди”.

“Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурда одамларнинг энг ёмонларидан бировларга бир юз билан, иккинчиларга иккинчи юз билан қарайдиган иккиюзламачи киши бўлади”.

“Кимки бир мусулмон киши сабабли таом еса, Аллоҳ таоло унга дўзахдан шундай таом беради. Кимгаки бир мусулмон сабабли кийим кийдирилса, Аллоҳ таоло унга дўзахдан шундай кийим кийдиради. Кимки бир мусулмон киши ёнида риёкорлик ўрнида турса, Аллоҳ таоло уни риёкорлик мақомида турғизади”.

Шарҳ:

Мусулмоннинг фойдасига кўзгу бўлиш ўрнига, зиёнига кўзгу бўлса, яъни унинг айби ва камчиликларини тузатиш ўрнига бошқа душманларига фош қилса ва шунинг эвазига таом ва кийимлар билан мукофотланса, дўзах ўтига мустаҳиқдир. Риёкорлик билан кишиларни ёлғондан мақтаб, шунинг бадалига улардан мукофот олса ёки яхши бир мусулмонни бошқа одамлар ёмонлашайтганда уларга яхши кўриниш учун у ҳам ёмонласа, дўзахга тушади.

Расулulloҳ (с.а.в.) иккиюзламачи, мунофиққа ишонмаслик шартлигини таъкидлаганлар. Чунки бу тоифанинг юмуши алдашдан иборат бўлиб, сизга бировларни ва уларга сизни ёмонлайди-да, икки орада душманликни кўзғотади. Аммо икки томонни ислоҳ қилиш учун яхши гапларни бир-бирига етказадиган бўлса, бу шариатда мамнуъ эмас, балки яхшидир.

* * *

“Ғазаб ва жаҳл иймондан айиради”.

* * *

“Жаҳаннамда бир эшик бор. У эшикдан фақатгина Аллоҳ таолога итоатсизлик қилиб, ғазабини тия олмаганлар киради”.

* * *

“Ким Парвардигоридан кўрқса, тилини тийиб, ғазабини босади”.

* * *

“Кимки ғазаб қилишга қодир бўла туриб, ғазабини тийса, қиёмат куни Аллоҳ таоло бутун халойиқ олдида уни чорлаб, унга хоҳлаган ҳурни танлаш ихтиёрини беради”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Амр Рисолатпаноҳ (с.а.в.)дан: “Аллоҳнинг ғазабидан нима қутқаради?” деб сўраганларида Расули акрам (с.а.в.) “Ғазабланма!” деб жавоб берганлар.

* * *

Расулulloҳ (с.а.в.) “Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?” – деб саҳобаларидан сўрадилар. Улар: “Биз курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини паҳлавон деб биламиз”, дейишди. Расулulloҳ: “Ундай эмас, балки жаҳли чиққан вақтда ким ўзини тия олса, ўша киши паҳлавон аталади”, дедилар. Яна дедилар: “Қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг”.

* * *

“Кимда уч нарса бўлмаса, мендан эмас: 1. Жоҳилнинг жаҳлини кетказадиган (*рад этадиган, пасайтирадиган*) ҳалимлик. 2. Одамлар билан хуш ахлоқ муносабатда бўлишлик. 3. Аллоҳнинг маъсиятларидан, гуноҳларидан сақлаб турувчи, йироқ тутувчи парҳезкорлик, эҳтиёткорлик”.

* * *

Бир киши келиб, Аллоҳнинг расули (с.а.в.)га дедики:

– Ё Расулаллоҳ, менга насиҳат қилинг.

– Ғазабланма! – дедилар.

– Менга насиҳат қилинг, – деб яна сўради.

– Ғазабланма! – дедилар.

Насиҳат қилишни учинчи маротаба яна сўради. Яна дедиларки:

– Ғазабланма!

* * *

Ҳазрати Оиша айтадилар: “Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига киришга изн сўради. У кирмасдан аввал Расулulloҳ; “Бу киши ўз қабиласининг ёмон фарзанди”, дедилар ва ҳузурларига кирганидан кейин унга алоҳида яхши муомала қилдилар. У чиқиб кетганидан кейин яна бир киши келиб, рухсат сўраганида, “Бу киши ўз қабиласининг яхши одами” дедилар. Лекин унга аввалги одамга қилган алоҳида муомалаларидан қилмадилар. У киши чиқиб кетганидан кейин мен: “Ё Расулаллоҳ! Сиз фалончи келганида “ёмон одам” дедингиз-у, бироқ унга алоҳида илтифот билан муомала қилдингиз. Кейинги кишини “яхши одам” деб мақтадингиз-у, бироқ, аввалгидек муомала қилмадингиз”, деб сўрадим. Шунда Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.) дедилар: “Э Оиша! Ёмон одамларга яхши муомала қилмоқ балонинг олдини олмоқдир”.

* * *

Ҳазрати Оиша айтдилар: “Мен ўжар ва бўйин бермайдиган тевага минган эдим. Уни урганимни кўриб, Расулulloҳ (с.а.в.): “Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади”, дедилар. Рисолатпаноҳ яна дедиларки: “Кимгаки мулойимликдан насиба берилган бўлса, унга яхшиликдан насиба ато қилинган бўлади ва ким ундан маҳрум қилинган бўлса, яхшиликдан ҳам маҳрум бўлган бўлади. Қиёмат Кунини мўмин банданинг тарозусини оғир қиладиган нарса яхши ахлоқдир. Аллоҳ таоло ёмон сўз, ёмон феъллик кишига албатта ғазаб қилади”.

“Жаннатда ташқарисидан ичи, ичидан ташқариси кўриниб турадиган шаффоф хоналар бор. Аллоҳ таоло у хоналарни очларга таом едирган, мулойим сўзлайдиган бандалари учун ҳозирлаб кўйгандир”.

“Тарчи яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинг! Агар тополмасангиз, битта яхши сўз билан жаҳаннамдан сақланинг!”.

“Менда энг кўп нафрат уйғотадиганларингиз ва мен билан ҳамсухбат бўлишдан энг узоқларингиз – вайсақи, эзма, сафсатабозларингиздир”.

Ривоят: Мусо алайҳиссалом замонларида жуда қаттиқ қурғоқчилик бўлди. Мусо алайҳиссалом бани Исроил билан биргаликда ёмғир талабида дуолар қилдилар. Лекин ёмғир ёғмади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Мусо алайҳиссаломга ваҳий юборди: “Мен сенинг ва сен билан бирга чиққан кишиларнинг дуосини қабул қилмайман. Чунки орангизда чақимчи бор”. Мусо алайҳиссалом: “Эй Раббим, ким экан у, айт, биз уни ўз орамиздан чиқариб юборайлик”, дедилар. Аллоҳ азза ва жалла ваҳий қилиб деди: “Эй Мусо, мен сизларни чақимчиликдан қайтариб, энди Ўзим чақимчилик қилайинми?!” Бу танбеҳни эшитгач, Мусо алайҳиссалом бани Исроилга: “Барчангиз чақимчиликдан тавба қилинг!” деб буюрдилар. Улар тавба қилдилар ва Аллоҳ таоло уларга ёмғир берди.

“Мен отам Абдуллоҳ ибн Умарнинг кишиларгагина эмас, ҳатто бошқа маҳлуқларга ҳам лаънат айтганларини сира эшитмадим. Отам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “мўмин киши асло лаънатқилардилар”. (Солим ибн Абдуллоҳ)

“Расулуллоҳ (с.а.в.) билан сафарга чиққан эдик. Ансорий аёллардан бири безовта бўлаётган туясини лаънатлади. Шунда Расули акрам: “Туянинг эгар-жабдуғию, устидаги бор нарсаларни олинглар, туяни тўла бўшатиңлар. Чунки у лаънатланди”, дедилар”. (Имрон ибн Хусайн)

* * *

“Одамлар орасида Аллоҳнинг нафратига энг сазовор киши – барча дилозор ва лаънатгўй кишилардир”. (Ибн Умар)

* * *

“Таом туз билан мазали бўлганидек, яхшилик ҳам дуо билан ширин бўлади”. (Абу Зарр Ғифорий)

* * *

“Мўминни лаънатлаган киши уни ўлдирган билан баробар”.
(Абу Қатода)

* * *

“Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши мадҳ-сано биландир”. (Суқрот ҳаким)

* * *

“Саломинг бўлмаганда икки ямлаб, бир ютардим”.
(Эртакдаги девнинг дегани)

Дониш аҳли бисотдан:

“Салом бериш – суннат, алик олиш вожибдир. Салом ўзига хос дуо, ибодатдир”.

* * *

Худойим берибди инсонга калом,
Бемаврид иш қилиб тортмагин алам.
Яхши ҳам, ёмон ҳам шундан билинар,
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом...

* * *

Саломнинг ҳам салмоқлиси бўлади,
Кинояли, илмоқлиси бўлади.
Саломни билганга келмайди офат,
У Аллоҳнинг гўзал исми бўлади.

* * *

“Салом бераётган одамнинг чехраси очиқ ва хурсанд бўлсин. Алик олувчининг қувончи юз-кўзларидан сезилиб туриши керак”.

* * *

Ҳикоят: Ўзини хоқисор олиб юрувчи, бойликни менсимовчи, доимо илм кетидан қувган киши бир олимнинг шуҳратини

эшитиб, зиёратига отланди. Қўлида ҳеч нарса бўлмагани учун йўл-йўлакай бир райхон шохини олиб, тухфа сифатида олимпнинг олдига қўйди, ҳурмати баён қилиб, унинг қўлини ўпди. Олим унинг саломига алик олмади, лутфига эътибор ҳам бермади. Илм толибининг бундан дили оғриси-да, изига қайтмай, бир чеккага ўтиб, индамай ўтираверди. Олимпнинг ҳаракатларини кузатиб ўзича деди: “Бу олим илмига мағрурланиб кетибди. Бир оз ўтирай-чи, қани, нима гап бўлар экан, шунга қараб иш тутарман”. Бу орада эшик очилиб, башанг кийинган бир киши кириб келди. Орқасидан эса тугун кўтарган хизматкори кўринди. Меҳмонни кўрган олим дик этиб ўрнидан турди, саломга алик олди, икки қўллаб сўрашиб, уни тўрга таклиф қилди. Хизматкор тугунни олимпнинг қўлига тутқазди. Олим: “Хуш келибсиз, сизни кўришдан бағоят хурсандман”, деб меҳмондорчиликнинг қоидасини ўрнига келтириб, зиёфатни бошлади. Зиёфатдан сўнг барча шогирдлари китобларини кўтариб, унинг атрофидан жой олишди. Олим билан бой орасида суҳбатни кизиқиб кузатаётган хокисор киши: “Бу олим беадаб киши экан, адабини бериш пайти келди”, деган қарорда, ўрнидан туриб, олимпнинг рўпарасига ўтирди.

– Муҳтарам олим, бир мушкул масалани ечишга ёрдам берсангиз, – деди у одоб билан.

– Қандай масала, айт, – деди олим.

– Мавлоно, сиз бугун илму фазл даъво қилмоқдасиз. Айтинг-чи, сизнинг фикрингизча, салом неча хил бўлади?

– Салом бир хил бўлади. Салом-алик қилиш барча кишиларга вожибдир, – деди олим.

– Китоблардан мен ҳам шундай маъно топганман. Лекин сизнинг хузурингизда салом икки хил экан. Сиз ўз гапингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз.

– Бу бемаъни даъвони қаердан олдинг? – деб ғазабланди олим.

– Сиз салом ва аликда бой билан камбағал орасида фарқ бор, деб билар экансиз. Мен бир неча дақиқа илгари хузурингизга кириб, салом бердим. Қўлим бўшлигини кўриб, сиз алик олдингиз. Кейин ёнингизда ўтирган бадавлат киши кириб келди. Хизматкорининг қўлидаги тугунни кўрдингиз-у, саломига алоҳида лутф билан алик олдингиз. Ўрнингиздан туриб, қарши-ладингиз, ёнингиздан жой бердингиз. Шу ҳаракатингиз билан “Салом бир хил бўлади. Салом-алик қилиш барча кишиларга вожибдир”, деган гапингизга ўзингиз қарши чиқдингиз. Илоҳий китобда “Биров сизга салом берса, унинг саломидан кўра яхши-

роқ қилиб алик олинг”, дейилмаганми ахир! Сиз илми бойлик топиш учунгина ўқиган экансиз. Биздек бечораларни шунинг учун ҳам хор тутдингиз!

Ўтирганлар илм толибининг гаплари ҳақ эканини тасдиқлаб, бош қимирлатдилар. Илм толиби бундан руҳланиб, гапини давом эттирди:

– Инсон учун меҳмон азиз. Мен уйингизга меҳмон сифатида келдим. Сиз эса инсонлар одатини ҳам поймол қилдингиз. Меҳмонни ҳурматлаш ўрнига, саломига алик олишни ҳам лозим кўрмадингиз. Китобларда: “Кимки меҳмонни эъозламаса, у одам эмас”, дейилган. Яна бир ўринда: “Меҳмонга очиқ юз ва ширин сўз бўлиш савоби юз йиллик тоат-ибодат кабидир”, дейилган. Сиз илмингизга мағрурланиб, ён-атрофингизга ҳар хил китобларни йиғиб, бойлик тўплаш йўлига кирибсиз. Тўплаган китобларингиздаги илмга амал қилмасангиз бундан нима наф?

Илм толибининг гапларини эшитганлар унга офарин айтдилар. Юзлари қизара бошлаган олим эса: “Эй биродар, нега менга ёпишиб олдинг? Ахир мен нима гуноҳ қилдим?” – деб ғўдиранди.

– Сизни илмига амал қилмовчи десам, гапга ҳам тушунмас экансиз, – деди илм толиби. – Шунча гапим ва келтирган далилларим ҳам сизга таъсир қилмабди. Барча китобларда “Фақир ва бечора кишиларга кўмаклашинг, толиби илмларни ҳурмат қилинг”, дейилган. Сиз бунинг аксини қилдингиз. Ёнингизда ўтирган бойни эъозладингиз. Бизларни эса хор тутдингиз. Илм сиздек кишига хайфдир!

Бу гаплардан кейин олим хатосини тан олиб узр сўраган бўлса-да, илм толиби бундай кишидан илм ўрганишни номуносиб деб билиб изига қайтди...

“Ҳар қандай ишқ-муҳаббат, меҳр-оқибат саломнинг тилла занжири билан боғланади”.

“Мазах” сўзининг “мазах” дея номланишининг сабаби: мазах – кишини ҳақдан азах қилади (*яъни, ҳақдан чалғитади*).

“Кўп куладиган кишининг ҳайбати камаяди. Ҳазиллашаверадиган киши ҳазилни енгил санайдиган бўлади. Ким нимани кўп қилса, шу билан танилади. Ким кўп гапирса, нуқсонни кўпаяди.

Нуксони кўпайган кишининг ҳаёси кетади. Ҳаё кетса, тақво ка-
маяди. Тақво камайса – қалб ўлади”. (Умар ибн Хаттоб)

“Куляпсан-а?! Балки, кафанларинг аллақачон бичилаётган-
дир?” (Абдуллоҳ ибн Абу Йаъло)

“Кимки гуноҳ қилсаю, кулса, йиғлаган ҳолида жаҳаннамга ки-
ради”. (Абдуллоҳ ибн Аббос)

– Агар жаннатда йиғлаётган одамни кўрсангиз, унинг йиғиси
сизни ажаблантирмайдими? – деб сўради Муҳаммад ибн Восеъ.

– Жуда ажабланарли, – дейишди.

– Сўнгги манзилининг қаер эканидан ҳали огоҳ бўлмасдан
туриб кулгуга берилган кишининг ҳоли ундан-да ажабланарли-
роқ эмасми?

“Эй ўғлим, ҳурматли кишилар билан ҳазиллашма, нафрати-
га йўлиқасан. Пасткашлар билан ҳам ҳазиллашма, сенга қарши
журъатли бўлиб қолишади”. (Саид ибн Ос)

“Онам менга: “Болам, ёш болалар билан кўп ҳазиллашма, қа-
дринг кетади”, деб насиҳат қилардилар”.

(Муҳаммад ибн Мункадир)

“Ҳазил-хузулдан сақланинглар, чунки, ҳазилнинг таги зил,
ундан кек ва гина пайдо бўлади”. (Умар ибн Абдулазиз)

“Ҳазил ҳаддан ошса, кулгу кўпаяди. Кўп кулиш қалб-
ни ўлдиради, ични нафратга тўлдиради, маҳобат ва виқор-
ни кеткизади. Албатта, мана шу иллатлардан холи бўла-
диган даражадаги ҳазил-мутойиба қораланмайди... Кўп
кулишнинг офатлари бор. Кулгунинг ёмони – кулгуга ғарқ
бўлиш, яъни қаҳқаҳа отиб кулиш. Кулгунинг яхшиси – табассум,
жилмайишдир. Жилмайган кишининг тишлари кўринади, аммо
овози чиқмайди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кулгулари шундай эди”.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

* * *

“Ҳазил қилаверишдан ҳурматсизлик ортади. Ҳазилнинг охири жанжалга олиб келади. Кўп ҳазиллашиш номус ва ҳаё пардасини чок этади. Адаб ва ҳурмат эгаларини бевурд ва беобрў қилади. Қўлингдан келганча таъзим ва адаб биносини йиқитма. Ҳаё ва ҳурмат пардасидан чиқма.

Гарддай оғуси бор сўзни демагил –
Ҳазил бўлганда ҳам оғринади дил”.

* * *

“Баъзи разил ва тубан кишилар аҳмоқона ҳазил-мутойиба қиладилар: кулдирмоқ учун товон қитиқлайдилар. Енгилтак аёл кўрганини кўрсатиб берганидек, баъзи ахлоқсиз кулдириш учун бировларни тақлид қиладилар. Ҳазил агар одамнинг шахсиятига тегса – одобсизликдир, бундан яхшилар ор қиладилар. Ҳазил-мутойиба бир оз кўнгилни хушламоқ учун, шодлик ва хурсандчилик учун бўлса ёқимлидир. Агар ҳазилда қўпол сўзлар бўлмаса, ундан ҳеч ким хижолат, озор чекмайди. Беозор ҳазил зарифликдир, аммо ундан ўтса ақлсизликдир.

Табиат хуш эрур бўлса дақойиқдин анга зеб,

Чун бўлди сафоҳат нетар ул сўзни киши деб. *(Алишер Навоӣ)*

(Ҳазил агар ўткир ҳамда нозик фикр билан безалган бўлса табиатни очади, борди-ю, қўпол бемаъниликка етса, одам бу сўзларни оғизга олиб нима қилади?)

* * *

“Ҳазил айб бўлмаса ҳам, ҳазилдан эҳтиёт бўл. Ҳазил қилиш мумкин, аммо ярамас сўз айтиш ёмон... Ҳазилни мастлик чоғида қилма, чунки ёмонлик ҳазилдан келиб чиқади. Эй фарзанд, ўзингдан пастроқ одам билан ҳазиллаш, бўлмаса ҳазиллашма, чунки сенинг иззатинг кетмасин ёки тенгдошларинг билан ҳазил қил, чунки жавоб берсалар айб бўлмайди. Уят сўзларни айтма, ҳаддан ташқари ҳазил қилма, чунки одамни хор ва беқадр қилади. Халққа нима десанг шуни эшитасан, халққа нима қилсанг шуни кўрасан”.

(“Қобуснома”дан)

* * *

“Истаган нарсадан кулгили жиҳат қидиравериш одати маънавий қашшоқлик аломатидир, ахир кулгили нарса шундоқ кўриниб туради-ку”.

(Арасту ҳаким)

“Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак”.

(Пифагор)

“Сен одамларга танбеҳ беришинг мумкин-у, аммо ҳақоратлашга – калака қилишга ҳаққинг йўқ. Чунки кўпчиликни кулдирган бўхтон, гарчи у ҳатто бир кишига чоҳ сифатида мўлжалланган тақдирда ҳам барибир ножўя ва бемаъниликдир”.

(Сервантес)

“Баъзилар кула туриб, ўзини шундай ошкор қилиб кўядики, сиз унинг бутун сир-асрорини билиб оласиз. Ҳатто энг ўринли кулги ҳам гоҳо ўта ёқимсиз туюлади. Кулги авваламбор самимийликни тақозо этади”. (Ф. Достоевский)

“Одатда одамнинг кимлигини нимадан кулаётганига қараб билса бўлади”. (У. Мизнер)

“Ҳақиқатга асосланган истехзо қалбга наштардай санчилади”.

(Тацит)

“Кўплар ўйлашдан кўра майнавозчиликни яхши кўрадилар”.

(М. Горкий)

“Эй фарзанд, дебдирларки, мазах – ёмонликнинг муқаддима-сидир. Мазах, яъни хонаки сўз билан кишига дахл этмоқликдан ҳазар қил”. (Кайковус)

“Шундай кулиб, шундай ҳазиллашиш керакки, кулги бўлаётган одам ранжимасин; акс ҳолда, ҳазилингизни ноўрин санайверинг”. (Н. Шамфор)

Дониш аҳли дебдирлар:

“Ҳазилнинг таги – зил”, деган сўз бекорга айтилмаган. Ҳазилни ҳам туз каби меъёрида ишлатмоқ зарур”.

* * *

Кимда беандза сўзлар бордир,
Бил, надоматдан унга бисёрдир.

Ҳазиллашиш одобини эгаллаш осон эмас. Лекин ҳазилни тушуниш одобини ҳам мавжуд. Афсуски, ҳазилни барча бир хилда тушунавермайди, ҳатто беозор кулгини малол олади. Шунинг учун ҳам дедилар:

Ҳазиллашганда сен сақла одобни,
Балки англамаслар сен айтган гапни.

* * *

“Ҳазилдан қочиш ҳақиқатдан қочиш кабидир. Ҳазилни тунунмайдиған одамни нодон ҳисоблаб, гапларига жиноятчига ишонмагандай ишонмаслик лозим”.

* * *

“Беозор ҳазилни малол олиб, жанжал чиқарувчини халқда “жиззаки”, деб атайдилар. Жиззакиликдан қутулиш қийин, шу боис бундай табиатли одамлар ҳазилкашлар даврасида узок ўтирмаганлари маъқул. Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаришга лаёқати йўқ киши даврани “гуллотишга” ҳисса қўшиш мақсадида ё ёлғон тўқишга киришиб кетади ё эзмалик билан баҳслаша бошлайди”.

* * *

“Қалақа кўпинча зеҳн етишмасликнинг аломати, у чинакам ҳазил етишмаган жойда пайдо бўлади”.

* * *

“Оддий аксириш ва шамоллашдан бошланган енгил касаллик вақтида даволанмагани туфайли оғир хасталикларга дучор қилгани каби, ҳазил чегарасини бузишга ўрганган одам охир-оқибат масхара ботқоғига ботадики, энди ундан қутулиш осон эмас”.

* * *

“Масхара бировдан шунчаки кулиш эмас, унинг эл аро шармандасини чиқаришдир. Расволик чодирига ўраб ташлашдир. Масхара ҳақоратнинг бир туридир”.

* * *

“Одатда ёмон хулқлилар яхши хулқлиларни масхаралашни севадилар. Шу боис, ким сизни масхараласа, жавоб қайтарманг, хушхулқ бўлинг-да, ундан ғазабланганингизни

сездирманг. Шайтон васвасаси олдида ожиз қолиб, сиз ким-нидир масхара қилдингиз. Агар масхараланган одам сизга жавоб қилмаса, билингки, у инсонийликда сиздан устун экан. Ҳазил-масхаралар кулиб туриб жонни суғуриб олишдир. “Билса ҳазил, билмаса – чин” ёки “Ярми ҳазил, ярми чин”, деганларидай, кимса қалбидаги қораликни кулги билан пардалашга уринади. Буни пардаланган, яширин ҳақорат деб сифатлаш мумкин”.

“Сўкиш эшитиладиган жойдан ҳаё қочади. Ҳаё қочган хонадондан файз кетади, барака кўтарилади”.

“Сизларга дардларнинг ёмони нима эканини билдирайми? Беҳаё тил ва ёмон хулқ”. (*Ахнаф ибн Қайс*)

– Бир куни имом Шофиъий билан чироқ бозорига чиқдик. Бир пайт кимдир илмли кишини сўка бошлади. Шунда имом ҳазратлари бизларга юзланиб дедилар:

– Тилларингизни фахш сўзлардан сақлаганингиз каби, қулоқларингизни ҳам фахшни эшитишдан сақланглар. Зеро, фахш-ни эшитиб турувчи одам гуноҳда уни сўзловчи билан шерикдир”. (*Аҳмад ибн Яҳё ибн Вазирм*)

Сени ким сўкар эрса ўггил они,
Утун ул булур сен тўзунлар сони. (“*Қутадғу билиг*”дан)
(*Ҳар ким сени сўкса, сен уни мақта. Натижада сен адаблик, ул қўпол, жоҳил бўлур.*)

Ёмонликни кўрмасанг ўзингга раво,
Бировга ҳам уни қилма, биродар.
Агарда ўз онанг иззатин қилсанг,
Қил менинг онамни сўкишдан ҳазар. (*Саъдий Шерозий*)

Кел, эй нозир, мусулмон бўлса ҳар ёр,
Назар қилма, ҳақорат бирла зинҳор. (*Сўфий Оллоҳёр*)
“*Инсонларнинг юриш-туришини кузатувчи инсон, мусулмон биродарингга зинҳор масхара кўзи билан қарама. Мусулмон боласини ҳақорат қилма.*”

“Иттифоқо, бирор киши билан уришсанг, оғзингга келган бузук сўз ва ҳақоратлар билан сўкма, шундай уришгилки, ярашмоққа жой қолсин ва бирданига бешарм, беҳаёлик қилма, чунки бундай иш безориларнинг одатидир. Одатнинг яхшироғи тавозуъли, кибрсиз бўлишдир”. (*“Қобуснома”дан*)

“Айтилишича, тили бузук сўзларга ўрганган киши қиёматда ит суратида ёки ит қорнида келтирилади”.

(*Иброҳим ибн Майсара*)

“Энг оғир ҳақорат сендан ҳеч бир ёмонлик кўрмаган кишининг ҳақоратидир”. (*Абул Фароҳ*)

“Ҳақорат” деб бир кишининг нафсига, иффатига тегадургон сўзлар ила қадр ва эътиборини тушурмак ниятида ёмон муомала қилмакни айтилуру. Уламолар диний китобларда: “ташбиҳи зино гуноҳи кабирадур – бировни ҳақорат қилиш улуғ гуноҳлардандур”, демишлар. Лекин бизларнинг орамизда хотун, қизга борушуб, бир-биримизни ҳақорат қилмак одат ҳукмига кирмишдур. Бунинг сабаби ахлоқсизлик, гуноҳ ва савобни фарқ қилмағонимизнинг самарасидур. Ҳақорат таҳқир қилинган кишининг дилига ўрнашуб, шундай ёмон жароҳатларни очурки, фурсатни ғанимат топуб ўч ва интиқом олмагунча тузалмайдуру. Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: “Икки одам бир-бирини сўкса, гуноҳи бошловчига бўлуру. Магар қарши бўлган киши ортуқ кетса, ҳар иккиси ҳам гуноҳда ўртоқ бўлурулар”, яна: “Мўмин қариндошини сўкмак фосиқлик, онлар билан урушмак куфрдур”, – демишлар. Шул хусусда мирзо Бедил:

Ёмон сўзлар илан дилларга заҳмат бермагил, Бедил,

На ерда тошни жинси бўлса, бўлғай шишага душман

деб, инсонларнинг дилини шишага, ҳақорат ва ёмон сўзларни тошга ташбиҳ қилуб, “ёмон сўз кишининг шиша каби нозук дилини парча-парча қиладур”, – демишлар”.

Мол ва дунёга мағрур бўлуб, ҳар кимга ҳақорат кўз ила қаранган кишилар тезгина ўзлари ҳам хор ва ҳақоратга дучор бўлурулар. Ҳақорат ва бировни хўрламак сўз ва иш ила ўлдиғи каби

қалам ва ёзув ила ҳам бўладур. Баъзи адаб ва тарбиядан махрум муҳаррир ва шоирлар бўладурки, дилларига келган нарсаларни қайтармасдан, ахлоқ ва адабни риоя қилмасдан, хулқдан ибо қилмасдан, бачча ва жувонлар шаънига мувашшахми ёки бир мўмин биродарларининг ҳақида ҳажв ва истехзоми ёзуб, матбуот ва адабиёт дунёсини ифлос ва мулаввас қилмак ила баробар ўзларига ҳамсуҳбат бўладургон ёшларнинг ахлоқини бузулмоғига сабаб ва намуна бўлурлар.

Кўп ўтурма ёмоннинг суҳбатида,
Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.
Кўр, нечук офтоб равшандур,
Хира қилса булут, кўруб бўлмас. *(Абдулла Авлоний)*

“Сўкиниш одати кучайган сари беихтиёр ёмон хатти-ҳаракатларга мойиллик ҳам кучая боради”. *(Арасту ҳақим)*

“Ҳаммадан кўра камроқ кутган одамингизнинг хафа қилишига айниқса чидаш қийин”. *(Эзон)*

“Ўзгани ҳақоратлаган билан ўзингни ҳам ҳақоратлайсан”.
(Леонардо да Винчи)

“Сўкиниш нимага кераклигини мен тушунмайман. Бировнинг таъбини хира қилмоқчи бўлсанг, унга у тўғридаги бирон-бир ҳақиқатни айтсанг етарли”. *(Ф. Ницше)*

“Кучлилик сўкинишга муҳтож эмас”. *(Ф. Достоевский)*

“Кишини ҳақоратлаш учун кўп вақт керак эмас, лекин унинг фойдаси ҳам жуда оз”. *(Д. Писарев)*

“Ҳақорат – ноҳақларнинг далиллари”. *(Ж.Ж. Руссо)*

“Қанчалик яқин одам ҳақорат қилинса, ҳақорат шу қадар ўринсиздир”. *(П. Корнел)*

“У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик хатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир. Ёлғон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичигини – дўзах ўтининг тутантириғи деб бил.

Ким сўзни териб айтгувчи оғзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудиға тергай”. (*Алишер Навоий*)
(Кимки сўзни териб чақимчига бергай, Ҳақ уни дўзах ўтининг тутунига солгай.)

“Ким сенга гап етказса, билгинки, сенинг гапингни ҳам бошқага етказди”. (*Ҳасан Басрий*)

“Гина-адоватдан узоқ бўл, кучинг етмайдиган ишга киришма. Сўз юритувчи, чақимчиларнинг сўзларига ишонма. Чунки улар фитна-фасод йўлини излаб юрувчи ярамас одамлардир”.

(*Боязид Бистомий*).

“Биз чақимчининг гапини қабул қилиш, яъни уни бемалол тинглаш чақимчиликдан ҳам ёмонроқдир, деган қарашдамиз. Чунки чақимчилик – ишора, уни қабул қилиш ижозатдир. Бир нарсага ишора қилиб, у ҳақда хабар берган киши ўша нарсани қабул қилиб, унга ижозат берган киши билан баробар эмас. Гап ташувчидан сақланинглари. Гарчи унинг ташиб юрган гапи рост бўлса-да, бу разиллик билан амалга ошган “ростлик”дир. Яъни, у бу рост сўзи билан бир инсоннинг ҳурматини оёқости қилди, авратини очди. Сиоят, яъни гап ташиш ҳам чақимчилик ҳисобланади. Хукмидан кўрқиладиган одамга гап ташиш сиоят дейилади”.

(*Мусъаб ибн Зубайр*)

“Фалончи киши сенинг ҳақингда бундай сўзлади”, “Фалончи сени ёмонлади”, деб сўз юритишга чақимчилик дейилади. Чақимчиликни инсофли, одамгарчилиги бор киши қабул қилмайди. Чақимчилар ҳар хил бўлмағур сўзларни адоват ва ҳасадлари туфайли сўзлайдилар”.

(*Низомиддин ибн Ҳусайн*)

“Чақимчининг сенга етказган хабари гарчи рост бўлса-да, унинг ўзи, яъни чақимчи сени ҳақоратлашга журъат этган кишидир. Шунинг учун чақимчи эмас, чақувга учраган киши сенинг ҳилмингга муносиброқдир. Чунки у ҳақорат билан сенга юзланмади”.

Ҳикоят: Бир донишманд шогирдларига насиҳат қилди: “Чақимчилик қилиб одамларни бир-бирларига душман этган одамлар энг ярамас, энг ёмон кишилардир. Бирингиз иккинчингиз сўзини менга етказманг. Мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман”. Фикрига ойдинлик киритиб яна дедик: “Фалон киши сенинг ҳақингда бундай сўзлади”, “фалончи сени ёмонлади”, деб сўз юритишга “чақимчилик” дейилади. Чақимчиликни инсофли, одамгарчилиги бор киши қабул қилмайди. Чақимчилар ҳар хил бўлмағур сўзларни адоват ва ҳасадлари туфайли сўзлайдилар”.

284

“Намимат” деб сўз юритмак – чоқимчиликни айтишур. Наммомлик фасод ахлоқдан туғуладургон ёмон хулқларнинг биридур. Наммомлик нифоқ ва фасоднинг асоси ўлдиғи учун бу ёмон сифатни ўзига маслақ қилган кишилар халқ назарида мунофиқ ёд ўлунурлар. Икки мўмин орасинда сўз юрутуб, бирини бирига душман қилуб, икки арога нифоқ ва адоват оташларини солуб, бир-биридан жудо ва хонавайрон қилмакни дилида зарра қадар иймон ва инсонияти бор инсонларнинг виждонлари асло қабул қилмаса керак. Баъзи адоват ва ҳасадчи кишилар бировнинг шаънида йўқ сўзларни ифтиро ва бўҳтон қилуб, ул кишининг кадр ва обрўсини тўкмак ва эътибордан тушурмак ниятида ҳар кимга сўзлаб юрурлар. Мундай кишиларнинг шариятда шаҳодатлари мақбул эмасдур, ҳамда уйдурма сўзларининг ҳақиқати билинуб қолуб, бировга қазиган чуқурларига ўзлари йиқилуб, халқ орасида чоқимчилик исми ила ёд ўлунуб, тезгина кадр ва эътибордан тушуб қолур. Қалби пок, виждони саломат ўлан инсон бу каби ҳийла ва тазвирдан тилини тияр. Чунки мундай фасод ахлоқга мубтало бўлган арбоби нифоқ фақат халқ қошида эмас, жаноби Ҳақ назаринда ҳам суюмсиздур.

Наммом ва ғийбатчи кишилар дарахт илдизига тушган бузоғбош каби халқ оросида иттифоқ ва улфатнинг ковокини кемуруб, умумий халқ ва миллатнинг яшамоғи учун лозим бўлган

муҳаббат дарахтини емурурлар. Бировни ёмонламак, ёлғон сўйламак, ҳақиқатни беркитмак, мудоҳана йўлига кетмак, шаръан харом бўлган ғийбатни иртиқоб қилмак бўладур. Шахсий ғараз ёхуд манфаати шахсияси учун бир кишидан эшитган сўзини ўз мақсадига мувофиқ бир неча турли маънолар ила бузуб сўйламак зўр айб ва гуноҳдур.

Ҳосили калом, ўз жинсига ёмонлик қилмак ва ёмон сўзлар ила ёд қилмакни одат қилган кишилардан қочмак ва ҳазар қилмак лозимдур. Расули акрам набиййи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Асҳобимдан бири иккинчисининг сўзин кетурмасун, зероки, ман Сизга садрим саломат, қалбим роҳат ўлдиғим ҳолда учрамакни суярам”, – демишлар.

Хукамолардан бири: “Мол ва ашё ўғриларидан кўпроқ одамлар орасидан дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдурган одамлардан сакланмак лозимдур”, – демиш.

Чоқимчилар бузар улфат ҳисорин,
Нифоқа ўғратур миллатни корин.
Чоқимчи тил ёмон аждар тилидан,
Солур жонға аламлик захри морин.
Ёмон тил минг тилим бўлғони яхши,
Сочар уммат аро кину ниқорин.
Ёмон тил соҳибининг душманидур,
Йўқотгай шаъну шавкат эътиборин”.

(Абдулла Авлоний)

На қилдинг жаҳонда эртаю кеч,
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.

(Ёруғ дунёда кеча-кундуз нимаики тоат-ибодат қилган бўлсанг, барини риё билан йўқ қилиб, савобидан маҳрум бўлдинг)

Тилингда халқ аро тасбеҳу таҳлил,
Ва лекин ботининг тазвир ила ҳийл.

(Сен риё билан амал қилувчисан. Чунки халқ орасида “Алҳамд” билан “Лоҳавл”ни жуда кўп ўқийсан. Аммо шу ўқиб турганингда ичинг тўла ҳийлалар билан халқни алдаш (тазвир-алдаш) пайдасан)

Тилингда халқ ичинда ваъз ила дарс,
Ва лекин ботинингда онга йўқ тарс.

(Халқ ичида юрганингда тилинг ваъзу дарс билан банд. Аммо ботинингда ваъзу насиҳатларингда айтганинг эзгу ишлар йўқолиб, такаббурлик билан, ўзинг ўғит қилган яхши амаллардан номус қилиб юрасан)

Кийибсан халқ аро фақрона лабус,
Ва лекин ботинингда нангу номус.

(Халқ орасида бошингга саллаю дастор ўраб, фақрона тўнлар кийиб юрасан. Аммо буларнинг барчаси ҳақиқий тақводорлик ва сўфийликдан эмас. Балки ўша такаббурлик ва “сўфий аҳли тақводор ва салоҳдир” деган ном чиқариш учундир. Ичинг ана шундайдир)

Кўрар кўзга ажаб сўфийнамосан,

Ниҳонда нафси итга мубталосан. *(Сўфий Оллоҳёр)*

(Кўзга сўфийнамо, яъни дасторли бошингни тубан солиб, одоб билан турарсан. Аммо ичингда бир ит нафсига мубтало бўлгансан)

Масал: Бир тегирмончининг эшаги йўлда ётган арслон терисини кўрди. Ўзига-ўзи: “Буни кийсам, ҳар кимни қул қилиб оламан” деб, дарҳол арслон терисини кийиб олди. Бу найрангни билмаган ҳайвонлар унга хурмат ва таъзимни канда қилмадилар. Тегирмончи буни билиб қолди. Эшакнинг қулоғи катта бўлганидан арслон терисидан чиқиб турарди. Тегирмончи қўлига бир таёқ олиб, эшакни дарҳол олдига солиб, уриб, бир қул каби айлантира бошлади...

286

Бу масал найрангбоз ва риёкор кимсалар ҳақида. Эшак табиатли кимсалар ўзларини арслон кўрсатиб, кишиларни алдайдилар. Ҳолбуки, уларнинг бу ишлари риёкорликдан ўзга нарса эмас. Риёкорлар масалда баён этилган арслон терисидаги эшакка ўхшайдилар.

Масал: Бир шоғол эҳтиётсизлик қилиб, бўёқ идишига тушиб кетди. Идишдан қутулиб чиққанида танаси ранго-ранг бўлиб қолди. Тоққа чиққан эди, шоғоллар унга бир илоҳий қудрат тушибди, деб ўйлаб, ўзларига раҳнамо қилиб белгиладилар. Ҳақиқатни билган шоғол товламачига: “Дўстим, бу жирканч рангларинг билан сафдошларингни алдама. Риёкорлик қил-япсан”, деса-да, шоғол найрангни қўймади. Ҳақиқатни билмаган шоғоллар риёкорнинг рангга бўялган жунларини юзларига суртишар, оёқларига йиқилиб, тавоф қилишар эдилар. Иттифоқо бир жала қуйди-ю, жунларидаги бўёқ ювилиб кетиб, риёкорлиги ошкор бўлиб қолди...

Қиссадан ҳисса: бу дунёда шоқолтабиат инсонлар борки, ўзларини устун кўрсатиб, кўпга бош бўлишга интилишади. Лекин риёкорликлари бир кун очилиб қолгач, шарманда бўладилар.

“Ярамас, фосиқ, риёкор одамлар билан суҳбатдош бўлиш – илонни асрашга ўхшайди. Илон ҳар қанча асралса ҳам, заҳари ва зиёни камаймайди, балки кўпаяди. Донолар билан суҳбатдошлик эса аттор дўконини эслатади. Аттор дўкони доимо димоғни хушбўй қилади. Олимлар билан ё бевосита ё билвосита қилинган суҳбат шундай роҳатлидир”.

“Риё бандаларнинг ибодат ва яхшиликларини одамларга ошкор этиб, бунинг эвазига мақтов, эҳтиром, бойлик, мол-дунё, мартаба кутишдир. Одамларга кўз-кўз қилинган ибодат риё саналади”.

(Али Афанди Кинализода)

“Ғазаб – бамисоли овчи ит. У нафс истагидаги ҳаяжон билан эмас, балки битта ишора билан чопиб, битта ишора билан тўхташ даражасида тарбияга муҳтож... Ғазаб қувватининг гўзал ва мўътадил ҳолатидан шижоат туғилади (Ғазаб қувватининг хоҳ кучайган, хоҳ пасайган ҳолатда ҳам ақл етовида бўлиши – шижоатдир) Агар ғазаб қуввати меъеридан ошса, бемулоҳаза сўзлар, ўзни тута билмаслик каби ножўя ҳаракатлар юзага чиқади. Ғазаб қуввати меъеридан пасайса, қўрқоқлик туғилади”.

“Ғазаб бир онда ақлни ишдан чиқаради, яъни жаҳл келганда ақл кетади ва инсон тўғри гапни англаш қобилиятини йўқотади. Шундай пайтда шайтон васвасалари билан ҳужумга ўтади. Инсон аччиқланганда, ёш бола копток ўйнаб ўтиргандай шайтон уни бемалол ўйинчоқ қилиб ўйнайди. Бир куни шайтондан сўрашибди: “Сен инсонларни қандай мағлуб этиб, йўлдан оздирасан?” Шайтон бундай жавоб берибди: “Мен инсон ғазабланганида ва ҳавойи нафсга берилганида унинг ёқасидан тутаман”.

“Ғазаб туйғусидаги мўътадиллик чиройли шаклда қизгин ва жўшқин бўлиш билан сақланади. Чиройли шаклдаги қизгинлик сержаҳлликдан, дарғазабликдан ҳамда қўрқоқликнинг барча турларидан холидир. Ғазабнинг мўътадил даражасини эгаллаган одам ботинан кучли ва шу қуввати билан бирга ақлга тобе бўлади”.

(Абу Ҳомид Фаззолий)

“Эй Одам фарзанди! Ҳар ғазабланишинг бир сакрашдир. Ҳар сакрашинг сени дўзах томон элтади. Яна бир сакрасанг, жаҳаннамга қулайсан”. (*Ҳасан Басрий*)

“Ғазаб билан курашиш мушкул: унинг истаклари учун ҳаётинг қурбон бўлади. Шаҳват билан курашиш эса ундан ҳам қийин”. (*Буқрот ҳаким*)

“Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади”.

“Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф обрўни кетказади”. (*Абу Райҳон Беруний*)

“Ёмон қилиқли одам – бадфеъл. Аччиғи тез бир балога гирифтор, бир офатга мубтало бадбашарадир. Булар қаён борса, балодан қутулмас. Ҳар ерга қочса ҳам офатдан халос бўлмас. Ёмон қилиқ – ғолиб душмандир ва қаҳрли ёвдир. Ёмон қилиқли киши эса доим унга мағлуб ва вужуди ундан мажруҳ”.

“Ғазаб” деб бир киши иккинчи ила шиддат ва ҳиддат ила муомала қилишмакни айтилуру. Ғазаб инсонга махсус бир қувваи мудофаадурки, табиатда мавжуд ўлан ғазаб туйғуси ила бошқалар тарафидан келадурган зарар ва ҳалокатдан ўз нафсини фақат шу сояда сақлар. Лекин ғазабнинг жабр ва зулм тариқи-ла ишлатмақдан ниҳоятда эҳтиёт бўлмақ лозимдур. Нафснинг ғуруридан пайдо бўлган ғазаб инсонни аламлик азобларга гирифтор қиладур. Чунки бу шиддат ва ҳароратнинг таъсири вужуддаги қонни бузуб, ҳаракат қилдуруб, димоғига ҳужум қилуб, ақлни паришон қилур-да, кишининг ихтиёрини кўлидан олур. Ва бу сояда ўзини ёхуд бошқа бир кишини ҳасрат ва надоматга дучор қилур. Ғазаблик кишилар қанча ақл ва идрок соҳиби бўлса ҳам, ғазаб қони қўзғалган замони ўзини тўхтатолмас, ақл ва идрокдан айрилуб, бир ёмон ишни қилуб кўяр-да, сўнгидан пушаймон бўлур. Суқрот ҳаким: “Ғазабнинг аввали жунун (*жиннилик*), охири – надоматдур”, демуш. Имом Шофеъий ҳазратлари “Қилич ва найза ила ҳосил бўлмаган кўб ишлар юмшоқлик ва му-

лойимлик ила ҳосил бўлур. Ғазабнинг зарари эгасига қайтур”, демишлар. Афлотун ҳаким: “Ҳаяжон ила пайдо бўлгон бир ҳол, албатта, пушаймонлик ила тамом бўлур. Ғазаб ғазаб қилинувчидан кўпроқ ғазаб қилувчиға зарар қилур. Ақлни ғазабга солувчи инсон нафсини ҳароратлик ўтга ёқмиш ўлур. Надоматдан аввал матонатни ихтиёр қилувчилар ҳеч бир таҳлика ва азобга дучор ўлмаслар”, демиш. Сиютий: “Ғазаб ва шиддат вужуд иқлимнинг даҳшатли бир офатидур. Бунинг дафъи ва чораси топилмаса, у иқлимни хароб қилур. Ғазаб бир иллати муҳликадурки, ягона давоси сабр ва таҳаммулдан иборатдур. Тадови этилмаган бир мараз инсоннинг ҳаётини маҳв ва барбод этар, ҳазар қилмак лозимдур”, демиш.

*Ғазаблик бўлмағил, бўлғил мулойим,
Бўлурсан шоду ҳуррамликда доим.
Ғазаб ўтдур, ёқодур жисму жонинг,
Ғазаб барбод этодур хонумонинг.
Ғазаблик ўтни бўш сув паст қилғай,
Ғазабни жинни ёки маст қилғай”. (Абдулла Авлоний)*

“Нафрат, ғазабинг учқун сочар экан, сен инсон эмассан, меҳр-шафқат билан оламга қарагинки, шунда чин инсон бўласан”. (*Муҳаммад Камол*)

“Ғазаб тез қайтариладиган, шафқатсиз, ғоят кучли, руҳий жиҳатдан ҳайвоний бир ҳиссиётдир. У қотиллик сабабчиси, ғам-кулфат ҳамроҳи, зиёндошлик ва номуссизликнинг ошнаси бўлиши мумкин”. (*Арасту ҳаким*)

“Ҳамиша Парвардигор кузатиб турганини эслаганлар жаҳллариға ҳоким бўлганлардир”. (*Афлотун ҳаким*)

“Менимча, дағалликнинг ҳам, журъатсизликнинг ҳам илдизи илмсизликка бориб тақалади”. (*Плутарх*)

“Инсоннинг имкони борица вазиятни кўпроқ баҳолаб, иложи борица вазиятга ўзини камроқ баҳолатиши, сўзсиз, унинг энг буюк хизмати бўлиб қолаверади”. (*И. Гёте*)

“Аксари тинчоқар дарёлар сершовқин шалолалардан бошланади, бироқ уларнинг ҳеч бири то денгизга қадар от суриб ва кўпириб боролмайди. Бу сокинлик яширин бўлса-да, буюк куч белгисидир: ҳиссиётлар ва фикрлар тошқинлиги ҳамда теранлиги ҳаддан ташқари шиддатга йўл қўймайди”.

(М. Лермонтов)

“Инсоннинг ҳақиқий кучи унинг шиддатида эмас, балки ментиндай осойишталигидадир”.

“Ғазаб бошқаларга қанчалик ёқимсиз бўлмасин, ғазабланаётган одамга кўпроқ оғир. Ғазаб билан бошланган нарса уят билан тугайди”.

“Мен ҳаммавақт ғазабимни босишга ва жанжалда ён беришга ҳаракат қиламан, натижада жанжални тинчлатишга эришаман, кейин эса осойишта ҳолатда ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Деярли ҳамиша жанжал бошидаёқ тўхтатилмаганига афсусланишга тўғри келади”.

(Л. Толстой)

“Кураш бор экан, ўз устингдан ғалаба қилишинг мумкин ва у ҳақиқий ғалабадир; тана сингари руҳнинг ўсиши ҳам қийин”.

(А. Герцен)

“Бизни ғазаблантирган одамга аччиқ устида шундай айбларни қўямизки, осойишта пайтимизда ўйлаб қарасак, ўзимизга ҳам кулгили туюлади”.

“Бетайин ва жиловсиз ғазаб худди бетайин саховат ёки меҳрибонлик каби ҳалокатлидир”.

(К. Ушинский)

“Кўполлик қилиш ўз кадр-қимматини ерга уриш демакдир”.

(Н. Чернышевский)

* * *

“Ғазаб ҳамма жойда, айниқса ҳақ ишда ўринсиздир. Чунки уни хиралаштириб лойқалатади”. (Н. Гогол)

* * *

“Қўполлик ҳам букрилик каби майибликдир”. (М. Горкий)

* * *

“Ҳис-туйғуларимиз ичида айниқса сиртга чиқарилмайдигани нафрат бўлиши керак”. (А. Риварол)

* * *

“Нафрат – разилликни, баъзан ақли заифликни яширувчи ниқобдир; нафрат саховат, ақл ва одамларни тушуниш хислати етишмаслигининг белгисидир”. (А. Доде)

* * *

“Кўпинча жаҳлга нисбатан нафратни яширган яхшироқ: хафагарчилик унутилиши мумкин, бироқ нафрат эса ҳеч қачон кечирилмайди”. (Ф. Честерфилд)

* * *

“Қизиққонлик, қўполлик, бетгачопарлик – шундай нуқсонларки, ҳатто улардан баъзи ақлли одамлар ҳам мустасно эмас”.

* * *

“Сурбетлик қасддан қилинган ҳаракат эмас, балки инсон феъли-атвори нуқсонидир”. (Ж. Лабрюйер)

* * *

“Аксари ёшлар ўзларини дағал ва қўпол тута туриб, буни яна табиий ҳол деб биладилар”.

* * *

“Жанжалга мойиллик пасткаш ва бетайин эканингиз исботидир” (Ф. Ларошфуко)

* * *

“Қўполлик – рухий қашшоқлик”. (М. Эбиер-Эшенбах)

* * *

“Қўрс ва қўпол муомала рўпарамиздаги барча эшик ва барча қалбларни ёпиб қўяди”. (С. Смайис)

“Ҳақиқий буюклик ғазабдан ўзни тута билишдан иборат”.
(Ф. Лафонтен)

“Ғазабдан ўзни тута билиш ердаги энг олий мулкларнинг би-
ридир” (Ж. Прентис)

“Қалбнинг қудратли бардошлилиги мислсиз фазилатдир. У
билан ҳаётда ҳеч нарса қўрқинчли эмас”. (Архилох)

“Ўзингизни тута билар экансиз, ҳукмингиз ҳам буюк бўлади”.

“Бир инсон ўзини хор кўрмасдан бошқасини хор кўрмайди”.

“Ғазабнинг энг яхши давоси уни кечиктиришдир”. (Сенека)

“Ҳаётдаги энг биринчи ва энг асосий нарса ўзни тутишга ҳа-
ракат қилишдир”. (В. Гумболт)

“Ғазабланган чоғида ўзини енга билган кишидан кўра кучли-
роқ голиб йўқ”. (Г. Бичер)

“Ўзини мардона енга олиш – мен учун ҳар доим онгли инсон
фахрланса арзийдиган энг буюк ютуқлардан биридек туюлиб ке-
лади”. (П. Бомарше)

“Ғазабланганида ўзини тута биладиган кишигина эркиндир”.
(Ф. Шиллер)

“Барча фазилатлар сингари ўзни тута билиш ҳам машқ орқа-
ли ривожланади. Кимки катта ёшга етганда ўз эҳтиросларини
бошқаришни хоҳлар экан, бунга у ёшлигидан ўрганмоғи лозим”.
(Г. Спенсер)

“Инсоннинг тушунмай ва ўзини тута билмай қолган пайти унинг энг ёмон ҳолатидир”. (М. Монтен)

“Тўдада кучли филлар бўлиши мумкину, бироқ улар эсанкираб қолишса, эчкилар сурувидан фарқ қилмай қоладилар”. (Д. Мукержи)

“Тажанглик ва қайсарликни кучлилиқ белгиси, деб ҳисоблайдиганлар катта хато қиладилар. Талваса тутқаноғига мойил одам, гарчи уни ушлаш учун олти киши овора бўлса ҳам, барибир кучсиздир”. (Т. Карлейл)

“Ўз руҳини бўйсундирган киши шаҳарларни забт этган кишидан ҳам кучлироқдир”. (Э. Хемингуэй)

“Тезфеъл одам ҳар доим ҳам ярамас бўлавермайди. Бироқ одам қанчалик шиддатли ва тез бўлса, у ўзини тутиш кўникмасига ҳам кўпроқ эга бўлиши керак”. (Н. Шелгунов)

“Ҳамма ғалабалар ўз устингдан қозонилган ғалабадан бошланади”. (Л. Леонов)

Ҳикмат аҳли меросидан:

Гўзал хулқ қаҳр-ғазаб келганида билинади. Қаҳр-ғазабига голиб бўлган одам ўз роҳатини таъмин этади. Мулойимлик дараҳтини эккан киши саломатлик мевасини теради. Инсон ғазабини енгмагунича, қалбидаги ёмонлик васвасаларидан қутулиб, комил инсон бўла олмайди. Ёмон қалбни тўғрилаш ният ва амалга боғлиқдир. Киши нафси хоҳиши ва эҳтиросини енгмагунича, садатга эришмас. Ғазабини енгмаган ахлоқини йўқотади.

Сўрадилар:

– Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

Жавоб берилди:

– Кучли ғазабни ичга ютиш.

Ғазаб – бахт саройи йўлидаги шафқатсиз қароқчидир. Бу қароқчини енга олмаган кимса бахт саройига етишмоқликдан умидини узаверсин. Ғазаб – сохибини ёндириб кул қилади, бошқаларга учқуни етади.

Ҳазрати шайх Ҳаким Термизийнинг аҳлу аёлларидан: “Шайх ҳазратлари ҳеч қизишиб, ғазаб қилармидилар?” – деб сўрашди. Жавоб бердилар: “Шайх бизларга ҳеч ғазаб қилмасдилар, аксинча, биз ул кишига аччиқ қилиб, озорлар эдик. Биздан ул кишига озор етса, ўшал куни бизни янада яқинроқ тутар ва йиғлар эдилар. Айтар эдиларки: “Илоҳи, мен тавба қилдим! Буларни сен яхшиликка йўллагин!”

Бир донишманддан: “Хушфеъл, хушмуомалаликни ёдимизда тутиш осон бўлиши учун бир-икки жумла билан баён этинг”, деб сўрадилар. Донишманд дедики:

– Қахру ғазабни тарк этиш – барча гўзал ахлоқни ўз ичига олади. Ғазаб зиндони энг жирканч ярамас бир ўриндир. Ғазабни тарк қилмаган киши ҳаққоний ва такводорлар мартабасига эришмайди.

“Қайси нарсалар одамга алам ва пушаймонлик келтиради?” деган саволга аҳли дониш: “Ғазаб, такаббурлик ва ножўя ҳаракат”, деб жавоб берган.

“Инсоннинг битта томири шайтони лаъинга бориб уланган. Инсон қанчалик ғазабланса, шайтонга шунчалик яқинлашади”.

“Жаҳл чиқса – кўз қораяр, жаҳл кетса – юз қизарар. Ғазабланган пайтингда сўзга рўздор бўл. Зеро, бу пайтда ҳар сўзу амалинг надоматга восита бўлади”.

“Ирода кучи ноўрин кўзгалган ғазабни не чоғли боса олишига қараб ўлчанади. Ваҳший ҳайвонни енгиш учун куч ва тадбир керак. Ғазабни енгишга эса темир ирода зарур”.

“*Ҳилм (мулоим табиатлик)* – инсон вужудининг хушман-зара мевали боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллик – ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадри-ни ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади. Ҳилм – ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У ёмон нафсни дайди шамол учиршидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи. Ҳилм натижасида одам халойиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади.

Катта кишилар ёшларни масҳара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади; ёшлар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади.

Бу давр боғининг хас-хашак сингари одамлари, шамолдек бетаин, енгилтак кишилари олдида ҳилм аҳли гўё оғир табиатли ва ёмон феълли деб камситиладилар. Уларнинг ўзлари эса, қуюндек тупроқни ҳавога тўзитадилар ва енгилтабиатлари билан бошларини гўё кўкка етказадилар. Тоғ жуссасини оёқ ости қилмоқ – одатлари; дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ – буларнинг салобатлари. Бундай одамлар елдек ҳар эшикдан киришга ор қилмайди; ўтдек оташдонни қиздиришдан ўзга ишни билмайди. Ел – гарчи лоланинг тожини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? Ўт – тоғ этагидаги хас-хашакларни қандай куйдириши мумкин, лекин қуёш учқунига қандай тенглаша олади...

Ел агар кўкка етса ҳам, барибир енгил ва қадрсиз; тоғ – агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир. Елнинг орасида ўтга ёқиладиган хас-хашаклар бор, ҳилм мазмунида эса, шоҳ тожига қадалгудек чўғ каби қизил лаъл бор.

Оғирлик вазнидиндур сайлдин ғамсиз Ҳири тоғи,

Енгиллик фартидин барбод эрур қомғоқ яфроғи”.

(*Ҳири тоғи оғир бўлгани учун уни сел босса ҳам ташвиши йўқ. Тўзғоқ ўсимлигининг яфроғи енгил бўлгани учун шамолда барбод бўлади.*)

“Ҳилм-у ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ”. (*Юмшоқ кўнгилли ва ҳаёли одам ҳамма жойда азиздир, катталар назарида янада қадрлироқ*).

(Алишер Навоий)

Ҳилм – шижоатга хос олти хислатнинг бири бўлиб, бу хислат ҳар қанча ғазаб қўзғайверадиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб мулойимлик кўрсатишдан иборат. Луғавий маъноси – мулойимлик, мулойим табиатли бўлишлик.

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,
Десангки, қилғай итоат санга гадо ила шоҳ.

“Мулойим сўз аъзоларга ўрнашиб қолган кек-адоватни ювади”.

“Токи Раббингнинг ғазабини келтирмайдиган, суҳбатдошингни хафа қилмайдиган сўзинг бор экан, уни қизганма. Балки, шу сўзинг эвазига муҳсинлар савобига сазовор бўларсан”.

(Ҳикмат аҳлидан)

Олижаноб ва одил вазир ҳисобланган Низомулмулк биров ҳадя келтирса, атрофидагиларга баравар бўлиб берар эди. Бир куни деҳқон унга учта эртаки бодринг келтирди. Вазир бу неъматни атрофидагилар билан баҳам кўрмай, учаласини ҳам ўзи еб, деҳқонга ҳадя берди. Вазир холи қолганида яқин мулозимини ажабланиб: “сизнинг бундай одатингиз йўқ эди-ку?” деб сўради. Вазир жавоб берди:

– Бодринглар ниҳоятда тахир экан, бошқаларга берсам, тахирлигидан аччиқланиб, деҳқонга ёмон сўз айтиб, унинг дилини ранжитмасин, дедим...

“Ҳалимлик ғазаб ўтини ўчиради, қўполлик эса уни алангалади”. (Али ибн Абу Толиб)

“Агар Фиръавн менга бир яхшиликни гапирса, албатта мен ҳам яхшилик билан жавоб берган бўлардим”.

(Абдуллоҳ ибн Аббос)

“Гўзал хулқнинг энг қуйи даражаси озорларга тоқатли бўлиш, золимга раҳм этиш, унга мағфират ва шафқат тилаш”.

(Саҳл Тустарий)

* * *

Ахнаф ибн Қайсдан “Ҳилми кимдан ўргандингиз?” деб сўрадилар. “Қайс ибн Осимдан”, дедилар. “Унинг ҳилми қандай эди?” деб сўрадилар. Жавоб бердилар: “Қайс ҳовлида ўтирган эди. Чўриси унга бир сих қайноқ кабоб келтирди. Сих бехосдан чўрининг кўлидан сирғалиб тушди ва шу ерда ётган гўдакнинг кўкрагига қадалди. Бола Қайсники эди, шу заҳоти жон берди. Чўри даҳшатдан кўрқиб кетди. Шунда Қайс чўрисига: “Кўрқма, Аллоҳ йўлида сени озод қилдим”, деди”.

* * *

Киши тош урса боша, эй хўжаста,
Кулиб боқғил юзига мисли писта. *(Сўфий Оллоҳёғ)*
(Агар биров ғазабланиб, бошингга тош билан урса, унинг юзига кулиб қарагил. Пистани тош билан урганларида ёрилиб, кулиб, ичидаги мағзини беради. Сен ҳам шу пистадек бўл. Сени урсалар-да, яхши бўл)

* * *

“Ҳақ таоло ҳазрати Одам фарзандларидан олти нарсани истар: иккиси кўнгилда бўлиб, Аллоҳ таоло амрларини бажармоқ ва халққа шафқат қилмоқликдир; иккиси тақдирники, Аллоҳ таоло борлигини иқрор этмоқ ва халққа юмшоқ сўзламоқликдир; қолган иккиси эса сабр айламоқ ва ҳилм билан хокисорлик қилмоқликдир”. *(Абу Бакр Абу Варроқ Термизий)*

* * *

“Билингки, кишининг ҳалимлиги ғазабланган пайтда, омонатдорлиги тама юзага чиқадиган пайтда аён бўлади. Ғазабланмаган *(яъни, ғазабга сабаб йўқ)* пайтда унинг ҳалимлигини қанчадан ҳам билардингиз? Тама қилмаётган *(яъни, тама қилишга сабаб йўқ)* пайтда унинг омонатдорлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?”. *(Ибн Масъуд)*

* * *

Ҳар ишда яхшидир юмшоқ сўзласанг,
Чин нодон экансан жанжал кўзласанг. *(Абулқосим Фирдавсий)*

* * *

“Бир беморга ёки кўнгли синиқ бир одамга жуда мулоимлик билан муомала қилиб, унинг ҳол-аҳволини сўраш лозим. Изтиробда бўлган одамда у одамга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғула-

ри ҳосил бўлади. Шундан кейингина бериладиган дори ва қилинадиган тавсияларни ўз тилаги билан қабул қилади”.

(Жалолиддин Румий)

“Истеъдодли одамга – дағаллик, қобилиятсизга – мансаб ярашмайди”. (Муъиниддин Жувайний)

Ардашернинг ўғли жуда қимматбаҳо либос кийиб мақтанди. Шунда ота деди:

– Эй ўғлим, бу либосинг қимматли эмас, бунақасини ҳар ким топиб кия олади. Сен ҳеч киши топиб кия олмаган ва подшоҳлар хазинасида бўлмаган жуда қимматбаҳо либосни кийишинг керак.

Ўғли ажабланиб: “Сиз таъриф қилаётган либос қайси?” деб сўради.

– Хушфеъллик, мулойимлик, юввошлиқдан тўқилган либосдир, – деб жавоб берди ота.

“Ҳилм” деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмоқни айтилуру. Ҳилм – инсонларнинг таъбидан хусумат, адоват, ғазаб, ҳиддат каби ёмон хулқларни йўқ қиладурган ҳар кимга мақбул бир сифатдур. Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлуру. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга қалби ҳалим, таъби карим ўлуру. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладирган афъол ва ҳаракотимизни манбаи ҳавас ва орзудир. Бу ҳавас ва орзуга фақат ҳилм ила ғолиб келурмиз ва бу васила ила тўғри йўлга кирубу, яхши хулқ соҳиби, дину миллат ходимларидан бўлурумиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафснинг жиловини бермайдурган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совуққонли, юмшоқ табиатли, мулойим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига, ҳилмияти мавсуф қилса ҳар киши,

Икки оламда бўлуру роҳат, ҳаловатда иши.

Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: “Ал ҳилму саййидал ахлоқ – ҳилм хулқларнинг саййидидур”, – демишлар.

Сукрот ҳаким: “Шиддат ила муомала қилган қишиларга ман виқор ва ҳалимлик ила муқобила қилурман, чунки ҳилм шиддатни ва хусуматни паст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор”, – демиш.

Бу сўзга қараганда саховатнинг ифроти исроф ўлдиғи каби ўринсиз ерда ҳилм истеъмол қилмак инсоннинг виқор ва эътиборини поймол қилур. Шунинг учун ҳилмият ҳудудидан – чегарасидан чиқмай, ғазаб, ҳиддат каби ерларда ҳилм истеъмол қилуб, нафснинг ҳароратини паст қилмалидур. Лекин тепса тебранмайдургон, турса тинг этмайдургон бўлуб, ғайрат, шижат ўрунларига ҳам мулойимлик ишлатув ҳалимлик ҳудудидан ошуб, бўшлиқ, анқовлик дунёсига чиқмақдур. Бундай ҳалимликдан қочмак, ҳазар қилмак керак.

*Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,
Бўлур халқи олам санга дўсту ёр.
Бўлур мевалик шохни боши паст,
Ҳалим ўлғуси оқили ҳушёр”. (Абдулла Авлоний)*

“Самимийлик – ҳақиқатнинг жони ва ҳалол одамнинг пешонага ёзилган белгисидир”. (Д. Дидро)

“Ичимдагини топ дейиш – ожизларга хос бошпана”. (Ф. Бэкон)

“Самимийлик – софдилликдир. Бу фазилат камдан-кам одамда бор... Иродасиз одамлар самимиятли бўлолмайдилар... Самимийлик ҳаммада ҳам учрайвермайдиган рўйхушлиқдир; одатда кўз-кўз қилинган самимийлик кўпинча атрофдагиларнинг ишончини қозонишга қаратилган муғомбирлик бўлиб чиқади”.

“Кимки ўзгалар билан носамимий муносабатда бўлишга одатланган экан, пировард-натижада ўзи ўзига ҳам самимий бўлолмай қолади”.

(Ф. Ларошфуко)

“Самимийлик – оғир, айти пайтда жуда нозик масала, у ақл ва чуқур маънавий одобни талаб этади”.

(В. Вересаев)

* * *

“Биз ўзимизда боодоблик туйғусини ривожлантирмоғимиз керак, акс ҳолда, кишилар ҳурматини қозониб олгач, уни тезда бой бериб қўйишимиз ҳам мумкин. Бу сабоқ кишига ниҳоятда қимматга тушади ва афсуски, ўз авлодини ҳам бу оғир қарздан қутқаролмайди”. (И. Гёте)

* * *

“Боодоблик ёрдамида ҳаттоки куч билан эришиш мумкин бўлмаган ғалабага ҳам эришиш мумкин”.

* * *

“Ҳаётда муваффақият қозониш учун истеъдоддан кўра кишилар билан хушмуомалада бўлиш кўпроқ муҳимдир”. (Ж. Леббок)

* * *

“Олижаноб бўлишнинг ўзи кифоя эмас, боодоблик ҳам зарур”. (А. Амисел)

* * *

“Модомики, бир-икки оғиз ширин сўзинг одамни бахтли қила олса-ю, лекин сен шуни қизгансанг, демак аблаҳ экансан”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Ургандан туртган ёмон, сўзлагандан сўккан ёмон.
- * Чақимчи бир гувала, ерга қўйиб увала.
- * Чақимчи – нишхўрт киши.
- * Чақимчи – тухум пўчоқ, унинг жойи фақир ўчоқ.
- * Чақимчи чипор илон, захри илондан ёмон.
- * Чақимчининг афти чориқ.
- * Чақимчининг жойи – жаҳаннам.
- * Чақимчининг тилидан илон ҳазар қилади.
- * Чақимчига – чорак ўқ, қайтиб келса – у ҳам йўқ.
- * Яхши ҳазил гўшт келтирар, ёмон ҳазил мушт келтирар.
- * Яхшига ҳазил қилсанг – ипақдай бўлар.
- Ёмонга ҳазил қилсанг – эшакдай бўлар.
- * Яхши гап билан илон инидан чиқар.
- * Ғазабланганида керак бўлган сабр юз кунлик қайғудан юзага келади. (Хитой мақоли)

ХИРАДМАНД ЧИН СЎЗДИН ЎЗГА ДЕМАС...

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглари ва тўғри сўз сўзланглари”.

(Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Аҳзоб сурасидан)

“Албатта, Аллоҳ (иймонда) содиқ кишиларни билур ва, шунингдек, ёлғончиларни ҳам аниқ билур”. *(Анкабут сурасидан)*

“Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олмангиз”.

“Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар”. *(Наҳл сурасидан)*

“Бут-санамлар разолатидан узоқлашинг, шунингдек, ёлғон гапдан ҳам четда бўлинг”. *(Ҳаж сурасидан)*

“Эй Одам фарзанди! Ғазабли ва хурсанд ҳолларингда ҳам тўғри сўзлашинг мартаба ва даражангни менинг наздимда юқори қилади”. *(Ҳадиси Қудсийдан)*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Рост гапиринглари, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурда “жуда ростгўй”, деб ёзилиб қолади”.

“Банданинг иймони мукамал бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча. Қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча”.

“Агар сизларда бу тўртта хислат бўлса, дунё ишлари зарар етказолмайди: тўғрисўзлик, омонатдорлик, ҳусни хулқ ва тамадан тийилиш”.

“Ростгўй бўлинглари. Чунки, ростгўйлик яхшилик билан бирга ва у иккиси жаннатдадир”.

“Сизларни Аллоҳдан қўрқиш, рост гапириш, омонатни адо этиш, аҳдга вафо қилиш, салом бериш ва камтар бўлишга чақираман”.

“Қайсики она ёки ота боласига бир нима бераман, деса-ю бермаса, ёлғончи бўлиши учун шунинг ўзи кифоя”.

“Ёлғонни жиддий ҳам, ҳазиллашиб ҳам гапириб бўлмайди. Ёлғон ваъдани ҳеч ким ўз боласига ҳам бермасин”.

“Ёш болага бўлса ҳам “Бу ёққа кел, мана буни ол”, деб, ҳеч нарса бермаган ёлғончи бўлади”.

“Шак йўқки, ёлғон мунофиқлик эшикларидан биридир”.

302 “Энг катта хиёнат шуки, сен айтган гапни биродаринг рост деб билади, сен эса бу гапинг билан уни алдаяпсан”.

“Ёлғон – ризқни қирқади”.

“Шайтоннинг сурмаси, суркама дориси ва тамакиси бор. Ёлғон – шайтоннинг суркама дориси, ғазаб – тамакиси, уйқу – шайтоннинг сурмасидир”.

“Кимки мусулмон кишининг молини ноҳақлик билан олиш учун ёлғон қасам ичса, улуғ ва қудратли Аллоҳнинг ғазабига йўлиқади”.

“Ёлғончининг гувоҳлиги қабул қилинмайди”.

“Киши берган ваъдасини бажариш ниятида бўлса-ю, бажаролмаса, гуноҳкор бўлмайди”.

“Мусулмонга қарши асоссиз гувоҳлик берган киши дўзах оташида ёниши муқаррар”.

“Киши тушида отасидан бошқасини кўриб, отамни кўрдим, деб даъво қилиши, кўрмаган нарсасини кўрдим ёки айтмаган нарсасини айтдим дейиши улкан ёлғондир”.

“Кимки ёлғон туш айтса, қиёмат кунда ҳеч қачон бир-бирига тугулмайдиган икки қилни туғиш вазифаси унга юкланади”.

“Киши уч ҳолатдагина ёлғон гапириши мумкин: хотини билан муроса қилиш учун; уруш вақтида (ҳарбий мақсадларда); одамларни муросага келтириш учун”.

“Одамларни муросага келтириш учун ошириб-тоширган билан, яхши гапларни тўқиб гапирган билан киши ёлғончи бўлиб қолмайди”.

“Ёлғон гапиришдан ўзингизни сақланг, чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради, бузуқлик эса дўзахга йўллайди. Киши ёлғон гапираверса, Аллоҳ ҳузурда ёлғончи бўлиб ёзилиб қолади”.

“Хоҳ чиндан, хоҳ ҳазил тариқасида ёлғон сўзламоқ ҳам, бирор нарса ваъда қилиб, уни амалга оширмаслик ҳам дуруст эмас”.

“Ёлғон гувоҳлик Аллоҳга ширк келтириш билан тенг”.

“Алдоқчи ҳам, миннатчи ҳам, ҳасис ҳам жаннатга қирмайди”.

“Эшитганини гапиравериш кишининг ёлғончилигига кифоя қилади”.

“Мўмин киши ёлғон ва хиёнатдан бошқа барча хулққа тобе бўлиши мумкин”.

Шарҳ:

Фитрий-яратилиш жиҳатидан олиб қарасак, мўминда ахлоқнинг барча турлари, жумладан, ҳар хил ёмон хулқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Аммо унинг табиатида ёлғон билан хиёнат бўлиши мумкин эмас. Бу икки ахлоқ ҳар бир инсон учун катта қусур ва қабоҳатдир. Ҳар қандай киши учун бу икки ахлоқ қабоҳат экан, демак мўмин кишига асло ярашмайди. Чунки иймон кирган қалбга ёлғон ва хиёнат сиғмайди. Шунинг учун ҳам мўмин тўғрилиқ ва вафодорлиқни севади, бошқаларни ҳам шунга чақиради. Шак-шубҳасиз, мўмин киши Ҳақ таоло ҳузурида ҳам тўғрилиги ва аминлиги боис юксак даражаларга эришади.

Ҳар намозда Ҳақ таолодан Сироти мустақиймни – тўғри йўлни сўраймиз. Тўғри йўлда бўлган кишини Аллоҳ таоло ҳеч қачон хор қилмайди. Тўғрилиқ жаннатдаги бир дарахтга ўхшатилади. Кимда-ким ер юзига ёйилган бу тўғрилиқ дарахти шохларидан бирини маҳкам тутса, шох уни тўғри жаннатга элтади. Аксинча, ёлғон – илдизи жаҳаннамда жойлашган бир дарахтдир. Ким ёлғончилик қилса, қилган ёлғони уни дўзахга элтади. Хиёнат ва ёлғончилик фақатгина баъзи адашган қавмларнинг феълидир.

Шу боис болаларимизни тўғри тарбиялашга эътибор берайлик. Бу йўл – Сироти мустақийм пайғамбарларнинг йўлидир. Муҳаммад мустафо (с.а.в.)нинг йўллари дир. Бу йўл ғазабга дучор бўлган, адашган бандаларнинг йўлидан бошқача йўл. Биз ҳам Аллоҳ таолодан барчамизни мана шу йўлга йўллашини ва тўғрилиқни тутиб, ундан айрилмайдиган бандалари қаторида қилишини сўраймиз. (Ал-Бурсавий)

“Мунофиқ намоз ўқиб рўза тутгани билан, “мусулмонман” деб даъво қилгани билан уч иллоти бўлади: ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади”.

“Унга бу юзини, бунга у юзини кўрсатадиган иккиюзламачи одам қабих бўлади”.

“Банда ёлғон гапирса, фаришта унинг оғзидан чиқаётган сас-сиқдан жирканиб, ундан узоқлашади”.

* * *

“Кимки хоҳланмайдиган нарсани тама қилса ёки ўзиники бўлмаган нарсани “меники” деса ёхуд берилмаган нарсани “менга берилди”, деса – қиёмат кунда ёлғондан икки қават кийим билан ўралган ҳисобланади”. (Яъни, “ўша одам икки бара-вар ёлғончидир”.)

* * *

Набий муҳтарам (с.а.в.)дан “Қандай даромад хайрлироқ ва яхшироқ, ё Расулуллоҳ?” деб сўрашди. Ул зот дедилар: “Меҳнат қилиб топилган ва алдовсиз тижорат орқали келган даромад”.

* * *

Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўради:

– Жаннатга нима олиб боради?

Жавоб бердилар:

– Ростгўйлик. Ростгўй одам пок бўлади, пок бўлса иймонли бўлади, иймон эса жаннатга олиб боради.

Яна сўради:

– Дўзахга-чи?

Жавоб бердилар:

– Ёлғончилик. Ёлғон гапирган киши бузук бўлади, бузуклик – кофирликка етаклайди. Кофирлик эса дўзахга олиб боради.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

– Мўминлар орасида қўрқоқ бўлиши мумкинми?

– Ҳа, мумкин, – дедилар.

– Мўминлар орасида хасис бўлиши мумкинми?

– Ҳа, мумкин.

– Мўминлар орасида ёлғончи бўлиши мумкинми?

– Йўқ, мумкин эмас, – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.)

* * *

“Тўғрилиқ эзгуликка, эзгулик эса жаннатга олиб боради. Одам боласи сўз ва амалда тўғрилиқни биринчи даражада тутиши сабабли Аллоҳ қошида сиддиқлар (*тўғрилар*) сирасига киради. Ёлғон ёмонликка, ёмонлик эса дўзахга олиб келади. Одам боласи ёлғон гапира-гапира Аллоҳ қошида каззоблардан бўлиб қолади”.

Шарҳ:

Инсонларда яхши ва ёмон хулқлар жуда кўп бўлса ҳам, ахлоқ олимлари уларнинг ҳаммасини икки хилга – тўғрилиқ ва ёлғон-

чиликка тақсимлашган. Қанча яхшилик (фазилат) бўлса, шуларнинг ҳар бири тўғрилиқ (сиддиқлик) остига ва қанча бузуқлик (разолат) бўлса, ҳаммаси ёлғончилик (каззоблик) остига киради.

Тўғрилиқни фикрда, сўзда, муомалада, ваъдада тўғри бўлиш каби турларга айириш мумкин.

1. Фикрда тўғри бўлиш ўзини ўзи алдамасликдан ҳамда йўқ нарсалар билан ҳақиқатни ўзидан пардаламасликдан иборатдир. Инсон бир нарсани фикрлайди ва шу нарсага эътиқод қилади-да, кейин тама ва бахиллик ёки ғазаб ва адоват сабабли ўзининг шу эътиқодига шубҳалана бошлайди. Ҳақиқатни ўзидан яширишга чоралар излайди ва топади ҳам. Агар бахиллик ва тамани, ғазаб ва адоватни бир четга ташласа, у вақтда аввалги эътиқоди очик суратда майдонга чиқади ҳамда шу эътиқоднинг дурустлигига ва ҳақиқат эканига унда ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Баъзи кишилар бир нарсанинг (фикр, иш, эътиқод) бузуқлик эканини билишади ва шунга кўнгиллари мойиллиги сабабли ўзларига уни тузук кўрсатишга тиришишади ва йўл излашади. Бу ишлари тўғрилиқ эмас, балки ёлғон ҳамда ўзини ўзи алдашдир.

2-3. Сўзда тўғри бўлиш ва муомалада тўғри бўлиш бутун ҳаёт ва маишатнинг тиргагидир. Яхши мол сотиш, қарзларни вақтида бериш, омонатни сақлаш, бировнинг ҳаққини емаслик ва олиб қолмаслик муомалада тўғри бўлишга киради.

4. Ваъдада тўғри бўлиш. Ваъда ҳам муомала ҳукми остига киради. Ваъдада туриш, ваъдага хилоф қилиш, ваъдасизлик маънолари бизда лозим маънода ўлчанмайди. Бизда ваъдабозлик кенг тарқалган ва ваъдага вафо қилмаслик оддий ҳол бўлиб қолган... “Ваъда – қарз” эканини, ваъдага хилофлик эса, мунофиқлик эканини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳатто кўпимиз бажариш ниятида эмас, балки шунчаки суҳбатдошнинг сўзини қайтаришдан уялиб ваъда бериб юбораверамиз. Бу ҳол ваъдада турмаслик эмас, балки ваъдабозлик нияти билан бўлганидан икки қарра қабоҳатдир. Қўлдан келмайдиган, вафо қилиб бўлмайдиган нарса ҳақида ҳеч вақт ваъда бермаслик ва “бу иш менинг қўлимдан келмайди”, деб очик айтиш зарур... Тўғрилиқнинг гўзал фазилат ва ёлғончиликнинг улкан разолат экани ҳақида Ислом динидаги насиҳатлар каби насиҳат бошқа ҳеч бир динда бўлмаса керак... Тўғрилиқка малака ҳосил қилган болаларнинг бошқа бузуқликлардан сақланишига умид боғлаш мумкин, чунки дунёдаги бузуқликларнинг ҳеч бири тўғрилиқ билан бир ерда жам бўлмайди.

(Ризоуддин ибн Фаҳриддин)

“Ваъданинг тўғрилигини ва бажаришнинг имконияти борлигини ўйлаб ваъда қилиш зарур, чунки ваъда – қарз”.

(Конфуций)

Мусо алайҳиссалом: “Эй Раббим, Қайси бандангнинг амали Сен учун хайрлироқ?” деб сўрадилар. “Тили ёлғон сўзламайдиган, қалби фужурга кетмайдиган, фаржи зино қилмайдиган кишининг амали”, деди оламларнинг Парвардигори.

“Эй ўғилчам, ёлғон гапиришдан сақлан. Чунки ёлғон чумчуқнинг гўштидек иштаҳали, аммо озгина фурсатдан кейин эгасини ўтда қовуради”.

(Луқмони ҳаким)

“Кимнинг гапида ёлғон кўпайса, чиройи кетади. Ким одамлар билан кўп тортишаверса, мурувватдан, мардликдан ажралади. Ким кўп тиришқоқ бўлса, дард орттиради. Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини азоблайди”.

(Ийсо ибн Марям)

“Эй инсонлар, ёлғончиликдан сақланинглар, чунки ёлғон гапириш иймондан чекинишдир”.

(Абу Бакр Сиддиқ)

“Сукут инсоннинг энг ҳарир либосидир”.

“Менга рост сўз туфайли мавқеимнинг пасайиши ёлғон туфайли мавқеимнинг кўтарилишидан яхшироқдир”.

“Ўзингга доимо рост сўзларни ихтиёр қил, агарда сени ростлик ўлдирса ҳам”.

“Ёлғон қасам ичишни енгил санама, унинг сабабидан Аллоҳ сени ҳалок қилур”.

“Сизларнинг орангизда бизга энг суюмлироғингиз исми гўзалларингиз эмас, балки хулқи гўзалларингиз, сўзи ростларингиз, омонатга хиёнат қилмайдиганларингиздир”.

(Умар ибн Ҳаттоб)

“Аллоҳ наздида энг катта хато – тилнинг ёлғон гапириши, надоматнинг энг ёмони қиёмат кунндаги надоматдир”.

(Али ибн Абу Толиб)

“Энг яхши озуқа тақводир, энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир. Хатоларнинг энг каттаси ёлғондир... Банда ёлғон гапириш ва ёлғончиликка интилишдан тўхтамайди, охири унинг қалбида қора доғ пайдо бўлади. Бора-бора қалби батамом қораяди ва Аллоҳ наздида ёлғончилардан деб ёзилади”.

(Абдуллоҳ Ибн Масъуд)

“Одамларнинг гапини етказишда ёлғончилик қилган одамнинг, гарчи у Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини етказишда ростгўй бўлса ҳам, гапи қабул қилинмайди”.

(Молик ибн Анас)

“Ёлғончиларнинг кўпчилиги қисса айтадиганлар ва кўп савол сўрайдиганлардир”. (Аҳмад ибн Ханбал)

“Ёлғончилик инсонни шарманда қилишини билганимдан кейин ҳали бирор марта ёлғон гапирмадим”.

(Умар ибн Абдулазиз)

“Муслмон бўлганимдан кейин ёлғон гапирмадим. Фақат бир марта бир киши овқатга чақирганида: “Иштаҳам йўқ” деб ёлғон айтганимга афсусдаман. (Абдураҳмон ибн Салама)

“Тупроқ сувни тортиб қуритгани каби кўп гапириш ҳам савобларни қуритади”.

“Гапиришнинг энг кам зарари шуҳратдир ва у бало етишига кифоя қилади”. (Абубакр ибн Аъш)

* * *

“Ёлғончи одам худди ўғри каби: фақат ўғри бисотингни ўғир-
ласа, ёлғончи ақлингни ўғирлайди”. (Ал-Хусрий)

* * *

“Мунофиқлик тил билан дилнинг, сўз билан амалнинг, ичка-
ри билан ташқарининг хилоф келишидир. Шак йўқки, мунофиқ-
лик ёлғон устида барпо бўлади”. (Ҳасан Басрий)

* * *

“Билмадим, қай бири жаҳаннамнинг энг чуқур жойида: каз-
зобми ёки бахил?”.

(Шавбий)

* * *

“Ўзим учун ёлғонни тарк этишдан ажрлироқ амални кўрма-
дим. Чунки мен аввал бошдан оқ ёлғон сўзлашдан кечган эдим”.

(Ибн Саммок)

* * *

“Хабарларда айтилишича, бирор хатиб (ваъз-насиҳат қилув-
чи) йўқки, қилган ваъз-насиҳати амалига солиштирилмасин.
Агар ростгўй бўлса, тасдиқ этилади. Агар ёлғончи бўлса, олов-
дан бўлган қайчи билан лаблари қирқилади. Ҳар сафар қирқиб
ташланганидан сўнг лаблар яна қайта ўсаверади”.

(Молик ибн Динор)

* * *

“Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чи-
роғини ҳам сўндириб бўлмайди”.

* * *

“Ёлғончининг қасами ҳақиқий бор илмининг ҳам сохталиги-
ни оширади”.

* * *

“Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ-қарсонлар кўр-
сатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди”.

* * *

“Ёлғончи ғулдураганда сен ҳаммадан кўра ҳам кўп эшитгув-
чисан, ҳақ гап сўйланса сен гўё эшитмагандай бўласан”.

(Абулқосим Замахшарий)

* * *

“Ўзини ёки бировни алдаган киши ростгўйликнинг ҳидини ҳам ҳидламайди”. (Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий)

* * *

“Тўғрилиқ Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари кабидир. Эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади”. (Жалолиддин Румий)

* * *

“Онамдан мерос қолган бир уйни сотдим. Бадалини Каъба мужовирларига улашмоқчи бўлдим. Баррида кетаётган эдим, бир қароқчи араб рўпарамдан чиқди:

– Ниманг бор? – деб сўради.

– Эллиқ тиллам бор, – дедим-да қўлига бердим. Санади-да, ўзимга қайтариб берди ва туясини чўқтирди.

– Бу туяга мин, кетамиз, – деди.

– Мени нима қиласан? – дедим.

– Тўғрилигингни кўриб, кўнглим сени севди, – деди.

Мен хоҳласам – хоҳламасам, туясига миндирди. Каъбага бордик. Биргаликда тоат ва риёзатга машғул бўлдик. Ўша қароқчи оқибатда Аллоҳ таолонинг валийларидан бўлди”.

(Шайх Аҳмад Мағрибий)

* * *

“Содик улдурки, ўзига зиён етадиган жойда ҳам тўғри сўзлагай”. (Жунайд Бағдодий)

* * *

“Билгин! Ёлғон ўзгага зарар етказгани учун ҳам ҳаромдир. Зарарнинг энг кам даражаси шуки, эшитувчи ёлғонни ҳақиқат ўрнида қабул қилади. Оқибат, у ҳақиқатдан беҳабар кишига, яъни жоҳилга айланади. Ўзгага етадиган зарар баъзан шу жаҳолатта боғлиқ бўлиб қолади”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

* * *

“Ҳақ гапни ҳам ўйламасдан гапиришдан тийилинг. Акс ҳолда ғаним орттириб балога қолишингиз мумкин”. (Убайд Зоконий)

* * *

“Ёлғончиликдан ёмонроқ иллат йўқдир. Чунки у шаҳодат калимасини бузади”.

(Имом Куртубий)

“Агар сени ўзингда йўқ сифат билан мадҳ этса, ундай одамга ишонма. Чунки у сенда йўқ ёмон иллатлар билан бошқа ерда сени ёмонлашга қодир”. (Қаюм Носирӣй)

“Аллоҳ таоло бандасига тоза юрак ва ростгўй тилдан улуғроқ бир нарса эҳсон этмагандир”. (Абул Ҳасан Харақонӣй)

“Ростгўйлик охират кунда нажотга муяссар қилур”.
(Хусайн Воиз Кошифӣй)

“Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса – унга чинлик беағи етарлидир. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса – шунчалик қабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз, садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз.

Сўзда Навоӣй не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.
Ростдур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эғридур – ўғри эрур”.

“Ҳар кимнингки сўзи ёлғон, ёлғонлиги билинғач, уятга қолғон. Ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устамони – кумушга олтин қоплаб сотувчи зарғар... Ёлғон гапирувчи – ғафлатдадир. Сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир... Ёлғон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиғи ёмон туюлиши ўрнига, кишиларни алдаганидан фахрланади ҳам. Ёлғончи ўз гапига гўллик билан кулоқ солувчини топса, уларга ёлғонини чин ўрнига ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлғончи – Ҳақ қошида гуноҳкор. Халқ олдида эса шарманда. Бундай наҳсинг беор юзи ёмонликка ўғирилган бўлади. Бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлғай (“қутлуғ эв” – қутлуғ уй, яъни биз яшаётган дунё демак)

Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,
Қутлуғ эв дунёдурур, яъники, ўлтурмак керак”.

“Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкаса, ўз қора юзини ёгга бўлайди. Озгина ёлғон ҳам улуғ гуноҳдир, озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

Заҳрнинг оз эса миқдори дағи муҳликдур,
Игнанинг нўти заиф эрса дағи кўр қилур”.

(Заҳарнинг миқдори оз бўлса ҳам ўлдиради. Игнанинг учи кучсиз бўлса ҳам кўр қилади)

“Ёлғончи одам – унутувчи. У андиша ва эҳтиётдан четда турувчи. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, ростгўйлар кўнглига у сўз қабул бўлмас. Ёлғончи ўзининг ёлғон сўзига бир-икки марта ишонтиради. Кейин нима қилади? Ёлғончилиги маълум бўлгач, у расво бўлади. Унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Кўнгил хазинасининг қулфи – тил. У хазинанинг калити – сўз бил.

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур –
Ки, махзанда дур ё садафрезадур”.

(Кўнгулнинг ҳолати сўзлаганда билинади. Унинг хазинасида инжу борми ёки садаф майдаси – дарҳол кўринади.)

“Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин гапира оладиган тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи – киши эмас, ёлғон айтмоқ – яхшилар иши эмас. Ёлғон сўз – айтувчини безътибор қилади. Чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлғонга қотади, бебаҳо дурни нажосатга отади.

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,
Ташлағон они нажосатға ажаб бадбахт эрур”.

(Шоҳларнинг тож ва тахтига безак бўлган гавҳарни нажосатга ташлаган ажаб бадбахт кишидир.)

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бори ҳам дегулик эмас.

Киши чинда сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

(Оқил одам чин сўздан бошқасини демайди, аммо барча чин ҳам айтгулик эмас. Киши чин сўз айтса гўзал бўлур, қанчалик қисқа бўлса, шунчалик яхшидир.)

“Ақлли одам ёлғон гапирмас; аммо, барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи ғилай – ногирондир; аммо, бунга у айбдор эмасдир... Бировни ноҳақ хижолатга солмоқ – ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнгилни оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўз-

дан кўра зарурат юзасидан – ўрни билан гапирилган ёлғон яхшироқдир.

Ёлғон бўлса мулоямомиз,
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз”.

(Ёлғон агар тасалли, таскин берса, даҳшатли чиндан азизроқ бил.)

“Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма; бировдан айб кўрсанг юзига солма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил, у айб можаросини душмани қилсин.

Не сўздинки, етгай бировга ғубор,
Не лозимки, сен қилғасен ошкор.

Қўяберки, қилсун аён душмани –

Ки, бордур адоват адувнинг фани”. (Алишер Навоий)

(Бировга кўнгилсизлик етказадиган сўзни ошкор қилишлик сенга лозим эмас. Қўявер, уни душман билдирсин, адоват қилмоқлик – душман ҳунари.)

Тўғри ҳар офатдан қутулиб кетар,
Мақол бор: “Тўғрилар мақсадга етар”.

Тўғрига бало ҳам зарар этмайди,
Эгри ҳеч қаерга бориб етмайди

(Камолiddин Биноий)

Одамиға тажриба доя этар,
Ростлик эр ўғлина моя этар.

Сарвдек озода бўлу росткор,
Ё ўруку олма бикин мевадор.

(Ҳайдар Хоразмий)

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр бирла хитоб этарсен.
Гар ёлғон бўлса зоҳир, эй дўст,
Шарманда бўлурсен охир, эй дўст.

(Мирзо Бобур)

Қилич бошингга келса, айма ёлғон,
Ўлумдиндур баттар чунки у ёлғон.

(Биров бошинг узра қилич кўтариб чопмоққа шай турса-да, ёлғон гапирма. Чунки ёлғон, эртами-кечми, барибир очилади. Шунда сен халқ орасида уятга қоларсан. Шунинг учун уят – ўлимдан ёмон, деб бекор айтмаганлар.)

Нажас мурдор эмас ёлғончиликдин,
Мусулмонегга шарм эт бу қиликдин. *(Сўфий Оллоҳёр)*

(Кўриб турибсан, нажасларнинг нажаслироғи ёлғончилик экан. Шунинг учун зинҳор ба зинҳор бундайин ёлғончи кимсалардан, уларнинг қилиқларидан уялгин, ёлғон сўзни сўзламагил, дея мусулмонларга ўғит қилавер.)

Тўғрилиқ учрамас ҳечам балога,
Сарв қуриса ҳамки ярар асога.

Ишда тўғриликка кимки таянса,
Мурод боғин сарви чиқади пешвоз

(Сайидо Насафий)

Тўғрию карамли, марддир у инсон,
Карам қилса ёшу қарига тамом.
Фил пашшага асло эътибор этмас,
Шер эса, фақирга раҳм этар мудом.

(Аҳмад Дониш)

Қайда рост иш, ўша ерда покиза нон,
Мана қайда чин зарбдорлик ҳалол виждон!

(Ғафур Ғулом)

Тўғрига раҳмат дегай эл, эгрига лаънат дегай,
Тўғринг қалби чароғу, эгрининг қалбида доғ.

Эгрига бўлсанг яқин, эл эгри кўргайлар сени,
Эгри кўзга қайда кўрсатгай бировни тўғри-соғ.

(Зокиржон Ҳабибий)

“Асал еган оғиз ҳам, куруқ нон еган оғиз ҳам охир-оқибат тупроққа тўлади. Фақат ҳақ сўзни айтиб юрган оғизгина чиримайди. Ҳақ наздида энг кийматли оғиз шудир”.

(Муҳаммад Камол)

“Ҳаққоният” деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликни айтулур. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур. Жаноби Ҳақнинг шу номи муборақини муқаддас билган киши ҳеч вақт ҳаққониятдан айрилмас. Чунки ҳаққоният нури қайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳақнинг тавфиқи раббонийси шу дилда нашъу намо қилур. Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган ва билганларини, ҳақиқатни ва тўғрисини сўзлар. Ишда тўғрилиқ – бировнинг нафсига, молига хиёнат қилмаслик, сўзда тўғрилиқ – ҳар вақт рост сўзламакликдур.

Ростлиғ Ҳақни ризосини топар,

Тўғри йўлда йўқ бўлурми ҳеч чопар?

Бизим шариати исломияда агар бир кишининг ҳақиға бўҳтон қилинуб, қилмаган ишни қилди деб сўз сўйланса, билган киши ростини сўзлаб, шул кишини оқламак вожибдур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Аннажоту фиссидки” – нажот ростликдадур”, демишлар. Ҳазрати мавлоно Румий: “Исломият айни ҳаққониятдур. Ҳақни қабул қилувчилар ҳуқуқи шаръияни сақламоқға буюрулмишдурлар. Чунки шариат ҳукмларининг энг асосий илдизи ҳаққониятдан иборатдур”, демишлар.

Ҳақшунослик ўлмоқ шарофатдур жаҳонда одама,

Ҳақни изҳор айламак бирла кўрук вер олама.

Ярашар инсона сидку тўғрилиқ гар кўрса гириҳ,

Тўғрининг ёрдамчисидур Ҳақ таоло, ғам ема.

Тўғриларнинг маскани Фирдавс айвонидадур,

Эгрилар икки жаҳонда ғам-алам конидадур”.

“Кизб” деб ёлгон сўзни айтулур. Ёлгончи кишиларни “каззоб” дейилур. Пайгамбаримиз: “Ал каззобу ло уммати” – ёлгончи менинг умматим эмасдур”, демишлар. Жаноби Ҳақ Куръони каримда: “Кизбни иймони йўқ кишилар сўйларлар”, демишдур. Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлгон сўзлардан тилларини сақламак ила баробар авлодларини ёлгонга одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифаи инсониядур.

Баъзи ўғриликка одат қилгон ўғрилар бўлур эмишки, бировнинг молини ўғирламоққа қодир бўлмасалар, ўз молларини ўғирлар эмишлар. Шунга ўхшаш ёшлиқдан ёлгонга ҳўй қилгон ва ёлгондан лаззат олгон кишилар бировни алдамак гуноҳлигини билсалар ҳам, “тарки одат – амримаҳол” мафҳуминча тилларини ёлгондан тил ёлмаслар. Баъзи вақтларда ўз оилаларини ҳам вайрон ва паришон қилмақдан тортинмаслар. Ҳеч бўлмаса наммомлик ва мудохана йўлларига икки мўмин орасига нифоқ ва адоват солуб, ҳатто бутун бир оиланинг бузулишига сабаб бўлурлар.

Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Ёлгондан сақланингиз, чунки ёлгон иймондан йироқдур”, демишлар. Пайғамбаримиз фақат уч ерда ёлгоннинг мубоҳлигини баён қилуб, “бири муҳораба замонида, иккинчи эр ва хотунни ризо қилмоқда, учинчи икки мўмин орасини тузатмақда ёлгон сўйлов жоиздир”, демишлар.

*Агар қилса киши ёлгонга одат,
Разолатда яшаб чекғай надомат.
Халойиқ ичра бўлмас эътибори,
Тегар бошига чўқ санги маломат.
Кимнинг бўлса агар ёлгончи исми,
Бу исми ўзига бўлмас то қиёмат.
Ишонмас эл ёлғочининг сўзига,
Агар бўлса сўзи кашфу каромат”.*

(Абдулла Авлоний)

“Беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо, билатуриб, ростини қўйиб, ёлгон гапирган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди”. (Абдулла Қаҳҳор)

“Тўғриликда ўлиш – ёлгончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайридир”.

“Ўз навбатида оқибатни келтириб чиқарган чинакам сабабгина юксак ҳақиқатлик фазилатига эга”. (Арасту ҳақим)

“Тўғри йўл тутган пайтингда буйруқсиз ҳам ортингдан эргашидилар, нотўғри йўл тутган пайтингда буйруқ берсанг ҳам қулоқ солишмайди”. (Конфуций)

* * *

“Кўзлар қулоқларга қараганда яхшироқ гувоҳлардир”.

* * *

“Ҳақиқатдан ёлғончилар ва сохта гувоҳлар қочиб қутулолмайди”. (*Букрот ҳаким*)

* * *

“Ҳақиқат, агар ўринли айтилса, уни енгиб бўлмайди. (*Ҳаққоний иш, модомики, у рўйирост баён этилган экан, уни маҳв этиб бўлмайди*). (*Плутарх*)

* * *

“Ёлғончига ҳатто у тўғри гапирганда ҳам ишонмаймиз”.
(*Цицерон*)

* * *

“Кўпчилик овоз исботланиши қийин ҳақиқатларни эътироф этишда узил-кесил далил бўлолмайди. Чунки, бундай ҳақиқатларга бир халқдан кўра, айрим одамгина дуч келади”.
(*Р. Декарт*)

* * *

“Ҳақиқат нима? Мулоҳазаларимизнинг табиатдаги нарсаларга мувофиқ келиши”.

* * *

“Ҳақиқат танқидни яхши кўради, чунки ундан фақат наф олади, ёлғон эса танқиддан чўчийди, зеро танқиддан у зиён кўради”. (*Д. Дидро*)

* * *

“Фақат ҳақиқатгина чинакам гўзалдир, фақат угина меҳрмуҳаббатга лойиқдир”. (*Н. Буало*)

* * *

“Агар кимнингдир тўғри сўзлаётганига шубҳа қилсанг, ўзингни унга ишонаётгандек тут: шунда у ёлғонни янада бўрттириб сирни очиб қўяди. Бордию унинг сўзларида яширишга уринаётган ҳақиқат оҳангини пайқаб қолсанг, ўзингни унга ишонаётгандек кўрсат: шунда у ҳақиқатнинг қолган қисмини ҳам айтиб беради”. (*А. Шопенгауэр*)

“Осон ваъда берган одам осон унутади” (Т. Фюллер)

“Қаердаки, ҳақиқатга маломат ёғилар экан, сен уни ҳимоя қил”.

“Ҳақиқатга кўрсатиладиган энг катта лутфу карам – унга амал қилишдир”. (Р. Эмерсон)

“Биз ҳақиқатни ихтиёр этибгина қолмай, балки фақат унигина тан олишимиз керак”. (И. Бехер)

“Ҳақиқатни шунчаки севиш ёки гапиришнинг ўзи кифоя эмас; ҳақиқатни бирор-бир улуг мақсадни кўзлаган ҳолда севиш ва гапириш керак”. (Г. Торо)

“Ҳақиқатни ўргана туриб, уч мақсадни кўзда тутиш мумкин: уни излаб топишимиз; топгандан сўнг исботлашимиз; ниҳоят ҳақиқатни изохлаётганда уни сохталикдан айира билишимиз даркор”.

“Ҳақиқат излаш вақтичоғлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан ўтади; аммо шунда ҳам барибир уни излаш керак, акс ҳолда ҳақиқатни топмасанг, уни севмасанг, ҳалок бўлдинг”.

“Албатта, билмай туриб ҳам ёлғон гапириб қўйиш мумкин, аммо “ёлғончи”, деган тушунча қасддан ёлғон сўзлаш маъноси билдиради”.

“Ҳақиқат шунчалар нозикки, ундан хиёл чекиндигми, янглишасан”.

“Ким ҳақиқатни ёқтирмаса, “мужмал” деган баҳона билан ундан юз ўгиради”.

“Одам ўзини фош этиши мумкин бўлган ҳақиқатдан кўрқа бошлайди, бундан ёмон бебахтлиқ йўқ”. (Б. Паскаль)

“Кўп ишонсангиз алданасиз, аммо ҳеч ишонмасангиз ҳаётингиз азобда ўтади”. (Ф. Кранэ)

“Ҳақиқат ва ёлғонни ажратиш жуда мушкул иш. Шу боис адашган одамлардан ранжиш ярамайди”. (А. Аврелий)

“Ёлғоннинг оёғи йўқ, лекин унинг қаноти бор, унинг ёрдамида у узоқ вақт ва узоқ ерларга учиб бориши мумкин”. (Поуп)

“Ёлғонни бу қадар фош этишимизнинг боиси шундаки, энг пасткаш иллатлар ичида айниқса ёлғонни беркитиш ҳам ва унга бўйин эгиш ҳам осон”. (Ф. Вольтер)

“Киши янглишган пайтда ҳар қандай одам буни сезади; аммо алдаётганда эса ҳамма ҳам сезавермайди”.

“Уйқудан уйғонилганидек, хато ҳам ҳақиқатга шу қадар тааллуқлидир. Хатодан уйғонилгач, одам ҳақиқатга янгича иштиёқ билан қарайди”.

“Кўплар ҳақиқат билан фақат шу боисдан олишадиларки, мабодо улар ҳақиқатни тан олсалар, ўша заҳотиёқ изсиз йўқолиб кетадилар... Бошқалар тан олган ҳақиқатни тан олиш билан ўз қиёфасини йўқотишдан чўчийдиганлар ҳаммадан баттарроқ янглишадилар”.

“Кимки мақбул ҳақиқатларга қарши бош кўтарса, уларни алангалатади; учқунлар эса ҳар ёнга сачраб, нур таратади”.

“Янги ҳақиқат ҳаммадан кўра кўпроқ эски хатолардан заҳмат чекади”.

“Донишмандлик фақат ҳақиқатдадир... Буюк одамдан биз аввало ҳақиқатга муҳаббатни талаб қиламиз”.

“Ҳақиқатдан кўра хатони топиш осон. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқайсан, ҳақиқат эса пинҳона яширинган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди”.

“Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимизда ҳамиша хатолар такрорланиб туради”. (И. Гёте)

“Ҳақиқатлар кўҳна, хатолар эса ҳаммавақт янги: эски хатолар ўрнига янгилари келади”. (Я. Райнис)

“Ёлғонлардан сақланишгина эмас, балки ёлғонга йўл қўя туриб ўжарлик қилмаслик ҳам ўзимизнинг қўлимизда”. (П. Гассенди)

320
“Янглишларни енгиб, ҳақиқатга эришган одам доно одамдир; фақат калтабингина қайсарлик билан ўз хатоларида маҳкам туриб олади”. (Ф. Рюккерт)

“Ҳақиқат – нуфузнинг эмас, замоннинг ўғли”.

“Ёлғон – иродасиз юракни, фаросатсиз ақл – бузуқ феъл-атвори фаш этади”. (Ф. Бэкон)

“Чуқур ишонч билан айтилган “Йўқ” фақат хурсанд қилиш учун ёки муаммодан қочиш учун айтилган “Ҳа”дан афзал”. (М. Ганди)

“Ҳақиқатни севган одам шоир ёки буюк шахс бўлиши шарт эмас. Ҳеч қандай куч сарфламай туриб, у ҳам шоир, ҳам буюк шахсдир”.

“Ёлғончилик – ўғрилиқдан баттар”. (Ж. Ренар)

“Ёлғончи – инсон деб аталишига лойиқ эмас”. (Ф. Фенелон)

“Ҳақиқатнинг букилмас бир табиати шундаки, у фақат бир нарсани – дунёда эркин кўз очмаклик ҳуқуқини талаб қилади ва истади. Қуёшни тавсифлаб ўтиришга ҳожат йўқ, бусиз ҳам уни зулматдан ажрата оладилар”.

(Т. Пэн)

“Ҳақиқат – эътиқод ва умидларимиз манбаи... Ҳақиқатга ҳар қандай масофа писанд эмас ва уни ҳеч бир чегара тўхтатолмайди”. (А. Барбюс)

“Зебу зийнат, жимжимадорликнинг кимга кераги бор, ҳаммага ҳалоллик керак. Тасаввурдаги жамики ажойиб ихтиролар ҳам биргина ёлғоннинг олдида путури кетади. Майли, хонадонингизнинг деворлари силлиқ тахта сингари яланғоч бўлсин, майли, у сомонли балчиқдан бино этилган бўлсин, фақат уни ёлғон билан кўтарманг”. (Ж. Рескин)

“Ҳамма нарсада, ҳаттоки ватанга тааллуқли масалада ҳам ҳақгўй бўлмоқ лозим. Ҳар бир одам ўз ватани учун жон беришга тайёр туриши керак, лекин ҳеч вақт ватаним учун, дея ёлғон гапиришга ҳақи йўқ”. (Ш. Монтескье)

“Агар ҳақиқатни гапиришнинг мавриди келавермаса, бундан “алдаш мумкин экан”, деган хулоса чиқармаслик керак. Мен ҳис этганим ва ўйлаётганларимни ҳар вақт ҳам айта олмаслигим мумкин, аммо бу ҳис этмаганим ва ўйламаганимни гапиришим кераклиги ёки гапиришга мажбурлигимни билдирмайди”.

“Кўплар ҳақиқат излаб, уни тополмасликларининг сабаби эҳтимол шу билан изоҳланарки, ҳақиқат сари босилган йўл ҳам худди кимсасиз даштлардаги бир манзилдан иккинчисига олиб келувчи йўллар сингари кенг ва ниҳоясиздир”.

(В. Либкнехт)

“Ҳақиқатни мен ботинганимча айта олишим мумкин; ёшим улғайган сайин бу журъатим тобора сусая боради”.

“Ёлғончилик – қабиҳ иллат... Ким хотирасига унча ишонмаса, келиштириб ёлғон ҳам сўзлолмайди, деб бежиз айтишмаган”.

“Агар ёлғон ҳам ҳақиқат сингари бир хил бўлганда-ку, аҳволимиз анча енгиллашарди. У ҳолда биз ёлғон сўзлаётган одамнинг гапини тескари тушуниб қўя қолардик. Лекин ҳақиқатнинг акси бўлган ёлғоннинг минглаб қиёфаси бор ва унинг ҳад-чегараси йўқ”. (М. Монтен)

“Ёлғончининг жазоси унинг гапига ҳеч ким ишонмай қўйишида эмас, балки унинг ўзи энди ҳеч кимга ишонмаслигидадир”.
(Б. Шоу)

322
“Ожизларнинг кучи ҳийла-найрангда... Ҳақиқат ошкора ҳаракатни ёқтиради... Ҳақиқатни ҳатто ҳеч бир гумон уйғонмаган пайтда ҳам таъкидлаш ортикчалик қилмайди”. (В. Шекспир)

“Ҳақиқат кимдир тан олмагани билан у бари бир зиғирча ҳам зарар кўрмайди... Ҳақиқат мунофиқлик ва риёкорликни мутлақо яқин йўлатмайдиган кўзгудир”.

“Хатолар нақадар кучли бўлса, ҳақиқат шунча тантана қилади”. (Ф. Шиллер)

“Иродасиз одамлар оққўнгил бўлолмайди”.

“Иллатнинг қўлидан келган яхшилик – мунофиқлик”.

(Ф. Ларошфуко)

“Қалбаки нарса ҳеч қачон пишиқ бўлмайди... Ҳақиқатлар ичига кириб қолган биргина ёлғон ҳаммасини шубҳага қўяди”.

“Ҳақиқат машъали кўпинча уни кўтариб келаётган одамнинг қўлини куйдиради”.

“Фойдали ҳақиқатларни гапириб, тез-тез такрорлаб туриш лозим”. (П. Буаст)

“Энг ёмон ёлғон кўпинча сукут билан ифодаланади”.
(Р. Стивенсон)

“Ҳақиқат тенгсиз бойлигимиздир. Келинлар, уни авайлаб асрайлик”.

“Агар сиз фақат бор гапни айтсангиз, бошқа нарсаларни ўйлаб ўтиришингиз шарт эмас”. (М. Твен)

“Чала ҳақиқат ёлғондан хавфли; чала ҳақиқатга қараганда ёлғонни ажратиш осон, чала ҳақиқат эса сездирмаслик учун икки ҳисса кучлироқ ниқоб кийиб олади”. (Т. Гунпель)

“Чала ҳақиқатни фош этиш ғирт ёлғонни фош этишдан кўра икки бора қийин”. (О. Мэлли)

“Сал-палгина бузилган ҳақиқат – энг хавфли ёлғон”.
(Г. Лихтенберг)

“Фақат тўла ҳақиқатгина мақтовга лойиқ. Чала ҳақиқат бир чақага ҳам арзимайди”. (С. Цвейг)

“Энг жиддий эҳтиёж – ҳақиқатни билиш эҳтиёжидир”. (Гегел)

“Ҳақиқат – тафаккур қуёши”. (Л. Вовенарг)

“Алдаётган одам елкасида қанчалик оғир юк борлигини ўйламайди, чунки биринчи ёлғонини давом эттириш учун у яна йигирма марталаб ёлғон сўзлайди”. (А. Поп)

“Кимки бир ёлгон гапирдими, яна гапиреди. Ахир битта ёлгонни бошқа еттитаси билан қувватлаш керак-да”.

(Ф. Рюккерт)

“Ҳақиқатга эҳтиром – мутафаккирликнинг бошланиши”.

(А. Герцен)

“Ҳақиқатни тадқиқ этувчининг асосий бурчи – ўнгга ҳам, сўлга ҳам чалғимай, тўппа-тўғри унга интилиш эмасми ахир?”.

“Ҳақиқат билан курашиш жараёнида хатолар ва ёлгонлар ўзини-ўзи фoш этади”. (К. Мар)

“Ҳақиқатни севиш уни топишнинг энг қулай шартидир... Хато қилиб қўйишдан қўрқиш ҳақиқат излашдан ҳафсаламизни қолдирмаслиги керак”.

“Ёлгон ҳамиша ўзига-ўзи зид келади, ҳақиқат эса асло”.

(К. Гелвеций)

“Баъзан ҳатто энг зарур ҳақиқатлар ҳам унут бўлганлиги туфайли узлатга чўқади, эсга солишдан эса қайта тикланади”.

(М. Клиггер)

“Борди-ю, ёлгонга дуч келсанг, сен уни йўқ қил. Ёлгон фақат йўқ қилишлари учунгина мавжуд”. (Т. Карлейл)

“Агар сен ҳақиқатни айтмай, уни яширсанг, агар мажлисда ўрнингдан туриб, уни гапирмасанг, гапирганда ҳам бор-йўқ ҳақиқатни тўла айтмасанг, сен ҳақиқатга хиёнат қилган бўласан”. (Ж. Лондон)

“Мен ватанимни танқид қилишим, камситишим ва унга озор беришим мумкин, лекин уни ҳеч қачон алдамайман”. (П. Чаадаев)

“Одамнинг қанчалик ростгўйлиги ахлоқий баркамоллигига тарозидир”.

“Фақат муҳим ишлардагина ҳақиқатни айтиш ва унга риоя қилиш керак, деб ўйлама. Ҳамиша, ҳамма ерда, ҳатто энг арзимас ишларда ҳам ёлғонга йўл қўймай, ҳақиқатни айтмоқ ва унга риоя қилмоқ лозим. Гап сенинг ноҳақлигинг туфайли келиб чиқадиган озми-кўпми ёмонлик хусусида ҳам эмас, муҳими, ўзингни ҳеч қачон ёлғонга булғамаслигингдадир”.

“Агар ҳақиқат бизга нима қилишимиз зарурлигини билдирмаса, у ҳолда нимани қилмаслигимиз ёки нимадан ўзимизни тийишимиз лозимлигини кўрсатиб беради”.

“Сўз билан ифода этилган ҳақиқат одамлар ҳаётидаги кудратли кучдир... Ҳақиқатни билишдаги асосий тўсиқ ёлғон эмас, сохта ҳақиқатдир”.

“Буюк ҳақиқатлар – энг оддий ҳақиқатлардир... Ҳақиқатни шундай севиш зарурки, токи улуғ бир ҳақиқатни билгач, шу пайтгача ҳақиқат ҳисоблаб келинганларнинг баридан воз кечишга доимо тайёр турмоқлик лозим”.

“Ҳар бир инсон кишилиқнинг бутун ақл идроки яратган борки бойликлардан баҳраманд бўлмоғи мумкин ва лозим, аммо айна вақтда у ўзига қадар яшаган одамлардан қолган ҳақиқатларни ўз ақл-идроки синовидан ўтказмоғи ҳам керак”.

(Л. Толстой)

“Ҳақиқат қанча юксак экан, унга шу қадар эҳтиёт бўлмоқ лозим: акс ҳолда, у бирдан жўн гапга айланади, жўн гапга эса ишонмай қўядилар”.

(Н. Гоголь)

“Энг аччиқ ҳақиқат ширин ёлғондан кўра ҳаммиша афзалроқ”.

(Н. Островский)

“Ҳақиқатда ҳам ҳаёт, ҳам эзгулик мужассам: ҳақиқат ёлғонга муҳтож эмас”.

“Энг ёқимли ёлғондан кўра энг аччиқ ҳақиқат афзал... Ҳақиқат одамлардан юксак бўлгани учун ҳам улардан ҳайиқмаслик керак... Ҳақиқатни ноҳўя ва хато тушуниш уни йўққа чиқармайди”.

“Кўзни чирт юмиб, сохта ва хаёлий рангларни воқеликка йўйгандан кўра, ҳақиқатдан қўрқмаслик ва унга тик қарамоқлик зарур. Фақат қўрқоқ ва зеҳни пастларгина шубҳа ва тадқиқ қилишлардан қўрқадилар. Кимки ақл ва ҳақиқатга ишонса, у ҳар қандай эътироздан ҳам ҳайиқмайди”. (В. Белинский)

“Буюк ҳақиқатлар тушунарли ва ҳаммабоддир”. (Д. Писарев)

“Ҳақиқатга интилиш мардларга муносиб бирдан-бир фазилатдир” (Ж. Бруно)

“Ҳаммадан ҳам кўра мен қўрқоқлик ва ожизлик туфайли тўқилган ёлғондан ор қиламан”. (А. Куприн)

“Ёлғончилик қалб ва танага ҳадсиз уқубат юклайди”.
(Ш. Руставели)

“Ўз виждонини алдаш – инсоннинг ҳаётдан эзилишининг энг кенг тарқалган ва энг қабиҳ кўринишидир”. (Л. Андреев)

“Ўз шахсий манфаатлари ва майлларига берилмаган ҳолда ҳақиқатга бўйсунуш – бор ҳалоллик, бор одоблилик мана шундир”. (Н. Огарёв)

“Ҳақиқат бу ҳаводир, усиз нафас олиш мумкин эмас”.
(И. Тургенев)

“Ҳақиқат ҳатто аямай айтилган тақдирда ҳам бирон кимсага даҳшат солмаслиги керак”. (Н. Пирогов)

“Ҳақиқат доим бирмунча ранжитади-ю, бироқ, у ҳамиша фойдалидир”.

“Ҳатто майда-чуйдаларда ҳам ростгўй бўлиш керак”.
(М. Горький)

“Ҳақиқат – одамда инсоф-диёнатнинг ғолиб келиши деган гап”.

“Асл ҳақиқат барча тирик жонзотлар сингари яшайди ва қакроқ ерни ёриб чиққан баҳорги куртакка ўхшаб ўзига йўл оча боради”.

“Ҳақиқат инсонга у ўзини кучли ҳис этган пайтида яқинлашади ва у курашга чоғланган: ҳақиқат учун курашиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш онда пайдо бўлади. Ҳар қандай куч ҳам ҳақиқат тарафида туравермайди. Аммо ҳақиқат ҳамиша ўзини куч билан қарор топтиради”.

“Ҳақиқат ишда мужассамлашишни ёқтиради. Ҳар қандай иш ҳақиқат эмас, бироқ ҳақиқат ҳаммавақт ишда намоён бўлади”.

“Ҳақиқат жасорат кўрсатишни талаб қилади: ҳақиқат учун курашмоқ ёки хочга михланмоқ лозим, одам ҳақиқатга интилади. Ҳақиқатнинг изига тушмоқ – тўғриликни ахтармоқ лозим”.

(М. Пришвин)

“Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва иккиюзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва мурасасиз бўл!.. Инсон унинг хулқи, воқеа ва ҳодисалар ҳақида кўнглинг нима деса, ўшани гапир. Сендан кимдир нимадир кутаётган тақдирда ҳам хушомад қилма. Бу

сени мунофиқ, лаганбардор ва охири бориб разил муттаҳамга айлангириш учун қилинган ҳаракатдир”. (В. Сухомлинский)

“Мунофиқлик – оғир иш эмас, ҳар бир ярамаснинг қўлидан келади, лекин очикчасига, самимий ва юракдан гапириш ва кулиш эса фақат олижаноб қалб эгаларигагина хосдир”. (Ш. Петефи)

“Фирибгарлик билан тилёғламалик – туғишган оға-инилардир”. (А. Линкольн)

“Айёрлик – жуда чегараланган кишиларнинг фикрлаш тарзи бўлиб, ташқи кўринишига ичи мутлақо ўхшамайди”.

“Айтадиган гапингнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлиши зарур, бу асло ҳамма ерда ҳақиқатни айтиш зарур, дегани эмас”.

“Ҳеч кимга зарар келтирмаса ҳам, ёлғонни зарарсиз деб ҳисобламаслик керак”.

“Юзимизнинг қизариши алдаётганимизни билдириб қўяди, лекин у ҳар доим ҳам ёлғоннинг исботи бўлиб хизмат қилмайди. Биз кўпинча бирон нимада ноҳақ алдаётганинг уятсизлигидан ҳам қизарамиз”.

(И. Кант)

“Муттасил айёрлик қилиш одати фикрий доираси торлик белгисидир ва деярли ҳаммавақт бир ерда айёрлик қиламан деган одам бошқа жойда ўзини ошкор этади”.

“Бировдан айёрроқ бўлиш мумкину, лекин ҳаммага айёрлик қилиб бўлмайди”.

“Алданишнинг синалган йўли ўзингни бошқалардан айёрроқ деб ҳисоблашингдир”. (Ф. Ларошфуко)

“Мен, доимо алдамчи пировард-натижада ўзини алдайди, деб такрорлаганман ва яна такрорлайвераман”. (М. Ганди)

“Айёрлик ғирт ақлсизликдир: ўз мақсадига тўғри йўл билан эришолмаган одам унга ёлғон-яшиқ, эгри йўл билан эришишга уринади; айёрликнинг фожиаси шундаки, у бир марта билинмайди, аммо кейин ҳаммавақт отнинг қашқасидек кўри-ниб туради”.

“Ўтакетган айёр одамлар кўпинча доғда қоладилар, чунки улар бошқаларни ақлироқ, тўғрироғи, айёрроқ деб ўйлаб, адашадилар”. (Г. Филдинг)

“Одам бировларни алдаяпман, дея ўйлаётган пайтидагидек осонгина алданиб қолмайди”. (Я. Козелский)

“Катта ёлғонни яширишнинг энг яхши йўли – уни митти алдовлар булути билан қоплашдир”.

“Одамга ишониш осон. Бошқа одамни сенга ишонишига мажбур қилиш эса, анча қийин”.

“Биз ҳамсухбатимизни ўз қаричимиз билан ўлчашга одатланиб қолганмиз ва бундан асло тортинмаймиз”.

“Одам қилмишини тан олаётган пайтда гапига суқилиш билан унинг янги ёлғонни тўқишига туртки бўлиши мумкин”.

“Ғирт ёлғон кўполликдан бошқа нарса эмас”. (Кобо Абэ)

Дониш аҳли бисотидан:

“Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, тўғри яшамоғи муҳимроқ. Тўғрилиқка ишонмаган ақлнинг ўткир бўлганидан фойда йўқ. Соатнинг ҳам югуриб кетиши эмас, тўғри юриши муҳимроқ”.

“Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилиқ йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун. Камон эгри бўлгани учун каноқ билан боғланиб, банди қилинган”.

Тўғри гапнинг ҳеч бўлмади душмани,
Ёлғон сўзнинг кўп бўлади пушмони.
Тўғри гапнинг тўрт томони йўл бўлар,
Ёлғон сўзнинг айланаси кўл бўлар,
Бошга бало охир бориб – тил бўлар.

Халифа Ҳорун ар-Рашид янги сарой бино қилишни ихтиёр этди. Унинг истаги бўйича сарой ўртасига тўғри бир устун қўйиш зарурати туғилди. Халифанинг буйруғига кўра, шундай устунбоқ ёғочни қидира-қидира Бағдодга яқин бир қишлоқдан топдилар. Устунбоқ ёғоч Бағдодга келтирилганда Ҳорун ар-Рашид ёнига амалдорларини олиб, устун кўрмоқ мақсадида қурилиш майдонига келди. Амалдорлар орасида донишманд Баҳлул ҳам бор эди. У устунга яқин келиб, энгашиди-да, нимадир деб пичирлади. Сўнг янада энгашиб, устунга қулогини тутди.

Унинг бу қилиғидан барча таажжубланди. Халифа эса бу ҳаракатининг сабабини сўради. Донишманд бундай жавоб берди:

– Мен устундан: “Ўзинг бир ёғоч бўлсанг-да, халифа жаноблари сенга пешвоз чиқиб, кўргани келдилар. Бундай иззат ва ҳурматга лойиқ бўлишинг сабаби недир?” – деб сўраган эдим, бундай жавоб қайтарди: “Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим туфайли шундай иззатга муносиб кўрилдим. Эгри бўлсам эдим, майдалаб, ўтин қилиб ёқиб юборардилар. Тўғри ўсганим учун мени экиб, парваришлаган кишининг хонадонини ҳам бойитдим”.

“Ёлғончи одам таҳқир ва койишгагина сазовор эмас, у жуда ҳам мушкул, ноаниқ, мужмал ҳаёт кечиришга мажбурдир. Чунки биринчи сўзлаган ёлғонини хаспўшлаб беркитиш учун иккинчи ёлғонга, буни ҳам беркитишга ҳаракат қилиб, учинчи ёлғонга эҳтиёж сезади. Шундай қилиб катта ва кўрқинчли хатоларга дучор бўлади. Ўзининг иззат ва обрўсини халқ орасида йўқотгани соясида доимо қайғу-алам билан умр ўтказди”.

Ривоят: бир фирибгар бегона шаҳарга келиб “Ҳаждан кел-лаётибман”, деб мақтанди сўнг бир китобдан қасида кўчириб, “Буни подшоҳга атаб ўзим ёздим”, деб тортиқ қилди. Подшоҳ бундан қувониб унга кўп неъмат бериб, иззат ва икром қилди. Подшоҳ мажлисининг яқинларидан бири шу куни сафардан қай-тиб, фирибгарни кўрди-ю “Мен бу кишини Қурбон ийдида Басра вилоятида кўрдим, бу нечук ҳожи бўлур?” деди. Яна бир киши айтдики: “Мен буни танирман, отаси насроний эди, ватани Ма-латиядир”. Бундан сўнг билдиларки, бу одам ҳожи ҳам, саййид ҳам эмас экан. Подшоҳ шаънига ёздим дегани қасида Анварий девонидан кўчирилганлиги ҳам аён бўлди. Унинг ёлғони занжир ва таёқ билан тақдирланди.

Масал: Бир қарға пишлоқ парчасини олиб, дарахт шохига кў-ниб турарди. Оч тулки қарғанинг оғзидаги пишлоқни кўриб, шо-шилганича дарахт остига келди:

– Кунингиз хайрли бўлсин, қарға хазратлари! Бунчалар чи-ройлисиз-а! Гўзал ипак каби патларингиз кўзларимни қамашти-ряпти. Майин патларингиз каби овозингиз ҳам ғоят ёқимли. Шубҳасиз, барча қушлар сизни булбулдан ҳам афзал деб билади-лар, – деди.

Қарға бу сўзларни эшитиб, севинди. Севинганидан шох-дан-шохга сакради. Сўнгра булбулдан афзал эканини намоён қилиш учун бутун қуввати билан “Қағ! Қағ!” деб қағиллаганида оғзидаги пишлоқ тушиб кетди. Тулкига худди шу керак эди. У пишлоқни илиб олиб, паққос туширди-да, қарғага қайрилиб ҳам қарамай кетворди. Қарға эса бу воқеадан лол қолди. Ҳайратла-ниб ўйга толди. “Бундай тотли сўзларга энди алданмайман”, деб қасам ичди.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Тўғри кетаётган карвонни ортга бурсанг, маймоқ туя олдинга ўтиб қолади.
- * Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор.
- * Тўғри сўз – қиличдан ўткир.
- * Тўғри сўз аччиқ бўлар.
- * Бетга айтганнинг заҳри йўқ.
- * Тўғри сўз туриб келар, эгри сўз – туртиб.
- * Тўғри сўз туққанингга ёқмас.
- * Тўғри сўзга тўғаноқ.
- * Тўғри сўзга фил чўкар.
- * Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар.
- * Тўғри – ўзар, эгри – тўзар.
- * Тўғри ўсган гул бўлар, эгри ўсган кул бўлар.
- * Тўғри сўзлаган одам туғишганингдан афзал.
- * Тўғрилиқ тўрға тортар, ўғрилиқ – гўрға.
- * Тўғри тилим тиёлмадим, туққаним билан туролмадим.
- * Тўғри бошни эгри қилич кесмас.
- * Тўғри девор узоққа чидар.
- * Тўғри юрдим – етдим муродга, эгри юрдим – қолдим уятга.
- * Тўғрига бало йўқ, ёмонда ҳаё йўқ.
- * Фирибгарга шайтоннинг ҳаваси келар.
- * Рост гап айтган енгилмас.
- * Рост гапга завол йўқ.
- * Эгри ўтирсанг ҳам, тўғри гапир.
- * Энгилган дарахтга суянма, сени ҳам эгар.
- * Эгри бўлсанг – синар қанотинг,
Тўғри бўлсанг – чиқади отинг.
- * Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам билинар.
- * Эгри йўлдан юрсанг ҳам, тўғри юр.
- * Эгри калтақдан тўғри соя тушмас.
- * Эгри таёқнинг бутоғи бурунни йиртар.
- * Эгри ўсган терак нимага ҳам керак?
- * Эгри қозикқа – эгри тўқмоқ.
- * Юриши ёмон йигитни ёв олар.
- * Ўғрилиқ кўздан бошланар, тўғрилиқ – сўздан.
- * Ўғри бойлик топса, бахтидан кўрар,
Тўғри бойлик топса – меҳнатдан кўрар.
- * Ўғри қўли кесилмагунича ўғрилигини қўймас.
- * Юриши ёмон йигитни ёв олар.
- * Рост гапирувчига ҳамма вақт роҳат.

- * Рост сўз ҳаққа қарор топар.
- * Бошингга қилич келса ҳам тўғри сўзла.
- * Ёлғон айтиб фойда кўрсанг – охири зарар топарсан,
Рост айтиб зарар кўрсанг – охири фойда топарсан.
- * Ростлик – дўстлик, ёлғончилик – кўргилик.
- * Рост сўзни – айт, ёлғон сўздан қайт.
- * Ростгўйлик – бахт, ёлғончи бадбахт.
- * Ростни айтган шон ютар, ёлғон айтган қон ютар.
- * Тўмтоқ жумбоқ айтишма, ёлғон гапга қотишма.
- * Ёлғончининг шаҳрида шоҳ бўлгунча,
Ростгўйнинг чорбоғида гиёҳ бўл.
- * Савдогарда иймон йўқ – орин сотар,
Ёлғончида иймон йўқ – жонин сотар.
- * Ёв макрини ёлғон яширар.
- * Ёлғончига ишонч йўқ.
- * Ёлғончига тонг отмас.
- * Ёлғончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас.
- * Ёлғончининг ёнидан ўтма, ростгўйнинг ёнидан кетма.
- * Ёлғончига қўшилма, рост сўзингни яширма.
- * Ёлғончида ор бўлмас, тўғри сўзли хор бўлмас.
- * Ёлғончининг тили калта.
- * Ёлғон айтган кишининг, хатари бор ишининг.
- * Ёлғончининг рост сўзига ҳам ишонма.
- * Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон.
- * Ёлғончининг баҳонаси кўп, текинхўрнинг ошнаси.
- * Ёлғончи гавҳарни хор қилар.
- * Ёлғоннинг умри қисқа.
- * Уялмай десанг – ёлғон гапирма.
- * Хашақдан ҳашам бичма, ёлғондан қасам ичма.
- * Ёлғон – бошга таёқ, ошга суяк.
- * Ёлғон гап ёқадан чиқар.
- * Ёлғон гапириб яшагандан рост гапириб ўлган яхши.
- * Ёлғон гапнинг чуви чиқар.
- * Ёлғон етмиш йил ерда ётса ҳам, ёлини чиқар.
- * Ёлғон ё фарзандга урар, ё – давлатга.
- * Ёлғон ёндирар, ҳақиқат қондирар.
- * Ёлғон ростдан енгилар, тўғри элда танилар.
- * Ёлғон узоққа кетса ҳам, ҳақиқат қувиб етар.
- * Ёлғон уялтирар, рост суюнтирар.
- * Ёлғон-яшиқ гапирма, сўнг уялиб ўтирма.
- * Ёлғоннинг бутунидан ростнинг синиғи афзал.
- * Ёлғоннинг ёнига йўлама.

- * Ёлғон мақол турмайди, рости мутлоқ ўлмайди.
- * Арафа куни ёлғон гапирганнинг намоз куни – юзи қора.
- * Ёлғончи чин дея олмас, чин деса ҳам эл инонмас.
- * Ёв макрини ёлғон яширар.
- * Ёлғонга ё ялқов ишонар ё анқов.
- * Ёлғончи ёрилиб ўлар.
- * Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.
- * Ёлғончи тўрга бир ўтар, иккинчи ўтмас.
- * Ёлғончи ўликни гувоҳ тортар.
- * Ёлғончи ҳоримас, ўғри қаримас.
- * Ёлғончининг гувоҳи – қасам.
- * Икки ёлғон – бир қасам.
- * Икки чин сўз – бир ёлғоннинг елими,
Икки ёлғон – бир йигитнинг ўлими.
- * Тил билан тугилган тугун тиш билан ечилмас.
- * Айбини яширган бой бўлмас.
- * Гуноҳсиз одам подшоҳдан кўрқмас.
- * Даладан келган ўғрини тутиш осон,
Уйдаги ўғрини тутиш қийин.
- * Дили тўғрининг йўли тўғри.
- * Заргар фирибгар бўлса – олтин занглар.
- * Игна ўғирлаган сигир ҳам ўғирлар.
- * Игна ўғирлагандан сигир йўқотган гумонсиарар.
- * Илон ўз эгрилигини билмас, туянинг бўйнини эгри дер.
- * Илон ҳар ерда буралиб юрса ҳам, ўз инига борганда тўғриланар.
- * Ит тўйган куни ўғрилиқ қилмас.
- * Кўз – тарози, кўнгил – қози.
- * Кўнгил – тўғри учун, қулф – ўғри учун.
- * Найранг билан иш қилган кўп қийналиб жон берар.
- * Саёқ кетди, саёқ кетди, саёқ кетидан таёқ кетди.
- * Туя ўғирлаган туя бўйи чуқур қазир.
- * Тулки тулкилигини қилгунча териси қўлдан-қўлга ўтар.
- * Туллақни тузоққа тушириш осон эмас.
- * Тўғри бола ўстирсанг, халқ ичида шер бўлар,
Эгри бола ўстирсанг – икки кўзи кўр бўлар.
- * Қамиш ичида илон тўғри.
- * Қинғир иш – қирғин иш.
- * Қинғирлик – тириклик гўри, эгрилик – умрнинг шўри.
- * Қора кўнгил – яра кўнгил.
- * Қўли қинғирнинг – дили қинғир.

ЭГИЗАК ИЛЛАТЛАР

(ғийбат, бўҳтон, иғво, туҳмат)

“Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан биронталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир”.

(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Хужурот сурасидан)

Тафсир:

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини бир неча ёмон сифатлардан, ахлоқий касалликлардан, ҳалокатга элтувчи дардлардан қайтармоқда.

Гуноҳга олиб борувчи иллатлардан бири – бадгумонликдир. Бадгумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмасга ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан туҳмат ва ҳадик маъносида фикр юртишдир. Одатда, бундай гумонларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам “...кўп гумонлардан четда бўлинглар”, дейиляпти.

Ўтган уламолардан аз-Зажож раҳматуллоҳи алайҳи: “Бадгумонлик – яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишликдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган эса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор”, деганлар.

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак. Бу ҳақида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: “Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил”, деган эканлар.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар, чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир”, деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса: “Гар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан”, деган эканлар. Хусусан, иш бошида турган раҳбарлар бу нарсадан эҳтиёт бўлишлари лозимлиги имом Абу Довуд Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда яққол кўринади. Бу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Агар амир одамлардан айб ахтараверса,

уларни бузади”, деганлар. Маълумки, кимнинг ўйига бадгумонлик ўрнашса, у одам ўша гумонини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қидира бошлайди. Натижада, гумон остидаги одамнинг ўзига билдирмасдан, айбини ахтаришга тушади. Буни эса “жосуслик” дейдилар. Шунинг учун ҳам биз ўрганаётган ояти каримада гумондан четланишга амр қилингандан сўнг “Жосуслик қилманглар”, деб бу қабиҳ ишдан қайтарилмоқда.

Одатда “жосуслик” деб бировга ёмонлик етказиш ниятида айбларини ва заиф жойларини, ўзига билдирмай, яширинча ахтаришга айтилади. Бу иш ҳам катта гуноҳлардандир. Чин мусулмон кишининг қалби бу каби жирканч одатлардан пок бўлмоғи зарур. Боз устига, бу иш Ислом динининг асосий ғояларидан бири бўлмиш инсоннинг каромати, ҳурмати, иззати ва обрўйини ҳимоя қилиш масаласига чамбарчас боғлиқдир.

Ислом мазкур ҳуқуқларнинг муқаддаслигини эътироф этади, уларнинг ҳеч бир ҳолда поймол бўлмаслигининг чорасини кўради. Ислом жамиятида инсонларнинг жонлари, молу мулклари, уй-жойлари омонликда, сир-асрорларию яширин нарсалари беҳатар бўлиши зарур. Ҳатто, жиноятнинг олдини олиш баҳонаси билан ҳам одамларнинг ортидан жосуслик қилишга ижозат йўқ. Очиқ-ойдин кўриниб турган ишга қараб ҳукм чиқарилади. Гумон қилишга, шубҳаланишга ва пойлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бадгумонлик жосусликка йўл очишини айтиб ўтган эдик. Энди жосуслик ғийбатга йўл очишини айтмоқчимиз. Шунинг учун ҳам ояти каримада “жосуслик қилманг”дан кейин “Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар”, деб уқтирилади.

Ғийбат нима эканлигини энг улуғ тафсирчи Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитайлик:

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зоти бобаракотдан кишилар:

“Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?” – деб сўрашибди. Расули Акрам алайҳиссаломату вассалом:

“Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг”, дебдилар. Шунда:

“Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи?” – дейишибди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

“Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўхтон қилган бўласан”, деб жавоб қилган эканлар.

Ғийбатнинг ҳаром экани, гуноҳи кабиралардан эканлигини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар. Бу иш нақадар қабиҳ ва нақадар ёмон эканлиги ояти кариманинг ўзида ҳам ажойиб услуб ила баён қилинмоқда: “Сизлар-

дан биронталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?”

Қуръони карим бировни ғийбат қилишни ўша шахснинг ўлгандан кейин гўштини ейиш билан баробар қилмоқда. Маълумки, одамнинг гўштини ейиш мумкин эмас, ўлгандан кейин эса, асло хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган иш. Шунинг учун, юқоридаги “яхши кўрасизми?” деган саволга ҳеч ким “ҳа” деб жавоб бера олмайди. Шу боисдан оятнинг ўзи “ҳа, ёмон кўрасизлар!” – деб таъкидламоқда. Ўликнинг гўштини тановул қилишни кўнглингиз қандоқ кўтармаса, бировни ғийбат қилишни ҳам шундоқ кўтармасин, демоқда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида: “Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки, уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнингки, камчилигини қидирса, уни уйидан шарманда қилинган ҳолда чиқаради”, деганлар.

Охиратда ҳам ғийбатчилар жазосиз қолмайдилар. Расули Акрам алайҳиссалом вассалом: “Меърожга чиққанимда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мен: “Эй Жаброил, улар ким?” деб сўрадим. У: “Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар”, деб жавоб берди”, дея кўрганларини ҳикоя қилиб берганлар.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло мўминларнинг барчасини, хусусан, юқорида зикр қилинган гуноҳларни қилганларни Аллоҳдан кўрқишга даъват этиб: “Аллоҳдан кўрқинглар!” дейди. Шу билан бирга, аввал билмай гуноҳ содир этилган бўлса, тавба қилиб гуноҳини ювиш мумкинлигини эсалатиб, Аллоҳнинг фазли карамидан ноумид бўлмасликка чақиради. “Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳимлидир”. Ҳар қандай гуноҳдан қай тарзда тавба қилинса, мазкур гуноҳлардан тавба қилишда ҳам ўшандай ҳолат, яъни, ўтган ишга қаттиқ афсус қилиб, дилдан надомат чекиб, иккинчи бор бу ишни қилмасликка аҳд қилиш ва аҳдига вафо қилиш билан вужудга келади. Аммо, ғийбатчининг тавбаси бу билан тугамайди. Уламолар унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун яна бир муҳим шарт қўйишган. У ҳам бўлса, қаерда, қайси мажлисда ғийбат қилган бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда ғийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак.

Мўмин-мусулмонлар ғийбатдан четланибгина қолмасдан, бошқа ғийбатчиларнинг оғзига уриб, ғийбатга йўл қўймасликка

ҳаракат қилишлари матлубдир. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: “Кимки, бир мўминни ғийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Кимки, бир мўминни сўкмоқчи бўлиб, уни ғийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради”, деганлар. *(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)*

“Мен бандамнинг гумонидаман, истаганича гумон қилаверсин. Мен сен билан биргаман. Агар мендан яхшилиқни гумон қилсанг, яхшилиқ бўлади. Ёмонлиқни гумон қилсанг, ёмонлик бўлади”. *(Ҳадиси қудсийдан)*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Ким дунёда мусулмон биродарининг гўштини еса *(яъни ғийбат қилса)*, Қиёмат куни у кишининг эти унга тақдим этилади ва: “Е буни ўлик ҳолида, чунки сен уни дунёда тириклигида еган эдинг!” – дейилади”.

“Ғийбатдан сақлаинг! Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Зеро, киши зино қилиб, ожри тавба қилса, Аллоҳ таоло афв этади. Ғийбат қилганни эса фақат ғийбат қилинган киши кечиргандан кейингина афв этади”.

Бир куни пакана бир хотин баъзи бир масалаларни сўрамоқчи бўлиб, Пайғамбаримизни йўқлаб келди. Билолмай қийналиб юрган нарсаларини билиб олди. Чиқиб кетганидан кейин, ҳазрати Оиша:

– Мунча ҳам пакана хотин экан! – дедилар.

Шунда Пайғамбаримиз:

– Ғийбат қилдинг, эй Оиша! – деб танбеҳ бердилар.

Ҳасулуллоҳ (с.а.в.) барчага бир кун рўза тутишни буюрдилар-да, “ҳеч ким рухсатимсиз рўзасини очмасин”, деб таъкидладилар. Тайин қилинган куни ҳамма рўза тутди. Шом бўлганда бир киши келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, куним рўза билан ўтди, ижозат беринг энди ифтор қилай”, деб сўради. Набий муҳтарам рухсат этдилар. Кетма-кет келавердилар, Пайғамба-

римиз алайҳиссалом изн беравердилар. Шу аснода бир киши келиб деди:

– Эй Расулаллоҳ! Уйимда оила аъзоларимдан яна икки йигит бор. Улар ҳам қунни рўза билан кеч қилдилар. Аммо мажбуриятингиздан ижозат олгани ҳозир ҳузурингизга келолмадилар. Изн берсангиз улар рўзаларини очсалар.

Набий муҳтарам рухсат бермадилар. У киши илтимосини яна такрорлади. Расулulloҳнинг изн беришга яна хушлари бўлмади. У киши учинчи марга сўрагач, дедиларки:

– Сен айтаётган икки йигит рўза тутгани йўқ. Кундузи инсонларнинг гўштини ейиш билан (яъни *ғийбат қилиш билан*) вақт ўтказган кимса рўза тутган ҳисобланмайди. Бор, уларнинг олдларига. Агар рўзадор бўлсалар “Энди қусинглар!” деб айт.

У одам уйига бориб Аллоҳ элчисининг амрини уларга етказди. Қусдилар. Ҳар икқаласининг ичидан қуюлиб, лахта-лахта бўлиб қолган қон тушди. У одам Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига қайтиб бориб бўлган воқеани айтди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

– Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар ичларида яна шундай қон қолган бўлса, уларни жаҳаннам олови еяжак.

* * *

Абу Бакр айтдилар:

“Расулulloҳ (с.а.в.): “Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайинми?” деб уч марта сўрадилар. Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ, айтиб беринг”, дейишди. “Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш”, дедилар. Расулulloҳ шу вақтда ёнбошлаб ўтирган эдилар. Бу гапни айтганларидан сўнг ўнглашиб ўтириб олдилар-да: “Огоҳ бўлинглар! Катта гуноҳлардан яна бири – ёлғон гапирмоқ, тўхмат қилмоқдир”, дедилар. Бу сўзларини шу қадар кўп такрорлардиларки, мен ичимда “Расулulloҳ чарчадилар, энди гапларини тўхтатсалар бўларди”, дедим”.

* * *

“Гумонсирашдан ўзингизни сақланг. Чунки гумон билан айтилган гап энг ёлғон гап бўлади.”

* * *

“Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан”.

* * *

“Агар амир айб ахтараверса, уларни бузади”.

* * *

“Мўмин кишилар шубҳали нарсалардан қочадилар, сабр қилдилар, шошилмайдилар, чунки, шошилиш – шайтондандир. Илмли мўминлар ҳам шубҳадан жуда узоқ юрадилар, қўрқадилар. Мунофиқ эса, тамоман бунинг аксидир. Инсонларга доимо зиён етказувчи, ўйлаб-нетмай, давомли ҳаромларга қўл урувчи, тунда ўтин ташийдиганлар каби, қаердан фойда қилиб, қаерга сарфлаётганини ҳисоб-китоб қилмайдиган ва аҳамият бермайдиган кимсадир. Зинҳор сизлар бундайлардан бўлиб қолманглар”.

* * *

“Мўмин киши содда, карамли-марҳаматли бўлади. Фожир киши эса ҳийлакор, паст, хасис ва нокас бўлади”.

* * *

“Ким мусулмон биродарини иғво қилса, Аллоҳ қиёмат куни унинг юзини орқасига ўгириб қўяди”.

* * *

“Бировни ғийбат қилиб гуноҳга ботган кишига ғийбат қилинган кишининг ҳаққига истиғфор айтиш каффарот бўлади”.

340

* * *

“Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши ўй қил”.

(Умар ибн Ҳаттоб)

* * *

“Ғийбат қилиб қўйган киши кечирим сўрамаса ҳам, ғийбат қилинган киши учун Аллоҳдан мағфират тилаши кифоядир”.

* * *

“Ҳавойи нафсига қул кишини, бузуқликларини ошкор қилиб юрадиган фосиқни, золим имомни гапириш ғийбат саналмайди”. *(Ҳасан Басрий)*

* * *

“Мисвоклар билан оғзингни тозаладинг, кошки эди бундан кейин сен оғзингни бўҳтон, ёлғон, ғийбат сўзларни айтиш билан булғамасанг!”.

* * *

“Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Аллоҳ таоло вабо юборади”. *(Абулқосим Замахшарий)*

* * *

“Подшоҳга яқин кишилар тухматчи ва ғийбатчи бўлсалар, давлат инқирозга юз тутиб, подшоҳ алмашгусидир”.

(Мажидиддин Хавофий)

* * *

Шайхул машойих Жунайд Бағдодий кўрдиларки, бир киши жоме масжидига келиб, тиланди. Шайх ҳазратларининг кўнгилларидан кечдики: “бу йигит соғлом бўла туриб, нечун меҳнат қилиб топмай, ўзини бундоқ хор тутар?” У зот ухлаган пайтларида туш кўрдиларки, бир киши қопқоғи ёпиқ бир товоқ келтириб, Жунайд ҳазратларининг олдига қўйди. Шайх ҳазратлари қопқоғни кўтардилар. Қарасалар, масжидда таваккул қилган дарвешни пиширибдилар. “Буни егил!” деган амр бўлди. Жунайд ҳазратлари: “Ўликни емайман”, дедилар. “Кеча масжидда қандай еган эдинг, энди емайсанми?!” дейилди.

Жунайд ҳазратлари дедилар: “Билдимки, ғийбат қилган эканман. Ўша ҳайбатдан уйғондим. Таҳорат олиб, намоз ўқидим. Ўша дарвешни кўрмоқ фикрида ташқарига чиқдим. Кўрдимки, Дажла қирғоғида ўтириб, увокларни териб ер эди. Ёнига бордим. Бошини кўтариб: “Эй Жунайд, масжидда эканингда кўнглингдан ўтган фикрингга тавба қилдингми?” – деб сўради. “Тавба қилдим”, дедим. У: “Бор, ортиқ бу фикрни қилмагил”, дегач “Шўро” сурасидан бир ояти каримани ўқиди-да ғойиб бўлди”. *(Дарвиш ўқиган ояти кариманинг маъноси: “У (яъни Аллоҳ) бандаларидан тавба тазарру қабул қилгувчи, ёмонликларни афв этувчи ва қиладиган ишларингизни билувчи Зотдир”)*

* * *

“Пайғамбаримиз замонларида қилинган ҳар қандай ғийбат ҳидидан сезилган. Бу ўша замонларда ғийбат оз бўлгани учундир. Ҳолбуки, замонимизда ғийбат кўпайган, бурунлар ғийбат билан тўлган ва ҳидини фарқлаб бўлмайди. Бу кўнчилар бозорига кирган одамнинг ҳолига ўхшайди: ифлос ҳиднинг ўткирлигидан у ерда бир дақиқа ҳам туриб бўлмайди. Ҳолбуки, кўнчилар у ерда бемалол овқатланишади, еб-ичишади, лекин асло жирканишмайди. Бу жирканч ҳид уларнинг димоғини безовта қилмайди. Чунки ёмон ҳид бурунларига яхшигина ўрнашиб бўлган. Мана, бизнинг кунларимизда ғийбат масаласи шундайдир”.

(Жобир ибн Абдуллоҳ)

* * *

“Муриднинг камолотига тўсиқ бўлган нарсалардан бири – мусулмонни ғийбат қилишдир. Ким ғийбат қилиш балосига йў-

лиққан бўлса, “Фотиҳа”, “Ихлос” ва муаввзатайн (“Фалақ”, “Нос”) сураларини ўқисин, савобини ғийбат қилган биродарининг амал дафтарига ёзилишини Аллоҳ таолодан сўрасин. Буни менга тушимда Расулulloҳ (с.а.в.) ўргатдилар.”

(Шайх Абул Мавоҳибийи Шозалий)

“Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат оз бўлса-да, келтирадиган зарари денгиз каби бепоён. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади”. *(Хаёлиддин Ҳасаний)*

“Ғийбатни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ғазабдир. Ғазабдан қутулиш учун шундай тўхтамга келиб олиш лозим: “Агар ғазабим сабаб бўлиб уни ғийбат қилсам, балки ғийбатим сабаб Аллоҳ ҳам менга ғазабини ёғдирар. Аллоҳ мени ғийбатдан қайтарган. Бас, мен ғазабдан тушдим. Энди менга ғазаб ёлқинлари ҳечдир!”

342

“Набий муҳтарам “Ғийбат – биродарининг ортидан ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонларини айтишингдир”, дедилар. Бу ҳадис кўп қамровлидир. Кишининг жисмоний камчилигини, зоти, хатти-ҳаракатлари, сўзи, диний ва дунёвий жиҳатлари, ҳатто либоси ва уловининг қусурини айтмоқ, уни қовлаштирмоқ демакдир. Дастлаб соф мусулмонларнинг баъзи бирлари биров тўғрисида “Кийими калта” ёки “Кўйлаги узун” тарзида айтилган сўзни ҳам ғийбат деб ҳисоблашган. Шундай бўлгач, нега энди кишини хафа қиладиган сўз айтганда, бу ғийбат бўлмасин?!”

“Агар фалончининг кийими калта ёки узун десангиз, бу ғийбат бўлади. Энди фалончининг кийимини зик қилиш ғийбат бўлса-ю, ўзидан гапирсангиз, қандай бўларкин?”

(Абу Лайс Самарқандий)

“Эй ғийбатчи, дўстларингга дунёинг билан бахиллик қилдинг, душманларингга охиратинг билан сахийлик қилдинг. Сен бахиллик қилган ўрнингда кечирилмайсан, сахийлик қилган ўрнингда мақталмайсан”. *(Иброҳим Адҳам)*

“Бировни иғво қилишнинг гуноҳи бир рамазон ойида рўза тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир”. (Абу Ҳафс Кабир)

“Пайғамбарларнинг китобларида ўқидим: ким ғийбатдан тавба қилиб ўлса, у жаннатга кирувчиларнинг охири бўлади. Ким ғийбатни давом эттириб ўлса, у дўзахга кирувчиларнинг биринчиси бўлади”. (Каъбул Ахбор)

“Уч нарса мажлисда бўлса, раҳмат кетади: биринчиси – дунёни зикр қилиш, иккинчиси – кулгу, учинчиси – одамларни ғийбат қилиш”. (Хотам Зоҳид)

“Ғийбатни ташлашим менга дунё ва у яралганидан токи йўқ бўлгунча учраган нарсалар меники бўлишидан яхшироқдир”.
(Ваҳб Маккий)

“Зоҳидликни, танҳоликни касб қилган, қаноат рамзи ҳисобланган Ўзғурмишга заковат ва ақл рамзи Ўгдулмиш дейди: “Ҳеч кимнинг пайини қирқмадим ёки ўзгалар ҳақида ғийбат сўзлар гапирмадим”, дединг. Ахир атрофингда ҳеч ким бўлмаса, эл-юрт орасида яшамасанг, кимни сўзлайсан, ким ҳақида бир гап айтасан?”. (“Кутадғу билиг”дан)

“Ғийбатчига яқин турма. Ғийбатчининг тилида ўт бор. Бу ўт доимо ёниб, ловуллаб туради. Унга яқинлашсанг, куйишинг яқин. Ғийбатдан фасод ёйилади. Ғийбатчининг тили кесилишга маҳкум”.

“Ғийбат” деб бир кишининг камчилик ва қусурини орқасидан сўйламакни айтувур. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз нафсига лаззат умиди ила бировни ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳамда инсоният номига ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларни нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бошқа бир кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб ғийбат

қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки муслмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлимгача боруб тиралур. Шул тариқа ғийбатдан туғилган адоват чўзулмоқға оид бўлуб, душманлик зўраюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурғон миллий ишлардан маҳрум бўлмақлари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқалувиға сабаб бўлурлар.

Алҳосил, қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилуб, инфоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиги тарих саҳифаларидан маълумдур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Ғийбатдан сақлангиз, ғийбат зинодан ҳам ёмонроқдур”, демишлар.

*Агар журму гунаҳ бўлсун десанг оз,
Тилингни сақла ғийбатдан қишу ёз.
Қулоқға пахта тиқ, ғийбат эшитма,
Шикоятчи кишиға бўлма дамсоз”.*

(Абдулла Авлоний)

344

“Фитна қалбларда бош кўтаргай. Фитнадан озроқ озуқа олган қалбда бир доғ пайдо бўлади. Шундан сўнг унда фитнага нисбатан нафрат уйғонса, доғ кетади. Кимки қалби фитнага дучор бўлган-бўлмаганини билмоқчи экан, қалбини тафтиш қилсин. Агар аввал ҳаром деб билган нарсани ҳалол деса ёки асли ҳалол нарсани ҳаром дер экан, демак, қалби фитнага макон бўлибди.

Фитналардан эҳтиёт бўлинг. Ҳеч ким фитнага берилмасин. Аллоҳ таолога қасамки, ким фитнага юзланса, тошқин сел йўлдаги ифлос нарсаларни суриб кетганидек, фитна ҳам у кимсани ана шундай судраб олиб кетгай. Фитна дастлаб ҳақ-рост қиёфасига ўраниб бошланади. Шу даражадаки, баъзилар уни ҳақ деб биладилар. Фақат ўртадан кўтарилганидан кейингина унинг фитналигини тушуниб етади.

Ҳатто сув қўшилмаган шароб ҳам фитна каби инсонлар қалбини алдаб, чалғита олмайди.

Шундай бир замон келадики, сувға чўкаётган одам каби астойдил дуо-ниёз қилган кишигина фитнадан омон қолади. Бошқа ҳеч ким қутула олмайди.

Дунё учун охиратни унутган, охират учун дунёни ташлаган кимсалар сизларнинг яхшиларингиз эмас. Яхшиларингиз ҳар иккаласидан ҳам тўғри фойдалана олганларингиздир”. (Хузайфа)

Сукрот ҳақимга айтишди:

– Фалончи сиз ҳақингизда кўп нолойиқ сўзлар айтиб юрибди. Нега бепарвосиз?

Жавоб бердилар:

– Нима ҳам дердим? Ахир у бечора ҳар ким ҳақида нолойиқ ва ярамас сўзлар айтиш касалига йўлиққан. Шунинг учун уни маъзур тутаман.

“Калтафаҳмлар фақат одамларнинг камчилигини кўрадилару фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган аъзосига кўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар”.

(Абул Фароҳ)

“Ҳар қандай ғийбат асосида яхши аниқланган ахлоқсизлик ётади”. (О. Уайльд)

“Тухмат билан аллақачон кўп авлодлар қириб ташланган, шаҳарлар ер билан яксон этилган, ота ўғлига, ака жонажон укага, болалар ота-оналарга ва ошиқ-маъшуқлар бир-бирларига қарши девонавор кўзгалдилар. Тухматга ишониш билан кўпгина дўстлик алоқалари узилган, кўп уйлар харобага айланган”. (Лукиан)

“Ғалати хусусиятли иллат ҳисобланган бўҳтонни йўқ қилишга ҳаётингизни бағишлаб хато қиласиз. Уни ўз ҳолига қўйинг – ўзидан-ўзи ўлиб кетади”. (Т. Пейн)

“Бизни яхши билмай туриб, биз ҳақимизда ёмон гапирадиган одамлардан хафа бўлмаслик керак: унинг тухматлари бизга эмас, ўзининг тасаввурида туғилган шарпага тааллуқлидир”.

(Ж. Лабрюйер)

“Одамлар одатда бировга ёмонлик тилаб эмас, балки шухрат-парастликлари учун ғийбат қиладилар”. (Ф. Ларошфуко)

“Тирноқ остидан кир қидириш, азалдан ўртамиёнадан ё ошган ё ошмаган одамларнинг хусусиятидир. Иқтидорли ақл эга-

лари эса яхлит ҳодисаларга қарши эътироз билдирадилар ёки индамай қўя қоладилар, буюк алломалар бўлса ҳеч кимни айбламай, ўзлари кашф этадилар”. (Г. Лихтенберг)

“Бирон-бир нарсани таъкидлай туриб, уни қонуний равишда исботлай олмаслик тухмат қилиш демакдир”. (П. Бомарше)

“Эшитар қулоқ учун тухмат тилга чиққан чипқондек гап”.

(Ш. Руставели)

“Бўхтон қиличдан ҳам мудҳишроқ қуролдир, чунки унинг ярасини умрбод даволаб бўлмайди”. (Г. Филдинг)

“Бўхтон ғинғиллаб жонга тегадиган арига ўхшайди: уни жойида ўлдира олишингизга ишонмасангиз, яхшиси уни ҳайдашга ҳам уринманг, қайтага у сизга баттар ёпишади”.

“Ақлли ҳамда айни пайтда одобли одам ўз виждони олдида ҳалол бўлиши билан бирга, ўзига ҳурмат нуқтаи назаридан, бўхтоннинг олдини олиш ва бартараф қилиш маъносида яна зийрак ҳам бўлмоғи керак”.

(Н. Шамфор)

“Кўп билган одам хато қилмаслик учун ўз фикрини эҳтиётлик билан баён этишни билади. Юзаки билган ўзбилармон эса ҳамма нарса ҳақида ғайритабиий бир жасорат билан валақлайверади”. (Л. Толстой)

“Тухмат – катта иллат, у дарёдаги тўғон каби доимо турғунликка хизмат қилади”. (А. Чехов)

“Тухмат ҳар доим ҳам ғаразнинг иши бўлавермайди: у кўпроқ ҳаммани қойил қолдираман, деб гап сотишдек бешиён бир орзудан келиб чиқади, баъзан эса самимий ва айни пайтда гўл ният ва хайрихоҳлик натижаси ҳам бўлиши мумкин”.

“Ҳаётнинг нуқул салбий жиҳатларини тасвирлаш тухмат қилиш дегани эмас, балки фақат бирёқламаликка тушиш деганидир; тухмат қилиш эса ҳаётда мавжуд бўлмаган нуқсонларни, унда йўқ доғларни унга тўнкашдан иборатдир”. (В. Белинский)

“Бўхтон ўрмаловчи девпечакдир, у тўхтовсиз кўпайиш хусусиятларига эга ва кўйиб берилса, йўлида учраган ҳамма нарсани бўғиб ташлашга ҳам тайёр”.

“Бўхтон ва ёлғон жоҳиллар сиёсатининг қонунлаштирилган усулидир. Бу дунёдаги буюк кишилар орасида ёлғон ёки бўхтон балчиғи чапланмаган биронта одам топилармикин”. (М. Горкий)

“Уят ҳиссини уйғотадиган нарса кўпинча ғийбатнинг манбаи бўлади”. (Кобо Абэ)

“Бўхтончилар чиндан ҳам бахтсиз маҳлуқларки, ўз ғалабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар”. (Ойбек)

347

Ҳикмат аҳли бисотидан:

Ғийбат кўп ёмондир – юракни доғлар,
Тўғрилиқ яхшидир, дилларни боғлар.

“Ғийбат қилган киши майдонга бир тўп кўйиб, ўнгу сўлни замбарак ўқидан совурган кимсага ўхшайди. Ғийбат қилаётганда ғийбатчининг гўзал амаллари ўннга-сўлга созурилган бўлади”.

Одамдан одамга келар хавф-хатар,
Сут билан кирган сўз жон билан кетар.
Ғийбатчи инсонни қўшма инсонга,
У мурдор захарли илондан баттар.

Ҳикоя қилишларича, Абуллайс Бухорий ҳажга кетаётганларида чўнтақларига икки пулни солдилар-да, ўзларига ўзлари шундай шарт қўйдилар:

– Агар Маккага кетаётганимда ёки у ердан келаётганимда бировни ғийбат қилсам, шу икки пулни садақа қиламан.

Маккаи муқаррамага бориб келдилар, лекин ўша икки пул чўнтақларида қолаверди. Сўраганларга бу жавобни бердилар:

– Юз марта зино қилгандан кўра бир марта ғийбат қилганинг гуноҳи ёмонроқдир...

“Ғийбатчининг боши узра уч офат булути бор: ғийбатчининг дуоси қабул қилинмайди; қилган хайрли ишлари ҳам қабул қилинмайди; ғийбатчининг устида гуноҳлар бирлашади”.

“Ҳар нарсанинг кири бўлганидек, тилнинг кири ғийбатдир. Ғийбат сўзлари бировга нисбатан бўлган ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишилар одатидир”.

Ҳикоят: Шогирд донишманд устодига бир кишини ғийбат қилиб сўзлади. Донишманд унинг сўзларини эшитгач, афсус билан бош чайқади-да, деди:

– Менинг хузуримда ҳеч кимни ғийбат қилиб сўзлама, ёмонлама. Бировнинг устидан ғийбат қилсанг, ғийбатчи эканингни билиб, сендан бадгумон бўламан, нафратланаман. Бировнинг обрўсини маҳаллангда ва менинг ёнимда тўкишни истасанг, обрўинг бутун шаҳар халқи ёнида тўкилади. Сен ғийбат қилган одам чиндан ёмон бўлса, уни ўзингга душман қиласан, агар у мақбул ва марғуб киши бўлса, уни ғийбат қилишинг билан ўз номингни булғайсан, “ғийбатчи” деган ном билан шухратланасан. Сенинг сўзинг, ғийбатинг билан у киши ёмон ҳолга тушмайди, лекин ярамас, ғийбатчи эканинг ҳаммага маълум бўлади. Фараз қилдик, ғийбатинг туфайли унинг қадрига, мансабига нуқсон етди, лекин сен бундан нима фойда кўрасан? Барибир унинг мансаби, мартабасига эга бўлмайсан. Ғийбатчимисан, шу ном билан қолаверасан!

Ғийбатлардан узоқ киши гуноҳлардан узоқ бўлади. Ғийбат гирдоби одамларни дарё гирдобини каби ўз домига тортиб, маҳв этади.

Донишманддан сўралди:

– Осмонлардан каттароқ ва оғирроқ нарса борми, бўлса нима у? Жавоб берилди:

– Ор-номусли кишига тухмат қилмоқ осмондан ҳам катта ва оғирроқ.

Бир сўз билан бузилар шоҳ қалъаси,
Инграниб чиқади гўдак ноласи.
Ўт балоси, сув балоси ёмондир,
Ундан ёмон, билгин, тухмат балоси.

“Ким инсонлар орасида ўз дўстига қарши гап тарқатса билинги, унинг ичида илонлари ва чаёнлари бор. У тарқатган гаплар кечаси босган сел каби, қаердан келиб, қаерга кетганини билиб бўлмайди. У сўзида ҳам турмайди. Аҳдини ҳам қайта-қайта бузаверади. Дўстлигига ҳам ишониб бўлмайди. Уни истаган чоғи бузади”.

“Тоғ ва тошларни шамол ва ёмғир вайрон қилади, одамни эса тухмат. Дўстингга қилинган тухмат сенга қилинган тухматдир”.

Донишманддан сўрадилар:

– Етимдан ҳам хорроқ зот борми, бўлса ким у?

Жавоб бердилар:

– Тухматчи, чақимчилар фош бўлганда етимдан ҳам хорроқ бўладилар.

“Тухматчилар инсон зотига иснод келтирувчи ҳар қандай иллатдан ҳеч бир уятсиз фойдаланаверадилар. Ғанимни йўлдан олиб ташлашганидан кейин эса бир-бирларига тухмат тошларини отишдан ҳам тоймайдилар. Кўпинча уларни шу ҳаракатлари фош қилиб қўяди”.

“Тухматчи муродига қисман етиши мумкин, ҳеч қачон мутлак ғолиб бўла олмайди. Тухматчилиги фош бўлиб, шармандалик ёки хорлик жандасини кияди. Аммо... унгача кўп одамларни сарсон қилади, жабр майини ичишга мажбур этади... Ҳатто ўлимга ҳам олиб боради. Қасд қилган одамнинг ўлими – тухматчининг ғалабаси эмас, балки мағлубиятининг бошланишидир”.

Ривоят: Қадимда машҳур ва маъруф ҳокимнинг Баҳория исмли ой юзли, гул ёноқли, номусли ва ифбатли хотини бор эди. Шу ҳокимнинг қушчиси эса ҳаёсиз ва нопок одам эди. Бир куни у беҳаёнинг кўзи Баҳорияга тушиб қолди-ю кўнгил қуши гўзал аёл

ишқи домига илинди. Қушчи ҳар қанча висол ҳалқасини қоқса ҳам, мулоқот эшиги очилмади, унинг афсун ва афсоналари иф-фат ва номус эгасига таъсир қилмади. Ҳаракатлари зое кетиб, умиди узилай деганда пок, соф хотинни тухмат тузоғига илин-тирмоқчи бўлди. Бозорга борди-да, тўти сотиб олиб, унга “Мен ҳокимнинг хотинини тўшақда қоровул билан бирга ётганини кўрдим”, деган гапни балх тилида ўргатди-да, сўнг уни ҳокимга тортиқ қилди.

Тўти гапни хуш овозда такрор қиларди. Ҳоким балх тилидан беҳабар бўлгани учун унинг нима деяётганини англамади. Шун-га қарамай қушнинг чиройига, ёқимли овозига маҳлиё бўлди. Қуш Баҳорияга ҳам маъқул келиб, уни меҳр билан парвариш қи-лаверди.

Бир куни ҳокимникига балхлик биродарлари меҳмон бў-либ келишди. Тўти ўргатилган гапни такрор қилавергач, улар бир-бирларига саволомуз қарашиб, бош эгганларича жимиб қол-дилар. Ҳоким уларнинг маъюсланиб қолганларини сезиб, бунинг сабабини сўради. Меҳмонлардан бири минг истиҳола билан бўл-са-да, тўтининг гапини таржима қилиб берди. Ҳоким шу заҳоти таомдан қўл тортиди-да:

– Бизнинг одатимизга кўра, ёмон хотин тайёрлаган таомдан ейилмайди, – деди.

Эшик яқинида уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирган хиз-маткор қушчи “Хотинингизнинг қоровул билан бир тўшақда ёт-ганини мен ҳам бир неча марта кўрганман”, деб ёлғон гувоҳ-лик берди. Шундан сўнг ҳоким хотинини ўлдиришга буюрди. Бу ҳукмни эшитган ифбатли хотин эрига бир ишончли киши орқа-ли: “Эй мухтарам хоҷам, мени ўлдиришга ошиқманг. Мени ис-таган вақтингизда ўлдиришингиз мумкин. Ақл ва тажриба эга-лари ҳукм чиқаришга, айниқса қон тўкишга шошилмасликлари, сабрли бўлишлари зарур. Аввал яхшилаб ўйланг, агар текшириш натижасида гуноҳим исбот этилса, ўлдирсангиз розиман. Далил-сиз, исботсиз ҳолда ўлдиртирсангиз заволимга қоласиз”, деб ха-бар юборди.

Ҳоким хотинини чақиртириб деди:

– Тўти одам жинсидан эмас, у ғараз билан сўзламайди. Бу-нинг устига қушчи хизматкоримиз ҳам гувоҳлик берди.

– Балхлик меҳмонлардан сўранг-чи, тўти бу гапдан бошқа сўзларни ҳам билармикин ё йўқми? – деди Баҳория, сўнг хиз-маткорнинг кирдикорини фош этди: – Бу нобакор хизматчи ифлос муроди ҳосил бўлмагани учун тўтига ярамас сўзларни ўр-гатиш орқали мendan ўч олмоқчи бўлса керак, деб ўйлайман.

Агар тўти бошқа сўзларни ҳам сўзлай олса, мени ўлдиришингизга розиман.

Баҳориянинг сўзлари барчага маъқул бўлди. Ҳоким ҳам, меҳмонлар ҳам икки кун пойладилар, тўтидан бошқа гап эшитмадилар. Оқибатда Баҳориянинг поклиги аниқ бўлди. Ҳокимнинг амри билан тухматчини ҳозир қилдилар. Баҳория у нобакорга хитоб қилиб:

– Эй ярамас ситамкор, бу гуноҳ ишни қилганимни кўрдингми? – деб сўради. Хизматчи “кўрдим” деб яна ёлғон гувоҳлик бермоқчи эди, қўлига қўндириб кирган лочин тумшуғини унинг кўзларига уриб, чўқилаб-чўқилаб кавлаб ташлади. Кўрмаган нарсани “кўрдим” дейишнинг жазоси шундай бўлди.

Ким тухматчини қораламаса, уни қўллаган бўлади. “Бошқаларга тухмат қилиб шивирлайдиган одамни уйингдан ҳайдаб чиқар”, деганлар.

“Тухмат – қиличдан ҳам баттардир. Қилич яраси тузалар, тухмат ярасининг тузалиши эса ғоят қийин. Қилич тегса, баданнинг устки қисми чандиқ бўлиб қолади. Тухмат тиғи текканда эса юракда чандиқ пайдо бўлади”.

“Иғвогар мисоли кўмир, куйдирмаса ҳам кишини қора қилади. Иғвогарни бошқалардан ажратиш қийин эмас – у бировларнинг кулфатидан шодланади. Иғвони касб қилган одам киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайди”.

Масал:

Бир арслон бетоб бўлиб қолди. Барча ҳайвонлар зиёратга келишди, фақат тулки келмади. Бўри бу қулай фурсатни қўлдан бермаслик учун иғво қилди:

– Тулкининг ярамаслигини энди билдингизми? У сизни менсимайди, хасталанганингизни эшитиб, қувониб юрибди. Агар бу қилиғи учун жазоламасангиз, бошқа ҳайвонлар ҳам ундан ибрат олиб, сизни назар-писанд қилмай қўйишади.

Бўрининг иғвосини бир қуён эшитиб турган эди, ўша заҳоти тулкига етказди. Тулки вақтни бой бермай, бир хўрозни тутди-да, арслон ҳузурига таъзим билан келди. Арслон ғазаб билан наъра тортди. Тулки эса таъзимдан бош кўтармай, узрини баён қилди:

– Улуғим, сизнинг бетоблигингизни эшитганимдан бери ҳузур-ҳаловатимни йўқотганман. Сизнинг саломатлигингиз учун

мен жонимни беришга ҳам тайёрман. Бошқа ҳайвонлар сизни кўргани келишганда мен дардингизга даво излаб юрган эдим. Бағоят тажрибали, қўли енгил табиб борлигини эшитиб, уни қидириб топдим. Ҳузурингизга даъват қилган эдим, боласи вафот қилгани учун кела олмай, узрини айтди. Аммо сизни шифолаш йўлини менга тушунтирди. Сиз хўроз гўштини еб, ўтини почаси билан аралаштириб оғриган ерингизга сурасиз, кейин бўрининг оёғини олиб, қони қотмай туриб боғлайсиз.

Арслон тулкининг сўзига ишонди. Хўроз гўшtidан еган эди, ўзини бир оз енгил ҳис этди. Тулки кетгач, бўри унинг жазосиз чиққанидан ажабланиб, арслон ҳузурига кирди-ю, оёғидан ажралди...

* * *

“Иғво – ожиз қалбнинг ёвуз мероси, мағрурлар қалбидан ҳайдалган бир ҳис”, деб ёзган шоир ғоят тўғри фикрлаган экан. Иғвогар ҳамиша ўзининг асл башарасини ниқоблаб юради. Кўпинча у ўзини куюнчак меҳрибон дўст қиёфасида кўрсатади. Агар шундай ниқоб остида иғво қилинмаганида эди, дунёда кўп ёвузликлар бўлмасди”.

* * *

“Иғво ва фитнани касб қилган шайтонга жаннат ҳаром, саодат ҳаром бўлганидек, иғвогар одам ҳам сира бахтли бўла олмайди. Бир марта иғво қилиб тўхтаса, ўзига яхши. Албатта, тавба яхши, лекин иғводан ўзини тўхтатиш янада яхшироқ”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Тухмат – тош ёрар, тош ёрмаса, бош ёрар.
- * Тухматнинг тоши ёмон, ғийбатчининг ғилофи.
- * Тухматнинг умри қисқа.
- * Тухматчи тухматдан ўлар.
- * Тухматчига ўлик гувоҳ.
- * Ғийбат яқинни ёт қилар, тотувни араз.
- * Ғийбаткашнинг қозони қайнамас.
- * Ғийбатсиз сўз қизимас.
- * Ғийбатчининг дили кир, ғар-ўғрининг тили бир.
- * Фитнанинг олдини олмоқчи бўлсанг, фитна эшитувчи қулоқни кесиб ташла.
- * Ким бировга чоҳ қазиса ўзи йиқилади.
- * Иғвогар иғво тарқатар, ифлос ғавғо тарқатар.
- * Иғвогарга оқ сут ҳам қора.
- * Иғвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан сўзи ёмон.

ЗАНГ ТЕМИРНИ ЕМИРАР, ҲАСАД – ОДАМНИ

“Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни ҳасад ва адоват билан орзу қилманг. Эр кишилар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир, аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Ҳақ таоло ўз ҳикмати ва тадбири билан ҳар кимга лойиқ ризқни муқаддар қилган. Сизлар бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан файз-баракот ва ризқ-рўз сўранглар”.

(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Нисо сурасидан)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Олов ўтинни куйдириб кул қилгани каби, ҳасад савоб амалларни еб тугатади”.

“Олдинги умматларга етган хасталик сизлар томон ўрмалаб келди. Бу ҳасад ва бағзодир. Бағзо (*нафрат ва ғазаб*) – қирқувчидир. Сочни эмас, динни қирқувчидир. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, то мўмин бўлмагунингизча, жаннатга кирмайсиз. То бир-бирингизни яхши кўрмагунингизча, мўмин бўла олмайсиз”.

“Мўмин киши беш ёмонлик ўртасидадир: мўмин биродари унга ҳасад қилади, мунофиқ уни ёмон кўради, кофир уни ўлдириш пайида бўлади, нафс унга қарши туради, шайтон уни йўлдан оздиради”.

“Учта катта гуноҳ бор, кимда шу гуноҳлардан бўлмаса, бошқа гуноҳларини Аллоҳ таоло хоҳласа, кечириб юборади. Биринчиси – Аллоҳ таолога ширк келтириб ўлган киши; иккинчиси – сеҳргарлик билан шуғулланган ва унга тобеъ бўлган киши; учинчиси – ўз биродарига гина ва ҳасад қилган киши”.

“Албатта мўмин ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад қилади”.

“Ҳақиқатан, Аллоҳ таоло берган неъматларга душманлик қилувчилар бор... Улар Аллоҳ фазли ила одамларга берган нарсаларга ҳасад қилувчилардир”.

“Диндошинг бошига тушган балодан севинма! Чунки Аллоҳ уни халос қилиб, ўша балога сени гирифтор қилади”.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал улкан саҳобий Анас ибн Моликдан ривоят қиладилар:

“Пайғамбар алайҳиссалом билан ўтирган эдик. У киши: “Ҳозир ҳузурингизга бир жаннати одам келади”, дедилар. Таҳорат суви соқолларидан оқиб турган бир ансорий кириб келди. Эртасига Пайғамбар алайҳиссалом худди шу гапни яна айтдилар. Яна кечаги киши ўша ҳолатда кириб келди. Учинчи кун ҳам бу айнан такрорланди. Мажлис тугаб, Набий муҳтарам туриб кетганларидан сўнг Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ҳалиги ансорийга эргашди ва “Отам билан аразлашиб қолиб, уйга уч кун кирмасликка қасам ичган эдим, уч кун сизникида турсам майлими?” деди. Ҳалиги киши рози бўлди”.

Абдуллоҳнинг ҳикояси:

“Уникида уч кун ётдим. Кечаси ҳеч ошиқча ибодат қилганини кўрмадим. Фақат у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилганида Аллоҳ таолонинг зикрини қилар ва такбир айтар эди, холос. Сўнг бомдод намозига турар эди. Уч кун давомида ундан фақат яхши сўз эшитдим. Лекин ҳайрон бўлдим. “Жаннати бўлишга шу амалларнинг ўзи наҳот етса?!” деб юборишимга сал қолди. Унга қараб: “Отам билан ўртамизда ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. Расулulloҳ (с.а.в.) уч кун давомида уч марта “Ҳузурингизга жаннати киши келади”, деганларида сен кириб келдинг. Уйингда уч кун бирга яшаб, яхши амалларингни ўрганиб, сенга эргашмоқчи эдим. Аммо ҳеч бир катта амал қилганингни кўрмадим. Расулulloҳ айтган мартабага сени нима эриштирди?” дедим. У: “Ўзинг кўргандан бошқа ҳеч бир амалим йўқ”, деди. Жўнаб кетаётганимда эса: “Ўзинг кўргандан бўлак ўзга амалим йўқ. Лекин менинг қалбимда бирорта мусулмонга нисбатан алдамчилик йўқ. Бирор кишига Аллоҳ таоло яхшилик берса, ҳасад ҳам қилмайман”, деди. Мен: “Сени олий мартабага эриштирган нарса шу экан, унга тоқат ила амал қилиш ҳам қийин”, дедим”.

“Эй ўғилгинам, ҳасаддан сақлан. Чунки у душманиннга етмасдан, сенинг ўзингга билинади”.

“Ҳаммани рози қилиши м мумкин, фақат неъматга ҳасад қилувчини рози қила олмайман. Чунки уни фақатгина неъматнинг кетиши рози қилади”. (*Муовия ибн Абу Суфён*)

“Кимда-ким ғаразгўйлик жилови билан бир нарсага эришишга ҳаракат қилар экан, у шу истагига эришолмайди, ҳатто ажали ҳам етмай ўлиб кетади”. (*Али ибн Абу Толиб*)

“Ҳасад қилувчи бўлма, шунда Аллоҳнинг ҳикматини тез илғайсан”. (*Абу Суфён*)

“Банда ўлимни қанча кўп зикр этса, унинг хурсандлиги ва ҳасади шунча кам бўлади”. (*Абу Дардо*)

“Эй одам боласи, нега биродарингга ҳасад қиласан? Агар Аллоҳ суйгани сабабли у бандага неъмат ато қилган бўлса, сен Аллоҳ суйган бандага қандай ҳасад қиласан? Агар унинг мол-давлат топишига бошқа сабаб бўлса (*яъни ҳаром йўллар билан топган бўлса*), оқибатда дўзахга элтувчи бўлган мол-давлатнинг нимасига ҳасад қиласан?”. (*Ҳасан Басрий*)

“Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир. Чунки у бечора бахтли одамларни кўролмай, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради”.

(*Арасту ҳаким*)

“Ичиқоралик – ўзгаларнинг мусибатидан лаззатланиш демак”. (*Плутарх*)

“Худди қурт-қумурсқалар арслон боласини егани каби олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди”.

(*Абулқосим Замахшарий*)

“Тўрт нарсани тўрт нарсдан, яъни дилни ҳасаддан, тилни ёлғондан ва гийбатдан, қилган ишингни мунофиқликдан, қорнингни ҳаром-харишдан пок тут, шундагина чин одам ҳисобланасан”. (*Фаридиддин Аттор*)

“Сен “Мен фалончидан камманми, томим паст бўлаяптими”, деб ҳасад қиласан, аммо ҳасаднинг ўзи ҳам бир нуқсон, бир айб. Хатто барча пасткашликлардан ҳам баттарроқ! Шайтон ҳам паст бўлишдан ор қилди, буни уят деб ҳисоблади ва ўзини юзлаб ёмонликларга маҳкум этди. Ҳасадида баландроқ бўлишни истади. Қайда дейсиз? Қонларга беланиб қолди”.

“Абу Жаҳл Ҳазрат Муҳаммадга эргашишга уялди, ҳасаддан ўзини юқорироқ олишга, баландроқ кўрсатишга тиришди. Исми Абулҳаким эди, Абу Жаҳл бўлди. Қанча истеъдодли кишилар ҳасад сабабли бадном бўлдилар! Аллоҳ машаққат ва изтироблар билан ҳасадлар юзага чиқсин деб пайғамбарларни восита қилди. Чунки Аллоҳдан ҳеч ким орланмайди, Аллоҳга ҳеч ким ҳасад қилмайди. Аммо одамлар пайғамбарларни ҳам ўзларидек одам деб ҳисоблайдилар, шунинг учун унга ҳасад қиладилар. Пайғамбарларнинг буюклиги кўрилгач, унга ҳеч ким ҳасад қилмайди, ҳамма эргашади”.

356

“Юсуф акаларининг ҳийласи туфайли қудукқа тушди. Улар ҳасад туфайли Ҳазрат Юсуфни бўриларга бердилар. Ҳасаддан Миср Юсуфининг бошига нималар тушди? Ҳасад писиб ётган баҳайбат бўридир. Зоҳирий бўри Юсуфнинг атрофида айланмади. Аммо бу ҳасаднинг қилмишлари бўриларникидан ҳам ўтиб тушди! Бу ҳасад бўриси Ҳазрат Юсуфни жароҳатлади ва “Биз уни кийимларимизга қараб тургани қолдиргандик, бўри еб кетибди”, деб ширин ёлғонлар билан узрхоҳлик қилди. Бундай ҳийла юз мингта бўрида ҳам йўқ. Ҳали, қараб тур, бу бўри қандай шармисор бўлади!”

“Ўзингга кел-да, сен ҳам юксакликка эриш, ўзгаларнинг муваффақиятларидан қайғуга ботма! Аллоҳдан бу ҳасаддан халос қилишни сўра, Аллоҳ сени жасаддан қутқарсин! Сенга ички бир машғуллик бахш этсин-ки, ундан бош кўтара олмагин! Аллоҳ бир қултум шаробга шундай хусусият берган-ки, одамни маст қилади, икки дунёдан-да қутқаради!”

“Эй Карам Соҳиби, сен уларни ҳасаддан қайтарки, ҳасад туфайли шайтоннинг ҳолига тушмасинлар. Одамлар ўткинчи мол

ё жон дардида ҳасадда куядилар. Подшоҳларга қарасанг-чи, ҳасад туфайли лашкар тортиб, қондошларини ўлдирадилар. Бадкирдор хийлагарлар бир-бирининг жонига, қонига қасд қиладилар. Хисрав, Ширин ҳақидаги асарларни ўқи, у аҳмоқларнинг ҳасад туфайли нималар қилганларини кўр. Ошиқ ҳам йўқ бўлди, маъшук ҳам. Аслида улар ҳам, ишқ-у ҳаваслари ҳам ҳеч нарса эмас эди. Фақат пок Парвардигор йўқни йўққа ошиқ қилади, йўқликларни бир-бирига тўқнаштириб, иш чиқаради. Кўнгли паришон ошиқнинг кўнглида ҳасад бош кўтаради. Бор бўлган йўқни турли қийинчиликларга маҳкум этади. Барчадан марҳаматли, меҳрибон аёллар борки, ҳасад туфайли бир-бирларини ейдилар. Тошюрак эркакларни айтмайсанми, ҳасад сабабли не аҳволга тушадилар, қиёсла. Шариат, латиф афсун бўлмаганида ҳамма душманини бурда-бурда қилган бўлар эди. Шариат ёмонликни даф қилиш учун усул қўллайди, шайтонни далил шишасига қамайдиги”. (Жалолиддин Румий)

“Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшиси – хулқ гўзаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган иллатлар ичида энг ёмони ҳасад экан”.

(Шайх Нажмиддин Кубро)

357

“Ҳасаддан зарарлироқ нарса йўқ. У ҳасад қилувчи кишига бешта азобни олиб келади: ғами тугамайди, мусибат олади-ю, унга ажр келмайди, ёмонликни олиб келади, Аллоҳ таоло унга ғазаб қилади, унинг учун тавфиқ эшиклари ёпилади. Бу бешта азоб ҳасад қилинган кишига эмас, ҳасадгўйнинг ўзига етади.

(Абу Лайс Самарқандий)

“Ҳасад қилувчилар учун роҳат йўқдир... Хиёнатчида фикр йўқ, ёмон хулқли кишида бошлиқлик йўқ”. (Аҳнаф ибн Қайс)

“Мен ҳасадгўйдан кўра мазлумга ўхшаганроқ золимни кўрмадим. Чунки у сенинг олдиндаги неъматни ўзига нисбатан зулм деб ҳисоблайверади”. (Аъробий)

“Дунё ишларидан биронтасида ўзгага ҳасад қилмадим. Чунки у зот жаннат аҳлидан бўлса, унинг жаннат неъматлари олдида

жуда ҳақир бўлиб қоладиган дунёсининг нимасига ҳасад қиламан? Агар у кимса дўзахийлардан бўлса, унинг дўзахга киришига сабаб бўладиган дунёсининг нимасига ҳасад қилай?”

(Муҳаммад ибн Сирин)

“Нега ҳасадгўйлар доим нимадандир хафа юрадилар? Чунки уларни нафақат ўз шахсий муваффақиятсизликлари, балки ўзгаларнинг ютуғи ҳам азобга солади”. *(Абул Фароҳ)*

“Азоб чекишни истамасанг – ҳасадгўй бўлма”. *(Қобус)*

“Ҳасад, бошқаларнинг роҳатини кўролмаслик – ҳамма сифатларнинг пастроғидир. Ҳасад ҳиммат пастлиги ва кўнгил хасталигидан ҳосил бўлади”.

“Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч иллатдир” *(Хусайн Воиз Кошифий)*

“Ўзингда ҳасад ҳиссини кўзғатмагил. Зеро, кейин ундан халос бўлишинг амри маҳолдир. Уни даволаб бўлмайди”.

(Мажидиддин Хавофий)

“Дунёда ҳасад ва гинадан оғирроқ ранж йўқ. Чунки ҳасадчи кимса одамларнинг шодлигидан пайваста ғам остида юради. Ўзгалар роҳатидан доимо заҳмат тортади”. *(Муҳаммад Хусайн)*

“Ёмон киши аблаҳларнинг тавсифи билан яхши бўлиб қолмайди, яхши киши ҳасадгўйларнинг таънаси билан ёмон бўлиб қолмайди”. *(Вожидали Мужмалий)*

Кўзга оғриқ тургандай ақлда ҳам бор ҳасад,
Унутмангки, ҳасаддан идрок ҳам бўлур касод.

(Абдурахмон Жомий)

“Ҳасадчи – бемор, балки ҳалокатли дардга гирифтор. Бидъатчи ўз динидан узоқда, ҳасадчи ўз феълидан азобда”.

(Алишер Навоий)

* * *

Ҳасад этган киши дуну дағалдур,

Бу сўз бир халқ аро эски масалдур.

(Ҳасадчи киши ёвуз бир пасткашдир. Бу сўз эскидан бор бир масалдир)

Мусулмонегга ҳеч бўлма мукобир,

Борур жой бир эрур, э нафси жобир. *(Сўфий Оллоҳёр)*

(Мусулмон кимсага такаббурлик қилма. У азиз кимса бўлса, итоат қил. Кўнгилдан ҳасадни чиқар. Зеро, азиз ва мартабали кишига бировнинг ҳасади қанчалар кучли бўлгани сари, унинг иззати ва мартабаси яна ҳам ошар. Буни уққин, эй ўзига зулм қилувчи инсон!)

* * *

“Ҳасад” деб бир одамга жаноби Ҳақ тарафиндан берилган неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтилуру. Ғийбат, бўҳтон каби ёмон хулқлар ҳасаддан туғилуру.

Ҳасад ахлоқи замималарнинг энг зарарлигидур. Жаноби Ҳақ Қуръони каримда “Ва мин шарри ҳосидин изо ҳасад”, деб ҳосиднинг шарриндан Ўзига сиғинмоқни амр этмишдир. Ҳукамолар ҳасадни оташга ўхшатмишлар. “Оташ ўзидан ўзи ёнуб кул бўлгани каби ҳасудларнинг жасади ҳасад ўти ила эруб маҳв ва барбод бўлуру”, – демишлар. Ҳасаднинг ёмонлигининг сабаби Аллоҳ талога қарши эътироз ўлдиғиндадур. Зероки, ҳасуднинг “Оҳ! Фалончининг мол ва давлати, иззат ва саодати манда бўлса, роҳат ва сафони ман сурсам эди”, зимниндаги хаёлоти ҳарисонаси жаноби Ҳақнинг ўлчаб берган ризқига қаноатсизлигининг нишонасидур. Холбуки жаноби Ҳақ бир неъматни бировга абас ва бекорга эҳсон қилмайдур. Бунинг сир ва ҳикмати Ўзининг илми азалийсига маълум шайлардандур. Банда ҳасад қилгани ила йўқ, ёрдам қилгани ила бор қилолмайдур.

Алҳосил, ҳасуд доимо яъс ва ҳасрат орасида умргузаронлиғ қилуру. Қанча молу дунёга молик бўлса, яна ҳасадиндан фароғат ва роҳат юзини кўрмасдан дунёдан кетар. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Мўмин ғибта қилуру, мунофиқ эса ҳасад қилуру”, – демишлар.

“Ғибта” деб бир одамнинг даража ва молининг заволини орзу қилмай, “кошки мен ҳам шундай бўлсам эди”, орзусида бўлмоқни айтилуру. Ғибта эса мазмум эмас, мамдуҳ бир сифатдур.

Инсон дунёда яхши ишларга ғибта қилуру, ўртак олуб, ўзини саодати абадияга эришдируру. Ҳазрати Али: “Ҳасад ҳосиднинг адоватиндан, кибр ва шақоватиндан пайдо бўладургон ахлоқи замимадур. Шунинг учун ҳасад доимо азоби руҳоний ичинда яшар. Бир кишининг саодатини кўргон замон ҳасад оташига ёнар. Ҳосидга мундан қаттиғ жазо бўлуirmi?” – демишлар.

Сукрот ҳаким: “Ҳасадчи киши бир он ва бир замон роҳат ва фароғат юзини кўрмас. Дунёда қанча меҳнат ва мусибат бўлса, барчаси ул бечорани ўраб олмишдур”, – демиш.

Арасту ҳаким: “Дунёда ҳаммадан ҳосиднинг юки оғирдур, чунки ул бечора бутун дунёдаги шод ва масрур одамларнинг қайғуларини ўз устига юклаб юрадур”, – демиш. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Ҳасад қилувчилар, сўз юрутқувчилар, ғайбдан хабар бергувчилар мандан, ман ҳам онлардан эмасман”, – демишлар.

*Бутун бўлмас ҳасуднинг парча нони,
Куяр ҳосидни доим жисму жони.
Ҳасадчи хоҳ фақир ўлсун ва ё бой,
Ҳасад норила ёнгай устихони.
Очар доим куюб мақсуда ҳосид,
Чиқар тандан азиз руҳи равони”. (Абдулла Авлоний)*

“Баъзан дўстлар мақтовининг самимийлигига шубҳа туғилса ҳам, аммо душманларнинг ҳасадига тўла ишонмоқ керак”.

(К. Иммерман)

“Ҳасадгўйнинг хотираси – адоватларни илиб қўйиш учун тортилган узун дордан бўлак нарса эмас”. *(Ж. Фостер)*

“Агар кишида биргина ғаразли фикр пайдо бўлса, унинг қатъийлиги кўрқоқликка, унинг илми мулоҳазасизликка, унинг ҳалоллиги хатоликка айланади ва унинг бутун ҳаёти барбод бўлади”.

“Агар сен ишончга сазовор бўлсанг, ҳатто ярамасларни ҳам алдама; агар сен қудратли бўлсанг, ўз устунлигингдан гердайма; агар сенинг яхши фазилатларинг кўп бўлса, ўзгаларнинг камчиликларини ошкор қилма; агар сенинг қобилятинг йўқ бўлса, қобилятлиларга ҳасад қилма”.

(Хун Цзичэн)

“Ҳеч бир эҳтирос одамини севги ва ҳасадчалик сеҳрлаб қўёлмади”.

“Ҳар нарсани синчиклаб суриштиравериб жонга тегадиган одам одатда ҳасадгўй ҳам бўлади, ҳарқалай у ўзига алоқадор

бўлгани учуноқ бировнинг ишини титкилаб юрмаса керак; йўқ, у ўзганинг бахтига ҳасадланиб қарайди. Аксинча, кимки ўз иши билан овора экан, ҳасадга ўрин ҳам қолмайди”.

“Кимки инжиқлик ва шуҳратпарастлик туфайли ҳамма нарсага бирдан эришишни истаса, сўзсиз, ҳасадгўйдир. Ҳасадгўй ҳавас қиладиган одамлар эса ҳаммавақт топилади, чунки жуда кўп кишилар нимаси биландир ундан устун бўлолмасликлари мумкин эмас”. (Ф. Бэкон)

“Барча эҳтиросларнинг энг жирканчлиси – ҳасад. Нафрат, сотқинлик ва фисқу фужурлар ҳасад байроғи остида кун кўради”.
(К. Гелвеций)

“Кишилар ҳаловатига ҳасадчалик зарар келтирадиган бошқа иллат йўқ, зеро бу иллатга учраганлар нафақат ўзларини ранжитдилар, улар ўзгалар қувончига ҳам рахна соладилар”.
(Р. Декарт)

“Ҳасад – энг оғир ёмонлик. Дўстингнинг омади юришса, ҳасад қилма, қувон. Айни чоқда унинг омадига қувона туриб, ундан ўзиб кетишга ҳаракат қил”. (В. Сухомлинский)

Дониш аҳли дейдики:

“Одам ҳамиша яширадиган, яширишга уринадиган иллат – ҳасаддир. Ҳасад – бирон танишининг, ҳамкасбининг ёки яқин қариндошининг муваффақияти, ютуғи учун тутилган азадир. Ҳасад Одам Атонинг ўғли Қобилдан қолган энг разил одатдир. Ҳасад туфайли Қобил укаси Ҳобилни ўлдирди. Одамзод тарихидаги биринчи қотиллик ҳасад туфайли бўлди”.

Ҳикоят: бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, уч киши сафарга чиққан эди. Ёши улуғроғи қолган иккисига деди:

– Сизлар нима сабабли ўз ватанларингиз роҳатидан кечиб, сафар қийинчиликларини ихтиёр этдингиз?

Биринчи деди: “Мен иши юришаётган одамларга ҳасад қилиб, уларни кўра олмасдим. Ўйлаб-ўйлаб, оз вақтга бўлса-да, ватандан чиқиб кетсам, кўра олмайдиган нарсаларни кўрмай қўя қолсам, деган қарорга келдим”.

Иккинчиси деди: “Мен ҳам шу сабабдан мусофирликни ихтиёр этдим”.

Савол сўраган сайёҳ ҳам қалбини куйдираётган ҳасад олови туфайли даштга чиқиб кетганини айтди.

Учала ҳасадчи топишганларидан қувониб, бошлари оққан томонга қараб равона бўлдилар. Йўлда бир ҳамён олтин топиб олдилар. Олтинни теппа-тенг бўлиб олишга қарор қилдилар. Лекин ҳар бирининг юрагидаги ҳасад ўти кучга кириб, бошқасининг улушига кўз олайтира бошлади. Бир кечаю бир кундуз жазирама биёбонда оч, ташна ва уйқусиз ҳолда жанжал қилдилар.

Подшоҳ овга чиққан эди, эртаси куни маҳрамлари билан шу ердан ўтиб қолди. Уч ҳасадчини кўриб, аҳвол сўради. Улар бор гапни айтиб бердилар:

– Биз учовимиз ҳам ҳасад ўтида куйиб-ёнамиз. Шу сабабдан ватандан жудо бўлган эдик. Мана энди топиб олган олтинимизни тақсимлашда орамизда низо чиқди. Бу олтинларни инсоф юзасидан тақсимлаб берувчи одамга муҳтож бўлиб турганимизда марҳаматли ва одил шоҳимизнинг ўзлари келиб қолдилар. Энди умидимиз сиздан, олампаноҳ.

Подшоҳ деди: “Адолат бўлишини истасангиз, аввал ўзларингизнинг қай даражада ҳасадчи эканингизни менга сўзлаб беринг. Олтинни ҳасадингиз даражасига қараб тақсимлайман”.

Подшоҳнинг бу шарти уларга маъқул келиб сўз бошладилар. Бири деди: “Менинг ҳасадим шу даражада кучли-ки, ҳеч вақт бировга эҳсон ҳамда шафқат қилишни ва бирон кишининг хушвақт бўлишини хоҳламайман”.

Иккинчиси деди: “Шуни ҳасад деб юрибсанми?! Бу ҳасаднинг арзимас бир учқуни-ку! Биров бировга молидан эҳсон қилса ҳам, менинг жоним чиқиб кетади”.

Учинчиси деди: “Икковинг ҳам ҳасаддан бебаҳра ва бенасиб экансанлар. Менга биров яхшилик қилса, ўзгаларга ҳам яхшилик қилар экан, деб куйиб кетаман”.

Подшоҳ буларнинг ичи қоралигига ҳайрон қолиб, деди:

– Сўзларингизга қараганда, бу олтин учовингизга ҳам ҳаром. Сизларнинг ҳар бирингизга ҳасадингиз даражасига қараб олтин эмас, жазо бериш керак. Бировга бир нарса эҳсон беришни хоҳламаганнинг жазоси шуки, уни бадном қилиб, дунё неъматларидан маҳрум этмоқ керак. Бировга бировнинг эҳсон қилганини кўра олмайдиган одамни ўлдириб, ундан қутилган яхши. Ўзгага ҳам, ўзига ҳам ҳасад қилувчи одамни дунёдаги барча азоб турлари билан қийнаб, жонини олиш зарур.

Подшоҳ амри билан биринчи ҳасадчининг оёғидан осдилар. Иккинчисининг бошини кесдилар. Учинчисининг баданига заҳар суртиб офтобга қўйдилар.

“Ҳасадни тарк эта олган кимса эса тинчланиб, роҳатланади. Фозил Асмаий бир юз йигирма ёшга тўлган кишидан узок умр кўриш сирини сўрадилар. Қария айтди: “Бунинг беркитадиган сирли ери йўқ. Мен умрим давомида ҳасад ва кинчиликдан парҳез қилдим”.

“Инсонларнинг қўлидагига ҳасад қилмайдиган кишининг кўнгли роҳатда бўлади. Ҳасад қалбни, ахлоқни ўлдиради. Одам танаси турли сабаблар билан ўлади. Ўлимга сабаб бўлувчи касаллик турлари кўп, фалокат турлари ҳам кўп. Қалбни ўлдирадиган иллатлар ҳам турли-туман. Шулардан бири, балки асосийси, ҳасаддир”.

Бир донишмандга дедилар:

- Атрофингизда ҳасадчилар кўплигини биласизми?
- Биламан, – дедилар.
- Билганингиз ҳолда уларга қарши нечун курашмайсиз? – деб ажабландилар.
- Ҳасадчилар – хастадирлар. Касал одамга қарши курашайми?

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Занг темирни емирар, ҳасад – одамни.
- * Кенг бўлсанг кам бўлмайсан.
- * Кўнгли очиқнинг қўли очиқ, қўли очиқнинг – йўли.
- * Хашак ўти хонани куйдирар, ҳасад ўти – танани.
- * Ҳасад қилма, ҳавас қил.
- * Ҳасад қилгандан кўра тақлид қилган яхши.
- * Бемор бўлмасдан ва ичқоралик қилмасдан яшовчи киши бахтиёрдир.
- * Ҳасадчи ҳамиша биров шодлигига ғамгин бўлур.
- * Ҳасад ниҳолин экиш – бало мевасин тотмоқдир.

КАМТАРГА – КАМОЛ, МАНМАНГА – ЗАВОЛ

“Ер юзида кибру ҳаво билан юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ета олмайсан”.
(*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Исро сурасидан*)

“Ер юзида ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар онгини оятларимиз идрокидан четлатиб қўяжакмиз. Улар ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга иймон келтирмагайлар. Агар тўғри йўлни кўрсалар, уни ўзларига йўл қилиб олмагайлар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни ўзларига йўл қилиб олгайлар. Бунинг сабаби оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлганларидир”. (*Аъроф сурасидан*)

“Одамлардан такаббур-ла юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас”. (*Луқмон сурасидан*)

Тафсири:

Маъно таржимадаги “юз ўгирма”. (айрим таржималарда “юзингни буриштира” шаклида берилган) ояти кариманинг аслида “тусоъир” деб келган. Бу маъно арабларда туяда учрайдиган бир касалликка нисбатан ишлатилар экан. Бу касалга чалинган туя доимо бошини пастдан тепага ҳаракатлантириб, ёнбошига силтаб турар экан. Мутакаббирлик билан бурнини жийриб, юзини одамлардан ўгирадиган кишилар ўша касал туяга ўхшатишган. Муслмон учун одамларни камситиш, уларни паст санаш ёмон иллат. Ҳатто юриш-туришда ҳам кибру ҳаводан, такаббурликдан сақланиш керак. Чунки кибр бошқаларга оғир ботади.

“Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсизлар ва Аллоҳ сизларга ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар. Аллоҳ барча кибрли-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас”. (*Ҳадид сурасидан*)

“Ёлғиз Аллоҳгина бордир, ундан ўзга илоҳ йўқ” дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар”. (*Вас-сафот*)

* * *

“Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни ҳам ҳалок қилдик. Дарҳақиқат Мусо уларга ўзининг пайғамбар эканлигини далолат қиладиган аниқ ҳужжатлар келтирганида, улар ер юзида кибру ҳаво қилдилар ва Бизнинг азобимиздан қочиб қутулгувчи бўлмадилар”.

(Анкабут сурасидан)

* * *

“Албатта Менга ибодат этишдан кибру-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар”.

* * *

“Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган (бирор) ҳужжатсиз тортишадиган кимсалар Аллоҳ наздида ҳам, иймон келтирган зотлар наздида ҳам катта нафратга дучор бўлурлар. Аллоҳ ҳар бир мутакаббир ва зўравоннинг қалбини мана шундай муҳрлаб қўйгай”. (Ғофир сурасидан)

* * *

“Жаҳаннам дарвозаларидан киришлар! Сизлар ўша жойда мангу қолурсизлар!” Бас, кибр-ҳаво қилувчи кимсаларнинг жойлари нақадар ёмондир!”. (Зумар сурасидан)

* * *

“Албатта, ул Зот мутакаббир кимсаларни севмас”.

(Наҳл сурасидан)

* * *

“Раҳмоннинг суюкли бандалари ер юзида тавозуъ ила юрадиган ва жоҳиллар бемаъни хитоб қилганида “салом”, деб жавоб қиладиган кишилардир”. (Фурқон сурасидан)

Тафсир:

Сифатларидан бири Раҳмон бўлган Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси даражасига етишиши учун инсон бир неча сифатга эга бўлиши лозим. Бу шарафга эришган инсон ер юзида камтарлик, содда ва мулоимлик билан юради. Унда такаббурлик, манманлик, ваҳшату даҳшат, турли сохта кўринишлардан асар ҳам бўлмайди. Шу билан бирга бўшанглик, иродасизлик, беҳуда қисиниб-қимтиниш, ўзини ортиқча пастга уришлик ҳам бўлмайди. Раҳмоннинг энг суюкли бандаси Ҳабибур-Раҳмон Муҳаммад (с.а.в.)нинг юришлари бунинг татбиғидир. Абу Хурайрадан ривоятда дейилади: “Расулulloҳ (с.а.в.)дан гўзалроқ ҳеч нарсани кўрмадик. Гўё қуёш ул Зотнинг юзларида юргандек эди. Расу-

луллоҳдан тезроқ юрадиган бирон одамни ҳам кўрмадик. Худди ер у киши томон ўралиб келаётганга ўхшарди. Биз чарчаб қолардик, у киши бўлса чарчамасдилар”.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса: “Расулulloҳ (с.а.в.) худди тепаликдан тушиб келаётган одамдек ғоз юрар эдилар”, дейилган.

Ояти каримадаги “жоҳиллар бемаъни хитоб қилганида “салом”, деб жавоб қиладиган кишилардир” дан олинадиган маъно: жоҳиллар ҳамиша Раҳмоннинг суюкли бандаларига гап отиб, турли машмашалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Аммо суюкли бандалар ўчакишмай, ади-бади айтишмай, “салом”. (“омон бўл”) деб кетаверадилар.

(Тафсирилар муаллифи Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

“Эй Одам фарзандлари! Менинг улуғворлигимга бўйни эгилган кишилар ичидан халқимга манманлик кўрсатмаган ва кундузларини Менинг ёдим билан ўтказганларнинггина намозлари қабул қилинади”.

366 “Улуғлик – изоримдир, кибрлик – ридоимдир. Ким икки-сидан бири устида Менинг билан тортишса, уни ёниб турган жаҳаннамга киргизаман”. *(Ҳадиси Кудсийдан)*

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:
“Шухрат – офатдир”.

“Раббим, кул-расул (*оддий банда ва элчи*) бўласанми ёки ҳукмдор-набий (*ҳукмдор ва пайғамбар*), деб сўраб, менга икковидан бирини танлаш ихтиёрини берди. Мен қай бирини устун кўришни билолмай, довдираб қолдим. Фаришталар орасидаги пок дўстим Жаброилга бошимни кўтариб қарадим. У менга: “Раббинг қаршисида камтарин бўл!” – деди. Мен ҳам кул-расул бўлишни қабул этдим”.

“Шайтоннинг ов қиладиган тўр ва тузоқлари бор. Унинг тўр ва тузоқлари – киши Аллоҳ таолонинг берган неъматлари учун шукр қилиш ўрнига туғёнга кетиши, йўлдан озиши ва Аллоҳ таолонинг берган мол-мулкларини ўзим топдим, деб фахрланиши

ва Аллоҳ таолонинг бандаларидан ўзини юқори ҳисоблаши ва нафснинг хоҳишига берилиб, Аллоҳ таолонинг йўлидан бошқа йўлларга кириб кетишидир”.

* * *

Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Уч тоифа киши борки, Қиёмат куни Аллоҳ уларга назар қилмайди, улар билан гаплашмайди ва уларни кечирмайди, уларга аламли азоб ҳам бордир”, деб, шулардан бири сифатида кибр эгаларини тилга олганлар.

* * *

“Кимнинг қалбида заррача мутакаббирлик бўлса, Аллоҳ уни юзтубан дўзахга ташлайди”.

* * *

“Тақво – карам, тавозуъ – шараф, соғлом ва қатъий ишонч – қалб бойлигидир”.

* * *

“Қалбида хантал донаси (уруғи)нинг бир дирҳам оғирлиги қадар кибр-ҳавоси бўлган кимса жаннатга кирмайди. Қалбида хантал донасининг бир дирҳами қадар имони бор кимса эса жаҳаннамга кирмайди”.

* * *

“Нафснинг амри йўлидан кетган ҳар кимса мутакаббирлар дафтарига ёзилади ва уларга етказилган азоб буларга ҳам етказилади”.

* * *

“Дўзах билан жаннат даъволашишади. Дўзах: “Менга золимлар, ўзларини катта олувчи мутакаббирлар киради”, – деди. Жаннат: “Менга заиф ва ожизлар, фақир бўлган кишилар киради”, – деди. Шунда Аллоҳ раббил оламийн жаннатга хитоб қилиб: “Эй жаннат! Сен менинг раҳматимсан. Хоҳлаган бандаларимга марҳамат этиб, сен билан бирга қиламан”, – деди. Дўзахга ҳам хитоб қилиб: “Эй дўзах! Сен менинг азобимсан. Истаган кишиларимни сен билан азоблайман ва иккалангизни ҳам лойик кишилар билан тўлдираман, сизларга тушганлар сизларники бўлади”, – деди”.

* * *

“Мутакаббир кишилар қиёмат куни суратлари одам шаклида бўлса ҳам, хорликдан кишиларнинг оёқлари остида эзилиб, майда чумоли ҳажмида бўлиб, маҳшаргоҳга борадилар. Мазаллат

(камситилиш) ва хорлик бутун вужудларини ўраб олган ҳолда дўзахдаги “булас” деб аталадиган зиндонга судраб олиб борилади. Устларида ловиллаб олов ёниб туради. Ташналиқдан нолиган вақтларида дўзахдагиларнинг баданидан оққан қон-йиринглар, ифлос нарсалардан ичирилади”.

* * *

“Жаҳаннамда бир бино бор. Мутакаббирлар билан тўлдирилиб, усти беркитилиб ташланади. Ё Аллоҳ, кибру ҳаво ва манманликнинг ҳидидан ҳам асра. Кимнинг руҳи жасадидан айрилганда унда уч нарса бўлмаса, жаннатга киради: “Кибру ҳаво, қарз ва хиёнат”.

* * *

“Мискин бўлмагани ҳолда ўзини хоксор тутувчи, маъсиятсиз йиққан (яъни ҳалол) молидан инфоқ қилувчи, мискину фақирларга раҳм қилувчи, фикҳ ва ҳикмат аҳлига араллашиб юрувчи кишилар қандай яхши”.

* * *

“Ҳақиқатни, тўғри сўзни тан олмаслик ва бошқа кишиларни ўзидан паст ҳисоблашлик кибр бўлади”.

* * *

“Ким ўзини бошқалардан катта деб ҳисобласа ёки юриш-туришларида бошқаларни писанд қилмай кибрланиб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига борганда Аллоҳ таоло унга ғазаб назари билан қарайди”.

* * *

“Қиёмат кунда уч кимсага Аллоҳ таоло гапирмайди ва уларга қарамайди. Уларга қаттиқ, аламли азоб бўлади: улар – зино қилувчи кекса киши, ёлғончи подшоҳ ва кибрли фақир кишилардир”.

* * *

“Жаҳаннам аҳли золимлар, такаббурлар ва мол-мулк йиғиб ҳам атрофидагиларга фойдаси тегмаган хасислардир. Жаннат аҳли эса камтарин-камсуқумлар ва мол-мулкани жамият манфати учун сарфлаганлардир”.

* * *

“Қиёмат куни сеvimли ва яқин кишиларингиз хулқи яхшиларидир. Бизга ёқмаган ва узоқ бўлганларингиз сафсатачи, бемаъни, вайсақи ва такаббурларингиздир”.

“Албатта, Аллоҳ таоло уч тоифа кишиларга ғазаб қилади, лекин уч тоифа кишини янада қаттиқроқ ёмон кўради:

Биринчиси, фосиқни ёмон кўради, фосиқ чолни ундан ҳам ёмон кўради.

Иккинчиси, мутакаббирни ёмон кўради, ўзи фақир бўлган мутакаббирни янада қаттиқроқ ёмон кўради.

Учинчиси, бахилларни ёмон кўради, бой бўлиб бахиллик қилганни қаттиқроқ ёмон кўради.

Аллоҳ уч тоифа кишини яхши кўради ва уч тоифа кишини янада кўпроқ ёқтиради.

Биринчиси, тақводорларни яхши кўради, тақволи ёшларни кўпроқ яхши кўради.

Иккинчиси, сахийларни яхши кўради, фақир сахийларни кўпроқ яхши кўради.

Учинчиси, тавозуъли кишиларни яхши кўради. Бой бўлиб тавозуъли бўлганларни ундан ҳам яхши кўради”.

“Умматим соллана-соллана, кибрланиб юрадиган бўлиб қолди. Форслар ва румлар уларга хизмат қила бошлади, аммо хали Аллоҳ кимни кимнинг бошига бало қилиши маълум эмас. Ким ўзида буюклик кўрса ва юрганда кибрланса, Аллоҳга етишган вақтида Уни ғазаблаган ҳолда топади”.

“Аллоҳ таоло гўзалдир, чиройли кийинганларни ва чиройлиларни яхши кўради. Бандасига берган неъматни унда кўрмоқликни яхши кўради. Аллоҳ таоло фақирликни зоҳир қилгувчини ва фақир бўлмай туриб, фақирликни рўқач қилгувчини ёмон кўради. Лекин кибр ҳақни инкор қилиш, халқни эътиборга олмасликдир”.

“Аллоҳ кибр сабабли либосини доғ қилган кимсага назар қилмайди”.

“Бир вақт бир одам катак кўйлак кийиб соллана-соллана борарди, кўйлагидан ғурурланган эди. Аллоҳ ерга тикди. Энди у қиёматгача ўша ерда типирчилаб ётади”.

“Ким кибрланиб кийимини узун қилса, Аллоҳ Қиёмат куни унга қарамайди”.

“Либос кийиб, шундан кибрланган кимсага Аллоҳ назар ташламайди”.

Бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларига дедилар:
– Менга нима бўлдики, сизларда ибодатнинг лаззатини кўрмайман.

– Ибодатнинг лаззати нима, ё Аллоҳнинг Расули? – деб сўрадилар.

Жавоб бердилар:

– Тавозуъ. Умматимнинг мутавозуъларини кўрган пайтингизда, сиз ҳам уларга тавозуъ кўрсатинг. Мутакаббирларни кўрганингизда, сиз ҳам уларга кибрланинг. Мана шу муомалангиз у мутакаббирларни хор у забун этади”.

“Бир киши тик туриб, амирлардан биттасини мақтади. Шунда Микдом ибн ал Асвод унинг юзига тупроқ сочиладилар-да, “Расулulloҳ ортиқча мақтовчилар юзига шундай тупроқ сочишимизга буюрганлар”, дедилар”.

Иброҳим ат-Тамимий оталаридан ривоят қиладилар: “У киши айтдилар: “Биз ҳазрати Умар ибн Хаттоб олдиларида ўтирган эдик. Шунда бир киши иккинчи кишини ўзининг юзига мақтади. Ҳазрат Умар: “Бу кишини сен ҳалок қилдинг”, дедилар”.

“Пайғамбар (с.а.в.)нинг уйларига бориб, эшикларини тақиллатдим.

– Ким? – деб сўрадилар.

– Мен, – дедим.

Пайғамбар алайҳиссалом “мен” калимасини айтганим учун танбеҳ бердилар. Чунки “мен” дейишда кибр ва азамат бор экан”. (Ҳазрати Жобир)

“Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ёнларида бир одам билан баҳслашиб, унга: “Ҳой, қора хотиннинг ўғли”, деб юборгандим, Аллоҳнинг Расули дедиларки: “Зулм қилдинг, эй Абу Зарр, зулм қилдинг! Бировнинг ҳақини единг! Оқ хотиннинг боласида қора хотиннинг боласига нисбатан ҳеч қандай устунлик йўқ”. Расулulloҳ

(с.а.в.)нинг бу сўзларидан йўл қўйган хатоимни тушуниб олдим. У одамнинг оёғига йиқилиб: “Ўрнингдан тур, юзимни топта!” – дедим”. (Абу Зарр)

“Расулulloҳ (с.а.в.) масжидда рукуъ, сужудларини яхшилаб намоз ўқиётган бир кишига кўзлари тушди-да: “Бу одам ким?” деб мендан сўрадилар. Мен: “Бу фалончи”, деб уни мақтай бошладим. Расулulloҳ (с.а.в.): “Бўлди, бундай мақтовингни ўзига эшиттирма, уни ҳалок қиласан”, – дедилар”. (Маҳжон Асламий)

“Расули амин ҳузурларида бир киши устида гап бўлди ва уни кимдир мақтади. Шунда Расулulloҳ “Уни шундай мақташлик билан бўйнини узиб қўйдинг”, дедилар ва бу гапларини бир неча марта такрорладилар. Кейин: “Агар биттангиз бир биродарини (ҳақиқатда бор бўлган хислати билан) мақтамоқчи бўлса, “Менинг фикримча, у шундай одам”, деган сўзларни аввал айтиб қўйсин. Чунки унинг ҳақиқий ҳолини Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Бандалар бир-бирларини Аллоҳ таолога “бу киши албатта пок”, деб ҳукм қилиб беришлари дуруст эмас”, – дедилар”.

(Абу Бакра Нуфайийиъ ибн Ҳорис)

Собит ибн Қайс Пайғамбаримиздан сўради: “Ё Аллоҳнинг Расули! Мен чиройли ва ёқимтой одамларни яхши кўрадиган кишиларданман. Бу кибрданми, нима дейсиз?” Аллоҳнинг Расули жавоб бердилар: “Йўқ, кибр ҳақни инкор этишдан ва инсонларни ҳақир кўришдан бўлади. Кибрли одам бошқаларни ўзидан паст билади. Ҳолбуки, улар ҳам у каби инсондир. Ҳатто, Аллоҳ наздида ундан ҳам яхшироқдирлар”.

Абу Зарр: “Ё Расулalloҳ! Менга бирор иш бермайсизми?” дедилар. Аллоҳ таолонинг Расули (с.а.в.) саҳобанинг елкаларига қўлларини қўйиб бундай марҳамат қилдилар: “Эй Абу Зарр, сиз заифсиз, вазифа (амал) эса омонатдир. Вазифа ва жавобгарлик Қиёмат Кунда пушаймонлик ва залилликдир. Албатта, бу вазифани ҳақ ила адо этган, устидаги вазифа билан боғлиқ вожибларини бажарган вазифадорлар бундан мустасно”. Яна бир ҳолда дедилар: “Сизлар амалдорлик хусусида жуда эҳтиросли бўласиз. Бироқ, бу Қиёмат кунда пушаймонлик бўлади”. (Пушаймонлик,

албатта, ўз вазифасини яхши бажармаган, мағрурланган, ҳалол-ҳаромни ажрата олмаган кишиларда бўлади. Адолат ва ҳалоллик билан раҳбарлик қилган киши нимадан пушаймон бўлсин?)

Абдурахмон ибн Сумрога Набий муҳтарам (с.а.в.) бундай дедилар: “Эй Абдурахмон, амалдорликни истама, чунки бу вазифа сенга ўзинг истамаган ҳолда берилса, сенга ёрдам қилинади. Агар бу вазифа талабингга кўра берилса, сен бунинг жавобгарлигини олган бўласан”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Дардога буюрган тўққиз амалнинг бирида: “...гарчанд ишбоши бўлган одамдан кўра ўзингни шу амалга муносиброқ деб билсанг ҳам, улар билан амал талашма (итоат эт)”, деб марҳамат қилганлар.

“Тонг ёришганда Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом бойваччаю аслзодалар давраси томон юрмай, мискин бечоралар даврасига қўшилар эдилар. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб дердиларки: “Мискин мискинлар билан биргадир”.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога муножот қилдилар: “Э Раббим, Сенинг яратган халқинг орасида ўзингга ёмонроғи қайсидир?” Аллоҳ таоло айтди: “Э Мусо, кимнинг қалби мутакаббир бўлса, тили қўпол бўлса, икки кўзи уятсиз бўлса ва қўли бахил бўлса, халқимнинг орасидаги ўшандайларни ёмон кўраман”.

Аллоҳ таоло ваҳий орқали Мусо алайҳиссаломга буюрдики: “Мен улуғворлигим қаршисида тавозуъ кўрсатиб, яратган бандаларимга нисбатан кибрланмаган ва қалбида Мендан қўрқадиган кимсанинг намозини қабул қиламан”.

“Аллоҳ китобини ўрганиб, бу дунёда қутурмай яшаб ўтганлар нақадар бахтиёр кимсалардир”.

“Нақадар бахтлидирлар дунёда намоз ўқиганлар, чунки улар қиёмат куни юксак мақом эгаси бўладилар. Нақадар бахтлидирлар дунёда инсонлар орасини ислоҳ қилганлар, қиёмат куни

Фирдавс жаннатининг ворислари бўладилар. Нақадар бахтли-
дирлар дунёда қалбларини ёмон феъл-атворлардан поклаганлар,
чунки улар охиратда Аллоҳнинг жамолига назар ташлайдилар”.
(Ийсо ибн Марям)

“Ҳеч бир мусулмон ўзидан бошқа мусулмонни ҳақир ва кичик
деб билмасин, чунки кичик кўринган мусулмон Аллоҳнинг наза-
рида каттадир”. (Абу Бакр Сиддиқ)

Ҳазрати Али бозорга кириб, икки хил кийим олиб хизмат-
чиларига: “Ё Асвад, хоҳлаганингни танлагин”, дедилар. Хизмат-
чи либоснинг яхшисини танлади. Ҳазрат Али ундан қолганини
кийдилар. Енги узун экан, қайчи олиб, кесиб ташладилар. “Сен
буни кийсанг ҳам бўлади”, деб хизматчидан либосни тортиб ол-
мадилар.

“Эй инсон фарзанди, ҳар ишингда камтарин бўл, тупроқнинг
тупроқдан устунлиги йўқ”.

“Ким керилиб, ўзидан мамнуну мағрур бўлиб юрса, у ўзига
нисбатан бошқаларнинг нафратини келтиради”.

“Эй мутакаббир банда, сен жаннатга киришни хаёлингга ҳам
келтирмагин. Чунки Иблис жаннатдан кибру ҳавоси туфайли
ҳайдалган. Кибру ҳаво қилган инсонлар жаннатга киритилмай-
дилар”.

“Кимда ким жаҳаннамга тушадиган бирон кишини кўрмоқчи
бўлса, таъзим қилиб тик турган бир қанча инсонлар қаршисида
ўтирган одамни кўз олдига келтирсин”. (Али ибн Абу Толиб)

“Қабрлар олдида одоб билан тур, итоат вақтида ўзингни хор тут”.

“Тавбангни тўғри бўлиши гуноҳингни билиш билан, амалинг-
нинг тўғри бўлиши мағрурликдан воз кечининг билан, шукринг-
нинг тўғри бўлиши камчилигингни билишинг биландир”.

(Умар ибн Хаттоб)

Бир бой савдогар молларини туялардан туширтиргач, ҳам-мол излаб атрофга қаради. Нарироқда одми кийимли бақувват бир одам турган эди. Уни ҳаммол гумон қилиб, “Менга қара, бери кел!” деб чақирди. Бой одамнинг юриш-туриши ҳам, амри ҳам ўзига хос дабдабали бўлади. Бой одам дўконга кириб келса, дўкондор унинг савлатига қарабоқ, саломга шошилади. Камбағалнинг кириб келиши маълум... Молларга қараши, нархни сўрашиданоқ кимлиги билинади. Гап оҳанги кишининг чўнтагидаги пулга қараб ўзгаради.

Хуллас, бой бақувват ҳаммол учраганидан қувониб: “Қани, қопларни елкангга олиб, изимдан юр”, деб буюрди. Одми кийимли бақувват киши унга итоат этди. Шаҳар томон бир оз юришгач, рўпарадан келаётган одамлар ҳаммолни кўриб, саросима билан шошиб қолдилар. Унга йўл бериб, “Ассалому алайкум, ё амирал мўминин!” деб салом бердилар. Бой кимни ҳаммолликка ёллаганини англаб шошиб қолди. “Ассалому алайкум, ё мўминларнинг амири!” деб тиз чўқди. “Ҳазратим, мен сизни танимабман, кечиринг, қопларни ташланг”, деб илтижо қилди. Ҳазрат Умар қопларни ташламадилар, “Қопларингни айтган жойингга олиб бораман, деб елкамга ортганман”, дедилар.

“Эй олимлар, кибрли бўлманглар. Чунки ҳеч қачон илмингиз жаҳлингизга бас келолмайди”.

“Эски қавмлардан бирида бир одам бор эди. У ўша қавмнинг энг ёмон кишиси ҳисобланарди. Бошқа одам қавмнинг энг кўп ибодат қиладигани, энг яхшиси эди. Бир куни қавмнинг энг ёмони энг яхши одамига дуч келди. Ичида “бу одам қавмимизнинг энг яхшиси, мен эсам энг ёмониман. Агар унинг ёнида ўтирсам, Аллоҳ менга марҳамат қилиши мумкин ва мен ёмон инсон бўлишдан қутуламан”, деб ўйлади ва яхшининг ёнига келиб ўтирди. Энг яхши алҳол бундай фикрлади: “Мен қавмимизнинг энг кўп ибодат қиладигани, энг яхшисиман. Бу эса энг ёмони. Нега у менинг ёнимда ўтириши керак?!” Шундай қилиб, унинг ёнида ўтиришидан орланди. “Тур, менинг ёнимдан кет!” деди. Аллоҳ ўша замон Пайғамбарига ваҳий ила билдириб, буюрди: “У икки кишининг олдида бориб айт: Мен ёмон одамни афв этдим. Яхши одамнинг ўтмишда қилган барча ибодат ва эзгу-амалларини бекор қилдим”. Бу ҳодисадан кўринадики, Аллоҳ азза ва жалла бандаларининг қалбларига назар солади”. (Умар ибн Хаттоб)

Ҳазрат Умарнинг Қуддуси Шарифга кириб боришлари ҳам гоят ибратли воқеадир. Шаҳар қамал қилинган, қуддусликлар “Халифангизнинг ўзи келса, топширамиз”, дейишибди. Ҳазрат Умар бу хабарни эшитиб, бир хизматкорлари ҳамроҳлигида битта туяда Мадинаи Мунавварадан Қуддуси Шарифга қараб йўлга чиқадилар. Атрофларида аскар йўқ, аёнлар йўқ. Асъасюдабаба йўқ. Туяни хизматкор билан галма-гал минадилар. Ҳазрат Умар туяга минсалар хизматкорлари югандан ушлаб, туяни етакларди. Бир фарсах масофа юрилган, тушардилар ва туяни хизматкор миниб, ўзлари югани ушлаб, туяни етаклардилар. Қуддуси Шарифга яқинлашганларида туяга миниб навбати хизматкорга келади. Шаҳар аҳолиси “Халифа келяпти”, деб дарвоза калитларини топшириш учун пешвоз чиқадилар. Туяда халифа эмас, хизматкор ўтирганини тасаввур ҳам қилмаган аҳоли хизматкорга таъзим бажо қиладилар. Халифа шаҳар дарвозаларига яқинлашганларида туяга ўзлари миниб олишлари мумкин эди. Халқнинг ана шундай шон-шавкатга эътибори борлигини билардилар. Лекин хизматкорнинг ҳаққига хиёнат қилмадилар. Ҳатто бир жойда сувдан кечиб почаларини шимарганларида шаҳарни қамал қилиб турган қўмондон “Ундай қилманг, биз уяламиз”, деди. Бу танбехдан мўминларнинг амири ғабландилар ва дедиларки: “Агар илгарироқ шу гапни айтганигда вазифангдан озод қилардим. Иззат – исломдир, қилиқ-қиёфада эмас! Аллоҳ таоло бизларни Ислом билан азиз қилди. Одамларнинг гапларига парво қилмаймиз”.

Бу муборак зотнинг эваралари Умар ибн Абдулазизнинг уйларига бир куни меҳмон келди. Хуфтон намозини ўқигандан кейин, ул киши бир нима ёза бошладилар. Вақт ўтиб, чироқ хиралашди. Меҳмон ёнларида экан, “Эй амирал мўминин, мен туриб чироққа мой тўлдирайинми?” деб сўради. Умар: “Меҳмонига бир иш қилдирмоғи кишининг одамгарчилигидан эмас”, дедилар. Меҳмон: “Хизматчини уйғотайинми?” деб сўради. Умар: “Йўқ, у чарчаган, ҳозиргина уйқуга кетди”, дедилар-да, ўзлари туриб, чироққа мой қуйиб келдилар. Меҳмон: “Ўзингиз тўлдирдингиз-ку!” деб хижолат бўлди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Мен турганимда ҳам Умар эдим, қайтиб келиб ўтирганимда ҳам ўша Умарман. Одамларнинг яхшиси Аллоҳ таоло наздидаги камтарин кишидир”, дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг набиралари Хусайн ибн Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) мискинлар яшайдиган жойдан ўтдилар. Мискинлар ушатишган нонни ердилар, нон бурдалари кийим устида эди. Улар: “Э Абу Абдуллоҳ! Келгин, овқатланамиз”, дейишди. Хусайн ибн Али “Албатта, У зот мутакаббир кимсаларни севмас” оятини эслаб, уларга яқинлашдилар. Нондан едилар ва дедиларки: “Сизларнинг таклифларингизга жавоб бердим, энди менга ҳам жавоб берингизлар”. Мискинлар у кишининг таклифларига биноан уйларига боришди. Манзилга етишгач, чўрига: “Нима ғамлаб қўйган бўлсанг, чиқаргин”, деб амр қилдилар. Чўри ҳамма нарсалардан чиқарди. Мискинлар едилар. Ҳазрати Хусайн ҳам улар билан бирга таомландилар. Қолган нарсаларни дастурхонга ўраб, уларга бериб юбордилар.

“Инсоннинг қалбига кирган кибр-ҳаво қанча бўлса, ақли ҳам шунча камчиликка эга бўлади”. (Муҳаммад Хусайн ибн Али)

376
“Қорию қурроларнинг кулгили холи мени кўп ўйлатди. Сен уни севинч-қувонч, очиқ юз билан кутиб оласан, у сени қовоғи солиқ, димоғ-фироқ билан қаршилайди. Илми билан сендан устунлик даъвосида бўлади. Илоҳо, жамиятда бундайлар кўпаймасин”. (Ҳарс ибн Жузъ Зубайдий)

“Илмда Аллоҳ кўрқувси кифоядир. Жаҳолатда Аллоҳнинг мулкида Унга қарши ғурурланмоқ кифоядир”.

“Нажот икки нарсада: тақво билан ниятдадир. Ҳалокат ҳам икки нарсада: умидсизлик ва мағрурланишда”.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

“Аллоҳ Адн жаннатини яратди ва унга қараб: “Сен жамики такаббурларга ҳаромсан!” деди”. (Ваҳб ибн Муборак)

“Шайтоннинг бир талай тузоқлари бор. Аллоҳнинг неъматлари билан гердаймоқ, У Зотнинг берганлари билан мақтанмоқ, Аллоҳнинг бандаларига кибр-ҳаво қилмоқ, Аллоҳ буюрган ахлоқ

асосларидан чиқиб, ҳавойи нафсга берилмоқ шундай тузоқлар жумласидандир. Дунё ва охиратда Аллоҳдан лутф-карам айлаб, афв этишини, омонлик ва офият беришини тилаймиз!”.

(Нўмон ибн Башир)

* * *

Ҳазрати шайх Ҳусайн Мансур Ҳалложни осан вақтларида иблис ул зотнинг қаршисига келди-ю, сўради:

– Сен “Анал Ҳақ!” дединг, сенга раҳмат айлади. Мен “Анал хойр” дедим, менга лаънат ўқилди, сабаби недир?

– Сен кибр-манманлик қилдинг, мен кибрни ўзимдан йироқ қилдим, сабаби шудир, – дедилар.

* * *

Ривоят қилишларича, Абу Ҳанифа қозилик мансабига таклиф қилинганларида: “Мен бу вазифага лойиқ эмасман, эплай олмайман”, дедилар. “Ёлғон айтяпсиз, нега эплай олмас экансиз?” дейишди. Дедиларки: “Агар ростгўй бўлсам; ҳақиқатдан қозиликка ярамайман. Агар сизлар айтганингиздек, ёлғон сўзлаётган бўлсам, ёлғончи одам қозиликка ярамайди”.

* * *

“Бир йили Маккада қурғоқчилик бўлди. Халқ уч кун истиско намозини ўқиди. Аммо ёмғир ёрмади. Шунда ёлғиз ўзим дуо қилай деб халқдан четланиб, ғорга кирдим. Бир пайт хабаш қул келди-да, мени кўрмади, икки ракаат намоз ўқишга киришди. Бошини саждага қўйгач: “Илоҳим! Бу бандаларинг уч кун Сендан ёмғир сўрашди. Бермадинг. Иззатинг ҳаққи, ёмғир юбормагунингча бошимни ердан кўтармайман”, деб дуо қилди. Шунда у ҳали бошини кўтармасидан ёмғир ёға бошлади. У тургач, ортидан эргашдим. Бир ҳовлига кирди. Мен эшикнинг олдига ўтирдим. У ердан бир киши чиқди. Мен қул сотиб олмоқчи эканимни айтдим. Уй эгаси менга бир ғулумни кўрсатди. Бошқасини сўрадим. “Яна биттаси бор-у дангасароқ, сизга тўғри келмайди”, деди. Уй эгаси ғорда дуо қилган қулни назарда тутган эди. Мен ўшани йигирма динорга сотиб олдим. Шунда ғулум менга: “Эй ибн Муборак! Нима учун айнан мени сотиб олдингиз? Мен сизга яхши хизмат қила олмайман”, деди. Уни уйимга олиб келдим. У таҳорат қилишни истади. Сўнг таҳорат қилиб, намоз ўқиди. Саждада бир нималарни гапирди. Сўзларини эшитмоқ мақсадида унга яқинлашдим. У “Эй сирларнинг соҳиби! Сир зоҳир бўлди. Мен

эсам машхур бўлганимдан кейин яшашни хоҳламайман”, дер эди. Сўнг бир муддат жим бўлиб қолди. Қарасам, ўлиб қолган экан...”. (Абдуллоҳ ибн Муборак)

“Ҳасан Басрий билан ўтиргандик. Ибн Аҳтам ёнимиздан ўтиб қолди. Жоменинг султонларга оид қисмига кириш ниятида эди. Устида денгиз қўйи терисидан либос бор эди, гердаиганича соллана-соллана борарди. Ҳасан Басрий уни кўрганда: “Ўх, ўх!.. Кибрни қаранг, бурун нақ осмонда! Ковоқлар солиқ, солланиб юришлар бўлакча, ўнгу сўнгга виқор билан боқишлар!” – деди. Сўнг қўшимча қилди: “Эй аҳмоқ, сенинг зиммангда Аллоҳга шукр қилиш бор, У Зотни эсга олмай, Унинг айтганларига амал қилмай, топган ва шукри адо этилмаган неъматларинг ила керилмоқдасан. Аллоҳ ато этган аъзоларингнинг ҳар бири Унинг неъматидир. Аллоҳга қасамки, ҳар қандай инсоннинг табиий ҳолда, қимтиниб, ўзини бир оз ноқулай ҳис қилиб юриши бундай гердаиб юришидан хайрлироқдир”. Ибн Аҳтам бу сўзларни эшитди. Орқасига қайтиб келди, Ҳасан Басрийдан узр сўрамоқчи бўлди. Лекин у бундай деди: “Мендан узр сўрама, Аллоҳга тавба қил. Аллоҳ нима деб буюрганини эшитмаганмисан: “Буларнинг бари Парвардигорингиз наздида макруҳ гуноҳлардир: “Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен оёқларинг билан зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан”.

(Абу Бакр Ҳузалий)

Бир йигит Ҳасан Басрийнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди. Устида яхши газмолдан тикилган либос бор эди. Ҳасан Басрий уни чақириб бундай дедилар:

“Эй одамзод, ёшлигингга мағрурсан, кўринишларинг ва хатти-ҳаракатларинг ўзингга ёқади. Гўё аллақачон қабрга кириб ётиб чиққандай ва гўё амалларинг қай аҳволда эканини билгандай юрибсан. Уят сенга! Эсиз сенга! Қалбингни шифолаб ол. Уни гўзал туйғулар билан нақшла, зеро, Аллоҳнинг бандаларидан кутгани қалбларини ислоҳ қилишларидир”.

Мутарриф ибн Абдуллоҳ янги хирқа кийиб, гердаиганича кетаётган Мухаллабни кўрди. Мутарриф унга қараб деди:

– Эй Аллоҳнинг бандаси, бу қандай юриш? Бундай юришдан Аллоҳ ҳам, Расули ҳам ғазабланади-ку?

Мухаллаб: “Мени танимаяпсанми?” – деганида, Мутарриф бу жавобни берди:

– Ҳа, танийман. Энг олдин ифлос маний эдинг, кейин ифлос ахлат йиғиндиси бўлдинг! Энди бу иккисининг орасида ахлат та- шувчи бир ҳаммолсан, бошқа нарса эмас!

Мухаллаб бу сўзлардан кейин индамай ўтиб кетди. Лекин бундан сўнг юрганда гердаймайдиган бўлди, кибр-ҳавони тарк этди”.

“Атрофимдаги кишиларга боқдим, улар орасида ўзимнинг энг пасткаш эканимни кўрдим. Хатто фаранг кофирларидан ҳам тубанроқ эканман... Суф менингдек одамга, ўз динини тарқа- тишда шуларчалик бўла олмадим-а!”. (Имом Раббоний)

“Ким Аллоҳ учун камтарин бўлса, Аллоҳ унга ҳикматини бе- ради”. (Фузайл ибн Иёз)

“Барча яхшиликлар бир уйнинг ичида жамланган, унинг эши- ги тавозуъ калити билан очилади. Барча ёмонликлар ҳам бир уй ичига жамланган, унинг эшиги эса такаббурлик билан очилади”. (Юсуф ибн Ҳусайн Розий)

“Тўрт нарса – яъни, бадфеъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилозорлик кишига хору зорлик келтиради”. (Жаъфари Содик)

“Ёлғончилик, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик иззат-обрў- ни барбод қилади”. (Жунайд Бағдодий)

“Шаҳват туфайли қилинган гуноҳлар кечирилишига умид қилса бўлади, чунки Одам алайҳиссаломнинг адашиши шаҳват- дан бўлган эди. Аммо кибр туфайли қилинган гуноҳларнинг афв этилишига умид йўқ, чунки шайтон кибри сабабли кечирилмас гуноҳга қолди”.

“Ким намозни шикаста дил ва ожизлик билан адо қилмаса, ибодати дуруст бўлмайди”. (Суфён Саврий)

“Тавозуъ, яъни ўзини паст олишлик шарафли кишиларнинг овидир. Ҳар бир неъматга ҳасад қилинади, лекин тавозуъда ҳа- сад йўқ”. (Урва ибн Зубайр)

“Манманлик қилманг, ўзингизни бошқалардан юқори тутманг. Тўғри сўзланг, тўғри ишланг, очкўзлик ва ҳарисликдан узокда бўлинг”. (*Боязид Бистомий*)

Мавлоно Жалолиддин Румий йўлда бир насаро руҳонийси билан юзма-юз келдилар. Насаро қарасаки, қаршисидан нурли, муборак бир зот келяпти. У беихтиёр бош эгиб, таъзим қилди. Мавлоно ҳам бош эгиб таъзим қилдилар. Насаро бошини кўтариб қараса, мусулмонларнинг эътиборли одами унга таъзим қилиб турибди. Насаро камбағал, шаҳарнинг бир четида яшар эди. У мавлонога қайтадан таъзим қилди. Мавлоно ҳам такрор таъзим қилдилар. Насаро бошини кўтариб, ардоқли кишини яна таъзимда кўрди. Бу ҳол такрорланаверди. Насаро қанча таъзим қилса, мавлоно ортда қолмадилар. Оқибат шуки, бу камтаринлик одобидан таъсирланган насаро иймон келтириб, мусулмон бўлди. Кейинчалик мавлоно Румий бу воқеани шогирдларига баён қила туриб изоҳладилар: “Бир насаро руҳонийси тавозуъ хусусида биз билан мусобақага киришди ва бизнинг қўлимиздан тавозуъ вазифасини олмоқчи бўлди. Тавозуъни биз унга топшириб кўямизми? Йўқ, ҳеч қачон бермаймиз!”.

380

Баҳор келса, тошда бир нарса унарми?

Сен тупроқ бўлки, бағрингдан гуллар униб чиқсин.

(Баҳорнинг баракотидан тупроқ насибасини олади. Шунинг учун ҳам тупроқдан чечаклар униб чиқади. Тош баҳорга етишигани билан унга баракотдан насиба йўқ. Бағридан ҳеч нарса униб чиқмайди. Тавозуънинг акси бўлган кибру ҳаво ёмонлик белгисидир. Қалблари тошга айланган кишилар ҳам табиатдаги мана шундай жонсиз мавжудотдирлар. Улар учун ҳам баҳорда ёққан ёмғирдан фойда йўқдир. Нафс орзуларини енга олмаганлар учун ибодатлар ҳам нафсоний орзуларга тобе бўлади. Бундай кишилардаги нафс улар учун қибла ҳолига келади.)

“Агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устингга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир”.

“Агар сенинг кўнглинг бўлса, кўнгил Каъбасини тавоф айла”.

“Эй саломатликни, тинч ва роҳатда умр кечиришни истаган одам, одобга хилоф сўзлашдан, мағрурлик, такаббурликдан ҳазар қил. Ҳасад, иғводан қалбинг пок бўлсин”.

“Манманлик ва ғурур ботқоқлигининг қуритилиши учун бир муршиди комилнинг ҳиммат ва файзи зарур”.

(Жалолиддин Румий)

“Кибр кофирларнинг ва фиръавнларнинг ахлоқидандир. Та-возуъ эса пайғамбарлар ва солиҳларнинг ахлоқидандир. Чунки Аллоҳ таоло кофирларни кибр билан сифатлади”.

(Абу Лайс Самарқандий)

“Ёлвориш лаззати дунёвий неъмат эмас, балки у жаннат завқларидандир. Аллоҳ у завқни маҳбублари учун яратган. Ҳар кас уни ололмас”.

“Эй дўстим, Аллоҳ сени ва мени иршод этсин! Дунёвий ва ухровий яхшилиқларга етишайлик. Билки, кибр-ҳаво фазилатларни йўқ қилади, разолатларни етаклаб келади. Кибр-ҳаво кишининг насиҳат тинглашига ва одоб ўрганишига монелик қилади, бу сенинг разиллашишинг учун кифоядир. Шунинг учун дерларки: “Илм ҳаё билан кибр орасида йўқ бўлиб кетади”... Ҳикмат аҳли дерки: “Кибр ила мулк доим бирга бўлмас”.

“Баҳсу жадал ўзганинг ҳар бир сўзига эътироз билдираверишдан туғилади. Яъни тортишувчан киши айтилаётган гапнинг сўзларида ёки маъносида ё гапирувчининг мақсадида нотўғрилиқ бор, деган гумон билан суҳбатдошига қарши чиқаверади. Бехуда баҳсу мунозарани тарк этиш инкор ва эътирозни тарк этиш билан амалга оширилади. Аслида, даҳанаки тортишув такаббурлик ва кераксиз жанговарликдан келиб чиқади. Тортишувчи илми ва фазилатини намойиш этиш билан кибрга кетади. Бировнинг нуқсонини ошкор этиш учун унга ташланади. Кибр ҳам, ўзгага ташланишга ундайдиган ёвузлик ҳам нафснинг истаги, балки нафсга қувват берувчи иллатлардир. Фазилатини – яъни ўзининг бошқалардан афзал томонини кўрсатишга тиришиш – улуғлик

ва буюкликни даъво қилишдан бошқа нарса эмас. Яратувчига хос сифатни даъво қилиш банданинг қалби бузуқлигидандир.

Ўзгани айблайверадиған кишининг табиатида ёвузлик устун бўлади. У ўлжасига отилган йиртқичдай суҳбатдошига ташланади! Қани энди, ўзидан нимжонроқ “бу ўлжа”ни пора-пора қилса, хорлаб озорлайверса! Баҳсу жадалдан куч оладиган кибр ва бундай “жанговарлик” кишини аниқ ҳалокатга олиб боради. Демак, баҳсу жадалга берилган кишининг бош кушандаси мана шу икки иллатдир. Етказаётган азияти кўпайгани сайин унинг гуноҳи ошиб бораверади. Тортишув азиятсиз, ғазабсиз кечмайди. Бунга ўрганган киши хоҳ ҳақ, хоҳ ноҳақ бўлсин, сўзидан қолмайди, ҳаёлига келган нарса билан шеригини камситади. Оқибатда, тортишув авжига чиқади. Бири-бирининг овозини ўчириб қўйиш, бири-биридан қасос олиш учун қилаётган уларнинг даҳанаки жанги, бамисоли, “вовиллаб” бир-бирига ташланаётган, бир-бирини талаётган итларга ўхшайди. Бундай шармандали ҳолатга тушмасликнинг чораси – ўзини бошқалардан устун билмаслик, яъни кибрни синдириш ва ўзгаларни камситишга қаратилган ёвузликни сўндириш. Чунки ҳар қандай иллатнинг давоси унинг сабабини йўқ қилиш билан юзага чиқади”.

“Одам қанчалик ақли ва даража жиҳатидан қанча юксак бўлса, кибр ва ҳаво жиҳатидан шу даража кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир”.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

“Одамни икки иш ҳалок қилади: бири – халқ орасида иззатли бўлишга интилмоқ, иккинчиси – камбағалликдан кўрқмоқ. Ҳар кишининг кўнгли шикаста бўлса, шайтон унинг яқинига йўламайди”. (Суҳайл ибн Абдуллоҳ)

“Ўлим қанчадан қанча такаббур одамларнинг бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган”.

“Сенга энг яхши маслаҳат: мутакаббирлик билан юзингни те-скари бурма ва шон-шуҳратинг билан фахрланма”.

“Савдогарнинг шуҳрати чўнтагида”

“Такаббурликни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришга уринсанг ҳам, асли лой бўлганидан кейин кулол сингари, яъни тупроққа (лой ишларига) қайтиши муқаррар”.

(Абулқосим Замахшарий)

“Аё одам, кексайиб такаббур бўлма, у катталарга тенг бўла олмай, ўзингни хорликка солма”. (Юсуф Хос Ҳожиб)

“Такаббурлик калтабинлар ва инсонийлик тариқидан чиққанларнинг иллатидир”.

“Такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариши унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга оғир туюлади”.

(Хусайн Воиз Кошифий)

“Қиёмат кунда мутакаббирлар одамлар суратидаги майда чумоли ҳолатида келтирилади. Уларни ҳар томонлама хорлик ўраб олади. Оловлардан бўлган дўзахга йўналтирилади ҳамда дўзах аҳлидан сиқилган сув билан суғорилади. (Каъбул Ахбор)

“Сендан узр сўрасалар, қабул эт, узр сўралса-ю, қабул қилмаган киши шайтондир”. (Юсуфий)

“Фалокатга дучор бўлишни истамасанг, мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил. Хор-зорликни истамасанг, тамагир бўлма”. (Саййид Али Ҳамадоний)

“Ким ўз фикрига мағрурланиб иш тутса, йўлдан адашади. Ким ўз ақлига суяниб, ўзгалар билан ҳисоблашмаса, хорлик тортади”. (Муҳаммад Зеҳний)

“Сенга улуғлик керак бўлса, тавозуъни ихтиёр қил. Улуғлик томининг нарвони бундан бошқа нарса эмасдир. Тавозуъ сенинг мақом ва мартабангни оширади. Такаббурлик эса хорликка ту-

ширади. Мутакаббир ва мағрур бўлган киши бир кун фалокат ва ҳалокатга учрайди. Сенга мартаба, мансаб, иззат ва шараф керак бўлса, бошқаларни камситма, уларга ҳақорат кўзи билан қарама. Ким билан суҳбатдош бўлсанг, очиқ юзли, мулойим ва ширин сўзли бўл. Хулқ-атвори, феъли ёмон бўлган киши бахт-саодатга эришмайди, боши қайғу-аламдан чиқмайди”.

(Шайх Муслиҳиддин Саъдий)

“Камтар одамнинг даражаси ва қадр-қиммати ҳар доим банд бўлади. Бу фазилат барча яхшиликлар асоси ҳисобланади. Камтарлик – ҳар бир инсонни ўзидан устун деб билиш, у инсоннинг даражаси Аллоҳ таоло ҳузурда ўзиникидан устун бўлиши мумкин деб ҳисоблашдир... Ёш кишига: “Аллоҳ таолога у камроқ осий бўлган, мен эса Аллоҳга кўп исён қилдим, шубҳасиз, у мендан яхши”, дейиш, кексага эса, “Мендан кўп ибодат қилган, у мендан яхши”, дейиш керак. Жоҳилга йўлиқса: “У Аллоҳ таолога жоҳиллиги туфайли қарши чиқди, мен эса била туриб қарши чиқдим, унинг оқибати ва ўлими қандай бўлади-ю, меники қандай бўлади”, дейиши керак. Кофирга учраса: “Балки бир кун муслмон бўлар-да, хайрли амаллар қилар, мен эса ёмонлик, куфр билан кетишим мумкин”, деб хушёр тортиши керак. Бундай камтарин инсон қайғуга тушмайди ва қийинчиликка учрамайди. Кибрни тарк этиб, ужб *(манманлик)* ипини кесган бўлади”.

(Абдулқодир Жилоний)

“Тавозуънинг асли учтадир: кишининг ўз ожизлигини, муҳтожлигини ва гуноҳларини билмоқдир”. *(Усмон Хайрий)*

Фузайл ҳазратларидан “Тавозуъ нима?” сўрадилар. Дедиларки: “Ҳаққа бўйсунмоғинг, Ҳаққа эргашмоғинг. Гарчи бир ёш бола ёки жоҳил кишидан эшитсанг-да, Ҳақни қабул қилмоғинг”.

Ҳазрати шайх Юсуф Асбатдан “Тавозуънинг ва хоксорликнинг асли нимадир?” деб сўрадилар. Жавоб бердилар:

– Тонг чоғи уйингдан ташқарига чиқгайсан. Кимни учратсанг, уни ўзингдан яхшироқ деб билгайсан. Тавозуънинг ҳадди улдулки, ҳар ким сенга ҳақ гапни сўзласа қабул этгайсан, сендан паст бўлса ҳам, уни ўзингдан улуғ деб билгайсан ва елимдек юмшоқ бўлгайсан, туя каби бўйсунгайсан. Ҳар ким сени сўкса, уни

мақтов ўрнида кўргайсан ва ҳар ишда Аллоҳ таолога ружу айла-
гайсан. Ҳар қачон сенга яхшиликдан ёки ёмонликдан бир нарса
етса, шукр қилгайсан.

“Кечаси ухлаб қолиб, пушаймон ҳолда тонг оттиришим кеча-
ни ухламай ўтказиб, мағрурланиб тонг оттиришимдан яхшироқ-
дир”. (Мушарраф ибн Абдуллоҳ)

“Кишининг олим бўлишига Аллоҳ таолодан қўрқмоғи, илмсиз
қолишига эса амалига мағрурланиши кифоя қилади”. (Масруқ)

“Бир кишига булутлар соя солиб юрарди. Буни кўрган бошқа
бир киши: “Албатта, унинг соясида юраман”, деди. Шунда ҳа-
диги биринчи киши ўзича мағрурланиб: “Мана бунга ўхшашлар
менинг соямда юради”, деб ўйлади. Вақти келиб, улар ажраш-
ганларида соя иккинчи киши билан кетди”. (Шаъбий)

“Кимда-ким “ман-ман” деб ўзини баланд тутса, уни на халқ,
на Аллоҳ севади”.

“Такаббурликни бошдан ошириб ташла, тавозуъга қаттиқ
амал қил, унга ўзингни яқинлаштир”.

“Такаббур қилиғи барчанинг тилида нафрат қўзғотади, турли
хулқлар орасида қўйдек бўлиш яхши одатдир”.

“Кибрлик либосини кийиб, кўксингни халққа кериб, тилинг
билан озор беришдан сақлан... Улуғликка етишсанг янглишма,
агар атлас кийсанг, бўз кийганингни унутма”.

“Улуғликка эришгунингча яхшироқ бўлиб, улуғга ҳам кичик-
ка ҳам сўзингни силлиқ, мулойим қил”.

“Мўминликнинг нишони тавозуъдир, агар мўмин бўлсанг –
қамтар бўл... Мулойим қилиқни Худо ҳам ёқтиради, такаббур-

лик кишини тубанлаштиради... Улуғ бир Тангри туриб, ўзингни зинҳор улуғ тутма. У “улуғликни менсиз олишга уринма”, деб айтган”. (Аҳмад Югнакий)

“Тавозуъ – кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозуъ – дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшандан ошналик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади. Тавозуъ – такаббур ва мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини уйғотади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозуъ ҳаёсиз такаббурни уят чегараси томон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофсиз душманни ёмонлик қилишдан қайтаради. Бундай одам ҳеч қанақа ҳадя бермай ҳам кишилар ғамини тарқатади. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади.

Ақлу ҳикмат ишидур буйла маошу ойин,
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

(Бундай ҳаёт ақл ва ҳикмат эгалари насибасидир. Нафспараст ва худбинлар унга эриша олмайдилар)

Мутакаббир кезибон шаҳрда хору мардуд,
Мутавозийни ғаний айлади дурри мақсуд.

(Такаббур ва ғофил шаҳарда хор-зор кезади, тавозуълини эса мақсад гавҳари бадавлат қилади)

“Пасткаш мақтангани билан буюк бўлолмас, эчки югургани билан кийик бўлолмас... Такаббурлик – шайтон иши ва манманлик – нодон иши. Такаббур одам – барчага ёқимсиз. Худбиннинг ҳеч бир иши элга маъкул эмас. У ўз билими билан мағрур, аммо билимдонлар қаршисида эса айбдор. Худпарастликдан бутпарастлик яхшироқдир”.

Такаббур хотирингга келса филхол,
Азозил қиссасини ёдингга ол.

(Такаббурлик қилган иблис ўзининг “Азозил” исмидан айрилиб, “малъун” номини олди. Бу ҳикоя машҳурдир. Сен ҳам уни билурсан. Шунинг учун такаббурлик хотирингга келган заҳоти Азозил ҳикоясидан ибрат олиб, такаббурликдан сақлан.)

Мабодо ғуррае тушса кўнгулга,
У ғурра бошласа офатли йўлга.

(Мабодо кимсанинг кўнглига ғурурлик тушса, бу ғурур кимсани фитнали йўлга бошлар. У бу йўлда ҳалок бўлиб, такаббурлар ғуруҳидан бўлиб, ўкинчда қолур.)

Муяссар бўлса тилладан санга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айлама сахт.

(Ҳақ таолонинг марҳамати тўфайли сенга енгилик билан тожу тахт муяссар бўлса, зинҳор базинҳор, ўзингдан паст мартабали кишига қаттиқ сўз дема. Кўнглин ранжитма.)

Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.

(Агар дунё халқи барчаси сени подшоҳ деб байъат берсалар-да, сен ўзингни тубан мартабада билмоғинг керак. Зероки, мартаба ва шоҳликка ғурур қилмоқ аҳмоқликдир.)

Агар рутбанг эрур аълоий офоқ,
Йиқилган хасталарнинг ҳолиға боқ.

(Агар сенинг мартабанг осмондан баланд бўлса-да, мартабанга алданмагин. Атрофга қараб, хасталикка чалинганларнинг аҳволига боқиб ибрат олгин. Мен ҳам бир кун шу хасталар кунига тушиб забун бўлурман, дея фикр қил.)

Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша,
Юзидур ер сари, э яхши пеша.

(Кўриб турибсан-ку, осмон нақадар юксак бўлишига қарамай, юзини тубан қилиб тавозуъ билан ер томон қаратиб турибди. Шундай экан, сен ҳам гердайиш ўрнига тавозуълик қилгин.)

Кел э оқил, буюрсанг ақлинг ишга,
Ўзингдин кетмагил доно демишга.

(Эй оқил инсон, сен бутун ақлингни тоату ибодат қилишга қаратган бўлсанг-да, ўзингни ўзинг олимман, деб такаббурлик қилма.)

Агар боло чиқиб кетсанг ўзингдин,
Йиқилғайсен тойиб ерга юзингдин.
Ўзин боло тутиб кибр айламасдан,
На чобуклар йиқилдилар оёқдин.

(Такаббурлик қилиб, юқори чиқиб ўзингнинг ким эканингни унутсанг, мартабангдан юз тубан тушиб қолмагин тағин. Яъни такаббурлик билан ҳаддан ошиб, жаҳаннамга юзтубан тушиб қолмагин. Ўзини юқори тутиб, такаббур бўлиб, не-не зийраklar оёқларидан йиқилиб, мартабаларидан тушидилар-ку ахир?)

* * *

Кишиким бўлди яхши номи машҳур,
Вафотидан кейин они “зинда” дерлар.
Ёмон номга эга бўлган одамни,
Агар чанди тирикдир “мурда” дерлар.

(Мазкур тўртликда шоир форс тилидаги “зинда”. (яъни “тирик”), “мурда”. (яъни “ўлик”) сўзларидан нуктадонлик ила фойдаланган.)

* * *

Агар қилсанг сафар дорул ҳаёта,
Хўб ота бор, дема, тармаш хўб ота.

(Сен охират уйига сафар қилмоқ қасдида бўлсанг, яхши отам бор, дема. Ва мен унинг наслиданман, деб алданмагил. Яхши ота ва онага алданмоқ аҳмоқликдир. Аммо яхши ном орттиришга интил)

* * *

Тавозуълиқ бўлуб тутқил ўзинг кам,
Шажарким, мевалик бўлса, бўлур хам.

(Тавозуъли бўлиб ўзингни паст тутсанг Тангри қошида ҳурматли бўлурсан. Ахир биласан-ку, мевали дарахтнинг ҳосили кўп бўлса, боши эгик бўлади.)

Агар чандеки бўлсанг қутби аброр
Дегил, не донишим бор, не-да ишим бор.

(Агар сен эзуликларнинг қутби, яъни бошлиғи бўлсанг ҳам, менда не билим ва на бир кўзга кўринадиган иш бор, яъни, униси ҳам, буниси ҳам йўқ, дегил.)

Кишиким, ҳоки раҳдур, бериёдур,
Қадам тупроғи кўзга тўтиёдир.

(Киши тупроқ каби тавозуъли бўлиб, амалида риёси бўлмаса, бундай кишининг оёқ остидаги тупроқни кўзга сурма каби сурса бўлади. Яъни, бундай киши Тангри қошида кароматли ва яқиндир. Одамларга ҳам қуш каби яқин бўлиб, фойдаси кўпдир.)

Кетар дамда тулайдин паст ўтар кун,
Сабо чиқса бўлур оламдин устун.

(Қуёш ботар чоғида барча нарсалардан паст бўлиб, тонг ёришигач эса бутун дунё устида турур. Буни кўргансан-ку! Шунга ўхшаб бирор киши ўзини паст тутиб юрса, Аллоҳ таоло қошида барча халойиқдан ҳурматли ва даражали бўлади.)

На бўлғай қатрадек тутсанг ўзинг кам,
Гуҳар бўлсанг-да, қилсанг тожи мардум.

(Сўфий Оллоҳёр)

(Ўзингни Нисон ёмғирларидек кам тутсанг эди, шоядки, гавҳар бўлиб эранларнинг бошидаги тожида бўлсанг.)

“Бир подшоҳнинг меросхўр фарзанди йўқ эди. Ўлар олдида дедик: “Жоним чиққан заҳоти шаҳар дарвозасидан биринчи бўлиб ким кирса, тожни унинг бошига кийдилинг, мамлакатни унинг қўлига топшилинг”. Иттифоқо, ўша онда дарвозадан бир дарвиш кирди. Васиятга биноан, унга подшоҳлик топширилди. Вақт ўтиб, айрим умаро итоатдан бош тортди, лашкар тўплаб, унга қарши уруш очдилар. Баъзи шаҳарлар улар қўлига ўтиб, дарвиш фиғон чекаётган пайтда унинг бир жаҳонгашта дўсти узоқ сафардан қайтиб, бошкентга кирди-ю, биродарини подшоҳлик тахтида кўрди. Шунда собиқ дарвиш афсус билан бош чайқаб дедик: “Э ёр, менинг ҳолимга таъзия қил ва тахния қилмағил, нединким, бурун сен кўрганингда менда бир ноннинг ғами бор эди, эмди бошимда бир жаҳоннинг ғами бордир”.

(“Гулистон”дан)

Подшоҳи олам бўлиш бир қуруқ ғафго эмиш,
Бир валийга мурид бўлиш жумладан аъло эмиш.

“Қушларни саодатга элтмоқчи бўлган Худхудга қарчиғай қарши чиқиб, бундай дейди:

– Мен бошқа қушларга ўхшамайман. Балки барча қушлар эгаси ҳисобланаман. Шу пайтгача сенга сўз айтиб, узр билдирган қушларнинг ҳаммаси менга овқат ўрнида ўтади. Мен шоҳлар қўлида ором оламан, улар ҳар кун менга овқат бериб туришади. Қайси бир қуш қасдида қанот ёзсам, у менга ўлжа бўлади. Ҳатто насри тойир – қирғий бўлса ҳам мендан қутулиши маҳолдир. Шоҳлар олдида шунчалик эътибор топдим; шавкатим амалда шубҳасиз. Симурғникидан кам эмас. Шоҳ қўли – менинг тахтиму бошимда тож, Симурғ сари боришимга йўқ эҳтиёж!”

Худхуд унга жавобан деди:

– Эй ғурур қўлида паст бўлиб, жаҳл ва ғафлат аро тубан кетган! Шуни билки, шоҳ тугул оддий бир овчи ҳам сенинг оёгингга тушов солиб, ўз хузурида тутди. Очлик ва уйқусизликдан шу даражага етгансанки, ҳатто этинг суюгингга бориб ёпишган. Олдингга бир лукма эт ташлагунга қадар тоқатсизлик билан фарёд қилиб, одамлар қулоғини қоматга келтирасан. Зоти паст одамларга муҳтож бўлиб, хор-зорликда кун кечириб, Тангри ажратган насибангни еб юрасан. Сен қайси бир овни қўлга киритсанг, ўлжангни ушлаган заҳотиёқ овчи ноғора чалиб, сени қувлаб юбо-

ради. Сен ўзингдан кучсизроқ бир ўлжага ҳамла қилиб, очофатлик билан уни ов қиласан. Ушлаган овингни эгасига топшириб, унга итоат этасан. Қушчи берганига қаноат ҳосил қилиб кун кечирасан. Шундай аянчли аҳволда бўла туриб, ёлғон сўзлар билан лоф уришдан уялмайсанми?! Агар сенда заррача виждон ёки уят бўлганида эди, бу шармандали ҳаётдан кўра ўлганим яхшироқ, деб ўйлардинг! Аммо сенда нодонлик голиб келиб, нафсинг сени алжирашга мойил қилиб қўйган!”

Ҳумой шундай дейди:

– Эй сарсон-саргашталар раҳнамози! Менга иқбол шунчалик кулиб боққанки, ҳатто мен ўз соям билан кишиларга шараф тахти ато эта оламан. Агар илоҳ зотимга шунчалик шараф бахш этган бўлса, яъни менинг соям ҳатто гадони шоҳ даражасига кўтарса, мен учун яна шоҳ истамоққа не ҳожат бор?! Ўзимни машаққатга чоғламоқнинг нима кераги бор?! Ундан кўра соямдан шоҳларга паноҳ бериб, ҳавода учиб юрганим яхши эмасми?

Худхуд унга шундай деди:

– Сенинг бу сўзларинг афсонадан ўзга нарса эмас. Сен айтганларни фақат девоналаргина баён қила олади. Айтишингча, гўё зотинг баланд бўлиб, сени кўп шарафли этибди. Гўё сен ўз соянг билан кишиларни шоҳлик мартабасига эриштирар эмишсан. Ахир шунчалик ҳам гумроҳлик бўладими? Агар шоҳлар тарихини варақлаб кўрсанг, бу хил воқеа қайси бир шоҳ тақдирида кўрилган? Сенинг соянг билан шоҳ бўлиб кўтарилган бирон-бир одам борми?! Бу нотўғри афсона сени шод қилибди, шундай бузуқ эътиқодга ошна этибди. Масалан, бу даъвонг рост бўлган тақдирда ҳам, борди-ю; сенга бу сифат бехосдан келган бўлса ҳам, соянг тушган киши илоҳ қудрати билан шоҳ даражасига кўтарилса ҳам бундан сенга нима фойда?! Барибир даштларда қолган суякларни, тўғрироғи, ғажиб ташланган қоқшол суякларни ит каби еб тирикчилик қиласан-ку?!”. (*“Лисон ут-тайр”дан*)

“Ҳар бир жамоанинг раиси ва сардори ўша жамоатнинг хизматкори деган гапдир”. (*Абдурауф Фитрат*)

“Викор” деб кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилуру. Викор шаръ ва ҳикмат юзасидан инсон учун энг керакли яхши хулқларнинг биридур. Викорсиз одам эътиборсиз бойга, кибрли киши иллатлик фақирга ўхшайдур. Ҳар

кимнинг қадр ва эътибори нафсининг виқори ила ўлчанадур. Вуқур кишилар кибру ғурурга асло яқин юрмаслар. Чунки ғурур, манманлик, такаббурлик кишини хор, халқ орасида беэътибор қилур, ҳар қанча илм ва давлат соҳиби бўлса ҳам, бир пулча қадр ва қиймати бўлмас. “Мани билурсанми? Мундай қилурман, ундай саховат қилурман”, деб ўзини ўзи мақтамоқлик, риёкорлик, зўр айб ва виқорсизликдур”.

Виқорлик киши ёмон хулқлардан пок, адолатли ишида, сўзида тўғри, шафқат ва марҳаматли, ўз диндошларига хайрихоҳ, миллат фойдасига тиртишувчи, соф қалбли, арслон юракли бўлур. Ҳазрати Али: “Вуқур киши кибр ва ғурурдан пок бўлур. Виқор одамгарчиликнинг мадори, ифтихори, инсониятнинг ҳомийси эътиборидур. Лекин виқорнинг ҳақиқий даражасига етмак учун илм ва маърифат лозимдур”, – демишлар.

Афсус бу замонда бизим эътибор йўқ,
Ёшу қарида ғайрату номусу ор йўқ.
Фисқи фужур ила гирифтор барча жон,
Илми амалда бизда сабот, виқор йўқ.
Ўтмоқда умр ҳойи ҳавас бирла барҳаво,
Миллат ғамини ўйлағувчи хушёр йўқ”.

* * *

“Анонийят” деб худбин, мутакаббир, манманликни айтилур. Манманлик жоҳилона кибру ғурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини ҳар ерда маъюс ва маҳжуб қилур. Керак инсон ўзини оламга тонутмасун, керак бўлса олам ўзини тонуб олсун. Бу сифат эса ёмон хулқлардан ҳузур қилган кишиларгагина муяссар бўладур. Кеккаюб ўсуб кетган дарахт яхши мева қилмагани каби кибр ва манманликдан фазилат ҳосил бўлмас. Ахлоқи яхши инсонлар ўзларидаги фазлу камолот асарини халойиқга хуш хулқлик ва тавозуъ ила кўрсатурлар. Расули акрам набийи муҳтарам соллаллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: “Ибодатнинг афзали тавозуъдир”, – деб бизларга кибру манманликни қандай зиллат ва хорлик ўлдиргани баён қилмишлар. Алҳосил, кибр ва манманлик балосига гирифтор бўлган кишилар қаю ерда бўлса бўлсун, дучори ажзу ҳақорат бўлурлар.

*Азозил кибр қилди, бўлди шайтон,
Такаббурлик қилурми оқил инсон?
Тавозуъ пеша қил, аслингни қил ёд,
Вужудинг хок эрур, эй одамизод!”.*

(Абдулла Авлоний)

* * *

“Эй инсон! Қалбингда заррача кибр бўлса, сен хали муслмонликни тушунмабсан. Тоат-ибодатинг Аллоҳ хузурида мақбул бўлмайди”. (*Муҳаммад Камол*)

* * *

“Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, қулоққа фақат таҳсингина киради”.

* * *

“Хушомадгўй – лаганбардор деган махлуқ мансабдорни сирдай ялаб, жунини тескари қилиб ташлайди. Мансабдорга ҳам хуш ёқиб, бузоқдай бўйнини эгиб тураверади”. (*Абдулла Қаҳҳор*)

* * *

“Такаббурлик ва зулм – улуғликнинг офати, ҳилм ва тавозуъ – инсоннинг зийнати, шарм-ҳаё унинг энг гўзал, ёқимли либосидир”. (*Сукрот ҳаким*)

Сен агар кибру ҳавони ташладинг,
Ул замон шараф этагин ушладинг.

* * *

“Камтарликни туядан ўрганиш керак, агар унинг арқонини сичқон думига боғлаб қўйилса ҳам индамай эргашиб кетаверади. Ботирликни шердан ўрганиш лозим, агар уни мингта маст филга қарши ташласангиз ҳам орқага қайтмайди, ожизлик кўрсатмайди”. (*Буқрот ҳаким*)

* * *

“Манманлик, бекорчилик ва меҳмондорчиликка берилиш зарарлидир”.

* * *

“Меъеридан ортиқ иззат ўзни камситилишга айланади, меъеридан ортиқ эҳтиёткорлик қўрқоқликка айланади, меъеридан ортиқ довиораклик ақлсизликка айланади, меъеридан ортиқ самимийлик қўполликка айланади”.

* * *

“Тарбияси ва табиийлиги бир-бири билан мувозанатга келганидан кейингина киши улуғ бўлади”.

* * *

“Улуғ киши тўққиз нарсага эришиш ҳақида ўйлайди: равшан кўришни, аниқ эшитишни, истараси иссиқ бўлишни, ишига бошқалар ҳавас қилишини, сўзлари самимий бўлишини, ҳаракатларида эҳтиёт бўлишни, гумон пайдо бўлганда бошқалардан сўрашни, қаҳрининг оқибатларини ўйлашни, фойда олиш имконияти пайдо бўлганида ҳалол бўлишни”.

* * *

“Одамнинг пулсиз, уйсиз, ер-мулксиз қолгани ачинарли эмас – буларнинг ҳаммаси унга тегишли эмас. Инсоннинг ўз ҳақиқий мулки – инсоний кадр-қимматини йўқотиш ачинарлидир”. (*Эпиктет*)

* * *

“Паст одамларнинг ғурури шундан иборатки, улар доимо ўзлари ҳақида гапирадилар, чинакам инсонларнинг ғурури эса ўзи ҳақида мутлақо гапирмасликдир”.

* * *

“Ўзига-ўзи маҳлиёлик шиширилган пуфак, уни тешса, фақат ҳаво чиқади”.

* * *

“Доимо қовоқ осиб юриш ўртаҳоллик ниқобидан бошқа нарса эмас”. (*Ф. Вольтер*)

* * *

“Ҳар қандай пастқам ердан ҳам осмонга кўтарилиш мумкин”. (*Сенека*)

* * *

“Мақтанчоқлар ҳам усти нақшинкор милтиқ каби, ичи қалтироқ, таши ялтироқ”.

* * *

“Аввало ўзингни ҳурмат қил!.. Бошқалар кўз ўнгида ҳам, пинҳона тарзда ҳам иснод келтирадиган ишни қилма. Ўзингга нисбатан ҳурмат биринчи даражали қонунинг бўлмоғи керак. Сен ҳақингда қандай фикрда бўлишларидан қатъи назар, ўзинг тўғри деб билган ишни қил. Танбеҳга ҳам, мақтовга ҳам бирдек бепарво бўл”. (*Пифагор*)

“Ҳаддан ортиқ юксак фазилатлар ҳам баъзан инсонни жамият учун яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Зотан, бозорга катта олтин ёмби билан боришмайди, у ерда танга, айниқса, майда чақалар керак бўлади”. (Н. Шамфор)

“Ким ҳамма нарсада мўътадил бўлса, у ҳаётда бахт ва хотиржамликни қўлга киритади”. (Калеобул)

“Шухратпарастлик энг кучли хоҳишдир. Мени бу хоҳишдан халос этгин, қолганларидан эса ўзим қутуламан”. (Р. Шеридан)

“Модомики, бошқа чора қолмаган экан, хушомад қилаётган эмас, балки, унга хушомад қилишларини истаётган айбдор”.
(Ж. Мольер)

“Ҳақиқий буюклик ўзини бошқара олишдадир”. (Ж. Лафонтен)

394

“Шухратпарастлик одамларнинг энг табиий хусусиятидир, лекин айна пайтда одамларни табиийликдан маҳрум этувчи ҳам шу шухратпарастликдир”.

“Гурур – ожизлар юпанчи”.

“Ҳамма ҳам ўзини ўзи севиш ҳуқуқига эга эмасми? Наҳотки, иштиёқ билан қилган ишимиз ноўрин бўлиб туюлса?.. Ўз кучингни ҳис этишинг кучингга куч қўшади... Ўзини ўзи ҳурмат қилган одам бошқаларни ҳам иззат-эҳтиромга ўргатади.

“Яхши ном қолдиришдан ўтадигани йўқ, бу номни эса ҳеч нарса қадр-қимматчалик мустаҳкам қилиб яратмайди”.

(Л. Вовенарг)

“Барча мақтанчоқларнинг бирдан-бир қисмати шуки, улар эртами, кечми, ҳарқалай панд ейишади”.

“Кўкка парвоз қилмоқчи бўлган одам кечки сояга ўхшаб, бир соат ичидаёқ узайиб, ўз эгасидан ҳам катталашиб кетади; гўё хиралашган сари чўзилаётганга ўхшайди-да, бир дақиқадан сўнг қарасанг – йўқ”. (Э. Сенанкур)

“Ким ўзини ҳурмат қилолмаса – у бахтсиз, аммо ким ўзидан ортиқча мамнун бўлиб кетса, у тентак”. (Г. Мопассан)

“Ўзига бино қўйиш ва манманлик бахтсизликдир, у кишини аҳмоқ қилиб қўяди”. (К. Либкнехт)

“Аҳмоқлик ва такаббурлик – оға-ини”. (П. Бомарше)

“Шухратпарастликка берилиш азалдан доноларни беақл қилиб келган”. (И. Кант)

“Агар шухратпарастлик кимнидир бахтга етказган бўлса, ҳой-наҳой ўша одам тентак бўлса керак”.

“Шухратпарастлик киши бошига тушадиган оғир кулфатларнинг манбаи”.

“Машҳур бўлиш одамга катта масъулият юклар экан”.

“Ҳар бир санъаткор олқишларга ўч. Мукофотларнинг энг қимматлиси замондошларнинг мақтовидир”.

“Фалак ато этган мавқега эга бўлсанг, у ҳолда камтарона, ўзингни камситмасдан, мурувватли бўлиб яшашинг мумкин, бунга курашсиз эришса ҳам бўлади”.

“Мавқеингиз ўзгаргач, фикрингиз ҳам, ақидаларингиз ҳам иродангизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради, ўзлигингиз ҳам ҳозиргисига ўхшамайди, ўй-фикрларингиз ҳам бошқача бўлади”.

“Қулайликларга ўрганган одам кашандага ўхшаб қолади, усиз туролмайди”.

“Донишманд ҳеч қачон бойлик кетидан қувмайди, лекин у шон-шухратга бефарқ эмас”.

“Халқларни бошқариш санъати уларни маърифатли қилишдан кўра қийинроқ деган тушунча амалдорларнинг такаббурлигидан пайдо бўлган”.

“Ҳар қанақа турдаги имтиёзлар айрим, уларга сазовор шахсларга фойдалидир ва уни бераётган миллатга оғир юк бўлиб тушади”.

396

“Фалакиёт – бидъат ва хурофотдан; нотиклик санъати – шухратпарастлик, нафратланиш, хушомад ва ёлгончиликдан; хандаса – хасисликдан; физика – бекорчилик, қизиқувчанлик; уларнинг барчаси – ахлоқ илмини ҳам кўшиб ҳисоблаганда, инсон такаббурлигидан келиб чиққан. Демак, илм-фан ва санъатнинг келиб чиқиши инсон кибру ҳавосига бориб тақалади; эзгуликка бориб тақалганда эди, уларнинг кадр-қимматли эканлигига шубҳа қилмасдик”.

“Кимники иззатталаблик алвастиси ром этган экан, уни бошқаришга энди ақлнинг кучи етмайди ва у тенгсиз куч имлаган томонга қараб чопаверади”.

“Қадр-қиммат инсонни энг юксакликка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир”.

“Ўз-ўзидан нафратланиш ҳеч қачон тинчлик бермай бир умрга юракни эзиб, ҳаётимиздаги ҳар қандай қувончни заҳарлаб, қалбни инсонга нафрат ва умидсизлик оғуси билан тўлдирувчи илондир”. (К. Мар)

“Ҳеч тўймайдиган шуҳратпарастлик одамнинг онгини заифлаштиради ва ўзига яқинлашиб келаётган хатарни сезмайди”.

“Кимки ўзини билган одам олдида мақтанса, сўзсиз, кулгига қолади”. (Эзон)

“Шуҳратпараст кишилар донолар нафрати-ю, тентаклар ҳайратини уйғотиб, текинхўрлар сиғинадиган кимсага ва ўз эҳтиросларининг қулига айланадилар”.

“Мақтанчоқ одамлар доноларга кулги, аҳмоқларга эса ҳайратомуз пеша, хушомадгўйларга осонгина ўлжа ва ўз шуҳратпарастликларининг қулидирлар”.

“Фақат ўзини ўйлайдиган донолик, қандай кўринишда бўлишдан қатъи назар, қабихликдир”.

“Ёлғиз ўзини ўйлаган одам тухум пишириш учун қўшинининг уйини ёқади”.

“Аъзойи бадан учун ҳаёт қанчалик зарур бўлса, кўнгилга камсуқумлик ҳам шунчалик зарур”. (Ф. Бэкон)

“Шуҳратпараст одам ўзи ҳақида яхши гапириб ҳам, ёмон гапириб ҳам ҳузурланади; камтар одам эса ўзини сира гапирмай қўя қолади”.

“Кўпчилик ичида ўзини калондимоғ тутиб кеккайган одам, агар у ҳурмат қилишларини истаётган бўлса, айти шу истагига зид натижага эришади”.

“Мансабсиз одам олдида осмондан келиб, мансабдорлар олдида шармандаларча ерга эгилишимизнинг бирдан-бир сабаби такаббурлигимиздир”.

“Сурбетлик чегарадан чиққан иззатталабликдир: иззатталаб одам чарчатади, жонга тегади, бездиради; сурбет жиркантиради, газабга солади, қонни қайнатади, таҳқирлайди”.

“Ўз-ўзига ҳайратланиш ва ўзини ақли дея қатъиян ишониш бахтсизликдир, фақат ақлсиз ёки ақли калта одамларгина шундай”.

“Ўзига-ўзи маҳлиё одам – аҳмоқ билан сурбет орасидаги дардисар бир нарса: унда аҳмоқдан ҳам, сурбетдан ҳам нимадир бор”.

“Тасвирдаги шакллар учун манзара қанчалик зарур бўлса, яхши фазилатлар учун камтарлик ҳам шу қадар зарур; камтарлик бу фазилатларга куч ва равшанлик бағишлайди”.

“Сохта камтарлик манманликнинг энг пинҳона найрангидир”. (Ж. Лабрюйер)

“Табиат кимнидир яхши фазилатлардан қисган бўлса, бу камчиликни у такаббурлик билан ёпмокчи бўлади”. (Роттердамлик Эразм)

“Ким ўзини ҳаддан ташқари яхши кўрса, уни бошқалар яхши кўрмайди, чунки одоб юзасидан унга рақиб бўлиб ўтирмайдилар”. (В. Ключевский)

“Киши шахсини ерга урувчи иллатлардан энг қабиҳи ва нафратга лойиғи ўзига-ўзи маҳлиёликдир”. (У. Теккерей)

“Агар табиат кимнингдир ақлида ковак қолдирса, уни манманлик оҳаги билан суваб кетади”.

“Феъл-атвордаги, хатти-ҳаракат, услуб, жами нарсадаги гўзаллик – оддийликдир”. (Г. Лонгфелло)

* * *

“Ўзимиздаги бемаъни хислатларни ўзимизчалик ҳеч ким билмайди, лекин шунга қарамай ҳеч ким бизни ўзимизчалик юқорига кўтармайди”. (Ф. Шенман)

* * *

“Ғурур – сирғанчиқ қоя бўлиб, пастликда бизни такаббурлик ва манманлик кутади”. (П. Декурсел)

* * *

“Ғурур ҳамиша ёмон дарслиқдир ва ўртамиёналикнинг нимдош пардасидир”. (Ж. Масийон)

* * *

“Нокамтар одам кўпинча ёвуз одамдан кўра ҳам хавфлироқдир, чунки ёвуз одам фақат ўз душманигагина ёмонлик қилса, нокамтар одам душманини ҳам, дўстини ҳам аямайди”.

(Ж. Аддисон)

* * *

“Мағрур одам камдан-кам олийҳимматдир: у доимо ўзи муносиб бўлганидан кам оляпман, деб ўйлайди”. (Т. Бичер)

* * *

“Шухратпарастлик бизнинг дилимизда ва бизга қарши ҳаракат қилувчи даҳшатли кучдир”. (В. Гюго)

* * *

“Эски мўйна шамолда ҳурпаяди, беқал калла эса – такаббурликдан” (М. Клаудиус)

* * *

“Мағрур кишилар бошқалардаги ғурурни сингдира олмайдилар”.

* * *

“Афтидан, барча туғма эҳтиросларимиз ичида, айниқса ғуруримизни енгишимиз қийин бўлса керак; уни қанча беркитма, у билан қанча олишма, бўғма, чала ўлик қилма – барибир у яшай-веради, вақти-вақти билан ҳаддан ошиб, ўзини кўрсатиб туради”. (Б. Франклин)

* * *

“Шухратпарастлик – хушомадгўйликнинг олий чўққиси... Ҳеч бир хушомадгўйлик ўзига хушомадгўйлик қилишдан ўтолмайди”.

“Шухратпарастлик бобида қанчадан-қанча ихтиролар қилин-масин, бари бир унинг ҳали қўл тегмаган жойлари кўп”.

“Камтарлик обрўни ошириб, лаёқатсизликни яширади... Хў-жакўрсинга камтарлик пардали мунофиқликдир”.

“Яхши фазилатларга эга бўла туриб, жамиятда юксак мавқега эришмаслик мумкин, бироқ ҳеч бўлмаганда қандайдир фазилат-га эга бўлмай туриб, бундай мавқега эришиш мумкин эмас”.

“Инсоннинг ҳақиқий қадр-қиммати шундаки, ҳатто уни ҳасадчилар ҳам мақташга мажбур бўладилар... Инсоннинг қадр-қиммати тўғрисида унинг яхши фазилатларига қараб эмас, балки унинг шу фазилатларидан қандай фойдаланишига қараб фикр юритиш лозим”.

“Буюк фазилатларга эга бўлиш етарли эмас, улардан фойда-лана билиш ҳам керак”.

“Ўзимизга бўлган ишончимиз ўзгаларга ишончимизнинг асо-сини ташкил этади”. (Ф. Ларошфуко)

“Шунчаки яхши бўлмасдан, нима учундир яхши бўлинг”.
(Г. Торо)

“Шухратпарастлик ўзимиз лойиқ бўлмаган шон-шухратга бе-вақт эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас”. (А. Смит)

“Кўтарилаётганда тўхташ мумкин, лекин тушаётганда эмас”.

“Юқорига кўтарилаётганларга мадад берадиганлар кам уч-райди, пастга кетаётганни итарувчилар эса кўп бўлади”.

(Наполеон)

* * *

“Камчилиги, айниқса руҳий камчилиги бор кишилар доимо ўзлари ҳақида юқори фикрда бўладилар. Гўё саҳий табиат кимни бошида ақлдан қисган бўлса, ўша камчиликни тўлдириш учун манманликни қўшимча чора сифатида юбораётгандай”.

* * *

“Барчага ёқиш истаги энг кулгили истақдир”.

* * *

“Ҳар қандай ишга ортиқча тантанабозлик билан киришмаслик лозим: ишнинг хотимасинигина тантана билан байрам қилиш керак”.

* * *

“Ўз номукамаллигингни англашинг камолотга етаклайди... Ким ўзини катта олмаса, у ўзи ўйлагандан кўра ҳам дурустроқ одамдир”.

* * *

“Ўзингни ўз қобилиятингдан устун қўйишинг ҳам, ўзингни камситишинг ҳам ярамайди”. (И. Гёте)

* * *

“Иззатталаблик ақлнинг нокамтарлигидир”. (У. Дэвенант)

* * *

“Иззатталаблик пасткаш юракни ҳалол юракка қараганда тезроқ аланга олдиради: хашак ҳарами ёки қапа саройдан кўра тезроқ ёниб тугайди”.

* * *

“Аҳмоқ одам ҳатто амалидан – министрми ёки бош мирзоми – тушса ҳам, ўзининг бутун кибру ҳавоси ва бемаъни такаббурлигидан қолмайди”.

* * *

“Ҳалол одам ҳамманинг иззатини қозонаман, деб чопиб юриши шарт эмас: иззатнинг ўзи, айтишади-ку, унинг ихтиёрисиз, ўз оёғи билан келсин”.

* * *

“Сохта ҳурмат ҳеч бир иш қилмай туриб манманликка берилишнинг жазосидир”. (Н. Шамфор)

* * *

“Донолик ўзи қилган ишнинг яхшилигига ишониш учунгина эътироф этишларини истайди; шуҳратпарастлик эса мақтов та-
лаб этади”.

* * *

“Пасткаш қалб, ортиқча ғурур – ачиган балчикдай гап”.

* * *

“Оддийлик инсоний кадр-қимматингни англашингдир”.
(П. Буаст)

* * *

“Мақтов ҳар қанча ортиқча бўлган тақдирда ҳам мақталувчи-
да ҳар қандай мақтовлардан ўзининг юқори туриши ва ўз фази-
латлари билангина мақтовчиларнинг оғзини очиб қўйгани ҳақи-
да бош қотириб кўришдек устунлик бор”.

* * *

“Куч билан мақтаниш буқани елкада кўтармоқ, демак ўша
буқага ўхшаш билан баробардир”. (Б. Фонтенел)

* * *

“Одам ўзини-ўзи кўтара олмаганидек, ўзини-ўзи мақтамас-
лиги ҳам керак. Аксинча, ўзини мақташга ҳар қандай уриниш
кишилар кўзи ўнгида унинг обрўйини тўкади”.

* * *

“Мағрур одам муз қирови билан ўралиб қолиши турган гап.
Бу қобикни бошқа ҳеч бир туйғу ёриб ўтолмайди”.

* * *

“Мағрурлик қизиқ хусусиятга эга. Киши қанчалик қобилият-
ли: ақлли, ўқимишли, ажойиб истеъдод эгаси, ҳатто қалби тоза
бўлмасин – агар у ортиқча гердайса, юқоридаги бари фазилатла-
ри камчиликка айланади”.

* * *

“Киши ўз-ўзидан қанчалик мамнун экан, унда мамнун бўла-
диган хислатлар шу қадар камдир”.

* * *

“Ўзи ҳақида одам қанчалик баланд фикрда бўлса, унинг ахво-
ли шу қадар мўртдир”.

“Шухратпарастлик!.. Бизнинг асримизда уч турдаги одамлар яшайди: бир хиллари шухратпарастликнинг бор бўлиши шарт, у мавжуд нарса деб, шунинг учун бўлгани тўғри деб ҳисоблаб, унга осонгина бўйсундилар; иккинчи тоифа одамлар эса шухратпарастликни бир бахтсизлик деб ҳисоблайдилар, учинчи тоифа одамлар бўлса унинг таъсирига кўр-кўрона берилдилар”.

“Адашганларга нисбатан ўзингда раҳм уйғотишинг унча қийин эмас, қийини шундаки, адашганлар айна пайтда ҳамиша мағрур бўладилар. Худди ана шу жирканч манманликка тоқат қила билишга ўрганмоқ зарур”.

“Оддийлик ахлоқий баркамолликнинг бош шартидир... Оддийлик. Ҳамма нарсадан кўра мен ихтиёр этган фазилат шу... Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар... Содда бўлиб кўринишни истовчилар у қадар анойи одамлар эмас. Зўраки соддалик энг катта, энг хунук сунъийликдир”.

“Одам билан ўзингни ундан юқори, афзал ва уни ҳам ўзингдан юқори, афзал кўрмаган тақдирингдагина чиқишиб кета оласан”.

“Ҳали ҳеч ким камтарона яшаганидан афсусланмаган... Кўпинча камтарликни ожизлик ва қатъиятсизликка йўядилар, аммо ҳаётнинг ўзи одамларнинг янглишганини исботлаб бергач, камтарлик феъл-атворга янада ўзгача жозиба, куч ва эҳтиром бахш этади”.

“Одам каср жадвалига ўхшайди, одамнинг ўзи каср сурати бўлса, махражи эса ўзи ҳақидаги фикридир. Махраж қанчалик катталашгани сари сурат шунчалик кичиклашади”. (Л. Толстой)

“Ўз туйғуси ва эҳтиёжлари ҳақида сафсата сотиб, аслида ўзини кўз-кўз қилишдан бўлак ҳеч қандай тузукроқ эҳтиёжи ва туйғуси бўлмаган қуруқ кишиларнинггина ҳаёти бўш ва нурсиз бўлади”. (Н. Чернишевский)

* * *

“Энг қудратли ҳирс – шухратпарастликдир. Мени шу ҳирсдан халос қилсангиз, менинг ўзим бошқа ҳирслардан қутула оламан”. (Р. Шеридан)

* * *

“Нуқсонсиз одам эмас, балки фазилатга эга бўлган одам ҳурматлидир”. (В. Ключевский)

* * *

“Ўз-ўзига маҳлиёлик ва димоғдорлик ўз қадрини билиш туйғуси эмас”. (Ф. Достоевский)

* * *

“Ортиқча ғурур – пасткаш қалб ниқоби”.

* * *

“Иззат-нафси йўқ киши ночор одамдир. Иззат-нафс ерни жойидан силжитиши мумкин бўлган Архимед дастагидир”.

* * *

404
“Шахсиятпарастлик ўз-ўзини нобуд этишдир. Шахсиятпараст одам тиккайган мевасиз дарахт мисол қуриб боради; бироқ иззат-нафс мукамаллик сари фаол интилишда қудратли куч манбаидир”.

* * *

“Худбин инсон ёлғиз қолган мевасиз дарахт каби қуриб кетади”. (И. Тургенев)

* * *

“Ҳақиқатни ҳасад ва манманликка қурбон этувчиларнинг аҳволига вой! Улар учун олдинда шуъла йўқ, порлоқ келажак умиди уларга ҳарорат бахш этмайди ва илҳомлантирмайди, порлоқ келажак – уларнинг фош бўлиши ва шармандаси чиқишидан иборат”. (Н. Некрасов)

* * *

“Инсон ҳаётини жирканч аҳволга солиб юборишнинг йўли кўп, аммо энг ашаддийси, инсонни фақат ўзини ўйлаш, ўз шахсига сиғиниш, ўзида маънавиятнинг ҳар қандай тўлқинини барбод этиш ва ўзининг сирли ҳаётини қорин ғамида юрилган барча вақт давомида бенаф бир кун ўтказиш даражасига тушириб қўйилганига уни мажбуран кўндиришдан иборатдир”.

(М. Салтиков-Шчедрин)

“Куруқ ва бўш одам ўзининг йўқ фазилатлари ҳақида яхши гап эшитса, шухратпарастлиги тутиб талтайиб кетади, мақтаниб, ўз иши ва ўз шахсига нисбатан зиғирдаккина танқидий қарай олиш лаёқатини ҳам йўқотиб қўяди”. (Д. Писарев)

“Кишилар ўзгаларнинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилмасалар, инсонпарварлик туйғуси ҳақоратланади, одам ўз қадрига етмаса, инсонпарварлик туйғуси яна баттарроқ ҳақоратланади ва азият чекади”.

“Безбет мақтанчоқ жирканчлидир; бироқ қандайдир кучга инонмайдиган, қандайдир фазилатга эга бўлмаган киши жирканчликда ундан қолишмайди”. (В. Белинский)

“Энг ёмони – боши айланиб қолган аҳмоқ”. (Ж. Голсуорси)

“Ўзига бино қўйган одам жамият кўксига қотиб қолган шишдир”.

“Ҳамманинг эътиборига тушишга интилиш – ўша одамнинг ўзига зиён, чунки ҳеч бир нарса юракни кишиларга ёқаман, деб уринишдек барбод этмайди”.

“Маънавий мажруҳлик кўпинча ва ғоят моҳирона бир тарзда ташқи ёқимтойлик билан пардаланади”. (М. Горкий)

“Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва ташвишдан иборатлигини тушунган одам калтафаҳмлиқдан қутулган бўлади”. (А. Блок)

“Тор манфаатпараст одам чала, ўз қобигидан чиқмаган, ўзини ҳеч нарсага ва ҳеч кимга жавобгар деб ҳисоблайдиган одамдир”. (М. Нин)

“Ўзи учун ўзича яшаш” – ҳаёт эмас, ғурбатнинг ўзидир”.
(И. Гончаров)

“Мавжуд ва рухий олам орасидаги номутаносиблик катталашиб кетган тақдирда биз ўйлаб кўришимиз ва ўз-ўзимиздан: “Айрим нарсаларда ҳатто ўзингга иқроор бўлишдан уялсанг, қандай одам бўлдинг?” – деб сўрашимиз лозим”. (Н. Островский)

“Такаббурлик ўзи ҳақида баланд ўйлаб, ўзгаларга эса паст назар билан қарашдан келиб чиқади”.

“Ўзини қадрлаганга ҳаммавақт ишонадилару мақтаганга эса асло”.

“Ўзини етарли ҳурмат қилмасликдан ҳам ўзига бино қўйгандагидек нуқсонлар келиб чиқади”.

“Ҳақиқий фазилат дарёга ўхшайди, қанчалик чуқур бўлса, шунчалик шовқинсиз оқади”. (М. Монтен)

“Одамлар ҳаммавақт ҳам ўзлари кўрингандек бўлавермайдилар”. (Г. Лессинг)

“Ўз хислатларини кўп гапирадиган одам кўпинча яхши одам бўлиб чиқмайди”. (Ж. Неру)

“Маҳмаданалик ва гап сотишдан ҳам ёмонроқ бирон нарса бўлиши мумкинми?”.

“Ўз-ўзини мақташдан ва ўз-ўзидан мамнунликдан ҳам кўра ёмонроқ нарса йўқ. Иллатларни қадам-бақадам қидириб топиб ва уларни бартараф қилиб борсанггина илгарига қараб боришинг мумкин”. (К. Либкнехт)

“Ўз яхшиликлари билан мақтанган одамдан кўрқавер”.
(М. Эбнер-Эшенбах)

“Ўзи ҳақида кўп гапиришдан ҳам хунуқроқ иш йўқ”.
(Ж. Леонарди)

“Мен аслида бошқачаман, деб доно кишиларни ишонтири-
шингдан кўра, чиндан ҳам ўзинг истаганингдек бўлишинг кўп
жихатдан осонроқдир”.

“Ғурур – олижаноб ҳиссиёт – у шахсий камчиликлардан кўз
юммайди. Димоғдорлик эса бунинг акси”.

“Одам истаса, камтар бўлиб кўрина олиши эскидан бор гап;
аммо камтар одам ҳаёсиз бўлиб кўрина олмайди”.

(Г. Лихтенберг)

“Заруратсиз ўзинг ҳақида бир оғиз ҳам гапирма. Аввал қил-
ган, ҳозир қилаётган ва кейин қиладиган ишларинг хусусида ҳам
сира мақтанма”. (К. Ушинский)

“Агар ўзингизга душман орттиришни истамасангиз, одам-
лардан устунлигингизни сездирманг”. (А. Шопенгауэр)

“Ўз фазилатларимиз тўғрисида қанча кўп гапирсак, унга шун-
ча кам ишонадилар”. (П. Бошен)

“Кўп билиб, ўзини билимдон қилиб кўрсатмаслик – ахлоқий
баландликдир. Кам билиб, ўзини билимдон кўрсатиш – касал-
ликдир. Шу касалликни билиб олганимиздан сўнг, биз ундан қу-
тула оламиз”. (Лао-Цзэн)

“Кишида унга хушомад қилувчиларга нисбатан димоғдорлик
билан, унинг олдида тиз чўкмайдиганларга нисбатан ҳурмат би-
лан муносабатда бўлиш табиати мавжуддир”. (Фукидид)

“Камтарлик – кишига зеби-зийнатдир. Соддалик – тарбияда,
ўзини тута билишда, кишиларга ҳурматда бўлишда, покизалик-
да, қаноатда ўзини кўрсатадиган баланд ахлоқий маданиятдир”.

(П. Филонович)

“Буюклик – содалик, ҳаққонийлик, камтарлик билан маҳкам боғланган. У димоғдорлик, манманлик, шухратпарастлик билан сиғишолмайди... Буюк кишига ўзини айириб туриш, шухратини авжига чиқаришга эҳтиёж йўқ”.

(Я. Блудов)

“Кишига қанча ақл етишмаса, унда шунча такаббурлик бор”.

“Ўзига маҳлиё одам ўз хислатини шу қадар катталаштириб кўрадики, унинг олдида заррабин ҳам ҳеч гап эмас”.

“Камтарликнинг етишмаслиги – ақлнинг етишмаслигидандир”. (А. Пон)

“Ожизликдан келиб чиқадиган камтарлик фазилат эмас”.

(Абай)

“Камтарликни таҳқирлатиш даражасига тушириб юборишдан асранмоқ керак”. (А. Бакихонов)

“Агар одам бор қалби билан буюклик ва адолатга интилса, унинг учун катта ёки кичик иш йўқ, зеро, бу ҳолда ҳамма ишлар буюк салмоқ ва натижа касб этади”. (К. Паустовский)

“Ўзини алоҳида қўймай, ҳамма одамлар қаторида бўлиш тенгсиз бахтдир”. (М. Пришвин)

“Асл қиёфангни кўрсатишдан қўрқиниш, демак, ўзингдан нафратланишингни билдиради. Мослашиб олиш ва пинҳон тутиш санъати кўп ҳолларда ўз камчиликларини индамай туриб тан олишдан бошқа нарса эмас”. (Ж. Массийон)

“Ўзини арзимаган нарса учун улуғлайдиган киши бошқаларни сира ҳурмат қилолмайди, ҳар иккала ҳолда ҳам у қабиҳ фикрларини намоён этади”. (Н. Новиков)

“Ўз-ўзини ҳурмат қилмасдан туриб, софлик ва шахсинг маънавий бойлиги камол топмайди. Ўзини иззатлаш, ор-номус, ғурур, ўз кадр-қимматини билиш туйғуси – туйғуларни янада нафис қилиб қайрайдиган қайроқтошдир”.

“Ўз иззат-нафсини билмасдан туриб, маънавий бойликка етишишни тасаввур қилиш қийин”.

“Эркак кишининг шаъни хусусан, шундан иборатки, у текин-хўр, ҳаромтомоқ бўлмаслиги керак”. (В. Сухомлинский)

“Сендан ҳеч қандай мурувват кўрмаган кишининггина мақтови энг дуруст мақтовдир”. (Абул Фароҳ)

“Агар мақтовни ноўрин деб топсанг, билгинки, бу хушомад”.
(Демкорит)

“Кимки сени мақтаса, ўзингни текшириб кўр: ростми шу?”.
(Катон)

“Ўзимизда етишмайдиган фазилатларга тааллуқли мақтовлар доимо бизга ёқади. Аҳмоққа ақллисан, алдоқчига дунёдаги энг ростгўй одамсан, деб кўринг, у дарҳол сизга қучоқ очади”.
(Г. Филдинг)

“Биз ҳалол мақтовларни эътиборсиз қабул этамиз-да, қилмаган ишларимизни мақтаганларида эса буни ўзимиз билиб турсак ҳам миннатдор бўлиб тинглаймиз”. (О. Голдсмит)

“Айрим ҳолларда бизга ғирт ёлғонлигини билиб турганимиз мақтовлар ҳам ёқаверади”. (Л. Вовенарг)

“Ғанимнинг ёлғонига, лаганбардорнинг ширин суханига учма; биринчиси айёрлик тўрини ташлаган, иккинчиси эса ёвуз жиғилдонини очиб турибди”.

“Хушомадгўй ким? Бу дарров йўл топадиган танти ақл эгаси бўлиб, сал кўзингиз тушиши биланоқ етти букилиб кулимсирайди, ҳар бир сўзингизни энтикиб қарши олади ва нима қилсангиз, ҳаммасини кўр-кўрона олқишлайди”.

“Хушомадгўй шунинг учун хушомад қиладики, у ўзи ҳақида ҳам, ўзгалар ҳақида ҳам яхши фикрда бўлмайди”. (Ж. Лабрюйер)

“Буюк кишилар ҳеч қачон хушомад қилмайди, хушомад – майда одамларнинг иши, улар ўзлари ҳавас қилган атоқли шахсларнинг ҳаётий муҳитига кириб олиш учун яна ҳам майдалашишга тайёр кимсалардир”. (О. Балзак)

“Фақат пасткаш одамгина олдинда мақтаб, орқангда ғийбат қилади”.

“Хушомад расмдаги аслаҳа-яроққа ўхшайди: кўзингни қувонтиргани билан ҳеч бир нафи йўқ”. (Пифагор)

“Иллат ва нуқсонларингни кўра-била туриб, уларни оқлайдиган ва ҳатто маъқуллайдиганларга яқин йўлама. Бундай кишилар ё лаганбардор ё кўрқоқ ёки аҳмоқдирлар. Ҳар қандай бахтсизлик ёки кулфатда улардан ёрдам кутма”. (Г. Скворода)

“Хушомадни тентакларнинг озиғи, деб айтишади, лекин шунга қарамай, қанчадан-қанча доно кишилар ҳам маълум вақт давомида шу озиқдан озгина бўлса-да, тотиб қолишга уринадилар”. (Ж. Свифт)

“Биз ҳуқуқларимиз тўғрисида гапирган одамларни мамнуният билан эшитамиз-у, аммо бурч-мажбуриятларимизни эслатганларни эса унча хуш кўрмаймиз”. (Э. Борк)

“Бўйсунгандек кўриниб, кейин ҳукмрон бўлиш учунгина хушомад қиладилар”. (Н. Чернишевский)

“Дунёда минг бора аён ҳақиқат: хушомад – хунук ҳол; лекин... қалбга йўлни қандай топаркин”. (И. Крилов)

“Нифоқ” деб кишининг олдида бир хил, орқасидан бошқа хил сўзланадургон сўзни айтилуру. Мундай сўзларни сўзловчи икки юзлама кишиларни “мунофиқ” дейилур. Баъзи ҳийлакор, кўрнамак, ёлғончи мунофиқлар бўлурки, манфаати шахсиялари учун сизни қурбон қилур. Ош ва нонингизни емак учун олдингизда изҳори дўстлик ва миннатдорлик қилуб, орқангиздан сирру асрорингизни душманларингизга элтуб, ғийбат ва шикоятингизни қилуб, алардан ҳам ўз нафсига бир ҳисса чиқарур. Мундай мунофиқлар дўстлик ва иттифоқнинг душмани ўлдиғиндан дунёда иззат, охиратда роҳат юзини кўрмаслар. Ҳар вақт инсонлар орасида тўғри сўзлик, оқ кўнгиллик яхши кишилар ўлдиғи каби мунофиқ, икки юзлик кишиларнинг бўлиши табиийдур. Шунинг учун ҳар ҳолда ақл ва тажриба соясида эҳтиёт узра ҳаракат қилмак, оқ ила қорани, яхши ила ёмонни, дўст ила душманни аюрмак, қалби пок, хулқи тоза, ахлоқи яхши кишилар ила ҳамнишин бўлмак, икки юзлама, ахлоқсиз, ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайдургон мунофиқлардан ҳазар қилмак ва жирканмак лозимдур.

Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Бир одам икки юзлик бўлса, қиёмат кунда тили ўтдан бўлур”, яна: “Қайси киши мусулмонлар орасига жудолиғ солса, биздан эмасдур”, – демишлар.

*Мунофиқ ёд ўлунса исми покинг,
Жаҳон бўлгай жаҳими ҳавлнокинг.
Ҳаётинг ранжишу кулфатда барбод,
Тузалмас то қиёмат бағри чокинг.
Кезарсан дарбадар ғурбат чекиб зор,
Белинга етмагай асло этокинг”. (Абдулла Авлоний)*

Дониш аҳли меросидан:

“Эй одам! Сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш, барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан ўзингни кўрсатишга уринма. Чунки бундай қилиш ясама обрў талаб қилишдир. Ўтаётган умрингдан беҳабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб киши ўзидан огоҳ бўлиши учундир. Уни ейиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!”

* * *

“Дунёнинг ишлари шунақа ажабтовур: кишини яхшилиги учун мақтаб, кўкларга кўтарадиган, кибр балосига гирифтор қиладиган ҳам жамоа, шу хасталиги учун ундан юз ўгирадиган ҳам шу жамоанинг ўзи”.

* * *

“Одамлар орасида “шуҳратпарастлик” деган иллат бор. Бундайлар шуҳрат учун югураётиб йиқиладилар. Йиқила-йиқила бир амаллаб ниятларига етганлари эса шуҳрат йўлида маънавиётларини ўлдирадилар”.

* * *

Масал:

Тулки билан маймун ҳамроҳ эдилар. Йўлда бир-бирларига мақтаниб бораверишди. Тулки ўзини гоёта кибор оилага мансублигини ва ҳайвонлар ичида энг олийнасаб ҳисобланишини айтди. Буни эшитган маймун: “Биродар, менинг қанчалик олийнасаб эканлигимни фақат Аллоҳ таоло ва ўзим биламан”, деди. Шу орада қабристонга яқинлашдилар. Маймун чаққонлик билан сакраб, дабдаба билан безатилган бир қабртош ёнига ўтди-ю, хўнграб йиғлай бошлади. Тулки: “Нега йиғлаяпсан?” деб ажабланди. “Мен йиғламай ким йиғласин? – деди маймун. – Шу қабрда ётган киши отамнинг саройидаги энг содиқ хизматкор эди”. Бу гапни эшитган тулки кулди: “Эй оғайни! Оғзингга сикқанича ёлғонни тўқийвер. Бу ердагиларнинг биронтаси туриб, ёлғонингни ошкор қилолмайди, шундайми?”

Қиссадан ҳисса: бу дунёда маймун билан тулки сингари ўзларини мақташ билан шуҳрат топишга интилувчи қанчадан қанча ёлғончилар бор. Ҳақиқий инсон аввало мақтанишга, қолаверса ёлғон шуҳратга эҳтиёж сезмайди. Чунки олтинни кўрган киши унинг олтин эканини дарҳол билади. Фақат, мис бўла туриб, олтиндай кўринишни хоҳлаганлар маймун билан тулки каби мақтанчоқлик қиладилар.

* * *

Ҳикмат:

Бир ҳамёнда олтин, кумуш ва мис тангалар бор эди. Улар доимо шовқин қилишиб: “Олтин нима бўлибди-ки, исми жуда машҳурдир? Ҳақиқатда эса биз ундан аълороқмиз”, деб, ўзларини олтиндан устун кўйишарди. Олтин эса уларга жавоб бермасдан, сукут сақларди. Кумуш тангалар бу ҳолга чидай олмай

олтинга: “Мақтанчоқ мис тангаларга муносиб жавоб берсангиз-чи!” дейишди. Шунда олтин деди: “Эй дўстлар, ғамгин бўлманг, эртага соҳибимиз бозорда ҳамёнини очганда ҳар кимнинг қадр-қиймати намоён бўлади”.

Қиссадан ҳисса: ўз қадрини билмаганлар ўзларини мақтаб тасалли топадилар. Ўзига ишончи бўлганлар эса сукут сақлайдилар. Уларнинг бу сукутлари қадр-қийматларига бўлган ишонч туфайлидир. Мис бўлганлар эса сарроф бўлмаганларнинг ёнида ўзларининг олтиндан юқори эканликларини айтиб мақтаниб юрадилар.

“Олтин бўлсанг сени ҳеч ким мис қилолмайди. Душманинг сени ёмонласа ҳам маъюс бўлма. Олтинни таҳқирлаш учун ахлатга ташласалар-да, унинг қиймати асло пасаймайди. Олтин олтинлигича қолаверади. Чанг осмонга чиқса ҳам, унинг қиймати ҳеч қачон ошмайди. У чанглигича қолаверади. Кибрланиб мақтанишдан лаззатланганлар шароб ичган сархуш каби ўзларини маҳв этадилар. Инсон ё кўрингани каби бўлади ё бўлгани каби кўринади”.

“Шараф қидирсанг уни бойликдан излама, иймондан қидир”.

“Шуҳрат инсон учун энг катта нафсоний орзудир. Кимсанинг орзуси баъзан ақлидан зўр келади. Шуҳрат савдосига тушган киши жуда кўп зулмларга қўл уради-ю, лекин ўзи бунинг фарқи-га бормайди. Бу орқали ўзини пастга уриб, золимлар сафига қўшилиб қолади”.

“Ақлли одамлар бошларига шуҳрат тожи кийдирилаётганини сезсалар эҳтиёт чораларини кўра бошлайдилар”.

“Тоғ йўлида чоррахалар кўп бўлади. Ҳар бир чорраҳада шуҳрат саройи жилваланиб кўринади, ўзига тортади. Юқорига эмас, ўнг ёки чапда кўринган ўша шуҳрат саройига кирилса, тамом, киши комиллик йўлидан узилади. Бу саройнинг ёқимли ва роҳатбахш тўшакларидан, дастурхонидан қутулиб чиқиб яна юқорилаш қийин, жуда қийин!”

Подшоҳ жума намозини ўқиш учун саройдан чиқар экан, бир жарчи: “Подшоҳим, кўп яшанг, бахтингиз кулсин”, деб халқнинг

дуолари ва муҳаббатларини изҳор қилар экан. Подшоҳ масжид-га халқнинг олқишлари ичида, икки қатор кўриқчилари орасидан ўтиб кирарди. Подшоҳ нафсоний туйғуларга, халқнинг илтифот ва олқишларига учмаслиги учун яна бир жарчи унинг ёнида юриб, “Мағрур бўлманг, подшоҳим, сиздан буюк Аллоҳ бор!” деб такрорлаб турар экан.

* * *

“Шухрат юки оғир бўлади. Кўпчилик кўтара олмайди. Кўтара олмаслигининг сабаби – ҳаётининг кучини шухратни қўлга киритиш учун сарфлаб адо қилиб қўяди. Бозордан сотиб олинган қўй қўлдан чиқиб, қочиб кетса, янги эгаси қувлайди. Қўйни ушлашга-ушлайди-ю, аммо югура-югура ҳолдан тояди. Киши шухратни қуваётганида шухрат шайтони унинг гарданига ўтириб олган бўлади”.

* * *

“Камтарга насиб этган шухрат унинг фазилатини янада гўзаллаштиради. Шухрат бундай одам ортидан худди соя каби эргашиб юради. Агар шухрат олдинга ўтиб олса-ю кимса уни қувлашга тушса, оқибатда, ё бузуқлик ботқоғига ботади ё кибр тўрига ўралиб бўғилади. Шу кимсани кеча эъзозлаган жамоа бугун лаънатлайди. У қувиб етган, эга бўлдим, деган шухрат ўзидан аввалроқ ўлади. Шухратга бўйин бермаган, унинг жилваларига маҳлиё бўлмаган кишилар эса эл наздида табаррук инсон мартабасига кўтариладилар. Оқибат шундай бўладики, бу одамнинг ўзи вафот этади, шухрат эса яшаб қолаверади”.

* * *

“Яхши ном олиб ўлган киши ёмон ном олиб тирик юрган кишидан афзалдир. Улуғликка эришиш ғоят қийин, бироқ, пасткашликка тушиш жуда осондир”.

* * *

“Куни мактовчилар даврасида ўтган одам сохта шухрат топади, донишмандлар даврасидан жой олгани эса яхши номга сазовор бўлади. Биринчиси тез гуркураб ўса бошлаган, лекин илдизи тошга тегиб қурий бошлаган ниҳол тақдирини эслатади. Иккинчиси эса узоқ йиллар давомида ширин-ширин мевалар билан кишилар дилига роҳат берувчи дарахт кабидир”.

* * *

“Муфтийлик вазифасини зиммангизга олинг”, деб азизлардан бирига мурожаат этдилар. Ҳазрат бу таклиф учун раҳмат айтиб, дедиларки:

– Сиз менга ниҳоятда улуғ мартабани таклиф этияпсиз, мен бунга лойиқ ҳам, тайёр ҳам эмасман.

Шундай деб бир гала қушларга яқинлашдилар. Қушлар хуркиб, учиб кетишди.

– Ана, кўрдингларми, ҳатто қушларнинг менга ишончлари йўқ. Менга муҳлат беринглар, – дедилар ҳазрат.

Муҳлат берилди. Муддат етгач, яна таклифни такрорладилар. Ҳазрат яна қушлар галасига яқинлашдилар. Қушлар бу сафар чўчишмади, аммо қўлларига олмоқчи бўлганларида учиб кетишди.

Яна муҳлат сўрадилар ва ўзларини яна тақво йўлида тарбия қилавердилар. Таклиф учинчи сафар айтилганда, қушлар хуркишмади, қўл чўзсалар, кафтларига қўнишди...

“Ҳамонки осмонга учишни ният қилаётган экансиз, қўниш машаққатини ҳам унутманг. Оғир тош ердан минг азоб билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб, мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек бир ҳолдир”.

Бедовга миндингми тушасан шундай,
Эл билан бир бўлсин кечанг ҳам кундай.
Амалга миндингми чиқма осмонга,
Осмондан тушгунча бўласан қумдай.

“Такаббурликдан илондан қочгандек қоч, сенга яқинлашган куни сени чақади. Киборлар билан дўст бўламан, дема. Киборларнинг ҳар қайсисида ўлдирувчи заҳар бор. Кибрли одам сўқир каби гапиради ва кўрларча ўлади. Бирор кишини паст кўриб, ёнингдан кувма, қувган одамнинг ёмон сўз билан ўлдирган бўласан”.

“Камтарлик – кишига зебу зийнатдир. Кимки соддаликда, ўзини тута билишда, кишиларга ҳурмат ва иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқийлик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозуъ қилади. Мартабаси баланд бўлишини тилаганнинг йўли бир – камтаринликдир. Барчани ўз химматидан баҳраманд эта олиши шарт. Билсинки, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмонга бўй чўзади”.

* * *

“Кимгаки Аллоҳ таоло яхши номни, шухратни, шону шарафни берибди, шукр қилган ҳолда, бу неъматни бир имтиҳон сифатида қабул қилса адашмайди. Бу имтиҳон денгизидан тавозуъ (камтарлик) кемасида сузиб ўтиб, муродга етмоқлик мумкин. Зеро, дейдилар:

Кимки покдир, кимки камтардир азал,
Умр маҳзанига шоҳ эрур ўшал”.

* * *

Ҳикоят:

Кунлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди:

– Денгиз мен билан ҳаёт, Ўзим чиройлиман, қора қошга ўхшайман. Гўзаллар ёноғидаги хол ҳам мен каби қора. Кўзларнинг қорачиғи эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман, яшил либосларига қора нуқта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир!

Шу пайт уларнинг олдига сузиб келган балиқ тошнинг барча даъволарини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди, ҳасрат тиконига оёғи қадалиб деди:

– Эй гавҳар, шунчалик қадру қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

– Эй балиқ, қўявер, ҳақимлар сўзини эшитмаганмисан, улар бундай дейишади:

Бор эканки қуёш нури оламда,
Қуёшга мақтовдир, у нур ҳар дамда.
Кимки ёмон деса қуёшни агар,
Ўзи ўзи учун ёмонлик тилар.

Агар бу қора юзли худбинлик лофини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мақтанмасам ҳам, барча менинг яхши-лигимни билади. Нуқта агар қуёшга доғ бўламан, деса ўзини саргардон қилади, қатра агар дарёга тенг келаман деса, бу унинг нодонлигидандир. Бир улуғ кишидан: “Одам қачон ёмон бўла бошлайди?” деб сўрадилар. У: “Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда”, деб жавоб берди.

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи ғаввос тушиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб, юқорига кўтарилди. Оқ-қорани яхши ажрата олувчи саррофлар дурдона гавҳарни эҳтиётлаб ўраб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

- Эй тош, қани боягина ураётган лоф-қофинг?

- Гавҳари пок билан ифлос хок қачон тенг бўлсин! – деди тош афсус билан.

“Камтарлик” сўзи қадим адабиётимизда бу фазилат “тавозуъ” шаклида қўлланилган (бугунги имлода “тавозу” ёки “тавозе” деб олинган бўлса-да, биз аслидай ёзишни маъқул кўрганимизни аввалроқ баён қилиб эдик) Тавозуъ – ўзни паст тутиш, хоксорлик, демак. Шижоатга хос хислатлардан бўлиб, ўзгаларга, айниқса, мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ деб ҳисобламасликдир”.

“Муомалада ўзни кичик олиш бўлган тавозуъ – камтаринликнинг зидди “такаббур”дир. Бу ўзни катта олиш, ўзни улуғ ҳисоблашдир. Тавозуъли кишини “мутавозиъ”, такаббурни эса “мутакаббир” дейдилар. Жонли тилимизда бугун кўпроқ “такаббур” қўлланилади. Ҳолбуки, бу икки атамада озгина фарқ бор. “Такаббур” – ўзни катта **тушуниш**, “мутакаббир” эса ўзини **катта тутувчи киши** маъносида. Масалан, “такаббур” – ёмон иллат, “мутакаббир” – ёмон одам. Тавозуънинг офати айнан шу – кибр. Инсон тавозуъдан узоқлашгани сари шу офат уни ўз бағрига чорлайди. “Модомики, банда “анави кишининг ахлоқи меникидан ёмонроқ”, деган гумонда бўлар экан, у мутакаббирдир”, дейдилар Абу Язид. У ҳазратдан “Банда қачон тавозуъли бўлади?” деб сўрашди. “Қачонки у нафси учун алоҳида даража ва ҳолни талаб этмаса. Ҳар бир инсоннинг тавозуъси ўзини ва буюк Раббини қанчалик танишига қараб белгиланади”, деб жавоб бердилар”.

“Ривоят қиладиларки, Савр юлдузининг ўн бешинчи Нисонида ёмғир ёғади. Ўша ёққан ёмғир Форс денгизи билан Рум денгизи тубига бориб, садаф оғзига тушса, инжу бўлур. Айтурки: “Ё Раббим, мен – қулинг, заифларнинг заифиман. Шундай денгиз ичида мен нима қилайин?” Ана шундай тавозуълари учун Аллоҳ таоло унга подшоҳларнинг тожидан жой берди. Шунга ўхшаб, бирор киши ўзини кам кўриб турар бўлса, Аллоҳ таоло уни азиз қилиб, одамлардан устун қўяди”.

Сой қирғоғида тик ўсаётган қамиш олтин буғдойзорга қараб, гап қотди:

– Хой, бошоқ, ўзинг тилладек ялтироқсан-у, нега ҳамиша бош эгиб турасан?

– Хизматдаман, – деди олтин бошоқ. – Бошимда эл ризқи бор.

Одамлар келиб, бошоқдаги буғдойдан нон ёпиб, кўзларига суртдилар. Қаққайган қамишни эса кесиб, янчиб, оёқ остига бўйра ясадилар.

Димоғингни кўтарма, бўлмаин десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди...”

* * *

“Кимки ўз нафсини бирор қийматга эга, деб ҳисоблар экан, демак, у тавозуъдан бенасибдир. Барча тавозуъли бўлса, нақадар яхши! Агар бой тавозуъли бўлса янада аъло! Барча мутакаб - бир бўлса, нақадар ёмон. Агар қашшоқ кибр қилса, ундан ҳам ёмон...”

* * *

“Хоксорлик фозил кишилар хислати ва камтарлик доно кишилар фазилатидир. Тупроқда шундай хислат бор: унга дон ташласалар бошоқ беради. Бошоқлар йиғилиб, хирмон ҳосил бўлади.

Эй азиз, сен тупроқ бўлки, токи сендан гул униб чиқсин!”

* * *

Аҳли донишдан ҳикоя: Қайси бир замонда чўпонни подшоҳ ҳузурига чорлабди. Чўпон қараса, подшоҳ тахтда, бошқалар эса пастда ўтиришибди.

– Ассалому алайкум, э Худо! – дебди чўпон.

– Мен Худо эмасман, – деб ажабланибди подшоҳ.

– Э Жаброил! – дебди чўпон.

– Мен Жаброил ҳам эмасман, – дебди подшоҳ.

– Аллоҳ бўлмасанг, Жаброил бўлмасанг, нега юқорида ёлғиз ўзинг ўтирибсан? Одам бўлсанг, сен ҳам пастга тушиб, одам қаторида ўтиргин-да...

* * *

“Камтарлик билан умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради. Ҳар ишнинг ўз натижаси мавжуд: мулойимлик – улуғ мартаба, қаноат – роҳат бахш этгани каби, тавозуъ кишига эъзоз келтиради. Яхшилик ва камтарлик – шу икки фазилатдан киши ҳеч чарчамаслиги керак. Камтарликдан лаззат ололган киши ҳақиқий камтардир”.

“Қўлга кирган муваффақиятдан ғурурланиб кетиб, кўз ти-ниши май кайфидан қўрқинчлироқдир. Чунки ароқ кайфи бир ухлаб турилса, тарқайди. Кайфдаги айби учун одам изза чекади. Мағрурлик кайфининг тарқаши эса қийин. У оқибат бошга бало ёғдириши мумкин”.

Ўзининг насл-насаби билан мақтаниб, кеккайиб юрган мута-каббир бир киши адиблардан Ахнаф ибн Қайсга дедик: “Сенинг насл-насабинг улуғ бўлмаса, юзинг чиройли бўлмаса ҳам юқори даражадаги ҳурмат ва эътиборга эгасан. Бунинг сабаби нима?” Унга жавобан адиб деди:

– Менинг қадр-қимматим ва шарофатимга сабабчи бўл-ган нарса сендаги ярамас ахлоқнинг мен йўқлигидир. Сенинг ахлоқинг қандай экани менга сўзлаган сўзларингдан маълум бў-либ турибди.

Масал:

Якан деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи отарчилар пулни “якан” дейишади. Аслида эса якан — қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қуритиб узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

– Ў, биродар, ҳадеб ғўдаяверма, салгина эгил. Аллоҳ таоло-нинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, – дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурни-ни жийириб қўя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар. Тасодифни қарангки, шу уй тўсин-ларига узумларни осибдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозикларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлаве-риб хорланган қамиш охири яканга қараб зорланибди:

– Мени ўриб олиб қуритдилар, тепкилаб, қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга бўқдилар. Сўнг, қайириб, букиб мана шу бўйра холига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни теп-килайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, остимга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшитиб якан дебдиким:

– Сиз бекорга ғўдайдингиз. Ғўдайиб ўсавердингиз. Ичингиз говак эканини эса унутдингиз. Ғовак бўлганингиз учун ҳам теп-

килашдан бўлак нарсага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдизингиз қолган. Сиз ўсажак қамишларга етказинг, сизнинг ҳолингизга тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин барибир унинг башарасига лой чапланади...

“Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат кишининг илми, зийраклиги каби ақлий қуввати ва жисмоний қуввати, жамиятда тутган ўрни, обрўйи, хуллас, барча сифат ва фазилатларини кўзгу каби кўрсатиб туради.

Ғурур ва такаббурлик ўз даражасини билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутакаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутакаббир киши тоқатидан ортиқ юришга ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси билиб, англаган, йўл юргани учун мақсадига эришади. Иккинчиси юрган йўлини билмай кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзусига етмайди”.

“Зинҳор мағрур ва мутакаббир бўлма, саъй-ҳаракатларинг шамолга учмасин, ҳар вақт сўзларингни ўйлаб сўзла, бир ишга киришишдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанми ё йўқми? Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғрингда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Бошқалар сенинг тўғрингда қандай фикрда эканликларини ўрган, шуни ўрганиб, ўзинг ҳақингдаги ҳар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен – ўшасан. Ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор аччиғланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясида хатоларингни тузатасан, бундан кейин қилинадиган ишингни хатога йўл қўймаслик учун ғайрат қиласан, ўз даражангни билиб ишлайсан.”

Бир куни дарахт билан унинг сояси ўртасида баҳс бошланди. Дарахт соясига деди:

– Эй қора юзли соя, жигар бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Шундай экан, такаббурлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

– Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, ҳушингни йиғ ва мендан юз ўтира кўрма. Ҳовлиқиб, бўйнингни чўзмагин-

ки, уни узиб олмасинлар. Мен доимо хоксор бўлиб, ерга ястанганим учун кун тиғидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан баҳраманд бўлади. Беқарорлигиндан гоҳ яланғоч бўлиб олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Бу гаплар дарахтга малол келиб бундай деди:

– Эй соя, ҳаддингдан ошма, паст ҳиммат кишилар каби лофқоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади. Шиша тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Бу баҳсни эшитиб турган булбул сояга хитоб қилди:

– Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига болта урса, ўзи қулайди. Сенинг ҳаётинг дарахтга боғлиқ...

Масал:

Бир куни тароқ билан кўзгу ўзаро баҳслашиб қолдилар. Тароқ таъна учун оғиз очиб, деди:

– Эй такаббурлик манбаи, эй ҳар ерда санқиб юрувчи пасткаш тошдил, мен билан одоб тутиб гаплаш, ўз сириггни ўзинг беҳуда очма. Гарчи сув каби покиза кўринсанг ҳам, аслида бир саробсан! Қаерда бўлмагин, кимки сенга бир бор боқса, ўша билан тил топишиб кетаверасан! Шунинг учун ҳам бир шоир бу байтни сенга атаб тўғри айтган:

Қарагил, бу чинни кўзгу синди,
Хўл бўлди, манманлик асбоби тинди.

Бу гаплардан кўнгли озор чеккан кўзгу тароққа деди:

– Эй тили узун, оғзи сўкилган, эй бағри тилинган қуруқ ёғоч, ҳар кимнинг ишига беҳуда хаёл билан эмас, чуқур тафаккур билан қара! Мен бир парча темиру ойна бўлсам-да, ғоят камтар ва хоксорлигимдан маҳбуб жамолига етдим. Сен эса Заҳҳок каби ёмонлигинг учун бўйнингга иккита қора илон (соч ўрами) ўралиб олган, бахти қаро бўлганинг учун ҳам қора нарса ичида пинҳонсан! Шунинг учун ҳам маҳбубларнинг бошларига чиқиб олсанг ҳам, тўнтарилиб, оғзинг ерга қараб, оёғинг осмонда бўлиб туради. Билгинки, ким нима яхшилик топган бўлса, камтарликдан топган!

“Қалбингда заррача кибринг бўлса, албатта, ҳалокатдасан. Ҳақиқатни кўра олмайдиган кўрсан. Кибрни ташла, ҳақиқатни кўрасан, ҳақиқий саодатга эришасан. Кўкда чакнаган чакмоқ бўлгандан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатган афзалдир”.

Ҳикоят:

“Эй кибр аҳли! Туғилганингиз, нимжон, заиф бўлганингиз, йиғлаган кунларингизни ўйлангиз! “Бугун мен фалончиман, фалон мартаба ёки бойлик эгасиман!” – деб ўзни мағрур тутманг. Эртага белингиз букилади. Бошқаларга муҳтож бўласиз. Сўнг... тупроққа қоришасиз. Буларни ўйлай олсангиз эди, кибрдан тезроқ қутула олармидингиз? Қабристонга бир он ибрат кўзи билан қараб, ўзингизга дарс олинг. Билингки, улар ҳам сиз каби эдилар. Ўйнаб-кулдилар, баъзан йиғладилар. Кимларгадир эгилиб, таъзим қилдилар, кимларнидир менсимадилар. Сўнгра... Кўринг, тупроққа қоришиб ётибдилар. Кибр билан боққан кўзларни лаҳад қуртлари еб адо қилдилар...”

“Эй мағрур инсон, асли ўзинг кимсан? Кучинг нимага етади? Пашшага ҳам кучи етмайдиган қудратли подшоҳ каби эмасмисан? Ўша подшоҳ аҳволдан хабардор эмасмисан? Унда диққат қил:

Подшоҳ масжидга кириб ибодат қила бошлади. Сўнг сидқидилдан ибодатга берилган бир кишини кўрди. Унга ихлоси ортиб, вазирига: “Анави кишига саломимни етказ. Қандай истаги бўлса, айтсин, бажараман”, деди. Вазир Тангри ошиғининг ёнига келиб, унга подшоҳнинг саломини етказди. Тангри ошиғи унга жавобан: “Подшоҳга менинг саломимни айт. Менинг қулга эҳтиёжим йўқ”, деди. Бу гап подшоҳга малол келиб, ғазаблантирди. “Боргин-да: подшоҳ қудратлидир, унинг қўлидан ҳар нарса келадир, деб айт”, - деди. Вазир Тангри ошиғига бу гапни айнан етказди. Тангри ошиғи эса табассум билан вазирга жавоб берди: “Агар подшоҳ чиндан ҳам қудратли бўлсалар, амр этсинларки, мен тинчимни бузаётган анави пашшадан қутулайин. Шу пашша мени ранжитмасин”. Вазир Тангри ошиғининг бу гапини подшоҳига айнан етказди. Бу гапнинг маъносини англаган подшоҳ бошини эгди. Ўтириб йиғлади. Сўнгра: “Тангри ошиғи менга ҳақиқатни англатди. Айни дақиқада қуллимни, ожизлимни билдим”, деди.

“Халққа паст назар билан қараган кимсани энг расво аҳмоқ деб ҳисоблайдилар”.

Масал:

Бир куни қовоқари битта донни минг машаққат билан судраб бораётган чумолини кўриб, ундан кулди:

– Ҳой чумоли, шўргинанг курсин, биттагина донни деб шунча заҳмат чекапсанми? Кел, менинг емишим, ичишимни томоша қилу қойил қол. Қандай лаззатли таом бўлмасин, одамлар менадан ортганини ейишади. Агар қанотимни ёйиб осмону фалакка учсам, истаган жойимга бориб қўнаман. Еганим – олдинда, емаганим – ортимда.

Қовоқари шундай мақтаниб, керилганича учди-да, қассобнинг қанорасига осиглиқ гўштга қўнди. Қассоб қўлидаги пичоқ билан бир урган эди, бечора иккига бўлиниб ерга тушди-ю, тупроққа қорилди. Чумоли келиб қовоқарининг оёғини тортди. Ҳали жони чиқмаган қовоқари: “Мени қаерга судраяпсан?” деб сўради.

– Кимки бирор ерга кибр кўзи билан қўнса, уни ўзи истамаган бошқа ерга судраб кетишади, – деди чумоли.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Пойгакдан жой топилса тўрга ўтма.
- * Амал етди кўрга, югуриб ўтди тўрга.
- * Амал ўздирар, амалга мағрур бўлсанг – тўздирар.
- * Амал етса нодонга, ўзин урар ҳар ёнга.
- * Бақ-бақ этган такани қор босганда кўр,
Манман деган йигитни ёв босганда кўр.
- * Бақироқ сигир сутсиз бўлар.
- * Бор бўлсанг – ошма, йўқ бўлсанг – шошма.
- * Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр.
- * Боққанинг икки эчки, ўшқирганинг ер тебратар.
- * Гавдасига мағрур туя мучалга кирмай қолибди.
- * Гапни катта гапирма, нонни катта тишлама.
- * Давлат битса ёмонга, ўзин санар хоқонга.
- * Дарахт қанча баланд бўлса ҳам, меваси қуйида бўлади.
- * Дўстингга сир айт, манманликдан қайт.
- * Ёмғир ўзин сел санар, кўлмак ўзин – кўл.
- * Ёнида бир пули йўқ туянинг тишини кўрар.
- * Ёғ ёнар пилик баҳона.
- * Жангал ўзини боғ санар.
- * Жом қозоннинг тотти чиқар, мақтанчоқнинг – моти.
- * Ит уясида ўзини йўлбарс санар.
- * Ит қутурса – эгасини қопар, чумчуқ қутурса – бургутга чопар.
- * Иш бошлаганда мақтанма, иш битганда мақтан.
- * Ишни Эшмат қилади, лофни Тошмат уради.
- * Йўқ нарса бор бўлар, камтар бўлсанг,
Бор нарса йўқ бўлар, манман бўлсанг.
- * Камликнинг камоли бор.
- * Камтар бўлдинг – гавҳар бўлдинг.
- * Камтар бўлсанг – ош кўп, манман бўлсанг – тош кўп.
- * Камтар етар муродга, манман қолар уятга.
- * Камтар бўлсанг обрў ортар, манман бўлсанг – энса қотар.
- * Камтар керилмайди, мол-дунёга берилмайди.
- * Камтарга – камол, манманга – завол.
- * Камтарга эгил, манманга керил.
- * Катта есанг ҳам, катта гапирма.
- * Кеккайганга кеккайгин – бошинг кўкка етгунча,
Эгилганга эгилгин – бошинг ерга теккунча.
- * Кеккайиш теракка ярашар.
- * Керилган кўчага сиғмас.

- * Кўкка боққан йиқилар.
- * Мақтанган панд ейди, камтарин – қанд.
- * Мақтанчоқ – қуруқ пўчоқ.
- * От минган отасини танимас, той минган оғасини.
- * Оғзи билан ўроқ ўрган, оёғи билан машоқ терар.
- * Пишиқман деб керилма, содда етар бошинга.
- * Сиз турибсиз тиккайиб, биз турибмиз тиккайиб,
Ерга тушган қамчинни ким олади энкайиб.
- * Товуқнинг учгани томгача.
- * Улуғ бўлсанг кеккайма, ўз элингга чекчайма.
- * Шер қутурса – Ойга сапчир.
- * Шухратпараст эл бўлмас, кўлмак сувдан кўл бўлмас.
- * Эшак мақтаниб тулпор бўлмас, қарға мақтаниб шунқор бўлмас.
- * Эшакка мугуз битса, эгасини сузар.
Туяга қанот битса, томингни бузар.
- * Янтоқ ўзини боғ айлар, аҳмоқ ўзини тоғ айлар.
- * Япалоққуш мақтанса, жардан қуён олдим дер.
Ёмон киши мақтанса, яхшининг яқасидан олдим, дер.
- * Ўзгани бугдой билсанг, ўзингни сомон бил.
- * Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
- * Ўзини мақтаган – ўлимининг қоровули.
- * Ўтмас теша ўткир бўлса, болта дастасини қирқар.
- * Одам бўламан десанг, камтарликни одат қил.
- * Оғир тошни сув элтмас.
- * Янгисин оларсан эскирса рўмол,
Кўйлак янгиланар кетса оҳари.
Аммо обрўни-чи, асра жон мисол,
Обрў сотилмайди, йўқдир бозори.
- * Қуруқ савлатдан қуруқ сават яхши.
- * Ўз афзаллигинг мақтама, ўзгаларнинг нуқсонларин айблама.
- * Шабнамдек мақтаниб, бўлма тутуруқсиз,
Ҳавога учади, бенаф қуруқ сўз.
- * Шармисор қилади кишини доим
Элнинг кўзин бўяб, ўзини мақташ.
- * Ёғоч етмай баъзиларнинг бурнига,
Кеккаяди иш қилишнинг ўрнига.
- * Ҳар ким ҳаддидан ошса, талтайиб кетса, шошса,
Қовоқдай ёрилади, тупроққа қорилади.
- * Нарвонга чиқсанг, шошмай чик, ўз ҳаддингдан ошмай чик.
- * Ҳали хомсан, пишарсан, бу дамнингдан тушарсан.
- * Амалга мағрур бўлсанг, тўздирар.
- * Энг баланд минора ҳам ердан бошланади.

ЯЛҚОВЛИК МЕВАСИ

“Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик”.
(*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Балад сурасидан*)

“Танбаллик, дангасалик қалбни тош қотиради, қаттиқ қилади, қорайтиради”.

“Оламда энг ёмон нарса – бекорчиликдир”.

“Аллоҳ ғайратли инсонни яхши кўради”.

(*Шарафли ҳадислардан*)

“Саъй-ғайратсизлик – умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир. Инсоният саодатидан маҳрум бўлиб маъюсона яшаш – саъй-ғайратсизлик асаридир”.

(*Луқмони ҳаким*)

“Азму шижоат ва сабот инсонларнинг энг катта дастёридир”.

(*Али ибн Абу Толиб*)

“Ялқовлик – танни ишдан чиқаришдир. Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунитиши ўргат”. (*Кайковус*)

“Модомики, беғамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир”. (*Муҳаммад Заҳирий Самарқандий*)

Ҳазрати шайх Аҳмад Мағрибийнинг тўрт ўғиллари бор эди. Тўртговига ҳам ҳунар, касб-кор ўргатдилар ва сўраганларга айтдиларки: “Ҳунарни шунинг учун ўргатдимки, мендан кейин ўзларининг қўллари меҳнати нонини есинлар. Бориб: “Мен фалончининг ўғлиман!” деб сиддиқлар жигарини ёқмасинлар.

Нечукким, Пайғамабаримиз алайҳиссалом марҳамат этганлар: “Кўлнинг меҳнати, пешонанг тери билан егин-у, динингни емагин”. (Бу ерда “динни пулга сотмагин”, деган маъно бор.)

Арасту ҳаким ёшлари етмишга борганда чолғу чалишни ўрганибдилар. Шогирдлари: “Оппоқ сочингиз билан чолғу машқ қилгани уялмайсизми?” дейишса, жавоб қилибдиларки:

– Даврада ўтирган одамлар бу ҳунарни билганлари ҳолда, мен кўзимни мўлтиллашиб ўтирсам, ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму ҳунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига тушунмайди ва фойдасини билмайди.

“Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин. Шон-шавкатга, мартабага меҳнатсиз эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши маълум бир муддат ичида роҳат ва фароғатда яшайди, яхши кийинади. Аммо у улўғлик либосидан маҳрум, яланғоч кимсадир”.

“Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳаммиша шоду хурсандликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёмон кўриладиган нарсалардан тортинади”.

“Кишининг кўнгли чиройли ва тартибли нарсаларга мойил бўлади, тартибсиз нарсалардан эса нафратланади”.

“Ҳаракат бирон эҳтиёж ва зарурат учун содир бўлади: чарчаш заруратдан кейин келади, демак чарчаш ҳаракат натижасидир”.

“Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида”. (Абу Райҳон Беруний)

“Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади”.

(Абу Али ибн Сино)

“Ақл ва тажрибаси ҳали етарли даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб, ҳаддидан ошса, натижада паришон ҳолга тушади”.

Ким машаққат чекди – топди ғазна ҳам,
Ким тиришқоқ бўлди – кўп топди карам. *(Жалолиддин Румий)*

“Шижоат билан хулқланган инсон олийҳиммат, мард, жасур, довюрак, мулоҳазали, нафси синиқ, сабр-тоқатли, ҳалим, босиқ, салобатли, мулойим бўлади. Аммо шижоатнинг ҳаддан ошиши ўзни тута билмаслик, ўйламасдан иш қилиш каби оқибатларга олиб келади. Натижада киши бир нафасда мақтанчоқ, димоғдор, ғазабнок, такаббур, иззатталаб, шухратпарастга айланиб қолади. Шижоат меъёридан кам бўлса, унинг ўрнини хорлик ва хўрлик, доимий безовталиқ, қўрқоқлик, ҳақни бой бериш, майдалашиш эгаллайди”. *(Абу Ҳомид Ғаззолий)*

428
“Одамларнинг ичидаги энг ярамаси хасисдир, уларнинг ичидаги энг ялқови – пасткашидир”.

“Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, у инсон роҳату фароғатга муяссар бўла олмас”.

“От учун ҳар доим қамчи лозимдур. У гарчанд елиб-югурадиган тулпор бўлса ҳам”. *(Абулқосим Замахшарий)*

“Бир куни талабалар билан сайр-ҳаво қилиб юрганимизда, йўлда бир жуфт ҳўкиз қўшилган аравага дуч келдик; арава лойга тикилиб қолган экан. Мен билан бирга кетаётган талабалар ёрдамлашиб, аравани куруқ жойга чиқариб қўйишди. Шантиникетонга келган қандайдир бир киши юк кўтаришга хизматкор топа олмаган экан. Талабаларимиздан бири ўйлаб ўтирмасдан, унинг юкини елкасига олиб, айтган жойига элтиб берди. Талабалар шундай тарбия олган эдилар-ки, бирор жойдан келган одамга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хизматида бўлишни ўз вазифала-

ри деб билардилар. Яқинда улар Шантиникетон йўлини қуришда ишладилар, ҳамма ўнқир-чўнқирларни тўлдириб текисладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар ўзларидаги **ички рағбат** таъсири остида бажардилар. Улар китобга ҳам, адабиётга ҳам қарамасдан, **ҳақиқий маданият нимани талаб қилса**, шуни идрок қилиб олдилар. Бир вақтлар мен бу талабаларнинг барчасини, номларини ҳам яхши билардим. Орадан кўп йиллар ўтди, улар ҳар томонга тарқаб кетишди. Умид қиламанки, улар ҳали ҳам бошқа кишиларга шундай меҳр-муҳаббат билан қараётгандир, **ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар** ва ҳамиша заифларга ёрдам қўлини чўзарлар. Олижаноб кишининг қандай бўлишини билишларига ва олижаноб кишилар қандай бўлса, улар ҳам шундай иш тутишларига ишончим комил”. (Р. Тҳакур)

“Халқ орасида бир ишқмас, танбал киши бор эди. Одамлар унинг беғайратлигидан ҳайрон қолар эдилар. У одамлардан туртки, шапалоқ ер, бунинг эвазига улардан бир бурда нон ёки таом олиб, кун кўрарди. Кишилар уни қувиб юборсалар ҳам у ҳеч қаерга кетмай, ўзининг ёмон қилиқларини тарк этмасди. У тортадиган жафоларига ўзича маълум бир нарх тўғрилаб қўйган ҳам эди. Қайси бир киши уни бир тепса ёки урса, у ўша кишидан бунинг ҳақини талаб қилиб олар, қўлига тушган нарсани дарҳол оғзига солар эди.

Кунлардан бир куни кимдир унинг қўлига озгина нон бериб, эвазига шундай мушт туширдик, натижада танбал ер тишлаб қолди. Гарчанд у шапалоқлар еб, қорнини тўйғазиб юрган бўлса-да, бир мушт билан энди қайта ўрнидан турмайдиган бўлди...”. (“Лисонут-тайр”дан)

“Тажрибасиз киши бирор ишни амалга оширмоқчи бўлганда қийналади, чунки бундай ишни олдин ҳеч кўрмаган бўлади, баъзан инсон айрим ишларда тажрибасиз бўлиши, бошқа бир ишда тажрибали бўлиши мумкин”.

“Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ғайрат мўлжалланган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир”.

“Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришиши учун кўп нарсаларга

мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади”. (Абу Наср Форобий)

“Бир ҳаким ўғилларига бундай панд берур эдики: “Э жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглари, нединки, мулк ва молга эътимод йўқдир. Сийм ва зар хатар маҳаллидадир – ё ўғри барчасини бирдин олур ва ё ҳоким оз-оз олиб йўқ этар. Аммо ҳунар чашмаи равон ва давлати бепоёндулки, агар ҳунарманд одам давлатдин тушса, ҳеч ғам ва алами йўқдур. Нединки, ҳунар унинг зотида улғ давлатдир ва ҳар ергаки борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлисининг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадойлик қилур ва ҳар жойгаки борса, беқадр ва беэътибор бўлур. Байт:

Ота меросини гар истасанг, ўрган ота илмин,
Ки қолган мол отадин саҳл муддатда тамом ўлғай.

(“Гулистон”дан)

“Эроннинг афсонавий подшоҳларидан Гуштасп Румга бориб, Қустантанияда манзил қурганида қўлида ҳеч вақоси йўқ экан. Бировдан бирон нима сўрашга иззат-нафси йўл бермабди. Гўдаклик чоғларида отасининг саройида бир темирчи бўлган экан. Гуштасп ўша темирчининг пичоқ, тиг ва узанги ясашига ҳаваси келиб, ҳар гал унинг олдида борганида темирчининг ҳунарини завқ билан томоша қиларкан. Қустантанияда пулсиз қолганида темирчиларнинг олдида бориб: “Менинг бу ҳунардан хабарим бор”, дебди. Уни мардикор қилиб ёллашибди. Қунига қанча пул тушса, бир қисмини унга беришаркан. Шу тариқа мухтож бўлмай ўз тирикчилигини ўтказибди. Вақтики келиб, ватанига қайтиб, тахтга ўтирганида: “Ҳамма мол-дунёсининг кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, фарзандларига касбу ҳунар ўргатсин, ҳунарли одам ҳеч қачон бировга мухтож бўлмайди”, деб фармони олий берибди. “Ал ҳирфа амон минал фақр”. (Ҳунарли одам фақирликдан ҳоли, омон бўлади).

(“Мулки Ажам тарихи” китобидан)

“Ҳунар эгаларини ҳамиша истеъдодсиз ва бахил одамлар оёқ ости қиладилар, улар олчоқ ва разил одамларнинг нафрат ва ғазабига сабаб бўладилар. Истеъдодсиз, бахил ва олчоқ одамлар истеъдодли ва олижаноб одамлардан кўпдир, шунинг учун ғийбат ва бўҳтон билан яхшиларни ҳалок этадилар. Хасис сахийни

кўрса, жоҳил олим билан мажлиста тушса, аҳмоқ оқил билан суҳбат қурса, юраклари сиқилиб, қонлари қайнаб кетади. Истеъдодсиз одамлар ҳунар эгаларини ерга уриб, уларни гуноҳкор қилиб кўрсатишга ҳаракат этадилар. Диёнатни жиноят қилиб кўрсатадилар, бахт-саодат воситаси бўлган ҳунар ва истеъдодни бахтсизлик василасига айлантирадилар”. (*“Калила ва Димна”дан*)

“Эҳтиросга ихтиёрни бериш – оқилларнинг иши эмас”.

“Одамларга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишидан фақирроқ одам йўқ”. (*Қобус*)

“Ҳунарсизларга дунё вафосиздир, ҳунармандларга бу дунёда жафо оздир... Ҳунар билан давлат бирикиши барча нодир нарсалардан ҳам қимматлироқдир”. (*Аҳмад Югнакий*)

“Жаҳон аҳли шижоатникидур”. (*Маҳмудхўжа Беҳбудий*)

“Ишнинг қулайини ахтармак ялқовликдир, қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк унумли ишлар қулай бўлмас”.

(*Абдурауф Фитрат*)

“Инсонларга, жамиятга кўпроқ манфаатим тегсин, деган ниятда меҳнат қилиш ҳам ибодатдир”.

(*Умар Форук Сайдо ал-Жазарий*)

“Атолат” деб дангаса ва ялқовликни айтилар. Атолат инсоннинг саодатлигининг зўр офатидур. Танпарварликдан пайдо бўладургон ёмонлик маишат жиҳатидан наслга ҳам таъсир қиладур. Ҳар хил файз ва камолотдан маҳрум қилуб, кишини хор ва залил яшатмак ила баробар умри сафолат чуқурига ирғитадур. Киши ҳаёти борича, кучи еткунча чолишмоқға мукаллафдур. Лекин дунёда ҳар бир саъйдан мақсуд бўлган самара дарҳол ҳосил бўлмайдур. Ҳалво деган билан оғиз сучимайдур. Шунинг учун саъй ва ғайрат асҳоби ҳар вақт жиддий ҳаракатда бўлуб, доимо саъй маршруада, сабот ва матонатда шавқ ва завқ ила

давом қилурлар. Ҳар бир саъйнинг мукофот ва натижасини кўрмак мумкин бўлса ҳам, ул мукофотнинг зоҳир бўлиши, кўриниши етушган вақтдан маълум бўладур. Масалан, бир дарахтнинг меvasи тўрт-беш йил тарбия қилингандан сўнг, мева етушдур-гони каби бир шогирднинг мактаб ва мадрасада саккиз-ўн сана доимий саъй қилганидан сўнг, емиш ва ҳосилоти илмияси зоҳир ва мушоҳида ўлунур. Шунга ўхшаш ҳар ишнинг самараси бир неча вақт чолишмоқ ва саъй қилмак сўнгидан зоҳир ва хувайдо бўлур. Алҳосил, ялқов ва ишсизликка хўй қилгон кишилар дунё ва охиратда моддий маънавий саодати инсониятдан маҳрум ва бебаҳра қолурлар. Расули акрам набийи муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Эй Аллоҳ! Санга сиғинаман, қайғу ва ҳасратдан, довираб қолув ва ялқовликдан, бахилликдан ва кўрқоқликдан, қарз оғирлигидан ҳам одамларнинг устун бўлув-индан сақлагайсан”, – демишлар.

“Раховат” деб танпарварлик, ғайратсизликни айтилар. Умид ва саъйнинг энг зўр душмани раховатдурки, ҳиссиёти ғайрат-парваронамизни маҳв ва барбод этар ва бир неча маъюсона фикр ва хаёлларга дучор ва гирифтор этар.

Ибн Сино ҳаким: “Саъй ва ҳаракат ила ўлмак мавти мусаммо-дур (*шарафли ўлумдур*), раховат ила жон бермак ажали қазодур. Ғайратсизлик тирик ўлукдан иборатдур. Ўлукларнинг макони тириклар орасида эмас, тупроғ орасидадур”, – демиш.

Луқмон ҳаким: “Танпарварлик умид ва муваффақиятнинг қувватини кесадурган бир мараздур. Саодати инсониядан маҳрум бўлуб, маъюсона яшамак раховат, ғайратсизлик асаридур”, – демиш.

Расули акрам набийи муҳтарам соллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Аллоҳга сиғинингиз! Фақирликдан, ҳам муҳтожликдан, ҳам кишига зулм қилмақдан, ўзингизга зулм қилдурмақдан сақланинг”, – демишлар.

Кишига дангасалик шаън-шарофатми верар?

Ялқон инсон кишига хайру саховатми верар?

“Бўлмаганларга бўлишма” – дейдилар боболариз,

Бўлса ғайратсиз агар, миллата хизматми верар?”

“Саъй ва ғайрат” деб устига юкланган ибодат ва хизматларни ҳаракат бирла адо қилмакни айтилар. Шариатан ҳам ақл юзаси-дан ялқовлик қилуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зеро-

ки, Қуръони карим бизларни саъй қилмоқга амр этмишдур. Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тама балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтнинг ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қувват, масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга мухтож бўлмай роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур. Сиҳатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлиқдур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсудларига етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига мухтож бўлуб хорликда қолурлар. Киши ёш вақтида илму маърифат, ҳунару санъатга бўйин қўймаса, тараддуд қилмаса, албатта, қора ишчи бўлуб қолур. Шариатга терс, қонунга зид бўлмаган хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай, бу кўмурчилик, бу темирчилик, манга муносиб иш эмас, деб дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур. “Ғайратликдан иймон қутилмас”, деган мақол бор. Бунга қараганда дунё ва охиратимиз учун ғайратни қўлдан бермаслик лозимдур. Ғайрат иймона, салобати виждона далолат этар. Ҳазрати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: “Ғайратсиз кишилардан Худо безор, исломият ғайрат ила ривож топди, сендек ялқов кишилардан исломият ҳазар қилур”, – демишлар.

Ҳақ буюрди: “Лайса лил-инсонни илло мо саъйю”.

Ғайрат ила ўтди оламдан Муҳаммад Мустафо.

Биз-да умматмиз, қилайлук саъй ила хайру сахо,

Қилсалар шояд шафоат соҳиби рўзи жазо”. (Абдулла Авлоний)

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб, сендан иш кутади.

Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютади.

Тур ўрнингдан, оч кўзингни,

Айт ёвингга сўнг сўзингни.

Ёвинг кимдир, биласанми – нодонликдир, ялқовликдир,

Ёвга қарши курашмаслик – кўрқоқликдир, анқовликдир.

Иш қиличин, тур, қўлга ол!

Ёвга қарши чиндан қўзғол! *(Мунаввар қори)*

“Аксар ялқовлар ўзлари учун фойдали бўлган ишларга дангасалик қилиб, фойдасиз бўлган ишлар орқасинда умр ўтказарлар”. *(Абдулла Қодирий)*

“Дунёни ҳаракатлантирмоқчи бўлган кимса энг аввало ўз мақсадларини амалга оширмоғи лозим”. (*Сукрот ҳақим*)

“Ҳаракатчан кишилар одатда омадли бўладилар; аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверадиған ва сусткашлик қиладиғанларга омад камдан-кам насиб этади”. (*Геродот*)

“Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди”. (*Гораций*)

“Кунда меҳнат қилиб ўрганганлар ногирон ва қари бўлсалар ҳам кучли ва кўникмаси йўқ ўспиринларга қараганда ишни осон бажарадилар”.

“Айш-ишрат ва бекорчиликдан бузуқлик ва касалмандлик келиб чиқади – аксинча, ақлнинг нимагадир интилиши соғлиқни муттасил мустаҳкамлаб борадиған бардамликни юзага чиқаради”. (*Гиппократ*)

“Ишламаслик ҳар доим ланжликни келтириб чиқаради, ланжликдан кейин эса ногиронлик келади”. (*Апулей*)

“Дангасалик қилиб сиҳат-саломат бўлишни кўзлаган одам жим туриб овозини очмоқчи бўлган нодон билан баробардир”. (*Плутарх*)

“Эрталаб ўрнингдан туриб ўзингдан: “Нима иш қилишим керак?”, кечқурун ётишдан олдин эса: “Нима иш қилдим?” – дея сўра”.

“Агарда разм солиб қаралса, аксарият кишилар ҳаётининг кўп қисми бўлмағур ишларга, анчагинаси – бекорчиликка, умрининг яхлит ўзи эса – нокерак нарсаларга сарфланади”.

“Инсон қайси манзилга кетаётганини билмаса, унинг елканига ҳеч бир шамол ҳам тўғри келмайди... Шундай одамлар борки,

улар сувга тушган хасдек ҳеч бир мақсадсиз дунёдан ўтиб кетадилар; улар сузишмайди, оқим уларни олиб юради”. (Сенека)

“Агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан”.

“Қачон қарасанг эҳтиросларни қоралашади, одамзодга хос барча бахтсизликларни эҳтиросдан кўришади, лекин айти пайтда эҳтирослар барча шодликларимизнинг манбаи эканлигини эса унутиб қўядилар”. (Д. Дидро)

“Бирон нарсани яхши бошладингми, демак, йўлнинг ярмидасан”. (Плато)

“Ўзингга ўзинг ёрдам бер, сўнг Осмон ҳам сенга ёрдам беради”. (Ж. Лафонтен)

“Доимий равишда ва изчил олиб бориладиган бирон-бир иш турмушдаги қолган ҳамма нарсаларни ҳам тартибга солади, ҳамма нарса шунинг атрофида айланади”. (Э. Делакруа)

“Душманлардан кўркма – нари борса улар сени ўлдириши мумкин; дўстлардан кўркма – нари борса улар сенга мунофиқлик қилиши мумкин. Совуққон ва лоқайд одамлардан кўрк улар ўлдирмайдилар ва мунофиқлик қилмайдилар, аммо уларнинг индамай қилган разилликлари туфайли ер юзида сотқинлик ва қотиллик ҳукм суради”. (Б. Ясенский)

“Инсоний фазилатларга бегона бўлган, она диёр тақдирига, яқин кишилари тақдирига совуққонлик билан қараган одамдан хавфлироқ кимса йўқ”. (М. Салтиков-Шчедрин)

“Эҳтирослар елканларни ишга солувчи шамоллардир, баъзан кемаларни ғарқ қиладилару, аммо шамолсиз сузиш мумкин эмас”.

“Камтар бўлиш яхши, лекин совуққон бўлиш ярамайди”.

“Эхтиросни хавфли деб, инсонни ундан махрум қилмоқчи бўлган одам мияга қон куйилишига сабабчи бўлади, деб инсондан унинг бутун қонини чиқариб олишни ўйлаган нодонни эслатади”. (Волтер)

“Бурч! Сен авж пардадаги буюк сўзсан... Бу шундай буюкликки, чиндан ҳам инсонни ўзидан ҳам юксакликка кўтарувчи буюкликдир”.

“Чинакам ва покиза қувончлардан бири меҳнатдан кейинги ҳузур”.

“Ҳар қандай истиҳола ва нафратдан холи бўлган буюк руҳий лаззатланиш – соғ одамнинг ишдан кейинги роҳатдир”.

(И. Кант)

“Бурч ва номус йўлини ҳеч вақт тарк этманг, бу бизни бахтга эриштирадиган ягона йўлдир”. (Ж. Бюффон)

“Кичкина бўлса ҳам ҳар куни нимадир бурчни адо этиш – ажойиб иш”. (Э. Делакруа)

“Одам фақат ҳаракатига эмас, балки ҳаракатсизлигига ҳам жавоб беради”. (Ж. Мольер)

“Адо этилган бурч улуғворлигидан кўра зўрроқ улуғворлик йўқ, ундан зўрроқ қувонч ҳам йўқ”. (Э. Ренан)

“Мўлжалдан ўтиб кетган одам ҳам мўлжалга теголмаган одамдек доғда қолади”.

“Муайян бир мақсадга йўналтирилмаган ақл изсиз йўқолади; ҳамма ерда бўлмоқ ҳеч ерда бўлмаслик деган сўздир”.

“Энг буюк истеъдодларни ҳам бекорчилик маҳв этади”.

(М. Монтен)

“Тўғри йўлдан судралиб бораётган одам ҳам йўлдан адашган шошқалоқдан ўзиб кетади”. (Ф. Бэкон)

“Сира шошилмайдиган одам ҳам, мабодо у ўз мақсадидан чалғиб кетмаган бўлса, мақсадсиз тентириб юрган одамга қараганда жадалроқ юради”. (Г. Лессинг)

“Ўз олдингизга яхши мақсадлар қўйинг. Биз бирон-бир нарсага қарши курашибгина қолмай, балки энг аввало бирон-бир нарса учун курашишимиз лозим... Мақсадга олиб борадиган йўлнинг узоқ-яқинлигининг аҳамияти йўқ”. (Е. Марциновский)

“Виждонан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ”.

“Ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди”.

“Зерикиш – бекорчиликдан бунёд бўлади”. (Стендал)

“Дўзахнинг энг оловли хилқатлари буюк маънавий синов дақиқаларида бетараф турган одамга аталгандир”. (Данте)

“Ҳар биримиз ўз ишларимизнинг фарзандимиз”.

“Ишёқмас ва текинхўр одамлар асалари қутисидаги захматкаш ари йиққан асални еб қўювчи текинтомоқ арига ўхшайдилар”.

“Бекорчиликнинг энг мақбул давоси – доимий ва ҳалол меҳнат”.

“Бошингга ёғилган ёки бостириб келаётган кулфат дўлларини бекорчилик ва дангасалик билан бартараф этолмайсан”.

(*М. Сервантес*)

“Иштиёқ билан қилган ишимиз – дардимизни даволайди”.

“Ортиқча шошқалоқлик ҳам худди сусткашлик каби ёмон оқибатларга олиб келади”.

“Ўз интилишинг маррасига етмоқчи бўлсанг – мулойимлик билан адашган йўлингни сўра”.

“Истак – фикрнинг отаси”. (*В. Шекспир*)

“Сўз ҳамиша ишга нисбатан ботирроқ бўлади”.

438 “Иш борми – уни жадалроқ тугатмоқ керак... Ярим йўлда ишни чала ташлаб, бундан нима чиқаркин, деб бир чеккада оғзини очиб турган одам тентакдир”.

“Мақсади улуғлашган сари одам ҳам улуғлашиб боради”.

“Мукамал бўлмаган бирор ишни бажариш – хатосиз ҳеч нима қилмагандан яхшироқ”.

“Ҳеч қачон бошламасанг, ҳеч қачон омадга эришолмайсан”.

(*Ф. Шиллер*)

“Бирон-бир нарсани севган кишигина бирон-бир кадр-қимматга эга бўлади. Кадр-қимматсизлик билан ҳеч нимани севмаслик айни бир хил нарсадир”. (*Л. Фейербах*)

“Ким яхши кўрмаса, нафратланолмайди ҳам; ким завқлана олмаса ғабланолмайди ҳам; ким ҳеч нимани улуғламаса, ҳеч нимани лаънатлаёлмайди ҳам”. (*Л. Берне*)

“Оқил одам эҳтирос билан курашади, тентак эса унинг қулига айланади... Эҳтиросни тизгинла, акс ҳолда, у сени тизгинлайди”.

(Эпиктет)

“Маънавий совуққонлик ўта ўқимишли кишилар касаллигидир”. (А. Амиел)

“Эзгуликни яхши кўриш учун бор вужуд билан ёмонликни нафратлаш керак”. (В. Фольф)

“Инсон эҳтирослардан бегона бўлмаслиги, лекин уларни бошқариб бориши керак”. (Ж. Поль)

“Энг яхши ахлоқий ва эстетик дори – меҳнат”.

“Ўтган ишга афсусланиш ярамайди, бизга қийинчилик туғдирган ўзгаришлардан нолимаслик керак, чунки ўзгаришлар ҳаётнинг асосий шартидир”.

“Инсон шундай яралганки, бошқа ишга қўл уриши билан аввалгисидан дам олади”. (А. Франс)

“Инсон шуни тушуниши керакки, у дунёнинг ижодкори ва соҳибидир, ҳаётдаги барча эзгуликларнинг шон-шуҳрати ҳам, ердаги ҳамма бахтсизликлар ҳам унинг зиммасига тушади”.

(Р. Роллан)

“Доимий меҳнат санъатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам қонунидир”.

“Ҳаёт турли хил ҳолатларнинг алмашинувидир, истаган жойда қулай аҳволда қолиш учун уларни ўрганиш, кузатиш лозим”.

“Илмнинг хўжайини бўлишни истаган киши меҳнатнинг қули бўлиши даркор”. (О. Балзак)

Ишсизликдан лаванд тан, кўр нақадар барбод эрур,
Ҳаракатсиз қўл каби тиниқлигин тез бой берур.

(Овидий)

“Керакли ишни қилишни истамаган одам дабдабали сўзлар билан ниқобланади”. (Н. Крупн)

“Жисмоний меҳнат руҳий изтиробларни унутишга ёрдам беради”.

“Майда ишларга зеб берган одам буюк ишларга ноқобил бўлади”.

“Узоқни кўрадиган одам ҳар бир истаги учун алоҳида ўрин топа билиши ва кейин уларни навбатма-навбат амалга ошириши керак. Очкўзлигимиз кўпинча бу тартибни бузиб юборади ва бир вақтнинг ўзида бизни шунчалар кўп мақсадлар кетидан чопишга мажбур этадики, натижада майда-чуйдаларга ўралашиб, энг муҳим нарсани эса эсдан чиқариб қўямиз”.

“Тоҳо яхши ишларимиз сарҳадига ялқовликни шайтоннинг ўзи ёнма-ён келтириб қўйганми, дея ўйлаб қоласан”.

“Дангасалик ўзимиз ҳам осонгина кечириб кетаверадиغان нуқсонларимиздан бири”. (Ф. Ларошфуко)

“Кўнглинг ғаш бўлса, ишла, бу ғамдан қутулишнинг ягона воситасидир. Изтиробга тушмаслик учун ишла: ишдан бошқа ҳеч нарса бу ғамнок бўшлиқдан халос этолмайди. Омадинг юришганда ҳам ишлайвер: димоғдор бўлиб кетишнинг олдини оладиган ишдан ҳам зўрроқ дори-дармон йўқ”. (И. Бехер)

* * *

“Сабр-тоқат ва вақт куч ёки эҳтиросга қараганда кўпроқ самара келтиради”. (Лафонтен)

* * *

“Дангасалар доимо нимадир қилмоқчи бўладилар”.

* * *

“Ақлнинг катта ғалабалари, эҳтимол, эҳтирослар туфайли рўёбга чиққандир... Эҳтирос ундови ақл ундовига қараганда дарадироқ экан, демак, ўша истакни амалга оширишда эҳтирос ақлга қараганда кўпроқ куч ҳам беради”.

* * *

“Бекорчилик ишдан кўра кўпроқ толиқтиради”.

* * *

“Бекорчилар доимо нимадир қилишни мўлжаллайдилар”.

(Л. Вовенарг)

* * *

“Инсон ўз бурчини бажарар экан, ўзи мажбуран қилаётган ишига муҳаббат билан қарайди”.

* * *

“Ассосиз иш, нимага қаратилганидан қатъи назар, доимо инқироз билан тугайди”.

* * *

“Ишнинг кадрига етган одам унинг учун жон куйдириши керак, акс ҳолда, у ўзини бошқа ҳеч нарсада кўрсатолмайди”.

* * *

“Қўлидан келадиган ишга эмас, ўзи тушунмайдиган ишга қўл урган киши бахтсиздир”.

* * *

“Ҳеч қандай ишга дабдаба билан киришмаслик керак: тантанаворлик иш тугаганда ярашади”.

* * *

“Истакнинг ўзи етарли эмас, ҳаракат қилиш керак”.

“Одамлар воситани мақсад деб билиб, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам янглиштирадилар, натижада уларнинг бутун уринишларидан ҳеч нарса чиқмайди, чиққанда ҳам ўзлари интилган нарсанинг акс натижаси чиқади”.

“Мақсадга яқинлашган сари машаққат ортиб боради. Лекин ҳар бир киши юлдузларга ўхшаб сокинлик билан, шошмасдан, бироқ, белгиланган мақсад томон узлуксиз интилган ҳолда ўз йўлларини босиб ўтишлари керак... Юксак мақсадлар юзага чиқмай қолган тақдирда ҳам биз учун амалга ошган паст мақсадлардан кўра қимматлироқдир”.

“Бекорчи умр – бевақт қариш деган сўз”.

“Ўйлаш – осон, амалга ошириш қийин. Инсоннинг хаёлларини ҳаётга тадбиқ этиш дунёнинг энг қийин ишидир”.

“Билиш етарли эмас. Билимларни амалда қўллаш лозим. Хоҳиш етарли эмас, хоҳишни бажариш лозим”.

“Бирор нарсани амалга оширишдан аввал ўзинг бирор нарсага арзишинг керак”. (И. Гёте)

“Масъулият ҳиссидан нур олмаган ҳаёт аслида ҳеч нарсага арзимаган бўлур эди”.

“Мақсадсиз ва иродасиз киши бошқарув чамбараги йўқ кемага ўхшайди, сал шамол ўзгариши билан йўналишини ўзгартираверади”. (С. Смайлс)

“Ҳаётдаги энг зўр хузур-ҳаловат адо этилган бурчдан завқланишидир”. (У. Гэзлитт)

“Умумахлок қоидаларига бўлган ҳурматимиз айнаи шу бурч туйғусининг ўзидир”. (А. Смит)

“Ҳар доим ўз бурчингизни адо этишга интилинг, шундай қилсангиз, муваффақиятсизликка учраган тақдирингизда ҳам инсоният сизни кечиради”. (Т. Жефферсон)

“Ўз бурчини сидқидилдан адо этган одам ўз қувончи билан ўзини мукофотлайди ва бировларнинг мақтови, иззат-икроми, миннатдорчилигига ҳам зор бўлиб ўтирмайди”.

“Кимки секин ва шошмай юрса, ҳар қандай манзил ҳам унга узоқлик қилмайди; кимки сафарга чидам билан тайёрланса, у сўзсиз мақсадга етади”.

“Мақсад сари интилаётган аксари одамлар танлаган йўллари-дан қатъият билан боравериш ўрнига кўпроқ бир мартагина зўр бериб ҳаракат қилишгагина лаёқатлидирлар: дангасаликлари ва беқарорликлари туфайли улар ўзлари бошлаган яхши ишларнинг маҳсулини ҳам қўлдан бой берадилар ва ўзларидан кейин йўлга чиққан, шошмасдан, аммо тўхтамай келаётганларга ҳам йўл бўшатиб берадилар”. (Ж. Лабрюйер)

“Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади”. (Жюль Верн)

“Меҳнат ва хузур-ҳаловат табиатан турлича бўлсалар ҳам, ба-рибир улар орасида қандайдир табиий боғланиш мавжуд”.

(Тит Ливий)

“Инсон табиатида чуқур илдиз отган эҳтиёжлардан бири – кўнгил истаган ишни танлаш ва уни ранг-баранг қилишга инти-лишдир”. (А. Бебель)

“Одамнинг нима қилаётганига қараб, унинг кимлигини айтиб берса бўлади”.

“Бир жихатдан, моҳият-эътибори билан ўз олдига мазмундор мақсад қўйиб, иккинчи бир томондан, шу мақсадга қаттиқ амал қилган одам чинакам иродали инсондир, чунки у шу мақсадлардан воз кечса, унинг ўзига хослиги йўқолган бўлур эди”.

“Дунёдаги ҳеч бир улуғ иш эҳтироссиз содир бўлмайди”.
(Г. Гегел)

“Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади”. (Г. Ибсен)

“Гар фаоллик кўрсатмасангиз, не наф ақл хазинасидан”.
(Ш. Руставели)

“Ишчанликнинг мукофоти ўзи билан. Ҳаракат қилиш, яратиш, вазият билан курашга киришиш, уни енгилган ёки ўзини енгилган ҳис қилиш, мана, қувонч қаерда; инсоннинг бутун сихат-саломатлиги ҳам мана шунда!”. (Э. Золя)

“Инсон меҳнат қилаётган вақтдагина том маънода инсонга айланади”. (Ж. Гюйо)

“Меҳнат мия ва мушаклар фаолиятдир, у табиий, ички эҳтиждан келиб чиқади”.

“Дилдан меҳнат қилган одам ҳар қандай ишни ҳам шоирона даражага кўтаради”.

“Борлиқнинг бош белгиси – меҳнат ва борлиқнинг энг аниқ сифати – фаолият... Ҳеч қандай мавқе фаолиятсизликни оқлай олмайди; ҳар доим ҳам нимадир бир иш қилиш мумкин; иложи бор бўлган ишни ҳамиша бажариш керак”.

“Инсон фаолияти юксак гоё билан суғорилмаган бўлса, самарасиз ва ҳеч нарсага арзимайди”.

“Қурбинг етмаган ишга уриниш бемаънилиқдир. Ишни бузасан-да – расвоси чиқади”.

“Воситалар мақсадга мос бўлсагина ижобий натижа беради. Ноўрин воситалар фақат ноўрин мақсадларга ярайди”.

(Н. Чернишевский)

Меҳнатга кўниккандан кейин усиз яшаб бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса меҳнат билан боғлиқ”. (Л. Пастер)

“Бизнинг асосий вазифамиз ўз нигоҳимиз ва эътиборимизни олис уфқлардаги нарсаларга қаратишда эмас, балки бевосита ўзимизга яқин бўлган юмушларни бажаришдадир”.

“Инсоннинг инсонлиги, фикрлари қанчалик олижаноб бўлмасин, фикрларидан эмас, балки қилган ишларидан билинади”.

“Ҳар қандай олижаноб иш ҳам аввалига жуда мушкулдек бўлиб кўринади”.

“Ўз ишини топа олган одам саодатлидир; у бошқа саодатни ахтармай қўя қолсин. Унинг қиладиган иши ва яшашдан мақсади бор”.

“Дунёда ўзи учун муносиб иш тополмаган одам энг бахтсиз одамдир”.

“Ишни хоҳлаган, лекин ўзига иш тополмаган одам, ер юзида бахт ҳаммага бирдек тақсимланмаганини кўрсатувчи энг нохуш манзарадир”.

“Ҳаётдаги вазифамиз келажакда нималар бўлишини кўриш эмас, балки қўлимизда борларини нима қилишимиздир”.

“Энг мурувватли қисмат ҳам дангаса, тепса-тебранмас одамдан – худди асбобсиз кулол яроқсиз идишдан бўлак ҳеч нарса ясолмаганидек, ҳеч наф чиқаролмайди”. (Т. Карлейл)

“Одамлар табиатан ялқовдирлар; бироқ меҳнатга жўшқин интилиш, бу – обод жамиятнинг биринчи меваси; ва агар халқ тагин ялқовлик ва лоқайдлик ҳолатига тушиб қолса, бу яна бир карра, меҳнатга энди у арзийдиган нархни тўламаётган худди бу жамият ўзининг адолатсизлигидан келиб чиқади”.

“Эҳтиросларни ўринли ва ўринсизга бўлиб, биринчисига муккадан кетганча, иккинчисидан ўзини олиб қочувчилар ҳақ эмаслар. Инсон маҳкам турса, ҳамма эҳтирослар яхши, эҳтиросларга кул бўлса, унда ҳаммаси ёмон”.

“Бир соатлик иш бир кунлик тушунтирувдан кўра кўпроқ нарса беради, чунки мен болани устахонада машғул қилар эканман, унинг қўллари акли учун ишлайди: у ўзини бор-йўғи ҳунарманд ҳисоблагани ҳолда файласуфга айланади”.

“Менимча, бекорчилик танҳоликдан ҳам кўра оғирроқ илатдир. Доимо ўзинг билан ўзинг бўлишинг, тўрт девор орасида фақат ўзингни кўришинг, қилган ишингнинг бари гап сотишдан иборат бўлишидай ҳеч бир нарса ақлни бу қадар саёзлаштирмайди, ҳеч бир нарса бу қадар бачканалик, ғийбат ва ҳаловатсизликни туғдирмайди”.

“Ҳар қандай бекорчи одам ўғридир”. (Ж. Ж. Руссо)

“Меҳнатдан олдин эмас, фақат меҳнатдан кейингина ҳақли равишда роҳат-фароғатдан баҳраманд бўлиш мумкин”.

(Антисфен)

“Иш менинг биринчи хузур-ҳаловатимдир”. (В. Моцарт)

“Болани меҳнат қилишга ўргат, уни нафақат меҳнатни севишга, у билан шундай уйғунлашишга кўниктиргинки, токи меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин, уни шунга ўргатки, унинг учун ўз кучи билан бирон бир нарсани билиб ололмаслик ақлга сиғмайдиган ҳолат ҳисоблансин; у мустақил ўйламоғи, изламоғи, ўзини кўрсатмоғи, ўзининг уйғонмаган қобилиятларини ривожлантирмоғи, ўзини саботли инсон қилиб етиштирмоғи лозим”. (А. Дистервег)

“Енгиб ўтилган тўсиқлар йиғиндисигина жасоратга ва бу жасоратни кўрсатган инсонга ҳақиқий тўғри ўлчов бўла олади”.

“Эҳтирос кўп нарсага қодир. У инсонда мислсиз ғайриинсоний қудрат уйғота олади. У ўзининг сира бўшамайдиган тазйиқи билан ҳатто энг босиқ қалблардан ҳам ақл бовар қилмас даражадаги куч-қудратни тортиб олади”. (С. Цвейг)

“Ҳамма одамлар ҳам буюк иш қилишлари шарт эмас. Кўпинча оддий сабр-қаноатнинг ўзи ҳам куч-қудратнинг буюк рамзига айланиши мумкин”. (Г. Бушнелл)

“Энг зўр роҳат бошқалар назарида сиз бажаролмайдиган ишни бажаришингиздир”. (У. Бэжот)

“Ўзига енгил ҳаёт ахтарган киши чиндан ҳам аянчлидир”.
(Д. Жордан)

“Моҳияти номаълум иш ҳафсалани ўлдиради”.

“Ишдан бир дақиқа бўшамаган соатларингда ўзингни ғоят бахтли сезасан”.

“Тўғри яшаш, ишлаш демақдир. Машина бекор туриб қолса, уни занг босади”.

Бутун иродани ишга солиб меҳнат қилиш керакки, иродамиз худди минага ўхшаб портласину тўсиқларни улоқтириб ташласин”.

“Бизгача яшаб ўтганларнинг меҳнати, кучи бизнинг вужудимизда яшайди. Бинобарин, келажак авлод ҳам ўз навбатида бизнинг меҳнатимиз, бизнинг билак кучимиз ва бизнинг ақлимиздан наф олиб яшасин. Шундагина биз ўз бурчимизни муносиб адо этган бўламиз”. (Ж. Фабр)

“Меҳнат юз йил умр кўриш санъатининг зарурий шартларидан биридир”. (М. Шеврел)

“Меҳнат ҳаёт чироғига мой қуриб туради, тафаккур эса уни ёритади” (Ж. Беллерс)

“Бирон дангасанинг қаригунча яшагани ҳақида ҳеч қандай далил йўқ”. (Х. Гуфеланд)

“Ҳамма қобилиятларнинг сарвари соғлом фикрдир. Хайрли ишнинг ўзи кифоя эмас, бу ишни вақтида ва ўз ўрнида қилиш керак. Истеъдод эгаси нима қилиш зарурлигини билади, ички меъёр қачон ва қандай иш қилиш лозимлигини айтиб туриши керак”. (У. Мэтьюз)

“Энг ҳалокатли хатоларимиздан бири – ёмон бажариб, яхши ишни ҳам барбод қилишимиздир”. (У. Пенн)

“Жамият учун ва ўзи учун бефойда бўлишдан ҳамда ақлу идрокни ҳеч қандай иш қилмасликка сарфлашдан ҳам ортиқроқ уятли нарса йўқ”.

“Ўз ҳаётининг моҳиятини билмайдиган кишиларнинг аҳволига вой... Инсон табиатининг моҳияти – ҳаракатда. Қимирламаслик ўлим демакдир”. (Б. Паскаль)

“Меҳнат кишини ерга урмайди, афсуски, баъзан меҳнатни ерга урадиган одамлар учраб туради”. (У. Грант)

“Хар қандай одам қандайдир иш учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор”.

(Э. Хемингуэй)

“Хатто энг нозик жисмоний ёки ахлоқий фазилатлар ҳам ишлаб чиқаришда қатнашмай туриб текинтомоқлик қилишдек ижтимоий гуноҳни ювишга ожизлик қилади”.

“Ёшлигимда бажарган ўн ишимдан тўққизтасининг муваффақиятсизлик билан яқунланганини кўрдим. Муваффақиятсиз бўлишни истамасдим, шунинг учун ҳам ўн баробар кўп ишладим”.

“Бу дунёда кўтарилаётган одамлар ўз хоҳишларини қидирган, тополмаганларида эса энг шимариб, уни яратган инсонлардир”.

“Биз икки ўғри ўртасида ўзимизни фидо қиламиз: булар кечага оид хафагарчилик ва эртага бўлган қўрқувдир”. (Б. Шоу)

“Нима иш бажарсак бир қарорга келиб сўнгра бажарамиз. Натижасига эса “тақдир” деб баҳо берамиз”. (Б. Дисроили)

“Борадиган манзилинг йўқ бўлса, ўзингга тўғри йўл топишни бошла”. (Кувонч Эртуғрул)

“Хаёлингни ва ғояларингни ташлаган бўлсанг бари бекор. Яшашни ҳам ташланг”. (М. Андерсон)

“Яхши ишни қийинчилик билан бўлса ҳам бажарсанг, қийинчилик ўтиб кетади, яхшилик қолади, завқ билан бўлса ҳам ёмон иш қилсанг, завқи ўтиб кетади-ю, ёмони қолади”.

* * *

“Фақат тетик қайноқ шижоатдан, она юртга бўлган оташин муҳаббатдан, жасурлик ва ғайратдангина ғалаба туғилади. Гап унда-бунда кўрсатиб қўйиладиган шижоатда ҳам эмас, балки бор кучларни қатъият билан сафарбар қилишдадир, тоғларни ҳам аста-секин ва тўхтовсиз қўзғотадиган, номаълум теранликларни очадиган ва уларни қуёш тиниқлигига олиб чиқадиган доимий ёниш ҳақида гап боряпти”.

* * *

“Дангаса одамнинг юзсиз бамайлихотирлиги қилт этмайдиган кўлмак сувга ўхшайди, унда қурт-қумурсқа-ю, ифлос итбаликлардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди”. (М. Ломоносов)

* * *

Туғилишдан нимагаки бўлсанг қодир,
Шуни қилгил, сенинг учун шу иш нодир. (И. Крылов)

* * *

“Жамиятнинг бутун бойлиги беистисно ўша жамият меҳнати билан белгиланади”.

* * *

“Меҳнат билан чархланиб турмаган куч сусаяди... Ҳаёт доимий меҳнатдан иборат. Унга шу нуқтаи назардан қараган одамгина ҳаётни инсончасига тўла тушунади”.

* * *

“Инсон мусибатларини тобора камайтириб, инсон роҳат-фароғатини тобора ошириш – доно ва софдил одамларнинг бутун куч-ғайрати доимо онгли ёки онгсиз равишда, бевосита ёки билвосита мана шу мақсадга қаратилган эди”.

* * *

“Фаолиятсизлик ва бемаъни оворагарчилик кишини ниҳоятда тубанлаштиради”.

* * *

“Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний заифлик келиб чиқади”.
(Д. Писарев)

* * *

“Ҳаётда ўз ўрнингни топишинг учун бирон иш қилмаган бўлсанг, яшаш бениҳоят мушкулдир”. (Д. Веневитинов)

“Аланга ва нур бир-бири билан қанчалик уйғунлашган бўлса, ҳаёт билан фаолият ҳам бир-бирига шу қадар мустаҳкам боғланган. Нимаики нур сочса, шубҳасиз, ёритади, нимаики яшаётган экан, сўзсиз ҳаракатда бўлади”.

(Ф. Глинка)

“Осуда ва беғам ҳаётда сурур йўқ! Нимадир юракни ўртаб, фикрни тинч қўймаслиги керак”. (Д. Давидов)

“Ҳаёт ғайратли меҳнат туфайли жонли ва гўзалдир, у оғир юк бўлмай, балки қанот, ижод ва қувончдир, агар кимда-ким уни оғир юкка айлантирса, бунга унинг ўзи айбдор”.

(В. Вересаев)

“Жисмоний меҳнат нафақат ақлий фаолият имкониятини инкор этади, нафақат унинг қадрини оширибгина қолади, аксинча, ақлий меҳнатни кучайтиради”.

“Одамни ҳеч нарса меҳнатчалик юксакликка кўтармайди. Одам меҳнатсиз ўз инсоний кадр-қимматини сақлай олмайди”.

“Қилаётган ишинг тоза бўлмаса ҳам ундан уялма, фақат бир нарсадан: бекорчи ҳаётдан уялиш мумкин ва уялиш лозим... Ўзини меҳнатдан озод қилиш – жиноят”.

“Бурчингни адо этишга ҳаракат қил, шунда дарҳол ўзингнинг кимлигингни билиб оласан”.

“Ўзингизнинг ҳам, бировларнинг ҳам гапларига ишонманг, фақат ўзингизнинг ва бировларнинг қилган ишига ишонинг”.

“Агар сен нимадир қилаётган бўлсанг, яхшилаб қил. Агар кўлингдан келмаса ёки қилишни хоҳламасанг, яхшиси йиғиштириб қўй”.

“Бахт хоҳлаган ишингни хоҳлаган пайтингда қилаверишинг эмас, балки қилаётган ишингни ҳамиша хоҳлаб туришингдадир”.

“Ҳар қандай буюк иш авваламбор кўз-кўзланмай, камтарлик билан ва оддийгина бир шароитда қилинади: дабдаба ва ялтироқлик билан на ер ҳайдаб, на иморат қуриб, на чорва боқиб бўлади, ҳатто фикр юритиб ҳам бўлмайди. Улуғвор, чинакам ишлар ҳамиша оддийгина, камтаронадир”.

“Иккиланиб турган онингда тез ҳаракат қил ва ортиқча бўлса ҳам биринчи қадамни қўйишга урин”.

“Кишини танг қолдирадиган гумроҳликлардан бири, инсон бахти унинг ҳеч нарса қилмаслигида, деб тушунилишидадир”.

“Бахтнинг энг зарур шарти – меҳнат: биринчидан, сеvimли ва озод меҳнатдир; иккинчидан, иштаҳа очадиган ва қаттиқ, тинктириб ухлатадиган жисмоний меҳнатдир... Меҳнат, меҳнат! Меҳнат қилаётганимда ўзимни қанчалар бахтиёр ҳис этаман”.

“Одамнинг ўз жонини тикишга ҳам тайёр турган бирон нарсаси бўлмаса ёмон”.

“Ҳеч бир нарсa бекорчиликни қуруқ гапчалик рағбатлантирмайди”.

“Ҳеч иш қилмайдиган одамнинг доимо ёрдамчиси кўп бўлади”.

“Бекорчи ҳаётга одатланиш инсон учун энг оғир кулфатдир”.

“Бекорчиликни роҳат-фароғату меҳнат эса жазо, деб тушуниш ғалати ва зарарли англашилмовчиликдир”.

“Агар бирор кун ишламасам ўзимни ўзим ўлдирардим”.

(Л. Толстой)

* * *

“Ҳаммамизнинг битта лангаримиз борки, агар ўзимиз хоҳламасак, ҳеч қачон ундан йиқилмаймиз: бу бизнинг бурчимиз”.

* * *

“Агар интилиш соф кўнгилдан чиқса, ҳарқалай, чалароқ қолиб, аниқ нишонга тегмаса ҳам жуда катта фойда келтириши мумкин”.

* * *

“Ким буюк мақсадга интилса, ўзини ўйламаслиги зарур”.

(И. Тургенев)

* * *

“Ўзига хослик ва ўз қадрини билиш фақат меҳнат ва кураш билан қўлга киритилади”.

* * *

“Бурчдан воз кечиб ва ўз вазифасини тан олмаган ҳолда, яна ўзи учун ҳамма ҳуқуқларни талаб қилиш тўнғизликдан бошқа нарса эмас”.

* * *

“Чинакам ғайрат соҳиби йўлга чиқиши биланоқ рўпарасида дарҳол шу қадар кўп ишларни кўрадики, охир-оқибат бошқаларнинг ишламаётганидан ҳам шикоят қилмайди, нимадир бир иш топиб, нимадир қилишга ҳам улгуради”.

* * *

“Ҳаракатсиз бахт бўлмас”. (Ф. Достоевский)

* * *

“Текинхўрларни йўқ қилиш ва меҳнатни улуғлаш тарихнинг доимий анъанаси бўлиб келган”.

* * *

“Фақат меҳнатгина ҳаёт сафосини суриш ҳуқуқини беради”.

(А. Добролюбов)

* * *

“Одамзоднинг иродаси, меҳнати, ҳайратомуз ажойибот яратур!” (Н. Некрасов)

* * *

“Шундай шароитда яшаш керакки, меҳнат заруратга айлانسин. Меҳнатсиз соф ва қувноқ ҳаёт бўлиши мумкин эмас”.

“Инсон ким бўлишидан қатъи назар, меҳнат қилиши, терга ботиб ишлаши керак, унинг яшашдан мақсади, бахти ва ҳаяжонлари ҳам айна шу меҳнатда мужассамлашган”.

“Ўзингиздан: “Жиддий иш билан шуғулланиш биланми ёки бўлмағур иш биланми?” – деб сўрашингиз ҳеч қачон кечмас”.

“Ишни унинг мақсади бошқариб туради; буюк мақсадга қаратилган иш буюк иш деб ҳисобланади... Ишларингни тезроқ бажар, ер юзида ҳали қилинадиган ишлар кўп”.

“Совуққонлик қалбнинг фалажлиги, бевақт ўлимдир”.

“Бекорчи ҳаёт мусаффо бўлолмайди... Меҳнат билан қўлга киритилган оромдан лаззатлиси йўқ”. (А. Чехов)

“Қилаётган ишингизга юрак кўрингизни қўшинг; лекин аввало унинг эзгу иш эканлигига ишонч ҳосил қилинг... Иш меҳр билан бажарилган тақдирдагина уни яхши деб баҳолаш мумкин”.

“Ишларингизнинг натижасига бошқалар баҳо беради; фақат қалбингизнинг тоза ва ҳалол бўлишига ҳаракат қилинг.

(Ж. Рескин)

“Ишни муҳим деб билсанг, уни тўғри бажарасан”. (Плавт)

“Имкон қидирадиган инсон нур йўқ ерда нурни кўра олади. Аммо имкон қидирмайдиган инсон уни сўндиришга ҳаракат қилади”. (М. Перри)

“Инсонлар орасида жудаям кичик бўлган бир фарқ бор, аммо кичик фарқ катта фарқни келтириб чиқаради. Катта фарқ эса биздаги имконият ва имконсизликдир”. (К. Стон)

* * *

“Қаердаки лоқайдлик – у ерда хато, совуққонлик – у ерда жиноят бор... Ўртамиёна одам ҳукмрон фикр ва ҳукмрон расм-русумга ҳар доим мослаша олади, у нарсаларнинг ҳозирги ҳолатини ягона тўғри ҳолат деб ҳисоблайди ва ҳамма нарсага лоқайд қарайди”. (Г. Лихтенберг)

* * *

“Танлаган нарсангиз айти пайтда сизники бўлишини хоҳлайди. Унга эришиш учун ҳаракатни бошлаш лозим”. (Ж. Конфиэльд)

* * *

“Ёшим ўтган сари инсонларнинг айтганларига унча аҳамият бермаяпман. Бажарган амалларига разм солмоқдаман”.
(А. Карнеге)

* * *

“Одатда омадли ва омадсиз инсонлар ўртасидаги фарқ – бирининг энг иқтидорли ёхуд энг яхши ғоялари бўлиши эмас, аксинча, инсоннинг мақсадларига ишонч билан қараши ва диққат билан таваккал қилиб ҳаракатланишидир”. (М. Малтз)

* * *

“Энг катта хатолардан бири ҳеч нарса қилмасликдир”.
(С. Смит)

* * *

“Муҳими, қадамларни катта ташлаш эмас, балки қай тариқа ташлашдир”.

* * *

“Меҳнатсевар қалб доимо ўз касби билан машғул бўлмоғи лозим, бинобарин, танага бадантарбия зарур бўлганидек, унга ҳам сурункалик машқ ҳаётбахш таъсир кўрсатади”.

* * *

“Ҳамма ёмонликнинг илдизи бекорчиликда”. (А. Суворов)

* * *

“Бутун умрим давомида ишни севган ва ишлашни билган одамларнигина чинакам қаҳрамон, деб билганман”.

“Маданият юксаклиги доимо тўғридан-тўғри меҳнатга бўлган муҳаббатга боғлиқдир”.

“Қилаётган ишингни севишинг керак, ана шунда меҳнат – хатто энг оғир меҳнат ҳам – ижодга айланади”.

“Ишни сўзга айлантиришдан кўра, сўзни ишга айлантириш анча қийин”.

“Ўзингни аяма, бу ер юзидаги энг танти, энг гўзал донишмандликдир. Яшасин, ўзини аямайдиган инсон!”

“Эртага нима иш қилишини билмайдиган одам бахтсиздир”.

“Иш қайсар ва кучли ҳайвондек гап, уни усталик билан бошқариш керак, жilовини яхши тутмасанг, сени енгиб қўяди”.

“Совуққонлик – ким кучли бўлса ўшани, ким ҳукмронлик қилаётган бўлса ўшани индамай қўллаб-қувватлашдир... Совуққон бўлманг, чунки совуққонлик инсон қалбини маҳв этиши мумкин”.

“Ҳаёт шу даражада чалкаш яратилганки, нафратланмай туриб чинакамига севиб бўлмайди”.

“*Ҳаётнинг* маъноси орзу-ниятлар сари интилишнинг гўзаллиги ва қудратидадир, шунинг учун тирикликнинг ҳар дақиқаси ўзининг юксак мақсадига эга бўлиши керак”.

“Меҳнат жараёнига асосланган билимдан ўткирроқ қурол йўқ... Одамларнинг ижтимоий маданий юксалиши, қачонки қўл мияни ўргатган, сўнгра теранлашган мия яна қўлни ўргатиб, миянинг ўсишига кучлироқ таъсир кўрсатган ҳолдагина тўғри бўлиши мумкин”. (М. Горкий)

“Маданият қанчалик юксак бўлса, меҳнат шунчалик юксак қадрланади”. (В. Рошер)

“Меҳнат бизнинг замонда буюк ҳуқуқ ва буюк бурчдир”.

“Келажак бундан буён икки хил тоифа кишилар: ақлий фикр кишиси ва меҳнат кишиси қўлидадир. Аслида улар бир бутунликни ташкил этади, зеро фикрлаш меҳнат қилиш демакдир”.

“Бурчига содиқлик шахсий манфаатлардан воз кечишни талаб қилади”.

“Буюк қалб эгасининг қарийб бутун сир-асрори қатъият деган сўздадир. Қатъият мардлик учун ғилдиракнинг ўқидек гап; бу таянч нуқтасининг тўхтовсиз янгиланиб туришидир”.

“Ҳаётимиз – саёҳат, ғоя эса – йўлчи юлдуз. Йўлчи юлдуз бўлмаса, ҳаммаси тўхтайди-қолади. Мақсад бой берилса, куч гўё мутлақо бўлмагандек”.

“Ялқовлик – она. Унинг ўғли –ўғирлик ва қизи эса очликдир”.
(В. Гюго)

Меҳнатсеварлик кундалик ҳаётий юмушларда ҳар қандай буюк ақл эгаси қила оладиган ва шу билан бирга у қила олмайдиган кўпгина ишларга ҳам қодирдир”. (Г. Бичер)

“Ҳамма нарса меҳнат шарофатидандир. Ҳамма нарса – инсон меҳнатидан, тарихнинг шиори шу”.

“Сухбат ва сўзлар ҳам керак, лекин улар муқаддима холос, ҳаётнинг том маъноси меҳнатдадир, сўздан ишга ўтишда, уларни бир-бири уйғунлаштира билишдадир”.

(Д. Менделеев)

* * *

“Фаолият қандай бўлишидан қатъи назар, аммо кўникма ва у орқали қўлга киритилган ишлаш қобилияти буюк ютуқдир. Қиладиган иши бўлмаган вақтида ҳам қўл қовуштириб ўтирмаган одам пайти келиши ҳамоно фаол ҳаракат қила олади... Меҳнат одамни юксакликка кўтаради”.

* * *

“Ҳеч нарса қилмаслик яшамасликдир... Кимки юрагида ҳаёт манбаи, яъни жонли фаолият манбаини жо этиб юрмас экан, кимки ўзига ишонмас экан, у доимо ҳамма нарсани ташқаридан ва тасодифлардан кутади”.

* * *

“Фақат меҳнатгина одамнинг қалбига, мутаносиблик ва ўз-ўзидан қаноат туйғусини олиб кириб, уни бахтиёр қилади”.

* * *

“Эҳтирос ҳаёт сурури ва безагидир, лекин қалбда ирода бўлмаса эҳтиросдан не фойда”.

* * *

“Мақсадсиз фаолият йўқ, манфаатсиз мақсад йўқ, фаолиятсиз эса ҳаёт йўқ. Манфаатлар, мақсадлар ва фаолият манбаи – ижтимоий ҳаёт пойдеворидир”. (В. Белинский)

* * *

“Ҳеч бир миллат токи ер ҳайдаш ҳам – дoston ёзишдек муносиб иш эканлигини тушуниб етмас экан, у юксакликка кўтарилолмади”.

* * *

“Муваффақиятни киши ҳаётда эришган мавқе билан эмас, балки ўша муваффақиятни қўлга кирита туриб, у қандай тўсиқларни енгиб ўтгани билан ўлчаш керак”. (Б. Вашингтон)

* * *

“Эҳтирослар осойишталик душманидир, лекин эҳтиросларсиз на санъат, на илм-фан равнақ топади ва ҳар ким ўз исқиртликлари ичида думалаб, мудраб ётган бўлар эди... Кучли эҳтиросларга ошно бўлинг, уларни ўстириб, улар билан ўзингиз ҳам униб-ўсинг. Кейинроқ шу эҳтиросларингизни ўзингизга бўйсундирганингиздан сўнг эҳтиросларингизнинг кучи сизнинг кучингизга, улғуворлиги – сизнинг ҳусну савлатингизга айланади. Эҳтирослар инсоннинг маънавий бойлигидир”. (А. Франс)

“Меҳнат чинакам олижанобликнинг ягона унвонидир”.

“Инсон ўз кучини қайта тикламоқ мақсадидагина тунги ором учун тўхтамоғи даркор. Тўхтаб қолган ҳаёт эса ўлим билан баробар”. (Р. Роллан)

“Агарда хоҳиш бўлмаса, ҳар қандай иш ҳам оғир, самарали чиқиши ва муҳимлигига тўла ишониб киришган ҳар қандай ишимиз эса енгил кўчади”.

“Эҳтирос ёрдамисиз тарихда бирон-бир муаззам қадам босилмаган, эҳтирос маънавий кучларини чандон ошириб, арбобларнинг ақлий қобилиятини чархлайди, эҳтироснинг ўзи буюк тараққийпарвар кучга эга”. (Г. Плеханов)

“Жисмоний меҳнат маълум шароитларда “мушакларнинг шодлиги”га айланади”.

“Ҳақиқий эҳтирос ва меҳр бўлмаса, ҳар қандай иш ҳам юришмайди”.

“Ҳар сафар қийин ишни бошлашдан олдин шошма, ишга қараб, вақтни қўйиб бер, шу қийин ишга киришишда ўйламай, ҳовлиқиб қадам босма, ўзингни унга яхшилаб сафарбар эт”.

“Ҳар бир ишда, энг муҳими, ишлагингиз келмай қолган пайтни енга олишингиздир”.

“Умрим бўйи ақлий ва жисмоний меҳнатни яхши кўриб келганман ва яхши кўраман ҳам, ҳатто жисмоний меҳнатни кўпроқ яхши кўраман... Жисмоний меҳнат олий асаб фаолияти бузилган тақдирда энг катта даво бўлиб хизмат қилади”. (И. Павлов)

“Ҳаётда энг асосийси меҳнатдир. Ҳамма касофатлардан, ҳамма қийинчиликлардан фақат бир йўл – меҳнат билан қутулиш мумкин”. (Э. Хемэнгуэй)

“Жамият амалда исботланган фазилатларнигина эътироф этади ва ҳурматлайди... Кимда-ким ўз баҳосини аниқ билмоқчи бўлса, уни фақат халқдан билиши мумкин, бинобарин, ўзини халқ ҳукмига ҳавола қилиши керак”.

“Эҳтирослар бизни адаштиради, чунки улар бутун диққатимизни кўз ўнгимиздаги нарсанинг бир томонига қаратади-ю, уни ҳар томонлама тадқиқ қилишимизга йўл қўймайди”.

(К. Гелвеций)

“Бурчингни унутма, у ягона дил навосидир. Бурчсиз ҳаёт ҳам, эҳтирос ҳам йўқ”. (А. Блок)

“Илгарилари табиати бой мамлакатлар энг бадавлат мамлакатлар ҳисобланарди; эндиликда одамлари ғайратли бўлган мамлакатлар – бадавлат ҳисобланади”. (К. Бокл)

460

“Ҳаёт ва фаолият аланга ва ёруғлик сингари ўзаро маҳкам боғлангандир”. (Ф. Глинка)

“Ҳар бир одамга муайян бир фаолият тури ҳамроҳ бўлади, бу фаолият уни жамият учун фойдали кишига айлантиради ва айни пайтда унга бахт келтиради”.

(М. Баррес)

“Йирик муваффақият аввал назарда тугилган ва пухта ўйланган беҳисоб майда-чуйдалардан ташкил топади”.

“Кучли эҳтирослар тагида кўпинча бўш ирода яширинган бўлади... Эҳтирослар одатий тусга айланса – иллатга ёки одатга қаршилиқ кўрсатса – эзгуликка айланади”.

“Фақат мақсадга етолмаганигина эмас, балки беш қўлни ба-равар оғизга тикқанни ҳам мақсадсиз дея ҳисоблаш керак”.

“Улуғ ғоя ҳам ярамас мухитда бузилиб, қатор бемаънили-
қларга айланиб кетади”. (В. Ключевский)

“Шахсий меҳнатсиз одам олға кетолмайди, бир жойда тўхтаб
ҳам туролмайди, лекин ортга кетиши аниқ”. (К. Ушинский)

“Лоқайдлик ва дангасалик – жон ва таннинг ҳақиқий музла-
шидир”. (В. Белинский)

“Борди-ю, ҳаддан ташқари ўзбилармонликка берилиб, би-
ринчи мартадаёқ жуда кўп қўшимча маълумотлар, фикр билди-
ришда ақл етуклиги ва ҳаёт тажрибаси талаб қилинадиган ишда
ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган одам, энг ноёб истеъдод эгаси
бўлса ҳам, осонгина ўзини шарманда қилиб қўяди”.

“Маънавий бойлигингиз қанчалик мустаҳкам бўлса, фикринг-
гиз, сўзингиз, ишингиз ҳам ўзаро шунчалик чамбарчас боғланиб
кетган бўлади”. (Н. Пирогов)

“Фақат ички, маънавий, оромбахш меҳнат кучигина инсон
қадр-қимматининг, шу билан бирга ахлоқий поклик ва бахтиёр-
ликнинг манбаи бўлиб хизмат қилади”.

“Агар сиз ишни ўринли танлай билсангиз ва унга ўзингизни,
бутун қалбингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни қидириб
топади”.

“Инсоннинг барча истакларини қондиринг-у, лекин ундан
яшаш мақсадини олиб қўйинг-чи, қарабсизки, у нақадар бахтсиз
ва ожиз кимсага айланиб қолади”.

“Тарбия – фақат инсон зеҳнини ўстириш ва унга маъ-
лум ҳажмдаги билимни сингдиришигина эмас, балки у инсонда
меҳнатга том маънодаги чанқоқлик ҳиссини уйғотмоғи лозим,
бусиз одам ҳаётда на эътиборли ва на бахтиёр бўла олади”.

“Тарбия одамда меҳнатга кўникма ва меҳрни кучайтирмоғи лозим; у инсонга ҳаётда ўзига лойиқ иш топа билиш имкониятини бермоғи зарур... Агар интизом туйғуси меҳнат жараёнида тарбия топса, у ҳолда интизом ички эҳтиёжга айланади”.

(К. Ушинский)

“Менинг назаримда, ўз олдига юксак мақсад қўйган ва шу мақсад учун бор кучини фидо этган кишигина бахтли бўлмоғи мумкин”. (М. Нин)

“Инсон учун энг гўзал, энг қадрли нарса унинг ўз ҳаётидир. Ҳаёт эса ҳар томонлама, муттасил меҳнат билан барқарордир. Инсон меҳнати тўхтаса борми – унинг ҳаёти ҳам тўхтади”.

(Г. Жанов)

“Ҳар доим ўз севган иши билан машғул бўлиш инсоннинг нодир бахтидир”. (В. Немирович)

462

“Ютуқ аксарият дадил ҳаракат қилгувчиларга насиб этади, журъатсиз, ҳадеб оқибатини ўйлайверадиган кишиларнинг эса иши чаппасидан кетади”.

“Бизнинг асосий камчилигимиз шундаки, биз ишдан кўра кўпроқ муҳокама қилишга берилиб кетамиз”. (Ж. Неру)

“Нимаики меҳнатсиз, ўнгай орттирилган бўлса, у ҳарқалай шубҳа қилишга арзийдиган омонат бойликдир”. (Л. Леонов)

“Меҳнат одамда ижодий куч уйғотади... Меҳнат ижодга айланган жойда, табиийки, ўлим даҳшати ҳатто физиологик жиҳатдан ҳам йўқ бўлиб кетади”.

“Баъзилар: “Мен ҳеч нима қила олмайман”, дейдилар. Бу жуда чуқур хато. Одам ҳеч нима қилмай тура олмайди; одам-

нинг руҳияти ҳам ва бошқа шу кабилар ҳам бунга қарши тугён кўтаради, унда одам ҳалок бўлади... айна бекорчиликдан(!) ҳалок бўлади... Ҳамма иллатлардан энг ёмони бекорчиликдир”.

(А. Толстой)

“Дангаса ва ақлсизлар халқ фаровонлигининг кушандаси”.

(А. Блок)

“Бекор юриш – иллатнинг онаси, ғурбатнинг маконидир”.

(Д. Верас)

Донолар бисотидан:

“Ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар: зорлик ва бадбахтлик. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби балоларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади”.

Бир ялқов иккинчисига дебди:

– Фил бўлгим келяпти: хартуми билан овқатни олиб, шошилмай ейди. Хартумини қаёққа узатса ҳам етади.

– Бўлмайди,-деди иккинчи ялқов,-илон бўлган яхши. Илон ётганича овқат еяверади...

Икки ялқов ётган жойга ўт тушди. Ўринларидан туриб қочишга ҳам эриндилар. Олов тили оёқларига етганида бири “Э Худо!” деб зорланиб қўйди. Иккинчиси шундай дейишга ҳам эриниб, шеригидан илтимос қилди: “Мен учун ҳам “Худо” деб қўйгин...”

“Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик – муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Ҳа, бу касаллик танбалликнинг ҳосилидир. Хасталикнинг оқибати нима бўлиши эса маълум: агар ўхшатиш қўпол туюлмаса – танбаллик ўлимнинг бир туридир. Инсон бу ўлим туфайли ҳамма нарсани йўқотади. Ялқовлик – эрксизликдир. Киши инсонларга юк бўлган куни эркини йўқотади. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маъюс яшаши шу ялқовлик, ғайратсизлик натижасидир. Ҳақиқат шуки, ҳали ҳеч ким муваффақият нарвонига қўлини чўнтагига суқиб

чикмаган. Танбаллик ҳеч бир одамга фазилат эмас, лекин олим ва илм толиби дангасалик қилса янада хунук”.

“Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт сира ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бу юртни истаганларича талайдилар, топтайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради. Фақат Ватани эмас, жонидан ҳам маҳрум бўлади. Роҳати, тинчлиги, эрки, ҳурмати, осойишталиги бир тийинга ҳам арзимас бўлади”.

Масал:

Бир бойнинг икки кўппаги бор эди. Бирини уйни кўриқлашга, иккинчисини овга ўргатган эди. Бой уйга кириши билан уйни кўриқлашга ўргатган кўппаги думини ликилладиб унга пешвоз чиқарди. Бой уни эркалатарди. Овдан олиб келган ўлжалари билан сийларди. Бунга овчи итнинг жаҳли чиқарди. Бир куни у уй кўппагига деди:

– Менга қара! Бу ўлжанинг кетидан югурган, сувдан олиб чиққан менман-ку? Сен эса мен тутган ўлжани уялмасдан еясан-а!

– Менга нима учун даъво қиласан, – деди уй кўппаги. – Сен бу арзингни хўжайинга айт. Мени тайёр овқатга ўргатган у эмасми?

Қиссадан ҳисса: болаларни танбал қиладиган ҳам, ишчанликка ўргатадиган ҳам ота ва она! Шундай экан, уларнинг ўзлари фарзандларига ўртак бўлишлари, танбалликдан қочиш хусусида бетўхтов равишда насиҳатлар қилишлари, ҳамиша яхшиликка, меҳнатсеварликка бошлашлари зарур. Болаларини ҳунар ўрганишга қизиқтириш, билимли бўлишга ундаш зиммаларидаги бурч эканини унутмасликлари керак. Танбалликнинг охири надомат эканини унутиб, болаларини дангаса, тайёр ейишга ўргатган оталар ва оналар, шубҳасиз, фарзандларига энг катта ёмонлик қилган, ҳатто уларни ўлимга маҳкум этган бўладилар.

“Танбаллик орни ўлдиради”, деган ҳикматга кўра, ялқов ва беор одамни тирик мурда деб аташ мумкинми? Танбаллик ёмон ахлоқни вужудга келтиради”.

“Ғайратли одам инсониятга хизмат қилади, ғайратсиз танбал эса инсониятга юқдир. Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам доимо ҳурматда, танбал одам бой бўлса ҳам, доимо беобрўдир”.

“Наф келтирувчи киши ўғилдан ҳам яхши бўлиши мумкин. Беҳуда ишлар билан банд бўладиган ўғил эса ёвдан ҳам ёмон”.

Ривоят:

Бир одамнинг битта оти ва икки ити бор эди. Итлар оч қолишиб, зорланиб ўтиришганида от: “Нега бунча қайғули кўринасиз?” деб улардан ҳол сўради. Итлар отга маъюс боққанларича ҳасратларини бошладилар:

– Аҳволимиз чатоқ, очлик туфайли ўлар ҳолга келдик. Хўжайинимиз бизга яхши илтифот қилмайди, берган сарқитига қорнимиз тўймайди. Овқат талабида ёнига яқинлашамиз десак, болалари тепиб ҳайдашади. Бундан алам қилиб, тоққа чиқиб кетган эдик. Йўлда ҳаво айниб, селга дуч келдик. Мана, титраб-қақшаб, аввалгидан ҳам баттар ҳолда жойимизга қайтдик. Бахтсиз эканмиз, энди зорланишдан бўлак иложимиз қолмади.

От уларнинг сўзларини тинглагач, деди:

– Э дўстларим! Иззат ва саодатни фақат бахт-толедан кутиб, ишламасдан ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир. Сизлар кунда бир эринибгина хуриб қўйиш билан чекланмай, менга ўхшаб ишлаганингизда эди, хўжайинимиз мени яхши тўйдиргани каби сизларни ҳам сийлаган бўларди. Ҳеч ишламай, ялқов бўлиб ётиш ва ўтган-кетганга акиллашнинг фойдаси йўқ. Дунё иши – меҳнат уйдир.

“Саъй-ҳаракат инсонга шод-хуррамлик инъом этади. Ялқовлик, ишқмаслик эса маъюслик, умидсизликка туширади, жондан бездиради ва бир қанча кулфату машаққатларга гирифтор қилади”.

“Ҳаракат қилмаган киши танбал бўлиб қолади. Танбал киши эса бекорчи гаплар билан машғул бўлади. Чунки бекор юриш – иллатларнинг онаси, ғурбатларнинг маконидир. Бекорчи гаплардан эса турли миш-мишлар, иғволар туғилади. Миш-миш-

лар тарқалган жойда эса дўст – душманга, душман эса думи босиб олинган илонга айланади.

* * *

Ривоят:

Бир дехқон ўлими олдидан болаларини йиғиб деди:

– Болаларим! Бу дунё фонийдир, ҳар бир тирик жон ўлади. Мен ҳам ўляпман. Сизга васиятим шуки, даламизга бир хазина кўмиб қўйганман, вафотимдан сўнг уни қидириб топинглар. Далани ҳеч қачон сотманглар.

Фарзандлар оталари жанозасини ўтказишгач, далага отландилар. Хазинани қидириб, далани кавлаб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса топмадилар. Жуда маъюсландилар. Кейин далани текислаб, буғдой уруғи сепдилар. Ер мўл ҳосил берди. Болалар буғдойни сотишиб, олтинларни ўзаро бўлишдилар. Шундагина оталарининг васиятларидаги хазина ҳақидаги гапнинг маъносини англадилар. “Хазина кўмиб қўйдим” деган гапи замирига – далага яхшилаб ишлов берсангиз, барака топасиз, хазинага меҳнат орқали эришилади, деган ҳикмат яширинган экан.

* * *

466

“Меҳнатга ўрганган одам саодатга эришади. Чунки меҳнат билан банд одамнинг ёмонлик қилишга вақти қолмайди. Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, ақл ва зеҳннинг ортиши. Меҳнат инсонни уч балодан асрайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузуқликдан, муҳтожликдан. Меҳнат меҳмон бўлмаган ер ҳеч қачон бахт-саодат ўрни бўла олмайди. Инсон меҳнатдан тўхтаса, камолотдан ҳам тўхтади. Чунки камолот саройининг пойдевори ҳам, девори ҳам меҳнатдир. Меҳнат ҳосили билан яшаган инсон ўз эркига ҳоким, юлғичлик билан бойлик тўплаган хасис эса ўз иқболига золим. Ҳикмат аҳли айтганидек, вужудимиз – ерники, шарафли ишларимиз – элники!”

* * *

Ривоят:

Бир темирчи тиним билмасдан кечаю кундуз ишлар эди. У баҳорнинг нафис гулларига бурканган водийларни, шаршараларни кўрмас эди. Бир куни дўсти келиб, баҳор гўзалликларини таъриф қила кетди. Шунда темирчи унга деди:

– Дўстим, гарчи бу дунёда жаннатдай гўзал жойлар кўп бўлса-да, лекин ишимни чала қўйиб кетсам, ўша жаннатмакон жойлар гўзаллиги менга татимайди.

* * *

“Ишлаш саодатдир. Инсон қанча ишласа, бу булоқдан шунча ичиб, шифо топаверади”.

* * *

“Дунёнинг тамали меҳнат асосига қурилган. Бу бир суннати илоҳийдир. Буни беҳуда деб билганлар залолатга, бу йўлдан юрганлар эса саодатга юз бурадилар. Меҳнат ҳаёт чироғига мой қуяди, тафаккур эса уни ёритади. Бу ҳикматни ёшлар унутмасалар, ишлари ўнгидан келаверади: “Ишла болам, қарилик сендан “ёшлигинг қаерда эди?” деб сўрайди”.

* * *

“Ҳар қандай меҳнатнинг зийнати ҳунардир. Ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма”.

* * *

Ҳорун ар-Рашидга тобе шаҳарлардан бирининг ҳукмдори шундай ҳикоя қилган:

– Отам ҳар вақт мени ҳунар ўрганишга тарғиб қилиб: “Ўғлим, ёшлигингни ғанимат билиб, ҳунар ўрган, мансаб ва давлатингга ишонма, бир кун буларинг қўлдан кетиши мумкин, бироқ ҳунар доимо сен билан бирга бўлади, сени ҳеч бир муҳтожликка туширмайди”, – деб насиҳат қилардилар. Мен отамнинг насиҳатларини жону дилим билан қабул қилиб, ҳунар ўрганишга бел боғладим. Ҳунарлар орасида гилам тўқиш менга хуш ёқди. Энг моҳир гилам тўқувчига шогирд тушиб, бу ҳунарнинг нозик сир-асрорини пухта эгалладим.

Отамнинг вафотларидан кейин Ҳорун ар-Рашид шаҳарга мени ҳукмдор қилди. Орадан кўп ўтмай, икки йўлдошим билан Бағдод сари йўлга чиқдик. Бир неча кун сафар ранжини тортиб пойтахтга доҳил бўлдик. Қорнимиз оч эди. Жуда зийнатланган ва озода бир емакхонага кирдик. Емакхона соҳиби бизни кўрган замони дарҳол ёнимизга келиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, айтди:

– Сизлар бошқа шаҳардан келган обрўли кишиларга ўхшайсизлар, бозорда овқатланиш сизлар учун айбдир. Шу яқин орада бир озода жойимиз бор, сизларга ўша емакхонада таомланиш ярашади.

Биз унинг таклифини қабул қилдик. Хизматчиси бизни айтилган шинам уйга бошлаб борди-да: “Пича ўтира туринглар, ҳозир таом келтираман”, деб эшикни беркитди. У кетиши билан биз ўтирган уй иккига ажралиб, барчамиз ертўлага тушиб кетдик. Ўзимизга келишга улгурмай туриб, уй яна асл ҳолига қайт-

ди. Бир оздан кейин ертўла эшиги очилиб, пичоқ ушлаган икки хизматкор пайдо бўлди. Жонимиздан умидимизни уздик. Бизни йўлдан урган емакхона эгаси одамларни алдаб бу ерга келтираркан-да, сўйиб, гўштини таомга солар экан. Шу топда бошимга бир фикр келиб дедимки:

– Биз моҳир гилам тўқувчилармиз, бизларни ўлдиришдан фойда кам. Бошлигингизга чиқиб айтинг, керакли нарсаларни етказса, ажойиб гиламлар тўқиб беражакмиз.

Таклифим маъкул келиб, эртасигаёқ айтган нарсаларимни муҳайё қилишди. Шерикларим кичикроқ ҳажмдаги гилам тўқишди, мен подшоҳга аталганини тўқишга киришдим. Иш ниҳоясига етгач, хўжайинга дедимки:

– Буни бозорга олиб чиқманг, бу гилам подшоҳ саройини бе-заши керак. Ҳорун ар-Рашидга тортиқ қилсангиз, кўп фойда оласиз.

Хўжайинга бу таклиф хуш ёқди. Ўша куниёқ гиламни кўтартириб, саройга равона бўлди. Хорун ар-Рашид гиламни қизиқиш билан кузатиб бурчагига тикилиб қолибди. Мен бу бурчакка гулларга мослаб, ўз муҳримни тўқиган эдим. Бизнинг Бағдод сари йўлга чиққанимиздан, сўнг изимиз йўқолганидан хабар топиб, нима қилишини билмаётган Хорун ар-Рашид бу муҳрни кўриб, бошимизга мусибат тушганини англабди-ю, емакхона хўжайинини ҳибсга олиб, сўроққа тутибди. Ҳунар шарофатидан ўзимнинг ва йўлдошларимнинг жони омон қолди...

Бўлса ғариб айрилибон шаҳридин,
Чекмағуси хорлиғ аҳли ҳунар.
Мамлакатидин агар ўлса жудо,
Ёнғуси оч подшоҳи баҳру бор.

“Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу ҳунардан қимматроқ мато йўқ ва улуғлик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Ҳунар суви билан суғорилмаган киши гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан холи гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб, лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майдан бир журъат топмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, хумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юқини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу ҳунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш

кишилари деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаб-
бати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу ҳунарсиз
кишига ёрдам қўлини чўзмайди”.

* * *

“Ким ўз қўлидан келадиган ишни ташлаб, қўлидан келмай-
диган бир ишга ёпишса, албатта муваффақиятсизликка учраб,
расво бўлади. Кейинги пушаймони ёрдам бермайди. Дейдилар-
ки, ҳунар ёддан чиқмаса-да, лекин нозик томонлари унутилади.
Инсон ўз ишини яхшилаб ўрганиб, уни ҳеч қачон қўлдан бермас-
лиги керак. Бўлмағур хаёлларга берилиб, шохдан-шоҳга қўнмас-
лиги, ҳар қандай гулнинг гўзаллигига учавермаслиги керак”.

* * *

Одатдан ташқари ажойиб ҳунар кўрсатишга қодир эканини
даъво қилган бир кишини подшоҳ ҳузурига олиб келишди. У
киши ёнидан бир қутича игна олди. Бир жуволдизни бир устунга
қадади. Кейин сал нарига тисарилиб, игналарни жуволдиз кў-
зидан отиб чиқара бошлади. Хунарини кўрсатиб бўлгач, таъзим
қилди. Подшоҳ бу ҳунари эвазига юз олтин бериб, орқасига юз
қамчи уришни буюрди. Сарой аҳли бундан ажабланган эди, под-
шоҳ тушунтирди:

• – Бу одам жуда зўр истеъдод ва қобилиятга эга, лекин уни
фойдасиз ўринларга сарф қилади. Хунарини тақдирлаб, юз ол-
тин беришга, истеъдодни фойдасиз нарсаларга исроф қилгани
учун юз қамчи уришга буюрдим, токи бундан кейин истеъдоди-
ни халқ, юрт манфаати йўлида сарф этсин.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Йигит кишига етмиш ҳунар оз.
- * Ҳунар доно билимдан афзал.
- * Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг.
- * Пул йўқ, деб қайғурма, иш йўқ, деб қайғур.
- * Эркакнинг бекорчилиги – ғафлат, аёлнинг бекорчилиги – шаҳват.
- * Ғайрати бор одамни эр дегил, ғайрати йўқни қаро ер дегил.
- * Ёшликда ўрганган ҳунар – ўзингга ўлжага қолар.
- * Ҳунарли эр хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас.
- * Ҳунари йўқ кишининг – мазаси йўқ ишининг.
- * Вақтинг қўлдан кетмасдан кўп ҳунарни билиб ол,
Ёшлик бекор ўтмасдан элга хизмат қилиб қол.
- * Ақл кўпга етказар, ҳунар кўкка етказар.
- * Текин бойлик ахтаргунча ўзингга боп ҳунар топ.
- * Қимирлаган қир ошар.
- * Нон емоқчи бўлсанг ўтин ташишдан эринма.
- * Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.
- * Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати кўп.
- * Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан – душман.
- * Кўз ёши тўкиб ариқ қазисанг, кулиб-кулиб сув ичасан.
- * Олтин – ўтда, одам – меҳнатда синалади.
- * Аҳмоқнинг кулгиси кўп, дангасанинг – уйқуси.
- * Бахт ялқовга бегона.
- * Бекор ўтиргандан бекор ишла.
- * Бекорчидан Худо безор.
- * Бекорчининг бети йўқ, қозон осар эти йўқ.
- * Бекорчининг ҳунари – ғийбат.
- * Беташвиш бош қайда, меҳнатсиз ош қайда?
- * Бирни биров беради, кўпни – меҳнат.
- * Бировнинг бергани – кўргилик, меҳнатнинг бергани – тўйгулик.
- * Бор-бор – ишда бор, ишламаган нонга зор.
- * Бўлса ҳамки қўриқ ер, ҳосил берар, тўксанг тер.
- * Гап билан ош пишмас.
- * Гап билгунча иш бил.
- * Гап десанг – қоп-қоп, иш десанг – Аштархондан топ.
- * Дангасага булут сояси ҳам юк.
- * Дангасага иш буюрсанг сенга ақл ўргатар.
- * Дангасага остона тепа бўлиб кўринар.
- * Дангасанинг важи кўп, оҳангсизнинг – авжи.
- * Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам, киши битмас.
- * Дангасанинг саратонда кўли совқотар.
- * Дангасанинг ғайрати иш битганда кўзир.

- * Доно – бир жойда, дангаса – ҳар жойда.
- * Тоққа чиқмасанг – дўлона қайда, жон куйдирмасанг – жонона қайда.
- * Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси – меҳнат.
- * Ер – она, сув – ота, меҳнат – бойлик.
- * Ер – хазина, меҳнат – калит.
- * Ер қазимасанг олтин чиқмас, қармоқ солмасанг – балиқ.
- * Ёз бор, қиш бор, дангасага на иш бор?
- * Ётиб еганга тоғ чидамас.
- * Иш билан қишнинг мушкули битар.
- * Иш битар бўлса, ҳайбаракаллачи кўпаяр.
- * Иш деса – айёр, ош бўлса – тайёр.
- * Иш деса, оғрир ошиқ-мошиғим.
Ош деса, тайёр катта қошиғим.
- * Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.
- * Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.
- * Ишдан қўрқмаган қишдан қўрқмас.
- * Иши борга бир кун ҳайит, иши йўққа – ҳар кун ҳайит.
- * Иши йўқ эшак ҳуркитар.
- * Ишлаган ерни яшнатар, ишламаган – қақшатар.
- * Ишлаган ош тишлар, ишламаган – тош.
- * Ишланмаган ишга шайтон қулар.
- * Ишсиз ҳайвон ҳам зерикар.
- * Йигит деган эр бўлар, меҳнат кўрса – шер бўлар.
- * Киндик қонинг тўкилган жойда жонинг бор,
Меҳнат қилган ерда молинг бор.
- * Кумушдек тер тўксанг, гавҳардек дур оласан.
- * Машаққатсиз бахт келмас, меҳнатсиз тахт келмас.
- * Меҳнат товоқни тўлдирар, миннат тоғни куйдирар.
- * Меҳнатнинг кўзини топган, бойликнинг ўзини топар.
- * Меҳнатнинг нони мазали, ўғрининг умри – азали.
- * Меҳнатнинг нони ширин, ялқовнинг жони ширин.
- * Меҳнатсиз эт емайди, бит ейди.
- * Мол боққаннинг молига боқ, боқмаганнинг – ҳолига.
- * Нодон ва ялқов – душман учун катта ов.
- * Оёғинг тап-тап этмаса, оғзинг шап-шап этмайди.
- * Сансолар-у мансолар, отга емни ким солар?
- * Сепган хирмон қилур, сепмаган – армон.
- * Тек турганга шайтон товоқ тутқазар.
- * Тиришқоқнинг тери чиққунча иш ёқмаснинг жони чиқар.
- * Чарх йигирсам – пул бўлар, бошим даста гул бўлар.
Яхши-яхши йигитлар эшигимда қул бўлар.

- * “Шаф”-“шаф” деган билан шафтоли оғизга тушмас.
- * Ғайратсиз итдан ёмон, ит тугул битдан ёмон.
- * Эринчоқ қизни эрга бер, эр олмаса – ерга бер.
- * Эринчоқни эр олмас, эр олса ҳам кўп қолмас.
- * Эринчоқнинг оғзини ит ялар.
- * Юки енгил эшак ётоғон бўлар.
- * Ялқов асли қуш бўлмас, қуш бўлса ҳам, уча олмас.
- * Ялқов бўлса ўғлонинг – ердан нон термас,
Абжир бўлса ўғлонинг – чўлдан дон терар.
- * Ялқов хотинга – бўла баҳона.
- * Ялқовнинг мақтаниши иш бошига боргунча.
- * Беҳунарнинг ҳунари – ялқовлик.
- * Ўтлоқда бедана кўп, дангасада – баҳона.
- * Ғайрат этган тоғни кесар, ғайрат темир арқонни узар.
- * Ҳар кунги ваъдабозликдан бир кунги жонбозлик яхши.
- * Доимо ҳаракатда бўлган чумоли ётган танбал бир ҳўкиздан кўп иш бажаради. *(Мексика мақоли)*
- * Ҳеч ким тоғларга қоқилиб тушмайди. Майда нарсалар мувозанатингизни бузади. Йўлингиздаги кичик нарсалардан ўтинг ва тоғни босиб ўтганингизни кўрасиз.
- * Тоғни ўрнидан кўзғотган одам ишни майда тошларни олишдан бошлайди.
- * Айб кудуқнинг чуқурлигида эмас, балки арқоннинг калталигидадир.
- * Қайғу ва ғам қушлари бошинг узра учиб юради. Сен уларни ўзгартира олмайсан. Аммо сочларинг орасидан ўзларига уя қуришларига тўсиқ бўла оласан.
- * Агар келажакнингизни кўришни истасангиз, бугунги қилган ишларингизга боқинг. *(Хитой мақоллари)*
- * Томчилаган сув тошни емиран, тошни емирган сувнинг кучи эмас, томчиларнинг давомийлигидир”. *(Италян мақоли)*
- * Ҳаракат қилмасдан обрўга эришиш кундуз кўрилган тушдир. Обрўга эга бўлмасдан ҳаракат қилиш эса алаҳсирашдир.
- * Етти марта йиқил, саккиз марта ўрнингдан тур. *(Япон мақоллари)*
- * Муваффақиятнинг ҳақиқий ўлчови бошқаларга қараганда қанчалар кучли эканингизда эмас, кечаги шартларингизнинг қаерида эканингиздадир. *(Ҳинд мақоли)*
- * Парвардигор бодомларни беради, аммо уларни чакмайди.
- * Аччиқни тотмаган, ширин нималигини билмайди. *(Немис мақоллари)*
- * Болға шишани чил-чил қилади, бироқ пўлатни янада тоблаяди. *(Рус мақоли)*

БУЗИЛГАН ЭЛНИ БОТИР ТУЗАТАР

“Фақат Аллоҳ зикр қилинганда қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигоригагина суюнадиган кишилар ҳақиқий мўминлардир”.

(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Анфол сурасидан)

“Билингки, Аллоҳ дўстларига қўрқув йўқдир. Улар маҳзун ҳам бўлмайдилар”. *(Худ сурасидан)*

“Сизлар Аллоҳнинг раҳматига эришишларингиз учун олдиларингиздаги дунё фитналаридан ва ортингиздаги охира азобидан қўрқинглар”. *(Ёсин сурасидан)*

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Мўмин банда икки хавф ўртасидадир. Биринчиси: ўтган гуноҳларидан қўрқадикки, уларни Аллоҳ таоло нима қилганини билмайди. Иккинчиси: умрининг қолган қисмида бошига нима ҳалокатлар келишини билмайди”.

Расулиллоҳ (с.а.в.) саҳобалари ҳамроҳлигида бир ерга кетаётганларида саҳобалар ўзаро ҳазил-мутойибалар қилишиб, кулишиб бораётган эдилар. Шунда Расулиллоҳ алайҳиссалом дедилар:

– Э асҳоб, қиёматда сизнинг боражак ерингиз дўзах оташидир. Нега кўп куласизлар?

Бу гапни айтишлари билан Жаброил алайҳиссалом тушиб келдилар ва дедиларки:

– Ё Расулаллоҳ! Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло марҳамат қилдики: “Нимага менинг бандаларимни қўрқитасан, уларнинг гуноҳини мағфират этувчи Рафуру Роҳиймдурман”.

“Ҳар кимки, Ҳақдан қўрқса, қўрқувдан ҳоли бўлур”.

(Ҳаким Термизий)

* * *

“Бир куни бир ҳақимдан: “Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми?” – деб сўрадилар. У эса: “Ботирлик тиғ бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиғсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиғ қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо!” – деб жавоб берди”.

* * *

“Юракнинг кучидан қўл куч олади, кимда юрак кучли – қўл ҳам кучлидир”. (*Абулбаракот Қодирий*)

* * *

“Ануширвоннинг ўғли Хурмуздин сўрадиларким: “Отангнинг вазирларидин на хато кўрдингким, оларни банд эттинг?” Хурмуз деди: “Ҳеч хато кўрганим йўқ, аммо билдимким, оларнинг кўнгулларида менинг ҳайбат ва салобатим бағоят кўбтур ва менинг аҳду паймонимга эътимодлари йўқтур. Ман кўрқдимким, ўзларининг жонлари хавфидин мани ўлтурмакка қасд этгайлар”. Қитъа:

Қўрқғил ҳар кимки сандин кўрқса,
Гарчи санда бор эрса юз онча зўр.
Айлагай бўлгон чоғи ожиз танинг,
Шерға чангал уруб кўзини кўр. (*“Гулистон”дан*)

* * *

“Мардлик билак кучида ва шамшир ўйнатиш санъатида эмас, мардлик ўзни тута билишда ва адолатли бўлишдадир”.

* * *

Подшоҳнинг вазири шайх Зуннуни Мисрийнинг олдига келиб, деди: “Оқшом ва кундуз султоннинг хизматига машғул бўлиб, лутфидин умидвор ва укубатидин хавфнокмен”. Ул чоғда ҳазрати шайх йиғлаб дедилар: “Сен султонга парастииш қилгондек, мен Яздонга (Аллоҳга) парастииш қилсам эрди, сиддиқлар жумласидин бўлур эрдим”.

Жаҳонда гар умиду роҳату ранж ўлмаса эрди,
Фалак бошидин ўтгай эрди фақр аҳли оёқи ҳам.
Вазирлар кўрқса эрди Худодин, ўйлаким шаҳдин,
Бўлур эрди малак, балким малакнинг яхшироғи ҳам.

* * *

“Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шажий киши ҳеч нарсадан қўрқмайдурган ботир ва юракли бўлур. Саъий

ва ғайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдиғи каби шижоатнинг зидди қўрқоқликдур. Қўрқоқ савдогар фойда қилмас. Қўрқоқ киши ўзининг соясидан ҳурқар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шунинг учун ҳар ишда шижоатни қўлдан бермаслик лозимдур. Шижоат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нуронийсидур. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик – бойликда, қайси давлат ва миллатнинг давлати бўлса, шул устун бўлмақдадур. Чунки ҳукумат учун халқ, халқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун оқча лозимдур.

Сарварли миллатлар миллиятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишқон Ёвропо Африқо ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмақдадур.

*Бу замонда фил ила жанг айламак эрлик эмас,
Эр ўшалдурким, тутар илму ҳунарнинг ёқасин.
Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм ила ағёрлар,
Биз бўлуб ҳаммол, олодурмиз тийинлаб чоқасин.
Бошқалар санғат, тижорат-ла тараққий айласа,
Бизни эл тортар аёғдин ўлган отнинг тоқасин”.*

“Жибонат” деб қўрқоқ ва юраксизликни айтилур. Қўрқоқ кишилар ваҳм ва хаёлот асири бўлуб, бир ишни ишламақга жасорат қилолмаслар. Қўрқоқлик энг ёмон хулқларнинг биридур. Чунки қўрқоқ кишиларнинг сўз ва ваъдаларига ишонуб бўлмагани каби йўл ва сафарда ҳам ҳамроҳ бўлмақ хатодур. Зероки, юраксиз кишиларда сабр ва сабот, журъат ва матонат каби яхши сифатлар бўлмайдур.

Қўрқоқликнинг боши тарбиясизлик ўлдиғи каби охири ўлумдур. Бирдан бир нарсадан қўрқуб, юраги ёрилиб, ўлуб қолган қўрқоқлар ҳам бўладур. Шул хусусга биз, туркистонликлар, ҳеч аҳамият бермаймиз. Болаларимизни яхши тарбия қилмаймиз, “ана, ола бўжи келвотти”, деб қўрқоқ ва юраксиз қилуб ўстураимиз. Шунинг учун бизларнинг болаларимиз ҳеч нарсага жасорат қилолмайдургон, кеч бўлса уйдан эшиқга чиқолмайдургон, хатто ўзининг соясидан қўрқодургон юраксиз бўлуб ўсадур. Булар киши бўлганда ҳам фойдалиқ ишларни ишловдан маҳрум бўлуб, фақир ва мухтожликда қолурлар. Бас, қўрқоқлик соясида ўзла-

рига енг бўлмаган юраксиз кишилар дин ва миллатга бўй бўлол-масликлари табиийдур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Дунёлар йиғдуруб, оҳ-воҳ чекдуруб, қайғуга соладургон бахиллик каби юраги ёрилур даражада қўрқоқлик каби эр кишида бўлгон сифатларнинг ёмони йўқдур”, яна: “Қўрқоқ савдогар ҳар замон фойдадан маҳрум бўлур. Жасоратли, баҳодир савдогарларнинг доимо ризқи ортар”, -демишлар”.

(Абдулла Авлоний)

* * *

Донишмандлар бисотидан:

Бир подшоҳ кемага ғуломи билан чикди. Ғулом дарёни, дарёда сузувчи кемани кўрмаган эди. Қўрқоқлик инсонни ваҳимага солади. Ғулом ҳам сув, ҳам кеманинг ҳайбатидан қўрқиб, дир-дир титраганича йиғлайвериб барчани безор қилди, кеманинг хатарсиз жой эканига уни ишонтириб бўлмади. Шунда бир донишманд подшоҳга мурожаат қилиб, ғуломни тинчлантиришга изн сўради. Рухсат теккач, ғуломни сочидан чангаллади-ю, дарёга улоқтирди. Ғулом бир-икки чўкиб, сув юзасига чиққач, кемага олдилар. Энди ғуломнинг кўзига кема халоскор фаришта бўлиб кўриниб, ором олди...

476

* * *

“Инсон учун жасурлик – шараф, қўрқоқлик ордир”.

* * *

Ривоят:

Дехли шаҳридаги бир масжидда ким кечаси тунаб қолса, тонгда ўлиги чиқарди. Бир оқшом ғариб мусофир масжидда ётишни ният қилди. У масжиддаги воқеалардан хабардор бўлса-да, хориб-чарчаб келгани учун ўзга чораси йўқ эди. Бундан ташқари у сира ўлим кўрқувини сезмаган эди. Шаҳар одамлари: “Э ғариб! Асло бу масжидда ётма. Бунда ётган киши албатта ўлим шарбатини ичади, ўзингни ўлим чоҳига отиб, гуноҳкор бўлма”, деб огоҳлантирдилар. Ғариб эса деди:

– Э менга ачинганлар! Бу ҳаётдан зерикдим. Менга ўлим ғоят ширин ва лаззатлидир. Бу фоний дунёдан боқий дунёга учмоқ мен учун саодатдир. Қўйинглар мени, бу хусусда ваъз ва насихатга эҳтиёжим йўқ.

Мусофир: “Бисмиллаҳ, таваккалту алаллоҳ!” деб масжидга кирди. У қоронғи масжидда ухлагандай бўлиб ётди. Тун ярмида даҳшатли бир овоз: “Келайинми? Келайинми?” деб,

беш марта бақирди. Бу овоз эшитган кишининг ўтакасини ёриб юборадиган даражада даҳшатли эди. Мусофир ҳам аввалига ўзини йўқотди. Сўнг ҳушини йиғиб, ўзига хитобан: “Э жон! Қўрқма! Титрама! Зеро, қўрқиш ва титраш ўлимдандир. Ваҳимага тушма! Ўладиган бўлсанг, мардларча жон бер!” – деди-да, кейин бутун кучини тўплаб, оёққа турди ва бақирди:

– Э жонини севадиганларни қўрқитувчи! Кел, тайёрман! Келадиган бўлсанг, кўрадиганинг бор!

Шу онда масжиднинг шипидаги тилсим бузилиб, хонақоҳга олтин усовоҳир дўл каби тўкилди. Бу хазина мардлик қилиб “Кел!” дея оладиган қахрамонга аталган тилсим эди...

Қиссадан ҳисса:

Ҳа, жасурлик барча хазиналарни очган бир тилсимдир. Бу дунёда ғалабага фақат жасурлик орқали эришилади. Тарихдаги буюк ғалабалар ҳам жасоратларнинг маҳсулидир. Ҳар ким ўз касбида жасурлик кўрсатса, у шубҳасиз, музаффар бўлади. Кимки қўрқоқ экан, у маҳкум ва асир бўлади. Ҳар киши юраги пок, нури тавҳид билан нурланган ҳолда юриши керак. Улуғ мақсад йўлларида ўлимдан қўрқмаслик керак. Бу йўлда ўлиш ҳар бир киши учун шарафдир. Шу боис боболаримиз залолатда ўлишдан кўра мардларча ўлишни афзал билганлар. Ёшларимиз бу ҳикоятдан сабоқ олиб, қўрқоқ бўлиб ўлганлардан эмас, мард бўлиб жон берганлардан ўрнак олсалар қандай яхши! Чунки инсон учун жасурлик – шараф, қўрқоқлик эса ордир.

* * *

“Табиатда тўрт хил жонивор сабабсиз қўрқади: читтак осмон йиқилиб кетишидан қўрқиб, оёғини осмонга қилиб ётади; лайлак икки оёғини қўйса ерга ботиб кетишидан қўрқиб, доим биттасини кўтариб туради; чувалчанг “кўп лой есам тугаб қолади”, деб қўрқиб доим оч юради; қўршапалак инсон унинг гўзаллигидан мафтун бўлишидан ва бошқа қушлар каби тутиб, қафасга солишидан қўрқиб, кундузлари уясида чикмайди”.

* * *

Масал:

Бир куни кийикча деди:

– Отажон, сиз итлардан каттасиз, бунинг устига шохингиз ҳам бор. Нега энди улардан қўрқиб қочасиз?

– Болагинам, тўғри гапирдинг. Билсанг, жасорат вужудда эмас, юракдадир. Кичкина кўппак ҳурса ҳам, юрагимга қўрқув тушиб, қочгани жой топа олмай қоламан...

Бу қиссадан ҳисса шуки, ҳаётда гавдаси жуда катта бўлса-да, ўзи жуда қўрқоқ кишилар бор. Улар учун майда, арзимас таҳликалар ҳам худди ўлимдай туюлади. Бундай кимсалар энг кичкина таҳликалардан ҳам қўрқувга тушадилар. Бу қуёнюраклар ўзларининг шайтоний васвасалари билан бутун мамлакатга зарар етказадилар.

Одам агар тоза қалбли бўлса, қалби иймон нури билан тўлади. Ўшанда арслон юракли бўлади. Шайтоний васвасаларга берилмайди. Жамият ҳам ундан фойда кўради ва у бошқаларга ўрнак бўлади. Кураш майдонидаги доимо ана шундай тоза арслон юракли кишилар жасорати туфайли зафар қозонилади. Қуёнюрак кимсалар жамиятни хароб қилади. Мамлакат бундай қўрқоқ, васвасага берилувчан кимсалардан тозаланмай туриб, саодатга эриша олмайди.

* * *

“Инсон нафси ҳаяжонларини енгиб, ваҳимадан узоқлашмагунча комилликка эриша олмайди”.

* * *

“Кичик қоқилиш ва депсинишлар мени қўрқита олмайди”.
(Ж. Таранжи)

* * *

“Ҳеч ким ботирчалик қўрқувга дош беролмайди”.

* * *

“Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир”.

* * *

“Қўрқув нималигини билмай, ўлимга мардона тик борган одамни мард деса бўлади”.

* * *

“Жасорат қувват билан бирлашса бошдан оёқ ортади”.
(Арасту ҳаким)

* * *

“Жасорат таҳликали пайтда ақл-заковатни тўғри қўллай билишдир”.

* * *

“Жасорат нимадан қўрқмаслигини билишдир”.
(Афлотун ҳаким)

* * *

“Икки кишидан кўрқиш керак: бири – заиф душман, иккинчиси – доим узр айтаверадиган киши”. (*Букрот ҳаким*)

* * *

“Тўғрилигини кўриб уни қилмаслик жасоратсизликдир”.

* * *

“Хато қилиш ҳеч нарса эмас, агар афсусланмасанг”.

* * *

“Энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда эмас, балки йиқилган тақдирда қайта оёққа туришдир”. (*Конфуций*)

* * *

“Ҳақиқий мард одам бирон-бир ишга қўл урганда эҳтиёткор бўлмоғи, барча тасодифларни чамалаб кўрмоғи, аммо ишни ҳал этишга келганда эса жасорат кўрсатмоғи лозим”. (*Геродот*)

* * *

“Кимки мард экан, у жасур ҳамдир”.

* * *

“Жасоратли одамнинг қалби айни пайтда ишонч билан тўлади”. (*Цицерон*)

* * *

“Кўрқоқлик жуда зарарлидир, чунки у иродани фойдали ҳаракатлардан тўхтатиб қўяди”. (*Р. Декарт*)

* * *

“Хаёлда жасур бўлиш осондир”. (*Эзон*)

* * *

“Тортинмай ўз жасоратини намоён қилган одам ўлимдан ҳам кўрқмайди”.

* * *

“Бировни юракдан севиш куч бағишлайди. Биров томонидан юракдан севилиш жасорат бағишлайди”. (*Лао Цзи*)

* * *

“Кўрқув хушомадгўйликни вужудга келтиради”. (*Демокрит*)

“Инсон йўқсиллик ва қоқилишдан, қамоқ ва ўлимдан қўрқмасин, фақат қўрқоқ бўлишдан қўрқсин”.

“Тақдир зарбаларини мардлик кунпаякун қилади”.

“Қўрқоқлар қалбида бахтга ўрин қолмайди”.

“Жасоратли юрак ҳар қандай мусибатларни ҳам чилпарчин қилади”. (*М. Сервантес*)

“Мардлик ва матонат одамларга нафақат душман қуролига қарши туришда, балки ҳар қандай зарбаларга қарши туришда ҳам худди шундай зарурдир”. (*Плутарх*)

“Чинакам мардлик – кулфатда синалади”.

“Фақат ўзигагина яроқли бўлган киши ҳеч нарсага яроқсиздир”. (*Ф. Вольтер*)

“Енгилишдан қўрққан доимо енгилади”. (*Йилдирим Боязид*)

“Мардлик қўрқувдан жирканишдир. У бизга таҳдид солиб турган хавф-хатарни писанд қилмай, унга тикка боради ва уни яксон этади”.

“Бетакаллуф журъат қўрқоқликнинг алоҳида кўринишидир, холос”.

“Жасорат инсонни зафарга, қўрқоқлик эса ўлимга етаклайди”.

“Баъзан яшашнинг ўзи ҳам жасоратдир”.

“Қийинчиликлар жасур одамнинг зеҳнига таъсир этмайди”.

“Қўрқув бор жойда бахт йўқ” (*Сенека*)

“Жасур одам ҳар ерда ўзига паноҳ топади”.

“Жасорат ҳамма қуроллардан устун. Фақатгина сиз жасур бўлинг”. (*Овидус*)

“Ҳаддан ортиқ жасоратли бўлиш, ҳаддан ортиқча эҳтиёткор бўлишдан яхшироқ”. (*Мариавелли*)

“Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди”. (*Н. Карамзин*)

“Ҳар бир довюрак, ҳар бир ҳақиқатгўй одам ватанига шон-шараф келтиради”. (*Р. Роллан*)

“Ҳақиқий мардлик ҳар қандай хатарга дуч келишга ҳам тайёр туради ва ҳар қандай кулфатдан ҳам лат емайди”.

“Ҳақиқий мардлик ҳеч бир кулфат ва хатарларга қарамай, ўзини хотиржам тута билиш ва вазминлик билан ўз бурчини адо этишда намоён бўлади”.

“Ҳали жасоратини йўқотмабдими, ҳеч ким ўзини мағлуб ҳисоблаши мумкин эмас”. (*Ж. Локк*)

“Одам ўз қилмишини оқлаш учун бир сабабдан бошқа ҳар қандай сабабни топади, ўз жиноятларини оқлаш учун бир баҳонадан бошқа ҳар қандай баҳонани топади, ўз тинчини таъминлаш учун бир важдан бошқа ҳар қандай важни топади-ю, фақат қўрқоқлигини ўйламайди”.

* * *

“Кўрқув эртанинг ташвишини йўқ қила олмайди, бугуннинг имкониятидан воз кечади, холос”. (Ж. Боом)

* * *

“Инсонлар қарзлари ва масъулиятлари ўрнига эга бўлган бойликлари ҳақида ўйласалар эди, чўчишдан воз кечган бўлишарди”.

* * *

“Ботган қуёш учун куйиниб йиғламанг, янгидан чиққанида нима иш қилиш зарурлигини ўйланг”.

* * *

“Имкониятни қадрланг! Ҳаёт фақат имконият деганидир. Энг узоққа борган одам, бу энг кўп ишни қилган ва энг кўп жасорат кўрсатган инсондир. Ҳамма нарсасидан кўнгли тўқнинг кемаси қирғоқдан ҳеч қачон кўп узоқлашмайди”. (Д. Карнеги)

* * *

“Кўрқув ақллиларни тентак, кучлиларни ожиз қилади”.

(Ф. Купер)

* * *

“Кўрқоқни ҳар қандай фирибгар ҳам хўрлайди”. (П. Бомарше)

* * *

“Асл мардлик тилга зўр бермайди: у ўзини кўз-кўз қилавермайди, қахрамонликни жасорат эмас, бурч деб билади”.

(А. Бестужев-Марлинский)

* * *

“Шармсор бўлишдан кўрқиш мардликдир; ўзгаларнинг бизга қилган нолайиқ хатти-ҳаракатларини сабр-тоқат билан кечира билиш ҳам худди шундай мардликдир”. (Б. Жонсон)

* * *

“Омадсизликда мард бўлиб кетиш ярим улфатдир”. (Плавт)

* * *

“Мард одам одатда азоб чекса ҳам нолимайди; ожиз эса жафо кўрмай туриб нолийди... Мардлик – қаршилик кўрсата билиш кучи бўлса, жасорат – ёвузликка таҳдид соладиган кучдир”.

(П. Буаст)

“Хатарга дуч келишдан илгарироқ ундан эҳтиёт бўлиш, чўчиш керак. Бироқ, бошга иш тушдими, ягона йўл уни жасорат билан енгиб ўтишдир”. (Ф. Фенелон)

“Ҳақиқий мардлик хатарнинг меъерини баҳолашдаги ақл мукаммаллиги ва ўша хатарга қарши тура билишдаги маънавий тайёрликдир”. (У. Шерман)

“Мағлуб бўла туриб, тушкунликка берилмасликда инсон жасорати мислсиз синовдан ўтади”. (Р. Ингерсолл)

“Агар сиз жасорат кўрсатишда биринчи синовдан бўйин товласангиз, иккинчисида яна ҳам камқувват бўлиб қоласиз”.

(Ж. Блэки)

“Журъатсизликни сурбетлик ва дағаллик билан янглиштирмаслик керак: улар келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, оқибати жиҳатидан ҳам бир-бирига ўла қолса ёпишмайди”. (Ж. Ж. Руссо)

“Идрокли жасорат жасоратсиз ақлдан кўра кўпроқ наф келтиради”. (Л. Вовенарг)

“Одамнинг камчиликларига эътибор қаратиб, танқид қилувчи одам ҳурматга сазовор эмас. Аслида ҳурмат – очиқ майдонда юзи чангга, тупроққа, терга ва қонга қоришган, жасурларча курашган, йиқилган ва ҳар сафар оёққа турган, ўзини хайрли мақсадларга бағишлаган, энг яхши пайтда зафар қучишини, энг ёмон шароитда омадсиз бўлса ҳам, катта жасорат билан курашиб омадсизликка учраганини билган, зафар қучганини ҳам, енгилганини ҳам билмаган қўрқоқларга қўшилмаган кишиларгагина хосдир”. (Т. Рузвелт)

“Хавфсизлик инсонларнинг табиий эҳтиёжидир. Аммо хавфсизликнинг таъминланиши ишончсизликни келтириб чиқаради”. (Д. Артур)

* * *

“Жасорат одатда кўнгилчанлик билан эгизак юради ва шу сабабдан мард одам бошқаларга қараганда ҳимматлироқ бўлади”.
(Н. Шелгунов)

* * *

“Мардлик бошқа яхши фазилатларнинг ўсиши учун албатта зарур. Ахир мард бўлмай туриб адолат излаш ёки муҳаббатни ардоқлаб-асраш мумкинми?”.

* * *

“Қўрқоқлик ҳеч қачон ахлоқий бўлолмайди”. (М. Ганди)

* * *

“Маили, мени жамики нарса тарк этса этсин, аммо мардлик тарк этмасин”. (И. Фихтер)

* * *

“Давлатингдан айрилсанг – кўп нарсани йўқотмайсан. Номусингдан айрилсанг – кўп нарсани йўқотасан. Мардлигингдан айрилсанг – ҳамма нарсангни йўқотасан”.

484

* * *

“Қўрқоқ хавф ўтгандан кейингина дўқ-пўписа қилади”.

* * *

“Қўрқадиган нарсамиз битта – у ҳам бўлса қўрқувнинг ўзи”.

* * *

“Қўрқоқ таҳлика йўғида мушт кўтарар”.

* * *

“Ўйлаш осон, ҳаракат қилиш қийин ва бир инсоннинг ўй-фикрлари асосида ҳаракат қилишга ўтиши дунёдаги энг қийин ишдир”. (И. Гёте)

* * *

“Қўрқув туйғуси, ҳойнаҳой, инсон табиатига хос барча асабий сезгилар ичидаги энг оғирроғи бўлса керак”. (Д. Писарев)

* * *

“Доимо даҳшатда титраб турсанг, ҳеч қачон бахтли яшолмайсан”. (П. Гольбах)

“Қўрқиш инсон туйғулари ичидаги энг азоблисидир”.

“Қўрқув – иллатлар макони”. (К. Ушинский)

“Қўрқиш хавфи хавфнинг ўзидан минг чандон қўрқинчлидир”. (Д. Дефо)

“Қўрқишдан ҳам қўрқинчлироқ нарса йўқ”. (Ф. Бэкон)

“Қўрқоқлик шунинг учун ҳам гоъта зарарлики, у иродани фойдали ишлардан четга тортади”. (Р. Декарт)

“Хаста вужуд аъзоларининг бари бўшашганидек, қўрқоқ юракда ҳам ғайрат сўнади”. (А. Габриели)

“Қўрқоқ бошқа ҳар қандай одамдан хавфлидир, ундан кўпроқ қўрқиш керак”. (Л. Берне)

“Юраксизлик – ожизлар қисмати. Ким журъатли ва тутган иши виждонига монанд бўлса – у ўз эътиқодини умрининг охиригача ҳимоя қила олади”. (Т. Пейн)

“Қўрқув гоҳ оёққа қанот беради, гоҳо уни ерга михлаб қўяди”.

“Қўрқоқлик – раҳмсизликнинг боши”.

“Кимки азобдан қўрқса, у энди қўрқувдан азоб чекади”.

(М. Монтен)

“Кимки табиатан қўрқоқ бўлса, ўзи бирон-бир жасорат кўрсатиши у ёқда турсин, ҳатто ўртоқларини ҳам ваҳимага солади”.

(Т. Мор)

“Бир марта қўрқоқлик қилган одам келаси сафар ҳам қилади”. (Ж. Голсуорси)

“Шахсий ожизлик туйғуси энг ёқимсиз туйғудир”.

“Қўрқувни енгиш – одамнинг энг биринчи вазифаси. Тиззалари қалтираб турса, ҳаракатлари қулларча давом этаверади”.

“Одамнинг одамлиги қўрқувни қай даражада енгишидан билинади”. (Т. Карлейл)

“Қўрқоқ мард бўламан деб кўкрагига муштлагани беҳуда; мардлик унда аввалдан бўлиши керак ва мардлар билан мулоқотда фақат уни мустақкамлаш зарур”. (Д. Дидро)

“Жигар оғриси кўриш пасаяди, буйрак оғриси қулоқ оғирлашади. Касалликнинг табиати шундай, ўзи кўринмайдиган, лекин ҳамма сезадиган ерга жойлашади. Мард киши сезиладиган гуноҳ қилмасликка интилиб, ҳеч ким кўрмайдиган ерда ҳам гуноҳ иш қилишдан сақланади”. (Хун Цзичэн)

“Тўғри эканини билган нарсамизни қилиш учун жасорат керак”. (Андерсен)

“Бир сурув устига ташланган бўри унинг саноғи ҳақида ўйламайди”. (Македониялик Искандар)

“Фалокат ичидаги жасорат, сизга мантиқдан кўра кўпроқ ёрдам беради”.

“Жасорат севгига ўхшайди. Юксалиш учун умид керак бўлади”.

“Омадсизликдан кўрққан одамнинг енгилиши аниқ”.

(Наполеон)

“Жасурнинг оёқлари чидаш учун, кўрқокники эса қочиш учун яратилган”.

“Жасорат – кундалик эҳтиёж. Ҳақиқат билан юзма-юз келганда чекинмасангизгина, жасур инсондек яшаётган бўласиз”.

“Жасорат – кўрқувни ҳис этиб, яна олдинга қараб ҳаракат қилишдир”.

“Баъзи инсонлар ҳаётларининг биринчи ярмида фурсатни қўлдан бой берадилар, қолган ярмида эса уни қидириш билан вақт ўтказадилар”.

“Ҳаётда муаммосиз яшаш зерикарли. Қувватни, кучни бекорга сарфламанг. Ҳаёт билан ҳозироқ юзлашинг”. (Аноним)

“Жасорат – кўрқувга чидаш, уни енгиш. Кўрқмаслик эмас”.

“Дунёда жисмоний жасоратнинг шунчалик кенглигига нисбатан руҳий жасоратнинг камлиги ҳайрон қолдиради”. (М. Твен)

“Ҳеч қандай устунлик эркакларни аёллар назарида жасорат қадар юксалтира олмайди”. (Х. Филдинг)

“Кўрқувимизнинг ярми ҳеч бир асоссиз, ярми эса расмана уятлидир”. (К. Боуви)

“Ҳодисанинг ҳақиқий аҳамиятини ошириш кўрқувга хос хусусиятдир”. (В. Гюго)

“Ҳар қандай ғам-алам ҳам унинг олдида кўрқидан оғир эмас”. (И. Цшокке)

“Кўрқоқларгина ёлғончидир. Кучли ва олижаноб табиатлилар ҳамма нарсага қодир бўлган ҳақиқат билан ёлғонни зангдек оёқости қилиб ташлайдилар. Ҳамма улуғвор нарса ҳамиша ҳаққонийдир”. (В. Белинский)

“Жасоратга ташналикни ҳамиша оқлаш мумкин. Шу ташналикда жонли инсоний қалб тепиб туради, унда синчков ва ҳеч қачон тиниб-тинчимайдиган инсон ақли яширинган бўлади”. (М. Салтиков-Шчедрин)

“Жасорат кўрсатишни севган одам ҳар қачон унинг урдасидан чиқа олади ва қаерда жасорат кўрсатишни ҳам билади. Агар билсанг ҳаётда жасорат кўрсатишга ҳамиша ўрин бор” (М. Горкий)

“Жасорат истеъдод сингари, мақсад сари борадиган йўлни осонлаштиради”. (Л. Леонов)

488

“Кўрқмай яшаш керак. Кўрқоққа доим қўш кўринади, мард одамга эса ҳар қандай оғир иш ҳам осон туюлади”. (Ф. Гладков)

“Кўрқоқлар! Сенинг ҳаётинг учун бошқа дўстларнинг бошлари кетса-ю, бу қандай ҳаёт бўлди?!”

“Бизнинг бебурд асримизда кўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъдод, энг олий фазилат бўлса керак”. (Кобо Абэ)

“Энг қийини, йиллаб қилинадиган кундалик меҳнатдаги жасоратдир. Ўзинг учун мардлик тимсолини топу чекиниш билмай, унинг изидан бор”. (В. Сухомлинский)

“Ёвдан кўрқиб, қочиб қолган одам ҳам бир кун ўлади. Лекин унга гўр топилмайди”. (Х. Олимжон)

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Арслон боласини тутмоқ учун арслон уясига кирмоқ керак.
- * Арслон изидан қайтмас, йигит – сўзидан.
- * Арслоннинг бўкиргани – сичқоннинг ўлгани.
- * Арслоннинг ўлиги – сичқоннинг тириги.
- * Беш қўрқоққа бир қарға.
- * Ботир ботқоқдан ҳам ўтар, қатқоқдан ҳам.
- * Ботир бошга бало тегмас.
- * Ботир баққоллик қилмас, қўрқоқ қочиб қутулмас.
- * Ботир жони сабилдир, ёмон жони азиздир.
- * Ботир ўлса – номи қолар, номард ўлса – нимаси қолар?
- * Ботир ўртоқ – бой ўртоқ.
- * Ботир қийинни енгар, номард бўйинни эгар.
- * Ботир қиличсиз ҳам ботир.
- * Ботирдан ўлим ҳам қўрқар.
- * Ботирнинг кулгани – элнинг кулгани.
- * Ботирнинг қони чиққунча қўрқоқнинг жони чиқар.
- * Бузилган элни ботир тузатар.
- * Бўлсанг агар қўрқоқ, бошингда ўйнар тўқмоқ.
- * Бўридан қўрққан овга чиқмас, илондан қўрққан сувга тушмас.
- * Ваҳм туби – денгиз, ботасан-да, кетасан.
Таваккал туби – ел қайиқ, ўтасан-да, кетасан.
- * Довни енгган ботир эмас, ёвни енгган ботир.
- * Ёв қочса, ботир кўпаяр.
- * Ёвдан қўрққан – ёвга дўст, элни суйган – элга.
- * Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер.
- * Жасур бўлсанг – ёв қайтар.
- * Жасур жангдан қўрқмас, ёвдан сира хуркмас.
- * Ит қўрқоқни талар.
- * Итни овга борганда сина, йигитни – ёвга борганда.
- * Иштонсизнинг ҳадиги – чўпдан.
- * Йўлбарсдан қўрққан тўқайга кирмас.
- * Йўлбарсни енгган эмас, жаҳлни енгган – ботир.
- * Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир.
- * Кўп қайғурдим – сил бўлдим, кўп ялиндим – қул бўлдим.
- * Мерган овда билинар, ботир – ёвда.
- * Одам сафарда билинар, ботир – хатарда.
- * Оловдан қўрққан тутундан ҳам қочар.
- * От билан қурол эга танламас.
- * От хурккан еридан ўтмас, эр – қўрққан еридан.
- * Сен қўрқмасанг – ёв қочар.

- * Сендан кўрққаним – қора кўйдан кўрққаним.
- * Сўз ботирлиги – тилда, эр ботирлиги – юракда.
- * Тегирмонда туғилган сичқон момақалдиروقдан кўрқмас.
- * Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлган афзал.
- * Тоғни баланд дема, талаб қилсанг – чиқасан,
Ўвни кучли дема, ғайрат қилсанг – йиқасан.
- * Тулқидан шер чиқмас, кўрқоқдан эр чиқмас.
- * Туянинг ҳурққани ёмон, тентакнинг – кўрққани.
- * Урушдан қочган маъракага сигмас.
- * Хоин қони челаққа томар, ботир қони – юракка.
- * Хўрознинг сути йўқ, кўрқоқнинг қути йўқ.
- * Шарпадан кўрққан шақилдоқ чалар.
- * Шер боласи овни енгар, эр боласи – ёвни.
- * Шер изини ит босмас.
- * Шер ҳиммати – билак, эр ҳиммати – юрак.
- * Шерни эр енгар, эрни шер енголмас.
- * Шернинг урғочиси ҳам шер.
- * Шернинг ўлиги ҳам от ҳуркитар.
- * Эр боласи эрдай бўлар.
- * Эр бўл, эр бўлмасанг – қора ер бўл.
- * Эрга навбат – шерга навбат.
- * Эрдан эр туғилар, нордан – нор.
- * Эрнинг юраги – шернинг юраги.
- * Эшакнинг кўрқоғи сувдан ўтмас.
- * Юз қарғага – бир шунқор.
- * Юз кўрқоқдан бир ботир афзал.
- * Юракда бўлса – билакда бўлар.
- * Янтоқдан атир чиқмас, кўрқоқдан ботир.
- * Ўлгандан кўрққан ёмон.
- * Ўттизида эр атанган, қирқида шер атанар.
- * Қийғир учса, чумчуқни тирқишда кўр.
- * Қочоққа шафқат йўқ, кўрқоққа ҳурмат.
- * Қочқинга “ҳай” кифоя.
- * Қуён ўз кўланкасидан ҳам кўрқар.
- * Кўрқдинг – тутилдинг, кўрқмадинг – кутулдинг.
- * Кўрқиш – енгилишнинг чораги.
- * Доимо ўлимдан кўрқиб юрадиган киши тириклар орасидаги
ўликдир.
- * Кўрқоққа ҳам ҳокимият керак, ҳам шуҳрат.
- * Кўрқоқ олдин мушт кўтарар.
- * Кўрқоқ итнинг думи қизик.
- * Кўрқоқ кўзидан маълум.

- * Қўрқоқ ўлмасидан олдин ўлар, ўликдан нима кутиб бўлар.
- * Қўрқоқ – қўрқоққа ўрток.
- * Қўрқоқ қўрғон ололмас.
- * Қўрқоқда уят бўлмас.
- * Қўрқоқни ажал қувлар.
- * Қўрқоқнинг бошидан мушт кетмас.
- * Қўрқоқнинг кўзи катта, аҳмоқнинг – сўзи.
- * Қўрқоқнинг ўз қуроли ўзига ёв.
- * Қўрқоқнинг қони чиққани – жони чиққани.
- * Қўрқоққа ип илон бўлиб кўринар.
- * Қўрқоққа кўланкаси – асроил.
- * Қўрқоққа қир ҳам тор, гўр ҳам тор.
- * Қўрқоққа қўй боши қўш кўринар,
Қўмшоғи билан беш кўринар.
- * Қўрқоққа сичқоннинг ини – минг танга.
- * Қўрқсанг – айтма, айтсанг – қўрқма.
- * Қўрқув ўлимдан қутқармас.
- * Қўрққан ит уч кун ҳурар.
- * Қўрққанга қўша кўринар.
- * Юз номарддан юз қайтар, бир мардни ҳар ким мақтар.
- * Ваъдага вафо – марднинг иши, ваъдасиз – субутсиз киши.
- * Эр бошига иш тушса, ўтук чечмай сув кечар,
От бошига иш тушса, сўлук бирла сув ичар.
- * Ботирдан яхши иш қолар, донодан яхши сўз.
- * Экин экар ҳар киши, сув келтирар мард киши.
- * Эрман ёғочнинг эгилгани – сингани,
Эр йигитнинг уялгани – ўлгани.
- * Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
- * Ким мард бўлса сўзига, ойдир она кўзига.
- * Номарднинг хотини бўлгунча,
Марднинг беваси бўлган яхши.
- * Қарчиғай катта илонни чўқиб ўлдирар,
Қарға эса кичкина илондан ҳам қўрқар.
- * Кучли оловда ҳўл ўтин ҳам ёнар,
Жасур қўшинда қўрқоқ ҳам жангга кирар. *(Хитой ҳикматлари)*
- * Жасур кишининг нигоҳи қўрқоқнинг қиличидан ўтқирдир.
- * Қўрқувнинг ўлимга фойдаси йўқ. *(Турк мақоллари)*
- * Бирор нарсадан қўрққан инсон ўз устидан назорат қилиш-ларига шароит яратади. *(Фас мақоли)*

БИЗДАН ЭМАСДИРЛАР, ВАТАННИ СЕВМАГАНЛАР

“Ўзингизга душманлик қилган кишини афв этингиз, лекин ватанингизга, миллатингизга, динингизга душманлик қилган кишини кечирмангиз”. (Али ибн Абу Толиб)

“Бир миллатда ишончли кишилар озайса, динин сотиб, дунё йиғувчилар кўпайса, у миллат орасида фитна болалайди”.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

“Она Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш – Аллоҳ висолига етишмоқ билан баробардир”.

(Шайх Нажмиддин Кубро)

“Ватанни севмоқ, менингча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир”.

“Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги ва дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиши учун шулардан биттасининг бузилиши кифоя”.

“Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз, лекин хатоларини такрорламаймиз. Мактабларини, университетларини бизлар ҳам қураимиз. Аммо ақлларимизни қанча ёритсак, юракларимизни шунча “ҳаққоният” билан тўлдирмоққа ҳаракат қиламиз. Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек кўтариб чопмаймиз. Эсли-хушли инсонлардек “Бу нимадир?”, “Оқибати нима бўлади?”, “Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?” дея ақл тарозисига тортиб оламиз. Оврупо маданияти мулоҳазасиз қабул қилинавериш мумкин бўлган бир нарса бўлса эди, бу маданиятга Оврупонинг ўз вориси душман бўлмас эди. Яна бир такрорлайман: янги фанларини, кашфиётларини ва ижодларини, фойдали хизматларини инкор этмайман. Лекин Ислоом оламининг ислоҳот ва тараққиётга эҳтиёжи бўлган бир пайтда ҳеч бир мулоҳаза қилиб кўрмасдан, Оврупога тақлид этишни ақлда ҳисобламайман”.

(Исмоил Гаспирали)

“Ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлғунча айрилмасга керакдур”.

“Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмай-дурғонларни “қул” – “марқуқ” дерлар.

“Бизлар ўлимдан қўрқмаймиз. Балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз”.

“Туркистон эски дунёнинг Америкасидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса – ҳар нимарса бор. Туркистон олтиндур”.

(Маҳмудхўжа Беҳбудий)

“Зиёли ўлмак ғоят мушкул бир нарсадир. Зиёли миллат, Ватан нима эдиғини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга муҳайё бўлур. Сизнинг билмағингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозимдир. Йўқ эрса, “миллат”, “Ватан”, “маданият” – шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайдир”.

(Мунаввар қори)

“Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, кумлик, иссиғ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди,

хавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз: “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, демишлар.

Мен айблик эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевақт ташлаб кетдим аё, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиғ,
Дўнди ғама рўзу шаб чоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Ҳуббул-ватани мина-л-иймони – ватанни суймак иймондандур”, демушлар.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, қолур авлодима ўю ватаним.
Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,
Чароки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.
Тўғуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок”.

494

Аё, эй соҳиби урфон! Ватан боғинда фарёд эт!
Отиб ташла ародин эски одатларни, барбод эт!
Маориф-ла фунун таҳсилина қил раҳнамолиғ сан,
Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт!
Жаҳолат, зулмат ичра қолди авлоди Ватан мағмум,
Назар қил, марҳамат қил, жаҳл чанголидан озод эт!

(Абдулла Авлоний)

“Ватан– у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир”.

“Устимга илонлар эмас, шайтонлр қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопаман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман”.

“Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!

Ўлим сенинг ўлимнинг истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!”

“Ҳокимият Ватан ва миллат вужуди билан боғлиқдур. Агар миллат маҳв этилиб, ватан хароб бўлса, на биз ҳоким бўламиз, на подшоҳ”.

“Юртини севганлар унинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик, яхшиликларин севарлар. Улус йўлида жон берганлар унинг соқоли, чопони учун эмас, ортиғлиги, фазилати, тарихи учун ўларлар”.

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзунгда
Бу миллатнинг саодатин, бахтин уқудим.
Ўйлашингда, турушингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун кутулишнинг борлигин кўрдим.

(Абдурауф Фитрат)

“Иттифоқни нелигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахси-яси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилуб топширгувчи – биз, кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати, албатта, тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси – мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишга ҳозирлангон биз итлар яратғучининг қаҳрига, албатта, йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилғувчи золимлар қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..”. (Абдулла Қодирий)

“Ҳар кимсага маълумдурки, ҳаёт оламида инсоннинг энг севган, қадрлик, қимматлик тўрт нарсаси бордир. Бу тўрт нарсага

эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўлурлар. Аларнинг энг биринчиси шулдирки, ҳар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоқдир, ўзида эрки, ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвонлардан нима фарқлари бор?! Иккинчиси шулки, шаръий ёки қонуний касблар орқали топган молу дунёси, қилган меҳнатининг меваси шул топувчининг ўз ҳаққи бўлиб, анинг хос мулкидир. Учинчиси, ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси – у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидир. Она Ватанни бошқалар тасарруфига қолдирмоқ – Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятларидир, балки инсон ҳуқуқларига қилган хиёнатидир. Тўртинчи, ҳар бир мамлакат халқининг асрлар бўйи асралиб келаётган муқаддас динларидир. Энди юқоридаги тўрт нарсага эга бўлмоқ учун ҳар миллатнинг бутун ҳуқуқлари шу миллатнинг ўз қўлида бўлиши шартдир”.

“Ватан бир боғдир, Ватаннинг содиқ фарзандлари бу боғни ўз юрак қонлари ила суғормақлари даркордир... Ўғлим, мен сенга бойлик қолдиrolмадим, меросга Ватан соғинчини қолдирияман”. (Темурхўжа)

“Модомики сиз бизнинг давлатимиз доимий бўлсин, бизнинг давлатимиз абадий бўлсин, бизнинг шон-шавкатимиз ҳамиша сақланиб қолсин деб истар экансиз, унда биз бойликка ҳирс қўйган манфаатпараст кишилардан эҳтиёт бўлишимиз, ички ёвузликлардан эҳтиёт бўлишимиз ва ички фитналардан эҳтиёт бўлишимиз керак”.

“Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина “Ватан” отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?”. (Цицерон)

“Ватан учун жон фидо қилиш лаззатли ва фахрлидир”.
(Ф. Горацій)

“Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди”.
(Ж. Байрон)

“Ватанга бўлган муҳаббатим мени хорижийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, ватанимни жаҳондаги ғазналар билан янада шунчалик бойитгим келади” . (Ф. Вольтер)

“Ватанга муҳаббат бутун дунёга муҳаббат билан уйғунлашиб кетади. Билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, бу билан ён-верридаги қўшниларига зиён етказмайди. Аксинча, давлатлар қанчалик маърифатли бўлишса, бир-бирлари билан тил топишиб, янада қудратлироқ кучга айланадилар, оламшумул тафаккур янада равнақ топади”. (К. Гелвеций)

“Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин... Ватан ҳар биримизсиз ҳам кунини кўравериши мумкин, лекин биронтамиз Ватансиз яшай олмаймиз; ким усиз яшашни ўйласа, ҳолига вой, ким усиз яшай олса – яна ҳам баттар бўлсин!”. (И. Тургенев)

“Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди”.
(Г. Фрейтаг)

“Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан – оилани, оиладан – Ватанни, Ватандан инсониятни устун қўймоғи керак”.
(Ж. Даламбер)

“Ҳайвонлар тўдаси деб ҳисобланиши мумкин бўлган халқ тарихда йўқ ва худди шунингдек, алоҳида эътиборга сазовор гуруҳлардан иборат халқ ҳам бўлиши мумкин эмас”. (А. Герцен)

“Дунёдаги барча халқлар ҳар жихатдан ҳам теппа-тенг: бири иккинчисидан ортиқ эмас”. (Г. Лессинг)

“Энг мақбул фазилат – ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда” . (Ж. Делил)

“Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзага келган”.

“Энг яхши бошқарув тушунчаси ҳам ҳар доим энг кучли бошқарув деган маънони англатмайди. Куч – восита холос, уни қўллашдан мақсад халқ бахт-саодатидир”.

“Халқнинг маънавий-ахлоқий аҳволи унинг мутлақ ҳолатига эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ боғлиқдир”.

“Эркинликсиз ватаннинг, фазилатларсиз эркинликнинг, фуқароларсиз фазилатларнинг бўлиши мумкин эмас. Агар фуқароларни тарбияласангиз, сизда ҳамма нарса бўлади; сизда бусиз, ҳамма давлатдаги ҳукмдорлардан бошлаб, ҳамма ночор қулларгина бўладилар”.

“Одамлар ҳамиша ўз фарвонликларига интиладилар, аммо уни нима эканлигини ҳамиша ҳам кўравермайдилар”.

“Хур халқлар! “Эркинликни қўлга киритиш мумкин, аммо унга қайтадан эришиб бўлмайди”, деган қондани унутманг”.

“Қулликда туғилган ҳар қандай одам қуллик учун туғилади; ҳеч нима бундан тўғрироқ бўлмайди. Кишанларда қуллар ҳамма нарсани, озод бўлиш истагигача, йўқотадилар”.

“Маъшуқага бўлган муҳаббатдан юз маротаба жўшқин ва ёқимли бўлган Ватанга муҳаббатни ҳам фақат тотиб кўрганингда биласан”.

“Ахир, оиламиз бизнинг кичкина ватанимиз эмасми ва шу кичкина ватан бизни катта Ватанимизга боғлаб турмайдими?”.

“Ахир, яқинларимизга, қариндош-уруғларимизга муҳаббатимиз – ватанимизга бўлган муҳаббатимизнинг гарови эмасми?

(Ж. Ж. Руссо)

“Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларида акс этади”. (Г. Гегел)

“Инсоннинг оёғи ўз юрти заминига томир отиши керак, лекин унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин”. (Ж. Сантаяна)

“Ватан соғинчи ҳаммага бир хилда таъсир қилади: у ўтмиш манзараларини илоҳийлаштирилган ҳолда жилолантиради, унинг фазилатлари ошаверади, камчиликлари эса вақт ва масофа тақозоси билан хиралашиб бораверади, охири тасаввуримиздан буткул ўчиб йўқолади”. (Ж. Санд)

“Кимки умумий фалокат дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир хаёлга борса – у озод ватанда яшашга ҳақли эмас”. (Ф. Клингер)

“Киши қанчалик маърифатли бўлса, у ўз ватанига шунчалик фойдалидир”. (А. Грибоедов)

“Ватанга муҳаббат, аввало, унга самимият, қизгинлик билан, самарали истак билан эзгулик ва маърифат тилашдан иборатдир, унинг меҳробига ҳамма нарсани, ширин жонни ҳам фидо эт, ундаги барча яхши нарсаларга қизгин ҳамдардлик билдириш ҳамда унинг камолот йўлига ғов тушаётган нарсаларга қаҳрли бўлмоқликдир”.

“Олиймақом ватанпарварлик – ватан фаровонлиги йўлида бениҳоя жонбозликдир”.

“Ватанпарвар – ватанга хизмат қилаётган кишидир, ватан эса бу авваламбор халқдир”. (Н. Чернишевский)

“Ҳақиқий инсон ва ватан фарзанди – бир тушунчадир”.

(Л. Радишчев)

“Ватан ғояси ҳамма учун бир хил манфаатлидир. У ҳалол кишиларда жасорат ҳақида фикр уйғотса, нопок кишиларни ватан ғоясисиз сўзсиз қилишлари аниқ бўлган кўпгина қабиҳликлардан сақлайди”.

“Ватан ғояси шонли йилларда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам унинг фарзандларига бирдек хос бўлмоғи зарур, бинобарин, бу ғояни чинакам ҳис этгандагина киши ўзини Инсон дея ҳисоблашга ҳақлидир”.

“Ватанпарварликнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта, бу кишини башарият ҳақидаги ғоялар билан улғайтирадиган мактабдир”.

“Ҳарқалай, энг муҳими: ватанга муҳаббатинг, муҳаббатинг ва яна муҳаббатингдир! Бинобарин, шу муҳаббат сенга куч-қувват беради, қолган ҳаммасини ҳам осонгина ҳал қиласан”.

(Салтиков-Шчедрин)

“Халқ фаровонлиги йўлида ҳар турли усулларни ахтармоқ ва ватанга зарар етказадиган иллатларга иложи борича барҳам бермоқ керак”. (И. Крилов)

“Ватанпарварлик бизни маҳлиё этиб қўймаслиги керак; ватанга муҳаббат кўр-кўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир”. (Н. Карамзин)

“Ҳар кимнинг ҳаёти ватанга тегишлидир, бинобарин, абжирлик эмас, балки расмана довиюраклик унга фойда келтиради”.

(П. Нахимов)

“Ватанга муҳаббатдан иборат бўлган қонуний равишдаги халқ ғурури ўз-ўзига бино қўйишдан мутлақо фарқ қилиши керак; бири эзгулик, иккинчиси эса тараққиётга тўсқинлик қилувчидир”. (Д. Менделеев)

* * *

“Ватанга муҳаббат айни замонда бутун инсониятга муҳаббат ҳам бўлиши керак. Ўз ватанини севмоқ – унда инсоният орзуларининг рўёбга чиқишини чин кўнгилдан истамоқ ва қўлдан келганча, бунга кўмаклашмоқ демакдир”.

* * *

“Ўтакетган манман, оғиз кўпиртириб мақтанадиган ватанпарварларга тоқат қилолмайман, лекин боқибегам бадбинлар, нотайин кишилар, одамзод орасидаги тутуриқсиз авбошлар менга ғариб ва хунук кўринишини айтиб ўтгим келади”

* * *

“Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас”.

* * *

“Ҳар бир олижаноб шахс ватан билан ўзининг қондош алоқасини, жондошлигини теран ҳис қилади”.

* * *

“Ватанпарварлик тантанавор хитоблар ва умумий гаплардан иборат эмас, балки у ватанга қизгин муҳаббат ҳисси билан ортиқча дабдабаларсиз ўз фикрини билиш, фақат эзгуликдан хайратланмай, балки муқаррар ҳар қаерда, ҳар қандай ватанда ҳам бўладиган ёвузликни жинидан баттар ёмон кўриш демакдир”.

* * *

“Ким бўлишдан қатъи назар, унинг ватанпарварлиги сўзи билан эмас, иши билан исбот қилинади”.

* * *

“Ватанга муҳаббат – бутуннинг бир бўлаги сингари, одамзодга бўлган меҳру муҳаббатдан вужудга келиши керак”.

(В. Белинский)

* * *

“Бизнинг мамлакатимиздан бошқа турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси ҳам, унинг ватани ҳам битта”.

* * *

“Ўз ватанингни фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар”.

(К. Ушинский)

“Фақат ҳамиятсиз одамларгина ватан туйғусининг гўзал ва юксаклигини ҳис этолмайдилар”. (И. Павлов)

“Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишданоқ, ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи кушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар. Шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар”.

(Ф. Скорина)

“Ҳақиқий ватанпарварлик барча шахсий муносабат ва манфаатлардан устун туради ва инсониятга теран меҳр-муҳаббат қўйиш билан узвий боғланган”.

“Яқин-яқинларда ҳам ватанпарварлик ватандаги барча яхши нарсаларни мадҳ этишдан иборат эди; ватанпарвар бўлмоқ учун энди бу нарсалар кифоя қилмайди. Чунончи, барча яхши нарсаларни мадҳ этишга ҳали бизда мавжуд бўлган бемаъниликларни аёвсиз фош қилиш ва таъқиб этиш ҳам кўшилган”.

“Жонли, фаол ватанпарварлик хусусан шу билан ажралиб турадики, у ҳар қандай халқро адоватга барҳам беради ва инсон шу тарздаги ватанпарварлик билан руҳланган ҳолда фойдаси теккудек бўлса, бутун инсоният учун меҳнат қилгиси келади”.

(Н. Добролюбов)

“Сотқинни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага солиштириб бўлмайди. Менимча, ҳатто терлама бити ҳам сотқинга қиёсланса, ҳақоратланган бўлур эди”. (М. Горкий)

“Ватанпарварлик – ёлғиз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу – ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқатиш демакдир”. (А. Толстой)

“Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан”.

(А. Блок)

“Ватанга муҳаббатни одамлар шовқин-сурон билан эмас, меҳнат билан исбот этадилар”. (Вс. Иванов)

“Ватан учун қийин бўлган пайтларда унинг учун энг мушкул ишларини ўз зиммасига оладиган кишигина ватанпарвардир”.
(П. Павленко)

“Ватанпарварлик – номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, шамолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил”.

“Ватаннинг шодлиги ва қайғусини кўнглига яқин олган киши ҳар қандай одамнинг қайғу ва шодлигига ҳам бефарқ қарай олмайди”. (В. Сухомлинский)

“Ватанпарварликнинг кучи унинг замиридаги шахсий меҳнат қиммати билан баробардир: дайди ва текинхўрларга ватан туйғуси ҳамиша ёт бўлган”.

“Ким халқ билан унинг қайғусини баб-баравар бўлишиб олмаса, унинг шодлик байрамида ўзини хўрланган ҳис этиши шубҳасиздир”.

“Энг ёқимли ва долзарб ишлар ҳам ватанга хавф солувчи хатар олдида нарига суриб қўйилади”. (Л. Леонов)

Дониш аҳли меросидан:

Ривоят:

Душман ҳоқонни урушга тортиш учун баҳона изларди. Шу сабаб унинг севган тулпорини сўради. От бир соатда минг фарсах йўл босарди. Ҳоқон қурултой чақириб, урушнинг даҳшатли оқибатларидан кўра тулпоридан ажралмоқни афзал билди. Баҳона излаган душман энди унинг севган ёрини талаб қилди. Жами беклар, қўшин бошлиқлари ларзага келдилар. “Бизларни жанг-

га йўлла! Амрингга мунтазирмиз!” деб хитоб қилдилар. Ҳоқон ижозат бермади: “Мен ўз муҳаббатимни деб юртимни хароб қила олмайман!” – деб бошига тушган мусибатга чидади. Душман тарафдан учинчи марта келган элчи мутлақо унумсиз, яйдоқ, қакроқ бир парча ерни талаб қилди. Курултой аҳли деҳқончиликка яроқсиз бир парча ерни бериш билан мамлакат бир нарса бўлиб қолмаслигини айтганда ҳоқон ларзага келиб, қаддини тик тутди:

-Ватан бизнинггина мулкимиз эмас, мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган набираларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бор. Ватандан бир қарич бўлсин бермоққа ҳеч бир кишининг ҳаққи йўқдир. Энди урушамиз. Олға, шунқорларим, жангдан бўйин товлаганларга – ўлим!”

Улар душманга қарши шердек ташландилар. Ватан тупроғи учун бўлган уруш ғалаба билан ниҳоя топди.

* * *

Масал:

Қишлоқ этаги туташган тоғда бир гала каклик тонгдан бери чуғурлашишади. Улар учун кенглик, тоза ҳаво, эркинлик ҳар куни байрам эди. Қуёш кўтарилиши билан қишлоқдаги хўрозлар ҳам бошпаналаридан чиқиб, ахлатхоналарни титиб, ғурур билан қичқириб кўярдилар. Бу ҳолни кўрган бир каклик қаҳ-қаҳ уриб кулди ва гердаиганича ахлат титаётган хўрозга деди:

– Эй кеккайган аҳмоқ! Бир ҳовуч дон учун одамларга асир бўлиб ўтирибсан-а! Шу ахлатхонани ўзингга жаннат деб биласан. Ахлатхонадан қутулсанг-чи!

Қиссадан ҳисса:

– Э инсон! Бу дунёда ўзинг учун энг азиз бўлган озодлигингни бир ҳовуч емишга сотма. Доим озод яша ва озодликни сев! Аллоҳ таоло сени озод қилиб яратди. Бир ҳовуч емишга алданиб, азиз ҳаққингни сотма!

* * *

Ҳикоят:

Агар инсон ҳур бўлмаса, Ватан ичра беватан ҳисобланади. Ватан эркин ва озод инсонлар билан гўзалдир. Дейдиларки, доно ҳаким машриқдаги бир мамлакатга саёҳат қилибди. Бу мамлакат одамларининг бағри кенг, диллари тоза, ниятлари пок экан. Табиат ҳам бу хокисор одамларнинг феълларига яраша она ерларини ҳосилдору, турли хазиналарга бой қилиб яратган экан. Доно ҳаким бу мамлакатни жаннатга қиёслабди-ю, аммо бир жумбоқ бўйича ўйланиб қолибди. Худо бу мамлакатга беҳисоб бойлик берганига қарамай,

аҳоли қашшоқ яшар экан. Чунки уларни қўшни мамлакат истило қилиб олган экан. Аҳоли эса “тақдиримизга ёзилгани шу экан-да”, деб сабр қилар, озодликка чиқишни ўйламас экан. Доно ҳаким юртига қайтаётганда бу мустамлака ўлка аҳлидан бири “Бизнинг юртимиз қандай экан?” деб сўрабди. “Мен дунё кезиб, сизлардай меҳнаткаш одамларни кўрмадим, – дебди доно ҳаким. Кейин истеҳзо билан қўшиб қўйибди: -Бахтли халқ экансизлар. Сизлар шундай жаннатмаконда яшаб, ҳақ-ҳуқуқларингизни ўзгаларга бериб қўйибсизлар. Сизларнинг бахтингиз шундаки, бахтсиз эканлигингизни билмас экансизлар...”

Масал:

Бир куни бўри ҳўкизга деди:

– Хой қудратли ҳайвон! Сенга ҳеч тушунолмаيمان. Нега сен ўзингдан беҳад заиф жонзотга қулсан? Ахир сен одамдан кучлисан-ку?! Нега уларга бўйсунасан? Жуссам кичик бўлгани билан мен одам зотига бўйсунмайман. Ҳар увиллаганимда уларнинг тинчини оламан.

Ҳўкиз деди:

– Эй жуссаси кичик ҳайвон! Одам менинг емишимни, ичадиган сувимни беради. Эркалаб, пешонамни силайди. Мен бу яхшиликларини унута олмайман. Шу боис уларнинг хизматини бажараман.

– Эй баҳайбат ҳайвон, – деди яна бўри, – шу катта каллангда менчалик ҳам ақлинг йўқ экан. Уларнинг эркалаб силашлари сени алдамасин. Улар ўз манфаатлари учун сени эркалаб силайдилар, сув, ем берадилар. Сен эса пешонангни силаганлари учун бўйинтуруқ остига кирасан. Мен эса ҳеч қачон уларга бўйин бермайман. Эркимни бергандан кўра ўлимни афзал кўраман!

Қиссадан ҳисса:

Қорин тўқлиги инсонни алдаб қўймаслиги керак. Баъзида бу нарса инсон учун тузоқ бўлади. Қорин тўйиши инсонни бўйинтуруққа солиб, ўзи учун энг қимматли бўлган озодликдан маҳрум этади. Бўйинтуруқдаги инсон ҳам қачондир ўлади, лекин қулликда ўлишдан кўра озодликда ўлмоқлик минг марта афзалдир.

Ривоят:

Ўтган замонда Андроклес исмли хушхулқ бир асир Рим зодагонининг қўлидан қочиб, ваҳший ҳайвонлар яшайдиган ўрмонга яширинди. Озодликда яшашни истади. Машаққат ва азобларга

чидади. Бир кеча яраланган арслоннинг овозидан ўрмон ларзага келди. Андроклес аввалига кўрқиб кетди. Кейин овоз келган томон юрди. Арслонни топиб, ярасини боғлади.

Кунлардан бир кун Андроклесни тутиб олдилар. Бу онда овчилар арслонни тутиб, ҳукмдорга тортик қилдилар. У замонда қочоқ асирларни оч арслонга ем қилдириш одати бор эди. Андроклесни ҳам шундай ўлимга ҳукм қилдилар. Одамлар бу томошадан завқланиш учун тўпландилар. Андроклес ўртага қўйилиб, оч арслон қафаси очилди. Баҳайбат арслон отилиб чиқди-ю, Андроклесга яқинлашганда шашти пасайиб, унинг оёқларига суйкалди. Бундан оломон ҳайратга тушди. Шунда Андроклес уларга қарата бундай деди:

– Эй инсон қиёфасидаги ваҳшийлар! Мана шу ҳайвонга бир мартагина яхшилик қилган эдим. Яхшилигимни унутмабди. Сизларга йиллар бўйи хизмат қилган бўлсам-да, кичик бир айбим учун мени ўлимга ҳукм қилиб, томошага тўпландинглар. Мен озод яшашни истаган эдим, сизлар буни айб деб билдинглар.

Қисадан ҳисса шуки, киши қанчалик озодликка, ҳурриятга эришса, раҳмдилликка дуч келса, у шу қадар ИНСОНлигини ҳис қилади.

* * *

Ривоят:

Қадим замонда бағдодликлардан бири чўлда йўлдан адашди. Оч-наҳор, юпун қолди. Ниҳоят, бир куни узоқдан қора жундан тўқилган бир чодир кўринди. Бағдодликнинг юраги севинчдан ҳапқирди. Ҳолдан тойганича чодирга етиб келди. Ундаги аёл ночор йўловчини очиқ чехра билан қаршилади, ҳордиқ чиқариши учун жой берди.

– Э меҳрибон аёл, жуда чанқадим, сув борми? – деб сўради йўловчи.

Аёл унга бир коса сув берди. Сув илиқ, бунинг устига шўр эди. Мусофирнинг оғзи куйгандек бўлиб, баттар қийналди. Шу аснода ўз шаҳрини эслади: “Ох, Бағдод, ох! Қандай диёр экансан, энди қадрингни билдим!”

– Э меҳрибон аёл, сен ҳеч Бағдодни кўрганмисан? – деб сўради у.

– Кўрмаганман. Туғилганимдан бери ҳаётим шу чўлларда ўтяпти. Биз доим шу сувни ичамиз. Эрим овга кетган, чўлдан каламушми калтакесакми тутиб келтирса, қорнингизни тўйдириб оларсиз, – деди хотин.

Бағдодлик буни эшитди-ю, дили яна фарёд қилди: “Оҳ Бағдод! Қандай муборак шаҳар экансан, билмай юрган эканман мен нодон!” Хаёлидан шу фиғон ўтди-ю, ўзини овутиш мақсадида аёлга она шахрини мақтай кетди:

– Э меҳрибон аёл! Бу жойларинг жаҳаннам экан. Бу ерда қандай яшаяпсанлар, ҳайронман! Бағдоднинг ғоят латиф хавоси, боғлари, оқар сувлари... анвойи турли неъматлари бор. Бу ерда эса ҳатто майса ҳам ўсмайди. Жаҳаннам каби оловли бир қум дарёси ичида турасан. Ё Аллоҳ, Ўзинг асра! Агар истасангизлар, сизларни Бағдодга олиб кетайин, ўша ерда роҳатланиб яшанглар.

Бир оздан сўнг аёлнинг эри овдан қайтди. Аёл эри келтирган чўл каламуши билан калтакесакни сўйиб, иссиқ тошларнинг устига қўйиб пиширди. Мусофирни ҳам бу таомга таклиф этдилар. Бағдодликнинг кўз ўнгида шахрининг гўзал боғлари, қўй гўшtidан пиширилган кабоблар, ширин сув... гавдаланди, кўзлари алам ёшларига тўлди. Бўғзини куйдирган шўр ва илиқ сувни ичаётганида, ёқимсиз емакларни чайнаётганида “Оҳ Бағдод, оҳ! Қандай гўзал диёр экасансан!” деб ичида нола чекиб, афсусларди.

Эр-хотин меҳмонга чодирдан жой қилиб, ўзлари ташқарида ётдилар. Шунда хотин эрига деди:

– Бу мусофир нуқул “Оҳ Бағдод, оҳ!” деб нола чекапти. Сиз Бағдодни кўрганмисиз? У ер жаннатга ўхшар эмиш. Бизни таклиф қиляпти, агар чинданам жаннат бўлса, ўша томонларга кета қолсакмикин?

Бу гапни эшитган эр аччиқланди:

– Э нодон хотин, сен унинг гапларига ишонма. Бизнинг жаннатимиз шу ернинг ўзида. Бу ердаги кўнгил эрки у ерда йўқ. Бу ерда вужуд жафоси бор, аммо, ундан-да аълороқ бўлган ҳуррият ва кўнгил сафоси ҳам бор. Сен ўз аҳволингдан мамнун бўлмаганинча, жаннатга кирсанг ҳам роҳат топа олмайсан.

Қиссадан хисса шуки, ўзи яшаётган жойнинг кадр-қийматини тўла англаб етмайдиганлар ҳам бор. Бундайларни тақдир фалокатларга, фожиаларга дуч қилгандагина, яшаган жойларининг қадрини ҳис қила бошлайдилар. Деганларки: “Ўзга юртининг подшоси бўлгандан кўра ўз юртининг гадоси бўл”.

Тавоф қилгин ўйнаб-ўсган ерингни,
Ўз халқингга тўккин манглай терингни.
Хар нарсадан мусофирлик ёмондир,
Ўзга элда дўстга айтма сирингни.

Бир одам суҳбатда дедики: “Мабодо уруш бўлса-ю, мени аскарликка чақирсалар бормайман. Нега энди мен боришим керак? Мен жангга кетайин-у, бунда қолганлар айш-ишрат қилиб юраверсинларми? Мен анойи эмасман, урушга борадиган аҳмоқ йўқ...” Бу гапга жавобан дўсти дедики: “Бундай фикр бир кишининг қаноати эмас. Бу гап Ватан ва миллатга нисбатан ичида озми-кўпми хиёнат фикри бўлган кишиларнинг оғзидаги сақичдир. Сен буларнинг биттасига дуч келибсан...”

Донишманддан сўрадилар: “Қайси одам, қайси миллат афзал?” Донишманд икки кафтига тупроқ олиб, “Қайси кафтимдаги тупроқ афзал?” деб сўради. Кейин кафтларидаги тупроқни бир-бирига аралаштириб дедики: “Икки ҳовучимдаги тупроқнинг бир-биридан фарқи бўлмагани каби, ҳамма халқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардирлар”.

Самога учса ҳамки қайтажак инсон,
Она-ер бағрини қўмсайди ҳарчоқ.
Она-ер ўргилиб, фарзандларидан,
Йўлларин пойлайди, қайтгил, деб тезроқ.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.
- * Узоқдаги қуйрукдан, яқиндаги ўпка яхши.
- * Булбул чаманни севар, одам – Ватанни.
- * Юрти бойнинг – ўзи бой.
- * Ўзга юртда шоҳ бўлгунча – ўз юртингда гадо бўл.
- * Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан.
- * Бадқавм бўлсанг бўл, беқавм бўлма.
- * Балиқ сув билан тирик, одам – эл билан.
- * Бегона тупроқ – девона тупроқ.
- * Беткай кетар – бел қолар, беклар кетар – эл қолар.
- * Бировнинг юртида бек бўлгунча, ўзингнинг юртингда ит бўл.
- * Булбулга боғ яхши, какликка – тоғ.
- * Ватан гадоси – кафан гадоси.
- * Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.
- * Ватан қадрини билмаган – ўз қадрини билмас.
- * Ватанга келган – иймонга келар.
- * Ватанга фалокат – ўзинга ҳалокат.
- * Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.
- * Ватандан йироқлашган – номусдан ўлар.
- * Ватани борнинг бахти бор.
- * Ватанни сотган эр бўлмас.
- * Ватаннинг вайронаси – умрнинг ғамхонаси.
- * Яхши дўст – она, яхши мамлакат – Ватан.
- * Ватансиз инсон – куйсиз булбул.
- * Душманга нафрати бўлмаганнинг Ватанга муҳаббати бўлмас.
- * Йигит ғами элида, элнинг ғами – дилида.
- * Киймоққа кафан яхши, турмоққа Ватан яхши.
- * Нон гадоси бўлсанг ҳам, юрт гадоси бўлмагин.
- * Она ернинг тупроғи она сутидек азиз.
- * Она юртинг – олтин бешигинг.
- * Туққан ерда туғинг тик.
- * Туққан элга жон тортмаса ҳам, қон тортар.
- * Туғилган ердан кўнгил узилмас, юрт қўригanning юрти бузилмас.
- * Туғилган еринг – Ватанинг, Ватанинг – номусинг.
- * Тўйган ердан туққан ер яхши.
- * Урса ҳам – эл яхши, сўкса ҳам – эл яхши.
- * Фил тушида Ҳиндистонини кўрар.
- * Экин ерида кўкарар, эр – элида.
- * Эл бор бўлса – эр хор бўлмас, эр бор бўлса – эл хор бўлмас.

- * Эл бошига тушгани – эр бошига тушгани.
- * Эл қудрати – чин қудрат, ватан тупроғи – қиммат.
- * Элга қўшилган мой ютар, элдан айрилган – қон ютар.
- * Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ.
- * Элга қўшилсанг – эр бўласан, элдан ажралсанг – эр бўласан.
- * Элига вафо қилган ёвига жафо қилар.
- * Элинг-юртинг бўлмаса, ойинг-кунинг бўлмасин.
- * Элли ер – бозор, элсиз ер – мозор.
- * Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар.
- * Эрингдан безсанг ҳам, элингдан безма.
- * Юрт эгаси – йўлбарсдир, олдиргани қўймасдир.
- * Юрт қўрисанг – ўсарсан, қўримасанг – тўзарсан.
- * Юртда одам бўлмаса, тўнғиз тепага чиқар.
- * Юртдан айрилганни ёв чопар.
- * Юртдан кетган – юртмонда, ўтар ҳасрат, армонда.
- * Ўз уйим – ўлан тўшагим.
- * Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинар.
- * Ўзга юртнинг қозиси бўлгандан ўз элингнинг тозиси бўл.
- * Ўлсанг – ўл, Ватанингда бўл.
- * Ўпкадан урган ел ёмон, элидан айрилган эр ёмон.
- * Қоронғи қолган юртда қорашақшақ подшоҳ бўлур.
- * Қуш бутага сиғинар, одам – Ватанга.
- * Ҳар кўкатнинг суйган тупроғи бор.
- * Ҳар тойча ўзи сув ичган булоғини мақтар.

ИНСОН БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН ЯРАЛГАН

“Эй азиз фарзанд! Саодат нишонаси тўрттадир: тўғрилиқ, одоб, мулойим муомала, омонатга хиёнат қилмаслик... Эй кўзимнинг қувончи ўғлим! Ўзингдан ўзинг беҳуда ғамгин бўлма. Хафагарчилик ила қалбингни банд этма”. (Луқмони Ҳаким)

“Бу беш нарса бўлмаса эди, инсонларнинг барчаси яхши бўларди (мазкурни “бахтли бўларди”, деб талқин қилишимиз ҳам мумкин): жоҳилликка рози бўлиш; дунё ҳаётига ҳирс билан боғланиш; эҳтиёждан ортиқ молга хасислик қилиш; амалларда ва муомалада риё қилиш; фақат ўз фикр ва қарашларини тўғри деб билиш”. (Али ибн Абу Толиб)

“Беш нарса бахт аломатидир: қалбдаги қатъий ишонч; дилдаги тақво; дунёнинг ичида туриб ундан юз ўгириш (яъни зуҳд); икки кўздаги ҳаё ва бадандаги кўрқинч.

Беш нарса эса бадбахтликдан: қалбнинг қаттиқлиги; кўзнинг қуруқлиги; ҳаёнинг озлиги; дунёга берилиш; узун орзу”. (Ибн Иёз)

“Бадбахтлик тўртта: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-хаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш”.

(Анас ибн Молик)

“Бир кишининг тижорати охират тижоратига монелик қилса, бундай киши бадбахтдир. Бечорадир. Бу бир тандир учун бир хум олтин берган кабидир”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

Валий зот Тустарийдан сўрадилар:

– Бадбахтлик аломати қайсилар?

– Илмли бўлатуриб амал қилмаслик. Амал қила туриб ихлосли бўлмаслик. Аллоҳ таолонинг берганига рози бўлмасдан бошқа нарсалар ортидан қувмоқ. Ҳақ таоло дўстлари суҳбатига қўшилмаслик.

“Ўн гўзал ҳислат барча саодатнинг манбаи ва маъданидир: инсоф ва адолат; тилак ва орзуларга бўйин эгмай, унга ғолиб бўлишлик; олим ва фозиллар билан суҳбатлашиб, уларнинг насиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш; ҳақиқат ва тўғрилиққа ҳаминша ва ҳар қандай ҳолатда содиқ бўлиш; ёши катталарни иззат ва ҳурмат қилиш; кичикларга шафқатли ва марҳаматли бўлиш; дўстликда самимият; душманларга ҳам мулозим муносабатда бўлиб, улар билан муроса-мадора қилиш; муҳтожларга ёрдам бериб, хайру эҳсон қилиш; жоҳил ва нодонларга насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга қўндиришдан эринмаслик”.

(Абу Али ибн Сино)

“Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади”.

(Абу Абдуллоҳ Рудакий)

“Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади”.

“Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур”.

“Мулоҳазали бўлиш – инсонни саодатга олиб келувчи фазилатли фикрларни, бахт-саодат учун изланган нарсаларни тиклай олиш қобилиятидир”. (Абу Наср Форобий)

“Ким бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагини тутса, у албатта муродига эришиб, хайру барака топади”. (Абулқосим Замахшарий)

“Бахт ҳийла билан топилмайди, бахтиёр бўлмоқни истайсану, кеча-кундуз ётасан. Ғаввослардан ибрат ол, мақсадга етиш ва марварид топиш учун ўзларини денгиз қаърига отадилар”.

(Бархурдор ибн Маҳмуд)

“Бахт-иқбол секинлик билан, бахтсизлик эса тез суръат билан ҳаракат қилади. Чунки бахт пастликдан юқорига чиқишга, бахтсизлик эса чўққидан пастга тушишга ўхшайди”.

“Бахт – доимий ҳаракатда бўлганингизда келади... Бахт ҳаракат мевасидир”.

“Бахтли бўлиш ўзимизга боғлиқдир”. (*Арасту ҳаким*)

“Кимни “бахтли” дейиш мумкин деб сўрасангиз, “Кимда ҳалол фикр ва ўтқир зеҳн бўлса, ўшани” деб жавоб берган бўлардим”.

“Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради”. (*Сукрот ҳаким*)

“Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз”.

“Одамлар бошларига қайғу тушганда тақдирдан, худолардан ва бошқа истаган нарсалардан зорланадилару, аммо ўзларидан сира зорланмайдилар”. (*Афлотун ҳаким*)

“Катта бойликка эга одам фақат бир кунлик эҳтиёжига етарли пули бор одамдан кўра бахтли эмас”. (*Геродот*)

“Омад хурсандчиликка, омадсизлик эса ғам-андух чекишга арзимади; барчаси ўтқинчи, ҳеч нарса инсонга боғлиқ эмас”.

“Бошингга қайғу тушганда атрофингга қараб, ўзингни бос: сенга қараганда қисмати оғирроқ кишилар ҳам бор”. (*Эзон*)

“Ўзгаларнинг қалбида нималар рўй бераётганига бепарволик билан қарагани туфайли бахтсиз бўлган одамларни кўрсатиш

“Ўн гўзал ҳислат барча саодатнинг манбаи ва маъданидир: инсоф ва адолат; тилак ва орзуларга бўйин эгмай, унга ғолиб бўлишлик; олим ва фозиллар билан суҳбатлашиб, уларнинг насихатларини ҳаётга татбиқ этиш; ҳақиқат ва тўғрилиқка ҳамisha ва ҳар қандай ҳолатда содиқ бўлиш; ёши катталарни иззат ва ҳурмат қилиш; кичикларга шафқатли ва марҳаматли бўлиш; дўстликда самимият; душманларга ҳам мулойим муносабатда бўлиб, улар билан муроса-мадора қилиш; мухтожларга ёрдам бериб, хайру эҳсон қилиш; жоҳил ва нодонларга насихат қилиб, уларни тўғри йўлга кўндиришдан эринмаслик”.

(Абу Али ибн Сино)

“Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади”.

(Абу Абдуллоҳ Рудакий)

“Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади”.

“Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур”.

“Мулоҳазали бўлиш – инсонни саодатга олиб келувчи фазилатли фикрларни, бахт-саодат учун изланган нарсаларни тиклай олиш қобилятидир”. *(Абу Наср Форобий)*

“Ким бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагини тутса, у албатта муродига эришиб, хайру барака топади”. *(Абулқосим Замахшарий)*

“Бахт ҳийла билан топилмайди, бахтиёр бўлмоқни истайсану, кеча-кундуз ётасан. Ғаввослардан ибрат ол, мақсадга етиш ва марварид топиш учун ўзларини денгиз қаърига отадилар”.

(Бархурдор ибн Маҳмуд)

“Бахт-иқбол секинлик билан, бахтсизлик эса тез суръат билан ҳаракат қилади. Чунки бахт пастликдан юқорига чиқишга, бахтсизлик эса чўққидан пастга тушишга ўхшайди”.

“Бахт – доимий ҳаракатда бўлганингизда келади... Бахт ҳаракат мевасидир”.

“Бахтли бўлиш ўзимизга боғлиқдир”. (*Арасту ҳаким*)

“Кимни “бахтли” дейиш мумкин деб сўрасангиз, “Кимда ҳалол фикр ва ўткир зеҳн бўлса, ўшани” деб жавоб берган бўлардим”.

“Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради”. (*Сукрот ҳаким*)

“Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз”.

“Одамлар бошларига қайғу тушганда тақдирдан, худолардан ва бошқа истаган нарсалардан зорланадилару, аммо ўзларидан сира зорланмайдилар”. (*Афлотун ҳаким*)

“Катта бойликка эга одам фақат бир кунлик эҳтиёжига етарли пули бор одамдан кўра бахтли эмас”. (*Геродот*)

“Омад хурсандчиликка, омадсизлик эса ғам-андуҳ чекишга арзимайди; барчаси ўткинчи, ҳеч нарса инсонга боғлиқ эмас”.

“Бошингга қайғу тушганда атрофингга қараб, ўзингни бос: сенга қараганда қисмати оғирроқ кишилар ҳам бор”. (*Эзон*)

“Ўзгаларнинг қалбида нималар рўй бераётганига бепарволик билан қарагани туфайли бахтсиз бўлган одамларни кўрсатиш

қийин. Аммо ўз қалбига қулоқ тутмаган, уни назорат қилолмаганларнинг бахтсизликка учраши муқаррардир”.

“Ўзини бахтли деб ҳисобламагунча ҳеч бир одам бахтли эмас”.

“Ўзингни безовта қилаётган нарсаларга муносабатингни ўзгартир, ана шунда хавф-хатардан холи бўласан”.

“Бахтли ёки бахтсиз бўлиш кичик бир нарсага боғлиқдир, яъни фикрлаш доирасига”. (М. Аврелий)

“Ох, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир. Ох, бахтиёрлик! Унда бахтсизлик яширин”. (Лао Цзи)

“Агар бахт жисмоний лаззатларда бўлганида эди, сен нўхат бериб боққан буқаларни энг бахтли жонзотлар, деб атаса бўларди”.

“Бахт моддий севинчлардан иборат бўлганда эди, пичанга югурган хўкизлар энг бахтли саналарди”. (Буқрот ҳақим)

“Бахтсизликни кўтара олмайдиган киши бахтсиздир”. (Биант)

“Ҳамдардлик – ўзгаларнинг бахтсизлигидан азият чекиш, ҳасад – бировларнинг бахтини кўриб ғамга ботиш”.

“Ахволи сиздан ёмон одамга бахтингиздан сўз очманг”.

(Плутарх)

“Файласуфлар эмас, балки лўттибозларгина инсон ўз истаги-ча яшаса бахтлидир, дея гап сотадилар: бу ғирт ёлғон. Жиноий истақлар энг манфур бадбахтликдир. Жиноий истақдан кўра истаганингга ета олмаслигинг анча дурустдир”. (Цицерон)

* * *

“Ким кўплаб кишиларга бахт инъом этса, ўша энг бахтли одамдир”.

* * *

“Бахт ва бебахтлик бир-бирига зулмат ва ёруғлик каби муносабатда бўлмайди, бири бошқасининг шунчаки йўқлиги эмас”.

(Д. Дидро)

* * *

“Тўғри, қийин дақиқалар ҳам бўлади, аммо унга бўйин эгма – ёмон нарсадан юзингни ўгир, шунда кўнглинг баҳори сени қўллаб-қувватлайди. Ҳатто кексалик ҳам тун зулмати совуғидан ҳаммавақт ҳам енгилиб қолавермайди”. (Лукреций)

* * *

“Инсон ё кўрқув ёки интиҳосиз ва беҳуда эҳтиром туфайли бахтсиз бўлади”.

* * *

“Ақл-фаросатдан маҳрум ҳолда бахтли яшагандан кўра ақл фаросат билан бадбахт бўлган аълороқдир”. (Эпикур)

* * *

“Бахтли бўлишни истаган киши кўп ишлар қилиши керак. Ўз устида мунтазам ишлаши зарур”.

* * *

“Бахт яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир”.

* * *

“Яқинларининг бахтсизлигидан қувонувчилар тақдир чархпалаги ҳаммага ўз таъсирини ўтказишини тушунмайдилар”.

* * *

“Мардлик тақдир зарбаларини арзимас нарса деб билади”.

(Демокрит)

* * *

“Бахтли инсон ҳаётининг қисқалигини ўйлайди, бахтсиз инсон учун эса бир кун ҳам абадийдек кўринади”.

(Лукиан)

“Қайғуда ҳам улуғворлик бўлади. Кўз ёши тўкишнинг ҳам меъёри бор. Фақат ақлсиз одамлар севинган пайтларида ҳам, кулфатли дамларида ҳам ҳовлиқиб қоладилар... Ўзгартиролмайдиган нарсанга ўзингни ерга урмай бардош бер... Мусибат мардликка баҳона бўлади”.

“Дунёда ҳеч ким бахтсизликка мардона дош берадиган кишидек ҳурматга сазовор бўлолмайди... Азоб чекмаслик инсонга хос эмас, унга чидамаслик эса эр кишига ярашмайди”.

“Ҳар бир кулфатнинг нимадир давоси ҳам бор. Пулинг оз бўлса – ташвишинг кам. Омадинг унча юришмаса – ҳасад қилувчилар ҳам кам. Ҳатто юрагимизга қил сиғмайдиган пайтларда ҳам биз кўнгилсизликнинг ўзидан эмас, балки тасаввуримиздаги кўнгилсизликдан эзиламиз”.

“Бахтсизликларимизнинг кўпи улар тўғрисида дўстларимиз берадиган таскиндан кўра енгилроқдир”. (К. Колтон)

“Доимо бахтсизлар айбдор: яшаганлари учун ҳам, гапирганлари учун ҳам, бошқаларга муҳтож бўлганлари ва уларга кўмаклашолмаганлари учун ҳам айбдордирлар”. (О. Мирабо)

“Сукут – инсон қайғусининг бутун заҳматини чеккан оддий қалбга бошпана мисол”.

“Табассум инсоннинг юзидаги қишни узоклаштирувчи қуёшдир”. (В. Гюго)

“Оёқ кийимим йўқ дея хафа бўлар эдим, токи оёқлари йўқ фарзандга эга бўлгунга қадар”. (А. Франс)

“Азоб тортмаган руҳият бахтни қандай англай экан”.

(Ж. Санд)

“Ҳақиқий бахт муваффақият нашъаси ва янги нарсалар яратиш завқидан келади”. (А. Сент-Экзюпери)

“Қувонч гаштини суриш осон, яхшиси, бошингга ташвиш тушганда бардам бўл!”. (Ш. Руставели)

“Барча туйғуларимиз ичидаги энг эсдан чиқмайдигани – қайғу”.

“Бахтсизлик феъли-хўйни обдан синовдан ўтказди”.

“Кучли ҳаётӣ изтироблар майда ваҳималардан қутқаради”.
(О. Балзак)

“Ҳаётда қаҳрамонлик кўрсата оладиган ва кўп омадга эришадиган инсонлар бор. Лекин битта камчиликлари бор: бахтини бахтсиз инсонга мақтанишдан ўзларини тия олишмайди”. (М. Твен)

“Мен бошга ташвиш тушганда табассум қиладиган, қайғуни енга туриб куч оладиган ва тафаккурни мардлик манбаи деб билладиганларни эъзозлайман”. (Т. Пейн)

“Кўнгил қувончи унинг кучлилигидан далолат беради”.

“Сержаҳл бўлсангиз, ҳар дақиқа, олтмиш сония бахтни йўқотасиз”. (Р. Эмерсон)

“Қувончга пешвиз чиқишнинг ўзи қувонч... Танҳо шодланиш кўнгилсиздир”. (Г. Лессинг)

“Ғамга бир киши чидаши мумкин, лекин қувончни икки киши баҳам кўриши керак”. (Э. Хаббард)

“Агар фақат бахтли бўлишгина мақсад қилиб қўйилса, бунга тезда эришиш мумкин. Лекин одамлар кўпинча бошқалардан кўра бахтлироқ бўлишни истайдиларки, бунинг деярли иложи йўқ, чунки аслида бизга ўзгаларнинг бахти ҳамиша кўпроқ бўлиб кўринади”. (Ш. Монтескье)

“Агар биздан ҳаётимиздаги энг бахтли кунни сўрашса, биз тезда жавоб бера олмаймиз, агар гап энг оғир дақиқалар тўғрисида борса, хотирани қовлаб ўтиришга ҳожат бўлмайди”.

(Ф. Хвалибуг)

“Баъзилар ўзлари билмаганлари ҳолда бахтли яшайдилар”.

“Ҳеч туганмас бахтсизлик бўлмайди, қайғу-ғамнинг умидга нисбатан ваҳимаси кўпроқ... Умидсизлик бизнинг энг катта хатоларимиздан биридир”. (Л. Вовенарг)

“Шундай одамлар борки, улар доим нолиш ва диққатбозликдан ҳузур қиладиганга ўхшайдилар ва ундан маҳрум бўлмаслик учун бахтсизликни излашга ҳам тайёр тургандек туюладилар”.

(П. Кальдерон)

“Қувонч ва умидга мойиллик чинакам бахтдир; ҳадиксираш ва руҳий тушқунликка берилиш – ҳақиқий бахтсизлик”.

“Ўз эҳтиросига монанд шароитда яшайдиган киши бахтиёрдир, лекин ўз эҳтиросини ҳар қандай шароитга мослаштира билладиган киши ундан ҳам бахтлидир”. (Д. Юм)

“Агар сиз ўзингизни бахтли деб билсангиз, бахтингизни текширманг: бу – нафис капалакнинг гўзаллигини яхшироқ кўриш ниятида уни бурдалаб ташлаш билан баробар”. (П. Мантегаццо)

“Одам хоҳишларининг атроф муҳитга ҳамиша мос келиши унинг бахтидир”.

“Бахтли бўлиш учун бойликнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун бойликдан фойдалана олишни ҳам билиш лозим”.

“Тахт устидаги донишманд бандалардан энг бахтлиси бўлур эди”.

“Одам бахтли бўлгандагина борлиқни севиши мумкин”.

“Инсон ўзини муҳофаза этишга ҳамда бахтиёр бўлишга интилувчи таъсирчан, сезгир, ақлли ва фикр юритувчи мавжудотдир”. (П. Голбах)

“Тўла-тўкис бахт бизга насиб бўлувчи юксак даражадаги хузур-ҳаловатдир, бахтсизлик эса юксак даражадаги мусибат”.

(Ж. Локк)

“Дўстлар билан баҳам кўрилмаган, фақат ўзимиз баҳра олган ҳар қандай турмуш фароғати бизга ҳам унчалик ботмайди”.

(Роттердамлик Эразм)

“Эзгулик фақат инсонга хос хусусият, бинобарин, биров-биронинг бахти ва роҳати учун хизмат қилса, бу яна ҳам инсоний хусусиятдир”.

“Истаган хузур-ҳаловат ҳам бахт эмас, у хузур-ҳаловатлар ҳалол ва пок бўлмоғи керак”. (Т. Мор)

“Киши бошқаларга қанча шодлик ва бахт улашса, у фақат ўшанча шодлик ва бахтга даъвогар бўлиши мумкин”.

(Э. Фейхтерслебен)

“Фаросатсиз одамнинг омади юришса ҳам у ақлсиз бўлгани учун унинг тўқлиги сурбетликка айланади”.

(Феогнид)

“Бахтсизлик кўрликда эмас, балки бор ҳақиқатни тан олмай, унга бардош беришдаги лаёқатсизликда”. (Ж. Милтон)

“Киши ўз бахтини бошқаларга келтирган бахтига қараб ўлчайди”. (И. Бенгт)

“Киши ёруғликда – қоронғулик тўғрисида, бахтда – ғам тўғрисида, тўқликда очлик тўғрисида жуда кам ўйлайди. Аксинча, қоронғиликда – ёруғлик, ғамда – бахт тўғрисида, очликда тўқлик ҳақида доимо ўйлайди”. (И. Кант)

“Бахтга интилиш бўлмаган жойда умуман интилиш ҳам йўқ. Бахтга интилиш интилишларнинг интилишидир”. (Л. Фейербах)

“Бахт худди соат кабидир: мурвати қанчалик оддий бўлса, шунча кам бузилади”.

520

“Бахт осон нарса эмас – уни ўз ичингдан топишинг жуда қийин, қандайдир бошқа жойдан топишинг эса иложи йўқ”.

(Н. Шамфор)

“Ўлимдан аввал ҳеч кимни бахтли деб аташ мумкин эмас”.

(Солон)

“Бой берилган нарса тўғрисидаги хотира келажакдан кутишимиз мумкин бўлган нарсадан доимо устун туради”.

“Дунёда икки бахтсизлик бор: эҳтироснинг қондирилмай қолиши ва ҳаддан ортиқ ғам-андуҳ чекиш”.

“Ҳаётдаги қарийб ҳамма бахтсизликлар ишимизнинг юриш-маётгани хусусидаги сохта тасаввурларимиздан келиб чиқади. Бинобарин, одамларни яхши билиш ва воқеалар ҳақида соғлом фикр юритиш бизни бахтга етаклайди”.

* * *

“Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди”. (Стендал)

* * *

“Баъзан биз жудоликнинг ўзидан ҳам таскин топамиз, баъзан эса орттирган нарсамиздан аччиқ-аччиқ йиғлаймиз”.

* * *

“Бу дунёда ҳамма нарсаси бор ҳам, ҳеч нимаси йўқ ҳам бирор дардга учрайди”. (В. Шекспир)

* * *

“Бахтни тотмоқнинг ягона йўли уни баҳам кўрмоқликдир”.
(Ж. Байрон)

* * *

“Бахт бесабр одамларга кўп нарсаларни пуллаб қолади-ю, сабрлиларга уларни текинга беради”. (Ф. Бэкон)

* * *

“Тўғри, бахтни бойликка боғлаб бўлмайди, лекин яхши томони шундаки, пулдор одам ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиради, ўзгага муҳтож бўлиб қолмайди, иккинчидан, ўзгаларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни ўзига қарам қила олади. Халқнинг бахти, фаровонлиги шунда”.

* * *

“Ўзинг бирга яшаб турган халқнинг бахтли қилиш учун ҳукмдорларга китоб – қўлланма ёзиш шартмикин? Яхшиси, ўз тажрибангга таяниб иш кўр”.

* * *

“Касб-ҳунар ривожланган, савдо-сотик ишларини йўлга қўйган халқларда маблағ кўпайса, бу – бахтли яшаш омилларининг энг асосийси деб ҳисоблайман”.

* * *

“Бахтимизни ўзимиздан топишимиз мумкин бўлгани ҳолда, уни ўзгалардан қидиришга ҳожат йўқ”.

* * *

“Халқ бахти нималардан иборат эканлигини аниқлаш учун одамларнинг бу ҳақдаги фикрларини жамлаш етарли бўлмаса керак. Халқнинг фаровонлиги жуда кўп нарсаларга боғлиқ,

алоҳида шахсларнинг фаровонлигини аниқлаш ҳам унчалик осон эмас. Бинобарин, бу борада адашмаслик учун жуда кўп меъёрларни бир-биридан алоҳида ажратиш лозим. Халқ бахтининг ўзига хос хусусиятларини билдирувчи ҳақиқий мезонларни тўғри белгилаш керак”.

* * *

“Халқ қай усулда бахтли бўлишини тушуниш учун бахтсизларнинг аҳволини ҳам яхши ўрганиш керак. Бахтли бўлиш учун нималар етишмаслигини аниқлаш билан бирга бахтли одам нималарга эга бўлишини ҳам билиб оламиз”.

* * *

“Энг муҳими, ижтимоий бахт барчани бирдек бахтли қилиши зарур эканлигини, акс ҳолда, у маъно ва моҳиятсиз бир сўзга айланишини ёдда тутмоқ керак”.

* * *

“Ҳар қандай давлат тизимида унга қарашли бўлмаган нималардир бор: айтайлик, одамларнинг истак-иродаси; унинг таъсир кучи қанчалик муҳим эканлигини ким инкор эта олади? Ҳар ким фақат ўз ҳолича бахтли бўлишни орзу қилар экан, эл-юрт, Ватан бахтиёр бўлолмайди”.

* * *

“Доно одам учун ҳаддан ташқари хурсандликка берилиш ҳам, ортиқча ғам-ғуссага ботиш ҳам бирдек номуносибдир”

* * *

“Фарзандингизни бахтсиз қилишнинг энг синалган усули нималигини биласизми? У нима деса ҳаммасига “хўп” дейиш!”.

(Ж. Ж. Руссо)

* * *

“Агар сени омадсизлик қийнаб қўйса, сенга қараганда ҳам омадсизроқлар борлиги тўғрисида ўйла, шунда ранжинг тарқалади. Агар қалбингни бепарволик эгалласа, иши яхши юришаётганлар тўғрисида ўйла, шунда ишга бўлган иштиёқинг ошади”.

* * *

“Кишиларнинг барча қувонч ва ташвишлари уларнинг ўз фикрлари томонидан яратилади”.

* * *

“Тор сўқмоқдан кетаётганингда қадамингни секинлат ва қаршингдан келаётганини ўтказиб юбор. Овқатланганингда ўзингга

учдан бирини қолдириб, қолганини яқинларингга бер. Бу дунёда доимо бахтли бўлишнинг сири шунда”.

“Ҳаётдан қувончни топишни ўрган, бахтни яқинлаштиришнинг энг яхши йўли шу”. (Хун Цзичэн)

“Бизнинг бахтимиз ҳеч нарсани орзу қилмайдиган ҳолга тушиб, бутун истакларнинг тўла қондирилишидан иборат эмас ва бундай бўлмаслиги керак, чунки бу ақлимизнинг ўтмаслашувига олиб келган бўлур эди. Янги-янги роҳат-фароғатларга ва янги-дан-янги мукамалликларга бетўхтов интилиш – бахт шудир”.

“Қайғу – йўқотилган, аммо ҳали анча роҳатини суриш мумкин бўлган бахт ҳақида ўйлаш оқибатидаги руҳий безовталиқдир ёки ҳозирги дақиқада чекилаётган аламдан изтиробга тушишдир”. (Г. Лейбниц)

“Киши ўзининг аянчли аҳволдан қутулишни жон-дилидан истар экан, бундай истак натижасиз қолиши мумкин эмас”.

(Петрарка)

“Аччиқ кўз ёшлари томмаганда ҳаёт қадаҳи кўнгилни айни-тар даражада ширин бўларди”. (Пифагор)

“Бизни бахтсизлик ва кўнгилсизликлардан асрашга қодир барча воситалар, агар улар ҳалол бўлса, фақат жоизгина эмас, балки ҳар қандай мақтовга ҳам сазовордир”.

“Қутулиш мумкин бўлмаган нарсага бардош бера билиш керак”. (М. Монтен)

“Ҳаёт қиморида ҳаммавақт ютиб чиқаверадиган одам йўқ”.

(Б. Прус)

“Бахтсизлик ҳам қўрқоққа ўхшайди: қўрқиб қалтираётганлар кетидан қувади, ўзига қарши дадил келаётганлардан эса қочади”. (А. Жювьё)

* * *

“Ақли пастлар бахтсизликка итоат қиладилар ва бўйсунадилар, ақли расолаар эса ундан устун турадилар”. (У. Ирвинг)

* * *

“Энг шафқатсиз тўсиқларни енгиб ўтишга жон-жаҳди билан интилиш инсонни инсон қилиб турувчи олий фазилатдир”.

(Л. Бетховен)

* * *

“Хақиқий қайғу номусли бўлади”. (Ф. Геббел)

* * *

“Мард одам нола қилмай, ичидан азоб чекади, ожиз кимса эса азоб чекмай туриб нола қилади”. (П. Буаст)

* * *

“Инсон ўзи хақида қанчалик кам ўйласа, у шунчалик бахтлироқдир”. (Л. Берне)

* * *

“Одамлар мақталадиган нарсалари бўлмаса, ўз бахтсизликлари билан мақтанадилар”. (А. Граф)

* * *

“Бошига мусибат тушган одамга сиз ҳар доим кам қайғураётгандек туюлаверасиз”. (С. Жонсон)

* * *

“Бахтсизликка бардош бериш ҳаддан ташқари омадлиликка бардош беришчалик қийин эмас: бахтсизликка бардош бериш сизни пиштади, кейингиси эса бўшаштиради”. (С. Сегюр)

* * *

“Кетма-кет омад қусурумизни, бахтсизлик эса фазилатларимизни очиб ташлайди”. (Ф. Бэкон)

* * *

“Майда кулфатлар ғазабимизни кўзгайди, катталари эса ақлимизни жойига келтиради. Дарз кетган қўнғироқдан сўник товуш чиқади: уни иккига бўлсангиз – яна тиниқ овоз беради”.

(Ж. Поль)

* * *

“Бахтли дақиқада ҳаддан ташқари катта кетмаслик, фалокатда эса ишончни йўқотмаслик лозим”. (Клеовул)

“Бахтиёр бўлишимизга шахсий хислатларимиздан энг кўпроқ фойда берадигани қувноқлигимиздир”. (А. Шопенгауэр)

“Сиз агар бахт орқасидан қувиб, қачондир унга етишсангиз, кўзойнагини қидирган кампир сингари, бахт доим бурнингиз остида юрганини сезиб қоласиз”.

“Бойлик яратмай туриб ундан фойдаланишга ҳаққимиз бўлмаганидек, бахт келтирмай туриб уни баҳам кўришга ҳам ҳаққимиз йўқ”.

“Катта одамни севинтириш кичик одамни севинтиришдан осон”. (Б. Шоу)

“Бахтсизликка дош беролмайдиган одам бахтсиздир”.
(Биант)

“Ҳаммага бирдай ёқиш истаги энг қулгили истақдир”.

“Киши ўзгаларнинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади”.

“На бўйсунушга, на ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиш учун буйруқ беришга эҳтиёжи йўқ кишигина чинакам бахтиёр ва улуғвордир”.

“Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин”.

“Инсонларнинг бахтлиси доимий ҳаракатда бўлгандир”.

“Бахт жасорат беради”.

“Хоҳ подшоҳ, хоҳ фуқаро бўлсин, дунёдаги энг бахтли инсон – хонадонида роҳат-ҳаловат бўлгандир”. (И. Гёте)

* * *

“Вазиятга мослашиш ва ташқи даҳшатларга қарамасдан осойишталикни сақлаш инсоний донишмандликнинг энг юксак даражасидир”.

* * *

“Яхшигина изласанг, ҳар бир ҳолатда ҳам бирор қувончли нарса топилади”. (Д. Дефо)

* * *

“Ҳеч қачон тасаввур қилганинг даражада бахтсиз бўлмайсан”.
(Б. Прус)

* * *

“Ҳаддан ташқари таъсирчанлик ҳақиқий бахтсизликдир”.
(К. Вебер)

* * *

“Фақат одамзод бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шухрат келтириши мумкин”. (Ч. Сэмнер)

* * *

“Бахтсизлик темирчининг босқонига ўхшайди: мажақлаб тоблайди”. (К. Боуви)

* * *

“Зарурат кишини бошқа пайтда ҳеч вақт эриша олмайдиган нарсага ҳам ўргатади”. (Ф. Фенелон)

* * *

“Меъданг яхши, оёқларинг соғлом бўлса, ҳар қандай қиролнинг хазинаси сени шундай бахтли қила олмайди”. (Хоратиус)

* * *

“Бахтга қаршимиздан чиқишини кутиш билан эмас, балки унга пешвоз чиқиш билан эришилади”. (Воамер)

* * *

“Инсонлар кўпинча бурни тепасидаги кўзойнакни излаган паришонхотирлар сингари ўз бахтларини излаб юрадилар”.

(Г. Дроз)

* * *

“Ўз қайғуларинг билан ўзгаларни ташвишга қўйма”. (Будда)

“Баъзан бахтнинг ташқи томони чиройли, ичи эса вайрона уйга ўхшайди”. (О. Ҳикмат)

“Ўзлигингиз билан бахтли бўла олмасангиз, ҳеч қачон эга бўлмаган нарсаларингиз билан бахтга эриша олмайсиз”. (З. Зиглер)

“Бахт уйқуга ўхшайди. Агар у ўз холича келмаса, куч билан келтиришнинг асло имкони йўқ”.

“Инсон ўз қувончини ошириб, бошқалар билан баҳам кўрсин, қайғуларини эса кичрайтириб айтсин”.

“Инсон ғамларни унутади ёки ўз қабрини ўзи қазийди”.

(Монтегю)

“Ҳар бир бахт изтироб эвазига сотиб олинади”.

“Ҳақиқий бахт ўзингизда эканини унутманг. Ҳузур, бахт, қувончни ташқи дунёдан излашни бас қилинг. Дардлашинг. Табас-сум қилинг”. (Мандзони)

“Ҳар бир инсоннинг бу ҳаётда бахтли бўлиши учун уч нарса кифоя: бировни сева олиши, қиладиган иши ва умид қиладиган нарсасининг бўлиши”. (А. Чамерс)

“Кимдир бахтга эришганида унинг чарчашга асло вақти бўлмайди. Шу лаҳзада бахтдан бошқа нарсани ўйлай олмайди”.

(Ф. Бенсон)

“Бахтга ўз кулбамизда эришамиз, бошқаларнинг боғида эмас”. (Д. Ферралд)

“Бахтли оила барчадан олдинроқ жаннатга киради”.

(Ж. Бовринг)

“Хаётдаги энг катта бахт севилганимиздир”. (В. Юго)

“Энг бахтли инсон ажойиб фикр соҳибидир. Бўш вақтини мазмунли, ёқимли мусиқа, яхши китоблар, яхши расмлар билан ўтказган, яхши дўстлар билан танишишни уддалай олган киши бахтлидир. Бундай инсон фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам бахт чашмасидан баҳраманд қилади”. (У. Пеллс)

“Майда-майда қийинчиликлар ўргимчак инига ўхшайди. Озгина ҳаракат қилсак, ундан қутула оламиз”. (Г. Вите)

“Инсоннинг танҳо ўзи бахтли бўлиши айбли иш эмас”.
(А. Конис)

“Агар бахтли инсонни учратсангиз, унинг бир қайиқ кашф қилганини ёки ўғлини улғайтирганини ё бўлмаса боғда турли гулларни парваришлаганини кўрасиз”. (В. Волф)

528

“Хаётда фақат битта бахт бор: севмоқ ва севилмоқ”. (Г. Санд)

“Севги – бахт эшикларини очадиган энг муҳим калитдир”.
(О. Холмз)

“Бахт – ташқи шартлар қандай бўлишидан қатъи назар, бахтли бўлишга қарор қилган аклнинг натижасидир”. (Д. Волтер)

“Бахт – нималарга эришишимиз эмас, қанча завқ олишимиздир”. (Ч. Эмнер)

“Бахтли бўлиш – нималарнинг соҳиби эканлигимизга эмас, бизнинг кимлигимизга боғлиқ”. (Г. Дайк)

“Бахтни режалаштириб унга эришиш жуда ноёб ҳолатдир. Бахт кўпинча тўсатдан келади”. (Р. Халф)



“Бахтли бўлишдан кўра бахтли кўринишга уринамиз”.
(Л. Рочефоукаулд)

“Бахтли ҳаётга эришиш учун кўп нарса керак эмас. Бу бизнинг фикрлаш тарзимизга боғлиқ”. (М. Аурелиус)

“Беозор бўлишни ўрганинг, доимо бахтли бўласиз”.
(П. Йўгананде)

“Омад инсоннинг истаганига эришиши, бахт эса тилакларига эришишини исташидир”. (П. Валерий)

“Бахтсиз бўлсангиз нималардир қилинг. Агар нимадир қилаётган бўлсангиз, яна бошқа нарсалар қилинг”. (Э. Халл)

“Қамоқхона деразаси панжарасидан ташқарига қараб турган икки маҳкумнинг бири балчиқни, бошқаси осмондаги юлдузларни кўрар эди”. (Э. Лангеридге)

“Бахтли инсон аниқ шартлар ичида эмас, балки аниқ вазиятлар ичида бўлган инсондир”. (Г. Довис)

“Кўпчилик қарор қилганларидек бахтли бўлишади”.
(А. Линколн)

“Бахт ташқи дунёингизда эмас, ички дунёингизда нималар бўлганига, ҳаётдаги муаммолар бўронидан қандай омон қолишингизга боғлиқ”. (Х. Лее)

“Бахт энг аввало тан соғлиғидир”. (Куртис)

“Бахтсизлик сени четлаб ўтди: бунга худди ўз бахтингга қувонганингдай қувон”.

“Бахтга бўлган катта умид бахтнинг ўзига қараганда ҳам ки-
шини кўпроқ руҳлантиради”. (Ф. Ницше)

“Бахт тинимсиз меҳнат натижасида юзага келган ҳақиқий қо-
ниқиш ҳиссидир”. (Ж. Барбара)

“Кўпчилик инсонлар ҳақиқий бахт ниманинг эвазига келиши
борасида нотўғри фикрлайдилар. Бахтга олинган лаззатлар би-
лан эмас, бебаҳо мақсадлар туфайли эришилади”.

“Бахтнинг бир эшиги ёпилганда бошқаси очилади”.

(Х. Келлер)

“Ҳақиқий бахт катта қайғулардан кейингина ҳаётингизга ки-
риб келади”. (В. Эдиш)

“Бахт ким ёки нималарга эга бўлганингизда эмас, аксинча,
нима тушунганингизга боғлиқдир”.

“Инсонлар қилган ишларидан завқ олмасалар, камдан-кам
ҳолда муваффақиятга эришадилар”. (Д. Карнеги)

“Табассумсиз ўтган бир кун бекорга совурилган кундир”.

(Ч. Чаплин)

“Бахтли одам бошқаларни ҳам бахтли қилади”.

“Барчамиз ҳаётда бахтли бўлиш учун яшаймиз, яшашимиз
бир-биримиздан фарқли, лекин бир хилдир”. (А. Франк)

“Бахт урдасидан чиққан ишимизнинг роҳатида ва уни яра-
тувчи ҳаракат ҳаяжонидадир”. (Ф. Рузвелт)

* * *

“Бошқаларни бахтли қила олган инсон бахтлидир”. (*Диодор*)

* * *

“Бахтнинг сири инсон истаган ишини қилишида эмас, қилган ишини севишидадир”. (*Ж. Бари*)

* * *

“Бахтли бўлишнинг икки йўли бор: ё хоҳишларни камайтириш ёки имконларимизни кўпайтириш”. (*Б. Франклин*)

* * *

“Бахтли бўлганимиз учун жилмаймаяпмиз, жилмайдганимиз учун бахтимиз”. (*В. Жеймс*)

* * *

“Қаерда бўлсам ҳам шунга ишонаманки: мен қаерда бўлмасам бахт ўша ердадир”. (*Т. Хихлей*)

* * *

“Бахтли бўлганингиздан сўнг сизга бахт олиб келган фазилатларни йўқотманг... Бахт икки инсон орасидаги энг қисқа масофадир”. (*В. Борге*)

* * *

“Ҳақиқатдан ҳам бахтли инсон ҳеч қачон кулмаслиги мумкин, аммо кулимсирайди”. (*Ф. Авелинг*)

* * *

“Куч-қувватимизни энг юксак даражасига қадар қўлласак, ҳаётда ҳаммамиз энг буюк муваффақият ва бахтга эга бўламиз”.
(*С. Блантон*)

* * *

“Шундай инсонлар борки, бошқаларни ранжитиш эвазига бахтли бўладилар”. (*А. Маврос*)

* * *

“Бахтга эришиш қийин, чунки бахт бошқаларни бахтли қила олгандагина қўлга киритилади”. (*С. Клоэт*)

* * *

“Бахт эртаклардаги эшикларини аждаҳолар қўриган хазинага ўхшайди. Унга эришиш учун астойдил курашмоқ керак”.
(*А. Дюма*)

“Вақт учун умидсизларча курашишни йўқотсайдик, янада бахтлироқ бўлар эдик”. (У. Питер)

“Бахтнинг олдидаги энг катта тўсиқ мунтазам бахтли бўлишни утмоқликдир”. (Б. Фонтенели)

“Бахт борилажак бир жой эмас, сафар қилиш шаклидир”.
(Р. Гудман)

“Ўзингизга “бахтлиманми ё йўқми?” деган савол берсангиз – бахтли эмассиз”. (С. Милли)

“Бахт бир мукофот эмас, рағбатдир. Азоб чекмоқ жазо эмас, натижадир”. (Р. Ингерсал)

“Бахтли ҳаёт бир оз қоронғуликдан иборат бўлганда ҳам бахт калимаси ўз маъносини йўқотар эди”. (К. Сунд)

“Менинг бахтим севган инсонларимнинг бахтини кўришдан завқланур”. (Х. Кечел)

“Ҳаётдаги энг аҳамиятли ишимизга жиддий эътибор бермай-миз: яъни бахтли бўлишга”. (Р. Стивенсон)

“Бахт қувват сарфлаганингизда ҳозир бўлади”. (В. Счултз)

“Бахт ниятларимиз ва Тангрининг биз учун атаганининг мувофиқлашувидир”. (К. Рой)

“Баъзан одам боласи бирор нарсага эришишимиз эмас, ўша нарсаларнинг соҳиби бўлиб, унинг қийматини билиш орқали бахтнинг келишини унутади”. (Ф. Конинг)

“Инсон ўз бахтининг меъморидир”. (Хорсан)

“Бахт ҳаракатни талаб қилади. У узун дарёдир, турғун ҳовуз эмас” . (Ж. Год)

“Бахт очик қолдирилгани унутилган эшиклардан кирадиган меҳмондир”. (Р. Лан)

“Бахт бошқалар билан баҳам кўрилганда янаям мустаҳкам бўлади” . (А. Нилсен)

“Омад – орзу қилганимизга эришиб, уни кўпайтириш. Бахт эса ўзингизда борига рози қилишдир”. (Б. Мелтзер)

“Бахт ҳақида ҳамма гапиради, лекин унинг нима эканини ҳеч ким билмайди”. (М. Лоран)

“Бахтли инсон кундалик ишлари билан машғул бўлиб, ҳаётдаги ўрнини кўрсатиш ва ўзига боғлиқ азоб билан бошқаларни ташвишга қўймаслик учун тиришади”. (Э. Мердоск)

“Севган ишимизни қилганимизда эмас, қилган ишимизни севганимизда бахтли бўламиз”. (В. Питерсон)

“Бахтни ичдан ҳис қила олиш осон эмас, лекин уни ташқаридан топиш имконсиздир”. (Э. Реплив)

“Бахт келажак учун олиб қўйган нарсангиз эмас, балки айнан ҳозир етишишингиз лозим бўлган туйғудир”. (Ж. Рохи)

“Бахт билан орзу бир жойда танишмайди”. (Э. Петоз)

“Аччиқ гапнинг кўпи кулдирадир, севинчнинг кўпи йиғлатар”.
(У Блаки)

“Бахт мақсад эмас, натижадир”. (Э. Розиқилд)

“Бахт осон ишни қилиш эмас, биздан кутилган қийин ишни муваффақиятли битириб, қилган ишимиздан қаноатланишдир”.
(Т. Рубин)

“Нимага эга бўлганимиз эмас, нимадан завқ олишимиз бахтни яратади”. (Ч. Спурдион)

“Уддасидан чиқадиган ишларимизни мақсадли нишонга тўғрилаганимизда бахтга эришамиз”. (Ж. Стосел)

“Бахт завқ эмас, зафардир”. (З. Зиглар)

“Қаттиқ истаган бирор нарса учун ҳаракат қилганингда бахтга рўбарў келасан”. (Э. Нигхтингале)

“Бахтнинг энг катта қисми ундаги шартларга эмас, хатти-ҳаракатингизга боғлиқ”.

(М. Вашингтон)

“Ҳар доим кўлингизда нима қолганига қаранг, аммо ҳеч қачон бой берганингизга эмас”. (Р. Скуллер)

“Тақдирингизни ўзгартира олмасангиз, одатларингизни ўзгартиринг”. (А. Тан)

“Яшаётган дунёмиз бир инсон учун жаннат бўлса, бириси учун жаҳаннамдир”. (Р. Эмерсон)

“Ҳар қандай бахтсизликнинг кўлами унинг моҳияти билан эмас, балки инсонда қанчалик акс этиши билан ўлчанади”.

(Г. Сенкевич)

* * *

“Энг аччиқ дақиқаларда ҳам руҳингни баланд тутишга ҳаракат қил” . (Гораций)

* * *

“Ўз аҳволидан қаноатланиш учун уни оғирроқ аҳвол билан солиштириб кўрмоқ лозим”. (Б. Франклин)

* * *

“Ер юзида лоақал биргина бахтсиз киши яшаб туриб, хотиржам яшаш ва бахтли бўлиш мумкин эмас. Яшашдан мақсад – бутун инсоният фаровонлигини ва бахтини кўзлашдир”. (Я. Больяй)

* * *

“Омадимиз – вазиятнинг мувозанати холос, бинобарин, кутилмаган бахтсизлик шу мувозанатни бузишга йўл қўймаслик керак, донолик мана шунда”. (Р. Брижес)

* * *

“Ўзини бахтли деб биладиган одам бахтлидир”.

* * *

“Қаттиқ алам ва беҳад қувонч кишига қарийб бир хил таъсир кўрсатади, улар тўсатдан бизга ёпирилганда шундай довдиратиб ва ҳовлиқтириб қўйиши мумкинки, натижада кўпинча ўзимизнинг ҳамма қобилиятларимиздан маҳрум бўлиб қоламиз”.

(Г. Филдинг)

* * *

“Бахтнинг қўлидан туюлмаганлар уйғонганларида фақат нолийдиганлар ва ухлар экан, эртага нима ҳақида шикоят қилишни ўйлайдиганлардир”. (А. Зимбле)

* * *

“Тақдирнинг бевафолиги мард одам йўлидаги синов тошидир”. (Т. Фуллер)

* * *

“Бахтни излаган аёл бўйнидаги олмосларга эмас, кўпроқ столдаги атиргулларга қарайди”.

* * *

“Бахт вужуд учун яхши. Лекин дард руҳни ҳаловатсиз қилиб қўяди”.

* * *

“Бахт – пушаймонсиз ҳузур қилиш демак... Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган икки хил хоҳиш бор: одамларга наф келтириш ва соф виждонли бўлиш”.

* * *

“Инсон бахтли бўлиши керак. Агар у бахтсиз экан, унинг ўзи айбдор. Бинобарин, у шу ноқулайлик ёки ноҳақликни бартараф этмагунча ўзи учун куйиб-пишиб ҳаракат қилмоғи лозим... Бахтли бўлиш учун доимо шу бахтга интилмоқ ва уни англамоқ зарур. Бахт вазиятга эмас, кишининг ўзига боғлиқ”.

* * *

“Ҳаётда фақат биргина чинакам бахт бор, у ҳам бўлса бошқалар учун яшамокликдир”.

* * *

“Ҳаёт узлуксиз қувончга айланиши керак ва шундай бўлиши мумкин”.

* * *

“Инсон доим қувноқ яшаши керак. Агар қувончинг тугаса, нимада янглишганингни ахтар”.

* * *

“Агар ҳаёт сенга беқиёс бахтиёрлик бўлиб туюлмаса, бу фақат ақлнинг адашганидан далолат”.

* * *

“Орзунинг воқеликдан устун томони бор. Воқеликнинг айрим жиҳатлари орзудан устун. Униси ҳам, буниси ҳам уйғунлашиб кетганда, лиммо-лим бахт шундан иборат бўлур эди”.

* * *

“Мусибат инсон ҳаётининг қайроғидир... Ҳар қандай шароитда ҳам руҳингни тетик тут”.

* * *

“Вазият қанчалик қийин ва оғир бўлса, қатъийлик, фаолият, журъат шунчалик зарурлиги ва ҳафсаласизлик эса шу қадар заррлигини эсда тут”.

* * *

“Танадаги яра каби қалбдаги яра ҳам ҳаёт кучи билан ичдан тузалади”.

* * *

“Биз бахт деб қарайдиган нарсага ҳам, бахтсизлик деб атайдиган нарсага ҳам, уларнинг ҳар иккаласига ҳам синов деб қарайдиган бўлсак, биз учун фойдалидир”.

* * *

“Бахтни эҳтирослардан эмас, ўз юрагингиздан ахтаринг. Бахтнинг булоғи ташқарида эмас, балки ичимиздадир”.

* * *

“Балки бахтим шу сабабдан куляптики, қўлга киритганларимга қувониб, эришолмаганларимга ачинмайман”. (Л. Толстой)

* * *

“Биз бахт деб қарайдиган нарсага ҳам, бахтсизлик деб атайдиган нарсага ҳам, уларнинг ҳар иккаласига ҳам синов деб қарайдиган бўлсак, биз учун фойдалидир”.

* * *

“Бахт соғлиққа ўхшайди – у бор бўлса, пайқамайсан”.

(И. Тургенев)

* * *

“Эримайдиган муз бўлмагани каби абадий бахт ҳам йўқ”.

* * *

“Безовта турган ҳолда одам чинакам бахтли бўлолмайди; чинакам бахт осойишта, ёз фаслидаги денгиз сингари вазмин бўлади”.

* * *

“Бахтсизликлар ғоят катта фойда келтиради, улар қалбни юксалтиради, ўз кўзимиз олдида ўзимизни баланд кўтаради”.

(А. Герцен)

* * *

“Мусибат кишилар ва халқлар феъли-хўйидаги кучларни ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ очади”.

* * *

“Бугунги кунинг мусибатли бўлса, бундан ҳам оғир пайтлар юз бергани, улар ҳам ўтиб кетганини ўйлаб, овунишинг керак”.

(Н. Карамзин)

* * *

“Бахтга интилиш инсоннинг туғма хусусиятидир, шунинг учун ҳам бу ҳар қандай ахлоқнинг негизи бўлмоғи керак”.

* * *

“Кўплар ўз ҳаётларини арзимаган нарсалар билан ҳеч қандай асоссиз бузаётганларини кўрганимда мен ўзимни бахтиёр ҳис этаман, негаки мен руҳимнинг букилмас тетиклигини сақлаб қолганман ва ҳар қандай бўлмағур нарсалар устидан куламан”.

(Ф. Энс)

* * *

“Ким доимо қувноқ бўлса, у бахтиёрдир, ким бахтиёр экан, у яхши инсондир”.

* * *

“Бахтсизлик мактаби энг яхши мактабдир”. (В. Белинский)

* * *

“Инсонга бахт керак, унинг бунга ҳаққи бор, қанчалик қийин бўлмасин, у бахтга эришиши даркор”. (Н. Добролюбов)

* * *

“Кулфатдан хавотирланиш кулфатнинг ўзидан кўра доимо даҳшатлироқ ва оғирроқдир”.

* * *

“Ҳаётий кураш белгиланган мақсад сари онгли интилишга айланган пайтдан бошлаб киши ўзини бахтли ҳисоблаши мумкин”.

* * *

“Бахт саховатли одамнинг кўлидан тайёр ҳолда олинмайди, у кураш билан қўлга киритилади ва шаклланади”. (Д. Писарев)

* * *

“Қизик, севинч баъзан кўп жиҳатдан қайғуга ўхшаб кетади-ю, лекин, афсуски, қайғу ҳеч қачон севинчга ўхшамайди”. (П. Валув)

* * *

“Ҳар бир киши бахтли бўлгиси келади, бахтли бўлиши керак ва бахтли бўлишга ҳуқуқлидир”. (Н. Шелгунов)

* * *

“Бахтли бўлиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисмидир”. (К. Ушинский)

“Бойлик – шундай нарсаки, усиз ҳам бахтга етишиш мумкин. Аммо фаровонлик – бахтиёр яшаш учун зарур шарт”.

“Яшамоқ ва бахтиёр бўлмоқ ҳуқуқига қурби етмайдиган одам бор-йўғи бир шарпадир”.

“Инсон учун ҳамма нарсдан қадрлиси нима? Ҳаёт, чунки бизнинг барча қувончларимиз, бизнинг бутун бахтимиз, бизнинг жамики умидларимиз фақат ҳаёт билан боғлиқдир”.

“Оч одам, сўзсиз, ўзини ёмон ҳис этади; бироқ тўқ одам ҳам ён-атрофдан эшитилаётган очларнинг оҳу ноласига тобу тоқат қилиши мумкин эмас” . (Н. Чернишевский)

“Бахтсизлик кишини юмшатади: ўшанда унинг табиати сезгир ва оддий бўлади ва одатий, кундалик ҳолатда турган, инсон тасаввурига сиғмайдиган нарсаларни тушунадиган бўлиб қолади”.

539

“Китоблардан олинмайдиган донишмандликни азоб-уқубат ва ғам-ғуссадан зарралаб йиғиб олиш бизнинг қисматимиздир” . (Н. Гогол)

“Бахтсизлик инсони бойитмаса ҳам, унга донолик бағишлайди” . (Ж. Рей)

“Муҳтожлик дамларини унут, лекин улар ўргатган сабоқни эсдан чиқарма”. (С. Геснер)

“Кўнгил изтиробларидан қутулишнинг бирдан-бир йўли – меҳнатдир” .

(П. Чайковский)

“Қатъий эътиқод ва ғайрат керак – муҳими шу, умидсизлик эса фақат фаолиятсизликка олиб келади”.

(Н. Огарёв)

“Кўнгил изтиробларига курашсиз бўйсунмиш – енгилмай туриб жанг майдонини ташлаб чиқиб кетиш билан баробар”.
(Т. Эрнст)

“Қуш парвоз учун, инсон эса бахт учун яралган”. (В. Короленко)

“Дунёда қурбонсиз, жон койитмай, машаққатсиз яшаб бўлмайди: ҳаёт – фақат гулга бурканган бўстон эмас”. (И. Гончаров)

“Бахт бахтсизликни нафратлашдан, кишини тасқара қилиб, уни бузадиган жамики нарсаларга жирканч билан қарашдан, тарих бўрони туфайли янада вайрон бўлаётган сохта фаровонлик хусусида оҳ урган, инграган, нолиган нотавонлардан чинакамига воз кечишдан бошланади”.

“Ҳаётнинг энг зўр хузур-ҳаловати, энг юксак қувончи ўзингни одамларга керакли ва яқин деб ҳис қилишингдир”.

“Ҳаётни қувончсиз дейиш ёлғон. Унда фақат жароҳату оҳу нола, алам ва кўз ёшидан бошқа нарса йўқ, дейиш ҳам ёлғон! Унда одам истаган ҳамма нарса бор, инсонда эса ҳаётда йўқ яратувчилик қудрати мавжуд”. (М. Горкий)

“Ҳар қандай бахтсизлик ҳам ҳар доим бўрттирилган бўлади. Уни ҳамиша енгиш мумкин”. (А. Макаренко)

“Ҳафа бўлишни билмайдиган одам қувонишни билмайдиган ёки кулгини тушунмайдиган одамдек ночордир. Шу хусусиятлардан биронтасининг етишмаслиги ўтакетган маънавий чекланганликдан далолат беради”. (К. Паустовский)

“Фалокатга нисбатан ҳар қандай қаршилик ҳам бахтсизликдан қутқаравермайди, бироқ ҳар қандай бахтсизлик қаршилик кўрсатмай иродани йўқотишдан бошланади”. (М. Леонов)

* * *

“Излаганимиз ажойиб ва ёқимли нарса ёнимизда бўлганлигини биз доим кечикиб тушунамиз”. (А. Блок)

* * *

“Бахт ҳар доим мард одам томондадир”. (П. Багратион)

* * *

“Шахсий фароғат ҳақида ўйлаш табиийдир, буни эътиборга олиш керак. Лекин эл-юрт бахт-саодати ва бутун инсоният жамияти муҳофазасидан кўз юмиб, фақат шахсий фароғат ҳақида ўйланса, ҳаёт чиркинлашади, майдалашади, очиғини айтганда – тубан бир ҳолга тушади”.

* * *

“Ҳар қандай туманда ҳам йўл топса бўлади. Энг муҳими бўш келмаслик ва олға юришдир”. (Р. Роллан)

* * *

Шарафли иш билан тезкор замонга
Ким сайқал беролса хушбахтдир ўша.

* * *

Оламда йўқ туганмас қайғу,
Ва йўқдир давосиз ғусса ҳам. (А. Толстой)

* * *

“Бахт ҳақида тасаввури қандай бўлса, одамнинг ўзи ҳам шундай”.

* * *

“Энг юксак шахсий бахт шахсий манфаатлардан ҳам аҳамиятлироқ мақсадлар учун курашмоқликдир”.

* * *

“Бошқаларнинг қайғусини ўз қайғуси деб билгани учун ҳам инсон барча жонзотлар дунёсига қараганда азизу мукаррам бўлди”.

* * *

“Умрини бошқаларнинг бахти тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан ўтказган кишилар энг ажойиб ва айни вақтда энг бахтиёр кишилардир”.

(В. Сухомлинский)

* * *

“Бахтнинг зарур таркибий қисми – тўғри яшаётганинга, ортингда худбинлик, қаллоблик, маккорлик, зиёндошлик ва яна шунга ўхшаш бошқа бир разилликлар йўқлигига қатъий ишонингдир”.

* * *

“Одамни бахтли бўлишга ўргатишнинг иложи йўқ, лекин уни бахтиёр бўла оладиган даражада тарбиялаш мумкин”.

* * *

“Олдинда қувонадиган нарсаси бўлмаса, киши дунёда яшай олмайди”. (А. Макаренко)

* * *

“Кўпинча севинч қанотида бизга қайғу ҳам учиб келади”. (Э. Қаниев)

* * *

“Қалб изтироблари кишини ҳар қандай ишдан ҳам кўпроқ чарчатади”. (Ў. Камол)

* * *

“Бахтсизлигим ҳамиша ўзим билан қолади ва уни ҳеч ким билан бўлиша олмайман”.

* * *

“Очарчилик, жавобсиз севги, ишсизлик, хасталик, касодга учраш, табиий офат, фош этилган жиноятдан бошқа қайғуларни ўзгалар билан баҳам кўра олмайсан”.

* * *

“Ўзингдан ўзинг қоча олмаслигинг – маҳкумлиكنинг бутун даҳшати худди шундадир”.

* * *

“Қадим замонларда “Агар омад ухлаётган бўлса – кут”, деб жуда тўғри гапиришган”.

* * *

“Айбсизлигининг исботига ўзга одамнинг бахтсизлигини кўзатиш истагидан табиийроқ нарса йўқ”.

(Кобо Абэ)

“Инсон бахт йўлини танлаган вақтдан эътиборан бахтлидир”.
(А. Солжиницин)

Донолар бисотидан:

“Ҳаётда баъзи кишиларга нисбатан «бахтини қувиб юрибди», деймиз. Чиндан ҳам шундайми? Бахтни қувиб юриб, сўнг тутамизми? Тасаввур қилайлик-ки, бахт билан сўзлашув имкониятимиз мавжуд. Унга хитобан десак-ки:

– Эй бахт! Сени тутишнинг йўли борми?

Эҳтимол бахт хитобимизга шундай жавоб берар:

– Мен кийикка ўхшайман. Ҳамма ҳам мени тутга олмайди. Тутса ҳам узоқ ушлаб туролмайди. Мени қўлга киритган одам қаттиқ ушласагина ундан қочолмаслигим мумкин. Аммо бунинг бир қатор шартлари бор: энг аввало мени қўлга киритувчи кишининг қилиғи ўзгалар учун ёқимли, кўнгли юмшоқ, тили ширин бўлиши шарт. Ўзини иллатлардан эҳтиёт қилсин, ғурурланмасин, ёвуз ва ярамас ишларга, хусусан, ҳасадга, исрофгарчиликка, ҳийлаю алдовларга яқин турмасин. У катталарга ҳурматни, кичикларга ширин сўзни раво билсин. Гердаийиб, кишиларни оёқ ости қилмаса, ўзидан кичикларга менсимай қарамаса, феъл-атворини тўғрилиқда тутса яхши. Кимда ким мана шуларга риоя қилса, мен у билан бирга қоламан. Бўлмаса, кийикдек қочиб кетаман. Унда менга ким ета олади?”

“Бахт – фақат бойликда, деб ҳисобловчи кимсада, албатта, кибр мавжуд, бахиллик мавжуд, хиёнат, риё... мавжуд. Бу ёмон хулқлар эгаси ўзини бахтли санаши, саодатга етишмоқни умид қилиши ғоят кулгили, ҳатто ачинарли эмасми?”

“Буюк орзуга етишни истаган икки кишидан қайси бирида мурувват устун бўлса, орзуга ўшаниси етишади. Агар мурувватда ўзаро тенглашсалар, иродаси кучли бўлганига орзуга етишмоқ бахти насиб этади. Иродада ҳам баробармилар? У ҳолда ёрдамчилари ва дўстлари кўп бўлгани енгиб чиқади. Агар бу жиҳатдан ҳам ораларида фарқ йўқ экан, у вақтда толеи (бахт иқболи) баланд бўлгани етишади”.

“Ёши катталарни ҳурмат қилган киши улардан хайрли дуо олади. Дуо – бахт саройининг эшигини очувчи калитдир. Кичикларга шафқатли бўлган киши орадан йиллар ўтгач, улардан марҳамат кўради. Айниқса, кучдан қолиб, бахтиқаролик кунларидан нола чекаётганида ана шу шафқат ва марҳамат эшик қоқиб келади”.

“Дўст ва бахт эгизакка ўхшайди. Дўсти йўқ одам бахтсиздир. Дўстига хиёнат қилган одам эса бадбахтдир. Агар дўстлик самимий ва холис бўлмаса, орада манфаат кўндаланг ётган бўлса, бахт уларнинг икковидан ҳам қочади”.

“Бахтиёрлик – осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади”.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- * Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан кўрқкин.
- * Ҳар ким бахтни ўз қаричи билан ўлчайди.
- * Ҳуснинг бўлгунча, бахтинг бўлсин.
- * Ҳар нарсанинг вақти бор, ҳар бир қизнинг бахти бор.
- * Қизнинг бахти – эрнинг давлати.
- * Қизга олтиндан тахт эмас, бармоқдай бахт тила.
- * Ўзим узун бўлсам ҳам, толеим паст.
- * Эшикдан бахт кирса, фалокат тешикдан қочар.
- * Хотин бахти эрда бўлар, етим бахти – ерда.
- * Хон тахтидан кўрқар, қиз – бахтидан.
- * Тахтинг кулгунча, бахтинг кулсин.
- * Камбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам дови юрмас.
- * Йўлинг чароғон бўлса, турмушинг фаровон бўлар.
- * Бахт кулгу бор уйга кирар.
- * Бахт – сандиқда, калити – осмонда.
- * Бахтли овчига чўлоқ кийик йўлиқар.
- * Бахтсиз кишини туянинг устида ит қопар.
- * Бахтсиз қудуққа кирса – қум ёғар.
- * Бахтсизликда олтин ҳам хира.
- * Аввалги бахтим – қул бахтим, кейинги бахтим – сувга оқдим.
- * Аввалини бергунча, охирини берсин.
- * Бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқарибди.
- * Бахт гарови – дўстлик.
- * Бахт оёқ остида ётмайди, олтин манаман деб турмайди.
- * Бахтсизлик изидан фалокат юради.
- * Қўшиқ айтишни истаганлар ҳар доим айтишга лойиқ бир кўшиқ топадилар. *(Испан мақоли)*
- * Бир йил давомида бахтли бўлишни истасангиз гулзор яратинг, умр бўйи бахтли бўлишни истасангиз дарахт экинг”.
(Инглиз мақоли)
- * Ёнингдагини бахтли қила олсанг, узоқдагилар ёнингга келади.
- * Бир соатлик бахт истасангиз, бир оз кутинг. Бир кунлик бахтни тиласангиз, балиқ овига чиқинг. Бир йиллик бахт истасангиз, сизга қолган катта мерос соҳиби бўлинг. Бир умр бахтли бўлишни истасангиз, бошқаларга ёрдам беринг.
- ** Қалбингизда ям-яшил бир дарахт ўстиринг, балки унга кўшиқ куйловчи бирор қуш келиб кўнар. *(Хитой мақоллари)*

ҲИКМАТЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛГАН ҲИКМАТЛАР

Энг олий бахт

“Хасталик ва муҳтожлик – булар иккаласи шундай бир балони, ҳатто хутбон ичимлигидан кўра ҳам аччиқдир”.

(Абулқосим Замахшарий)

“Соғлом одам табиатдаги энг бебаҳо асардир... Соғлик ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам буюк неъматдир”.

(Т. Карлейл)

“Инсон Парвардигор яратган табиатнинг олий маҳсулидир. Бироқ, Парвардигор яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват, ҳамда зукко бўлмоғи зарур”.

“Жисман тетик одам иссиққа ҳам, совуққа ҳам бардош беради. Худди шунингдек, руҳан тетик одам ғазабга ҳам, қайғуга ҳам, шодликка ҳам, бошқа кечинмаларга ҳам дош беришга қодир”.

“Жонингиз эга бўлган нарсаларингизнинг энг қийматлиси ва яхшисидир. Ундай бўлса унга қандай қараганингизни менга кўрсата оласизми?”. (Эпиктет)

“Кишининг кучдан қолиши емирувчи йиллар эмас, кўпинча бебош ёшликнинг асов ғалаёнлари оқибатидир. Бебош ва саёқ ёшлик кексаликка шалвираган танани ҳадя этади”. (Цицерон)

“Ҳеч ким умри қисқа бўлиб туғилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз; умримиз тугал, аммо биз уни елга совурамиз. Агар оқилона фойдаланилса, умр жуда узок нарса”. (Сенека)

“Бошқалар учун яшамокчи бўлган одам ўз ҳаётини ҳам авайламоғи лозим”. (Ж. Гюйо)

* * *

“Сиз ўз соғлигингизни тонг ва баҳордан оладиган ҳузур-ҳаловатингизга қараб баҳоланг”. (*Г. Торо*)

* * *

“Соғликнинг ўзи ҳузур ёки оловдан иссиқлик тафти чикқанидек сўзсиз ҳузур бахш этади”. (*Т. Мор*)

* * *

“Соғлик ҳаётнинг шундай неъматидир-ки, чиндан ҳам бетоб подшоҳдан соғлом гадо минг карра бахтиёрдир... Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ”. (*А. Шопенгауэр*)

* * *

“Бахт саломатлик самарасидир, бинобарин, ҳар бир одам ўз аъзоларини асраб-авайламоғи лозим”. (*С. Смайлс*)

* * *

“Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас”. (*Леонардо да Винчи*)

* * *

“Ҳаёт хом-ашёдир, бизлар эса санъаткорлар. Борлигимизни чиройли ёки хунук бир шаклга сола оламиз. Бу бизнинг қўлимиздадир”. (*Ж. Биттер*)

* * *

“Ғам-қайғу қанчалик оз бўлса, умр шунчалик узун бўлади”.
(*Э. Элкот*)

* * *

“Одамлар узоқ яшашни хоҳлашади-ю, аммо саломатликларини эҳтиёт қилишмайди”. (*Ж. Лабрюйер*)

* * *

“Ёшлиқда у қадар кадрланмайдиган соғлик балоғат йилларида чинакам бахтга айланади: умрнинг кўпи кетиб ози қолган пайтда эса одам ҳаётнинг мағзини чақа бошлайди”. (*Н. Карамзин*)

* * *

“Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор”.
(*Н. Чернишевский*)

“Инсон юз йил яшаши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиксизлигимиз, палапартишлигимиз, ўз аъзойи баданимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб борамиз” . (И. Павлов)

“Шундай пайтлар келадикки, одам юз ёшга тўлмай туриб ўлишга уяладиган бўлади, бунга имонимиз комил”. (И. Тарханов)

“Умр бизга уни сўнгги дақиқаларга қадар мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган”. (Ч. Диккенс)

Бадантарбия

“Мутаносибликни сақлаш, гўзал ва соғлом бўлиш учун фақат фан ва санъат соҳасидаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун умр бўйи жисмоний машқлар ва бадантарбия билан шуғулланиш талаб этилади... Бадантарбия – тиббиётнинг шифобахш қисмидир”.

(Афлотун ҳаким)

“Бадантарбия, жисмоний машқлар, пиёда юриш меҳнат қобилиятини ва саломатлигини сақлаб қолмоқчи бўлган, чинакам ва шодмон ҳаёт кечиришни хоҳлаган ҳар бир одамнинг кундалик турмушидан мустаҳкам ўрин олмоғи керак... Ёмғир дарахт ғуборини ювганидай, бадантарбия бадан ғуборини тозалайди”.

(Гиппократ)

“Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди”.

“Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт”.

* * *

“Бадантарбияни тарк этган одам кўпинча хароб бўлади, зеро, ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади”.

(Абу Али ибн Сино)

* * *

“Бадантарбия ёрдамида тана мувозанатини янада яхшилашни хоҳлайман”. (Сукрот ҳаким)

* * *

“Тўғри ақл-идрок қилишни истаган одам ўз танасини парвариш қилиб туриши керак”. (Р. Декарт)

* * *

“Мен ҳаракатни қарилikka қарши курашнинг энг самарали воситаси деб биламан... Ҳаракат ҳаётдир, ҳаракатнинг камайиши ҳаётий жараёнларни сусайтиради”.

* * *

“Агар 30, 40 ва ҳатто 50 ёшда ҳам бадантарбия билан шуғулланилмаса, буни бекор юриш буюк фароғат ҳисобланган ўтмишдан мерос бўлиб қолган бидъат деб тушунмоқ керак”.

(В. Гориневский)

* * *

“Ҳаракат таъсир жиҳатдан ҳар қандай дорининг ўрнини босиши мумкин, лекин дунёдаги жамики дори дармон ҳаракатчилик таъсир кўрсатолмайди”. (Т. Тассо)

* * *

“Рух қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур”. (В. Гюго)

* * *

“Бадантарбия киши ёшлигини узайтиради”. (Ж. Локк)

* * *

“Бадантарбия кўплаб дори-дармоннинг ўрнини босиши мумкин, лекин бирорта дори ҳам бадантарбиянинг ўрнини босолмайди”. (А. Мюссе)

* * *

“Тана ҳаракати ақл ҳаракатига нақадар таъсир кўрсатишини тасвирлаш маҳол”. (Плиний)

“Дарахт ҳам шамолсиз, ёмғирсиз, иссиқ ва совуқсиз кўкаролмайди, шулар бўлмаса бориб-бориб қуриб қолади, худди шунингдек, инсон танасига ҳам ҳар хил ҳаракат ва жиддий машқлар зарур”. (Я. Коменский)

“Соғлиғингда югурмасанг, оғриганинда чоп-чоп қиласан”.
(Горацій)

“Совуқ сув – шифо бахш этади, касалликнинг олдини олади, танани пишитиб, руҳингизни тетиклаштиради”. (А. Целс)

“Юрганим сайин фикрим тиниклашади. Бир жойда турганимда деярли фикр қилолмайман; танам ҳаммавақт ҳаракатда бўлиши керак, яна ўшанда ақлим ҳам ҳаракатга келади... Ҳаракат ва пиёда юриш мияга туртки бериб, фикрни ишга солади”.
(Ж. Ж. Руссо)

“Юрганимда тафаккурим тиниклашиб, фикрни ифода этишининг яна яхши усуллари топаман”. (И. Гёте)

“Балоғат ёшида амал қилинадиган оқилона бадан поклиги (гигиена), назаримда, аъзойи баданни тез қаришдан асрайдиган энг яхши воситадир”. (Ф. Бурльер)

“Бадан поклиги инсон ривожини янада такомиллаштириб, таназзулни секинлаштиради, ҳаётини мустаҳкамлаб, ўлимини орқага суради”. (М. Петенкофер)

“Жисмоний меҳнат қилмаслик, ҳаракатсиз, фақат ақлий меҳнат билан шуғулланиш – ғам-ташвиш келтиради”.

“Жисмоний гўзаллик ҳамиша соғломлик, тошиб турган куч-ғайрат ҳақидаги тушунча билан уйғунлашиб кетади”.

“Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим”. (Л. Толстой)

* * *

“Тажриба шуни кўрсатадики, бадантарбия кишини эркин ҳаракат қилишга ўргатиш билан бирга, уни талай эски дардлардан ҳам фориғ этади”.

* * *

“Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шarti асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланиш лозим”.

* * *

“Ақлий меҳнатдан кейинги дам бекорчилик эмас, балки жисмоний меҳнатдир, бу фақат ҳузурбахш бўлибгина қолмасдан, кони фойда ҳам. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмаштириб туриш керак” . (К. Ушинский)

* * *

“Сайр ва чўмилишдан кейин ёшаргандек бўламан, энг муҳими, тана ҳаракати билан миямни шамоллатаман” . (К. Циолковский)

* * *

“Асосий дори-дармонлар: соф ҳаво, совуқ сув, арра билан болта” . (В. Поленов)

* * *

“Ақлий қобилиятларини иложи борича кўпроқ сақлаб қолиш ва тўла-тўқис ҳаёт кечиришни хоҳлаган одамлар турмуш тарзини тўғри ташкил қилишлари ва бадан поклиги қоидаларига тўла риоя этишлари лозим” . (И. Мечников)

* * *

“Оқил одамнинг бутун хатти-ҳаракати ўз аъзойи баданини илма-тешик бўлиб кетган қайиқдай ямаб-тузатишга сарф бўлмаслиги керак, аксинча, шундай яшаш керакки, аъзойи бадан иложи борича камроқ зарарлансин ва бинобарин, ямаб-тузатишларга иложи борича камроқ дучор бўлсин” . (Д. Писарев)

* * *

“Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлидур. Биз сиҳатимизни сақламак ила

амр ўлинганмиз, шунинг учун вужудимизни хифзи сиҳатга зи бўлган ёмон одатлар ила чуритмакдан сақланмагимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ё дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъий ҳазратлари: “Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчиси дин илми”, демишлар. Бунга қараганда энг аввал хифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатликга терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур. Ичқулик, кўкнор, наша, афъюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликига зарарли, оғулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сақланмак шариат, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Ҳар нарса кўп ичганда маст қиладургон бўлса, ман сизни онинг озгинасиндан ҳам наҳйи қиламан”, демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдур,
Гунаҳдан сақла жисминг ёзу қишдур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронғу,
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.
Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айшу ишратдан кечишдур.
Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,
Бу оламдан бир иш ишлаб кетишдур

(Абдулла Авлоний)

Шифо умиди

“Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир”.

“Умр қисқа, санъат йўли олис, қулай фурсат ўткинчи, тажриба алдамчи, мулоҳаза билдириш оғир. Бинобарин, фақат табибнинг ўзигина барча зарур нарсалардан фойдаланиб қолмасдан, балки бемор ҳам, теварак-атрофдагилар ҳам ва ташқи муҳит ҳам табибга унинг фаолиятида кўмакдош бўлмоғи лозим”.

(Гунпократ)

Доимо бўғум десанг соғу омон,
Яхшилик кўрсин сендан бутун жаҳон.

Кичик дардга тез айла ғамхорлик,
Ожиз этмасин тағин беморлик. (Фаридиддин Аттор)

“Оғриқдан шикоят қилма – энг яхши даво шу”. (Умар Хайём)

“Минг хил касаллик бор, аммо соғлик биттагинадир”. (Л. Берне)

“Саломатлигини эҳтиёт қилиб юрган одам ўзига нима фойда-
лигини ҳар қандай шифокордан кўра яхшироқ биледи”.

“Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди”.
(Сукрот ҳақим)

“Ташқи ва ички кийимларнинг озода ва тартибли бўлиши инсон
қалби ва руҳининг тозаллигини билдиради”. (Абу Райҳон Беруний)

“Касаллик – эрки бўғиб қўйилган ҳаёт эмасми?”. (Ф. Энс)

“Энг ёмон дард – ўлдирувчи дард эмас, балки давоси йўқ
дарддир”. (М. Эбнер-Эшенбах)

“Касаллик – барвақт қаришнинг ўзига хос бир хили”. (А. Пон)

“Узоқ бетоб ётган одам табибдан кўра ҳам билимдонроқ бў-
либ қолади ва ўз дардига шу даражада тушуниб етадики, ҳатто
тажрибали табибларга ҳам бу ҳол камдан-кам насиб этади”.
(О. Балзак)

“Биз ҳақиқий касалликлардан ташқари кўпдан-кўп ёлғон ка-
салликларга ҳам гирифтор бўламиз”. (Ж. Свифт)

“Руҳий муолижасиз этик ямаш ёки ўсимликларни пайванд этиш мумкин, аммо инсон аъзойи баданидай таъсирчан нарсани даволаб бўлмайди”. (Э. Циген)

“Агар одам ўз танаси ёки руҳий ҳолатини тадқиқ қилишга киришса, албатта, ўзини касал деб топади”. (И. Гёте)

“Бетоб бўлганда касаллик ҳақида ўйламаслик керак, зеро одам ўйлаган дардига ўралашиб қолади. Яхшиси, ҳамма нарсани миядан чиқариб ташлаб, бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаган, гаплашган ёки ўқиган маъқул”.

(Н. Метнер)

“Энг соғлом ва чиройли, қадди-комати келишган одамлар ҳеч нарсадан асабийлашмайдиган одамлардир”. (Г. Лихтенберг)

“Хушчақчақлик соғломлик белгисигина эмас, балки касалликдан ҳалос қилувчи энг самарадор восита ҳамдир”. (С. Смайлс)

“Хушчақчақ одамлар тез тузалишади, ҳар қандай касаллик пайтида ҳам хурсанд кайфият жоиз”. (Х. Бострем)

“Тана учун энг яхши даво – асабни тичлантириш”. (Наполеон)

“Соғ танда соғлом ақл бўлишига интилиш зарур”. (Ювенал)

“Асаб тизимини мустаҳкамлайдиган ҳамма нарса умрни узайтиради; аксинча уни сусайтирувчи нарсалар умрни қисқартиради”. (П. Мантегаццо)

“Жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишнинг энг муҳим шарти руҳий тетикликдир. Руҳий тушқунлик ўлим билан чатишган. Руҳий тетиклик аъзойи баданимизга янгидан ҳаёт бахш этиб, модда алмашинувини яхшилайдиган”.

(У. Годвин)

“Умрни қисқартирувчи таъсирлар орасида қўрқув, қайғу, умидсизлик, зерикиш, тушкунлик, ҳасад, нафрат етакчи ўринни эгаллайди”. (К. Гуфеланд)

“Қочаётганимизни кўрган душман баттар қутуриб кетганидай, дард ҳам кўрқаётганимизни сезса, янада бешафқат бўлади. Аммо у қаршиликка дуч келиши билан бўшашиб қолади. Бинобарин, дардга бўйин эгмай, у билан олишиш керак”.

“Касалликдан кўрққан одам аллақачон қўрқув касалига мубтало бўлган одамдир”.

“Ўз беморини даволашга киришган шифокор бу ишни назорат ва очиқ чехра билан беморга хуш келадиган тарзда амалга ошириши керак. Бадқовоқ шифокор ўз касбида ҳеч қачон барака топмайди”. (М. Монтен)

“Врачнинг буюк устунлиги шундан иборатки, у ўзининг маслаҳатига амал қилишга мажбур эмас”. (Агата Кристи)

“Ҳаётини бой бермаслик ташвиши билан яшаган одам ҳеч қачон ҳаёт завқини билмайди”. (И. Кант)

“Соғайишга ишонч – ярим соғайиш деган сўз”. (Ф. Вольтер)

“Ўз дардини тушуниб, даволанишга шай туриш шифо топининг бошланишидир”. (М. Сервантес)

“Ўзини соғлом деб ҳисобловчи беморни даволаб бўлмайди”.
(А. Амисел)

“Шифокорларни ўқимишли одамлар ҳам тан олмасликлари мумкин, аммо табобатни фақат жоҳилларгина инкор этади”.
(П. Буаст)

“Фақат тетик одамгина врач бўлиши мумкин”.

“Жазавага тушиш – касаллик эмас, характер: бу характернинг энг муҳим белгиси ўзига ишонмасликдир”. (П. Дюбуа)

“Чаласавод врачлар одатда сершубҳа бўлишади”.

(Э. Фейхтерслабен)

“Врачнинг очик чехраси беморнинг соғая бошлаши демакдир”. (Ф. Рохас)

“Руҳ ила таннинг бир-бирига ўзаро таъсиридан хабардор бўлганим учун танага шифо бўладиган руҳий малҳамлар мавжудлигини айтиб ўтмоқни бурчим, деб ҳисоблайман”.

556
“Касалликни фақат унинг номига қараб эмас, балки беморнинг ўзини, унинг аъзойи баданини, унинг қувватини даволаш керак”. (М. Мудров)

“Энг ёмон дард ўз дардига боғланиб қолишдир”.

“Соғайиш шартларидан бири соғайишга бўлган кучли хоҳишдир”.

“Айрим дори-дармонлар дарднинг ўзидан кўра ҳам хавфлироқдир”. (Сенека)

“Баъзилар нуқул соғлом бўлай деб ташвиш чекканлари учунгина бошлари дарддан чиқмайди, бошқалар эса касал бўлишдан қўрқмаганликлари туфайлигина соғлом юришади”.

(В. Ключевский)

“Яхши табиб маълум дардларнинг давосини биладиган, агар ўзига номаълум касаллик бўлса, беморга ёрдами тегадиганларни чақирадиган кишидир”. (Ж. Лабрюйер)

“Дарров таъсир қилмаган захарнинг захри барибир камайиб қолмайди”. (Г. Лессинг)

“Меҳнат ва меъёр – инсоннинг энг содиқ шифокори мана шу: меҳнат иштахани очади, нафсни тийиш эса иштахани суиистеъ-мол қилмасликка гаров бўлади”. (Ж. Ж. Руссо)

“Доно одам дардига малҳам қидириб юргандан кўра касал-ликни ўзига йўлатмайди”

“Жазава – барча касалликларнинг тасқараси”. (Ж. Шарко)

“Орани бузишгача олиб борадиган ҳаддан зиёд асабийлик умрни қисқартиради”. (А. Богомолец)

“Касаллик ҳақида умуман ўйламаслик ёки камроқ ўйлаш керак”.

“Инсон ўз дарди ҳақида гапиришни яхши кўради, аммо бу унинг ҳаётидаги энг нохуш дамлардир”.

“Врачлик касби – жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади”. (А. Чехов)

“Врачнинг меҳнати чиндан ҳам энг унумли меҳнатдир: у соғ-лиқни сақлаш ёки қайта тиклаш орқали жамиятга йўқолиб кети-ши мумкин бўлган барча кучларни инъом этади”.

(Н. Чернишевский)

“Табибга дардини ошкор қилмаган одам қандай шифо топа-ди?” (Ш. Руставели)

“Хурсандчилик кишининг ҳаётга муҳаббатини ошириб, тана-сини чиниқтиради”. (И. Павлов)

“Келажак касаллик олдини олувчи табобатники. Бу фан даво-ловчи табобат билан қўлни-қўлга бериб, инсониятга шак-шубҳасиз фойда келтиради”. (Н. Пирогов)

“Касалликнинг энг яқин иттифоқчиси беморнинг умидсизлигидир... Ирода барча дори-дармонлардан кўра кўпроқ ёрдам беради”. (М. Горкий)

“Агар инсон болалиги ва ўсмирлигидан бошлаб тизгинини асабларига бериб қўймаган бўлса, унинг асаблари мулойим ва итоаткор бўлади”. (К. Ушинский)

“Афтидан, врачларнинг бутун мўъжизалари уларнинг беморга нисбатан диққат-эътиборларининг кучлилигидадир. Ана шу куч туфайли шоирлар табиатга жон бахш этишса, врачлар беморларни оёққа турғизишади”. (М. Пришвин)

“Агар бемор врач суҳбатидан кейин енгил тортмаса, у врач эмас... Врачнинг бир оғизгина тасаллиси беморга нақадар шифобахш таъсир кўрсатишини ва аксинча, ишонтиришнинг нечоғли қудратга эга эканлигини билмайдиган ёки билишни истамайдиган врачнинг совуқ ва аёвсиз ҳукми беморни баъзан ажал домига олиб бориб қўйишини ҳамма билади”. (В. Бехтеров)

“Даволовчи врач тажрибаси оша борган сари бадан поклиги қудратини ва дори-дармоннинг нисбатан заифлигини кўпроқ тушуна бошлайди” (Г. Захарьин)

Оқибат

“Айтинг: “сизлар қочаётган бу ўлим, албатта сизларга йўликкувчидир. Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни билувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларининг хабарини берур!”. (Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Жумъа сурасидан)

Тафсир:

Билинг! Дунёга муккасидан кетган, унинг алдовларига ишониб, шаҳватлар оғушида қолган кишининг қалби, шубҳасиз,

ўлимни эслаш амалидан ғофил, бу неъматдан бебаҳрадир. Бундай одам ўлимни эсга олишни ёқтирмайди. Одамлар уч хил бўлади: дунёга муккасидан кетганлар; тавба йўлига кирганлар; камолга етган орифлар.

Дунёга муккасидан кетган киши ўлимни эсламайди. Эсланган тақдирда ҳам дунёси қолиб кетаётганига афсус қилиб, бунга ўлим сабабчи бўляпти, деган бемаъни хаёлга боради. Ўлимни бу тарзда эслаш яқинлик ҳосил бўлишига эмас, балки Аллоҳдан узоқлашишга сабаб бўлади. Тавба йўлига кирган киши ўлимни кўп эслайди. Эслани сайин қалби қўрқинчу истиғфорга, вужуди хушув ва хузувга лиммо-лим тўлади. Тўғри, у баъзан ўлим кўққис келиб, тавба тамомига етмай, охират озуғи ғамланмай қолишидан чўчиб, ўлимни хоҳламайди. Лекин унинг бу ҳолати узрли. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу ҳадисида айтилган кишилар жумласига кирмайди: “Ким Аллоҳ билан учрашишни хоҳламаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни хоҳламайди”. Чунки тавба йўлига кирган одам Аллоҳнинг дийдори ва ўлимдан қочмайди. Балки ўзининг қусур ва нуқсонлари сабаб, Аллоҳ дийдорига етиш каби буюк неъматни бой бериб қўйишдан хавфсирайди. Гўё у суюклиси рози бўладиган учрашувга тайёрланиш билан машғул бўлиб, висолга кечикишдан чўчиётган кишига ўхшайди. Висолга кечикишдан чўчиш эса висолни хоҳламаслик эмас. Хуллас, тавба йўлига кирган кишининг аломати шуки, у ҳамиша ўзини ўлимга ҳозирлайди, бу унинг доимий машғулотига айланади. Кимки шундай эмас экан, демак, у дунёга муккасидан кетганлар жумласидандир.

Ориф киши ўлимни узлуксиз эслайди. Негаки, у яхши билади: ўлим суюкли Зот ҳузурига илк қадам, дийдорлашув ваъдалашилган манзил. Ҳабиб маҳбубининг висол ваъдасини асло унутмайди. Кўпинча, ориф зот осийлар уйи бўлмиш исёнли бу дунёда ба-тамом қутулиб, бутун оламлар Парвардигорига яқин бўлиш учун ўлимнинг келишини интизорлик билан кутади.

Аллоҳ рози бўлсин, Ҳузайфадан ривоят қилинади, ўлим онлари яқинлашгач у деди: “...Эй Аллоҳ! Агар мен учун қашшоқлик бойликдан, хасталик соғликдан, ўлим ҳаётдан афзал бўлса, ўлимни менга осон қил, ҳузурингга тезроқ етай”.

Демак, тавба йўлига кирган кишининг ўлимни хоҳламаслиги узрли бўлганидек, орифларнинг ўлимни соғиниши ҳам узрли саналади. Лекин энг аълоси – ишни буткул Аллоҳ таолога ҳавола этишдир. Бу ҳолатга кирган кишида на ўлим ва на ҳаётни танлаш ихтиёри бор. Балки Мавлосига нима суюклироқ бўлса, ўша нарса унинг учун авлодир. Бу ҳол тараққийси чуқур муҳаббат ва яқин-

лик билан энг сўнгги чегара – таслим ва ризо мақомига етади.

Ҳар қандай ҳолатда ўлимни эслаш савоб ва фазлга дахлдор. Ҳатто дунёга муккасидан кетган киши ҳам ўлимни эслаганида дунёдан тийилади. Бора-бора дунё неъматлари унинг меъдасига уради, дунё лаззатларида тот қолмайди. Демак, инсон қалби-ни дунё лаззатлари ва шахватдан халос этувчи ҳар қандай нарса охираат саодатига сабаб бўлади”. (Абу Ҳомид Фаззолий)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Лаззатларни мағлуб этадиган нарсаларни кўп зикр қилин-лар”. (яъни, ўлимни кўп эслаш билан лаззатлар қасрини бузинг. Шунда шахватларга бўлган майлингиз сўнади. Аллоҳ таолога яқин бўласиз)

“Агар ҳайвонлар ҳам одам фарзандлари даражасида ўлимни англаганларида эди, уларнинг семизини емаган бўлар эдинглар”.

“Ўлим мўминга тухфадир”. (Дарҳақиқат, дунё мўминнинг зин-дони. Мўмин киши бу зиндонда нафс шафқатсизликларидан озор кўради, шахватлар юки остида шайтон ҳужумларидан азият че-кади. Ўлим уни ўша азоблардан озод этади. Бу озодлик эса, мўмин учун тухфадир)

“Ўлим ҳар бир мусулмонга каффоратдир”. (яъни, ҳақиқий му-сулмон шундай содиқ мўминки, мусулмонлар унинг тили ва қўли-дан озор кўрмайди. Гарчи кичик гуноҳлардан ҳали покланмаган бўлса-да, мана шу нуқтада мўминлар ахлоқи юзага чиқади, ўлим уни поклайди. Модомики, фарзларни адо қилиб, катта гуноҳлардан сақланган экан, ўлим унинг кичик гуноҳларига каффорат бўлади)

“Ўлимни кўп эсланглар. Чунки у гуноҳлардан поклайди, дунё-дан тийилишга ундайди”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Умарга дедилар:

– Саҳарда уйғонар экансан, оқшом орзусини қилма! Оқшомга етганингда, саҳар орзусини қилма! Ҳаётингдан ўлим учун, соғ-лиғингдан хасталигинг учун улуш ажрат. Чунки, эй Абдуллоҳ, эр-тага қандай ном олишингни билмайсан”.

Абу Саид Худрий дейди: “Усома ибн Зайд пулини бир ойдан сўнг бериш шарти билан Зайд ибн Собитдан юз динорга чўри сотиб олди. Бунинг хабари Расулуллоҳ (с.а.в.)га етгач, у зот: “Пулини бир ойдан кейин беришга келишган Усомага ажабланмайсизми?! Ҳа, дарҳақиқат, Усома орзу-ҳавасга берилибди! Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳар сафар кўзимни юмиб-очар эканман, шу онда: юмилган кўзларимни ёпган қовоқларим қайтадан кўтарилгунича Аллоҳ жонимни олмасмикан, деган гумонга бораман. Бирор луқмани оғзимга солсам, уни ютиб улгурмай, шу луқма бўғзимда қолиб кетмасмикан, деган хавфда бўламан. Эй Одам фарзандлари! Агар оқил бўлсанглар, ўзингизни ўлиқлардан деб ҳисобланг. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, **“Албатта, сизларга ваъда қилинган нарса шак-шубҳасиз келгувчидир”**. (Анъом сурасидан) дедилар”.

Айтилишича, “белкурак билан ер ағдараётган қарияга Ийсо алайҳиссаломнинг кўзлари тушиб: “Эй Аллоҳ, бу чолдан орзу-ҳавас туйғусини олиб қўй”, дедилар. Чол белкуракни қўйди-да, чеккароққа чиқиб ётиб олди. Ийсо алайҳиссалом буни кўриб, “Эй Аллоҳ, унга орзу-ҳавасни қайтар”, деб дуо қилдилар. Чол ўрнида туриб, ишини давом эттирди. Ийсо алайҳиссалом чолдан бунинг сабабини сўрадилар. Чол деди:

– Ишлаётган пайтимда нафсим: “Қачонгача ишлайсан, ўзинг қартайган чол бўлсанг!” – деди. Дарҳол ишни бас қилдим. Ётган чоғимда яна нафсим дедик: “Аллоҳга қасам, ўлимнингни кутиб ётмай, сен ҳали қолган умрингни ҳам яшашинг керак”. Шу заҳоти ўрнимдан туриб, қўлимга белкурагимни олдим”.

“Ёшлик кўркамлиги гупириб турган гўзал, ёруғ юзлар қани? Шаҳарлар бино қилиб, уларни мустаҳкам деворлар билан ўраган подшоҳлар қани? Жанг майдонларида ғолиб, ғалаба нашидасини сурганлар қани? Замон уларнинг курагини ерга текизди, қабр зулматларига ошно қилди. Сиз нажотга, нажотга шошилинг!”

“Эй инсонлар! Сиз умрингиз қай замон тугаши ўзингизга номаълум бўлган бир умр ичида кун ва тунларингизни ўтказмоқдасиз. Агар қўлингиздан келса, бу ҳаётингизни яхшилик қилиш билан ўтказинг. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ёрдами

билан амалга ошира оласиз. Ажалингиз сиздан ишлаш фурсатини олиб қўймасдан туриб, имкониятларингизни ишга солиб, хайрли амалларга шошилинг. Зеро, ажалларини унутган, яхшиликларини бошқалардан қизғанадиган кимсалар ҳам бордир. Зинҳор улар каби бўлманг. Тезроқ бўлинг, ғафлатда қолманг. Чунки орқангиздан сизга етишмоқ учун тез келаётган ажалингиз бор. Ўлимдан огоҳ бўлинг. Оталардан, ўғиллардан, ака-укалардан ибрат олинг. Яшаётган кишиларга эмас, ўлгандан сўнг улар ортда қолдираётган гўзал нарсаларга ҳавас қилинг”.

(Абу Бакр Сиддик)

“Кишининг атрофидаги ўлимлар унга элтувчи кўчалардир. Сўнг қарилик келади, кейин орзу-ҳавас. Киши орзу-ҳавасга берилар экан, ўлим кўчаларига кириб боради. Ўлимларга унинг орзу-ҳавасларини ушлаш буюрилади. Агар ўлимлар адашса, ба-рибир қарилик бу орзу ҳавасларнинг бошига етади. Инсон эса уларнинг рўёбга чиқишини кутаверади”.

562

“Мен бир куннинг қуёши ботиб, ажалим билан орамиздаги масофа қисқариб, ўша кунлик яхши ишларим кўпаймаганига қилган пушаймонимдек қаттиқ пушаймон қилмадим!.. Агар кун ўтган ва мен ўзимни Аллоҳ таолога яқин қиладиган илмимни зиёда қилмаган бўлсам, шу куннинг чиққан қуёши мен учун баракали бўлмагандир”. *(Абдуллоҳ ибн Масъуд)*

“Ўликларни эслар экансан, ўзингни ҳам шулардан бири каби ҳисобла”. *(Абу Дардо)*

“Ҳар бир тонг ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қилади: “Мен янги яратилдим. Ишларингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Кетар эканман, Қиёматга қадар қайтмайман”.

“Э Одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. Сен учун бу куннинг кетиши умрингнинг бир қисми кетиши демақдир”.

“Ўлим дунёнинг борини ошкор этди. Ақли борлар учун дунёнинг қувончи қолмади”.

* * *

“Одам фарзандига унутиш ва орзу-ҳавас каби иккита улуғ неъмат берилган. Агар шу неъмат бўлмаганида мусулмонлар йўлларида юрмас эдилар”. (Хасан Басрий)

* * *

“Мўмин киши интизорлик билан кутадиган ғойиб нарсаларнинг яхшироғи ўлимдир”. (Робеъ ибн Хасим)

* * *

“Икки нарса мени дунё лаззатидан узади: ўлимни эслаш ва Аллоҳнинг олдида туриш”. (Иброҳим Таймий)

* * *

“Ким ўлимни англаса, унга бу дунёнинг мусибатларию машаққатлари арзимас бўлиб қолади”. (Казб)

* * *

“Ўлимни кўп эсла, агар тўкинликда бўлсанг, танглик нелигини биласан. Агар аҳволинг танг бўлса, ўлим ёди сени кенгликка чиқаради”.

(Умар ибн Абдулазизнинг Анбасага деганларидан)

* * *

Умар ибн Абдулазиз олимлардан бирига: “менга насиҳат қилинг”, дедилар.

- Ўлим сари бораётган биринчи халифа эмассан, – деди у.
- Яна насиҳат қилинг, – дедилар амирул мўминин.
- Одам алайҳиссаломдан то ота-боболарингга қадар бирор киши йўқки, ўлим шарбатини тотмаган бўлса. Энди сенинг навбатинг келяпти.

Кейин Умар ибн Абдулазиз йиғладилар.

* * *

“Дунё доимий қароргоҳимиз эмас. Аллоҳ унга фонийликни битган. Дунё аҳлига эса дунёдан кетиш битилган. Дунёнинг энг мустаҳкам, ишончли қалъаси ҳам озгина фурсат ўтиб, хароб бўлади. Энг муқим қувонч ҳам сал туриб тарқайди. Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсин, гўзал амаллар билан рихлатни (охират сафарини) безанг. Йўл озиғини ҳозирланг. Албатта, энг яхши озиқ тақводир. Дунё бамисоли соя, қисқариб-қисқариб йўқолади. Одам фарзанди дунёга шўнғийди, дунё курашларида ғолиб келиб, кўзлари қувончга тўлади. Кунлардан бир кун Аллоҳ уни

Ўз тақдирига мувофиқ ҳузурига чорлайди. Лаҳаддан жой беради, дунёдан маҳрум қилади. Унинг корхонаю бойликлари бошқа кавм қўлига ўтади. Дарҳақиқат, дунёнинг улашган қувончи у етказган зарар олдида арзимасдир”.

(Умар ибн Абдулазизнинг хутбаларидан)

“Ўлим ҳар қандай дунё неъматига завола етказувчидир. Бас, безавола неъматларни изланг!”

“Эҳтимол ажалим қачон келишини билганимда, ақлдан озиб қолардим. Лекин Аллоҳ таоло бандаларига ўлимдан ғофилликни ато этди. Агар ана шу ғафлат бўлмаганида, бандалар ҳаёт лаззатини тотолмас эдилар. Бозорлар қурмас эдилар”.

(Мутарриф ибн Абдуллоҳ ибн Шухайр)

“Умму Ҳорундан: “Ўлимни яхши кўрасанми?” – деб сўрадим. “Йўқ”, деди у. “Нега?” дедим.

– Ахир бир одамга исён қилсам, унга рўбарў келишдан хижолат бўламан. Шундай экан, қанақасига тинимсиз осийлик қилаётганим Аллоҳ билан юзма-юз бўлишим мумкин? – деди у”.

(Абу Сулаймон Дороний)

“Отамнинг шундай деганларини эшитганман:

– Эй, доимо соғлом бўлиб юраман, деб алданган кимса! Хасталикка чалинмасдан ўлган кишини кўрмаганмисан? Эй, муддат узок, деб алданган кимса! Тайёргарликсиз қўлга олинган қальани кўрмаганмисан? Агар умрингнинг нечоғли узунлигини фикр этганимда эди, ўтмиш лаззатларини унутар эдинг. Хуш кайфиятинг давомийлигига алданяпсанми? Ёки ўлимдан омон қолишни, ўлим фариштасига қарши жасоратни ҳаёл қиляпсанми? Билгил: бойлигинг ҳам, лак-лак қўшининг ҳам сени ўлимдан қутқара олмайди. Билгил! Ўлим соати – қайғу ва ҳасрат, бепарво ўтган дамларга пушаймонликдир. Ўлимдан кейинги боқий ҳаёт учун амал қилган бандасига, ўлим келишдан аввал назарини ўзига қаратган бандасига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!”.

(Абдуллоҳ ибн Сомит)

“Эй одамзот, амалингга эришганда севиндинг, лекин билиб қўйки, ажалинг яқинлашди, умринг битаётир. Келажак учун олдиндан йиққанларингнинг фойдасини бошқалар кўради”.

(Довуд Тош)

“Эй дўст! Кўрмасмисанки, чақалоқ дунёга келган вақтда ҳирси сабабли қўллари бир нарсани ушлагандай ёпиқ бўлади. Дунёдан кетаётганда эса, кафтлари бўшлигидан очiqдир. Чунки ҳирс билан орзу қилинган нарса қўлдан чиққан. Ўлим етарли насихатчидир, ўлим етарли воиздир”. (Аҳмад Рифоъий)

“Ҳар бир кун менинг бир қисмимни олиб, ўтиб кетади. Қалбда ҳасрат қолдириб, ўзи бедор кетади”. (Абу Али Даққоқ)

“Ҳар бир тирик кимса вақти келиб вафот этади, бас шундай экан, энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ўлаётган киши учун ўта савобдир”. (Абулқосим Замахшарий)

“Одам табиатан қизиқ яратилган – бойлигини йўқотса хафа бўладию умри зое кетаётганига эса парво қилмайди”.

(Абул Фароҳ)

“Ўлим – қисмати, қабр – қароргоҳи, тупроқ тўшаги, Мункар ва Накир – суҳбатдоши, қурт-қумурсқалар – улфати, ер ости – хос хонаси, маҳшаргоҳ – ваъдалашган жойи, жаннат ё дўзах – сўнгги манзили бўлган ҳар бир кишининг фикру зикри – ўлим, тадбири тадориги ҳам ўлим учун бўлиши табиий. Унинг бутун диққат-эътибори ўлимга қаратилган, қўрқинч ва қувончи ҳам ўлимдан, у ўлимга мунтазир. У нафсини ўликлар қаторида санаб, ўзини қабрда кўради. Чунки келувчи нарса доимо яқин, келмайдигани эса узоқдир. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Нафсини тергайдиган ва ўлимдан кейинги ишларни ўйлаб амал қиладиган киши асл зийракдир”.

“Ўлим вақтида дунёдан ажралиш азоби дунёга бўлган муҳаббатининг миқдорича бўлади”. (Абу Ҳомид Фаззолий)

“Ийсо алайҳиссалом ўлимни эслаган пайтларида териларидан қон томиб турар экан. Довуд алайҳиссалом ўлим ва қиёматни эслаганларида йиғлаб, ҳушларидан кетар эдилар. Аллоҳнинг раҳматини эслаганларида, ўзларига келардилар”.

* * *

“Эй биродарим! Ўлимни қанча орзу қилсанг ҳам ўлиб бўлмайдиган дунёга кетишдан олдин мана шу дунёда ўлимдан огоҳ бўл!”.

* * *

“Менинг ҳолатим боши кундага қўйилган, боши узра кўтарилган қиличнинг бўйнига тушишини кутаётган кишининг ҳолатига ўхшайди”.

* * *

“Дунё тушдир, охират – уйғоқлик. Ўлим бу иккаласининг орасида. Биз бир-бирига боғланмаган, пойинтар-сойинтар тушлар ичидамиз, вассалом!”

* * *

“Дунё учун ғам чекмоқнинг чеки йўқ. Ўлим эса инсонга нақадар яқин! Инсон умрининг ўтаётган ҳар кунда ўлимнинг улуши бор. Умр давомида инсон жисмига қанча-қанча балолар йўлиқади. Бас, кетишга нидо келишидан аввал ҳозирлик кўринг”.

(Дониш аҳлидан)

* * *

“Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз”. *(Маҳмудхўжа Беҳбудий)*

* * *

“Ўлим инсон учун ҳеч нарса эмас, чунки биз бор пайтимизда ўлим бўлмайди, ўлим бор жойда эса биз бўлмаймиз”.

* * *

“Ҳаёт билан видолашувга сабаби кўп бўлган одам жуда аянчлидир”. *(Эпикур)*

* * *

“Ўлимнинг муқаррарлигини ҳамма билади, аммо у яқин эмаслиги туфайли ҳеч ким у ҳақда ўйламайди”.

* * *

“Ўлим ҳақ бўлса ҳам, биз йўқ бўлиб кетадиган нарсаларга муте бўлиб қолмаслигимиз, аксинча, иложи борича абадият чўққисига кўтарилишимиз ва ўзимиздаги энг яхши хислатларга суяниб яшашимиз керак”. *(Арасту ҳаким)*

* * *

“Хаёт тўғрисида шунчалик оз билсак, ўлим тўғрисида нимани ҳам билардик”. (Конфуций)

* * *

“Иш устида жон беришни истайман”. (Овидий)

* * *

“Ўлимдан омон қолиш қўлингдан келмас экан, ҳеч бўлмаса шараф билан ўл”. (Эзон)

* * *

“Ўлимдан қўрққан одам бирон-бир эзгу иш қилолмайди, буйрак тоши, бод тутқаноғи ёки шунга ўхшаш бошқа бир сабаб билан ўлиб кетгандан кўра эзгу иш учун жонни фидо қилган маъқул”. (Д. Дидро)

* * *

“Хаёт қисқа, лекин шуҳрат мангу бўлиши мумкин”. (Цицерон)

* * *

“Хаёт ўлимни ҳеч қачон писанд қилмайди. Ўлим рўпарасида у қаҳқаҳа уради, қўшиқ айтиб, рақсга тушади, қуради, теради ва севади. Фақат ўлимнинг ўзини алоҳида ажратиб қарасак, унинг бўм-бўшлигини кўриб, хижолат тортамыз”. (Р. Тҳакур)

* * *

“Одамларнинг ўлим деган нарсани билиши аслида уларнинг ўлимдан беҳабарлиги важдан унчалик қўрқинчли туюлмайди; қазо вақтининг ноаниқлиги абадиятга ўхшаб кетади”.

* * *

“Агар бизга: ўлимни ёки ҳеч қачон ўлмасликни танлаш зарур бўлиб қолса, ҳеч биримиз аниқ бир қарорга келолмасдик. Табиат ўлимни муқаррар қилиб, бизни бу мушкулотдан халос этган”.

* * *

“Шафқат нуқтаи назардан қараганда, ўлим шунинг учун ҳам яхшики, у қарилликка чек қўяди. Яроқсизликнинг олдини олувчи ўлим яроқсиз ҳолга келтирувчи ўлимдан кўра афзалроқдир”.

(Ж. Лабрюйер)

“Ўлмоқ туғилмоқдай табиий нарса. Муҳим иш устида ўлган одам оғир жангда яраланган, аммо аввалига оғриқни сезмайди-ган ярадорга ўхшайди. Зеро, олижаноб фикрлар билан яшовчи одам ўлим азобини мутлақо сезмайди”.

“Матонатли кишиларга ўлимнинг яқинлашуви унчалик таъсир қилмайди, чунки уларнинг ҳар бири сўнгги дақиқагача иродасини сақлаб қолади” . (Ф. Бэкон)

“Агар сиз ўзингизга абадий ҳайкал ўрнатмоқчи бўлсангиз, қалбингизни эзгу китобга жо қилинг”. (П. Буаст)

“Муҳими, қанча узоқ яшаганингиз эмас, нима учун яшаганингиз, ниманинг орқасидан югурганингиз ва ўлимга тайёрлигингиздадир”. (П. Ватсон)

“Одам фақат “мен мавжудман”, деб билганда эди, ўлим ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмасди”. (Э. Кондильяк)

“Ҳаёт билан видолашаётган пайтда ўлим даҳшати сезилмайди, фақат қон ва тана ўлим билан олишиши, унга қаршилиқ кўрсатиши мумкин, ақл-идрок эса лоқайд ва бефарқ томошабин бўлиб тураверади”.

“Ўз жонига қасд қилганлар, менимча, бировдан ўч олиш учун эмас, балки ўзидан ва ўзининг ночор ва нобоп турмушидан нафратланганидан ҳаёт билан видолашади. Ўз-ўзидан нафратланиш даҳшатли туйғу! (Э. Қапиев)

“Табиат бизга ўлим ҳақида ўйламаслик салоҳиятини ато этган, акс ҳолда олам ҳаракатдан тўхтаб қолган бўларди”.

“Ўлим муқаррарлигини ҳаммамиз ёдда тутишимиз ва бинобарин, мангу барҳаёт бўлиб қолиш ишончи билан яшашимиз керак”. (Ф. Гвиччардини)

“Ўлолмаيمان, деб ташвиш тортманг: вақти соати етганда табиатнинг ўзи бунга яхшилаб ўргатиб қўяди; сиз учун ҳам ҳаммасини ўзи ҳал қилади, бу ҳақда бош қотириб юрманг”.

“Сукрот ҳақимга: “Ўттиз ҳукмдор сени ўлимга ҳукм этди”, деган одамга у: “Уларни эса табиат ўлимга маҳқум этган”, деб жавоб берибди”.

“Ўлим ҳам худди ҳаётга ўхшамоғи лозим, чунки ўлганимиз билан биз бошқача одам бўлиб қолмаймиз”.

“Юз йилдан кейин яшамаслигимизни ўйлаб кўз ёши қилиш юз йил бурун яшамаганимиз учун кўз ёши тўкишдек бемаъни ишдир”.

“Касал бўлиш яхши эмас, ўлиш ундан ҳам ёмон, бироқ, ўзингдан кейин ҳеч нарса қолдирмаслигингни сезиб туриб касал бўлиш ва ўлиш – ҳаммасидан ҳам ёмон”. (В. Белинский)

“Ўзидан кейин лоақал биттагина янги, порлоқ фикр қолдирган, инсониятга нафи тегадиган атиги биттагина жасорат кўрсатган одам бўлса, демак, у дунёдан бефарзанд ўтмаяпти”.

(А. Бестужев-Марлинский)

“Инсон қалбига худбинлик қанча чуқур илдиз отгани сайин унда ўлим даҳшати шунча мустаҳкам ўрнаша бошлайди”.

(Г. Плеханов)

“Ҳаёт барҳаёт учун курашдир... Донишманд одам умрининг охирига бориб ўлимнинг фақат четдан қараганда, яқин кишилари учунгина даҳшатли эканини, ўзи учун эса ҳеч нарса эмаслигини, қандай туғилган бўлса худди ўшандай кетишини тушунади”.

“Мархумлар ҳар хил бўлади, уларнинг айримлари ўтган минг йилликлар қаъридан туриб ҳозир ҳам бугунги порлоқ кунимиз йўналишини белгилаб беради”. (М. Пришвин)

“Ҳаётни койиб, лекин барибир яшаб юрган одамдан кўра уни олқишлаб яшаган одам ақллироқ эмасми?” (Л. Андреев)

“Ҳеч қандай техника инсонни ўлимдан сақлаб қололмайди. Аммо-лекин маънавий қудратнинг бу билан иши йўқ. У ҳаётда шундай бир умумий йўналиш ясаши керакки, бу йўналиш виждон ва номус талабларини қондириш билан бирга кишига чорасиз ўлимни қўрқув билмай, хижолат ва таъналарсиз, хотиржам қарши олиш имконини берсин”. (Н. Михайловский)

“Киши умри охирлаб қолган пайтда маънос тортиб, олисдан имлаб чақирувчи ёрқин манзилларни кўриш менга ҳам насиб қилармикин, дея ўзига-ўзи савол беради. Шунда у ўз ортидан бардам-бақувват ёшлар келаётганини, кексалик билан ёшлик ҳақиқатни кашф этиш йўлидаги узлуксиз меҳнатда қоришиб кетажagini ўйлаб, тасалли топади”. (Н. Жуковский)

“Инсон ўлади, аммо халқ барҳаётдир”.

“Бурчни адо этганлик туйғуси ўлим даҳшатини яксон этади, ҳалол кечирилган умр эса хотиржам кўз юмиш имконини беради”. (М. Горкий)

“Яшашдан мақсад ўлгандан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолишдан иборат”. (Муса Жалил)

Ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ҳикматларнинг сон-саногии йўқ. Одам боласига ҳаёт бир марта берилиши ва у бу неъматни қадрлаши лозимлиги, фақат яхшилик оламида яшаши шартлиги, ўзидан фақат хайрли ном қолдириши зарурлигини деярли ҳамма дуруст англайди. Афсус шундаки, ҳамма ҳам яхшилик ила ҳаёт кечирини

қоидаларига амал қилавермайди. Кимдир бу қоидаларни етарли даражада фаҳм этмайди, кимдир эса бу қоидаларни бузиб яшашдан роҳатланади. Ким қандай яшамасин, оқибат борар ери тайин. Миллати, дини, дунёқарашидан қатъи назар, ўлим бағрига сингади. Ўлимга ҳидоят назари ила қараш билан динсизлар қараши ўртасида жиддий тавофут бор. Деярли барча динларда ўлимдан кейин банда ҳисоб беришидан огоҳлантиради. “Ўлимдан қўрқ” деганда айнан шу ҳисобот натижасида қўрқиш назарда тутилади ва бу ҳисобот натижасининг хайрли бўлиш чораси тириклик чоғида кўрилиши уқтирилади. Охират дунёси мавжудлигини инкор этувчи моддиюнчилар эса минг йиллар давомида ўлимдан қўрқмасликни тарғиб қилиб келадилар: “Нариги дунёда мени азоб кутяпти, деб қўрқма, чунки “нариги дунё” йўқ, фақат кўриб турганинг, яшаётганинг шу дунё мавжуд. Истаганингча маишат қил, ҳеч нарсадн қўрқма...” – шу тарзда яшаб ўтганларни дўзах ўти кутиб тургандир, валлоҳи аълам. Афсусларким, минг йиллар ҳудудидаги дониш аҳли номлари орасида ҳам шундай адашганларнинг исмларини учратиб қолишимиз мумкин. Биз уларнинг мазкур мавзуга хос фикрларини ҳаёт ҳақиқатига хизмат қилмайди, деган фикрда китобга киритмадик.

Китобга хулоса ясаш ўрни келганини ҳисобга олиб, бу хизматни охирига етказишда Ўзи мадад берган Аллоҳ таолога шукрлар, ҳамду санолар айтган ҳолда улуг устозларнинг сўнгги мавзудаги фикрларини давом эттиришга журъат этаманки, бу уринишимни китобнинг сўнгги сўзи ўрнида қабул этарсиз.

Сиз ўтган умрингизга қараб: «Тўғри яшай олдимми?» – деб ўз ўзингизга савол берганмисиз? Агар ишонч билан «ҳа!» деб жавоб қайтара олсангиз, буюк ишлар қилибсиз экан. Кишининг оқилонани китоблар битиши шарт эмас, аммо ҳаётда ўзни оқилонани тутати билиши мутлақо зарур! Зеро, Одам боласининг энг улуг ижоди – оқиллик билан умр кечирмоқликдир. Қолганлари: мансаб йўлида сарсари кезиш, бойлик орттириш, шоҳона қасрлар қуриш каби ишлар ўз кўнглини тўйдиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Қани эди, кўнгил қурғур тўя қолса...

Бир йигит қазо қилди. Бундай ҳолларда «бевақт вафот этди», дейишга кўникканмиз. Билмаймизки, ўлим бевақт келмайди. Аллоҳ тайин этган аниқ нафасда келади. Инсон ризқида белгиланганидан бир лўқма ҳам кўп емай, бир лўқма

кам ҳам емайди. Бир нафасни ортиқча ҳам, кам ҳам олмайди. Юраги битта кўп ҳам, кам ҳам урмайди. Ҳар бир одам ўз вақтида ўлади. Биз буни билмаймизми? Биламиз, фақат «бевақт» деб ўзимизни алдаймиз. Хўп, алдамас эканмиз, «вақтида» келган ўлим қандай бўлади? Қачон ва қай ҳолда келади? Етмиш ёшдами ё саксондами? Балки тўксон бешдадир. Аниғи шуки, ўлим айни вақтида келади. Биз, ўзимиз уни қаршилашга, Тангри берган омонатни қайтариб беришга, у дунёда кутилажак савол-жавобга вақтида тайёр бўлмаймиз.

Ўқишда имтиҳон куни, соати белгиланган бўлади. Тунни кунга улаб, тайёрланиб борамиз. Тайёргарлигимизга кўра баҳо оламиз. Фоний дунё ҳам имтиҳон экан, тайёргарлигимиз қандай, ўйлаймизми? Муаллимга пора бериб, баҳо олиш мумкин. Охират имтиҳонида эса бунақа гап йўқ. Баъзилар йилда бир ёки икки, ёки ундан-да кўп марта қўй сўйиб, номи «худойи» деб аталмиш зиёфатлар беришади. Пешоналари эса бирон марта саждага тегмайди, бузук йўллардан ҳам қайтмайдилар. Улар ўша «худойи»ларини охиратга тайёргарлик, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса улар муаллимга пул бериб имтиҳондан ўтмоқчи бўлаётган билимсиз ва нодон талабага ўхшашади.

572

Мавзудан чекинмоқни бас қилиб, асосий сўзга қайтайлик: хуллас, «бевақт» вафот этган биродарига ачиндилар. Дўстлардан бири суҳбатга аралашмай ўтирган эди. Кимдир «сиз ачинмай-сизми?» деган мазмунда гап ташлади. У бир оз қўпол тарзда бўлса-да, тўғриси айтди: «Мен биродаримизнинг ўлганига ачинмайман». Ажабланишди, ҳатто кўнгиллари оғриди. Изоҳ берди: «Йиғилиб олиб ачинганимиз билан тирилик, қайтиб келмайди-ку? Ундан кўра дуолар қилайлик ва сағирларига ёрдам беришни ўйлайлик. Ким, қандай ёрдам бериши мумкин – шуни сўзласин. «Унинг вафотига ачинмайман», дейишимнинг боиси, у бугун бўлмаса эртагами ё ўн йил кейинми бу дунёни барибир ташлаб кетарди. Мен унинг ибодатсиз кетганига ачиняпман. Унинг нариги дунёдаги аҳволи нима бўлади энди? Менинг қайғум шунда. Бу дунёдаги улфатчиликлар, зиёфатлар, қизлар, қадаҳлар... у ёқда ёрдам бермайди, балки қабр азоблари эшикларини очиб беради. Биродаримизни бу азоблар йўлидан қайтара олмаганим учун мен ҳам айбиман. Бу айбим учун балки Қиёматда жавоб берарман...»

Дўстлар ҳақида қайғуришни олдинроқ бошласак нақадар гўзал бўлур эди...

Санъаткор биродаримиз оғир хасталикка учрагач, яқинлари унга фахрий унвон олиб бериш учун турли идораларга қатнай

бошладилар. Ўлим эшик қоқиб тургандаги уларнинг бу ҳаракатини яхшиликка йўйиш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда унвон берилса бемор қувонади. Азоблари салгина бўлса-да, ариши мумкин. Лекин... унвону мукофотлар ортда қолади-ку? У дунёда буларнинг қиммати йўқ-ку? Савол-жавобда булар инобатга олинмайди-ку?

Аввалроқ бир танишимиз «Биттагина медал олиб ўлсам армонсиз кетардим», – дер эди. «Медал сизга шунчалик зарурми?» – деб сўраганимизда «Ҳа, ўлгандан кейин духоба ёстикқа тикиб, тобут олдида олиб боришга нимадир керак-ку? Болаларим отамнинг ҳеч нарсаси йўқ экан», деб изза чекишмасин», – деган эди.

Аллоҳ марҳамат қилади-ки: «Эй Одам фарзанди! Сенга уч нарсани ихтиёр қилдим: яъни оила аҳлингни, молу дунёингни ва ортингда қолади. Оёғинг уйдан чиқиши билан оиланг ҳам ажраб қоладилар. Кейин қабрда бўласан. Қиёмат кунида фақат яхши амалинг фойда беради. Амалинг тузук бўлса, сени ҳам тузатиб қўяр. Агар ёмон бўлса, сени ҳалок қилувчи жойга топширар». Шунга кўра, ҳамонки барча нарса ортда қолар экан, хаста биродаримизнинг яқинлари нишон ҳақида эмас, иймон тўғрисида қайғурсалар дурустроқ бўларми эди. Жон чикмай туриб, иймон калимасини ўргатсалар қандай яхши эди! Агар фарзандлар доно бўлсалар «отамиз медалсиз ўтди», деб куюнмайдилар, балки «отамиз иймон билан кетдилар», – деб Яратганга шукурлар қиладилар.

Ҳаётимизда ўлим ҳақида кўп эшитамиз. Дўзах ва жаннат тўғрисида ҳам болаликдан тинглаганмиз. Энг билимсиз одам ҳам дўзахнинг азоб маскани, жаннатнинг эса роҳат макони эканини билади. Масжидлардаги муҳтарам имомларимиз деярли ҳар жумадаги маърузаларида бу мавзуга тўхталиб ўтадилар. Лекин ажабланарли томони шундаки, одамларнинг бу масалага ёндошуви бир ҳил эмас.

Ислом ўлимга тайёрланишни уқтиради. Хўш, ўлимга тайёрланиш нима? Жаноза ҳаражатларини қопловчи “ўлимлик пули” йиғиб, кафанликни тайёрлаб қўйиши? Бу моддий тайёргарлик ва бунинг ҳам ўз ўрни бор. Аммо бу тайёргарлик кўрилмаса гуноҳ эмас. Ўлимга тайёргарлик – ҳаётининг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, яхши ишлар қилишига, савобни кўпайтиришига интилиши. Яхши амалларни кўпайтиришига интилмаган одам, демак, ёмонлик билан ошно экан, демак гуноҳлар ботқоғига ботаётган экан. Демак, у ўлим ҳақида ўйламаётган экан.

Бизга ўлим жуда узоқдай кўринади. Ҳолбуки, ҳаёт билан ўлимни биргина нафас ажратиб туради. Атеистлар (яъни худосизлар) динни айблаганда “диндорлар авомни ўлим билан кўрқитадилар”, деган баҳонани рўкач қилардилар. Бу бир бемаъни гап. Дин ўлим билан кўрқитмайди. Маънони тўғри англаш керак. Айримлардан “ўлимдан кўрқаман” деган иборани ҳам эшитиб қоламиз. Такрор айтамызки: ўлимдан кўрқиш – нодонликдандир. Чунки киши кўрқса-кўрқмаса барибир вақти-соати етса ўлади. Кўрқса-кўрқмаса жасади лаҳад қуртларига ем бўлади. Киши жони чиқишидан эмас, бу дунёдан иймонсиз равишда кетиб қолишидан кўрқиши керак. Елкасига бир дунё гуноҳни ортмоқлаб Яратган ҳузурига боришдан уялмоғи керак.

Айрим атеистларнинг ўлимдан кўрқмаслигини ҳам эшитганмиз. “Э, мендан кейин дунёни сув босмайдим!” деб қўл силтаганларни ҳам кўрганмиз. Ҳатто “Ўлганимдан кейин менга барибир, жаноза ўқишадими ё кафанлаб кўмишадими ё ҳожатхонага ташлаб юборишадими... Мен ҳозир яшайман, мен учун муҳими – шу!” деганларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ҳозир улар йўқлар. Кўрқмаганлари ўлимни топиб, ишонмаганлари у дунёда қиёмат қичқириғини кутиб ётибдилар.

Қиёмат... Сурнинг чалиниши... Мурдаларнинг тирилиши... Маҳшаргоҳ... Ҳисоб-китоб...

574

Барчамизни кутаётган манзара бу. Ҳеч биримиз бу ҳолатдан қочиб қутулолмаймиз. Биламизки, сурнинг чалиниши билан қиёмат бошланади. Уламоларимизнинг китобларида бу манзара батафсил баён қилинган. Юзаки ўқиганлар ёки ислом илмидан анча узоқ бўлган биродарларимиз дейишлари мумкинки: “Бу манзарани тасвир қилгани қизиқ, ўз кўзи билан кўрибдими?” Ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган. Таъбир жоиз бўлса, олимлар илм кўзи билан кўриб сўнг баёнини ёзадилар. Илм кўзи Қуръони каримни, ҳадиси шарифларни ўқийди ва шу ўқиши жараёнини кўради. Қиёмат, Исрофил алайҳиссаломнинг сурни чалишлари... булар олимларнинг тасаввуридаги хаёлий манзара эмас, балки Қуръони карим оятлари билан чизилган ҳақиқат. Илмий китобларни ўқиш жараёнида мисол тариқасида келтирилган ояти карималар ва ҳадиси шарифларни алоҳида муҳаббат билан ўрганиши тақозо этилади.

Қиёматни ҳар ким ҳар ҳил аҳволда, ўз амалларига яраша кутиб олади. Ғаззолий ҳазратларининг китобларидан бир неча сатр ўқиймиз:

“Кўз олдинга келтир: сурнинг даҳшатли қичқириғидан кўрқув ичра оёққа қалққан халойиқ гангиб, ўзини йўқотган. Лекин устларига ёпирилган шунча хорлик ва синиқликка қарамасдан битта туйғу уларда ҳали ўлмаган. – кутиш туйғуси! Улар ҳукми кутишяпти: саодатми ё шақоват?”

Тасаввур эт, сен ҳам шулар орасидасан. Сен улардек хор-ночор, хайроналик ичра қотиб қолгансан. Бу дунёда тўкин-сочин, турли-туман ноз-неъматларга бурканган ҳолда яшадинг, бой эдинг. У КУНда ер юзининг подшоҳлари гадо, балки улардан наст, қадамлар топтаб ўтадиган энг ҳақир зарра каби бўладилар. У КУНда ваҳший ҳайвонлар бошлари эгик ҳолда саҳролардан, тоғлардан тушиб келади. Одамлардан ҳуркиш ўрнига, ҳалойиққа қўшилиб, беозор ва бегуноҳ ҳолда Ҳашир сари юрадилар...”

Азиз биродар, бир кунда ҳеч бўлмаса бир неча дақиқа бу дунё таъшишларингизни: бозордаги нарҳ-навони, қўшингизнинг ғийбатини, тўй ҳавасларини... ҳамма-ҳаммасини унутинг, мазкур сатрларда баён қилингани каби “қўрқув ичра оёққа қалққан ҳалойиқ орасида” ўзингизни кўринг. Бир неча дақиқа бўлса-да, тасаввур қилинг. Идорангиз бошлиғи сизга бир юмуш топшириб сафарга кетган, сиз бу вазифани бажаролмай ҳижолатдасиз. Бошлиғингизни яратган Аллоҳ бизга қанча вазифа берган эди? Қанчасини бажардик, қанчасидан бўйин товладик? Қиёматдаги ҳижолатимиздан фойда бўлармикин?

Сур чалинганда одамларнинг даҳшатга тушиши баёни мавжуд. Бу даҳшат ҳар биримизнинг бошимизда бор. Бу баёнга ишонганим ҳолда фақат ўзимга хос бўлган бир мулоҳазамни айтмоқчиман: сур чалинди, ўликлар тирилди. Лекин бу умум учун бўлган ҳолат. Мен учун Қиёматнинг бошланиши сурнинг чалиниши, ўликнинг тирилиши билан чекланмайди. Ҳисоб чоғи Аллоҳ менга десак: “Эй бандам, мен сенга ақл-заковат бериб эдим, саломатлик бериб эдим, ризқ бериб эдим сен у дунёни совуриб келиб менга рўпара бўлишдан уялмадингми?” Чиндан ҳам шундай савол берилса, мен учун қиёмат ана шундан бошланади. Мен учун дўзах азобидан кўра яратган Раббим ҳузурида уятли ҳолда туриши даҳшатлироқ. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шафотларидан умидворман ва қачондир дўзах азобидан қутилажакман. Аммо уят азобидан қутила олармиканман?

Шуларни тасаввур этаман ва кундалик ҳаётимда уятли ҳолга тушиб қолмаслик чораларини кўришига интиламан. Шу интилиши – менинг назаримда ўлимга тайёргарлик кўрмоқликдир.

Азизларимизнинг диққатларини яна бир нарсага тормоқчиман: жумъа намозларида сафда турган биродарларимизни кўриб кўзларимиз қувонади. Аллоҳга шукр! Аммо афсуски, бу сафлар фақат жумъа кунлари тўлади. Бошқа кунлари қайдалар у биродарлар? Бошқа жамоаларда ёки уйларида намоз ўқийдилар, дерсиз. Бунинкор этмаймиз, аммо ҳақиқат шуки, жумъада сафга турган би-

Бизга ўлим жуда узоқдай кўринади. Ҳолбуки, ҳаёт билан ўлимни биргина нафас ажратиб туради. Атеистлар (яъни худосизлар) динни айблаганда “диндорлар авомни ўлим билан кўрқитадилар”, деган баҳонани рўкач қилардилар. Бу бир бемаъни гап. Дин ўлим билан кўрқитмайди. Маънони тўғри англаш керак. Айримлардан “ўлимдан кўрқаман” деган иборани ҳам эшитиб қоламиз. Такрор айтамизки: ўлимдан кўрқши – нодонликдандир. Чунки киши кўрқса-кўрқмаса барибир вақти-соати етса ўлади. Кўрқса-кўрқмаса жасади лаҳад қуртларига ем бўлади. Киши жони чиқишидан эмас, бу дунёдан иймонсиз равишда кетиб қолишидан кўрқшиши керак. Елкасига бир дунё гуноҳни ортмоқлаб Яратган ҳузурига боришдан уялмоғи керак.

Айрим атеистларнинг ўлимдан кўрқмаслигини ҳам эшитганмиз. “Э, мендан кейин дунёни сув босмайдим!” деб қўл силтаганларни ҳам кўрганмиз. Ҳатто “Ўлганимдан кейин менга барибир, жаноза ўқишадими ё кафанлаб кўмишадими ё ҳожатхонага ташлаб юборишадими... Мен ҳозир яшаяпман, мен учун муҳими – шу!” деганларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ҳозир улар йўқлар. Кўрқмаганлари ўлимни топиб, ишонмаганлари у дунёда қиёмат қичқириғини кутиб ётибдилар.

Қиёмат... Сурнинг чалиниши... Мурдаларнинг тирилиши... Маҳшаргоҳ... Ҳисоб-китоб...

574

Барчамизни кутаётган манзара бу. Ҳеч биримиз бу ҳолатдан қочиб қутулолмаймиз. Биламизки, сурнинг чалиниши билан қиёмат бошланади. Уламоларимизнинг китобларида бу манзара батафсил баён қилинган. Юзаки ўқиганлар ёки ислом илмидан анча узоқ бўлган биродарларимиз дейишлари мумкинки: “Бу манзарани тасвир қилгани қизиқ, ўз кўзи билан кўрибдими?” Ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган. Таъбир жоиз бўлса, олимлар илм кўзи билан кўриб сўнг баёнини ёзадилар. Илм кўзи Қуръони каримни, ҳадиси шарифларни ўқийди ва шу ўқиши жараёнини кўради. Қиёмат, Исрофил алайҳиссаломнинг сурни чалишлари... булар олимларнинг тасаввуридаги хаёлий манзара эмас, балки Қуръони карим оятлари билан чизилган ҳақиқат. Илмий китобларни ўқиши жараёнида мисол тариқасида келтирилган ояти карималар ва ҳадиси шарифларни алоҳида муҳаббат билан ўрганиши тақозо этилади.

Қиёматни ҳар ким ҳар ҳил аҳволда, ўз амалларига яраша кутиб олади. Ҳаззолий ҳазратларининг китобларидан бир неча сатр ўқиймиз:

“Кўз олдинга келтир: сурнинг даҳшатли қичқириғидан кўрқув ичра оёққа қалққан халойиқ гангиб, ўзини йўқотган. Лекин устларига ёпирилган шунча хорлик ва синиқликка қарамасдан битта туйғу уларда ҳали ўлмаган. – кутиши туйғуси! Улар ҳукми кутишяпти: саодатми ё шақоват?”


Тасаввур эт, сен ҳам шулар орасидасан. Сен улардек хор-ночор, ҳайроналик ичра қотиб қолгансан. Бу дунёда тўкин-сочин, турли-туман ноз-неъматларга бурканган ҳолда яшадинг, бой эдинг. У КУНда ер юзининг подшоҳлари гадо, балки улардан паст, қадамлар топтаб ўтадиган энг ҳақир зарра каби бўладилар. У КУНда ваҳший ҳайвонлар бошлари эгик ҳолда саҳролардан, тоғлардан тушиб келади. Одамлардан ҳуркиш ўрнига, ҳалойиққа қўшилиб, беозор ва бегуноҳ ҳолда Ҳашир сари юрадилар...”

Азиз биродар, бир кунда ҳеч бўлмаса бир неча дақиқа бу дунё ташишларингизни: бозордаги нарҳ-навони, қўшингизнинг ғийбатини, тўй ҳавасларини... ҳамма-ҳаммасини унутинг, мазкур сатрларда баён қилингани каби “қўрқув ичра оёққа қалққан ҳалойиқ орасида” ўзингизни кўринг. Бир неча дақиқа бўлса-да, тасаввур қилинг. Идорангиз бошлиғи сизга бир юмуш топшириб сафарга кетган, сиз бу вазифани бажаролмай ҳижолатдасиз. Бошлиғингизни шу ҳижолат билан қаришилайсиз. Бизларни азиз ва мукаррам қилиб яратган Аллоҳ бизга қанча вазифа берган эди? Қанчасини бажардик, қанчасидан бўйин товладик? Қиёматдаги ҳижолатимиздан фойда бўлармикин?

Сур чалинганда одамларнинг даҳшатга тушиши баёни мавжуд. Бу даҳшат ҳар биримизнинг бошимизда бор. Бу баёнга ишонганим ҳолда фақат ўзимга хос бўлган бир мулоҳазамни айтмоқчиман: сур чалинди, ўликлар тирилди. Лекин бу умум учун бўлган ҳолат. Мен учун Қиёматнинг бошланиши сурнинг чалиниши, ўликнинг тирилиши билан чекланмайди. Ҳисоб чоғи Аллоҳ менга десаки: “Эй бандам, мен сенга ақл-заковат бериб эдим, саломатлик бериб эдим, ризқ бериб эдим сен у дунёни совуриб келиб менга рўпара бўлишдан уялмадингми?” Чиндан ҳам шундай савол берилса, мен учун қиёмат ана шундан бошланади. Мен учун дўзах азобидан кўра яратган Раббим ҳузурда уятли ҳолда туриши даҳшатлироқ. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шафотларидан умидворман ва қачондир дўзах азобидан қутилажакман. Аммо уят азобидан қутила олармиканман?

Шуларни тасаввур этаман ва кундалик ҳаётимда уятли ҳолга тушиб қолмаслик чораларини кўришга интиламан. Шу интилиши – менинг назаримда ўлимга тайёргарлик кўрмоқликдир.

Азизларимизнинг диққатларини яна бир нарсага тормоқчиман: жумъа намозларида сафда турган биродарларимизни кўриб кўзларимиз қувонади. Аллоҳга шукр! Аммо афсуски, бу сафлар фақат жумъа кунлари тўлади. Бошқа кунлари қайдалар у биродарлар? Бошқа жамоаларда ёки уйларида намоз ўқийдилар, дерсиз. Бунинкор этмаймиз, аммо ҳақиқат шуки, жумъада сафга турган би-



родарларимизнинг ҳеч бўлмаганда ярмига яқини фақат жумъада саждага бош қўядилар. Ундан кўпроқ биродарларимиз ислом илмини ўрганишга рағбат билдирмайдилар. Бир неча кичик сураларни ёд олиб беш вақт намозни эглаб ўқийдилар-да, шу билан ўзларига жаннат йўлланмасини гўё қўлган киритган бўлиб хотиржам яшай-верадилар. Ана шундай биродарларимизга эслатма:

“Ҳасан Басрийдан шундай ривоят қилинади: “Одамлар ичида дўзахда минг йил қолиб, кейин чиқадигани ҳам бор. Кошки, ўша киши бўлсам!”

Аллоҳ ундан рози бўлсин, Ҳасан Басрийнинг бир бурчакда йиғлаб ўтирганини кўришди. Ундан: “Нега йиғлаяпсиз?” деб сўрашди. “Жаҳаннамга улоқтирилиб, эътиборсиз қолишимдан даҳшатга тушяпман”, деди Ҳасан Басрий...”

Бу ривоятни ҳеч унутмайлик. Ибодатлари билан валий – Аллоҳнинг дўсти мартабасига етган одамки шундай деяптими, жаннатга тушиши учун беш вақт намоз ўқишни кифоя деб юрганлар нечоғлик адашаётганларини англаб етсалар нур аланнур бўлар, инша Аллоҳ!

СИЗ ТАНИШГАН ДОНИШ АҲЛИ:

Абдибек Шерозий Зайнулобидин (1515–1580) – Шарқнинг истеъдодли шоири, учта «Хамса» ёзган.

Абдулла Авлоний (1878–1934) – ўзбек маърифатпарвар адиби, олим, жамоат арбоби, ахлоқий-фалсафий китоб ва дарсликлар муаллифи.

Абдуллоҳ ибн Аббос (вафоти 688) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиваччалари, кучли фақиҳ, машҳур ҳадис ровийси бўлган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (вафоти ҳ. 32) – Исломга илк кирганларнинг олтинчиси, буюк фақиҳ, муфассир, муҳаддис ва мужтаҳидлардан, 840 ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Муборак (вафоти ҳ. 181) – Хуросоннинг улуг муҳаддис ва фақиҳ олимларидан.

Абдуллоҳ ибн Умар (вафоти 73/693) – машҳур саҳобалардан, мужтаҳид, фақиҳ, Расули акрамдан 2630 ҳадис ривоят қилган, ҳазрати Умарнинг ўғли, ўз даврида фатвода жуда пешқадам бўлган.

Абдулқодир Жийлоний (1077–1167) – қодирия сулуки асосчиси, тариқат шайхи.

Абдураззоқ Самарқандий (1413–1482) – машҳур тарихчи, сайёҳ олим.

Абдурауф Фитрат (1886–1937) – ўзбек маърифатпарвар олими ва адиби.

Абдурахмон Жомий (1414–1492) – шоир, Алишер Навоийнинг устози.

Абдурахмон ибн Авф (вафоти ҳ. 31) – илк мусулмон бўлган саккизликдан бири, фидокор саҳобий, Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган.

Абдухолиқ Ғиждувоний (1103–1179) – Хожагон тасаввуф тариқати асосчиси ва назариётчиси.

Абу Абдуллоҳ Рудакий (вафоти 941) – шоир, девон ва учта йирик дoston муаллифи.

Абу ад-Дардо (вафоти 652) – ансорлардан, Ухуддан бошлаб барча жанглар қатнашчиси, 179 ҳадис ривоят қилган.

Абу Аййуб Ансорий – саҳобалардан.

Абу Али Даққоқ (ҳ. I–III аср) – йирик мутасаввифлардан, сўфиёна асарлари анча машҳур.

Абу Али ибн Сино (980–1037) – тиб илмининг отаси, ўнлаб машҳур асарлар муаллифи.

Абу Аъло ал-Маррий (973–1057) – араб шоири.

Абу Бакр Варроқ Термизий – Тасаввуф шайхларидан.

Абу Бакр Муҳаммад (вафоти 881) – файласуф ва илоҳиётчи.

Абу Бакр Сиддиқ (572–634) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг энг яқин саҳобалари ва қайноталари, хулафои рошидиннинг биринчиси, илк Ислом билан шарафланганлардан.

Абу Бурда – саҳобийлардан, бир неча саҳиҳ ҳадисларни ёзиб қолдирган.

Абу Довуд (вафоти ҳ. 275) – улуғ муҳаддис, фақиҳ, унинг «Сунан» китоби «Кутуби ситта»га кирган «Жомиъ ус-сунан» китоби беш юз минг ҳадисни жамлаган.

Абу Зарр Ғифорий (вафоти ҳ. 31) – илк Исломга кирганлардан, таниқли олим, Пайғамбар алайҳиссаломдан 179 ҳадис ривоят қилган.

Абу Жуҳайфа (вафоти ҳ. 72) – Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан.

Абу Исо Термизий (вафоти ҳ. 275) – улуғ муҳаддис, «Кутуби ситта»дан бўлмиш «Сунани Термизий» муаллифи.

Абу Лайс Самарқандий (ҳ. 301/310 – 396/1003) – Мовароуннаҳрнинг улуғ фақиҳ ва муҳаддис олимларидан, «Танбеҳ ул-ғофилин», «Бўстон ул-орифин» асарлари машҳур.

Абул Асвад – тобеъинлардан, фақиҳ, муҳаддис, адиб ва шоир.

Абулбаракот Қодирий (XVI) – Бобурийлардан Акбаршоҳ даврида ёзилган «Качкўли Султоний» пандномаси муаллифи.

Абулмажд Саной (1045–1141) – Мовароуннаҳрнинг машҳур шоири, «Ҳадиқат ул-хақойиқ», «Сайр ул-ибод илал маод» асарлари бор.

Абулқосим Замахшарий (1075–1144) – атоқли олим, шоир, тилшунос, хаттот, тафсири ва араб тили грамматикасига доир «Ал-Муфассал» китоби машҳур.

Абулқосим Лоҳутий (1887–1957) – тожик шоири.

Абул Фароҳ (897–967) араб шоири ва олими.

Абулқосим Фирдавсий (934–1025) – 120 минг мисрали «Шоҳнома» достони муаллифи.

Абул Ҳасан Занжоний (X аср) – йирик шиа олими.

Абул Ҳасан Харақоний (вафоти 425/1034) – тасаввуф шайхларидан, “Башоратнома”, “Асрор ул-сулук” асарлари бор.

Абулҳасан Фаррухий (вафоти 1038) – форс-тожик шоири, қасидагўй.

Абу Мансур Саолибий (961–1038) – Нишопурлик сайёҳ ва олим, “Ятимат ут-даҳр” асари машҳур қилган.

Абу Мусо Ашъарий (вафоти ҳ. 50) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан, етук муҳаддис ва фақиҳ.

Абу Наср Форобий (873–950) – Қомусий олими, фалсафа, мантиқ, тилшуносликка доир 160 асар муаллифи, Арасту ҳақимдан сўнг «Иккинчи муаллим» лақабини олган.

Абу Нуъайм (ҳ. 336–430) – муҳаддис олим, «Ал-мавзуъот ал-Кубро» асари муаллифи.

Абу Райҳон Беруний (973–1048) – Қомусий олими, унинг «Ҳиндистон», «Сайдана», «Геодезия» каби асарлари жаҳонда тан олинган.

Абу Саид Худрий – Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан, кўплаб ҳадис ривоят қилган.

Абу Сулаймон Дороний (вафоти 215–830) – машҳур шайхлардан, Шомда зоҳидлик ҳаракатининг етакчиларидан.

Абу Толиб Маккий – машҳур сўфий ва муҳаддислардан, «Қутал-кулуб» ва бошқа асарлар муаллифи.

Абу Туроб Нахшабий – ўрта аср тасаввуф шайхларидан.

Абу Убайда ибн Жарроҳ (вафоти ҳ. 18) – тириклигадаёқ жаннатийлиги башорати берилган ашараи мубашшарадан бири, илк мусулмон бўлганлардан, Расулulloҳ билан кўп жангларда қатнашиб, саркардалиқ қилган.

Абу Умома Бохилий – Пайғамбар алайҳиссалом даврларида саҳоба оиласида туғилган болалардан, кейин тафсирчи бўлиб етишган.

Абу Усмон Жаририй – ўрта аср тасаввуф шайхларидан.

Абу Шукур Балхий (915-Х аср охири) – шоир.

Абу Шурайҳ (ҳ. II аср) – зоҳид ва тасаввуф шайхи.

Абу Ҳозим – тобеъинлардан, шайхларнинг пешвоси, саҳобалардан Анас ибн Молик, Абу Ҳурайра билан ҳамсуҳбат бўлган.

Абу Ҳомид Ғаззолий (ҳ. 450–505/1111) – Хужжатул-ислом, имом, «Ихёи улумид-дин» шоҳ асари ниҳоятда машҳур.

Абу Ҳурайра (вафоти 75/678) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг яқин саҳобаларидан ва у зот билан барча жангларда қатнашган ҳамда у зотдан 5374 та ҳадис ривоят қилган.

Аваз Ўтар (1884–1919) – шоир.

Авзой (88/707–157/774) – шомлик машҳур фикҳ олими.

Авлиё Чалабий (1611–1683) – туркиялик машҳур сайёҳ ва олим.

Адиб Собир Термизий (вафоти 1152) – шоир ва давлат арбоби.

Али ибн Абу Толиб (вафоти 661) – хулафои рошидиннинг тўртинчиси, Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиваччалари ва куёвлари.

Алишер Навоий (1441–1501) – шоир ва давлат арбоби.

Алмаий (1850–1895) – шоир ва олим.

Ал-Хоризий (1054–1128) – араб олими ва шоири.

Ал-Хусрий (1061 йили вафот этган) – араб мутафаккири.

Амир Темур (1336–1405) – Улуғ саркарда, соҳибқирон.

Анас ибн Молик (вафоти ҳ. 92) – Пайгамбар алайҳиссалом саҳобаларидан, кўплаб ҳадис ривоят қилган.

Анбар Отин (1870–1906) – шоира, бир девон ва насрий асари бор.

Андалиб (1710–1770) – туркман ва ўзбек шоири.

Асадий Тусий (вафоти 1072) – форс-тожик шоири.

Ато ибн Абу Рабоҳ (вафоти 732) – фақиҳ ва муҳаддислардан.

Аҳмад Дониш (1827–1897) – маърифатпарвар адиб ва олим.

Аҳмад Яссавий (вафоти 1166) – тасаввуф шоири, Яссавий тариқати асосчиси, «Девони ҳикмат» асари жуда машҳур.

Аҳмад Югнакий (XII–XIII асрлар) – самарқандлик туркий-ғўй шоир, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» достони муаллифи.

Аҳмад Ҳаворий – шайхликнинг энг юксак чўққисини эгаллаган аллома, Жунайд Бағдодий уни «Шом райҳони» деб атаган.

Аҳнаф ибн Қайс (вафоти 675) – тобеъинлардан, муҳаддис.

Бадриддин Ҳилолий (вафоти 1528) – Навоийнинг юксак баҳосини олган шоир, «Шоҳ ва дарвеш», «Лайли ва Мажнун» каби дostonлари бор.

Баззор (вафоти ҳ. 292) – илк муснад ёзган тафсирчилардан.

Байҳақий (ҳ. 384–458) – улуғ ҳадис ва фикҳ олими.

Бархурдор ибн Маҳмуд (XVII–XVIII асрлар) – шоир.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) – бухоролик дунёга машҳур тасаввуф шайхи, Нақшбандия тариқати асосчиси, унинг издошлари ҳозир ҳам кўп.

Бишр Хофий (вафоти 227/841) – Марвда туғилиб, Бағдодда яшаган тасаввуф шайхларидан, зоҳид.

Бобораҳим Машраб (1641–1711) – тасаввуф шоири, «Мабдаи нур», «Девонаи Машраб» асарлари, девони бор.

Боязид Бистомий (вафоти 261/874) – Шарқнинг таниқли тасаввуф шайхларидан.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ (34/694–104/728) – асли яманлик яҳудий, кўп ривоятлар қолдирган.

Вожидали Мужмалий – ўн биринчи асрнинг машҳур доғишмандларидан, “Матлаъ ул-улум ва мажмаъ ул-фунун” асари машҳур.

Гадоий (1403–1493) – шоир, ягона девони етиб келган.

Гулханий (XVIII–XIX асрлар) – ҳажвчи, масалчи, «Зарбулма-сал» асари машҳур.

Дайлабий – муҳаддис, «Муснад ул-фирдавс» ҳадис китобини тузган.

Дақиқий (930–977) – шоир.

Дурбек (XIV–XV асрлар) – шоир, «Юсуф ва Зулайҳо» достони бор.

Жавоҳарлаъл Неру (1889–1964) – Ҳиндистоннинг давлат ар-боби ва мутафаккири.

Жалолиддин Даввоний (вафоти 830–1427) – Шайбонийхон даврининг йирик донишманди.

Жалолиддин Румий (1207–1272) – атоқли тасаввуф шоири ва мутафаккири, «Маснавийи маънавий» номли шоҳ асар муаллифи.

Жаъфари Содик (вафоти 148–765) – Маккалик, аҳли Байтдан, ҳазрати Али набиралари, тобеъинлардан, улуғ валий.

Жобир (вафоти ҳ. 73) – машҳур саҳобалардан, Пайғамбар алайҳиссаломдан илм ва файз олган, 1540 ҳадис ривоят қилган.

Жунайд Бағдодий (вафоти 297/909) – бағдодлик машҳур мутасаввиф олим, тариқат шайхи.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) – Темурийзода шоҳ ва шоир, «Бобурнома» асари дунёда машҳур.

Зебуннисо (1636–1707) – Бобур авлодларидан шоҳ Аврангзебнинг қизи, шоира, «Зебун-нишот», «Иродаи фаҳм» каби асарлари бор.

Зубайр ибн Абу Бакр (786–870) – мадиналик олим, Маккада қози бўлган.

Зуннун Мисрий (вафоти 245–859) – мисрлик маърифат султони, маънавият пешқадами, йирик олим.

Зухрий – Ибн Шихоб номи билан машҳур муҳаддис.

Ибн Абу Мулайка (вафоти ҳ. 117) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўнги саҳобларидан.

Ибн Журайҳ (вафоти ҳ. 150) – Маккада ҳадис ишларини тартибли йўлга қўйган, ўзи ҳам ҳадис ривоят қилган, китоб ёзган.

Ибн Камолпошшо (XV–XVI аср) – олим ва шоир, «Нигористон» китоби шайх Саъдий таъсирида ёзилган.

Ибн Можа (вафоти ҳ. 273) – муҳаддис, унинг «Сунан»и «Кутуби ситта»га кирган.

Ибн Саммок – тобеъинлардан, Ислом воизи ва эътиборли имом бўлган, Хорун ар-Рашид унга ихлос қўйган.

Ибн Ҳиббон (вафоти ҳ. 354) – олим, уч жилдли «Ас-Сикот» китоби муаллифи.

Ибн Ҳузайма (вафоти ҳ. 311) – найсобурлик, саҳиҳ ҳадис тўплаган муҳаддислардан.

Иброҳим Адҳам (716–782) – Балх подшоҳининг ўғли, улуғ валийлардан, кўплаб кароматлар соҳиби, такво ва зуҳдда пешқадам.

Иброҳим ибн Уйайна (х. II–III аср) – тасаввуф шайхларидан, олим.

Иброҳим Тамимий (вафоти х. 92) – таниқли олим ва муҳаддис.

Иброҳим Ҳаввос (вафоти 292/903) – тажрид-таваккулга аҳамият берган тасаввуф шайхи.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (х. 80–150) – фақиҳ олим, Ҳанафия мазҳабининг имоми, Ислом оламининг ярми унинг мазҳабига асосланади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (х. 164–241) – Ҳанбалия мазҳаби асосчиси, «Муснад» китобида ўттиз минг ҳадис бор.

Имом Исмоил ал-Бухорий (194/810–256/871) – Ислом оламининг машҳур олими, атоқли муҳаддис, 600 минг ҳадис тўплаган, «Кутуби ситта»нинг энг мўътабари унинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» китобидир.

Имом Муслим (х. 204–261) – муҳаддис, унинг «Саҳиҳи Муслим»и “Сихоҳи ситта”нинг иккинчи китоби.

Имом Насаий (вафоти х. 303) – муҳаддис, унинг «Сунан»и «Кутуби ситта»га кирган.

Имом Раббоний (1564–1624) – «Силсилаи шариф»га кирган тариқат шайхларидан.

Имом Шофеъий (х. 150–204) – Шофеъий мазҳабининг асосчиси, муҳаддис ва Куръон тафсирчиси, ҳадис усули ва фикҳга доир асарлари бор.

Исмоил ибн Иёш – ўрта аср муҳаддис ва тафсирчиларидан.

Ийсо ибни Марям – Аллоҳнинг тўрт буюк пайғамбаридан бири, Биби Марямнинг ўғли, чин насронийлик динининг пайғамбари.

Кабир Дехлавий (1440–1518) – ҳиндистонлик таниқли мутафаккир.

Камолиддин Биноий (1453–1512) – Навоийга замондош бўлган шоир.

Камол Хўжандий (вафоти 1390) – форс-тожик шоири.

Каримбек Камий (1895–1922) – ўзбек маърифатпарвар шоири.

Каъбул Ахбор (вафоти 23/652) – ҳазрати Умар даврларида мусулмонликни қабул қилган яманлик яҳудий, исроилиёт ва мусулмон ривоятларининг энг эски ровийси ҳисобланади.

Киндий (283/ 897–350/961) – тафсир олимларидан, Миср тарихига доир бир неча асарлар муаллифи.

Комил Хоразмий (1825–1899) – хоразмлик таниқли маърифатпарвар шоир, дипломат.

Конфуций (мил. Олдинги 551–479) – қадимги Хитойнинг улут донишманди, ўз номидаги таълимотга асос солган.

Лао Цзи (мил. Олдинги 579–499) – қадимги Хитой файласуфи.

Луқмони Ҳаким – Қуръонда номи келган улут зотлардан, пайғамбар ёки валий экани хусусида ихтилоф бор, ахлоқий ўғит ва тиббий насиҳатлари кўп.

Лутфий (1366–1465) – шоир, девони ва «Гул ва Наврўз» достони бор.

Мажидиддин Хавофий (вафоти 1443) – кўзга кўринган аллома, фақиҳ, воиз, «Хористон» китоби муаллифи.

Мажлисий (XVI аср) – шоир, «Қиссаи Сайфулмулук» достони бор.

Маймун ибн Маҳрон (вафоти ҳ. 117) – куфалик тобеъинлардан, тасаввуф олими.

Мансур ибн Аммор – шайхларнинг ҳукамосидан ва саййидларидан, уламо, Хуросон ва Ироқда машҳур бўлган.

Махатма (Мохандас) Ганди (1869–1948) – Ҳиндистоннинг давлат арбоби ва мутафаккири.

Маҳдумқули (XVIII аср) – туркман шоири.

«Маҳзанул-улум» (Илмлар хазинаси) – Ҳиндистонда тартиб берилган қадимий форсча баёз.

Маҳмуд Аъсад Жўшон (1938–2001) – Имом Аъзам мазҳабининг туркиялик йирик илоҳиётчиси, Нақшбандия тариқати шайхи, адабиётчи олим, профессор.

Маҳмуд ибн Муҳаммад (XI аср) – «Одоб ул-музийфин ва зодул-оқилийн» номли форсча асар муаллифи.

Маҳмудхўжа Бехбудий (1875–1919) – ўзбек маърифатпарвар адиби, дин ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири, Яссавий авлодидан.

Маҳмуд Қошғарий (XI аср) – ўзбек қомусий олими, 1072 йилда ёзилган «Девону луғатит-турк» асари машҳур.

Мирза Шафий (1796–1852) – таниқли Озарбайжон шоири.

Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1721) – ота-онаси Мовароуннаҳрдан бўлган ҳиндистонлик шоир, «Комде ва Мудан» достони, рубоийлари Шарқда машҳур.

Молик ибн Динор (ҳ. I–II асрлар) – авлиёлардан, Ҳасан Басрийнинг сеvimли дўсти бўлган.

Мо-Цзи (мил. Олдинги 480–400) – Хитой файласуфи.

Мужоҳид (вафоти ҳ. 103) – муҳаддис, тобеъинларни кўрган.

Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878–1931) – ўзбек маърифатпарвар адиби, олим, жамоат арбоби, ахлоқий-фалсафий китоб ва дарсликлар муаллифи.

Муовия ибн Абу Суфён (603–682) – Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан, умавийлар Ислому давлатига асос солган.

Муоз ибн Жабал – Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан, Бадр жангги қатнашчиси.

Муъиниддин Жувайний (XV аср) – олим, унинг «Нигористон» асарини Улуғбек севиб ўқиган.

Муҳаммад Жомий (XV аср) – муҳаддис олим, «Риёз ун-носихийн» қомусий китоби муаллифи.

Муҳаммад Жабалрудий – «Жомиъ ут-тамсил» китоби муаллифи.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор – ҳиндистонлик олим, «Нуқоти ғариба» асари муаллифи.

Муҳаммад Зехний – машҳур турк олими, араб тилида ёзган «Муқаттаоти арабийя» (*Арабча ҳикматлар*) китоби Шарқда машҳур.

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн (вафоти 381/991) – шиа олимларидан.

Муҳаммад ибн Мунқадир – ўрта аср Ислому фақиҳларидан.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) – буюк математик, қомусий олим.

Муҳаммад ибн Сирин (вафоти 728) – тобеъинлардан, таниқли муҳаддис.

Муҳаммад Камол Пилав – туркиялик мутафаккир олим, уч юздан ортиқ илмий-маърифий асарлари бор.

Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий (1953–1987) – Нақшбандия тариқати устозларидан.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий (XVIII аср) – ўзбек шоири, адиби, таржимони, «Тазкират ул-авлиё туркий», «Ғавсул-Аъзам» китоблари бор.

Муҳаммад Солиҳ (1455–1534) – шоир, «Шайбонийнома» достони машҳур.

Муҳаммад Ҳусайн (XIX аср) – ҳиндистонлик олим ва донишманд, 1877 йили ёзилган «Мебойд дид» (*Кўрмоқ керак*) форсча асари ўша пайтдаёқ беш марта нашр этилган.

Мэн-Цзи (мил. Олдинги 372–289) – Хитойнинг Конфуцийдан кейинги энг буюк файласуфи.

Нажмиддин Кубро (1145–1221) – хоразмлик забардаст тасаввуф донишманди, Кубровия тариқати асосчиси.

Наҳаъий (ҳ. 95–177) – бухоролик таниқли муфассир.

Низомий Ганжавий (1142–1203) – шоир, шарқда «Хамса» ёзишга асос солган, бир неча ахлоқий-фалсафий асарлари бор.

Нодим Намангоний (1844–1910) – маърифатпарвар шоир.

Нодира (1792–1842) – шоира, Қўқон маликаси.

Носириддин Рабғузий (XIII–XIV асрлар) – ўзбек насрининг биринчи вакили, қози, «Қиссаи Рабғузий» асари Шарқда машхур.

Носир Хисрав (1004–1088) – шоир, давлат арбоби, «Рўшнонома», «Саодатнома», «Сафарнома» каби асарлари бор.

Нўмон ибн Башир (вафоти 64/682) – саҳобалардан, амир, кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

Огаҳий (1809–1874) – ўзбек шоир, муаррих, жамоат арбоби, мукаммал девон муаллифи.

Олимаат ул-Банот (XIX аср) – маърифатпарвар татар олимаси, «Муошарот одоби», «Қизлар тарбияси», «Оила дарслари» каби бир неча ахлоқий-маърифий китоблари бор.

Отыйи (XV аср) – балхлик етук шоир, ягона девони бор.

Паҳлавон Маҳмуд (**Маҳмуд Пурёрвалий**) (1247–1326) – улғу ўзбек мутафаккир шоири, рубоийларини форс тилида ёзган.

Пошшоҳўжа (1480–1567) – ўзбек адиби ва шоири, шайхулислом, бир неча асарлари бор.

Робиъа Адавийя (вафоти 185/804) – басралик мутасаввифа аёл, Оврўпада машхур бўлган илк Ислом сўфияларидан.

Рожий (1834–1918) – ўзбек шоири, ўн минг мисралик девони бор.

Роқим (1742 йилда туғилган) – ўзбек лирик шоири, мактабдори, маърифатпарвари.

Саид ибн Жубайр (ҳ. 46–95) – тобеъинлардан.

Саид ибн Мусайаб (вафоти ҳ. 94) – машхур тобеъинлардан.

Сайёдий (XVIII аср) – ўзбек шоири, машхур “Тоҳир ва Зухра” достони муаллифи.

Сайфи Саройи (1321–1396) – ўзбек туркийзабон шоири, Саъдийнинг «Гулистон»ини ўзбекчага таржима қилган.

Салмон Форсий (вафоти 35/655) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг эронлик саҳобалари.

Саъдий Шерозий (1184–1292) – шоир, “Гулистон”, “Бўстон” ахлоқий-маърифий шоҳ асарлар муаллифи.

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (вафоти 283/896) – зоҳид ва сўфийлардан, унинг «Тафсирул-Қуръонил Азим» китоби бизгача етиб келган.

Сидқий Хондайлақий (1884–1934) – маърифатпарвар шоир, бир неча дostonлари бор.

Сулаймон Ҳаввос – ўрта аср Ислом муфассирларидан.

Сумайт ибн Ожлон – ўрта аср Ислом тафсирчиларидан.

Суфён ибн Уйайна (ҳ. 107–198) – ҳадис олими.

Суфён Саврий (вафоти 161/777) – дастлабки фақиҳ ва зоҳидлардан, тасаввуф шайхи.

Сюн-Цзи (тахм. Мил. Олдинги 313–235) – қадимий Хитой файласуфи.

Сўфий Оллоҳёр (1620–1721) – ўзбек мутасаввиф шоири, “Маслак ул-муттақийн”, “Сабот ул-ожизин”, “Мурод ул-орифин” каби асарлари Шарқда машхур.

Танухий (329/940–384/994) – басралик араб муаллифи.

Тошхўжа Асирий (1865–1916) – тожик маърифатпарвар шоири.

Турди Фароғий (1641–1712) – ўзбек шоири, давлат арбоби.

Тҳакур Рабиндранат (1861–1941) – хинд ёзувчиси.

Умар ибн Хаттоб (591–644) – Пайғамбар алайҳиссаломнинг яқин саҳобалари ва қайноталари. Ўн ярим йил адолат билан ҳукмдорлик қилганлар.

Умар ибн Абдулазиз (682–720) – умавий ҳукмдорлардан, такводорлиги билан шуҳрат қозонган.

Увайс Қороний (вафоти 164/780) – Пайғамбар алайҳиссалом даврларида яшаб, у зот билан учрашолмаган зоҳидлардан.

Урва ибн Зубайр (647–717) – тобеъин, фақиҳ, Асмо бинти Абу Бакрнинг ўғли.

Умар Форук Сайдо Жазарий (1954) – туркиялик Нақшбандия тариқати устозларидан.

Умар Хайём (1040–1123) – қомусий олим ва шоир.

Убайд Зоконий (1270–1370) – ҳажвчи шоири.

Увайсий (1779–1842) – шоира.

Фаридиддин Аттор (1148–1220) – йирик тасаввуф олими ва шоири, “Мантиқ ут-тайр”, “Хисравнома”, “Илоҳийнома” каби кўплаб асарлар муаллифи.

Фахриддин Журжоний (XI аср) – шоир, 1048 йилда ёзилган “Вис ва Ромин” достони бор.

Фахриддин Али Сафий (1463–1532) – Замонасининг етук олими, “Рашоҳат” асари машхур.

Фузайл ибн Иёз (вафоти 187/802) – Хуросонда туғилиб, Маккада вафот этган улуғ тасаввуф шайхларидан.

Хан Фэй (мил. Олдинги 288–233) – қадимий Хитой файласуфи.

Хожа Самандар Термизий (1638–1740) – “Дастур ул-мулк”. (“Подшоҳларга қўлланма”) асари муаллифи.

Хун Цзичэн (16–17-асрлар) – хитойлик донишманд.

Хуррабий (XVI аср) – форсийзабон ўзбек шоири.

Хисрав Дехлавий (1253–1325) – форс, урду тилларида ижод қилган асли шахрисаблик шоир, “Хамса” муаллифи.

Шаддод ибн Авс (ҳ. I–II асрлар) – Пайғамбаримиз саҳобаларидан, етук олим.

Шайх Шиблий (вафоти 334/945) – бағдодлик шайхлардан, тасаввуф камолига кўп хизмат қилган.

Шақиқ Балхий (вафоти 164/780) – бутун умрини таваккул билан ўтказган тариқат шайхларидан, мингдан ортиқ шогирдга устозлик қилган.

Шурайх ибн Ҳорис (608–708) – тасаввуф устозларидан, пири комил.

Чжуан-Цзи (мил. Олдинги 369–286) – қадимий Хитой файласуфи.

Чжу Си (1130–1200) – хитойлик файласуф.

Шан Ян (мил. Олдинги 390–338) – Хитой файласуфи.

Юнус Эмро (вафоти ҳ. 320) – машҳур туркийзабон тасаввуф шоири.

Юсуф Хос Ҳожиб (1020 йилда туғилган) – илк туркий достоннависи, атоқли давлат арбоби, “Қутадғу билиг” пандномаси машҳур.

Яъқуб ибн Мисковайх – олим, ахлоқий мавзудаги “Жовидони хирад” асари муаллифи.

Яҳё ибн Муоз – машҳур авлиёлардан бири.

Қаюм Носирий (XIX аср) – татар маърифатнаравари, “Фавоқиҳ ал-жуласо” асари муаллифи.

Қобус (XI-аср) – шоир.

Қози Шурайх (вафоти ҳ. 78) – Куфа, Басра қозиси бўлган, тафсири бор.

Қўрқит ота – туркий халқларнинг энг қадимий оғзаки ижоди қахрамони.

Ҳайдар Хоразмий (XIV–XV асрлар) – шоир, бир неча достонлар муаллифи.

Ҳасан Басрий (ҳ. 21–110/728) – энг атоқли тобеъинлардан, ҳазрати Али тарбиялаган, кўплаб саҳобалар билан учрашган, ҳадис ва фикҳда буюк олим бўлган.

Ҳаким Термизий (831/932) – Мовароуннаҳр машоғийхларидан, йирик олим ва муҳаддис, бир қанча асарлари бор.

Ҳоким (ҳ. 321–405) – ўз асрининг улуғ олими, қози, муҳаддис, Шофеъий мазҳаби фақиҳларидан.

Ҳотами Асом – Балхнинг шайхларидан, Жунайд Бағдодий унга юксак баҳо берган.

Ҳофиз Хоразмий (XIV–XV асрлар) – шоир, ўн саккиз минг байтли шеърий мероси бор.

Ҳофиз Шерозий (1300–1389) – шоир.

Ҳувайдо (XVIII аср) – тасаввуф шоири.

Ҳузайфа (*вафоти ҳ. 35*) – тақволи ансорлардан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан кўп мулоқотда бўлган.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1440–1505) – мовароуннахрлик таниқли олим, адиб, унинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Калила ва Димна”, “Футувватномаи Султоний” асарлари Шарқда машхур.

Ҳусайн ибн Али (*вафоти 61/680*) – ҳазрати Алининг ўғли, Пайғамбар алайҳиссаломнинг набиралари.

Ҳусайний (1439–1506) – Темурийзода шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ахаллуси.

Абеляр Пьер (1079–1142) – француз файласуфи.

Кобо Абэ (1924–1993) – япон адиби.

Аврелий Марк (121–180) – Рим давлат арбоби ва файласуфи.

Аврелий Августин (354–430) – Шимолий Африқода туғилган таниқли файласуф ва нотик.

Адамс Генри (1838–1918) – Америка тарихчиси.

Аддисон Жозеф (1672–1716) – инглиз ёзувчиси.

Анахарсис Скифкий (*мил. Олдинги 638–559*) файласуф, келиб чиқиш жиҳатидан скиф.

Антисфен (*мил. Олдинги 444–366*) – юнон файласуфи.

Апулей (*II аср*) – Рим ёзувчиси.

Ахикар – милоддан олдинги саккизинчи-еттинчи асрларда яшаган мирза.

Аристотел (Арасту ҳаким) (*мил. Олдинги 384–322*) – юнон файласуфи, Македониялик Искандарнинг мураббийи.

Аристофан (*эрамизгача 446–385 йиллар*) – юнон шоири.

Архилок (*УП аср*) – юнон шоири.

Аристипп (*мил. Олдинги 430–355*) – юнон файласуфи.

Архимед (*эрамизгача тахминан 287–212*) – мутафаккир ва Юнонистоннинг буюк математиги.

Байрон Жорж (1788–1824) – инглиз шоири.

Балзак Оноре (1799–1850) – француз ёзувчиси.

Барбюс Анри (1873–1935) – француз ёзувчиси.

Барроу Исаак (1630–1677) – инглиз адабиётшуноси ва математиги.

Биант (*мил. Олдинги У1 аср*) – юнон файласуфи.

Белинский Виссарион (1811–1848) – рус адабиётшуноси.

Бернс Роберт (1759–1796) – шотланд шоири.

Биас (*эрамизгача У1 аср*) – юнон мутафаккири.

Богомолоц Александр (1881–1946) – рус физиолог олими.

- Бокаччо Жованни (1313–1375) – италян ёзувчиси.
Бомарше Пьер (1732–1799) – француз драматурги.
Боуви Кристиан (1820–1904) – Америка ҳажвчи-ёзувчиси.
Жордано Бруно (1548–1600) – италиялик файласуф ва табиатшунос, католик черкови уни шаккокликда айблаб қатл этган.
Буаст Пьер (1765–1824) – француз олими.
Бэкон Фрэнсис (1561–1626) – англиз олими.
Бюффон Жорж (1707–1788) – француз табиатшуноси.
Вашингтон Букер (1858–1915) – америкалик негр жамоат арбоби.
Вашингтон Жорж (1732–1799) – АҚШнинг биринчи президенти.
Вебер Карл (1767–1832) – немис ёзувчиси.
Вергилий (Публий Вергилий Марон) (эрамизгача 70–19 йиллар) – Рим шоири.
Верн Жюль (1828–1905) – француз ёзувчиси.
Вовенарг Люк (1715–1747) – француз ёзувчиси.
Волтер (Мари Франсуа Аруэ) (1694–1778) – француз ёзувчиси.
Гвиччардини Франческо (1483–1540) – италян тарихчиси.
Гегел Георг (1770–1831) – немис файласуфи.
Гей Жон (1685–1732) – англиз шоири.
Гейне Генрих (1797–1856) – немис шоири.
Гелвеций Клод (1715–1771) – француз файласуфи.
Гераклит (Букрот ҳаким) (тахм. Мил. Олдинги 535–475) – юнон донишманди.
Геродот (эрамизгача тахминан 484–425 йиллар) – юнон тарихчиси.
Герцен Александр (1812–1870) – рус ёзувчиси.
Гёте Иоганн (1749–1832) – немис шоири.
Гиппократ (эрамизгача 460–377 йиллар) – юнон антик медицина асосчиси.
Гоголь Николай (1809–1852) – рус ёзувчиси.
Голбах Пол (1723–1789) – француз файласуфи.
Гомер (эрамизгача ХП–УП асрлар ўртаси) – юнон шоири.
Гораций (эрамизгача 65 й. – эрамизнинг 8 й.) – Рим шоири.
Горкий Максим (Алексей Пешков) (1868–1936) – рус ёзувчиси.
Грасиан Балтасар (1601–1658) – испан файласуфи ва илоҳиёт олими.
Грибоедов Александр (1795–1829) – рус шоири.
Горгий (мил. Олдинги 483–375) – юнон файласуфи.
Гумболд Александр (1769–1859) – немис табиатшуноси.
Гумболд Вилгелм (1767–1835) – немис файласуфи.
Гезлитт Уилям (1778–1830) – англиз танқидчиси.
Гюго Виктор (1802–1885) – француз ёзувчиси.

Данте Алигъери (1265–1321) – италян шоири.
Дарвин Чарлз (1809–1882) – англиз табиатшуноси.
Декарт Рене – (1596–1650) – француз файласуфи ва мате-
матики.

Декурсел Адриан (1821–1892) – француз драматурги.
Делакруа Эжен (1798–1863) – француз рассоми.
Демокрит (мил. Олдинги 460–360) – юнон файласуфи.
Демонакт (милодий биринчи аср) – римлик файласуф.
Демосфен (эрамизгача 384–322 йиллар) – Афинанинг воизи.
Дефо Даниел (тахминан 1660–1731) – англиз ёзувчиси.
Дидро Дени (1713–1784) – француз ёзувчиси.
Диккенс Чарлз (1812–1870) – англиз ёзувчиси.
Диоген (мил. Олдинги 400–323) – юнон файласуфи, Македо-
ниялик Искандар билан мулоқотда бўлган.

Дистервег Адолф (1790–1866) – немис маърифатпарвари.
Добролюбов Николай (1836–1861) – рус адабиётшуноси.
Достоевский Фёдор (1821–1881) – рус ёзувчиси.
Дюкло Шарл (1704–1772) – француз тарихчиси.
Дюма Александр (1802–1870) – француз ёзувчиси.
Еврипид (эрамизгача тахминан 480–406 йиллар) юнон драматурги.
Жефферсон Томас (1743–1826) – АҚШ президенти.
Жонсон Бенжамин (1573–1637) – англиз шоири ва драматурги.
Жонсон Самюэл (1709–1784) – англиз шоири.
Жордан Дэвид (1851–1931) – Америка маърифатпарвари.
Зенон (мил. Олдинги 490–430) – Италиянинг Элея шаҳарчаси-
дан бўлган донишманд олим. Тарихда иккита Зенон ўтган, яна
бири китийлик юнон файласуфи Зенондир (мил. Олдинги 346–264)

Золя Эмил (1840–1902) – француз ёзувчиси.
Ибсен Генрик (1828–1906) – норвег драматурги.
Иммерман Карл (1796–1840) – немис ёзувчиси.
Ирвинг Уошингтон (1783–1859) – Америка ёзувчиси.
Исократ (Эрамизгача 436–338) – афиналик ёзувчи ва нотик.
Казбеги Александр (1848–1893) – грузин ёзувчиси.
Кампанелла Томмазо (1568–1639) – италян ёзувчиси.
Кант Иммануил (1724–1804) – немис файласуфи.
Қапиев Эффенди (1909–1944) – озарбайжон шоири.
Карамзин Николай (1766–1826) – рус ёзувчиси.
Карлейл Томас (1795–1881) – англиз ёзувчиси.
Катта Катон (эрамигача 234–149 йиллар) – Рим ёзувчиси.
Квинтилиан Марк (тахминан 35–96 йиллар) – римлик нотик.
Клеовул (эрамизгача У1 аср) – юнон мутафаккири.
Ключевский Василий (1841–1911) – рус тарихчиси.
Колтон Чарлз (1780–1832) – англиз адабиётшуноси.

Коменский Ян (1592–1670) чех маърифатпарвари.
Корнел Пьер (1606–1664) – француз драматурги.
Корчак Януш (1878–1942) – поляк ёзувчиси.
Кристи Агата (1890–1976) – инглиз ёзувчиси.
Куприн Александр (1870–1938) – рус адиби.
Лабрюйер Жан (1645–1696) – француз ёзувчиси.
Ламартин Алфонс (1790–1869) – француз шоири.
Ларошфуко Франсуа (1613–1680) – француз ёзувчиси.
Лафатер Иоганн (1741–1801) – Швейцария ёзувчиси.
Лафонтен Жан (1621–1695) – француз масалчи-шоири.
Лаубе Генрих (1806–1884) – немис драматурги.
Леббок Жон (1834–1913) – инглиз табиатшуноси.
Лейбниц Готфрид (1646–1716) – немис файласуфи.
Леонардо да Винчи (1452–1519) – италян олими ва рассоми.
Лермонтов Михаил (1814–1841) – рус шоири.
Лессинг Готхолд (1729–1781) – немис драматурги.
Линколн Авраам (1809–1865) – АҚШ президенти.
Лихтенберг Георг (1742–1799) – немис ёзувчиси.
Локк Жон (1632–1704) – инглиз файласуфи.
Лондон Жек (1876–1916) – америкалик адиб.
Ломоносов Михаил (1711–1765) – рус олими.
Лукиан (тахминан 117–190 йиллар) – юнон адиби.
Лукреций Тит (эрамизгача 1 аср) – Рим шоири.
Мадзини Жузеппе (1805–1872) – италян публицисти.
Макиавелли Николо (1469–1527) – италян ёзувчиси.
Маколей Томас (1800–1859) – инглиз тарихчиси.
Максвелл Жемс (1831–1879) – инглиз физик олими.
Манн Генрих (1871–1950) – немис адиби.
Манн Томас (1875–1955) – немис адиби.
Менандр (эрамиздан олдинги 343–291) – юнон шоири.
Мериме Проспер (1803–1870) – француз адиби.
Милтон Жон (1608–1674) – инглиз шоири.
Мольер Жан Батист (1622–1673) – француз драматурги.
Монтегью Мари (1690–1762) – инглиз адибаси.
Монтен Мишел (1533–1592) – француз файласуфи.
Монтескье Шарл (1689–1755) – француз файласуфи.
Моруа Андре (1885–1967) – француз ёзувчиси.
Мо-Цзи (мил. Олдинги 480–400) – қадимий Хитой файласуфи.
Наполеон Бонапарт (1769–1821) – француз императори.
Некрасов Николай (1821–1877) – рус шоири.
Овидий (эрамиздан олдинги 43–эрамизнинг 17 йиллари) – Рим шоири.
Олкотт Амос (1799–1888) – Америка ёзувчиси.
Островский Александр (1823–1886) – рус драматурги.

- Павлов Иван (1849–1936) – рус физиолог олими.
- Паскал Блез (1623–1662) – француз математики ва адиби.
- Пенн Уильям (1644–1718) – Америка жамоат арбоби.
- Петрарка Франческо (1304–1374) – италиялик шоир.
- Периандр (мил. Олдинги 666–586) – юнон донишманди.
- Пирогов Николай (1810–1881) – рус жарроҳи.
- Писарев Дмитрий (1840–1868) – рус адабиётшуноси.
- Питтак (мил. Олдинги 651–569) – юнон донишманди.
- Пифагор (мил. Олдинги 576–496) – юнон файласуфи.
- Плавт Тит (эрамиздан олдинги III аср) – Рим адиби.
- Платон (Афлотун ҳаким) (мил. Олдинги 428–347) – юнон файласуфи, Суқрот ҳакимнинг шогирди.
- Плиний Катта (23–79 йиллар) Рим ёзувчиси.
- Плутарх (тахм. 46–127) – юнонистонлик файласуф.
- Поп Александр (1668–1744) – инглиз шоири.
- Пришвин Михаил (1873–1954) – рус адиби.
- Публилий Сир (эрамиздан олдинги I аср) – Рим шоири.
- Пушкин Александр (1799–1837) рус шоири.
- Пэн Томас (1737–1809) – инглиз публицисти.
- Рабле Франсуа (1494–1553) – француз ёзувчиси.
- Райнис Янис (1865–1929) – латиш шоири.
- Рей Жон (1627–1705) – инглиз табиатшуноси.
- Ренан Жозеф (1823–1892) – француз тарихчиси.
- Ренар Жюл (1864–1910) – француз ёзувчиси.
- Рене Жан Батист (1735–1820) – француз файласуфи.
- Роллан Ромен (1866–1944) – француз ёзувчиси.
- Роттердамлик Эразм (1469–1536) – нидерландиялик донишманд.
- Рубакин Николай (1862–1946) – рус ёзувчиси.
- Руссо Жан Жак (1712–1778) – француз ёзувчиси.
- Руставели Шота (XII аср) – грузин шоири.
- Свифт Жонатан (1667–1745) – инглиз ёзувчиси.
- Сенанкур Этьен (1770–1846) – француз ёзувчиси.
- Сенека (мил. 65 йили вафот этган) – Рим файласуфи.
- Сент-Экзюпери Антуан (1900–1944) – француз ёзувчиси.
- Сервантес (1547–1616) – испан ёзувчиси.
- Сковорода Григорий (1722–1794) – украин шоири.
- Скотт Валтер (1771–1832) – инглиз ёзувчиси.
- Смайлс Смаэюл (1816–1903) – инглиз ёзувчиси.
- Солон (эрамизгача тахминан 638–559 йиллар) – юнон файласуфи.
- Софокл (эрамизгача тахминан 497–406 йиллар) – юнон драматурги.
- Спенсер Герберт (1820–1903) – инглиз файласуфи.
- Спиноза Бенедикт (1632–1677) – голланд файласуфи.

Стендаль (1783–1842) – француз ёзувчиси.
Сократ (Сукрот ҳаким) (мил. Олдинги 469–399) – юнон файласуфи.

Сухомлинский Василий – (1918–1970) – рус маърифатпарвари.
Тассо Торквато (1544–1595) – италян шоири.
Тацит Публий (тахминан 55–120 йиллар) – Рим тарихчиси.
Твен Марк – (1835–1910) – Америка ёзувчиси.
Теккерей Уилям (1811–1863) – инглиз ёзувчиси.
Теренций Публий (эрамизгача 195–159 йиллар) – Рим шоири.
Толстой Алейсей (1883–1945) – рус адиби.
Толстой Лев (1828–1910) – рус адиби.
Тургенев Иван (1818–1883) – рус адиби.
Тэн Ипполит (1828–1893) – француз тарихчиси.
Ушинский Константин (1824–1870) – рус маърифатпарвари.
Фабр Жан (1823–1915) француз табиатшунос олими.
Фалес (мил. Олдинги 625–547) – юнон файласуфи.
Фенелон Франсуа (1651–1715) – француз ёзувчиси.
Феогнид (эрамизгача У1 аср) – юнон шоири.
Феокрит (эрамизгача Ш аср) – юнон шоири.
Феофаст (эрамизгача 372–287 йиллар) – юнон файласуфи.
Филдинг Генри (1707–1754) – инглиз ёзувчиси.
Флобер Густав (1821–1880) – француз ёзувчиси.
Флор Луций (II аср) – Рим тарихчиси.
Фонвизин Денис (1745–1792) – рус адиби.
Фонтане Теодор (1819–1898) – немис ёзувчиси.
Фонтенел Бернар (1657–1757) – француз ёзувчиси.
Франклин Бенжамин (1706–1790) – америкалик файласуф.
Франс Анатол (1844–1924) – француз ёзувчиси.
Фуллер Томас (1608–1661) – инглиз адабиётшуноси.
Хилон (эрамизгача УП-У1 аср) – юнон файласуфи.
Цвейг Стефан (1881–1941) – Австрия ёзувчиси.
Циолковкий Константин (1857–1935) – рус олими.
Цицерон Марк (мил. Олдинги 106–43) – Юнон файласуфи.
Чернишневский Николай (1828–1889) – рус адиби.
Честертон Гилберт (1874–1936) – инглиз адиби.
Честерфилд Филипп (1694–1733) – инглиз адиби.
Чехов Антон (1860–1904) – рус адиби.
Чосер Жефри (1340–1400) – инглиз шоири.
Ченнинг Уилям (1780–1842) – америкалик адиб.
Шамфор Никола (1741–1794) – франсуз файласуфи.
Швейцер Алберт (1875–1965) немис файласуфи.
Шекспир Вилям (1564–1616) – инглиз драматурги.
Шелгунов Николай (1824–1891) рус публицисти.

- Шеридан Ричард (1751–1816) – англиз драматурги.
 Шефер Леополд (1784–1862) – немис шоири.
 Шиллер Иоганн (1759–1805) – немис драматурги.
 Шопенгауэр Артур (1788–1860) – немис файласуфи.
 Шоу Бернард (1856–1950) – англиз адиби.
 Чаадаев Пётр (1794–1856) – рус мутафаккири ва адиби.
 Эбнер-Эшенбах (1830–1916) – Австрия адибаси.
 Эзоп (мил. Олдинги тахм. 640–560) – Самос оролида яшаган доно кул, кўплаб масаллар муаллифи.
 Эллиот Жорж (1819–1880) – англиз адибаси.
 Эмерсон Ралф (1803–1882) – Америка файласуфи.
 Эпиктет (50–135) – Рим файласуфи.
 Эпикур (мил. Олдинги 341–270) – юнон файласуфи.
 Эсхил (эрализгача 525–456 йиллар) юнон драматурги.
 Ювенал Децим (60–127) Рим шоири.
 Юм Давид (1711–1776) – англиз файласуфи.
 Юнг Эдвард (1683–1765) – англиз шоири.
 Якобс Эдуард (1683–1765) – англиз адиби.

594

Азиз китоб муҳиблари, ҳикмат аҳлининг бу рўйхатини шунчаки танишиш учун бермадик. Гап шундаки, биз алломаю донишмандларнинг денгиз қадарли ҳикматларидан бир неча томчидан олиб, сизларга тортиқ қилдик. Бу томчилардан баҳраманд бўлганингиздан сўнг ҳикмат денгизидан тўйиб-тўйиб ичгингиз келар. Рўйхатдаги исмлар сизга ана шунда керак бўлади. Донишмандларнинг кўп асарлари рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Айримлари ҳозирги кунларимизда ҳам қайта-қайта нашр этиляпти. Илгарироқ чиққан китобларни эса кутубхоналардан топишингиз мумкин. Олтидан ҳам қимматроқ, аниқроқ айтсак, бебаҳо бўлган вақтингизни беҳуда ишларга сарф этмай, бизларга мерос қолган китоблардаги ҳикматлар билан дўст тутинсангиз, ҳикматларни англаб, уларга риоя қилсангиз файзли хонадонингиз осмонида саодат қуёши ҳамиша поралаб туражак, инша Аллоҳ!

МУНДАРИЖА

Жон қўшним	7
Халқ мақолларидан:	15
Меҳмон – уйнинг зийнати.....	14
Халқ мақолларидан:	24
Олтин олма, илм ол.....	26
Халқ мақолларидан:	45
Тафаккур кемалари.....	46
Жохил қолсанг дунёда, хўрлик келар зиёда	119
Халқ мақолларидан:	154
Ақл ва оқил.....	156
Халқ мақолларидан	159
Донолик – амал эрур.....	162
Халқ мақолларидан:	178
Нодонлигин тан олмас нодон	180
Халқ мақолларидан:	194
Тилингни авайла – омондир бошинг	196
Халқ мақолларидан:	256
Саломинг бўлмаса.....	260
Халқ мақолларидан:	300
Хирадманд чин сўздин ўзга демас.....	301
Халқ мақолларидан:	332
Эгизак иллатлар.....	335
Халқ мақолларидан:	352
Занг темирни емирар, ҳасад – одамни	353
Халқ мақолларидан:	363
Камтарга – камол, манманга – завол.....	364
Халқ мақолларидан:	424
Ялқовлик меваси.....	426
Халқ мақолларидан:	470
Бузилган элни ботир тузатар	473
Халқ мақолларидан:	489
Биздан эмасдирлар, ватанни севмаганлар	492
Халқ мақолларидан:	509
Инсон бахтли бўлиш учун яралган	511
Халқ мақолларидан:	545
Ҳикматлардан қувват олган ҳикматлар.....	546
Сиз танишган дониш аҳли:	577



- Шеридан Ричард (1751–1816) – англиз драматурги.
 Шефер Леополд (1784–1862) – немис шоири.
 Шиллер Иоганн (1759–1805) – немис драматурги.
 Шопенгауэр Артур (1788–1860) – немис файласуфи.
 Шоу Бернард (1856–1950) – англиз адиби.
 Чаадаев Пётр (1794–1856) – рус мутафаккири ва адиби.
 Эбнер-Эшенбах (1830–1916) – Австрия адибаси.
 Эзоп (мил. Олдинги тахм. 640–560) – Самос оролида яшаган доно қул, кўплаб масаллар муаллифи.
 Эллиот Жорж (1819–1880) – англиз адибаси.
 Эмерсон Ралф (1803–1882) – Америка файласуфи.
 Эпиктет (50–135) – Рим файласуфи.
 Эпикур (мил. Олдинги 341–270) – юнон файласуфи.
 Эсхил (эрамизгача 525–456 йиллар) юнон драматурги.
 Ювенал Децим (60–127) Рим шоири.
 Юм Давид (1711–1776) – англиз файласуфи.
 Юнг Эдвард (1683–1765) – англиз шоири.
 Якобс Эдуард (1683–1765) – англиз адиби.

Азиз китоб муҳиблари, ҳикмат аҳлининг бу рўйхатини шунчаки танишиш учун бермадик. Гап шундаки, биз алломаю донишмандларнинг денгиз қадарли ҳикматларидан бир неча томчидан олиб, сизларга тортиқ қилдик. Бу томчилардан баҳраманд бўлганингиздан сўнг ҳикмат денгизидан тўйиб-тўйиб ичгингиз келар. Рўйхатдаги исмлар сизга ана шунда керак бўлади. Донишмандларнинг кўп асарлари рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Айримлари ҳозирги кунларимизда ҳам қайта-қайта нашр этиляпти. Илгарироқ чиққан китобларни эса кутубхоналардан топишингиз мумкин. Олтиндан ҳам қимматроқ, аниқроқ айтсак, бебаҳо бўлган вақтингизни беҳуда ишларга сарф этмай, бизларга мерос қолган китоблардаги ҳикматлар билан дўст тутинсангиз, ҳикматларни англаб, уларга риоя қилсангиз файзли хонадонингиз осмонида саодат куёши ҳамиша поралаб туражак, инша Аллоҳ!

МУНДАРИЖА

Жон кўшним	3
Халқ мақолларидан:	13
Меҳмон – уйнинг зийнати.....	14
Халқ мақолларидан:	24
Олтин олма, илм ол.....	26
Халқ мақолларидан:	93
Тафаккур кемалари.....	96
Жоҳил қолсанг дунёда, хўрлик келар зиёда.....	119
Халқ мақолларидан:	134
Ақл ва оқил.....	136
Халқ мақолларидан	159
Донолик – амал эрур.....	162
Халқ мақолларидан:	178
Нодонлигин тан олмас нодон	180
Халқ мақолларидан:	194
Тилингни авайла – омондир бошинг	196
Халқ мақолларидан:	256
Саломинг бўлмаса.....	260
Халқ мақолларидан:	300
Хирадманд чин сўздин ўзга демас.....	301
Халқ мақолларидан:	332
Эгизак иллатлар.....	335
Халқ мақолларидан:	352
Занг темирни емирар, ҳасад – одамни	353
Халқ мақолларидан:	363
Камтарга – камол, манманга – завол.....	364
Халқ мақолларидан:	424
Ялқовлик меваси.....	426
Халқ мақолларидан:	470
Бузилган элни ботир тузатар	473
Халқ мақолларидан:	489
Биздан эмасдирлар, ватанни севмаганлар	492
Халқ мақолларидан:	509
Инсон бахтли бўлиш учун яралган	511
Халқ мақолларидан:	545
Ҳикматлардан қувват олган ҳикматлар.....	546
Сиз танишган дониш аҳли:.....	577